



سرشناسه : گروهی از محققان.  
عنوان و نام پدیدآور : تاریخ واقعه غدیر از دیدگاه منظر قرآن و سنت / مولف گروهی از محققان.  
مشخصات نشر : قم: نورالامین، ۱۴۴۴ ق. = ۱۴۰۱.  
مشخصات ظاهری : ۳۴۰ ص.  
شابک : ۹۷۸-۶۲۲-۷۱۵۶-۴۲-۳  
وضعیت فهرست نویسی : فیپا  
یادداشت : ترکی ازبکی.  
یادداشت : چاپ دوم: ۱۴۰۱  
یادداشت : بخش‌هایی از کتاب به زبان عربی است.  
موضوع : غدیر خم / Ghadir  
غدیر خم -- جنبه‌های قرآنی / Ghadir -- Qur'anic teaching  
غدیر خم -- احادیث اهل سنت / Ghadir -- Hadiths (Sunnite)  
رده بندی کنگره : BP۲۲۳/۵  
رده بندی دیویی : ۲۹۷/۴۵۲  
شماره کتابشناسی ملی : ۸۷۶۶۹۶۰  
مرجع تولید : نمایندگی جامعه المصطفی ﷺ در ازبکستان  
این کتاب با کاغذ حمایتی منتشر شده است  
NBP56

ҒАДИЙР ВОҚЕАСИ ТАРИХИ ҚУРЪОН ВА СУННАТ НИГОҲИДАН  
"Халқаро Илмий Тадқиқот" муассасасининг  
таржимонлар ва муаллифлар гуруҳи

Чоп навбати: Иккинчи 1401sh / 1444gh / 2022m

Ношир: Nuurulamin

Адади: 500

Printing: Almostafa's Digital Printing house / Print-run: 500

تاریخ واقعه غدیر از منظر قرآن و سنت (ویراست جدید)

مؤلف: گروهی از محققان

چاپ دوم: ۱۴۰۱ ش / ۱۴۴۴ ق

ناشر: نورالامین

چاپ: چاپخانه دیجیتال المصطفی ﷺ / شمارگان: ۵۰۰ / قیمت:

pub.nooralamin@gmail.com

©Китобнинг барча ҳуқуқлари ношир учун ҳимояланган.



ҒАДИЙР ВОҚЕАСИ  
ТАРИХИ ҚУРЪОН ВА  
СУННАТ НИГОҲИДАН

"Халқаро Илмий Тадқиқот"  
муассасасининг таржимонлар  
ва муаллифлар гуруҳи

To begin and execute a research is like walking in the path of development and evolvement. When the seeds of the “questions” are planted, in the soil of the mind of the researcher, this phase initiates, and its end is culminated when the result and the outcome of knowledge and wisdom is gained.

Evidently, this end is a new chapter in itself, for growth, and announces beforehand this good news to humans. For the result of all those mental efforts will not only bring the blooming and flowering of talent and all kinds of Blessings to humans, but it also makes the mind of the researcher to ponder and shape new, more questions.

This will produce a great collection of growing plants and flowers for the seeking mind... Those “questions” are in fact, the seeds, which according to the necessities of Time and the strength of the researchers will grow and bloom by themselves. They will make Culture and Civilization to move forward.

In like manner, the increasing rate of transferring oneself from one place to another place and the decrease of the distances will make those seeds travel miles and miles, to faraway places, in order to install them inside the curious mind of other seekers. This will bring an amazing diversity and a novelty for another civilization...

It is true then, that the presence of knowledge and a good, capable management will help this project to develop itself and one has to admit indeed, that it has always played an important role...

Al-Mustafa International Publication and Translation Center, because of its global mission, and its special position among the Religious Schools and the colorful human diversity that it has developed inside itself, sees it as a moral duty to procure all the appropriate conditions for any research works, and takes its role in this matter, most seriously. To procure all kinds of necessary grounds, with an excellent management of all the existing possibilities and talents, and to care and protect all its researchers in religious fields; these are the most crucial responsibilities of the Department of Research in this International center.

We dearly hope that by being attentive to all these autonomous scientific movements, and by fortifying all the existing motives, we shall be able to witness the blooming of the Religious Culture in every part of this wide world!

**Al-Mustafa International  
Publication and Translation Center**

---

## МУНДАРИЖА

---

СЎЗБОШИ	7
ҒАДИЙР КУНИ ЗИЁРАТНОМАСИ	33
Ҳазрати Али <sup>(a.c)</sup> – тўғри йўл раҳнамоси	41
ҲАЗРАТИ АЛИ <sup>(A.C)</sup> – БАРҲАҚ ХАЛИФА ВА РАҲНАМО	43
Ҳазрати Алининг Пайғамбар <sup>(c.a)</sup> наздидаги мартабалари	46
Манзилат ҳадисидан келиб чиқадиган хулосалар	51
Ҳазрати Али – Пайғамбар <sup>(c.a)</sup> вазифаларини адо этувчи	52
Али ибн Аби Толиб – Тўғри Йўл Соҳиби	57
Ҳазрати Али <sup>(a.c)</sup> – Аллоҳга иймон келтириб, Унга молу жонини бахшида этган зот	60
Аллоҳнинг Расулulloҳ <sup>(c.a.o)</sup> га юборган фармони ҳақида	64
Расулulloҳ <sup>(c.a.o)</sup> нинг Ғадийр Кунидаги Хутбалари ҳақида	66
Ғадийр Хум хутбасининг тўлиқ матни	73
Ғадийр кунида диннинг комил бўлиши ҳақида	109
Ғадийр куни байъати ва табриклаш маросими ҳақида	113
Ҳазрати Али <sup>(a.c)</sup> пешволигини инкор қилишнинг оқибати	115
Ғадийр ҳадисидан олинадиган хулосалар	117
Ғадийр ҳадиси ҳақидаги шубҳага жавоб	125
Мубоҳала кунидаги ҳазрати Алининг мартабалари ҳақида	132
Баъзи саҳобаларнинг Аллоҳ фармонидан бош тортиши	138
Қуръон оятида ҳазрати Али <sup>(a.c)</sup> пешволигининг тасдиқланиши	147
Аҳли-Байт ўзгаларни ўзларидан устун қўйишлари	154
Ҳазрати Али <sup>(a.c)</sup> – Аллоҳнинг иймонли бандаси	158
Хандақ урушидаги фидокорлик ҳақида	161
Ухуд урушида ҳазрати Али <sup>(a.c)</sup> нинг беназир фидокорликлари	163
Ҳазрати Алининг Хайбар жангида ғалаба қозонишлари ҳақида	176
Ҳазрати Али барча жангларнинг тақволи сардори	191
Нокисийн ёки Жамал жанги фитнаси ҳақида	193
Ростгўй – Маъсумларга эргашиш ҳақида	196
Ҳазрати Али <sup>(a.c)</sup> – Ҳақни ошкор этувчи зот	198
Сиффийн жангида Аммор ибн Ёсир <sup>(p.a)</sup> нинг шаҳид бўлиши	199
Ғадакнинг дардли воқеаси ҳақида	202

## **6 ҒАДИЙР ВОҚЕАСИ ТАРИХИ ҚУРЪОН ВА СУННАТ НИГОҲИДАН**

---

Пайғамбаримиз меросларининг тортиб олиниши _____	207
Нега Фадак боғи Фотима(с.а) га қайтарилмади? _____	211
Расулulloҳ (с.а.о) вафотларининг инкор қилиниши _____	213
Сақифаи бани Соида воқеаси ҳақида _____	223
Ҳазрати Фотима (с.а)нинг уйларига ҳужум қилиниши _____	235
Муҳолифларни байъат қилишга мажбурламоқ _____	240
Абу Бакрнинг ўз қилмишидан пушаймонлиги ҳақида _____	250
Аббос <sup>(р.а)</sup> Абу Бакрнинг халифалигини инкор этиши _____	252
Абу Бакрнинг халифалик хутбаси ҳақида _____	255
Айрим саҳобаларнинг Қиёмат кунидаги оқибати _____	258
Пайғамбаримиз хонадонларининг пок ва маъсумлиги хусусидаги Татҳир ояти _____	269
Пайғамбаримизнинг Аҳли-Байтлари кимлардан иборат? _____	274
Татҳир ояти алоҳида келмаганининг сабаби ҳақида _____	282
Лайлатул мабийт кечасидаги фидокорлик ҳақида _____	287
Сиффин жанги фитнаси ҳақида _____	291
Али <sup>(а.с)</sup> – Аллоҳ йўлида чекинмайдиган довюрак зот _____	299
Наҳравон жанги фитнаси ва ҳазрати Али <sup>(а.с)</sup> нинг меҳробда шаҳид бўлишлари _____	300
Пайғамбаримиз Муҳаммад <sup>(с.а.о)</sup> нинг Ҳақикий Халифа ва Ворислари кимлар? _____	307
Ушбу ҳадисларнинг маъно-мазмуни ҳақида _____	309
Имомларнинг исмлари билан тайин этилганликлари ҳақида _____	313
ХОТИМА _____	327
УШБУ АСАРДА ҚўЛЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР _____	331

---

## СЎЗБОШИ

---

Бизни сўнги ҳақ ва комил дин бўлган Исломга бўйин эгиб, ҳидоят сари юзланиб ҳақ йўлни танлашдек буюк тавфиққа шарафёб этган юксак Парвардигоримиз Аллоҳ таолога беадад ҳамду санолар бўлсин ҳамда ул Зотнинг севикли бандаси ва энг сўнги элчиси бўлмиш сарвари олам Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)га ва ул ҳазратнинг барча гуноҳ ва хатолардан йироқ бўлган маъсум ва мутахҳар Аҳли-Байтлари-хонадонлари аҳлига салавоту дурудларимиз бўлсин.

Аллоҳ таоло инсонни яратар экан, Тангрини таниб инсоний ҳаёт кечиб юксак камолотга эришиши, ер юзида Аллоҳнинг халифаси ҳамда энг шарафли ва азиз бандаси бўлиши учун Ўз элчилари ва пайғамбарларини улар томон юборди ва улар орқали Ўзининг ҳаётбахш кўрсатмаларини – илоҳий китобларини жўнатиб турди. Ушбу илоҳий китобларнинг энг охиргиси, ўзидан олдинги самовий китобларнинг энг мукаммали ва Қиёматга қадар ўзгармас муқаддас китоб Куръони Карим бўлиб, инсон ҳидояти учун зарур бўлган барча йўл-йўриқларни ўз ичига олган.

Асосан инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турадиган нарса – бу унинг ўз ихтиёри билан танлаб оладиган дини ва тўғри эътиқодидир. Шундай экан, яратган Зотнинг ҳузурида мақбул бўлган ягона барҳақ дин – бу Ислом динидир. Лекин шунга қарамай, Расули Ақрам (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) оламдан кўз юмишлари биланок, ул ҳазратнинг ҳокимиятни эгаллаш мақсадида тахт устида талашган айрим саҳобалари ўзаро ихтилоф қилиб, Ислом оламида турли хил фирқа ва оқимлар пайдо бўлишига сабаб бўлишди.

Ушбу воқеанинг содир бўлишини олдиндан билган Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*), ўз умматлари келажакда етмиш уч фирқага бўлиниб кетишидан мусулмонларни хабардор этиб тўғри йўлни кўрсатганлар.

Шундай экан, исломда пайдо бўлган мазҳаблар орасида қайси бири Пайгамбаримиз кўрсатган тўғри ва ҳақ йўлда эканини билиб олиб унга эргашишимиз зарур. Акс ҳолда ҳидоят йўлидан адашиб, залолат ва гумроҳликка юз тутиб меҳрибон Парвардигоримиз биз учун кўзлаган инсоний камолотга етиша олмаслигимиз муқаррар.

Бинобарин, ота-бобларимиз шу йўлни тутганлар ёки ушбу мазҳабда яшаб ўтганлар ёхуд ота-бобларимиз кўрсатган йўл тўғри, деган мантикка таяниб ҳақ йўлни изламаслик Аллоҳ таолонинг Қуръони Каримда баён этган ҳукмига қарши чиқиб ҳидоят йўлидан узоқлашиш демакдир.

Бу борада эътиборингизни куйидаги ояти карималарга қаратамиз:

﴿وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا أَلْفَيْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أَوْلَوْكَانَ آبَاؤُهُمْ لَا يَعْقِلُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ﴾

«Қачонки, уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашингиз» – дейилса, улар: «Йўқ, биз ота-бобларимизни қандай йўлда топган бўлсак, ўшанга эргашамиз», дерлар. Агар ота-боблари ҳеч нарсага ақли етмаган ва ҳидоят топмаган бўлсалар ҳам-а?!» (Бақара сураси, 170-оят).

﴿وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ تَعَالَوْا إِلَىٰ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَإِلَى الرَّسُولِ قَالُوا حَسْبُنَا مَا وَجَدْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أَوْلَوْكَانَ آبَاؤُهُمْ لَا يَعْلَمُونَ شَيْئًا وَلَا يَهْتَدُونَ﴾

«Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага ва Пайгамбарга келинглари дейилса», улар: «Ота-бобларимизни ниманинг (қайси йўлнинг) устида топган бўлсак, ўша бизга етарлидир», дерлар. Агар ота-боблари ҳеч нарсани билмайдиган ва ҳидоятга эришолмаган бўлсалар-чи?!» (Моид сураси, 104-оят).

﴿وَإِذَا قِيلَ لَهُمُ اتَّبِعُوا مَا أَنْزَلَ اللَّهُ قَالُوا بَلْ نَتَّبِعُ مَا وَجَدْنَا عَلَيْهِ آبَاءَنَا أَوْلَوْكَانَ الشَّيْطَانُ يَدْعُوهُمْ إِلَىٰ عَذَابِ السَّعِيرِ﴾

«Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашингиз», дейилса, улар: «Йўқ, биз ота-бобларимизни қандай йўлда топган бўлсак, ўшанга эргашамиз», дерлар. Агар шайтон уларни дўзах азобиغا чақираётган бўлса-чи?!» (Луқмон сураси, 21-оят).

﴿وَكَذَلِكَ مَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ فِي قَرْيَةٍ مِّنْ نَّذِيرٍ إِلَّا قَالَ مُتْرَفُوهَا إِنَّا وَجَدْنَا آبَاءَنَا عَلَىٰ أُمَّةٍ وَإِنَّا عَلَىٰ آثَارِهِم مُّقْتَدُونَ﴾



«Шунингдек, биз сиздан илгари бирор бир шаҳарга огоҳлантирувчи – пайгамбар юбормайлик, албатта у ернинг маишатпарастлари: «Муҳаққаққи, биз ота-боболаримизни бир миллат-динда топдик ва шубҳасиз, биз уларнинг изларидан эргашувчилармиз», дерлар». (Зухруф сураси, 23-оят).

Аҳли суннатга мансуб мусулмонларнинг эътиқодига кўра, сарвари олам Муҳаммад Мустафо (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) фоний оламдан рихлат қилаётиб ўзларидан кейин ҳеч кимни мусулмонларга раҳбар, валий ва йўлбошчи қилиб тайинламаганлар. Балки умматни бошқарадиган раҳбарни умматнинг ўзи сайлаб олиши керак, деган фикр-мулоҳазаларни билдирганлар. Бу хусусида мусулмонлар «*ижмоси*», яъни уларнинг бирлашган ҳолда яқдиллик билан қилган қарорлари зарур эканини таъкидлаганлар.

Аҳли суннат эътиқодига биноан, худди шундай амал қилинди ва Абу Бакр биринчи халифа сифатида умматнинг ижмоси номи билан сайланди. Ўз навбатида, биринчи халифанинг танлови билан Умар бин Хаттоб иккинчи халифа бўлиб тайинланди ва у эса учинчи халифани сайлаш учун олти кишидан иборат бўлган шўрони [кенгашни] ташкил этиб, уларга ўзидан кейинги халифани тайинлашни буюрди. Бу шўронинг таркиби қуйидаги саҳобалардан иборат эди:

1. Али ибн Аби Толиб (*алайҳис салом*),
2. Усмон ибн Аффон,
3. Абдурахмон бин Авф,
4. Талха ибн Убайдуллоҳ,
5. Зубайр бин Авом,
6. Саъд бин Аби Ваққос.

Ушбу шўродаги уч шахс, яъни Саъд бин Аби Ваққос, Абдурахмон бин Авф ва Талха ибн Убайдуллоҳнинг раъйига биноан, Усмон ибн Аффон халифаликка лойиқ кўрилди. Зероки, иккинчи халифанинг буйруғига биноан, агар уч киши бир томонда ва қолган уч киши бошқа томонда бўлса, Абдурахмон бин Авф тарафидаги учликнинг раъйи инобатга олиниши керак эди!!

Усмон халифалик даврининг охириги йилларида маълум бир сабабларга кўра, мусулмонлар халифага қарши бош кўтаришди ва у ўзидан кейинги халифани тайинла олмай ўлдирилди. Шундан сўнг, халқ ҳазрати Али ибн Аби Толиб (*алайҳис салом*)нинг ҳузурларига келиб, у

---

1. Кўпчилик мусулмонлар халифага қарши бош кўтаришганининг сабабларини келгуси саҳифаларда ўрганиб чиқамиз.

зотга халифа бўлишни таклиф этиб ул ҳазратга байъат қилишди. Бироқ Шом заминида ҳукм сураётган Муовия ибн Абу Суфён ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га байъат қилмади. Негаки, у билар эди, агар ҳазрати Али ибн Аби Толиб (*алайҳис салом*) халифалик мансабини эгалласа, Муовияни ҳокимиятдан бўшатиши аниқ эди. Шу боис, Муовия ибн Абу Суфён ўша замон халифаси бўлмиш ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг ҳукмига қарши чиқиб, мусулмонлар ўртасида қонли уруш юз беришига ва минглаб бегуноҳ одамларнинг қони тўкилишига сабаб бўлди.

Бу борада қўпгина саволлар юзага келган бўлиб, улардан айримларига ва ўз ўрнида илмий бўлган саволларга жавоб беришни зарур топдик.

### 1. Умнатнинг ўзи раҳнамо ва пешво тайинлай олмаслиги

#### Пайғамбардан кейин ўзи учун раҳбар тайинлашга ислом уммати қодир эдими?

Ушбу саволга жавоб бериш учун шуни таъкидлаш керакки, агар имом ва халифа деганда, одатда жамиятга зоҳирий ва ташқи нуқтаи назардан раҳбарлик қилувчи шахсни назарда тутадиган бўлсак, унда овоз бериш йўли билан бирор бир кишини имом ва раҳбар этиб тайинлаш мумкин. Лекин имомат ва раҳбарликни Қуръонда айтилган маъно ва тушунча асосида кўриб чиқадиган бўлсак, у ҳолда Аллоҳдан бошқа ҳеч ким бу мансабга бирор шахсни тайинлаш ҳуқуқига эга эмас. Зероки, мазкур маъно ва тушунчага асосан имом ва халифа, илм ва маърифат, зуҳд ва тақвода тенги бўлмаган зот бўлмоғи даркор. Ушбу маънодаги имом ва халифа, Аллоҳ томонидан ато этилган самовий-илоҳий илмларнинг соҳиби бўлиб, шариати исломияни турли хил бидъат ва офатлардан қўриқлай олиш қувватига эга бўлган шахсдир.

Яна бир бошқа шарт шундан иборатки, мазкур имом ва халифа бутун гуноҳ ва хатолардан пок ва маъсум бўлиши лозим. Зероки, Ислом умматига сиёсий, иқтисодий, диний раҳбарлик қиладиган инсон ҳар қандай хато ва гуноҳдан йироқ бўлиши зарур. Акс ҳолда Ислом умматига ҳидоят йўлини кўрсата олмай, уларни дунё ва охираат саодати сари етаклай олмайди. Мазкур хусусиятлар кимда бор ёки йўқлиги фақат Аллоҳ таологагина аён. Шунинг учун Тангрининг Ўзи раҳбарликка лойиқ инсонни бизга йўллаган элчиси ва пайғамбари орқали билдириши лозим. Кимда ким имом ва халифани умнатнинг ўзи тайинлаши керак, дейдиган бўлса, демак, Қуръонда келган имомат тушунчасини тўғри англай олмаган. Бундай шахс фақат дунёвий

рахбарлик қилувчи ҳокимни имом ва халифа деб атаган, холос. Акс ҳолда фақат Аллоҳ таологина имомни тайинлаши зарурлигини тушуниб етган бўлар эди. Имомни танлаш ҳам пайғамбарни танлаш каби инсонлар ихтиёридан ташқарида бўлиб, ёлғиз Тангрининг Ўзигина танлаши шарт.

## 2. Халифалар ҳақида тўқима ҳадисларнинг юзага келиши

### Наҳот, Пайғамбаримиз ўзларидан кейин ҳеч кимни халифа ва пешво этиб тайинламаган бўлсалар?

Шубҳасиз, Ислом дини жаҳоний ва мангу дин бўлиб, Қуръон оятларининг маъносига кўра, Ислом дини муайян бир минтақага ёки бирор бир миллатга хос бўлмай, қиёмат кунига қадар бутун миллат ва элатларнинг хидоят топиши ҳамда инсоний баркамолликка эришиши учун Аллоҳ таолонинг мангу кўрсатмаларидир. Шу нарса ҳам маълумки, Пайғамбаримиз рихлат қилганларида Ислом дини Арабистон ярим оролидан ташқарига чиқмаган эди. Сарвари олам Муҳаммад Мустафо (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) пайғамбарлик даврларининг 13 йилини мушриклар ақоидига қарши курашиш билан ўтказган бўлсалар, қолган 10 йилини эса ҳижратдан кейин Мадинаи Мунавварада Ислом ҳокимиятини ташкил этиш учун сарфлаган эдилар.

Сарвари олам Мадинада бўлганларида ҳам кўпинча душманларга қарши кўплаб урушлар рўй берар ва шунинг учун у зотнинг кўп вақтлари динни мудофаа қилиш учун кетар эди. Шу боис, Расулulloҳнинг қимматли вақтлари мушрикларга қарши жиҳод қилиш билан ўтди. Шунга қарамасдан, Пайғамбаримиз арзигулик вақтларининг бир қисмини ўз умматларига дин аҳкомларини таълим беришга бағишлаган бўлсалар-да, ўша пайтда ҳали кўп муаммолар тўғилмагани сабабли айрим масалалар очиб берилмаган эди. Чунки, эндигина Ислом динига кирганлар дин таълимотидаги кўп нарсаларни билишга қодир эмас эдилар. Шунга биноан, Пайғамбаримизнинг йўлларини давом эттирадиган халифа ул зотнинг илмларини тамоман ўзлаштирган бўлиши ҳамда умматнинг келажакда туғилиши мумкин бўлган савол ва масалаларини еча оладиган бўлиши зарур эди.<sup>1</sup> Бундан ташқари, Расулulloҳдан кейинги раҳбар ва халифа келажакни олдиндан кўра олиши, умматни кутаётган турли воқеалардан огоҳ

1. Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан сўнг мусулмонлар орасида туғила бошлаган савол ва масалалар китобнинг охириги мавзусида келтирилган.

этиши ва уларга тўғри йўл-йўриқ кўрсата олиши шарт. Ҳолбуки, халифалик мансабига даъвогар бўлиб уни эгаллаб олган шахсларда ушбу хусусиятларнинг ҳеч бири мавжуд эмас эди.

Ҳар бир масалага эътибор қаратадиган Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) наҳот, хилофат масаласига келганда ҳеч нарса демай оламдан кўз юмган бўлсалар! Шунга биноан, юқорида айтиб ўтилган сўзлардан олинадиган хулоса шуки, Сарвари олам Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳаётлик чоғларида ҳамда фоний оламдан рихлат қилаётиб, ўзларидан кейинги халифа ва ворисни тайинлаб кетганлари муқаррар. Бу ҳақда ушбу китобда кўпгина ҳадисларни кўриб чиққанимиздан сўнг маълум бўладики, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) халифалик масаласига нисбатан эътиборсиз ва бепарво бўлмаганлар, балки доимо бу масалага чуқур аҳамият бериб, кўп ўринларда ўзларидан кейинги халифа ва ворисларни саҳобаларга танитганлар. Лекин афсуски, ул зотнинг рихлатларидан кейин тахт устида талашиш жараёнида пайдо бўлган сиёсий низолар оқибатида бу ҳақиқат яширилди. Ҳокимиятни ноҳақ эгаллаган айрим саҳобаларнинг қабоҳатли ишларини оқлаш мақсадида пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) номларидан турли хил ҳадислар тўқиб чиқарилиб, шу йўсинда сохта халифаларнинг барҳақ эканлиги кўрсатиб берилди.

Аҳли суннатнинг асримиздаги зиёли олимларидан бўлмиш Аҳмад Амин Мисрий, бани Уммайя ҳукмдорлиги замонида ҳадис тўқиб чиқарилгани ҳақида шундай дейди:

كتب معاوية إلى عماله في جميع الآفاق ألا يجيز لأحدٍ من شيعة عليٍّ وأهل بيته شهادةً، وكتب إليهم أن انظروا من قبلكم من شيعة عثمان وحبّيه وأهل ولايته، والذين يروون فضائله ومناقبه فادنوا مجالسهم، وقربوهم وأكرمهم، واكتبوا لي بكلِّ ما يروي كلُّ رجلٍ منهم واسمه واسم أبيه وعشيرته، ففعلوا ذلك حتى أكثروا من فضائل عثمان ومناقبه، لما كان يبعثه إليهم معاوية من الصّلات... وقال إنّه كتب إلى عمّاله أن «انظروا إلى من قامت عليه البيّنة أنّه يحبُّ عليًّا وأهل بيته فأحوه من الدّيوان، وأسقطوا عطاءه ورزقه»

«Муовия бутун Ислом мамлакатларига тайинлаган ҳукмдорларига; Али ва унинг хонадони аҳлига эргашган ҳеч бир шиа ва тарафдорлари учун гувоҳлик беришга ижозат берилмасин деган қарорни чиқарди. Усмоннинг тарафдорлари, уни сеувчи ва уни валий ва пешво деб тан

олган ҳамда Усмоннинг фазилатларини ва унинг маноқибини ривоят қилаётган шахсларни кўздан кечириб, уларни ўзингизга яқинлаштирингиз ва уларни улуғлангиз, улар орасидан ривоят қиладиган ҳар бир шахснинг барча ҳадисларини ва шунингдек, унинг исмини ва отасининг ва қавм-қариндошларининг исмини менга ёзиб юборингиз, деб уларга мактуб йўллади. Муовия томонидан тайин этилган ҳукмдорлар унинг буйруғини бажариб, Усмоннинг фазилатлари ва унинг маноқибини хусусида кўплаб ҳадислар тўқиб чиқарилишига сабаб бўлишди ва Муовия эса бу иш эвазига уларга совгалар бериб турарди. Ва бунга қўшимча, Муовия ўзининг ҳукмдорларига; бирор бир шахсга нисбатан Али ва унинг Аҳли-Байтини севгани ҳақида далил ва ҳужжат келтирилганини кўриб қолсангиз, ўша шахснинг исмини мусулмонлар байтулломининг рўйхатидан ўчирингиз ва байтулломдан унга ажратилган ризқи ва улушини бекор қилингиз, деб мактуб йўллади».<sup>1</sup>

Аҳмад Амин Мисрийнинг фикрича, саҳобаларнинг фазилатлари ҳақидаги кўпгина ҳадислар бани Уммайя ҳукмронлиги даврида сиёсий ғаразлар билан тўқилган. У бу борада айтади:

إِنَّ أَكْثَرَ الْأَحَادِيثِ الْمَوْضُوعَةِ فِي فِضَائِلِ الصَّحَابَةِ أَفْتَعِلَتْ فِي أَيَّامِ بَنِي أُمَيَّةَ تَقَرُّبًا إِلَيْهِمْ بِمَا يَظُنُّونَ أَنَّهُمْ يُرْغَمُونَ بِهِ أَنْوْفَ بَنِي هَاشِمٍ

«Шубҳасиз, саҳобалар фазилатлари ҳақидаги тўқима ҳадисларнинг аксари бани Уммайя ҳукмронлиги даврида уларга яқинлашиш мақсадида тўқилган. Улар бу ишлари билан бани Хошимнинг бурнини ерга ишқалаймиз деб ўйлардилар».<sup>2</sup>

Аҳли суннатнинг йирик олими бўлмиш Ибн Абил Ҳадид Муовия томонидан ҳазрати Алининг шаъну-мартабаларини пастга тушириш ва ул зотдан олдинги уч халифанинг мақомини юқорига кўтариш мақсадида пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) номларидан ҳадис тўқиб чиқариш учун айрим саҳоба ва тобеинлардан ташкил топган бир гуруҳнинг уюштирилгани ҳақида шундай дейди:

1. Аҳмад Амин Мисрий, «Фажрул Ислому», 7-боб, 2-фасл, 275-бет, Ал-Мактабатул асрийях нашрида эса 249-бет.

2. Юқоридаги китоб, 6-боб, 2-фасл, 213-бет, Ал-Мактабатул асрийях нашрида эса 197-бет.

أَنَّ معاوية وَصَحَ قَوْمًا مِنَ الصَّحَابَةِ وَقَوْمًا مِنَ التَّابِعِينَ عَلَى رِوَايَةِ أَخْبَارِ قَبِيحَةٍ فِي عَالِيٍّ، تَقْتَضِي الطَّلْعَ فِيهِ وَالْبِرَاءَةَ مِنْهُ؛ وَجَعَلَ لَهُمْ عَلَى ذَلِكَ جُعْلًا يَرَعَبُ فِي مِثْلِهِ؛ فَاخْتَلَفُوا مَا أَرْضَاهُ، مِنْهُمْ أَبُو هُرَيْرَةَ وَعَمْرُو بْنُ عَاصٍ وَالمُغْبِرَةُ بْنُ شُعْبَةَ، وَمِنَ التَّابِعِينَ عُرْوَةُ بْنُ الرُّبَيْعِ.

«Муовия ҳазрати Алига қарши нафрат уйғотадиган ва ул ҳазратни айблаб қоралайдиган нораво-қабих ҳадисларни ривоят қилиш мақсадида саҳобалардан бўлган бир гуруҳни ва тобеинлардан бўлган бир тоифани уюштирди ва уларни бундай ишга рағбатлантириш учун маош тайин этди. Улар Абу Хурайра, Амр бин Ос ва Муғайраҳ бин Шўъбах ҳадис тўқийдиган мазкур саҳобалардан бўлиб, Урваҳ ибн Аз-Зубайр эса тобеинлар гуруҳидан эди».<sup>1</sup>

Аҳли суннатнинг етукли рижол-ровийшунос олими Ибн Жавзий ҳазратлари ўзининг «Ал-Мавзуъаат», яъни тўқима ҳадислар номли китобида тўқилган ҳадислар борасида айтади:

قَدْ تَعَصَّبَ قَوْمٌ لِأَخْلَاقٍ لَهُمْ يَدْعُونَ التَّمَسُّكَ بِالسُّنَّةِ فَوَضَعُوا لِأَبِي بَكْرٍ فَضَائِلَ وَفِيهِمْ مَنْ فَصَدَ مُعَارَضَةَ الرَّافِضَةِ...

«Яхшиликдан бебаҳра бўлган мутаассиб бир гуруҳ Расулуллоҳ суннатларини маҳкам тутуш даъвосини қилиб, рофизийларга [шиаларга] қарши туриш мақсадида Абу Бакр фазилати тўғрисида ҳадисларни тўқиб чиқаришди...»<sup>2</sup>

Ва шунингдек, Ибн Жавзий мазкур китобида бу ҳақда шундай ёзади:

وَقَدْ تَرَكْتُ أَحَادِيثَ كَثِيرَةً يَزُودُهَا فِي فَضْلِ أَبِي بَكْرٍ، فَمِنْهَا صَحِيحُ المَعْنَى، لَكِنَّهُ لَا يَتَّبَعُ مَنْقُولًا، وَمِنْهَا مَا لَيْسَ بِشَيْءٍ وَمَا أَرَأَى أَنَّهُ سَمِعَ العَوَامَ...

«Мен Абу Бакр фазилати хусусида одамлар ривоят қиладиган кўпгина ҳадисларни зикр қилмай тарк этганман. Негаки, уларнинг айримлари маъно жиҳатидан тўғри бўлса-да, лекин санад<sup>3</sup> ва ривоят қилиниши нуқтаи назаридан исбот қилинмаган ва шу мазмундаги

1. Ибн Абил Ҳадид, «Шарҳу Наҳжил Балога», 4-жилд, 63-бет.

2. Ибн Жавзий, «Ал-Мавзуъаат», китобул фазоили вал-масаалиб, бобун фий фазли Аби Бакр, 1-жилд, 225-бет, мактабату азвааис-салаф нашрида эса 2-жилд, 40-бет.

3. Ҳадис ривоят қилган ровийлар мажмуига «ҳадис санади» дейилади.

бошқа ҳадислар эса асоссиз бўлиб, мен доимо уларни авом халқдан эшитаман...»<sup>1</sup>.

Аллома Ибн Жавзий ҳадис тўқиб чиқарувчи шахсларни бир неча гуруҳга тақсимлайди:

القسم الأول: الزَّنادِقَةُ الَّذِينَ قَصَدُوا إِفْسَادَ الشَّرِيعَةِ وَإِيقَاعَ الشَّكِّ فِيهَا فِي قُلُوبِ الْعَوَامِ وَالتَّلَاعِبِ بِالدِّينِ.

القسم الثاني: قومٌ كانوا يقصدون وضع الحديث نُصرةً لمذهبهم، وسؤل لهم الشَّيْطَانُ أَنْ ذَلِكَ جَائِزٌ.

القسم الثالث: قومٌ وضعوا الأحاديثَ فِي التَّرغِيبِ وَالتَّرهِيبِ لِيَحْتُوا النَّاسَ بِرَعْمِهِمْ عَلَى الْخَيْرِ وَيُزَجِرُوهُمْ عَنِ الشَّرِّ وَهَذَا تَعَاطٍ عَلَى الشَّرِيعَةِ وَمَضْمُونٌ فَعَلِهِمْ أَنَّ الشَّرِيعَةَ نَاقِصَةٌ تَحْتَاجُ إِلَى تَتِمَّةٍ فَقَدْ أْتَمَنَّاهَا.

القسم الرابع: قومٌ استجازوا وضع الأسانيد لِكُلِّ كَلَامٍ حَسَنٍ.

القسم الخامس: قومٌ كان يعرضُ لهم غرضٌ فيضعون الحديثَ (الوضع لفرض دنيوي)

«Биринчи гуруҳ: Шариатга путур етказиш, шариат борасида инсонлар қалбида шубҳа тугдириш ва дин билан ўйин қилишни мақсад қилиб, Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) номларидан ҳадис тўқиб чиқарган зиндик ва кофирлардир.

Иккинчи гуруҳ: Ўз мазҳабини қувватлантириш ва унга ёрдам бериш учун Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) номларидан ҳадис тўқиган шахслар бўлиб, Шайтон уларга қилаётган бу ишингиз жоиз ва тўғридир, деб фириб берган.

Учинчи гуруҳ: Ўз гумонларига асосланиб умум халқни яхши амалга рағбатлантириш ва ёмон ишдан қайтариш мақсадида Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) номларидан ҳадис тўқиб чиқаришган. Уларнинг ушбу ишидан кўзланган маъно-мақсад, шариати исломия нуқсонли бўлиб, такомил топишга муҳтождир. Шу боис, биз уни такомиллаштирдик, дегани.

1. Юқоридаги китоб, 1-жилд, 237-бет, мактабату азваис-салаф нашрида эса 2-жилд, 64-бет.

Тўртинчи гуруҳ: Ҳар бир ҳасан ва гўзал калом учун Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) номларидан ҳадис тўқиб чиқаришни жоиз деб билганлардир.

Бешинчи гуруҳ: Маълум бир дунёвий гараз ва ҳадафга кўра ҳадис тўқиб чиқарган кишилардир».<sup>1</sup>

Ундан ташқари, Имом Ҳасан Мужтабо (алайҳис салом) даврларида ул ҳазрат кўшинларининг орасига тарқоқлик тушгани сабабли уруш юз бермай икки томон ўртасида сулҳ аҳдномаси тузилгач, Муовия бутун мусулмон ўлкаларининг ягона ҳукмдори бўлди. Шунда у сулҳномага қарши ўларок, жумъа намозининг хутбаларида мўминлар амири ва тақводорлар сардори ҳазрати Али (алайҳис салом)га лаънат айтишни буюриб, бу бидъат ишни унинг ўзи бошлаб берди.

Ибн Абил Ҳадид бу ҳақда шундай дейди:

أَنَّ مُعَاوِيَةَ لَمَّا عَادَ مِنَ الْعِرَاقِ إِلَى الشَّامِ بَعَدَ بَيْعَةَ الْحَسَنِ ع وَاجْتِمَاعِ النَّاسِ إِلَيْهِ خَطَبَ فَقَالَ: أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ص قَالَ لِي: «إِنَّكَ سَتَلِي الْخِلَافَةَ مِنْ بَعْدِي، فَاخْتَرِ الْأَرْضَ الْمُقَدَّسَةَ، فَإِنَّ فِيهَا الْأَبْدَالَ، وَقَدْ اخْتَرْتُكُمْ، فَالْعُنُوا أَبَا تُرَابٍ، فَلَعْنُوهُ...»

«Имом Ҳасан байъатларидан кейин Муовия Ироқдан Шомга қайтиб келгач, ўша ерда тўпланган халоиққа хутба ўқиб шундай деди: Эй халоиқ, Расулulloҳ менга дедилар: «Албатта, сен мендан кейин халифаликни эгаллайсан. Шунда муқаддас заминни танлагин, зероки, унда улугвор инсонлар бор». Ва мен сизларни танладим. Демак, Абу Туробни<sup>2</sup> лаънатлангиз! Унинг бу гапидан сўнг у ерда тўпланган халоиқ у буюк зотни лаънатлашди».<sup>3</sup>

Бани Уммайянинг ҳазрати Али (алайҳис салом)га нисбатан бўлган адовати шу даражага етиб борган эдики, кимда-ким у зотнинг фазилати хусусида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ҳадис ривоят қиладиган бўлса, уни қаттиқ жазолашар эди. У зотнинг фазилати ва афзаллиги тўғрисида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ривоят қилинган ҳадисларнинг сони жуда кўп ва машҳур бўлмаганида эди, бани Уммайя ва бани Марвон ҳукмдорларининг истибдоди натижасида

1. Юқоридаги китоб, муқаддатул мусанниф, 1-жилд, 15-бетдан 18-бетларгача, мактабату азваис-салаф нашрида эса 1-жилд, 18-бетдан 25-бетларгача.

2. Абу туроб номи ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг муборак куняларидир.

3. Ибн Абил Ҳадид, «Шарҳу Наҳжил Балога», 4-жилд, 72-бет.



инсонлар орасида пайдо бўлган қўрқув сабабли ҳамда ушбу ҳукмдорларнинг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Аҳли-Байтларига бўлган душманчилигининг энг чўққига чиққанлиги учун ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг фазилати ва афзаллиги ҳақидаги ҳадислар мусулмонлар онгидан маҳв бўлиб кетиши муқаррар эди.

Бироқ, ҳазрати Али ибн Аби Толиб Аллоҳ таоло томонидан тайинланган Расулуллоҳнинг ҳақиқий вориси ва барча мусулмонларнинг валий ва раҳнамоси бўлгани сабабли, Аллоҳнинг изну фармони билан ул ҳазратнинг фазилати ва афзаллиги ҳақидаги ҳадислар мўъжиза каби сақланиб қолган.

Ибн Абил Ҳадид бу борада шундай ёзади:

فالأحاديث الواردة في فضله ﷺ لو لم تكن في الشهرة والاستيفاضة وكثرة التّقل إلى غايته بعيدة، لأنقطع نقلها للخوف والتّقيّة من بني مروان مع طول المدة، وشدة العداوة؛ ولو لا أنّ الله تعالى في هذا الرّجل سرّاً يعلمه من يعلمه لم يزو في فضله حديث، ولا عُرفت له منقبة؛ ألا ترى أنّ رئيس قريّة لو سخط على واحد من أهلها، ومنع النّاس أن يذكروه بخيرٍ وصلاحٍ لحمل ذكره، نسي اسمه، وصار وهو موجودٌ معدوماً، وهو حيٌّ ميتاً!

«Ҳазрати Али фазилати хусусида етишган ҳадислар машҳурликда ва кўп ривоят қилинишида бағоят чўққига етиб бормаганида эди, бани Марвон ҳукмдорлигининг узоқ муддат давом этгани ва уларнинг Расулуллоҳ Аҳли-Байтларига бўлган шиддатли адовати сабабли пайдо бўлган қўрқув ва тақия туфайли мазкур ҳадислар ривоят қилинмай, йўқ бўлиб кетган бўларди. Агар Аллоҳнинг бу зот ҳақида сирли ҳикмати бўлмаганида эди – бу сирли ҳикматни фақат махсус инсонларгина билурлар – ул зотнинг фазилати тўғрисида ҳеч қандай ҳадис ривоят қилинмай, ул ҳазратнинг ҳеч бир фазилати танилмаган бўларди. Бирор бир қишлоқ ёки шаҳар бошлиги ўша ер аҳолисидан бўлган бирор шахсга газаб қилиб, инсонларни уни яхшилик билан эслашдан ман қилганини ва шунинг учун уни ёдга олиш ўртадан кўтарилиб унинг исми унутилганини, ҳамда инсонлар орасида бор бўла туриб йўққа чиқарилганини ва тириклигида ўлган деб ҳисобланганини кўрмаганмисиз?!»<sup>1</sup>

1. Юқоридаги китоб, 4-жилд, 73-бет.

Бир неча кунлик ғазотга<sup>1</sup>, Табук ғазоти-урушига борган Пайғамбаримиз ҳатто қисқа муддат учун Мадина бошлиқсиз қолмасин, деб раҳбар тайин қилган бўлсалар-у, лекин рихлатлари яқинлашиб қолганида, бутун бошли умматни раҳбарсиз ва йўлбошчисиз ўз ҳолига ташлаб кетишлари мумкинми? Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дек буюк зот ҳақида бундай нарсага қандай қилиб ишониш мумкин? Қандайига Пайғамбаримиз ўз умматларининг дунё ва охиратдаги бахт-саодатини таъминламай туриб, уларни ўз ҳолига қўйиб кетишлари мумкин?! Ахир ул зот умматларининг рушду ҳидоятда бўлишига ҳорис эдилар-ку.

Шак-шубҳасиз, эндигина оёққа турган уммат учун раҳбар ва йўлбошчи тайин қилмаслик Ислом учун нақадар буюк хавф-хатар экани барчага маълумдир. Шундай экан, ўз умматига меҳрибон бўлган Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) бундай хатога йўл қўйишлари мумкин эмаслигини ақл ва мантиққа таяниб айта оламиз. Пайғамбаримиз ҳеч кимни тайинламаганлар ва бу масалани умматнинг ўзига ташлаб қўйганлар, деб айтадиганлар ҳеч бўлмаса даъволарига далил келтиришлари керак-ку!

### 3. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) иштирок этмаган ижмонинг<sup>2</sup> аҳамиятсизлиги

*Асосан, ижмо ва шўро асосида халифа тайин этиш жоизми ва бу услуб билан тайинланган халифа Ислом умматининг раҳбари ва йўлбошчиси бўла оладими?!*

Фараз қилайлик, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) хилофат ва раҳбарлик масаласи хусусида сўз очмай, ушбу масалани умматнинг ўзига ҳавола қилдилар ва мусулмонлар ижмо йўли билан халифа танлашлари керак бўлиб қолди. Лекин шундай бўлган тақдирда ҳам биринчи халифанинг сайланишида мусулмонлар ижмосига мувофиқ иш кўрилмади. Фақат Мадинада ҳозир бўлган бир гуруҳ саҳобаларгина бу «сайловда» қатнашишди, холос ва бошқа шаҳардаги мусулмонлар бу ишда қатнашмадилар. Бошқа шаҳарлар у ерда турсин, ҳатто Мадинада бўлган ҳазрати Али бошчилигидаги Аммор ибн Ёсир, Абу Зар Ғифорий, Салмони Форсий ва Миқдод ибн Асвад (*разияллоҳу анҳум*) каби бир гуруҳ буюк саҳобалар ва

1. Пайғамбаримизнинг ўзлари қатнашган урушга «ғазот» деб айтилади.

2. Халифа танлашдаги «ижмо» назарда тутилган.

Ҳошим авлодлари бу сайловга қатнашмай, Абу Бакр халифалигига қаршилиқ кўрсатганлар. Ушбу ҳақиқат Ислом тарихи саҳифаларида ошқора битилган ва қўлингиздаги китобнинг давомида бу ҳақиқатни мўътабар манбалар билан ёритиб берамиз.

Ҳазрати Али ва ул зотга вафодор бўлган саҳобалар иштирок этмаган ижмо ва сайлов Аллоҳнинг лаънатига учраши шубҳасиздир. Аҳли суннатнинг буюк мутафаккири ва етукли фақиҳи бўлмиш Ибн Ҳазм бу борада шундай дейди:

«وَلَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى كُلِّ اجْتِمَاعٍ يَخْرُجُ عَنْهُ عَلِيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ وَمَنْ مَحْضَرْتِهِ مِنَ الصَّحَابَةِ»

«Али ибн Аби Толиб ва унинг билан бирга бўлган саҳобалар унда иштирок этмай, ундан чиқиб кетган ижмога Аллоҳнинг лаънати бўлсин».<sup>1</sup>

Шундай экан, қандай қилиб бундай сайловни мусулмонлар ижмоси<sup>2</sup> деб айта оламиз?! Агар сайлов йўли билан халифа ва раҳбар танлаш тўғри иш бўладиган бўлса, нега биринчи халифа ўзидан кейинги халифани тайинлаш учун бу услубдан фойдаланмай, ўзи хоҳлаган шахсни мусулмонларга халифа ва йўлбошчи этиб тайинлади?!

Агар бир шахснинг истак ва хоҳиши халифани тайинлаш учун кифоя қиладиган бўлса, сарвари олам Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг истаклари ҳаммадан кўра юқори ва устун эмасмиди?

Бундан ташқари, иккинчи халифа Умар бин Хаттоб учинчи халифани танлашда на биринчи халифанинг танланган йўли бўлмиш ижмо йўлини тутди ва на ўзи халифа этиб танланган йўлдан фойдаланди, балки олти кишилиқ шўро-кенгаш тузишни ихтиёр қилди? Агар шўро йўли билан халифа танлаш тўғри иш бўлса, нима учун бу шўро фақат олти кишидан иборат бўлиши керак?!

Бу саволлар тарих саҳифаларига ақл кўзи билан назар соладиган ҳар бир киши учун жумбоқлидир. Бу саволларнинг жавобсиз қолганлиги эса инсонларни ҳидоят сари етаклайдиган имом ва раҳбар тайинлаш умматнинг қўлидан келмаслигини англатади.

1. Ибн Ҳазм, «Ал-Мухалло шарҳул Мужалло», Миср нашрида 9-жилд, китобул васоё, 1767-масала, 345-бет, Ливанда чоп этилган янги нашрда эса 10-жилд, китобул васоё, 1770-масала, 220-бет.
2. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ислом умматининг ижмоси деганда, «уларнинг бирлашган ҳолда яқдиллик билан қилган қарорлари ва танловлари» назарда тутилади.

#### 4. Ҳазрати Али *(алайҳис салом)* га эргашиш тақво ва иймон меъёри

##### Али халифаликка ҳаммадан кўра лойикроқ эмасмиди?

Фараз қилайлик, Пайғамбаримиз *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ўзларидан кейин ҳеч кимни халифа этиб тайинламаганлар, у ҳолда уммат раҳбар танлаши учун илм ва тақвода мартабаси ҳаммадан юқорироқ бўлган инсонни четлаб ўтиши тўғри иш ҳисобланадими?! Уламоларнинг аксарияти ҳатто Аҳли суннатдан бўлганлар ҳам ҳазрати Алини бутун саҳобалар ўртасида Ислому аҳкомларини билишда энг доно ва билимдон эканлигини эътироф этишади.

Аҳли суннат уламолари бу ҳақда Пайғамбаримизнинг аёллари Оишадан куйидагича ривоят қилганлар:

كَثْرَةُ مُرَافَقَتِهِ لِلرَّسُولِ ﷺ، وَشُكْنَاهُ مَعَهُ، زَوْجُهُ مِنْ ابْنَتِهِ فَاطِمَةَ إِلَى جَانِبِ مَا حَبَّاهُ اللَّهُ مِنْ الْفِطْرَةِ السَّلِيمَةِ... كُلُّ ذَلِكَ أَوْزَرْتَهُ الْعِلْمَ الْغَزِيرَ؛ حَتَّى قَالَتْ عَائِشَةُ: «أَمَّا إِنَّهُ لَأَعْلَمُ النَّاسِ بِالسُّنَّةِ فِي زَمَنِ كَانِ الصَّحَابَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمْ مُتَوَافِرِينَ».

«Аллоҳ таоло Алига ато этган покиза ва тўғри фитратдан [табиатдан] ташқари, Али доимо Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ёнларида бўлиб, ул зот билан биргаликда ҳаёт кечиришлари ва ул ҳазратнинг қизлари Фотимага уйланишлари... буларнинг ҳаммаси ҳазрати Али кўп илмлар вориси бўлишига сабаб бўлди. Шу боис, Оиша ул зот ҳақида шундай дерди: «Огоҳ бўлингизким, шубҳасиз, Али бутун саҳобалар мавжуд бўлган замонда Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* суннатларига ҳаммадан кўра огоҳроқдир».<sup>1</sup>

Ҳазрати Али *(алайҳис салом)* дан мерос қолган илмий ҳадислар ва тарихий воқеаларнинг гувоҳлигига биноан, ул ҳазрат илм-маърифатда ҳаммадан кўра афзал эдилар ва қачонки ислому уммати турли-туман илмий муаммолар ва саволларга дуч келиб қолишса, ул ҳазрат ўша муаммолар ечимини кўрсатиб берар эдилар.<sup>2</sup>

1. Имом Алининг ушбу фазилатини ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат уламолари куйидагилардан иборат:

- Исмоил ибн Иброҳим Ал-Бухорий, «*Ат-тарихул кабийр*», 2-жилд, 255-бет.
- Ал-Муваффиқ ибн Аҳмад Ал-Хоразмий, «*Ал-маноқиб*», 7-фасл, 84-рақам, 91-бет.
- Абу Зайд Ас-Саъолибий Ал-Моликий, «*Тафсиру Саъалибий ал-мусаммаа бил жаваҳирил ҳисан фий тафсирил Қуръон*», 1-жилд, 52-бет.
- Ибн Абдул Барр Ал-Кургубий, «*Ал-истийъоб фий маърифатил асҳоб*», 3-жилд, 1104-бет, дорул жайл нашрида, аммо дорул кутубил илмийях нашрида эса 3-жилд, 206-бет.

2. Қўлингиздаги китобнинг охири мавзусида бу ҳақда намуналар келтирилган.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг шижоати, тақвosi, зоҳидлиги [дунёга рағбатсизлиги] уни бошқалардан ажратиб турувчи сифатларидан ҳисобланарди. Шунинг учун ислом уммати ўзига халифа танлаб олиши керак бўлган тақдирда ҳам ҳазрати Али (алайҳис салом)ни танлаш зарур эди.

Аҳли суннатнинг йирик илоҳиётчи олими бўлмиш Қози Азудиддин Ижий бу ҳақда шундай дейди:

الْجُمْهُورُ عَلَى أَنَّ أَهْلَ الْإِمَامَةِ وَمُسْتَحَقَّهَا مَنْ هُوَ عَالِمٌ مُجْتَهِدٌ فِي الْأُصُولِ وَالْفُرُوعِ لِيَقُومَ بِأُمُورِ الدِّينِ مُتَمَكِّنًا مِنْ إِقَامَةِ الْحُجَجِ وَحَلِّ الشُّبُهَةِ فِي الْعَقَائِدِ الدِّينِيَّةِ.

«Умум илоҳиётчи олимларнинг шартига биноан, ислом умматига раҳбарлик қиладиган ва пешволикка лойиқ бўлган шахс диннинг асоси ва унинг аҳкомини мукаммал билган олим ва муҷтаҳид бўлмоғи лозим. Токи, дин кўрсатган йўл-йўриқларни тўлақонли бажариб, уларни турли хил далил ва исботлар билан исботлай олишга қодир ва диний эътиқодда пайдо бўлган ҳар хил шубҳаларга жавоб бериб, уларни еча оладиган бўлсин»<sup>1</sup>.

Абу Бакр халифаликни эгаллагандан сўнг мусулмонларга хитоб қилиб шундай деди:

«إِعْلَمُوا أَيُّهَا النَّاسُ أَنِّي لَمْ أَجْعَلْ هَذَا الْمَكَانَ أَنْ أَكُونَ خَيْرِكُمْ، وَلَوْ دَدْتُ أَنْ بَعْضَكُمْ كَفَانِيهِ.»

«Эй инсонлар, билингизки, мен сизларнинг энг яхшингиз бўлганим учун ушбу ўринни эгаллаб олганим йўқ. Сизлардан айримларингиз хилофат мансабини ўз зиммасига олишини истардим».<sup>2</sup>

Буюк тарихчи олим Яъқубий Абу Бакрнинг қилган эътирофи хусусида шундай ёзади:

«إِنِّي وَوَلِيْتُ عَلَيْكُمْ وَلَسْتُ بِخَيْرِكُمْ.»

«Шубҳасиз, мен сизларнинг устингиздан ҳукмдор бўлдим, ҳолбуки, мен сизларнинг энг яхшингиз эмасман».<sup>3</sup>

Абу Бакр бошқа бир жойда ўзининг халифалик мансабига нолойиқ эканини эътироф этиб шундай дейди:

«أَقْبِلُونِي فَلَسْتُ بِخَيْرِكُمْ.»

1. Қози Азудиддин Ижий, «Шарҳул Маваақиф», 8-жилд, Ал-мақсадур робий фил-имаамах, Ал-мақсадус сааний, 380 ва 381-бетлар.

2. Ибн Қутайбах, Ад-Дийнаварий, «Ал-имомату вас-сиёсах», 1-жилд, 16-бет.

3. Яъқубий, «Тарихул Яъқубий», 2-жилд, Айёми Аби Бакр, 12-бет.

«Мени хилофат мансабидан четлаштирингиз, зероки, мен сизларнинг энг яхшингиз эмасман».<sup>1</sup>

Ҳолбуки, юқорида айтиб ўтганимиздек, ислом умматининг раҳнамоси ҳаммадан афзал ва устун ҳамда ислом дини кўрсатмаларини ва унинг таълимотларини ҳаммадан яхши биладиган шахс бўлмоғи лозим. Акс ҳолда Аллоҳга ва Унинг Расулига ва мусулмонлар жамиятига хиёнат қилган ҳисобланади.

Бу ҳақда эътиборингизни ислом умматининг донишманди бўлмиш Ибн Аббос (*розияллоҳу анҳу*)нинг сўзига жалб этамиз:

مَنْ وُلِّيَ وَلِيًّا مِّنَ الْمُسْلِمِينَ شَيْئًا مِّنْ أُمُورِ الْمُسْلِمِينَ وَهُوَ يَعْلَمُ أَنَّ فِي الْمُسْلِمِينَ مَنْ هُوَ خَيْرٌ لِلْمُسْلِمِينَ مِنْهُ، وَأَعْلَمُ بِكِتَابِ اللَّهِ وَسُنَّةِ رَسُولِهِ ﷺ، فَقَدْ خَانَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَخَانَ جَمَاعَةَ الْمُسْلِمِينَ.

«Кимки, мусулмонлар орасида ўзидан ҳам яхшироқ ва Аллоҳнинг китобини ва Унинг Расулининг суннатини чуқурроқ биладиган шахс борлигини била туриб, мусулмонларга раҳнамолик ва йўлбошчилик қилса, шубҳасиз, Аллоҳга ва Унинг Расулига ва мусулмонлар жамоасига хиёнат қилибди».<sup>2</sup>

Бундан маълумки, кимда-ким Аллоҳнинг йўлини тутишда ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га эргашиб, ул зотни ўзи учун валий ва раҳнамо қилиб олса, ҳидоят йўлини топиши шубҳасиздир. Аҳли суннатнинг буюк муфассир ва илоҳиётчи олими бўлмиш аллома Фахриддин Ар-Розий бу ҳақда шундай дейди:

مَنْ اقْتَدَى فِي دِينِهِ بِعَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ فَقَدْ اهْتَدَى، وَالِدَلِيلُ عَلَيْهِ قَوْلُهُ ﷺ: اللَّهُمَّ أَدِرِ الْحَقَّ مَعَ عَلِيٍّ حَيْثُ دَارَ

«Кимки, динида Али ибн Аби Толибга эргашса, шубҳасиз, ҳидоят топибди. Бунга далил Расулуллоҳнинг ушбу сўзларидир: «Эй Аллоҳим, Али қаерда бўлса, ҳақни ҳам унинг гирд-теварагида қилиб қўйгин».<sup>3</sup>

1. Ибн Абил Ҳадид, «Шарҳу Наҳжил Балога», 1-жилд, 169-бет.

2. Мазкур сўзнинг манбаи:

- Ал-Мутгакил Ҳиндий, «Канзул уммол», 16-жилд, 44035-ҳадис, 88 ва 89-бетлар.

- Ибн Асокир, «Тариху Мадинати Дамашқ», 53-жилд, 256-бет, 6452-Мухаммад Шаҳрёр Ан-Нисобурийнинг таржимаи ҳолида келтирилган.

3. Мазкур сўзнинг манбаи:

- Фаҳри Розий, «Ат-тафсирул Кабийр ва мафаатийҳул ғайб», 1-жилд, Фотиҳа сурасидан олинадиган фикҳий масалалар баёнида 9-масала, 5-ҳужжат, 210-бет.

- Фаҳри Розий, «Ал-маҳсул фий илми усулил фикҳ», 4-жилд, 4-масала, 1452-бет.

Албатта, юқорида зикр қилган даъвомизга жуда кўплаб далиллар мавжуд бўлиб, ушбу китобда уларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

Қўлингиздаги Ғадийр воқеасига тегишли бўлган ушбу асар ҳазрати Али *(алайҳис салом)*ни «*Ғадийр*» кунда зиёрат қилиш учун ўнинчи илоҳий пешвоимиз Имом Али ибн Муҳаммад Ан-Нақий Ал-Ҳодий *(алайҳис салом)*дан мўътабар санадлар<sup>1</sup> билан содир этилган бўлиб, ушбу зиёратномада келган тарихий ва ақидавий маълумотларни Қуръони Карим оятларига ҳамда Аҳли суннат наздидаги мўътабар ва мўътамад манбаларга таяниб кенг шарҳлаганмиз. Шунга биноан, ушбу асарга «*Ғадийр Воқеаси Тарихи Қуръон ва Суннат Нигоҳидан*», деб ном танладик.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг суннатларига ҳамда ул ҳазратдан содир бўлган ҳадисларга асосланиб битилган ушбу асар илмий-тадқиқотий услубда ҳамда таҳлилий қараш билан Пайғамбаримиздан сўнг ислом тарихида содир бўлган воқеа-ҳодисаларни Аҳли суннат наздидаги мўътабар ва мўътамад манбаларга асосланиб кенг ёритиб беришга қаратилган ва шу тариқа, ушбу асарда ҳазрати Али *(алайҳис салом)* пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан сўнг Аллоҳ томонидан барча мусулмонлар учун танланган барҳақ халифа, раҳнамо ва йўлбошчи эканлиги Қуръони Каримнинг кўпгина оятларида ҳамда Суннати Набавияда баён этилгани исботлаган. Шу боис, ушбу асар ҳақиқатни изловчи инсонлар учун бир олам илму маърифатга тўлиб тошган деб айтсак, муболаға қилмаган бўламиз.

Ушбу асарда Пайғамбаримизнинг ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ҳақларида марҳамат қилган ҳадислари ва ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг бошларига тушган оғир воқеа-ҳодисаларда қай тарзда тутган йўллари баён қилинган. Шу билан биргаликда, Али *(алайҳис салом)*да бўлган олий даражали фазилатлар ҳақида ҳамда халифалик мансабини даъво қилиб уни эгаллаб олган кимсаларда эса ушбу фазилатларнинг бирортаси бўлмагани борасида ҳам сўз юритилган.

Бу айтилганлардан ташқари, ушбу асарда мўминлар амири ва тақводорлар сардори ҳазрати Али *(алайҳис салом)* пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан кейин энг афзал, энг устун, энг юксак ва энг улуғ зот эканликлари ҳамда Сарвари оламдан сўнг барча инсонларга раҳбарлик ва йўлбошчилик қилишга ҳақли ва сазовор бўлган ёлғиз инсон эканликлари турли хил далил-исботлар билан баён қилинган.

---

1. Ҳадис ривоят қилган ровийлар мажмуига «*ҳадис санади*» дейилади.

Шунинг учун, ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг «Ғадийр» кундаги ушбу зиёратномаларида пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан сўнг у зотнинг Аҳли-Байтларига эргашган мусулмонлар тўғри йўлда эканликлари баён қилиниши билан бирга, ушбу зиёратнома олий мазмунга эга бўлган ҳужжат ва далилдир. Шу боис, ушбу китобни нафақат Ғадийр кунда, балки ҳар куни ва ҳар ерда ўқиш жуда ҳам фойдали ва савоб амал бўлиб, Аллоҳнинг ибодатига рағбат қилувчилар ва ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг зиёратларига муштоқ бўлгувчилар мазкур зиёратни ғанимат деб биладилар.

Ушбу китобда ҳазрати Али *(алайҳис салом)* барча гуноҳ ва нопокликлардан йироқ бўлган «*маъсум*» имом ва раҳнамо эканликлари ва пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан сўнг халифалик, пешволик ва йўл бошчиликдан иборат ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг ҳақ-ҳуқуқлари у зотдан тортиб олиниши билан ул ҳазрат ҳаётлик чоғларида мазлум эканликлари баён этилган.

Ўнинчи илоҳий пешвоимиз Имом Али ибн Муҳаммад Ан-Нақий Ал-Ҳодий *(алайҳис салом)* ушбу зиёратномада биз томонга нур даричасини очганликлари туфайли, ҳар ким мўминлар амири ва тақволилар сардори ҳазрати Али *(алайҳис салом)*ни танимоқчи бўлса, у ҳазратнинг изларидан бориб ҳақ йўлда юришни истаса ва ушбу зиёратномадаги сўзларнинг маъносига диққат билан назар солса, ҳидоят йўлини топишига ҳеч қандай шак-шубҳа бўла олмас.

## **5. Ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг ҳадиси шарифлардаги айрим фазилатлари**

Асарни бошлашдан олдин мўминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг юксак мартабалари янада намоён бўлиши учун назарингизни пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг куйидаги айрим ҳадисларига жалб этамиз:

عَنْ أَبِي لَيْلَى الْغَفَّارِيِّ، قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: سَتَكُونُ مِنْ بَعْدِي فِتْنَةٌ، فَإِذَا كَانَ ذَلِكَ فَالْزُمُوا عَلِيَّ بْنَ أَبِي طَالِبٍ، فَإِنَّهُ أَوَّلُ مَنْ يَرَانِي وَأَوَّلُ مَنْ يُصَافِحُنِي يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَهُوَ مَعِيَ فِي السَّمَاءِ الْأَعْلَى وَهُوَ الْفَارُوقُ بَيْنَ الْحَقِّ وَالْبَاطِلِ.

«Аби Лайло Ғаффорий ривоят қилиб дедики, Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан шундай деб марҳамат қилганларини эшитдим: Мендан сўнг [ғаразгўй кимсалар хилофат мансаби устида тортишишлари



оқибатида] фитна юзага келгайдир. Шундай ҳолат рўй берганда, Али ибн Аби Толибни маҳкам тутиб, унга эргашингиз. Зероки, у қиёмат кунда мени кўрадиган ва мен билан кўришадиган илк кишидир ва у (Али<sup>(алайҳис салом)</sup>) юқори осмонда мен билан бирга бўлур ва у (Али<sup>(алайҳис салом)</sup>) ҳақ ва ботилнинг [ноҳақликнинг] ўртасини ажратувчидир».<sup>1</sup>

عَنْ أَبِي ثَابِتٍ مَوْلَى أَبِي ذَرٍّ قَالَ: دَخَلْتُ عَلَى أُمِّ سَلَمَةَ فَرَأَيْتُهَا تَبْكِي وَتَذْكُرُ عَلِيًّا وَقَالَتْ سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: عَلِيٌّ مَعَ الْحَقِّ وَالْحَقُّ مَعَ عَلِيٍّ وَلَنْ يَفْتَرِقَا حَتَّى يَرِدَا عَلِيَّ الْحَوْضَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ.

«Абу Зар (разияллоҳу анҳу)нинг хизматкорлари Абу Собит ривоят қилиб дедик, Пайгамбаримизнинг аёллари Умму Саламанинг ҳузурига кирдим ва уни йиғлаётган ҳолда кўрдим ва ўша ҳолатда ҳазрати Али<sup>(алайҳис салом)</sup>ни ёдга олиб, шундай дерди: Расулulloҳ<sup>(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)</sup>дан шундай деб марҳамат қилганларини эшитдимки: Али ҳақ билан бирга ва ҳақ ҳам Али билан биргадир ва Қиёмат кунини Ҳавзи Кавсар ёнида бу иккаласи менга кириб келгунга қадар, ҳаргиз бир-биридан ажралмас».<sup>2</sup>

1. Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат алломалари куйидагилардан иборат:

- Ибн Асокир, «Тариху мадинати Дамашқ», 3-жилд, 123-бет, 1164-ҳадис.
- Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий, «Мийзонул-иътидол фий нақдир-рижол», 2-жилд, 3-бет, 2587-ҳадис ва 1 жилд, 188-бет, 740 ҳадис.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 93 ва, 43-боб 152-бет.
- Ганжий Шофей, «Кифаяятут-толиб», 44-боб, 188-бет.
- Ал-Мутгакил Ҳиндий, «Канзул уммол», 11-жид, 612-бет.

2 Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат уламолари куйидагилардан иборат:

- Ибн Мағозий, «Маноқибу Амирил муъминийн», 244-бет.
- Ибн Асокир, «Тариху мадинати Дамашқ», 3-жилд, 119-бет, 1162-ҳадис.
- Ҳоким Нишобурӣ, «Ал-Мустадраку алас-саҳихайн», 124-бет, 3-ҳадис, 61 - ҳадис, бобу манокіби Алиййин.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 104-бет, 20-боб.
- Хатиб Бағдодӣ, «Тариху Бағдод», 14-жилд, 321-бет, 7643-ҳадис.
- Ибн Касир, «Ал-Бидоятун ван-Ниҳояҳ», 7-жилд, 321-бет, бобу фазоили Алиййин.
- Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 9-жилд, 135-бет.
- Термизий, «Сунанун термизий», 13-жилд, 166-бет, 3-ҳадис, бобу манокіби Алиййин.
- Хоразмий, «Маноқибу Амирил муъминийн», 223-бет.
- Ал-Мутгакил Ҳиндий, «Канзул уммол», 11-жилд, 621-бетдан 643-бетларгача ва бошқа алломалар ушбу ҳадисни ўз китобларида ривоят қилганлар.

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ قَالَتْ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: عَلِيٌّ بِنُ أَبِي طَالِبٍ مَعَ الْقُرْآنِ وَالْقُرْآنُ مَعَهُ، لَا يَفْتَرِقَانِ حَتَّى يَرِدَا عَلِيَّ الْحَوْضَ.

«Пайгамбаримизнинг аёллари Умми Салама ривоят қилиб дедики, Пайгамбар (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай марҳамат қилдилар: Али ибн Аби Толиб Қуръон билан бирга ва Қуръон у билан биргадир, улар Ҳавзи кавсар ёнида менга кириб келгунларига қадар бир-бирларидан ажралмаслар».<sup>1</sup>

عَنْ أَبِي بُرَيْدَةَ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: لِكُلِّ نَبِيٍّ وَصِيٌّ وَوَارِثٌ وَإِنَّ عَلِيًّا وَصِيِّي وَوَارِثِي.

Абу Бурайда отасидан ривоят қилиб дедики, Пайғамбар (саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай деб марҳамат қилдилар: «Ҳар пайгамбар учун унинг йўлини давом эттирадиган васий ва ворис бордир ва шубҳасиз, Али менинг йўлимни давом эттиргувчи васий ва ворисимдир».<sup>2</sup>

1. Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат алломалари куйидагилардан иборат:

- Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳиҳайн» 3-жилд, 124-бет.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 103-бет, 20-боб.
- Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 9-жилд, 134-бет.
- Жалолуддин Суютий, «Тарихул хулафо», 173-бет, боб фазоилу Алиййин.
- Ал-Муттақил Ҳиндий, «Канзул уммол», 11-жилд, 603-бет ва бошқа олимлар ушбу ҳадисни ривоят қилганлар.

2 Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат олимлари куйидагилардан иборат:

- Ибн Мағозий, «Маноқибу Амирил муъманийн», 201-бет, 238-ҳадис.
- Ибн Асокир, «Тариху мадинати Дамашқ», 3-жилд, 5-бет, 1022-ҳадис.
- Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий, «Мийзонул-иътидол фий нақдир-рижол», 4-жилд, 127 ва 128-бетлар, 8590-ҳадис.
- Ганжий Шофеий, «Кифааятут-толиб», 62-боб, 260-бет.
- Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 9-жилд, 113-бет, 7-жилд, 200-бет.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 90 ва 295-бет, 15-боб.
- Жалолуддин Суютий, «Ал-лиъолил маснуъа», 1-жилд, 185-бет.
- Ҳофиз Ҳасконий, «Шавоҳиддун танзийл», Бақара сураси\30 оятининг тафсирида.
- Жувайний Хуросоний, «Фароидус симтайн», 52-боб, 222-ҳадис.
- Хоразмий, «Маноқибу Амирил муъманийн», 88-бет, 22-х ва бошқалар.

عَنْ أَبِي الْحَمْرَاءِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: مَنْ أَرَادَ أَنْ يَنْظُرَ إِلَى آدَمَ فِي عِلْمِهِ وَإِلَى نُوحٍ فِي فَهْمِهِ وَإِلَى إِبْرَاهِيمَ فِي حِلْمِهِ وَإِلَى يَحْيَى بْنِ زَكَرِيَّا فِي زُهْدِهِ وَإِلَى مُوسَى بْنِ عِمْرَانَ فِي بَطْشِهِ فَلْيَنْظُرْ إِلَى عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ.

Абу Ҳамро ривоят қилиб дедики, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай деб марҳамат қилдилар: «Кимки, Одам (алайҳис салом)нинг илму-донолигини кўрмоқчи бўлса ва Нух (алайҳис салом)нинг фаҳму-фаросатига назар солмоқчи бўлса ва Иброҳим (алайҳис салом)нинг сабру бардошли эканлигини ва Яҳё ибн Закариё (алайҳис салом)нинг зоҳид ва дунё молу матосига нисбатан беразбатлигини кўрмоқчи бўлса ва Мусо ибн Имрон (алайҳис салом)нинг довюррак, қўрқмаслигига назар солишни истаса, шунда Али ибн Аби Толиб (алайҳис салом)га қарасин».<sup>1</sup>

Юқоридаги ҳадиснинг маъносига кўра, ҳазрати Али (алайҳис салом) шундай бир юксак ва олий даражали инсон эдиларки, Аллоҳнинг улуғ пайгамбарларидаги бутун яхши ва эзгу сифатлар ҳамда хусусиятлар тўла-тўқис ҳолда ул ҳазратда мужассам бўлиб, бундай олий сифат ва хусусиятларга эга бўлиш эса фақатгина Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га ҳамда ул ҳазратнинг ҳақиқий халифа ва ворисларига хосдир.

حَدَّثَنِي عَبْدُ اللَّهِ بْنُ أَسْعَدِ بْنِ زُرَّارَةَ، قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ لَيْلَةً أُسْرِي بِي انْتَهَيْتُ إِلَى رَبِّي عَزَّوَجَلَّ فَأَوْحَى إِلَيَّ (أَوْ أَخْبَرَنِي) فِي عَلِيِّ بِثَلَاثٍ: إِنَّهُ سَيِّدُ الْمُسْلِمِينَ وَوَلِيُّ الْمُتَّقِينَ وَقَائِدُ الْعُرَى الْمُحْجَلِينَ.

«Абдуллоҳ ибн Асад ибн Зурора ривоят қилиб дедики, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай марҳамат қилдилар: Мەърожга мени олиб чиққан кечаси иззатли ва буюк Парвардигоримнинг ҳузурига шарафёб

1. Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат алломалари куйидагилардан иборат:

- Ибн Асокир, «Тариху Мадинати Дамашқ», 2-жилд, 280-бет, 804-ҳадис.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 253-бет.
- Ганжий Шофейи, «Кифааятут-толиб», 122-бет, 23-боб.
- Ибн Мағозийли, «Маноқибу Амирил муъминийн», 212-бет, 256-ҳадис.
- Ибн Касир, «Ал-Бидоятун ван-Ниҳояҳ», 7-жилд, 356-бет.
- Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий, «Мийзонул-иътидол фий нақдир-рижол», 4-жилд, 99-бет, 8464-ҳадис.
- Ибн Абил Ҳадийд, «Шарҳу Наҳжил Балога», 2-жилд, 449-бет, миср нашриёти.
- Жувайний Хуросоний, «Фароидус симтайн», 35-бет, 142-ҳадис.

бўлдим, шунда Парвардигорим Али (алайҳис салом) уч фазилат ва устунликка эга эканлиги хусусида менга ваҳий қилиб деди: Дарҳақиқат, у (Али) мусулмонларнинг сарвари, тақволи кишиларнинг пешвоси ҳамда Қиёмат кунинда пешанасидан нур тараладиган обид инсонларнинг раҳнамосидир».<sup>1</sup>

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ، قَالَ سَمِعْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ، يَقُولُ لِعَلِيِّ: النَّاسُ مِنْ شَجَرٍ شَتَّى وَأَنَا وَأَنْتَ مِنْ شَجَرَةٍ وَاحِدَةٍ ثُمَّ قَرَأَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: ﴿وَجَنَّتْ مِنْ أَعْنَابٍ وَزَرْعٍ وَنَخِيلٍ صِنَوَانٌ وَعَبِيرٌ صِنَوَانٍ يُسْقَى بِمَاءٍ وَاحِدٍ﴾

Жобир ибн Абдуллоҳ (разияллоҳу анху) ривоят қилиб деди: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) дан эшитдимки, Али (алайҳис салом) га шундай марҳамат қилардилар: «Одамлар турли дарахтлардандирлар, аммо мен ва сен бир дарахтданмиз. Сўнгра Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) қуйидаги ояти каримани ўқидилар: Узумзор боглар, экинзорлар ва шохлаб кетган ҳамда шохламаган хурмолар бўлиб, улар бир сув билан сугорилурлар (Раъд сураси, 4-ояти)».<sup>2</sup>

1. Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат алломалари куйидагилардан иборат:

- Хоразмий, «Маноқибу Амирил муъминийн», 229-бет.
- Ҳофиз Абу Наим, «Ҳилятул авлиё», 1-жилд, 63-бет.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 213-бет ва 245-бет, 56-боб.
- Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳиҳайн», 3-жилд, 138-бет, 99-ҳадис.
- Ганжий Шофей, «Кифааятут-толиб», 45-боб, 190-бет.
- Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 9-жилд, 121-бет.
- Ибн Мағозий, «Маноқибу Амирил муъминийн», 104-бет, 146 ва 147-ҳадис.
- Ҳофиз Шамсиддин аз-Заҳабий, «Мийзонул-иътидол фий нақдир-рижол», 1-жилд, 64-бет, 211-ҳадис.
- Ибн Асокир, «Тариху мадинати Дамашқ», 2-жилд, 256-бет, 772-ҳадис.
- Ибн Асийр Ал-Жазарий, «Усудул-гобах фий маърифатис-саҳобаҳ», 1-жилд, 69-бет, ва 3-жилд, 116-бет.
- Ал-Мутгакил Ҳиндий, «Канзул уммол», 11-жилд, 620-бет.

2. Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат алломалари куйидагилардан иборат:

- Ибн Мағозий, «Маноқибу Амирил муъминийн», 400-ҳадис, 90 ва 297-ҳадислар.
- Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳиҳайн», 2-жилд, 241-бет.
- Ибн Асокир, «Тариху мадинати Дамашқ», 1-жилд, 126-бет, 178-ҳадис.
- Жалолуддин Суютий, «Ад-дуррул мансур», 5-жилд, 51-бет ва шунингдек, Суютийнинг «Тарихул хулафо» китоби, 171-бет.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 280-бет, 38-ҳадис.

عَنْ إِبْنِ عَبَّاسٍ، عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ لِأُمِّ سَلَمَةَ: يَا أُمَّ سَلَمَةَ أِنَّ عَلِيًّا لَحَمُّهُ مِنْ لَحْمِي وَدَمُهُ مِنْ دَمِي وَهُوَ بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى إِلَّا أَنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي.

Ибн Аббос (*разияллоҳу анҳу*) ривоят қилиб дедики, Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) аёллари Умми Саламага қарата шундай дедилар: «Эй Умми Салама, дарвоқе, Алининг гўшти менинг гўштимдан ва унинг қони менинг қонимдандир. Унинг [Алининг] мени наздимдаги мартабаси, Ҳоруннинг Мусо наздидаги мартабаси кабидир, фарқи шундаки, мендан сўнг пайгамбар бўлмас».<sup>1</sup>

عَنْ زَيْدِ بْنِ شَيْبَةَ قَالَ، بَعَثَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ أَبَا بَكْرٍ بِنِزَاءَةٍ ثُمَّ أَتْبَعَهُ عَلِيًّا، فَلَمَّا قَدِمَ أَبُو بَكْرٍ قَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَنْزَلَ فِيَّ شَيْءٌ؟ قَالَ: لَا وَلَكِنِّي أُمِرْتُ أَنْ أُبَلِّغَهَا أَنَا أَوْ رَجُلًا مِنْ أَهْلِ بَيْتِي.

- Ҳофиз Ҳасконий, «Шавоҳиддуд танзийл», 395-ҳадис.

- Ал-Мутгакил Ҳиндий, «Канзул уммол», 6-жилд, 154-бет ва 11-жилд, 608-бет.

1. Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат алломалари куйдагилардан иборат:

- Ибн Асокир, «Тариху Мадинати Дамашқ», 1-жилд, 406, 336 ва 456-ҳадислар.

- Аҳмад ибн Ҳанбал, «Муснаду Аҳмад ибн Ҳанбал», 1-жилд, 177 ва 189-бетлар ва ал-фазааил мавзусидаги, 79 ва 80-ҳадислар.

- Ибн Можаҳ Қазвиний, «Сунану Ибн Можаҳ», 1-жилд, 42-бет, 115-ҳадис.

- Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳийҳул Бухорий», 5-жилд, 81-бет, 225-ҳадис (*Фазоилу асҳобин Набий*).

- Ибн Абдул Барр Ал-Қуртубий, «Ал-истийғоб фий маърифатил асҳоб», 3-жилд, 1097-бет, 1855-ҳадис.

- Ҳофиз Абу Наим, «Ҳиятул авлиё», 7-жилд, 194-бет.

- Балозирий, «Ансобул ашроф», 2-жилд, 95-бет, 15-ҳадис.

- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийгул маваддаҳ», 56 ва 153-бетлар, 6-боб.

- Ибн Мағозиллий, «Маноқибу Амирил муъминийн», 33 ва 34-бетлар, 40 ва 50-ҳадислар.

- Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳиҳайн», 3-жилд, 108-бет.

- Ибн Касир, «Ал-Бидоятун ван-Ниҳояҳ», 8-жилд, 77-бет.

- Ганжий Шофей, «Кифааятун-толиб», 37-боб, 168-бет.

- Ҳофиз Шамсиддин аз-Заҳабий, «Мийзонул-иътидол фий нақдир-рижол», 2-жилд, 3-бет, 2586-ҳадис.

- Жалолуддин Суютий, «Аллиъолил маснуъа», 1-жилд, 177-бет.

- Ибн Ҳажар Аскалоний, «Лисонул мийзон», 2-жилд, 234-б ва бошқалар.

«Зайд ибн Ясийъ ривоят қилиб деди: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) мушириклар ҳақида нозил бўлган Бароъат-Тавба сурасини Макка муширикларига етказиш учун Абу Бакрни ушбу сура билан Макка шаҳрига юбордилар. Сўнгра Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Абу Бакрнинг кетидан Али (алайҳис салом)ни йўлладилар ва ҳазрати Али (алайҳис салом) Бароъат сурасини Абу Бакрдан олиб, ушбу сурани муширикларга етказдилар. Абу Бакр қайтиб келиб: «Эй Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Мен ҳақимда бирор нарса нозил бўлдимми?», деди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) унга жавобан шундай дедилар: «Йўқ, лекин бу сурани мен ва менинг Аҳли-Байтимдан, хонадоним аҳлидан бўлган киши муширикларга етказишга маъмур қилинганман [буюрилганман]».<sup>1</sup>

Ушбу ҳадисдан маълум бўладики, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг зиммаларида бўлган оғир вазифани у ҳазратнинг ўзлари ёки Аҳли-Байтларидан бўлган ҳазрати Али (алайҳис салом) ва у зотнинг зурриётларидан бўлган ўн бир имом ва пешводан бошқа ҳеч ким адо эта олмас. Бу ҳадис ва бунга ўхшаш кўпгина ҳадислар пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг, у зотнинг йўлларини давом эттирувчи барҳак халифалар ва ворислар Али (алайҳис салом) ва у зотнинг зурриётларидан бўлган ўн бир имом эканлигига очиқ-ойдин далилдир.

Демак, юқоридаги ҳадиси шарифларга кўра, ҳазрати Али (алайҳис салом) Аллоҳ томонидан танланган Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг

---

1. Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат олимлари куйидагилардан иборат:

- Балозирий, «Ансобул ашроф», 2-жилд, 155-бет, 164-ҳадис.
- Ибн Асокир, «Тариху мадинати Дамашқ», 2-жилд, 376-бет, 871 дан 873 гача бўлган ҳадислар.
- Ибн Касир, «Ал-Бидоятун ван-Ниҳояҳ», 5-жилд, 37-бет, ва 7-жилд, 35-бет.
- Аҳмад ибн Ҳанбал, «Муснаду Аҳмад ибн Ҳанбал», 1-жилд, 318-бет, 1296-ҳадис.
- Ибн Мағозиллий, «Маноқибу Амирил муъминийн», 221-бет, 267 ва ундан кейинги ҳадислар.
- Ганжий Шофей, «Кифаятут-толиб», 254-бет, 62-боб.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий «Янобийъул маваддаҳ», 101-бет, 18-боб.
- Термизий, «Сунани Термизий», 13-жилд, 169-бет, 8-ҳадис ва бошқа алломалар.
- Аҳмад Ибн Ҳанбал, «Фазоилус-саҳобаҳ», 2-жилд, 694-бет, 946-ҳадис, ва шунингдек, 795 ва 796-бетлар, 1090-ҳадис, 875 ва 876-бетлар, 1203-ҳадис.

ҳақиқий ворис ва давомчилари бўлиб, бутун мусулмонлар у ҳазратга бўйсуниб, итоат қилишлари фарз ва вожиб бўлган улуғ мақом соҳиби бўлмиш биринчи имом, пешво ва йўлбошчи эдилар. Аммо ул ҳазратнинг ҳақ-ҳуқуқлари бўлган халифалик мансабини ноўрин эгаллаб олган кимсаларда эса бундай фазилатларнинг бирортаси мутлақо мавжуд бўлмаган.

Шак-шубҳасиз, мўминлар амири ва тақволилар сардори ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг юксак фазилар ва хусусиятларини биз каби ожиз бандалар баён эта олмаймиз. Ушбу масалага Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг куйидаги ҳадислари очиқ-ойдин далилдир:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: لَوْ أَنَّ الرِّيَاضَ أَقْلَامٌ وَالْبَحْرَ مِدَادًا وَالْحِجْنَ حُسَابًا وَالْإِنْسَ كُتَابًا مَا أَحْصَوْا فَضَائِلَ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ.

«Ибн Аббос *(разияллоҳу анҳу)* ривоят қилиб дедики, Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* шундай марҳамат қилдилар: Агар дарахтлар қалам ва денгизлар сиёҳ, жинлар ҳисоблагувчи ва инсонлар эса ёзувчи бўлсалар, Али ибн Абу Толибнинг фазилатларини ҳисоблай олмаслар».<sup>1</sup>

Диққатга сазовор томони шундаки, муборак «*Ғадийр*» ҳайити Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* Аҳли-Байтларининг севинчли кунларидан бўлиб, «*Ийдуллоҳил акбар*», яъни Аллоҳ тайин этган энг буюк ҳайит деб ном олган. Зероки, «*Ғадийр*» кунда Аллоҳнинг фармони билан Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ўзларидан сўнг ўз халифа ва ворислари бўлмиш ҳазрати Али *(алайҳис салом)*ни барча мусулмонларга пешво, валий, раҳнамо ва йўлбошчи сифатида «*Ҳажжсатул видо*»да, яъни видолашув ҳажида иштирок этган саҳобаларга эълон қилиб тайин этдилар.

Шу боис, «*Ғадийр*» кунда Аллоҳ таборака ва таоло Ўз пайғамбари Муҳаммад Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*га ваҳий йўллаб, динни комил қилганини, Ўз неъматини тўқис этганини ва ислом дин бўлишига рози эканини барчага ошкор этди. (Моида сураси, 3-оят)

Шундай экан, Аллоҳнинг бизга ато этган ушбу буюк неъматини эъозлаб, мўъминлар амири ва тақволилар сардори бўлмиш биринчи

1. Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат алломалари куйидагилардан иборат:

- Ганжий Шофей, «*Кифаяятут-толиб*», 251 ва 252-бетлар, 62-боб.

- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «*Янобийъул маваддаҳ*», 286-бет, 70-ҳадис.

имомимиз ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг муқаддас ҳузурларида бош эгиб, у ҳазратнинг кўрсатган йўлларида боришда вафодор эканимизни изҳор этиб «*Ғадийр*» ҳайитини мусулмонлар орасида нишонлаб, ушбу куннинг маънавий баракотидан баҳраманд бўлайлик.

Эй шери яздони Худо, Эй биродари Мустафо,  
Эй жонишини пайғамбар, йўк сенга ҳеч кас баробар.  
Эй амирал мўъминин, сан раҳбари дини мубин,  
Ғолиби жангги Хайбар, Эй имомларга падар.  
Мустақим йўл роҳиби, Эй Кавсарнинг соҳиби,  
Аллоҳ-ла тўла юрак, қабрда бизга кўмак.

**Шоир: Марҳум Баходир Забихзода**



---

## ҒАДИЙР КУНИ ЗИЁРАТНОМАСИ

---

Ғадийр кунида иймонли кишиларнинг пешвоси, валийси ва сарвари бўлмиш ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг зиёратномалари:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

### БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

السَّلَامُ عَلَى مُحَمَّدٍ رَسُولِ اللَّهِ خَاتَمِ النَّبِيِّينَ، وَسَيِّدِ الْمُرْسَلِينَ، وَصَفْوَةِ رَبِّ الْعَالَمِينَ، أَمِينِ  
اللَّهِ عَلَى وَحْيِهِ، وَعَزَائِمِ أَمْرِهِ، وَالْحَتَائِمِ لِمَا سَبَقَ، وَالْفَاتِحِ لِمَا اسْتَقْبَلَ، وَالْمُتَهَيِّمِينَ عَلَى ذَلِكَ كُلِّهِ،  
وَرَحْمَةِ اللَّهِ وَبَرَكَاتِهِ، وَصَلَوَاتُهُ وَتَحِيَّاتُهُ.

*«Аллоҳнинг Расули Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) пайгамбарларнинг энг сўнггиси, пайгамбарларнинг сарвари ва оламлар Парвардигорининг танланган кишиси, Аллоҳнинг ваҳий ва қатъий фармонларининг амини-ишончли бандаси ва олдинги илоҳий динларни ниҳоясига етказувчи ва келажак йўлини очувчи [унинг дини келажакда бутун олам сари ҳақиқатни ёритувчи] ҳамда уларнинг барчасидан устун ва голиб турувчи зотга салом бўлсин! Ва Аллоҳнинг раҳмати, баракоти ва Унинг савобот-у саломлари у зотга бўлсин!»*

السَّلَامُ عَلَى أَنْبِيَاءِ اللَّهِ وَرُسُلِهِ، وَمَلَائِكَتِهِ الْمُقَرَّبِينَ، وَعِبَادِهِ الصَّالِحِينَ.

*«Аллоҳнинг пайгамбарлари ва элчилари ва Унинг даргоҳига яқин бўлган фаришталари ҳамда Унинг солиҳ бандаларига салом бўлсин!»*

السَّلَامُ عَلَيْكَ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ، وَسَيِّدَ الْوَصِيِّينَ، وَوَارِثَ عِلْمِ النَّبِيِّينَ، وَوَلِيَّ رَبِّ الْعَالَمِينَ، وَ  
مَوْلَايَ وَمَوْلَى الْمُؤْمِنِينَ، وَرَحْمَةَ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ.

*«Салом бўлсин сизга эй мўъминлар амири, васийлар сарвари,*

пайгамбарлар илмининг вориси ва оламлар Парвардигорининг танлаган валийси ва пешвоси! Эй менинг хожам ва барча мўъминларнинг хожаси! Худонинг раҳмати ва Унинг баракоти сизга бўлсин!»

السَّلَامُ عَلَيْكَ يَا مَوْلَايَ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ، يَا أَمِينَ اللَّهِ فِي أَرْضِهِ وَسَفِيرَهُ فِي خَلْقِهِ، وَحُجَّتَهُ  
الْبَالِغَةَ عَلَى عِبَادِهِ.

«Салом бўлсин сизга эй менинг мавлоим, эй мўъминлар амири, эй Аллоҳнинг ер юзидаги амини-ишончли бандаси ва яратилганлар орасида Аллоҳнинг элчиси ва Унинг бандаларига Унинг қатъий ҳужжати».

السَّلَامُ عَلَيْكَ يَا دِينَ اللَّهِ الْقَوِيمَ، وَصِرَاطَهُ الْمُسْتَقِيمَ. السَّلَامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبَاءُ الْعَظِيمُ،  
الَّذِي هُمْ فِيهِ مُخْتَلِفُونَ، وَعَنْهُ يُسْأَلُونَ. السَّلَامُ عَلَيْكَ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ، أَمِنْتَ بِاللَّهِ وَهُمْ  
مُشْرِكُونَ، وَصَدَقْتَ بِالْحَقِّ وَهُمْ مُكَذِّبُونَ، وَجَاهَدْتَ فِي اللَّهِ وَهُمْ مُجْحَمُونَ، وَعَبَدْتَ اللَّهَ مُخْلِصًا  
لَهُ الدِّينَ صَابِرًا مُحْتَسِبًا حَتَّى أَتَاكَ الْيَقِينُ، أَلَا لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ.

«Салом бўлсин сизга эй Аллоҳнинг мустаҳкам дини ва Унинг тўғри йўли! Салом бўлсин сизга эй буюк хабарки, одамлар унинг борасида ихтилоф қилишди ва унинг ҳақида Қиёмат кунда улардан сўралади. Салом бўлсин сизга эй мўъминлар амири! Барча кишилар мушрик бўлган ҳолларида, сиз Аллоҳга иймон келтирдингиз ва сиз ҳақни, яъни Аллоҳ Ягона ва Ёлғиз Зот эканини ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Унинг томонидан юборилган ҳақ пайгамбар эканини тасдиқладингиз. Холбуки, бошқа кишилар ҳақни ёлгонга чиқаришди. Бошқалар жиҳод майдонидан ортга чекинган ҳолларида, сиз Аллоҳ йўлида жиҳод қилдингиз. Ўлим лаҳзаси етиб келгунга қадар динни Аллоҳ учун холис қилувчи ва сабрли бўлувчи ҳолда бу йўлдаги азият-озорларни Унинг ҳисобига қўйган ҳолда Тангрига ибодат ва бандалик қилдингиз. Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг лаънати золимларга бўлсин!»

السَّلَامُ عَلَيْكَ يَا سَيِّدَ الْمُسْلِمِينَ، وَيَعْسُوبَ الْمُؤْمِنِينَ، وَإِمَامَ الْمُتَّقِينَ، وَقَائِدَ الْعُرَى  
الْمُحَجَّلِينَ، وَرَحْمَةَ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ، أَشْهَدُ أَنَّكَ أَخُو رَسُولِ اللَّهِ، وَوَصِيُّهُ، وَوَارِثُ عِلْمِهِ، وَأَمِينُهُ عَلَى  
شَرْعِهِ، وَخَلِيفَتُهُ فِي أُمَّتِهِ، وَأَوَّلُ مَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَصَدَقَ بِمَا أُنزِلَ عَلَى نَبِيِّهِ، وَأَشْهَدُ أَنَّهُ قَدْ بَلَغَ عَنِ  
اللَّهِ مَا أُنزِلُهُ فِيكَ، فَصَدَعَ بِأَمْرِهِ، وَأَوْجَبَ عَلَى أُمَّتِهِ فَرَضَ طَاعَتِكَ وَوَلَايَتِكَ، وَعَقَدَ عَلَيْهِمْ

الْبَيْعَةَ لَكَ، وَجَعَلَكَ أَوْلَىٰ بِالْمُؤْمِنِينَ مِنْ أَنفُسِهِمْ، كَمَا جَعَلَهُ اللَّهُ كَذَلِكَ، ثُمَّ أَشْهَدَ اللَّهُ تَعَالَىٰ عَلَيْهِمْ فَقَالَ: أَلَسْتُ قَدْ بَلَّغْتُ؟ فَقَالُوا: أَلَلَّهِمَّ بَلَىٰ. فَقَالَ: أَلَلَّهِمَّ أَشْهَدُ وَكَفَىٰ بِكَ شَهِيدًا وَحَاكِمًا بَيْنَ الْعِبَادِ.

«Салом бўлсин сизга эй мусулмонлар сарвари, мўъминлар пешвоси ва тақволилар раҳбари ва қиёмат кунда юзи ёруғ кишиларнинг йўл бошчиси. Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти сизга бўлсин! Гувоҳлик бераманки, сиз Расулуллоҳнинг биродари, давомчиси, унинг илмининг вориси ва унинг шариати амини-ишончли кишиси ва Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг уммати орасида у зотнинг халифасидирсиз. Сиз Аллоҳга иймон келтирган ва Унинг Пайгамбарига нозил қилинган нарсаларни тасдиқлаган биринчи кишидирсиз ва «шаҳодат бераманки, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шубҳасиз, Аллоҳ фармониغا биноан сиз ҳақингизда нозил қилган нарсани одамларга етказди ва Ҳақ таолонинг фармонини ошкора эълон қилди. Ва сизга итоат қилиш ва сизни пешво деб тан олган ҳолда сизга эргашишни ўз умматига вожиб этди.»<sup>1</sup> Ва уларни сизга [валий ва раҳнамо сифатида] байъат қилишга чақирди ва Аллоҳ таоло Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни мўъминларнинг ўзларидан ҳам устунроқ қилганидек, Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳам сизни мўъминларнинг ўзларидан ҳам устунроқ ва сазоворроқ қилди. Шундан сўнг Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Аллоҳ таолони одамларга гувоҳ қилиб буюрдилар: Худонинг фармонини сизларга етказмадимми? Шунда улар: Аллоҳ номи билан қасамки, етказдингиз, дейишди. Сўнггра ул зот дедилар: Эй Аллоҳим, Ўзинг гувоҳ ва шоҳид бўлгинки, бандалар орасида сенинг гувоҳлигинг ва ҳукм қилишинг етарлидир».

فَلَعَنَ اللَّهُ جَاحِدَ وَلَايَتِكَ بَعْدَ الْإِقْرَارِ، وَتَاكِيكَ عَهْدِكَ بَعْدَ الْمِيثَاقِ، وَأَشْهَدُ أَنَّكَ وَفَيْتَ بِعَهْدِ اللَّهِ تَعَالَىٰ، وَأَنَّ اللَّهَ تَعَالَىٰ مُوفٍ لَكَ بِعَهْدِهِ ﴿وَمَنْ أَوْفَىٰ بِمَا عَاهَدَ عَلَيْهِ اللَّهُ، فَمَسْئُوتِيهِ أَجْرًا﴾

1. Ушбу { يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ } (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи) хижратнинг ўнинчи йилида зул-ҳижжа ойининг ўн саккизинчи кунда Ғадийр Хум номи ерда мўъминлар амири Али (алайҳис салом)нинг пешволигини эълон этишга маъмур қилиндилар.

عَظِيمًا ﴿ وَأَشْهَدُ أَنَّكَ أَمِيرُ الْمُؤْمِنِينَ الْحَقُّ الَّذِي نَطَقَ بِوَلَايَتِكَ التَّنْزِيلُ، وَأَخَذَ لَكَ الْعَهْدَ عَلَى الْأُمَّةِ بِذَلِكَ الرَّسُولِ، وَأَشْهَدُ أَنَّكَ وَعَمَّكَ وَأَخَاكَ الَّذِينَ تَاجَرْتُمُ اللَّهَ بِنَفُوسِكُمْ، فَأَنْزَلَ اللَّهُ فِيكُمْ: ﴿إِنَّ اللَّهَ اشْتَرَى مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَنْفُسَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ بِأَنْ لَهُمُ الْجَنَّةَ يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَيَقْتُلُونَ وَيُقْتَلُونَ وَعَدًّا عَلَيْهِ حَقًّا فِي التَّوْرَةِ وَالْإِنْجِيلِ وَالْقُرْآنِ وَمَنْ أَوْفَى بِعَهْدِهِ مِنَ اللَّهِ فَاسْتَبْشِرُوا بِبِعْتِكُمُ الَّذِي بَايَعْتُمْ بِهِ وَذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ التَّائِبُونَ الْعَابِدُونَ الْحَامِدُونَ السَّاجِدُونَ الرَّاكِعُونَ السَّاجِدُونَ الْأَمْرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَالنَّهْيِ عَنِ الْمُنْكَرِ وَالْحَافِظُونَ لِحُدُودِ اللَّهِ وَبَشِّرِ الْمُؤْمِنِينَ﴾

«Сизнинг пешво ва йўл бошчи эканингизга иқрор бўлгандан сўнг билиб туриб, ёлгонга чиқарган ва сиз билан боглаган аҳд-паймонини бузган кишини Аллоҳ ўз раҳматидан узоқ қилсин! [Эй мўъминлар амири!] Гувоҳлик бераманки, сиз Аллоҳ таоло билан боглаган аҳду паймонга вафо қилдингиз ва Аллоҳ таоло ҳам сизга бўлган Ўз аҳду паймонига вафо қилувчи Зотдир»:

«Ва кимки, Аллоҳ билан қилган аҳду паймонига вафо қилса, Аллоҳ унга улуг ажр-мукофот ато этгай». (Фатҳ сураси, 10-оят)

«Ва гувоҳлик бераманки, сиз мўъминлар амирисиз ва бу шундай бир ҳақиқатки, Аллоҳ таоло бу ҳақда Ўз китобида сўз юритган ва Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳам сиз учун умматдан [ўзидан сўнг халифа ва пешво эканлигингиз борасида] аҳд ва байъат олган ва гувоҳлик бераманки, сиз ва амакингиз Ҳамза шаҳидлар сарвари ва биродарингиз Жаъфар Тайёр шундай кишилар эдингизки, жонингизни Аллоҳ таоло йўлида фидо қилдингиз. Аллоҳ ушбу ояти каримани сизлар тўғрингизда нозил қилди:

«Албатта, Аллоҳ мўъминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарида сотиб олди. Улар Аллоҳ йўлида жанг қилиб, ўлдирадилар ва ўлдириладилар. Аллоҳ Таврот, Инжил ва Қуръонда Ўзининг ҳақ ваъдасини берган. Аллоҳдан ҳам аҳдига вафодорроқ ким бор? Улар тавба қилувчилар, (Аллоҳнинг ўзигагина) ибодат қилувчилар, ҳамду сано деювчилар, рўза тутувчилар, рукуъ ва сажда қилувчилар, яхшиликка бунориб, ёмонликдан қайтарувчилар ва Аллоҳ чегаралаб қўйган қонун-қоидаларни муҳофаза қилувчи мўъминлардир. Бундай мўъминларга жаннат хушxabарини етказинг». (Тавба сураси, 111 ва 112-оятлар.)

أَشْهَدُ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ أَنَّ الشَّأكَ فِيكَ مَا آمَنَ بِالرَّسُولِ الْأَمِينِ، وَأَنَّ الْعَادِلَ بِكَ غَيْرِكَ عَانِدٌ  
عَنِ الدِّينِ الْقَوِيمِ الَّذِي ارْتَضَاهُ لَنَا رَبُّ الْعَالَمِينَ، وَأَكْمَلَهُ بِوِلَايَتِكَ يَوْمَ الْعَدِيدِ، وَأَشْهَدُ أَنَّكَ  
الْمُعْتَنِي بِقَوْلِ الْعَزِيزِ الرَّحِيمِ، ﴿وَأَنَّ هَذَا صِرَاطِي مُسْتَقِيمًا فَاتَّبِعُوهُ، وَلَا تَتَّبِعُوا السُّبُلَ فَتَفَرَّقَ بِكُمْ  
عَنْ سَبِيلِهِ﴾ ضَلَّ وَاللَّهِ وَأَضَلَّ مَنْ اتَّبَعَ سِوَاكَ، وَعَنَدَ عَنِ الْحَقِّ مَنْ عَادَاكَ.

«Эй мўъминлар амири, шаҳодат бераманки, сизнинг тўғрингизда шубҳаланган киши ишончли ва амин Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га иймон келтирмаган ва сиздан юз ўгириб, бошқага юзланувчи киши оламлар Парвардигори биз учун танлаган ва Ғадийр кунда сизни халифа ва пешво этиб, тайин қилиш билан комил қилган мустаҳкам динга қарши душманлик қилган ва гувоҳлик бераманки, Енгилмас ва Раҳмли Аллоҳнинг ушбу сўзининг ҳақиқий маъноси сиздирсиз»:

«Албатта, мана шу Менинг тўғри йўлимдир. Демак, шу йўлга эргашингиз! Бошқа йўللarga эргашмангизки, улар сизларни Унинг йўлидан ажратиб қўяр». (Анъом сураси, 153-оят)

«Аллоҳга қасамки, сизни қўйиб, ўзгага эргашган кимса ўзи гумроҳ бўлиб, бошқаларни йўлдан оздирган ва сизга қарши душманлик қилган киши эса ҳақ йўлдан тойгандир».

اللَّهُمَّ سَعِينَا لِأَمْرِكَ وَأَطْعَنَا، وَاتَّبَعْنَا صِرَاطَكَ الْمُسْتَقِيمَ، فَاهْدِنَا رَبَّنَا وَلَا تَزُغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ  
هَدَيْتَنَا إِلَى طَاعَتِكَ، وَاجْعَلْنَا مِنَ الشَّاكِرِينَ لِأَنْعَمِكَ، وَأَشْهَدُ أَنَّكَ لَمْ تَزَلْ لِلْهَوَىٰ مُخَالِفًا، وَلِلشُّقَىٰ  
مُخَالِفًا، وَعَلَىٰ كَظْمِ الْعَيْظِ قَادِرًا، وَعَنِ النَّاسِ عَافِيًا غَافِرًا، وَإِذَا عَصِي. اللَّهُ سَاخِطًا، وَإِذَا أُطِيعَ  
اللَّهُ رَاضِيًا، وَمِمَّا عَهَدَ إِلَيْكَ عَامِلًا، رَاعِيًا لِمَا اسْتَحْفِظْتَ، حَافِظًا لِمَا اسْتُودِعْتَ، مُبْلِغًا مَا  
حُمِّلْتَ، مُنْتَظِرًا مَا وَعَدْتَ.

«Эй Аллоҳим, Сенинг фармонингни эшитдик ва итоат қилдик ва сенинг тўғри йўлингга эргашдик. Демак, эй Парвардигорим, бизни ҳидоят қилгин ва бизни тоатинг йўлига бошлаганингдан сўнг, қалбларимизни ҳақ йўлдан оздирмагин ва бизларни неъматларингга шуқр қилувчилардан қилгин! Ва гувоҳлик бераманки, сиз доим ҳавойи нафсга қарши чиқувчи ва тақводорлик билан аҳд-паймон тузувчи, газабни ташқарига чиқармай уни ютишга қодир, инсонларнинг сизга нисбатан бўлган хато-камчиликларини афв этувчи-кечиримли ва

Аллоҳга итоатсизлик бўлган вақтда газабланувчи ва Аллоҳга итоат қилинганида эса рози бўлувчи ва Аллоҳ сиз билан аҳду паймон қилган нарсани бажарувчи ва сиздан сақламоқлик исталган нарсани асрагувчи, сизга топширилган омонатни сақловчи ва Аллоҳ томонидан сизнинг зиммангизда бўлган илоҳий вазифа ва маъмуриятни амалга оширувчи ва сизга берилган илоҳий ваъдани кутиб турувчи эдингиз».

وَأَشْهَدُ أَنَّكَ مَا اتَّقَيْتَ ضَارِعاً وَلَا أَمْسَكَتَ عَنْ حَقِّكَ جَارِعاً وَلَا أَخْجَمْتَ عَنْ مُجَاهَدَةٍ  
عَاصِيكَ نَاكِلاً وَلَا أَظْهَرْتَ الرِّضَى بِخِلَافِ مَا يُرِضِي اللَّهَ مُدَاهِناً وَلَا وَهَنْتَ لِمَا أَصَابَكَ فِي سَبِيلِ  
اللَّهِ وَلَا ضَعُفْتَ وَلَا اسْتَكْنَتَ عَنْ طَلَبِ حَقِّكَ مُرَاقِباً مَعَاذَ اللَّهِ أَنْ تَكُونَ كَذَلِكَ.

«Ва гувоҳлик бераманки, сизнинг сукут сақлашингиз [ўз ҳақ-ҳуқуқингизни талаб қилиб оёққа турмаслигингиз] заиф ва нотавонлик юзасидан эмасди ва ҳақ-ҳуқуқингиздан [хилофат ва пешволикдан] воз кечишингиз ҳам ожизлик юзасидан эмасди. Ҳаққингизни тортиб олган [пайгамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)]нинг сиз тўғрингиздаги фармонидан бош тортиб олган кимсаларга қарши курашишдан қўрққан ҳолда ортга чекинмадингиз, [балки ислом динини ва мусулмонларни уруш оқибатида нобуд бўлиб кетмасликларини назарга олган ҳолда ўз ҳақ-ҳуқуқингизни талаб қилишдан ортга чекиндингиз]».

**Изоҳ:** Зероки, ўша замон ислом ва мусулмонларни икки буюк кудрат: Рим ва Эрон империяси таҳдид қилиб турарди ва мусулмонларнинг ўзаро ихтилоф ва келишмовчиликлари бу икки кудратни уларга қарши ҳужум қилишга ундар, натижада ислом ва мусулмонлар ер юзидан буткул йўқ бўлиб кетишлари аниқ эди. Бу вазиятдан огоҳ бўлган ҳазрати Али (алайҳис салом) ислом ва мусулмонларни сақлаб қолиш мақсадида Аллоҳ томонидан тайин этилган хилофат ва пешволикдан воз кечдилар.

«Ва андиша қилган ҳолда [хилофат ва пешволикни тортиб олган кимсаларнинг назарини жалб қилиш учун] Аллоҳнинг ризосига қарши ризолик изҳор этмадингиз ва Аллоҳ йўлида кўрган мусибатлар туфайли заиф ва суст бўлмадингиз ва дунёвий манфаатларни кўзлаган ҳолда ҳуқуқингизни талаб қилишда хору-залил бўлмадингиз. Сизни бундай бўлишингиздан Аллоҳ Ўзи асрасин».

بَلْ إِذْ ظَلِمْتَ أَحْتَسِبْت رَبَّكَ، وَفَوَّضْتَ إِلَيْهِ أَمْرَكَ، وَذَكَرْتَهُمْ فَمَا آذَكُرُوا، وَوَعَّظْتَهُمْ فَمَا اتَّعُظُوا، وَخَوَّفْتَهُمُ اللَّهَ فَمَا تَخَوْفُوا، وَأَشْهَدُ أَنَّكَ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ جَاهَدْتَ فِي اللَّهِ حَقَّ جِهَادِهِ، حَتَّى دَعَاكَ اللَّهُ إِلَى جَوَارِهِ، وَقَبَضَكَ إِلَيْهِ بِاخْتِيَارِهِ، وَالزَّمَ أَعْدَائَكَ الْحُجَّةَ بِقَتْلِهِمْ إِيَّاكَ، لِتَكُونَ الْحُجَّةَ لَكَ عَلَيْهِمْ مَعَ مَا لَكَ مِنَ الْحُجَجِ الْبَالِغَةِ عَلَى جَمِيعِ خَلْقِهِ.

«Қачонки, сизга зулм қилинганда, Парвардигорингизга ҳавола қилдингиз ва ишингизни Унга топширдингиз ва сизга зулм қилган кимсаларни қилмишидан огоҳлантириб эслатдингиз, бироқ улар эслатма олмадилар ва уларга панд-насихат қилдингиз, лекин улар панд-насихатни олмадилар ва уларни Аллоҳнинг азобидан қўрқитдингиз, аммо улар қўрқмадилар.

Эй мўъминлар амири, гувоҳлик бераманки, Аллоҳ йўлида ҳақ жиҳодла жиҳод қилдингиз, оқибатда сизни Аллоҳ Ўз ҳузурига чақирди ва Ўз ирода-ихтиёри билан сизнинг жонингизни олди. Ва душманларингиз сизни шаҳид қилиши билан Аллоҳ таоло уларга қарши бўлган ҳужжатни ниҳоясига етказди, токи, сизнинг кўпгина ҳужжатларингиз Аллоҳнинг барча халойиқига етказилганига қарамай, уларга қарши сиз учун ҳужжат амалга ошсин».

السَّلَامُ عَلَيْكَ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ، عَبَدْتَ اللَّهَ مُخْلِصًا، وَجَاهَدْتَ فِي اللَّهِ صَابِرًا، وَجَدْتَ بِنَفْسِكَ مُحْتَسِبًا، وَعَمِلْتَ بِكِتَابِهِ، وَاتَّبَعْتَ سُنَّةَ نَبِيِّهِ، وَأَقَمْتَ الصَّلَاةَ، وَآتَيْتَ الزَّكَاةَ، وَأَمَرْتَ بِالْمَعْرُوفِ، وَنَهَيْتَ عَنِ الْمُنْكَرِ مَا اسْتَطَعْتَ، مُبْتَغِيًا مَا عِنْدَ اللَّهِ، رَاغِبًا فِيمَا وَعَدَ اللَّهُ، لَا تَخْفُلُ بِالتَّوَائِبِ، وَلَا تَهِنُ عِنْدَ الشَّدَائِدِ، وَلَا تُحْجِمُ عَنِ مُحَارِبِ، أَفَكَ مَنْ نَسَبَ غَيْرَ ذَلِكَ إِلَيْكَ، وَأَقْتَرَى بِاطِلَالٍ عَلَيْكَ، وَأَوْلَى لِمَنْ عِنْدَ عَنَّا، لَقَدْ جَاهَدْتَ فِي اللَّهِ حَقَّ الْجِهَادِ، وَصَبَرْتَ عَلَى الْأَذَى صَبْرًا اخْتِسَابًا.

«Салом бўлсин сизга эй мўъминлар амири, Сиз Аллоҳга холис ибодат ва бандалик қилдингиз ва сабр қилган ҳолда Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилдингиз ва жонингизни Унинг йўлида фидо қилдингиз ва Унинг китоби Қуръонга амал қилдингиз ва Унинг Пайгамбарининг суннатиغا эргашдингиз, намозни тўқис адо этиб, закот бердингиз ва қурбингиз етгунча яхшиликка буюрдингиз ва ёмонликдан қайтардингиз.

Буларнинг барчасини Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсани талаб қилиб, Аллоҳ берган ваъдага рағбатланувчи ҳолда бажардингиз. Умрингиз давомида сизга рўй берган мусибатларга аҳамият бермасдингиз [мусибатлар қаршисида енгилмас эдингиз] машаққат ва қийинчилик вақтида суст бўлмадингиз ва ҳеч бир жангчи билан юзма-юз бўлганда ортга чекинмасдингиз.

Кимки, бундан бошқа нарсани сиз ҳақингизда деса, шубҳасиз, туҳмат қилган ва сизга қарши ботил-нодуруст сўзни ўзидан тўқиб чиқаргандир. Ва бундай нодуруст ва ёлгон сўзлар фақатгина сиздан юз ўгирган кишиларга сазовордир. Дарҳақиқат, Аллоҳ йўлида ҳақ жиҳод-ла жиҳод қилдингиз ва умматнинг азият-озорига сабр қилиб, бунинг ажру мукофотини Аллоҳга топширдингиз».

وَأَنْتَ أَوَّلُ مَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَصَلَّى لَهُ وَجَاهَدَ وَأَبْدَى صَفْحَتَهُ فِي دَارِ الْبَيْتِ وَالْأَرْضِ مَشْحُونَةً  
صَلَاةً وَالشَّيْطَانُ يُعْبَدُ جَهْرَةً وَأَنْتَ الْقَائِلُ: «لَا تَزِيدُنِي كَثْرَةَ النَّاسِ حَوْلِي عِزَّةً وَلَا تَفَرِّقُهُمْ عَنِّي  
وَحَشَّةً وَلَوْ أَسْلَمَنِي النَّاسُ جَمِيعًا لَمْ أَكُنْ مُتَضَرِّعًا» إِعْتَصَمْتَ بِاللَّهِ فَعَزَّزْتَ وَأَثَرْتَ الْآخِرَةَ عَلَى  
الْأُولَى فَزَهَّدْتَ وَأَيْدَكَ اللَّهُ وَهَدَاكَ وَأَخْلَصَكَ وَأَجْتَبَنِكَ.

«Сиз Аллоҳга иймон келтирган ва У учун намоз ўқиб, жиҳод қилган ҳамда ширк дийрида Аллоҳга бўлган иймонни ошкор этган илк кишисиз. Ҳолбуки, ер юзи залолат ва гумроҳлик билан тўлиб тошган ва Шайтонга ошкора ибодат қилинар эди ва сиз эса бу сўзни дердингиз:

«Менинг атрофимдаги инсонларнинг кўп бўлиши иззатимни оширмайди ва улар менинг атрофимдан тарқалиб кетишлари мени қўрқувга солмайди ва агар инсонларнинг барчаси мени тарк этиб, мендан узоқлашишса, уларга ёлвормагайман». (Наҳжул Балоға, 36-мактуб)

Аллоҳ йўлини мустаҳкам тутдингиз, натижада азиз бўлдингиз ва дунёдан кўра охиратни устун қўйиб, уни танладингиз, оқибат, дунё матосига рағбатсиз бўлдингиз ва Аллоҳ таоло ҳам сизни қувватлади ва Ўз йўлига ҳидоят этди ҳамда сизни Ўзи учун холис қилди ва бошқалардан устун қўйиб сизни раҳнамоликка танлади».



---

## ҲАЗРАТИ АЛИ (А.С) – ТҶҒРИ ЙЎЛ РАҲНАМОСИ

---

فَمَا تَنَاقَضَتْ أَعْمَالُكَ، وَلَا اخْتَلَفَتْ أَقْوَالُكَ، وَلَا تَقَلَّبَتْ أَحْوَالُكَ، وَلَا آدَعَيْتَ، وَلَا أَفْتَرَيْتَ عَلَى اللَّهِ كَذِبًا، وَلَا شَرِهْتَ إِلَى الخُطَامِ، وَلَا دَنَسَكَ الْأَتَامُ، وَلَمْ تَزَلْ عَلَى بَيْتَةِ مِنْ رَبِّكَ، وَبِقِيْنٍ مِنْ أَمْرِكَ، تَهْدِي إِلَى الْحَقِّ وَإِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ.

«Демак, юриш-туруш ва амалларингиз бир-бирига зид ва қарама-қарши бўлмади ва сўзларингизда ихтилоф ва келишмовчилик юз бермади ва ҳолатларингиз [турли замон ва вазиятларда] ўзгармади. Аллоҳга нисбатан беҳуда даъво қилмадингиз, Аллоҳга ёлгон тўқимадингиз, дунёнинг арзимас молларига ҳорис бўлмадингиз ва гуноҳлар [сизга йўлиқиб] сизни булғамади ва доим Парвардигорингиз томонидан очиқ-ойдин ҳужжатга ва қиладиган ишингизда ишончга эга эдингиз [яъни ишонч юзасидан иш тўтар эдингиз] ва инсонларни ҳақ ва тўғри йўлга ҳидоят этардингиз».

أَشْهَدُ شَهَادَةً حَقِّ، وَأُقْسِمُ بِاللَّهِ قَسَمَ صِدْقٍ، أَنَّ مُحَمَّدًا وَآلَهُ صَلَوَاتُ اللَّهِ عَلَيْهِمْ، سَادَاتُ الْخَلْقِ، وَأَنَّكَ مَوْلَى الْمُؤْمِنِينَ، وَأَنَّكَ عَبْدُ اللَّهِ وَوَلِيُّهُ، وَأَخُو الرَّسُولِ وَوَصِيِّهُ، وَوَارِثُهُ، وَأَنَّهُ الْقَائِلُ لَكَ: وَالَّذِي بَعَنِي بِالْحَقِّ مَا آمَنَ بِي مِنْ كَفَرٍ بِكَ، وَلَا أَقْرَبَ بِاللَّهِ مِنْ جَحْدِكَ، وَقَدْ ضَلَّ مَنْ صَدَّ عَنْكَ، وَلَمْ يَهْتَدِ إِلَى اللَّهِ وَلَا إِلَيَّ مِنْ لَا يَهْتَدِي بِكَ، وَهُوَ قَوْلُ رَبِّي عَزَّوَجَلَّ: ﴿وَإِنِّي لَعَفَّارٌ لِمَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا ثُمَّ اهْتَدَى﴾ إِلَى وَلايَتِكَ.

«Ҳақ-ла гувоҳлик бераман ва Аллоҳга содиқона қасамёд этаманки, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ва унинг хонадони [уларга Аллоҳнинг савот-саломни бўлсин] халқнинг сарваридирлар ва албатта, сиз эй мўминлар амири, менинг раҳбарим ва барча мўминларнинг

раҳбарисиз. Шубҳасиз, сиз Аллоҳнинг бандаси ва Унинг танлаган валийси ва Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи)нинг биродари ва у зотнинг давомчиси ва ворисидирсиз.

У зот [Пайгамбар (с.а.о)] сиз ҳақингизда шундай деб марҳамат қилдилар: Мени ҳақ ила юборган Зотга қасамки, кимки сенинг раҳнамолигингни инкор этса, менга иймон келтирмаган ва кимки сенинг халифалик ва пешволик мақомингни билиб туриб ёлгонга чиқарса, Аллоҳнинг яғоналигига иқрор бўлмаган. Ва кимки инсонларни сенинг йўлингиздан тўсса, шубҳасиз, гумроҳ бўлган ва кимки сенинг томон ҳидоят бўлмаса, шак-шубҳасиз, Аллоҳга ва менинг йўлимга ҳидоят бўлмаган. Ва бу Буюк ва Азиз Парвардигоримнинг қуйидаги сўзининг маъносидир»:

«Ва мен тавба қилган ҳамда иймон келтириб яхши ва солиҳ амаллар қилган, сўнгра [сизнинг валий ва раҳнамолигингиз сари] ҳидоят бўлган кишинигина мағфират қилгувчиман».<sup>1</sup>

---

1. Тоҳо сураси, 82-оят. Ушбу арзигулик ҳадис Аҳли-Байт мактабидаги ҳадисларнинг мўътабар манбаларида матндаги бироз лафзий тафовут билан келтирилган. Бу борада қуйидаги китобларга мурожаат қилишингиз мумкин:  
- Амолӣ Садук, 74-қисми, 494-бет.  
- Бешоратул Мустафаа лишшийатил Муртазо, 178-бет.  
- Таъвилул оёт ва Юнус сураси оятларининг изоҳи берилган Фурут тафсирига қаранг.

---

## ҲАЗРАТИ АЛИ <sup>(А С)</sup> – БАРҲАҚ ХАЛИФА ВА РАҲНАМО

---

مَوْلَايَ فَضْلُكَ لَا يُخْفَى، وَنُورُكَ لَا يُظْفَأُ، وَأَنَّ مَنْ جَحَدَكَ الظُّلُومُ الْأَشْقَى، مَوْلَايَ أَنْتَ الْحُجَّةُ  
عَلَى الْعِبَادِ، وَالْهَادِي إِلَى الرَّشَادِ، وَالْعِدَّةُ لِلْمَعَادِ.

«Эй менинг мавлоим, Сизнинг афзаллигингиз махфий эмас, нурингиз ҳаргиз сўнмас ва сиз ҳақ эканлигингизни билиб туриб, ёлгонга чиқарган кимса золим ва бахти қародир.

Сарварим, Сиз барча бандаларга Аллоҳнинг ҳужжати ва инсонларни нажот йўлига бошлагувчи ва уларнинг Қиёмат кунини учун йўл озуқасидирсиз».

**Изоҳ:** Кимки, мўминлар амири ва тақволилар сардори ҳазрати Али (алайҳис салом)ни пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг халифа ва раҳнамо деб қабул қилса ва ул ҳазратнинг қўрсатган йўлидан бориб, у зотга итоат қилса, шак-шубҳасиз, нажот ва ҳидоят йўлини топгай ва бу дунёда у буюк зотнинг йўлини тутганлиги, Қиёмат кунини охира сафари учун озуқа бўлгайдир. Аллоҳнинг у кундаги дардли азобидан нажот топиб, жаннат боғларида қарор топиш унга насиб қилгайдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг саҳобалари ул ҳазратдан ўзларидан сўнг ким мусулмонларга халифа, раҳбар ва йўл бошчи бўлишини сўраганида, шундай деб буюргандилар:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: إِنَّ وَلِيَّتُمْوهَا عَلَيَّا وَجَدْتُمْوهَا هَادِيًا مَهْدِيًا يَسْئَلُكُمْ  
بِكُمْ عَلَى الطَّرِيقِ الْمُسْتَقِيمِ.

«Агар хилофат ва пешволикни Али (алайҳис салом)га топширсаларинг – уни ўзларинг учун раҳнамо ва йўл бошчи қилиб олсаларинг, уни ҳидоят

қилгувчи ва ҳидоят қилинган ҳолда топгайсиз. У сизларни тўғри йўлга олиб борур».<sup>1</sup>

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: أَمَا وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَئِنِ أَطَاعُوهُ لَيُدْخِلَنَّ الْجَنَّةَ أَجْمَعِينَ أَكْتَعِينَ.

«Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, агар улар [мусулмонлар] Али (алайҳис салом)га итоат қилсалар, шак-шубҳасиз, уларнинг ҳаммаси жаннатга киражаклар».<sup>2</sup>

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: إِنْ تَسْتَخْلِفُوا عَلَيَّ - وَلَا أَرَاكُمْ فَاعِلِينَ - تَجِدُوهُ هَادِيًا مَهْدِيًا يَحْمِلُكُمْ عَلَى الْمَحْجَةِ الْبَيْضَاءِ.

«Агар Али (алайҳис салом)ни халифа ва пешво қилиб олсангиз, ҳолбуки, сизларни бу ишни бажарувчи ҳолда кўрмаяман [бу ишни бажаришларингизга кўзим етмайди], уни ҳидоят қилувчи ва ҳидоят қилинган ҳолда топгайсиз. У сизларни тўғри ва ёруғ йўлга бошлагайдир».<sup>3</sup>

عَنْ زَيْدِ بْنِ أَرْقَمٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: مَنْ يُرِدْ أَنْ يَحْيِيَ حَيَاتِي وَيَمُوتَ مَوْتِي وَيَسْكُنَ جَنَّةَ الْخُلْدِ الَّتِي وَعَدْتَنِي رَبِّي، فَلْيَتَوَلَّ عَلِيَّ بْنَ أَبِي طَالِبٍ، فَإِنَّهُ لَنْ يُخْرِجَكُمْ مِنْ هُدًى وَلَنْ يُدْخِلَكُمْ فِي ضَلَالَةٍ.

«Зайд ибн Арқам (разияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган. У деди: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳазрати Али (алайҳис салом) борасида шундай марҳамат қилдилар: Кимки менинг ҳаётим каби ҳаёт кечиришни ва менинг вафотим сингари дунёдан ўтишни ҳамда Парвардигорим менга вағда берган мангу жаннатда истиқомат

1. Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат олимлари куйидагилардан иборат:

- Жувайний Хуросоний, «Фароидус симтайн», 266-бет, 52-боб, 208-ҳадис.  
- Ибн Асоқир, «Тариху Мадинати Дамашқ», 3-жилд, 90-бетдан 94-бетларгача, 1119-ҳадисдан 1123-гача бўлган ҳадислар.

2. Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат уламолари куйидагилардан иборат:

- Ибн Асоқир, «Тариху Мадинати Дамашқ», 3-жилд, 95-бет, 1124-ҳадис.  
- Жувайний Хуросоний «Фароидус Симтайн», 1-жилд, 274-бет, 53-боб, 212-ҳадис.

3. Жувайний Хуросоний, «Фароидус Симтайн», 1-жилд, 265-бет, 52-боб, 207-ҳадис.

қилишни истаса, Али ибн Аби Толиб (*алайҳимас салом*)ни раҳнамо ва йўлбошчи сифатида қабул қилиб, унга эргашисин. Зероки, у ҳаргиз сизларни ҳидоят йўлидан чиқармайди ва сизларни залолат ва гумроҳлик йўлига киргизмайди».<sup>1</sup>

- 
1. Ушбу ҳадисни қуйидаги Аҳли суннат олимлари ўз китобларида келтирганлар:
- Ҳоким Нишобурий, «*Ал-Мустадраку алас-саҳиҳайн*», 3-жилд, 128-бет.
  - Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «*Янобийъул Маваддаҳ*», 43-боб, 149 ва 150-бетлар.
  - Ҳофиз Абу Наим, «*Ҳилятул авлиё*», 1-жилд, 86-бет.
  - Ал-Муттақил Ҳиндий, «*Канзул уммол*», 11-жилд, 611-бет.

---

## ҲАЗРАТИ АЛИНИНГ ПАЙҒАМБАР (С.А) НАЗДИДАГИ МАРТАБАЛАРИ

---

مَوْلَايَ لَقَدْ رَفَعَ اللَّهُ فِي الْأُولَىٰ مَنْزِلَتَكَ، وَأَعْلَىٰ فِي الْآخِرَةِ دَرَجَتَكَ، وَبَصَّرَكَ مَا عَمِيَ عَلَيَّ مَنْ خَالَفَكَ، وَحَالَ بَيْنَكَ وَبَيْنَ مَوَاهِبِ اللَّهِ لَكَ، فَلَعَنَ اللَّهُ مُسْتَحِلِّي الْحُرْمَةِ مِنْكَ، وَذَائِدِي الْحَقِّ عَنكَ، وَأَشْهَدُ ﴿أَنََّّهُمُ الْأَخْسَرُونَ الَّذِينَ تَلَفَحُوا وُجُوهُهُمُ النَّارَ، وَهُمْ فِيهَا كَالْحِوْنِ﴾.

«Эй мавлоим, дарҳақиқат, Аллоҳ дунёда сизнинг мартабангизни юксалтирди ва охиратда даражангизни юқори қилди. Сизни шундай нарсалардан, яъни ҳақиқатлардан огоҳ этдики, ушбу ҳақиқатлар сизга душманлик қилган ва Аллоҳнинг неъматлари, яъни Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан кейинги хилофат ва пешволик сизга етишига тўсқинлик қилган кишиларга ошкор бўлмади.

Демак, сизнинг ҳурматингизни поймол қилишни ҳалол деб билган ва ҳақни сиздан тўсган кимсаларни Аллоҳ ўз раҳматидан узоқ қилсин! Ва мен гувоҳлик бераманки»:

«Бу гуруҳ энг зиёнкор кишилардирки, уларнинг юзларини дўзах олови куйдириб ўта тубан кўринишда бадбашара бўлиб қолгучидирлар» (Мўъминун сураси, 104-оят)

وَأَشْهَدُ أَنَّكَ مَا أَقْدَمْتَ وَلَا أَحْجَمْتَ وَلَا تَطَفَّتْ وَلَا أَمْسَكَتْ إِلَّا بِأَمْرِ مِنَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ، قُلْتُ: وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ، لَقَدْ نَظَرْتُ إِلَيْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ، أَضْرَبُ بِالسَّيْفِ قُدَمًا، فَقَالَ يَا عَلِيُّ أَنْتَ مَنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى، إِلَّا أَنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي.

«Ва гувоҳлик бераманки, сиз ҳеч бир ишни Аллоҳ ва Унинг Расулининг

фармонисиз бажармадингиз ва ҳеч бир ишда ортга чекинмадингиз ва ҳеч бир сўз сўзламадингиз ҳамда ҳеч бир ишдан сақланмадингиз, магар Аллоҳ ва Унинг Расулининг амри билангина бажардингиз. Сиз дедингиз:

Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, Расулуллоҳ ҳузурларида қиличбозлик қилиб турганимда, менга қараб буюрдилар:

«Эй Али менинг наздимдаги сенинг мартабанг, Ҳоруннинг Мусо наздидаги мартабаси кабидир, фақат фарқи шундаки, мендан кейин пайғамбар бўлмас».

Ибн Саъд ўзининг «Ат-Табақот» номли китобида Буроъ бин Озиб ва Зайд бин Арқамдан ривоят қилиб шундай ёзади:

Бу икки саҳобанинг айтишича, «Табук» уруши бошланишидан олдин Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳазрати Али (алайҳис салом)га дедилар:

Мадинада иккимиздан биримиз қолишимиз керак. Шунда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) мушрикларга қарши уришиш учун Али (алайҳис салом)ни ўз ўринларига қўйиб йўлга отландилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Расуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) йўлга тушганларидан сўнг бир киши шундай деди: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Алини қилган ноўрин иши учун ўзлари билан олиб бормай, уни Мадинада қолдирдилар. Бу сўз ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг қулоқларига етиб боргач, тезлик билан Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га етиб бордилар. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Али (алайҳис салом)ни кўрган вақтларида нима бўлганини сўрадилар. Шунда ҳазрати Али (алайҳис салом) шундай деб жавоб бердилар:

Эй Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) эшитдимки, бир киши: «Сиз мендан кўрган хато ва камчилик туфайли гамгин бўлиб, шу учун мени ўз ўрнингизга қўйиб, сиз билан боришимни истамабсиз», дея уйдирма қилган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бу сўзни эшитгач, табассум қилиб шундай марҳамат қилдилар:

«Эй Али, менинг наздимдаги ўрнинг, Ҳоруннинг Мусо наздидаги ўрни каби бўлишини истамайсанми? Фақатгина фарқи шундаки, сен пайғамбар эмассан».

Ҳазрати Али (алайҳис салом) : «Эй Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) истайман», деб жавоб қайтардилар. Шунда Сарвари олам шундай деб марҳамат қилдилар:

«Менинг наздимдаги сенинг мартабанг, Ҳоруннинг Мусо (алайҳис салом)

наздидаги мартабаси кабидир. Фақат фарқи шундаки, мендан сўнг пайгамбар келмас».

Қуръони Каримнинг оятларидан маълум бўладики, ҳазрати Ҳорун (алайҳис салом) ҳазрати Мусо (алайҳис салом)га нисбатан беш мартаба ва ўринга эга бўлган. Улар куйидагилардан иборат:

1. Биродар ва оғайни.
2. Пайгамбарлик вазифасида шерик.
3. Вазир ва ёру мададкор.
4. Ҳимоячи ва мудофаа қилгучи.
5. Халифа ва ўринбосар.

Қуръони Каримнинг куйидаги оятлари бу даъвога очик далилдир:

﴿وَجَعَلْ لِي وَزِيرًا مِنْ أَهْلِ هَارُونَ أَخِي أَشَدُّ بِهِ أَرْزِي وَأَشْرِكُهُ فِي أَمْرِي﴾

«Мусо деди: Менга ўз аҳлим – хонадонимдан бўлган Ҳорун биродарим ва оғамни вазир қилгин. У билан белимни бақувват қилгин ва уни ишимда [пайгамбарлик вазифасини адо этишда] шерик қилгин». (Тоҳо сураси, 29-32-оятлар)

﴿وَقَالَ مُوسَى لِأَخِيهِ هَارُونَ اخْلُفْ فِي قَوْمِي وَأَصْلِحْ وَلَا تَتَّبِعْ سَبِيلَ الْمُفْسِدِينَ﴾

«Мусо биродари Ҳорунга деди: Қавмим орасида менинг ўринбосарим бўлгин ва уларни [ёмон амалларидан] тузатгин-ислоҳ қилгин. Ва фасод-бузгунчилик қилувчиларнинг йўлига эргашмагин». (Аъроф сураси, 142-оят)

Юқоридаги ҳадис Аҳли суннатнинг энг машҳур ва мўътабар китоблари бўлмиш Саҳиҳул Бухорий ва Саҳиҳул Муслимда ривоят қилинган бўлиб, Бухорийнинг китобида ушбу ҳадис тўлиқ келтирилган, лекин Саҳиҳул Муслимда эса бир марта тўлиқ ва яна бир марта эса бир қисмигина:

«أَنْتَ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى، إِلَّا أَنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي»

«Менинг наздимдаги сенинг мартабанг, Ҳоруннинг Мусо наздидаги мартабаси кабидир. Фақат фарқи шундаки, мендан кейин пайгамбар бўлмас», деб келтирилган.

Аҳли суннатнинг бошқа ҳадис китобларида жумладан, Сунани ибн Можа, Сунани Термазий, Муснади Аҳмад ва бошқа кўплаб китобларда ушбу «Манзилат ҳадиси» ривоят қилиб келтирилган. Бу ҳадисни йигирмадан ортиқ саҳобалар жумладан, Жобир ибн Абдуллоҳ



Ансорий, Абу Саид Худрий, Абдуллоҳ бин Масъуд, Муовия ва бошқалар ривоят қилишган.<sup>1</sup>

Абу Бакр Бағдодий ўзининг «Бағдод тарихи» номли китобида Умар бин Хаттобдан шундай ривоят қилади: Умар ҳазрати Али (алайҳис салом)ни ҳақоратлаётган бир шахсни кўриб, унга қараб шундай деди: Менимча сен мунофиқлардан бўлсанг керак, зероки, Расулуллоҳ Али ҳақида шундай деб марҳамат қилганларини эшитдим:

«إِنَّمَا عَلِيٌّ مِنِّي بِمَنْزِلَةِ هَارُونَ مِنْ مُوسَى، إِلَّا أَنَّهُ لَا نَبِيَّ بَعْدِي»

«Менинг наздимдаги Алининг мартабаси, Ҳоруннинг Мусо наздидаги мартабаси кабидир. Фақат фарқи шундаки, мендан кейин пайгамбар бўлмас».<sup>2</sup>

1. Ушбу ҳадис Аҳли суннатнинг жуда кўп манбаларида зикр этилган бўлиб, бу ерда уларнинг баъзиларини келтирамыз:
  - «Саҳиҳул Бухорий», 6-жилд, 3-бет, Миср чопи, «Фазату Табук» боби.
  - Муслим, «Саҳиҳул Муслим», китабу фазоилус саҳаба, мин фазоили Алий ибн Аби Толиб (разияллоҳу анҳу) боби, 2404-рақамли ҳадис.
  - Али ибн Булбулон ибн Ҳиббон Ал-Форсий, «Саҳиҳ ибн Ҳиббон», 60-китоб: Ихбааруху ʻан манаақибис-саҳаба, 73-боб, ҳадис рақами: 1/6927 ҳамда 72-боб, ҳадис рақами: 1/6926.
  - «Сунани Ибн Можаҳ», 1-жилд, 55-бет, биринчи чоп, Миср чопи, «Фазоилу асҳобин-Набий (с. а.о)» боби.
  - Ҳоким Нишобурӣ, «Ал-Мустадраку алас-соҳиҳайн», 3-жилд, 109-бет, Байрут чопи.
  - «Муснади Аҳмад ибн Ҳанбал», 1-жилд, 170, 177, 179, 182, 184 ва 185-бетлар ҳамда 3-жилд, 32-бет.
  - «Сунани Термизий», 5-жилд, 21-бет, Байрут нашри, «Маноқибу Али ибн Абу Толиб» боби.
  - Абул Улоъ Ал-Муборақфурий, «Тухфатул аҳвазий бишарҳи жаамиъит-Тирмизий», 10-жилд, 178-бет, абваабул манаақиб, 20-боб, ҳадис рақами: 3740 ва 3739.
  - Ибн Абдул Барр Ал-Қурғубий, «Ал-истийъоб фий маърифатил асҳоб», 3-жилд, 1097 ва 1098-бетлар, Байрут – Ливан, дорул жайл нашрида, аммо дорул кутубил илмийях нашрида эса 3-жилд, 201 ва 202-бетлар.
  - «Маноқибу ибн Мағозилӣ», 27-бет, Байрут чопи, 1403-ҳижрий сана.
  - «Канзул фавоид», 2-жилд, 168-бет, Байрут нашри, 1405-ҳижрий сана.
  - Ал-Муттақил Ҳиндий, «Канзул уммол», 11-жилд, 599-бет, ҳадис рақами: 32880 ва 32882.
  - Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафӣ, «Янобийъул маваддаҳ», 56-боб, 2-жилд, 242-бет.
  - Аҳмад ибн Ҳанбал, «Фазоилус саҳабаҳ», Аҳбаару амийрил мўъминин Али ибн Абу Толиб (алайҳис салом) 2-жилд, 699, 700 ва 701-бетлар, 954, 956 ва 957-рақамли ҳадислар.
2. Хатиб Бағдодий, «Тариху Бағдод», 7-жилд, 452-бет, 6790-ҳадис.

Диққатга сазовор жойи шундаки, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) «Манзилат ҳадиси»ни нафақат Табук ғазотида,<sup>1</sup> балки бошқа турли муносабатларда ҳам етти марта марҳамат қилиб айтишлари, ушбу ҳадиснинг умумий ва кенг маъно-мазмунга эга эканидан дарак беради.

Ушбу ҳадис Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) томонларидан содир бўлган ўринларни бирма-бир санаб ўтамыз:

1. Маккада илк дафъа мусулмонлар ўртасида биродарлик аҳд-паймони тузилганида пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳазрати Али (алайҳис салом) билан биродарлик аҳд-паймонини туздилар ва шу пайт юқоридаги «Манзилат ҳадиси»ни айтдилар.

2. Иккинчи маротаба Ансор ва муҳожирлар ўртасида биродарлик аҳд-паймони тузилганида яна бир бора Пайғамбаримиз ҳазрати Али (алайҳис салом) билан ўзаро биродарлик аҳд-паймонини тузаётиб, ушбу ҳадисни яна марҳамат қилдилар.

3. Ҳазрати Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) масжидлари томон очилган барча эшикларни саҳобаларга ёптириб, фақат Алининг эшиги очиқ қолишини буюрганларида, саҳобаларнинг бу борадаги саволига жавобан мазкур ҳадисни айтганлар.

4. Табук ғазотида ҳамда бошқа уч ўринда ушбу ҳадисни марҳамат қилганлар.

Мазкур ҳадис Аҳли суннат китобларида зикр қилинган бўлиб, санади жиҳатидан ҳамда умумий ва кенг маъно-мазмунга эга эканлиги жиҳатидан ҳар қандай шак-шубҳадан холидир.

---

1. Пайғамбаримизнинг ўзлари қатнашган урушга «газот» деб айтилади.

---

## МАНЗИЛАТ ҲАДИСИДАН КЕЛИБ ЧИҚАДИГАН ХУЛОСАЛАР

---

Агар ҳадисга шахсий назаримиз билан ёндашмай, бетарафона ва холисона ҳолда уни кўриб чиқадиган бўлсак, ҳазрати Ҳорун бани Исроил қавми орасида Мусо пайғамбарга нисбатан қандай лавозим ва мартабага эга бўлган бўлса, ҳазрати Али ҳам пайғамбарлик мартабасидан ташқари ўша лавозим ва мартабаларнинг ҳаммасига эга бўлган зот эканлигини ошқора тушуниб олиш мумкин. Негаки, ҳадисда фақат «пайғамбарлик» мустасно қилинган бўлиб, қолган ҳеч бир шарт ва талаблар зикр этилмаган.

### **Шу боис, «Манзилат ҳадиси»дан қуйидаги хулосаларга келамиз:**

1. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) Пайғамбардан кейин умматнинг энг афзали эди. Зероки, Ҳорун (*алайҳис салом*) Мусо пайғамбардан сўнг Бани Исроил умматнинг энг афзали эди.

2. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) Пайғамбаримизнинг вазирлари ва ул зотнинг кўмакчилари ҳамда умматга раҳбарлик қилишда шерикларидир. Чунки, юқорида айтиб ўтганимиздек, Қуръон Каримдаги Тоҳо сурасининг 29-оятидан 32 гача бўлган оятларда ушбу мартаба ва лавозимларнинг барчаси Ҳорун учун айтилган.

3. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) Пайғамбаримизнинг халифа ва ворислари эди. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) бўла туриб, бошқа ҳеч бир шахс халифалик мансабига ҳақли ва лойиқ эмас эди. Шунингдек, Ҳорун (*алайҳис салом*) ҳам ҳазрат Мусо (*алайҳис салом*)дан кейин шундай мартаба ва даражага эга эди.

---

## ҲАЗРАТИ АЛИ – ПАЙҒАМБАР<sup>(С.А)</sup> ВАЗИФАЛАРИНИ АДО ЭТУВЧИ

---

Манзилат ҳадисининг маъно-мазмунига биноан, ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ҳам Ҳорун *(алайҳис салом)* каби пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг наздиларида юқорида айтиб ўтилган мартаба ва лавозимларга эга эдилар. Зеро, Пайғамбаримиз *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ҳазрати Али *(алайҳис салом)*га хитоб қилиб дердилар:

«Дунё ва охирада сен менинг биродаримсан».<sup>1</sup>

«قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: عَلِيٌّ مِنِّي وَأَنَا مِنْ عَلِيٍّ لَا يُودِّي عَنِّي إِلَّا أَنَا أَوْ عَلِيٌّ»

«Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* марҳамат қилиб дедилар: Али мендан ва мен Алиданман. Менинг вазифамни ўзим ва Алидан бошқа ҳеч ким адо эта олмас».

### Изоҳ:

Бу ҳадис ва бунга ўхшаш бошқа ҳадисларда Пайғамбар *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг «Али *(алайҳис салом)* мендан» деган сўзларининг маъноси шуки, Аллоҳнинг динини ва Унинг аҳкомларини инсонларга тўла-тўқис қилиб етказишда Пайғамбар *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан сўнг ягона ва ёлғиз киши ҳазрати Али *(алайҳис салом)* бўлиб, бошқа саҳобалар бу оғир вазифани адо эта олмасдилар.

Зеро, ҳазрати Али *(алайҳис салом)* болалик даврларида доим Пайғамбаримиз *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг тарбиялари остида бўлиб, ҳеч вақт Аллоҳдан ўзга нарсаларга, яъни бутларга ибодат

---

1. Ал-Муттакил Ҳиндий, «Канзул уммол», 13-жилд, 114-бет, 36370-ҳадис ва 10-бет, 36345-ҳадис.

қилмай ва зинҳор мушрик бўлмаганлар. Бундай буюк неъмат ҳазрати Али (алайҳис салом)дан бошқа ҳеч бир саҳобага насиб этмаган.

Бу борада ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг қуйидаги эътирофлари очик далилдир:

«وَقَدْ عَلِمْتُمْ مَوْضِعِي مِنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ بِالْقَرَابَةِ الْقَرِيبَةِ، وَالْمَنْزِلَةِ الْحَصِيصَةِ. وَضَعَنِي فِي حِجْرِهِ وَأَنَا وَلَدٌ (وليدٌ) يَضُمُّنِي إِلَى صَدْرِهِ، وَيَكْنُفُنِي فِي فِرَاشِهِ، وَيَمْسُنِي جَسَدَهُ، وَيَشْمُنِي عَرْفَهُ. وَكَانَ يَمْنَعُ الشَّيْءَ ثُمَّ يُلْقِمُنِيهِ، وَمَا وَجَدَ لِي كَذِبَةً فِي قَوْلٍ، وَلَا خَطْلَةً فِي فِعْلٍ. وَلَقَدْ قَرَنَ اللَّهُ بِهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ مِنْ لَدُنْ أَنْ كَانَ فَطِيمًا أَعْظَمَ مَلِكٍ مِنْ مَلَائِكَتِهِ يَسْأَلُكَ بِهِ طَرِيقَ الْمَكَارِمِ، وَمَحَاسِنَ أَخْلَاقِ الْعَالَمِ، لَيْلَةً وَنَهَارَهُ. وَلَقَدْ كُنْتُ أَتَّبِعُهُ اتِّبَاعَ الْفَصِيلِ أَثَرُ أُمَّهِ، يَزْفَعُ لِي فِي كُلِّ يَوْمٍ مِنْ أَخْلَاقِهِ عِلْمًا، وَيَأْتُرُنِي بِالِإِقْتِدَاءِ بِهِ. وَلَقَدْ كَانَ يُجَاوِرُنِي فِي كُلِّ سَنَةٍ بِحِجْرَاءَ (حِجْرَاءَ) فَأَرَاهُ وَلَا يَرَاهُ غَيْرِي. وَلَمْ يَجْمَعْ بَيْنَهُ وَاحِدٌ يَوْمَئِذٍ فِي الْإِسْلَامِ غَيْرَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَخَدِيجَةَ وَأَنَا تَالِئُهَا. أَرَى نُورَ الْوَحْيِ وَالرِّسَالَةِ، وَأَشْمُ رِيحَ التَّبَوُّةِ.

وَلَقَدْ سَمِعْتُ رَنَّةَ (رَنَّةَ) الشَّيْطَانِ حِينَ نَزَلَ الْوَحْيُ عَلَيْهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ مَا هَذِهِ الرَّنَّةُ؟ فَقَالَ: هَذَا الشَّيْطَانُ قَدْ أَيْسَ مِنْ عِبَادَتِهِ. إِنَّكَ تَسْمَعُ مَا أَسْمَعُ، وَتَرَى مَا أَرَى، إِلَّا أَنَّكَ لَسْتَ بِنَبِيِّ، وَلَكِنَّكَ لَوْزِيرٌ وَإِنَّكَ لَعَلَى خَيْرٍ»

«Дарҳақиқат, сизлар менинг Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳузурларидаги ўрнимдан, у ҳазратга яқин қариндош эканим ва махсус мартабага эгалигимдан огоҳсиз. Болалик давримда ул ҳазрат мени ўз қучоқларига олар, бағрларига босар ва дам олиб ўтирган ўринларидан жой берар эдилар. Муборак баданларини менга тегиздирар ва ўзларининг хушбўй ҳидларини менга ҳидлатар эдилар. Ва гоҳида бир нарсани чайнар, сўнгра уни менга едирардилар ва ул ҳазрат ҳеч қандай ёлгон сўзни мендан эшитмай, ҳеч бир ишимда хато-камчилик топмадилар.

Туя боласи онасининг изидан юганидек, мен Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га эргашиб, доим ул ҳазратнинг ортларидан юрардим. Ул ҳазрат эса ҳар кунни ўз ахлоқ ва фазилат байрогини мен учун юқорига кўтарардилар ва гўзалликда тенги бўлмаган ўз хулқ-атворларидан мени баҳраманд этиб, ўзларига эргашишни менга амр қилардилар.

Дарҳақиқат, ул зот ҳар йили «Ҳиро» тогига бориб ўрнашар [ва Аллоҳ учун ибодат қилишга киришар эдилар] мен у кишини кўрардим ва

мендан бошқа ҳеч ким ул ҳазратни кўрмасди. У кунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ва [у зотнинг завжаи мукаррамалари] Хадича (саломуллоҳи алайҳо) ва мендан бошқа ҳеч бир хонадонга ислом тушунчаси кириб келмаган эди. Мен ваҳий ва пайгамбарлик нурини кўрардим ва пайгамбарлик ҳидини ҳидлардим.

Дарҳақиқат, ваҳий Пайгамбар (с.а.о)га нозил бўлган вақтда Шайтоннинг ноласини эшитдим. Эй Расулуллоҳ, бу қандай ноладир? дедим. Шунда у зот дедилар: Шубҳасиз, бу Шайтон ноласидир. У ўзига ибодат қилинишдан ноумид бўлди [шунинг учун нола қилмоқда]

Шунда ул зот менга қарата дедилар: Албатта, сен мен эшитган нарсани эшитурсан ва мен кўрган нарсани кўрурсан, фақатгина фарқи шундаки, сен пайгамбар эмассан, лекин сен менинг вазиримсан ва албатта, сен эзгулик йўлидасан» (Наҳжул Балоға, 192-хутба, биринчи қисм).

Аҳли суннатнинг буюк олими Ибн Абил Ҳадид юқорида зикр этилган ҳақиқатни тасдиқлаган ҳолда ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) хузурларидаги ўрни ва мартабаси хусусида шундай дейди:

وَاعْلَمَ أَنَّ أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ ﷺ كَانَ مَخْصُوصاً مِنْ دُونِ الصَّحَابَةِ رِضْوَانُ اللَّهِ عَلَيْهِمْ بِمَجْلَوَاتٍ كَانَ يَخْلُو بِهَا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَلَا يَطَّلِعُ أَحَدٌ مِنَ النَّاسِ عَلَى مَا يَدُورُ بَيْنَهُمَا وَكَانَ كَثِيرَ السُّؤَالِ لِلنَّبِيِّ ﷺ عَنْ مَعَانِي الْقُرْآنِ وَعَنْ مَعَانِي كَلَامِهِ وَإِذَا لَمْ يَسْأَلْ إِبْتِدَاهُ النَّبِيَّ ﷺ بِالْتَّعْلِيمِ وَالتَّثْقِيفِ وَلَمْ يَكُنْ أَحَدٌ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ ﷺ كَذَلِكَ، بَلْ كَانُوا أَقْسَامًا: فَمِنْهُمْ مَنْ يَهَابُهُ أَنْ يَسْأَلَهُ، وَهُمْ الَّذِينَ يُجِبُونَ أَنْ يَجِيءَ الْأَعْرَابِيُّ أَوْ الظَّارِيُّ فَيَسْأَلُهُ وَهُمْ يَسْمَعُونَ، وَمِنْهُمْ مَنْ كَانَ بَلِيداً بَعِيدَ الْفَهْمِ قَلِيلَ الْهِمَّةِ فِي النَّظَرِ وَالْبَحْثِ، وَمِنْهُمْ مَنْ كَانَ مَشْغُولاً عَنْ طَلَبِ الْعِلْمِ وَفَهْمِ الْمَعَانِي، إِمَّا بِعِبَادَةٍ أَوْ دُنْيَا وَمِنْهُمْ الْمُتَقَلِّدُ يَرَى أَنَّ فَرَضَهُ السُّكُوتُ وَتَرَكَ السُّؤَالَ، وَمِنْهُمْ الْمُتَبَغِّضُ الشَّائِي الَّذِي لَيْسَ لِلدِّينِ عِنْدَهُ مِنَ الْمَوْقِعِ مَا يَضِيعُ وَقْتَهُ وَزَمَانَهُ بِالسُّؤَالِ عَنْ دَقَائِقِهِ وَعَوَامِضِهِ؛ وَأَنْصَافَ إِلَى الْأَمْرِ الْخَاصِّ بَعَلِيَّ ﷺ ذُكَاؤُهُ وَفِطْنَتُهُ، وَظَهَارَتْ طَبِئَتُهُ، وَإِشْرَاقُ نَفْسِهِ وَضَوْئُهُ، وَإِذَا الْمَحَلُّ قَابِلًا مَتَهَيِّئاً، كَانَ الْفَاعِلُ الْمُؤَثَّرُ مُوجُوداً، وَالْمَوَانِعُ مُرْتَفَعَةً، حَصَلَ الْأَثَرُ عَلَى أَتَمِّ مَا يُمْكِنُ؛ فَلِذَلِكَ كَانَ عَلِيٌّ ﷺ . كَمَا قَالَ الْحَسَنُ الْبَصْرِيُّ: رَبَّانِي هَذِهِ الْأُمَّةُ وَذَا فَضْلِهَا؛ وَلِذَا تُسَمِّيهِ الْفَلَسِيفَةُ: إِمَامَ الْأُمَّةِ وَحَكِيمَ الْعَرَبِ.

«Билгинки, мўъминлар амири Али (алайҳис салом) бошқа саҳобалардан фарқланиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан иккалалари кўп вақтлар ёлғиз қолишар ва бу ёлғизликда уларнинг ўртасида нималар бўлиб ўтаётганидан ҳеч ким хабардор бўла олмасди. Али (а.с) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан Қуръон Карим оятларининг маъно-мазмунлари ва у зотнинг каломлари маъно-мазмунни ҳақида кўп савол берардилар. Али (алайҳис салом) сўрамаган вақтларида, Пайгамбар (с.а.о)нинг ўзлари у зотга таълим ва тарбия беришга киришар эдилар. Пайгамбар саҳобаларидан ҳеч бир шахс бундай имтиёзга эга эмас эди, балки улар бир неча гуруҳдан иборат бўлиб, уларнинг айримлари Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га савол беришдан ҳадиксираб турардилар. Бу гуруҳ саҳобалар бирор бир аъробий [кўчманчи араблардан бирор киши] ёки ёт-бегона ва нотаниш шахс, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳузурларига келиб, у зотга савол беришини кутиб турардилар ва улар эса уни тинглардилар. Баъзи саҳобалар зеҳни ўтмас, тушунчасиз ҳамда баҳслашиш ва фикр-мулоҳаза билдиришга нолойиқ ва ҳимматсиз эдилар. Уларнинг айримлари билим излаш ва Қуръон маъно-мазмунларини фаҳмлашдан узоқлашиб, ибодат қилишга ёки дунё ишларига машғул бўлишганди. Уларнинг айримлари тақлид қилувчи кишилар бўлиб, сукут сақлашни ва савол бермасликни ўз вазифалари деб билардилар. Қолган баъзилари эса, ёмон ниятли гаразгўй шахслар бўлиб, дин уларнинг назарида ҳеч қандай ўрин ва қадриятга эга бўлмагани сабабли, ўз вақтларини диннинг нозик ва чигал масалалари хусусида савол бериш билан зое кетгизмасдилар.

Юқорида зикр қилинган хусусиятга қўшимча, Али (алайҳис салом) ақл-заковат соҳиби, фаросатли ва табиати покиза ҳамда ёруғ нафс-жонга эга эдилар. Инсон қобилиятли ва истеъдодли бўлса, таъсир кўрсатувчи куч ва омил мавжуд бўлиб, бу орада ҳеч бир тўсиқ бўлмаса, таъсир-натижа имкон қадар том даражада ҳосил бўлади. Шу боис, Ҳасан Басрий айтганидек, Али (алайҳис салом) бу умматнинг раббоний-илоҳий кишиси ва фазилат эгаси бўлгани сабабли, файласуфлар у зотга пешволарнинг пешвоси ва арабларнинг доноси деб, ном берганлар».<sup>1</sup>

Шунинг учун пайгамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Аллоҳ томонидан ўзларига нозил бўлган ваҳийдан ҳазрати

1. Ибн Абил Ҳадид, «Шарҳу Наҳжил Балога», 11-жилд, 48-бет.

Али *(алайҳис салом)*ни махсусан огоҳ қилардилар. Сарвари олам бу ҳақда шундай деб марҳамат қилганлар:

«صَاحِبُ سِرِّي عَلِيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ»

«Менинг сирдошим Али ибн Абу Толибдир».<sup>1</sup>

Яна ул зот ҳазрати Али *(алайҳис салом)* борасида шундай деб марҳамат қилганлар:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: مَنْ أَطَاعَنِي فَقَدْ أَطَاعَ اللَّهَ وَمَنْ أَطَاعَكَ أَطَاعَنِي،  
وَمَنْ عَصَانِي فَقَدْ عَصَى اللَّهَ وَمَنْ عَصَاكَ فَقَدْ عَصَانِي.

«Ҳар ким менга итоат қилса, дарҳақиқат, Аллоҳга итоат қилган ва ким сенга [эй Али,] итоат қилса, менга итоат қилган бўлур. Кимки менга итоатсизлик қилса, дарҳақиқат, Аллоҳга итоатсизлик қилган ва кимда-ким сенга итоатсизлик қилса, дарҳақиқат, менга итоатсизлик қилган бўлур».<sup>2</sup>

Ушбу ҳадиснинг мазмунига кўра, ҳазрати Али *(алайҳис салом)*га итоат қилиш бу – Пайғамбар *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*га итоат қилиш ҳисобланиб, Пайғамбар *(с.а.о)*га итоат қилиш эса Аллоҳ таолога итоат қилишдан ўзга нарса бўла олмас. Ҳазрати Али *(алайҳис салом)*га итоатсизлик қилиш бу – Пайғамбар *(с.а.о)*га итоат қилмаслик бўлиб, ул ҳазратга итоат қилмаслик эса Аллоҳ таолога итоат қилмай, исён қилишнинг ўзидир.

Юқорида келтирилган ойдин ва қатъий далил-исботлардан маълум бўладики, Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг халифа ва ворислари, ул ҳазратнинг ўзлари каби Аллоҳ таоло томонидан тайин этилиши лозим ва инсонлар Расулulloҳни тайин эта олмаганликларидек, ул зотнинг йўлларини давом эттирадиган халифа ва ворисни ҳам тайин эта олмайдилар.

1. Ибн Асокир, «Тариху мадинати Дамашқ», 2-жилд, 311-бет, 822-ҳадис.

2. Ибн Асокир, «Тариху мадинати Дамашқ», 2-жилд, 266-бет, 793-ҳадисдан 795-гача ҳадислар.



---

## АЛИ ИБН АБИ ТОЛИБ – ТЎҒРИ ЙЎЛ СОҲИБИ

---

Ўнинчи илоҳий пешвоимиз Имом Али ибн Муҳаммад Ан-Нақий Ал-Ҳодий *(алайҳис салом)*дан бизга етишган ушбу зиёратномада пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ҳазрати Али *(алайҳис салом)*га қарата айтадилар:

وَأَعْلَمُكَ أَنَّ مَوْتَكَ وَحَيَاتَكَ مَعِي، وَعَلَى سُنَّتِي، فَوَاللَّهِ مَا كَذِبْتُ وَلَا كَذَّبْتُ، وَلَا ضَلَلْتُ وَلَا ضَلَّ بِي، وَلَا نَسِيتُ مَا عَهَدَ إِلَيَّ رَبِّي، وَإِنِّي لَعَلَى بَيْتَةٍ مِنْ رَبِّي بَيْتَهَا لِنَبِيِّهِ، وَبَيْتَهَا النَّبِيُّ لِي، وَإِنِّي لَعَلَى الطَّرِيقِ الْوَاضِحِ، أَلْفِظُهُ لَفْظًا

«Сенга хабар бераманки, ўлимнинг ва ҳаётинг мен билан ва менинг суннатим асосидадир».<sup>1</sup>

Сўнг ҳазрати Али *(алайҳис салом)* айтадилар:

«Аллоҳга қасамки, ёлгон демадим ва менга ҳам ёлгон дейилмаган. Ва мен йўлдан озмадим ва мен орқали ҳам ҳеч ким йўлдан озгани эмас. Парвардигорим мен билан тузган аҳд-паймонни унутмадим. Ва шубҳасиз, Аллоҳ уни Пайғамбарига баён этган ва Пайғамбар *(с.а.о)* эса уни менга баён қилган Парвардигорим томонидан очиқ-ойдин ҳужжатга эгаман. Ва дарҳақиқат, менинг тутган йўлиб ёруг йўл бўлиб, бу сўзларни ошкора тилга олгайман».

---

1. Мўъминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)* уруш майдонида Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан ривоят қилган мазкур хадис лафзий фарқлар билан айрим хадис китобларида келтирилган, жумладан: 420 хижрий-қамарий йилида вафот этган Зайдия мазҳабининг ҳадисчи уламоларидан бўлган аллома Абулқосим Исмоил бин Аҳмад ал-Бастий томонидан таълиф этилган «*Китобул Маротиб фий фазоили Амирил мўъминийн*» китобининг «*Миммаа шааъа фил жамааъа мин хисол*» фаслида ҳазрати Али *(алайҳис салом)* каломларининг иккинчи қисми ва бироз лафзий тафовут билан «*Наҳжул Балоға*»нинг 96-хутбасида келтирилган.

Имом Ҳодий *(алайҳис салом)* ушбу зиёратномада сўзларини давом эттириб Боболари ҳазрати Али *(алайҳис салом)*га қарата айтадилар:

صَدَقْتَ وَاللَّهِ وَقُلْتَ الْحَقَّ، فَلَعَنَ اللَّهُ مَنْ سَاوَاكَ بِمَنْ نَاوَاكَ، وَاللَّهُ جَلَّ اسْمُهُ يَقُولُ: ﴿هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَالَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ﴾ فَلَعَنَ اللَّهُ مَنْ عَدَلَ بِكَ مِنْ فَرَضِ اللَّهِ عَلَيْهِ وَلَا يَتَّكَ، وَأَنْتَ وَلِيُّ اللَّهِ، وَأَخُو رَسُولِهِ، وَالذَّائِبُ عَنْ دِينِهِ.

«Аллоҳга қасамки, рост сўзни дедингиз ва ҳақни айтдингиз. Демак, сизни душманларингизга тенглаштирган кишини Аллоҳ Ўз раҳматидан узоқ қилсин! Номи улуг бўлган Аллоҳ: «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлуриларми?!» (Зумар сураси, 9-оят) деб буюрган бир вақтда, вилоятингизни [пешволигингизни] қабул қилишни Аллоҳ унга фарз қилган кишини сизга тенглаштирган кимса Аллоҳнинг раҳматидан йироқ бўлсин! [гувоҳлик бераманки,] Сиз Аллоҳнинг бандаси ва Унинг Расулнинг биродарисиз ва ўз жону молингиз билан Унинг динини ҳимоя қилувчисиз».

### Изоҳ:

Ислом тарихининг гувоҳлик беришича, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* даъватларининг учинчи йили Аллоҳнинг амри билан ул зот хуфёна даъватларини ошкор этишга буюрилдилар. Шуаро сурасининг 214-оятига биноан:

﴿وَأَنْذِرْ عَشِيرَتَكَ الْأَقْرَبِينَ﴾ «Ўз яқин қариндош-уруғларингни [исломга даъват қилиб, Аллоҳнинг азобидан] огоҳлантиргин», деб Пайғамбаримиз ошкора даъват қилишга амр қилиндилар.

Шунда Сарвари олам ўз яқин қариндошларини амакилари ҳазрати Абу Толибнинг уйларига таклиф этдилар. Таомланиб бўлишгач, ул зот шундай деб марҳамат қилдилар:

«Эй Абдул Муталлиб авлодлари, Аллоҳга қасамёд этиб айтаманки, араблар орасида ўз қавми учун мен сизларга келтирган нарсадан яхширогини келтирган бирор бир шахсни танимайман. Мен сизлар учун дунё ва охиратнинг хайр-саодатини келтирдим. Аллоҳ менга сизларни бу динга даъват этишимни буюрди. Демак, қайси бирингиз менга бу ишда ёрдам берасиз, токи, менинг биродарим, ворисим ва ўринбосарим бўлгайсиз?»

Мажлисда иштирок этганлардан бирор киши Пайғамбарнинг бу даъватига жавоб бермади. Шунда ҳаммадан ёши кичик бўлган ҳазрати Али ўрнидан туриб: «Эй Расулаллоҳ, Мен бу ишингизда сизга ёрдамчи ва ёру ёварингизман», - деди. Буни кўрган пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) муборак қўлларини Алининг бўйнига қўйиб:

«إِنَّ هَذَا أَخِي وَوَصِيِّي وَخَلِيفَتِي فِيكُمْ، فَاسْمَعُوا لَهُ وَأَطِيعُوهُ»

«Бу Али сизларнинг орангизда менинг биродарим, ворисим ва ўринбосаримдир. Унинг айтганларини эшитингиз ва унга бўйсунингиз», – деб буюрдилар. Аммо у ерда ўтирган нодон ва гумроҳ кишилар нафақат Сарвари оламнинг сўзларини қабул қилишмади, балки ул зотни масҳара ҳам қилишди.

Юқоридаги «Явмуд-дор» [уйда қилинган даъват куни] номи билан машхур бўлган ушбу ҳадис маъно-мафҳум нуқтаи назаридан етарли миқдорда тушунарли ва аниқ бўлиб, санад жиҳатидан ҳам бу ҳадисни Аҳли суннатнинг кўпгина уламолари, жумладан Ибн Абу Жарийр, Ибн Абу Хотам, Ибн Мардавайх, Абу Наим, Байҳақий, Саълабий, Табарий, Ибн Асийр, Абул Фидо ва бошқалар ривоят қилишган.<sup>1</sup>

Қачонки, юқоридаги ҳадисни ҳам бетарафна ва холислик билан кўздан кечирсак, ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг хилофати ва вилоятига, яъни пешволигига оид ҳаққоният бизга ошкора аён бўлади. Негаки, ушбу ҳадиси шарифда пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўз даъватларининг илк чоғидаёқ ўзларидан сўнг ҳазрати Али (алайҳис салом)ни бевосита халифа, ворис ва ўринбосар эканлигини ёрқин тарзда баён қилганлар.

---

1. Батафсил маълумот олиш учун Ал-Мурожаот китобининг 130-бетидан у ёнига ва Ихқоқул ҳақ китобининг 4-жилди, 62-бетидан у ёнига мурожаат қилинг.

---

## ҲАЗРАТИ АЛИ (А.С) АЛЛОҲГА ИЙМОН КЕЛТИРИБ, УНГА МОЛУ ЖОНИНИ БАХШИДА ЭТГАН ЗОТ

---

وَالَّذِي نَطَقَ الْقُرْآنُ بِتَفْضِيلِهِ، قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ﴿وَفَضَّلَ اللَّهُ الْمُجَاهِدِينَ عَلَى الْقَاعِدِينَ أَجْرًا عَظِيمًا، دَرَجَاتٍ مِنْهُ وَمَغْفِرَةً وَرَحْمَةً، وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا﴾ وَقَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ﴿أَجَعَلْتُمْ سِقَايَةَ الْحَاجِّ وَعِمَارَةَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ، كَمَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، وَجَاهَدَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، لَا يَسْتَوُونَ عِنْدَ اللَّهِ، وَاللَّهُ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ. الَّذِينَ آمَنُوا وَهَاجَرُوا وَجَاهَدُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ، أَعْظَمُ دَرَجَةً عِنْدَ اللَّهِ، وَأَوْلَىكَ هُمُ الْفَائِزُونَ. يُبَشِّرُهُمْ رَبُّهُمْ بِرَحْمَةٍ مِنْهُ وَرِضْوَانٍ، وَجَنَّاتٍ لَهُمْ فِيهَا نَعِيمٌ مُقِيمٌ. خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا، إِنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ أَجْرٌ عَظِيمٌ﴾

«Сиз шундай кишисизки, Аллоҳ таоло Қуръони Каримда унинг устунлиги ва афзаллиги тўғрисида шундай буюради:

«Аллоҳ молу жонлари билан жиҳод қилувчиларни ўтириб олувчилардан [жиҳодда иштирок этмаганлардан] буюк ажр-мукофот билан, Ўз томонидан бўлган юксак даражалар ҳамда магфират ва фазлу марҳамат билан устун қўйди. Аллоҳ магфиратли ва раҳимли Зотдир». (Нисо сураси, 95 ва 96-оят)

Ва Аллоҳ таоло бу борада яна шундай буюрган»:

«Сизлар ҳожиларга сув беришни ва масжидул ҳаромни обод қилишни Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ҳамда Аллоҳ йўлида жиҳод қилган зотларнинг амалларига тенг деб, билдингизми?! Улар Аллоҳнинг ҳузуридада тенг эмаслар. Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас.

Иймон келтирган, ҳижрат қилган ва Аллоҳ йўлида молу жонлари билан курашган зотларнинг Аллоҳ ҳузуридаги даражалари жуда улуғдир

ва ўшаларгина бахт-саодатга эришувчидирлар. Парвардигорлари уларга ўз тарафидан раҳмат ва ризолик ҳамда улар учун бўладиган жаннатлар хушхабарини берурки, у жаннатларда доимий неъматлар бордир. Улар ўша жойда абадий қолурлар. Шубҳасиз, фақат Аллоҳнинг ҳузуридагина улуг ажр бордир.» (Тавба сураси, 19-оятдан 22-оятгача)

**Изоҳ:** Аҳли суннат олимлари ўз китобларида ривоят қилишларича, ушбу ояти карима ҳазрати Али *(алайҳис салом)*, Аббос ибн Абдул Мутталиб ва Талҳа ибн Шайба ҳақида нозил бўлган.

Шайба ва Аббос бир-бирларига нисбатан ўзларининг устунликлари хусусида сўз юритиб фахрланаётганларида, ҳазрати Али *(алайҳис салом)* у иккисининг ёнидан ўтаётиб, не боисдан фахрланишларини сўрадилар. Шунда Аббос деди: Ҳеч бир кишига берилмаган имтиёз ва устунлик менга берилган ва ушбу имтиёз ҳаж маросимида ҳожиларга сув беришдан иборат.

Шайба деди: Мен эса Масжидул Ҳаромни обод қилиш [таъмирлаш] фазилатига эгаман. Шу вақт ҳазрати Али *(алайҳис салом)* дедилар: Сизлардан ҳаё қилсам-да, лекин айтишим лозимки, мен бу оз ёшим билан шундай бир фазилатга эгаманки, сизларда бу фазилат йўқдир. Улар сизнинг фазилатингиз нима? деб сўрашди.

Ҳазрати Али *(алайҳис салом)* уларга жавобан дедилар:

«حَرَبْتُ خَرَاطِيمَكُمْ بِالسَّيْفِ حَتَّى آمَنْتُمْ بِاللَّهِ تَبَارَكَ وَتَعَالَى وَرَسُولِهِ»

«Қилич билан бурунларингизга урдим, [яъни қилич билан бўйин эгдирдим], токи сизлар Аллоҳ таборак ва таолога ва Унинг Расули *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* га иймон келтирдингиз».

Аббос бу сўзни эшитгач, дарғазаб бўлган ҳолда ўрнидан туриб, Пайғамабар *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ҳузурларига келди ва шикоят қилиб деди: Али мен билан қандай сўзлашаётганини кўрмаяпсизми?

Шунда Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ҳазрати Али *(алайҳис салом)*ни ҳузурларига чақириб: «Нима учун амакингиз билан бундай сўзладингиз?», дедилар.

Ҳазрати Али *(алайҳис салом)* у зотга жавобан: «Эй Расулulloҳ, у киши ҳақ ва тўғри сўзни айтишим билан ранжиди», дедилар. Шу вақт ҳазрати Жаброил *(алайҳис салом)* нозил бўлиб деди: Эй Муҳаммад *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*, Парвардигорингиз сизга салом йўллаб, ушбу оятни уларга тиловат қилишингизни буюрди:

﴿أَجْعَلْتُمْ سِقَايَةَ الْحَاجِّ وَعِمَارَةَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ، كَمَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَ...﴾

Шунда ҳазрати Аббос (*разияллоҳу анҳу*) уч марта «рози-хушнуд бўлдим», деди.

Мазкур уч ояти карима ушбу ҳақиқатни, яъни Аллоҳга иймон келтириш ва Унинг йўлида ҳижрат қилиб, жиҳод қилиш амали ҳожиларга сув бериш ва Масжидул Ҳаромни обод қилиш каби ишларнинг барчасидан устун ва афзал эканлигини уқтиради. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) қуйидаги уч фазилат ва юксаклик:

- Аллоҳ ва Қиёмат кунига иймон келтиришга,

- Унинг йўлида ҳижрат қилишга

- Ва Унинг йўлида жиҳод қилишга эга бўлганликлари туфайли, ҳожиларга сув берувчи ва Масжидул Ҳаромни обод қилувчи-таъмирловчи кишилардан юксак ва устун эканликлари ушбу оятлар орқали тасдиқланиб, Аллоҳ таоло томонидан бу улкан уч неъмат ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га ато этилиши билан қуйидагича эъзозланурлар:

Парвардигори олам ул ҳазрат каби кишиларга Ўз томонидан бўлган фазлу раҳмат хушхабарини бериб, уларни Ўзининг буюк неъматидан баҳраманд қилур:

﴿يُبَشِّرُهُمْ رَبُّهُمْ بِرَحْمَةٍ مِنْهُ﴾

Ўзининг энг буюк неъматларидан бўлган ризолигини уларга ато этгай:

﴿رِضْوَانٍ﴾

Неъматлари доимий бўлган Жаннатлардан уларга жой берур:

﴿وَجَنَّاتٍ لَهُمْ فِيهَا نَعِيمٌ مُّقِيمٌ﴾

Сўнгра ояти каримада чуқурроқ таъкид қилиш учун шундай қўшимча қилинади:

«Уч фазилатга эга бўлган мана шундай зотлар, абадий жаннатларда мангу ҳаёт кечиргайлар».

﴿خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا﴾

Зероки, улуг ва буюк ажру мукофотлар Аллоҳнинг ҳузурда бўлиб,

бандаларининг қилган амаллари учун уларга баҳшида этилгай:<sup>1</sup>

﴿إِنَّ اللَّهَ عِنْدَهُ أَجْرٌ عَظِيمٌ﴾

- 
1. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг мазкур буюк фазилатларини ўз китобларида тасдиқлаган ҳолда келтирган Аҳли суннат уламолари қуйидагилардан иборат:
    - Жоруллоҳ, Замахшарий, «*Тафсирул Кашиоф*», 2-жилд, 256-бет, ушбу оятнинг тафсирида.
    - Фаҳри Розий, «*Ат-тафсирул Кабийр ав Мафаатийҳул ғайб*», 16-жилд, 11-бет, ушбу оятнинг тафсирида.
    - Ганжий Шофей, «*Кифааятут-толиб*», 62-боб, 238-бет.
    - Ҳофиз Ҳасконий, «*Шавоҳиддуд танзийл*», 1-жилд, 344-бет.
    - Жалолуддин Суютий, «*Ад-дуррул мансур*», 3-жилд, 236-бет ва бошқа нашрида 218-бет.
    - Ибн Мағозилий, «*Маноқибу Амирил муъминийн*», 367 ва 368-ҳадислар.
    - Ҳофиз Абу Наим, «*Маа назала минал Қуръони фий Алийийин*», ушбу оятнинг тафсирида.
    - Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «*Янобийъул маваддаҳ*», 21-боб, 106-бет.
    - Воҳидий, Нишобурий, «*Асбобун-нузул*», 182-бет.
    - Ибн Жарийр Табарий, «*Тафсири табарий*», 10-жилд, 96-бет ва бошқа нашрида 14-жилд, 170-бет.

---

**АЛЛОҲНИНГ РАСУЛУЛЛОҲ (С.А.О)  
ГА ЮБОРГАН ФАРМОНИ ҲАҚИДА**

---

أَشْهَدُ أَنَّكَ الْمُخْصُوصُ بِمِدْحَةِ اللَّهِ، الْمُخْلِصُ لِبَطَاعَةِ اللَّهِ، لَمْ تَبِعْ بِالْهُدَى بَدَلًا، وَلَمْ تُشْرِكْ  
بِعِبَادَةِ رَبِّكَ أَحَدًا، وَأَنَّ اللَّهَ تَعَالَى اسْتَجَابَ لِنَبِيِّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ فِيكَ دَعْوَتَهُ، ثُمَّ أَمَرَهُ  
بِإِظْهَارِ مَا أَوْلَاكَ لِأُمَّتِهِ، إِعْلَاءَ لِسَانِكَ، وَإِعْلَانًا لِبُرْهَانِكَ، وَدَحْضًا لِلْأَبَاطِيلِ، وَقَطْعًا لِلْمَعَاذِيرِ،  
فَلَمَّا أَشْفَقَ مِنْ فِئْتَةِ الْفَاسِقِينَ، وَاتَّقَى فِيكَ الْمُتَنَافِقِينَ، أَوْحَى إِلَيْهِ رَبُّ الْعَالَمِينَ: ﴿يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ  
بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ وَإِنْ لَمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ﴾

«Гувоҳлик бераманки, сиз Аллоҳ таолонинг мақтовига сазовор бўлган, Аллоҳнинг итоати учун ихлос қилгувчи кишисиз. Ҳидоятнинг ўрнига бошқа нарсани талаб этмадингиз ва Парвардигорингизга итоат этишида ҳеч кимни шерик қилмадингиз. Юксак даражали Аллоҳ ҳам Ўз Пайгамбарининг сиз ҳақингиздаги дуосини мустажоб қилди. Сўнгра Аллоҳ таоло сизнинг мартабангизни юксалтириши [халифа, пешво ва раҳнамо эканлигингизни маълум қиладиган] қатъий далилингизни ошкор этиши ва муҳолиф кимсаларнинг нотўғри-ботил сўзларини нобуд қилиши ҳамда ҳеч кимга узру-бахона қолдирмаслик учун Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га сизни ўз умматига пешво ва раҳнамо қилганлигини изҳор этишига амр қилди. Ва Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) фосиқ ва бузгунчиларнинг [сизга қарши режалаштирган] фитнасидан қўрққан ва мунофиқларнинг игволаридан сизни сақлаш борасида ўйлаб турган вақтда, Парвардигори олам ул ҳазратга ваҳийий йўллаб, буюрди:



«Эй Пайгамбар, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг! Агар қилмасангиз, Унинг элчилигини [яъни: пайгамбарлик вазифасини] етказмаган бўлурсиз. Аллоҳ сизни одамлар фитнасидан сақлагай». (Моида сураси, 67-оят)

فَوَضَعَ عَلَى نَفْسِهِ أَوْزَارَ الْمَسِيرِ، وَتَمَضَّى فِي رَمَضَاءِ الْهَجِيرِ، فَخَطَبَ وَأَسْمَعَ، وَنَادَى فَأَبْلَغَ، ثُمَّ سَأَهُمْ أَجْمَعٌ، فَقَالَ هَلْ بَلَغْتُ؟ فَقَالُوا: أَلَلَّهِمَّ بَلَى. فَقَالَ اللَّهُمَّ اشْهَدْ. ثُمَّ قَالَ: أَلَسْتُ أَوْلَى بِالْمُؤْمِنِينَ مِنْ أَنْفُسِهِمْ؟ فَقَالُوا: بَلَى فَأَخَذَ بِيَدِكَ وَقَالَ: «مَنْ كُنْتُ مَوْلَاهُ فَهَذَا عَلِيٌّ مَوْلَاهُ اللَّهُمَّ وَالِ مَنْ وَالَاهُ وَعَادِ مَنْ عَادَاهُ وَانصُرْ مَنْ نَصَرَهُ وَاحْذَلْ مَنْ خَذَلَهُ.»

«Демак, Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) сафарнинг оғир юкини ўзларига юклаб, пешин вақти ўша иссиқ саҳрода ўрниларидан турдилар ва хутба ўқиб, [Аллоҳнинг ваҳийини инсонларга] эшиттирдилар ва халққа баланд овозда нидо қилиб, [ўша ваҳийни] уларга етказдилар.

Сўнгра эса уларнинг барчасидан: «Ўз вазифамни етказдимми?» деб сўраганларида, улар Аллоҳга қасамки, етказдингиз, дея жавоб беришди. Шунда Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам): «Эй Аллоҳим, Ўзинг гувоҳ бўлгин!», дедилар. Кейин эса шундай марҳамат қилдилар: «Мен мўъминларга нисбатан уларнинг ўзидан ҳам устунроқ ва ҳақлироқ эмасманми?» Улар; худди шундай дея тасдиқ этишди.

Шунда Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) қўлингизни тутиб, дедилар:

«Мен кимнинг мавлоси ва раҳбари бўлсам, демак, бу Али ҳам унинг мавлоси ва раҳбаридир. Эй Аллоҳим, кимки уни [Алини] дўст тутса, [ва унинг халифа, пешво, валий ва йўлбошчи эканлигини қабул қилса], у кишини дўст тутгин ва кимки унга душманлик қилса, у кимсани душманинг деб билгин ва кимки унга ёр бўлса, у кишига ёр бўлгин ва кимки Алидан ўз ёрдамини дариг тутса [ва Алига ёрдам беришдан ўзини четга тортса], у кимсани хор қилгин!»<sup>1</sup>

1. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг Ғадийр Хум қунидаги хутбаларидан олинган. Мужоҳид аллома марҳум Оятуллоҳ Шайх Абдулхусайн Аминий (раҳматуллоҳи алайҳи) томонидан таълиф этилган «Ал-Ғадийр» номли китобнинг 1 ва 11-жилдларига мурожаат қилишингиз мумкин. Қўлингиздаги ушбу китобнинг кейинги саҳифаларида Ғадийр Хум хутбасининг тўлиқ матнини келтирганмиз.

---

## РАСУЛУЛЛОҲ (С.А.О) НИНГ ҒАДИЙР КУНИДАГИ ХУТБАЛАРИ ҲАҚИДА

---

Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг Маккага қилган охирги сафарлари хижратнинг ўнинчи йилида ҳаж амалини адо этиш учун бўлган. Олтинчи пешвоимиз имом Жаъфар Содиқ (алайҳис салом) бу борада айтадилар:

عَلِيُّ بْنُ إِبْرَاهِيمَ عَنْ أَبِيهِ وَ مُحَمَّدُ بْنُ إِسْمَاعِيلَ عَنِ الْفَضْلِ بْنِ شَاذَانَ جَمِيعاً عَنِ ابْنِ أَبِي عُمَيْرٍ عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ عَمَّارٍ عَنْ أَبِي عَبْدِ اللَّهِ عَلَيْهِ السَّلَامُ قَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ أَقَامَ بِالْمَدِينَةِ عَشْرَ سِنِينَ لَمْ يَحْجَّ ثُمَّ أَنْزَلَ اللَّهُ عَزَّوَجَلَّ عَلَيْهِ: ﴿وَأَذِّنْ فِي النَّاسِ بِالْحَجِّ يَأْتُوكَ رِجَالًا وَعَلَى كُلِّ ضَامِرٍ يَأْتِينَ مِنْ كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٍ﴾ فَأَمَرَ الْمُؤَدِّينَ أَنْ يُؤَدُّنَا بِأَعْلَى أَصْوَابِهِمْ بِأَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ يَحْجُّ فِي عَامِهِ هَذَا فَعَلِمَ بِهِ مَنْ حَضَرَ الْمَدِينَةَ وَ أَهْلَ الْعَوَالِي وَالْأَعْرَابِ وَاجْتَمَعُوا لِلْحَجِّ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ

«Расулуллоҳ (с.а.в) Мадинада ўн йил яшадилар, аммо ҳаж қилмадилар. Сўнг Аллоҳ азза ва жалла ушбу оятни ул зотга туширди: «Ва одамлар орасида юриб уларни ҳажга чақиргин, токи, улар сен томон пиёда ҳолларида ва барча узоқ-узоқ йўллардан келадиган тез юрар озгин уловлар устида келсинлар» (Ҳаж сураси, 27-оят). Шунда ул ҳазрат муаззинларга ўзларининг баланд товушлари билан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бу йили ҳаж қилгайлар деб эълон қилишни буюрдилар. Оқибат, Мадинада бўлганлар, шаҳар атрофида яшайдиганлар ва бадавий араблар бундан хабардор бўлиб, Расулуллоҳ (с.а.о) билан ҳаж қилишга тўпландилар».<sup>1</sup>

---

1. Сикатул Ислому Кулайний, «Ал-Кофий», Техрон – Эрон, Даарул кутубил ислаамийях, 1407- хижрий йили, 4-жилд, 245-бет.

Ҳазрат Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ушбу ояти каримага биноан, ўша йилнинг Зулқаъда ойи аввалидан бошлаб мусулмонлар яшайдиган барча ҳудудларга, Ҳижоздаги турли мусулмон қабила ва элатларга ҳаж сафарига отланиш ҳақида хабар етказиб, ушбу ойда ҳаж амалини бажариш учун Макка томон йўл олишларини эълон қилдилар. Шундай қилиб, ислом тарихида «*Ҳажжатул Видо*», яъни “Видолашув Ҳажи” номи билан машҳур бўлган пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳажларида қатнашиш учун мусулмонларнинг энг йирик йиғилиши ташкил топди.

Умумий тарзда эълон қилинган хабарда Сарвари оламнинг сафари “Видолашув Ҳажи” деб айтилгани сабабли, мусулмонлар ҳазрати Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг ҳузурларига шарафёб бўлиш учун турли ҳудудлардан саросима ҳолда Ҳаж маросимига қатнашиш мақсадида Пайғамбар (с.а.в) ҳузурларига етиб келдилар. Шундай қилиб, ҳижратнинг ўнинчи йили, Зулқаъда ойининг сўнгги кунларида Сарвари коинот барча оила аъзолари ҳамда кўпчилик муҳожир ва ансордан иборат саҳобалар ва бошқа мусулмонлар билан биргаликда, уларнинг сони тўксон мингдан бир юз йигирма минггача бўлгани айтилган, муҳрим бўлиш [ҳаж эҳромини кийиш] ниятида Мадинатун-Набийдан чиқиб, «*Зул-Ҳулайфа*» минтақаси томон йўл олдилар. Ўша пайтда Али ибн Абу Толиб (алайҳимас салом) билан бирга ўн икки мингга яқин киши ҳам Ямандан Макка томон йўлга тушгандилар.

Ўша вақтга қадар мусулмонларга Аллоҳнинг барча аҳком ва қонун-қоидалари, ислом дини таълимотлари баён қилинган эди. Фақат “Ҳаж” аҳкомлари ва Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг “ворис” ва “ўринбосар”ларини расмий тарзда тайинланиш ҳамда унга расмий равишда байъат қилишгина қолган эди, холос. Видолашув ҳаж сафари чоғида умра ва ҳаж амалининг аҳкоми ва қонун-қоидалари Пайғамбар (с.а.в) томонларидан мусулмонларга тўлиқ ва амалий тарзда тушунтирилди. Бироқ айтилмай қолган нарса бу – Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан кейинги “ворислик” ва “ўринбосарлик” масаласи эди ва ушбу масала «*Ғадийр Хум*» номли маконда мусулмонларга етказилди. Яъни Сарвари олам «*Ғадийр Хум*»да одамларнинг энг кўп сонли иштирок этиши билан ўзларидан кейинги ворислик ва йўлбошчилик масаласига алоҳида тўталиб, уни батафсил ва ошқора баён қилдилар.

«*Ғадийр Хум*» макони тошқин сувлар йўлида жойлашган бўлиб, ушбу сувлар мазкур жойдан ўтгач, “Жухфа”га етиб боради, сўнгра

Қизил денгизгача давом этиб, ниҳоят тошқин сувлар денгизга қуйилади. Бундай сув йўллари араб тилида “водий” деб аталади. Жухфа водийси денгизга қуйиладиган сел йўлидир. Ушбу йўлда табиий кўл пайдо бўлиб, сув тошқини ўтгандан кейин қолган сувлар ўша кўлда тўпланади. Бундай кўлмаклар ва кўлларга араб тилида «*Ғадийр*» дейилади.

Турли ҳудудларда сув тошқинлари йўлида юзага келган кўплаб Ғадийрлар, яъни кўллар бор бўлиб, уларга берилган хос номлар билан бир-биридан фарқланиб танилади. Ушбу кўл ҳам бошқа кўллардан ажралиб танилиши учун унга “Хум” деб ном берилган. Шунга кўра, «*Ғадийр Хум*» номи ўн тўрт аср давомида ўзгармаган, балки география ва тарихий китобларда ҳамда турли асрларга оид луғатларда унинг аниқ жойлашувини ва тўрт томондан узоқликларини белгилаб кўрсатиш билан бирга, ушбу «*Ғадийр Хум*» номини ўша муайян маконга нисбатан ишлатилишини кўраимиз.

Шундай қилиб, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳижратнинг 10-йили, Зулҳижжа ойининг 18-кунида «*Ҳажжсатул Видо*», яъни видолашув ҳажидан кейин Маккадан Мадинага қайтаётганларида, «*Жухфа*» деган жойга яқин «*Ғадийр Хум*» номли Мадина, Миср ва Шом йўллари бир-биридан ажраладиган маконда ушбу ояти карима Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га Аллоҳ таоло томонидан нозил бўлди:

﴿يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ وَإِنْ لَمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ﴾

«Эй, Расул, Раббингиздан Сизга нозил қилинган нарсани одамларга етказинг! Агар [бу ишни] қилмасангиз, Унинг рисолатини [пайғамбарлик вазифасини] охирига етказмаган бўлурсиз. Аллоҳ Сизни одамларнинг муҳтамал хатари ва зараридан сақлагай. Албатта, Аллоҳ кофирлар қавминини ҳидоят сари бошқармайди» (Моида сураси, 67-оят).

**Ушбу ояти кариманинг маъноси:** Одамларнинг душманликларидан кўркманг, Аллоҳ Ўзи сизни ҳимоя қилувчидир. Борди-ю, сизга туширилган ваҳийни одамларга эълон қилмасангиз, Аллоҳнинг рисолатини, яъни пайғамбарлик вазифасини охирига етказмаган бўлурсиз.

Ушбу оят нозил бўлгач, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўзлари билан ҳаж сафаридида қатнашган саҳобаларга тўхташни буюрдилар. Олдинга бориб қолган кишилар

ортга қайтишлари ва орқада қолган кишилар эса ўша ерга етиб келиб бир ерда тўпланишларини буюрдилар.

عن امرأة زيد بن أرقم قال: أقبل نبيُّ الله من مكة في حجة الوداع حتى نزل بغدير الجحفة بين مكة والمدينة فأمر بالدوحات فقمَّ ما تحتهنَّ من شوكٍ ثمَّ نادى: الصلاة جامعة! فخرجنا إلى رسول الله في يومٍ شديد الحرِّ وإنَّ منَّا لمن يضع رداءه على رأسه وبعضه على قدمَيْهِ من شدة الرَّمضاءِ حتَّى إنَّهمينا إلى رسول الله ﷺ فصلَّى بنا الظُّهرُ ثمَّ انصرف إلينا فقال:

«Ҳаво иссиқлиги туфайли тикан дарахтлари соясида дам олиш учун тарқалиб кетмасликларини буюрдилар, сўнгра жамоат намозига тайёргарлик кўришга амр қилдилар. Ул ҳазратнинг саҳобалари тикан дарахтларининг барг ва шохлари устига либосларини қўйиб, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) учун соябон қилдилар.

Ул ҳазрат у куннинг жазирама иссиқ ҳавосида тўпланган жамият билан намозни ўқидилар, ҳаво шу даражада иссиқ эдики, мусулмонлар тош ва қумларнинг иссиқлигидан омонда қолиш учун айрим кийимларини ерга тўшаб ва қуёшнинг ҳароратли нуридан сақланиш учун баъзиларини бошларига қўйиб олган эдилар».

Намоз тугагач, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) хутба ўқиш учун ўринларидан туриб, шундай марҳамат қилдилар:

الْحَمْدُ لِلَّهِ نَحْمَدُهُ وَنَسْتَعِينُهُ، وَنُؤْمِنُ بِهِ وَنَتَوَكَّلُ عَلَيْهِ، وَنَعُوذُ بِاللَّهِ مِنْ شُرُورِ أَنْفُسِنَا، وَمِنْ سَيِّئَاتِ أَعْمَالِنَا، الَّذِي لَا هَادِيَ لِمَنْ أَضَلَّ، وَلَا مُضِلَّ لِمَنْ هَدَى، وَأَشْهَدُ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ.

«Ҳамду сано ва мақтовлар фақатгина Аллоҳ учундир. Ундан ёрдам сўраб, Унга иймон келтириб ва Унгагина таваккул қилурмиз. Ва ҳавои нафсимизнинг шарридан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Ундан паноҳ сураймиз. Аллоҳ шундай зотки, У гумроҳ қилган киши учун ҳеч бир ҳидоят этувчи бўлмас ва У ҳидоят қилган киши учун эса бирор йўлдан оздирувчи бўлмас. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Унинг бандаси ва юборган элчисидир».

أَمَّا بَعْدُ أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّهُ قَدْ أَنْبَأَنِي اللَّطِيفُ الْحَبِيبُ أَنَّهُ لَمْ يُعَمَّرْ نَبِيٌّ إِلَّا نَضَّفَ مِنْ عُمَرِ مَنْ قَبْلَهُ، وَإِنِّي أَظُنُّ أَنِّي يُوشِكُ أَنْ أَدْعَى فَأَجِيبَ.

«Эй инсонлар, меҳрибон ва огоҳ Аллоҳ менга хабар бердики, ҳеч бир пайгамбар ўзидан олдинги пайгамбар умрининг яримидан кўп умр кўрмас. Мени боқий диёрга даъват қилишларига оз қолди ва мен ҳам ижобат қилгайман».

أَلَا وَإِنِّي مَسْئُولٌ وَأَنْتُمْ مَسْئُولُونَ فَهَلْ بَلَّغْتُمْ؟ فَإِذَا أَنْتُمْ قَائِلُونَ؟ فَقَامَ مِنْ كُلِّ نَاحِيَةٍ مِنَ الْقَوْمِ مُجِيبٌ يَقُولُونَ: نَشْهَدُ أَنَّكَ عَبْدُ اللَّهِ وَرَسُولُهُ، قَدْ بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ، وَجَاهَدْتَ فِي سَبِيلِهِ، وَصَدَعْتَ بِأَمْرِهِ، وَعَبَدْتَهُ حَتَّى أَتَاكَ الْيَقِينُ، جَزَاكَ اللَّهُ عَنَّا خَيْرَ مَا جَزَى نَبِيًّا عَنْ أُمَّتِهِ.

«Аллоҳнинг ҳузурида Унинг динини етказганим хусусида мен ва сизлардан сўралгай, у кунда Аллоҳга нима деб жавоб берурсиз? Ҳар бир жойдан одамлар ўрнидан туриб, у зотга шундай деб жавоб беришди: Биз гувоҳлик берамизки, сиз Аллоҳнинг бандаси ва Унинг йўллаган элчисидирсиз. Пайгамбарлик вазифасини тўла-тўқис бажариб, Унинг йўлида жиҳод қилдингиз ва Унинг амрини ошкора баён қилдингиз ва аниқ нарса [яъни ўлим] сизга етиб келгунича Унга ибодат қилдингиз ва бизни тўғри йўлга бошладингиз. Аллоҳ сизга яхши мукофотлар ато этсин!»

Шунда ул зот сўрадилар:

الَأَسْمُ تَشْهَدُونَ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا اللَّهُ لَا شَرِيكَ لَهُ؟ وَأَنَّ مُحَمَّدًا عَبْدُهُ وَرَسُولُهُ؟ وَأَنَّ الْجَنَّةَ حَقٌّ وَأَنَّ النَّارَ حَقٌّ وَأَنَّ الْمَوْتَ حَقٌّ وَأَنَّ السَّاعَةَ آتِيَةٌ لَا رَيْبَ فِيهَا؟ قَالُوا بَلَىٰ.

«Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У Ягона ва Ёлғиз Зот. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Унинг бандаси ва элчисидир, Жаннат ва Жаҳаннам ҳақ, ўлим ҳақ ва шак-шубҳасиз, Қиёмат кунни келгайдир деб, гувоҳлик бермайсизми?» Улар: Буларнинг барчасига гувоҳлик берурмиз, деб жавоб беришди.

Шунда Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам): «Эй Аллоҳим, Ўзинг гувоҳ бўлгин», деб марҳамат қилдилар. Сўнгра: «Менинг товушимни эшитаяпсизларми?», дедилар Улар эса: «эшитаяпмиз» дея жавоб беришди. Шунда у хазрат буюрдилар:

«Эй халойиқ, Мен сизлардан олдин Кавсар ҳовузи ёнига боргайман ва сизлар «Кавсар ҳовузи» ёнида менга кириб келгайсиз, Кавсар ҳовузининг кенглиги Санъодан Бусрогача бўлган масофа миқдорича бўлиб, унинг атрофида юлдузлар сонича кумушли қадаҳлар қўйилган ва мен сизлардан ораларингизда қолдирган икки қимматбаҳо нарса тўғрисида сурайман.

Демак, эҳтиёт бўлингиз! Мендан сўнг бу икки қимматбаҳо мерос билан қандай муомала қилурсиз!»

Шунда бир киши жамият орасидан баланд товуш билан: Эй Расулulloҳ, ўша икки қимматбаҳо нарса нима? деб сўради: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай деб марҳамат қилдилар:

«Бири Аллоҳнинг китобидирки, бир томони Аллоҳнинг қўлида ва бошқа томони эса сизларнинг қўлингиздадир, уни яхши сақлангиз ҳамда унинг йўл-йўриқ ва кўрсатмаларига амал қилингиз ва уни бошқа нарса билан алмаштирмангизки, оқибат гумроҳ бўлурсиз.

Иккинчиси эса менинг итратим, Аҳли-Байтимдир. Меҳрибон Аллоҳ мени огоҳ этдики, бу иккиси Кавсар ҳовузининг ёнида менга кириб келгунга қадар, зинҳор бир-биридан ажралмас. Ва мен бунини Аллоҳдан сўраганман. Демак, бу иккисидан олдинга ўтиб кетмангизки, оқибат ҳалокат ва гумроҳликка учрагaysиз ҳамда бу икки нарсдан орқада қолмангизки, унда ҳалок бўлурсиз. Ҳеч бир нарсани у иккисига ўргатмангиз, зеро, улар сизлардан огоҳроқ ва донороқдирлар.»

Сўнгра Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай марҳамат қилдилар:

أَلَسْتُمْ تَعْلَمُونَ أَنِّي أَوْلَىٰ بِالْمُؤْمِنِينَ مِنْ أَنفُسِهِمْ؟ قَالُوا: بَلَىٰ يَا رَسُولَ اللَّهِ، قَالَ: أَلَسْتُمْ تَعْلَمُونَ أَنِّي أَوْلَىٰ بِكُلِّ مُؤْمِنٍ مِنْ نَفْسِهِ؟ قَالُوا: بَلَىٰ يَا رَسُولَ اللَّهِ.

«Мен мўъминларнинг барчасига нисбатан уларнинг ўзларидан устунроқ ва ҳақлироқ эканлигимни биласизларми? Шунда одамлар: «худди шундай, эй Расулulloҳ!» дея, тасдиқлашди. У ҳазрат яна сўрадилар: Мен ҳар бир мўъминга нисбатан унинг ўзидан устунроқ ва ҳақлироқ эканлигимни билурсизми? Одамлар баралла овоз билан: «худди шундай, эй Расулulloҳ!», дея жавоб беришди».

Шунда у ерда тўпланган барча одамлардан икром олгандан сўнг, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг муборак қўлларини тутиб, юқорига кўтарган ҳолда шундай буюрдилар:

فَقَالَ هُمْ أَخِدْ أَيْدِيَّ عَلَيَّ: مَنْ كُنْتُ مَوْلَاهُ فَهَذَا عَلِيٌّ مَوْلَاهُ، وَمَنْ كُنْتُ وَلِيَّهُ فَهَذَا وَلِيُّهُ قَالَهَا ثَلَاثًا

«Эй инсонлар, Аллоҳ менинг мавлоим ва йўлбошчимдир ва мен сизларнинг мавлоингиз ва раҳбарингизман. Демак, мен кимнинг мавлоси ва раҳбари бўлсам, бу Али унинг мавлоси ва раҳбаридир. Мен кимнинг

*валийси ва пешвоси бўлсам, бас бу Али унинг валийси ва пешвосидир. (Бу жумлани уч марта такрорладилар).»*

Сўнгра кўлларини дуога кўтариб шундай дедилар:

اللَّهُمَّ وَالِ مَنْ وَالَاهُ وَعَادِ مَنْ عَادَاهُ وَأَنْصُرْ مَنْ تَصَرَّهٖ وَأَخْذُلْ مَنْ خَذَلَهُ وَأَغْضِبْ مَنْ غَضَبَهُ

*«Эй Аллоҳим, Алини дўст тутган кишини дўст тутгин ва унга душманлик қилган кимсани душман тутгин. Унга ёрдам берувчи кишига мададкор бўлгин ва ундан ёрдамини дариг тутган кимсани хор этгин. Алига даргазаб бўлган кимсага газаб қилгин!»*



---

## ҒАДИЙР ХУМ ХУТБАСИНИНГ ТЎЛИҚ МАТНИ

---

Ғадийр хутбаси – пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг Ҳажжатул видода яъни видолашув ҳажида Ғадийр Хум номли жойда сўзлаган нутқлари бўлиб, уни 120 мингдан ташкил топган кишилар орасида ўқиганлар. Аллоҳ таолонинг амри билан ўқилган бу хутбада Пайғамбаримиз (с.а.в) ақидавий, ижтимоий ва шаръий аҳкомларни қисқача баён қилиш билан бирга ҳазрат Али (*алайҳис салом*)ни ўз ворислари сифатида мусулмонларга таништирдилар ва кейин эса одамларга амирул мўминин, яъни мўминлар амири сифатида у зотга байъат қилишни буюрдилар. Мазкур хутба тугаши билан бу буюк ҳодиса-воқеанинг шаъни-мартабаси ҳақида «*Бугун мен сизлар учун динингизни комил қилдим ва сизларга неъматимни тўлатиш қилиб бердим ва сизлар учун ислом дин бўлишига рози бўлдим*» Моиди сурасининг учинчи ояти нозил бўлди.

Ўша куни Сарвари коинот барча ҳозир бўлганларга бу маросимда қатнашмай ғойиб бўлганларга етказиб қўйишни, қолаверса, барча ота-оналарга қиёматгача ўз фарзандларига етказишни буюрдилар.

Ушбу ўта чуқур маъно-мазмунли хутба бўлиб, Аллома Амийний ўзининг «*Ғадийр*» номли китобида бу ҳадисни бир юз ўн саҳоба ривоят қилганлигини ва шунингдек, ушбу хутба ёки ҳадис уч юз олтмиш нафар ислом уламолари, уларнинг аксарияти Аҳли суннатга мансуб бўлган уламолар тарафидан турли китобларда келтирилганлигини айтганлар. Ушбу хутба Аҳли суннат олимларининг тафсир, тарих ва ҳадис китобларининг кўпларида келтирилган. Ҳатто буюк бир гуруҳдан иборат ислом уламолари мазкур «*Ғадийр хутбаси*» ҳақида мустақил китоблар битганлар. Жумладан қимматли, арзирли ва нодир китобнинг муаллифи бўлмиш аллома Амийний ўзининг мазкур китобида «*Ғадийр ҳадиси*» ҳақида алоҳида китоб ёзган ислом уламоларидан йигирма олти нафарнинг номини келтирган.

Ғадийр хутбаси Сарвари оламдан турли санадлар билан ривоят қилингани учун ушбу ҳадис ул ҳазратдан содир бўлгани қатъий ва муқаррар. Шунинг учун Ғадийр хутбаси мутавотир ҳадислар қаторидан жой олган. Ушбу ҳақиқатни ҳам айтиш лозимки, айрим Аҳли суннат уламулари Ғадийр хутбасини тўлиқ шаклда келтирмай, унинг фақат бир қисминигина Пайғамбаримиз (с.а.о)дан ривоят қилинган ҳадис сифатида ўз китобларида келтирганлар. Бироқ баъзилари эса ушбу хутбани тўла-тўқис ҳолда ривоят қилиб келтирганлар.

Биз ҳам ушбу ўзбек тилида битган асаримизда Ғадийр хутбасининг ҳақини тўла-тўқис адо этиш ниятида хутбанинг тўлиқ матнини келтиришга қарор қилдик. Ғадийр хутбаси *ун бир қисмдан* иборат бўлиб, уни тўлиқ ҳолда эътиборингизга тақдим этамиз.

### **Биринчи қисм: Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиш ҳақида**

الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي عَلَا فِي تَوْحِيدِهِ وَدَنَا فِي تَفَرُّدِهِ وَجَلَّ فِي سُلْطَانِهِ وَعَظَمَ فِي أَرْكَانِهِ، وَأَحَاطَ بِكُلِّ شَيْءٍ عِلْمًا وَهُوَ فِي مَكَانِهِ وَفَهَرَ جَمِيعَ الْخَلْقِ بِقُدْرَتِهِ وَبُرْهَانِهِ، حَمِيدًا لَمْ يَزَلْ (وَمَجِيدًا لَا يَزُولُ، وَمُبْدِنًا وَمُعِيدًا وَكُلُّ أَمْرٍ إِلَيْهِ يَعُودُ). بَارِئُ الْمُسْمُوكَاتِ وَدَاحِي الْمُنْدَحُوتِ وَجَبَّازُ الْأَرْضِينَ وَالسَّمَاوَاتِ، قُدُّوسٌ سُبُّوحٌ، رَبُّ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحِ، مُتَفَضِّلٌ عَلَى جَمِيعٍ مَن بَرَأَهُ، مُتَطَوِّلٌ عَلَى جَمِيعٍ مَن أَنْشَأَهُ. يَلْحَظُ كُلَّ عَيْنٍ وَالْعُيُونُ لَا تَرَاهُ.

Ягоналигида юсак, ёлғизлигида махлуқотларга яқин бўлган, ҳукмронлигида улуғвор ва яратган устунларида буюк бўлган ҳамда Ўз маконида ҳаракатланмай ҳар бир нарсани илм жиҳатидан қамраб олган, Ўз куч-қудрати ва қатъий далил-ҳужжати билан барча мавжудотларга ғолиб келган Аллоҳга ҳамду сано бўлсин.

У доимо олқиш ва мақтовга сазовор бўлган ва сазовор бўлғайдир, Унинг юсаклиги ва буюклигининг охири йўқдир. Яратишнинг бошланиши ва яқун топиши Ундандир ва ҳамма нарса Унинг ҳузурига қайтғайдир.

У осмонларнинг яратувчиси, ерларнинг кенг ёйғувчиси ва уларнинг ҳукмдоридир. У яратилганларнинг хусусиятларидан йироқ ва пок-муназаҳдир ҳамда пок-муназаҳлигида барчанинг мақтов-олқишидан устундир. У фаришталарнинг ва Рухнинг (ҳазрат Жаброилнинг) Парвардигоридир. Ўзи яратганларининг барчасига зиёда ато этувчи, Ўзи вужудга келтирганларининг ҳаммасига неъмат бергувчидир. У ҳар бир кўзни кўради ва кўзлар уни ҳеч қачон кўрмайдилар.

كريمٌ حليمٌ ذو أناتٍ، قد وسع كل شيءٍ رحمتهُ ومن عليهم ينعمته. لا يعجل بانتقامه، ولا يبادر إليهم بما استحقوا من عذابه. قد فهم السرائر وعلم الصمائر، ولم تحف عليه المكثونات ولا اشتبهت عليه الحفيئات. له الإحاطة بكل شيءٍ، والغلبة على كل شيءٍ والقوة في كل شيءٍ والقدره على كل شيءٍ وليس مثله شيءٌ. وهو منسيء - السئيء حين لآسيء دائمٍ حيي وقائمٍ بالقسط، لا إله إلا هو العزيز الحكيم.

У карамли, ҳалим ва сабрли Зотдир. Унинг раҳмати ҳар бир нарсани қамраб олган ва У Ўз неъмати билан уларга инъом этган. У интиқом олишда шошмайди ва Унинг азобига лойиқ бўлганларнинг жазосини тезлаштирмайди. У яширин сирларни тушуниб туради ва одамларнинг замирини (ички оламини) билади. Яширин нарсалар Унга махфий бўлмай, сирлар эса Унга беркитилган эмасдир. Ҳар бир мавжудотни ихота қилиш ва ҳар бир нарса устидан ҳукмронлик Унга хосдир. Ҳар бир нарсадаги куч-қувват ва ҳар бир ишга қодирлик Уникидир. Ҳеч бир нарса Унга ўхшаш эмасдир ва У ҳар бир нарсанинг йўқ бўлган вақтда яратувчисидир. У мангу, тирик ва адолат юзасида ҳукм қилувчи Зотдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У энгилмас ва ҳикматли Зотдир.

جلّ عن أن تُدرِكهُ الأبصارُ وَهُوَ يُدرِكُ الأبصارَ وَهُوَ اللطيفُ الخبيرُ. لا يَلْحَقُ أَحَدٌ وَضْفَهُ من معانيته، ولا يجد أَحَدٌ كيفَ هُوَ من سرِّ وَعَلَانِيَةِ إِلَّا بما دَلَّ عَزَّوَجَلَّ عَلَى نَفْسِهِ.

Кўзлар Уни кўришдан ожиздирлар ва У эса кўзларни идрок этади [кўради]. У ингичка нарсалардан огоҳ ва хабардор Зотдир. Ҳеч ким кўриш орқали Унинг васфига ета олмайди, [яъни Уни кўришдан ҳеч ким уни тасвирлай олмайди] ва ҳеч ким У қандай эканлигини яширин ва ошкора идрок этолмайди, магар Аллоҳ азза ва жалла Ўзига ишора қилиб таништирган миқдорича таний олади.

وأشهدُ أنه اللهُ الَّذِي مَلَأَ الدَّهْرَ قُدْسَهُ، وَالَّذِي يَغْشَى-الأبَدَ نُورَهُ، وَالَّذِي يَنْفِذُ أَمْرَهُ بِلا مُشَاوَرَةٍ مُشِيرٍ وَلَا مَعَهُ شَرِيكٌ فِي تَقْدِيرِهِ وَلَا يُعَاوَنُ فِي تَدْبِيرِهِ. صَوَّرَ ما ابتَدَعَ عَلَى غَيْرِ مِثَالٍ، وَخَلَقَ ما خَلَقَ بِلا مَعُونَةٍ مِنْ أَحَدٍ وَلَا تَكْلُفٍ وَلَا احتِيالٍ. أَنشأها فَكانَتْ وَبَرَأها فَبانَتْ.

Ва мен гувоҳлик бераманки, У «Аллоҳ» бўлиб, Унинг поқмуназаҳлиги бутун замонларни тўлдирган, Унинг нури абадийликни қамраб олган, Ўзининг амр-фармонини маслаҳатчининг маслаҳатсиз амалга оширган, ҳар бир ишни белгилаб қўйишида Унинг билан бирга шериги бўлмаган ва борлиқ оламини бошқаришида ёрдам олмаган

Зотдир. У яратган нарсаларига намунаси сурат-шакл берган ва Ўзи яратган нарсаларни ҳеч кимнинг ёрдамисиз, машаққатсиз ва ечимсиз яратган Зотдир. У борлиқ оламни вужудга келтирди, оқибат олам мавжуд бўлди ва борлиқ оламни пайдо қилди, оқибат у пайдо бўлди.

فَهُوَ اللَّهُ الَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْمُتَّقِنُ الصَّنْعَةَ، الْحَسَنُ الصَّنِيعَةَ، الْعَدْلُ الَّذِي لَا يَجُورُ، وَالْأَكْرَمُ  
الَّذِي تَرْجِعُ إِلَيْهِ الْأُمُورُ.

Демак, У «Аллоҳ» шундай зотки, Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У яратишни мустаҳкам қилувчи, яратиши гўзал бўлган Зотдир. У зулмни бандаларига раво кўрмайдиган адолатли ва барча ишлар Унга қайтадиган ўта қароматли (улуғвор) Зотдир.

وَأَشْهَدُ أَنَّهُ اللَّهُ الَّذِي تَوَاصَعَ كُلُّ شَيْءٍ لِعَظَمَتِهِ، وَذَلَّ كُلُّ شَيْءٍ لِعِزَّتِهِ، وَاسْتَسَلَمَ كُلُّ شَيْءٍ  
لِقُدْرَتِهِ، وَخَضَعَ كُلُّ شَيْءٍ لِهَيْبَتِهِ. مَلِكُ الْأَمْلَاقِ وَ مَقْلِكُ الْأَفْلاكِ وَ مُسَخِّرُ الشَّمْسِ وَالْقَمَرِ، كُلُّ  
يَجْرِي لِأَجْلِ مُسَمَّى. يُكْوِرُ اللَّيْلَ عَلَى النَّهَارِ وَيُكْوِرُ النَّهَارَ عَلَى اللَّيْلِ يَطْلُبُهُ حَثِيثًا. قَاصِمٌ كُلِّ  
جَبَّارٍ عَنِيدٍ وَمُهْلِكٌ كُلِّ شَيْطَانٍ مَرِيدٍ.

Ва мен гувоҳлик бераман, У «Аллоҳ» шундай Зотки, ҳар бир мавжудот Унинг буюклиги олдида хоксор бўлган, ҳар бир нарса Унинг иззат ва енгилмаслиги баробарида бўйин эгган ва ҳар бир мавжудот Унинг куч-қудрати қаршисида таслим бўлиб, Унинг ҳайбати ва улуғлиги олдида бўйсунгандир. У борлиқ оламнинг Подшоси, коинотларнинг Бошқарувчиси ҳамда куёш ва ойнинг Бўйсундирувчисидир. Уларнинг ҳар бири муайян муддатгача (яъни, Қиёмат қойим бўлгунича) ҳаракатланар. У кечани кундузга айлантиради ва кечанинг кетидан тезлашиб бораётган кундузни тунга айлантиради. У ҳар бир исёнкор золимнинг Синдирувчиси ва ҳар бир қувилган шайтоннинг ҳалок Қилувчисидир.

لَمْ يَكُنْ لَهُ حِذٌّ وَلَا مَعَهُ نِدٌّ أَحَدٌ صَمَدٌ لَمْ يَلِدْ وَلَا يُولَدْ وَلَمْ يَكُنْ لَهُ كُفْوًا أَحَدٌ. إِلَهٌ وَاحِدٌ وَرَبٌّ  
مَاجِدٌ يَشَاءُ فَيُنْفِضِي، وَيُرِيدُ فَيَقْضِي، وَيَعْلَمُ فَيُخْصِي، وَيُمِيتُ وَيُحْيِي، وَيَفْقِرُ وَيُعْنِي، وَيُضْحِكُ  
وَيُبْكِي، وَيُدْنِي وَيُبْعِدُ وَيُعْطِي، لَهُ الْمَلِكُ وَلَهُ الْحَمْدُ، بِيَدِهِ الْخَيْرُ وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ.

Унга бирор зид ва қарама-қарши бўлмаган ҳамда Унинг билан бирга бирор тенг ва ўхшаш йўқдир. У ягона ва беҳожатдир. У туғмаган ва туғилмаган ҳам. Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир. У ягона Тангри ва улуғвор Раббдир. У хоҳласа, бас амалга оширади. У ирода қилса, демак

хукм қилади. Ҳар бир нарсани билиб ҳисоблайди. У ўлдиради ва тирилтиради. У камбағал-муҳтож ва бой қилади. У кулдиради ва йиғлатади. У яқинлаштиради ва узоқлаштиради. У тўсади ва ато этади. Мулку подшолик Уникидир ва ҳамду сано Унга хосдир. Барча яхшиликлар Унинг кўлидадир ва У ҳар бир нарсага қодир Зотдир.

يُولُجُ اللَّيْلَ فِي النَّهَارِ وَيُولُجُ النَّهَارَ فِي اللَّيْلِ، لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْعَزِيزُ الْعَفَّارُ. مُسْتَجِيبُ الدُّعَاءِ  
وَمُجِزُ الْعَطَاءِ، مُحْصِي-الْأَنْفَاسِ وَ رَبُّ الْحَبَّةِ وَالنَّاسِ، الَّذِي لَا يَشْكُلُ عَلَيْهِ شَيْءٌ، وَلَا يَضْجُرُهُ  
صَرَخُ الْمُسْتَصْرِخِينَ وَلَا يُبْرِمُهُ الْحَاخُ الْمُلْحِحِينَ.

У кечани кундузга киритур ва кундузни кечага киритур. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У енгилмас ва ўта мағфиратли Зотдир. У дуони ижобат Қилувчи, ато ва беришни зиёда Этувчи ва нафасларни Санагувчи ҳамда жинлар ва инсонларнинг Парвардигоридир. У шундай Зотки, ҳеч нарса Унга мушкул ва қийин бўлмас, фарёд этувчиларнинг фарёду хайкириги Уни безовта қилмас ва қаттиқ туриб олувларнинг қистов-талаблари Уни толиқтирмас.

الْعَاصِمُ لِلصَّالِحِينَ، وَالْمَوْثِقُ لِلْمُفْلِحِينَ، وَمَوْلَى الْمُؤْمِنِينَ وَرَبُّ الْعَالَمِينَ. الَّذِي اسْتَحَقَّ مِنْ  
كُلِّ مَنْ خَلَقَ أَنْ يَشْكُرَهُ وَيَحْمَدَهُ (عَلَى كُلِّ حَالٍ)

У солихларни Асровчи, нажот топгувчиларга муваффақият Берувчи, мўминларнинг Раҳнамози ва оламларнинг Раббидир. У ҳар қандай ҳолда ҳам Ўзи яратган ҳар бир мавжудотнинг Унга шуқр қилишига ҳамда ҳамду сано ва мактов айтишига лойиқ бўлган Зотдир.

أَحْمَدُهُ كَثِيرًا وَأَشْكُرُهُ دَائِمًا عَلَى السَّرَّاءِ وَالصَّرَّاءِ وَالسُّدَّةِ وَالرِّخَاءِ، وَأَوْمِنُ بِهِ وَبِمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ  
وَرُسُلِهِ. أَسْمَعُ لِأَمْرِهِ وَأَطِيعُ وَأَبَادِرُ إِلَى كُلِّ مَا يَرْضَاهُ وَأَسْتَسْلِمُ لِمَا قَضَاهُ، رَغْبَةً فِي طَاعَتِهِ وَخَوْفًا  
مِنْ عُقُوبَتِهِ، لِأَنَّهُ اللَّهُ الَّذِي لَا يُؤْمَنُ مَكْرَهُ وَلَا يَخَافُ جُورَهُ.

Мен Унга кўп ҳамду сано айтиб, Унга доимо хурсандчилик ва қийинчиликда ҳам, оғирлик ва енгилликда ҳам шуқр қилурман ва Унга, фаришталарига ва йўлламиш китоблари-ю пайғамбарларига иймон келтираман. Унинг амр-фармониға кулоқ солиб итоат қиламан ва Унинг розилигини жалб этадиган ҳар бир нарса томон шошиламан ҳамда Унинг қилган ҳукмиға таслим бўламан. Бу ишларни Унинг итоатига иштиёқманд бўлганим ва Унинг укубатидан кўрққаним учунгина бажараман. Зеро, У Аллоҳ шундай Зотки, ҳеч ким Унинг макридан омонда бўлмас ва Унинг зулмидан [бировга зулм қилмагани учун] кўрқмас.

### Иккинчи қисм: Улкан аҳамиятли иш учун Аллоҳнинг амр-фармони ҳақида

وَأَقْرَلَهُ عَلَى نَفْسِي بِالْعُبُودِيَّةِ وَأَشْهَدُ لَهُ بِالرُّبُوبِيَّةِ، وَأُوَدِّي مَا أَوْحَى بِهِ إِلَيَّ حَذْرًا مِنْ أَنْ لَا أَفْعَلَ فَتَجَلَّ بِي مِنْهُ قَارِعَةٌ لَا يَدْفَعُهَا عَنِّي أَحَدٌ وَإِنْ عَظُمَتْ حِيلَتُهُ وَصَفَتْ خُلَّتُهُ

Энди эса ўзимнинг банда эканлигимга иқрор бўлиб, Унинг Парвардигор эканлигига гувоҳлик бераман ва У менга ваҳий қилган нарсани адо этаман, токи уни бажармасам, мендан ҳеч ким олиб ташлолмайдиган азоб бошимга келишидан сақланиш учун [ўша илоҳий мажбуриятни адо этаман] агарчи ўша кишининг куч-қуввати улкан ва [мен билан] дўстлиги холис бўлса-да.

- لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ - لِأَنَّهُ قَدْ أَعْلَمَنِي أَنِّي إِنْ لَمْ أَتَلَّغْ مَا أَنْزَلَ إِلَيَّ فِي حَقِّ عَلِيٍّ فَمَا بَلَّغْتُ رِسَالَتَهُ، وَقَدْ ضَمِنَ لِي تَبَارَكَ وَتَعَالَى الْعِصْمَةَ مِنَ النَّاسِ وَهُوَ اللَّهُ الْكَافِي الْكَرِيمُ.

- Ундан ўзга илоҳ йўқ. Зеро, У дарҳақиқат, менга шуни маълум қилдики, агар Али ҳақида менга нозил қилган нарсани одамларга етказмасам, демак, Унинг элчилигини (пайғамбарлик вазифасини) охирига етказмаган бўламан ва Аллоҳ таборака ва таоло мени одамларнинг муҳтамал хатари ва зараридан асрашни менга кафолат берди. Ва У Аллоҳнинг Ўзи етарли ва улуғвор Зотдир.

فَأَوْحَى إِلَيَّ: بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ، ﴿يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ - فِي عَلِيٍّ يُعْنِي فِي الْخِلَافَةِ لِعَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ - وَإِنْ لَمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ﴾.

Шунда Аллоҳ таоло менга шундай ваҳий юборди: «Бисмиллааҳир Роҳманир Роҳийм. Эй Расул, Раббингдан Сенга [Али ибн Абу Толиб ва унинг халифалиги ва раҳнамолиги ҳақида] нозил қилинган нарсани одамларга етказгин! Агар [бу ишни] қилмасанг, Унинг рисолатини [пайғамбарлик вазифасини] охирига етказмаган бўласан. Ва Аллоҳ Сени одамларнинг ёмонлигидан сақлайди». (Моида сураси, 67-оят)

مَعَاشِرَ النَّاسِ، مَا قَصَّرْتُ فِي تَبْلِيغِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى إِلَيَّ، وَأَنَا أَبَيِّنُ لَكُمْ سَبَبَ هَذِهِ الْآيَةِ: إِنَّ جَبْرَيْلَ هَبَطَ إِلَيَّ مَرَارًا ثَلَاثًا يَأْمُرُنِي عَنِ السَّلَامِ رَبِّي - وَهُوَ السَّلَامُ - أَنْ أَقُومَ فِي هَذَا الْمُسْهَدِ فَأُعْلِمَ كُلَّ أَيْبَضٍ وَأَسْوَدٍ: أَنَّ عَلِيَّ بْنَ أَبِي طَالِبٍ أَخِي وَوَصِيِّي وَخَلِيفَتِي عَلَى أُمَّتِي وَالْإِمَامَ مِنْ بَعْدِي، الَّذِي مَحَلُّ مَنِّي مَحَلُّ هَارُونَ مِنْ مُوسَى إِلَّا أَنَّهُ لَأَنِّي بَعْدِي وَهُوَ وَلِيُّكُمْ بَعْدَ اللَّهِ وَرَسُولِهِ.

Эй халойик, Аллоҳ таоло менга нозил қилган нарсани етказишда четда сустилик қилмадим ва мен энди сизларга ушбу оят нозил бўлганлиги сабабини изоҳлаб бераман: Дарҳақиқат, Жаброил *(алайҳис салом)* уч марта Парвардигорим бўлмиш Салом томонидан – фақат У Салом сифатига эгадир – менга тушиб, ушбу маконда ўрнимдан туриб ва ҳар бир оқ-қорага Али ибн Абу Толиб менинг биродарим, ворисим ва мендан кейин умматимга ўринбосарим ҳамда пешво эканлигини билдиришимни менга буюради. Алининг менинг наздимдаги ўрни Ҳоруннинг Мусо *(алайҳис салом)* наздидаги ўрни кабидир, лекин мендан кейин пайғамбар бўлмас. У Али Аллоҳ таоло ва Унинг Расулидан кейин сизларнинг валий ва йўлбошчингиздир.

وَقَدْ أَنْزَلَ اللَّهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى عَلَيَّ بِذَلِكَ آيَةً مِنْ كِتَابِهِ (هِيَ): ﴿إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ رَاكِعُونَ﴾، وَعَلِيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ الَّذِي أَقَامَ الصَّلَاةَ وَأَتَى الزَّكَاةَ وَهُوَ رَاكِعٌ يُرِيدُ اللَّهُ عَزَّوَجَلَّ فِي كُلِّ حَالٍ.

Ва шубҳасиз, Аллоҳ таборака ва таоло бу борада менга Ўз китобидан ушбу оятни нозил қилди: *«Дарвоқе, сизларнинг валийингиз [раҳнамо ва йўлбошчингиз] фақатгина Аллоҳ ва Унинг Расули ҳамда иймон келтирганлардир, улар намозни тўқис адо этадиган ва рукуъ қилган ҳолларида закот берадиган зотлардир»* (Моида сураси, 55-оят). Ва Али ибн Абу Толиб намозни тўқис адо этган ва рукуъ қилувчи ҳолда закот берган кишидир, ҳолбуки у ҳар бир ҳолда Аллоҳни ирода қилур.

وَسَأَلْتُ جِبْرِئِيلَ أَنْ يَسْتَعِينِي لِي السَّلَامَ عَنْ تَبْلِيغِ ذَلِكَ إِلَيْكُمْ - أَيُّهَا النَّاسُ - لِعِلْمِي بِقَلْبِ الْمُتَّقِينَ وَكَثْرَةِ الْمُتَنَافِقِينَ وَإِدْعَاءِ اللَّائِعِينَ وَحِيلِ الْمُسْتَهْزِئِينَ بِالْإِسْلَامِ، الَّذِينَ وَصَفَهُمُ اللَّهُ فِي كِتَابِهِ بِأَنَّهُمْ يَقُولُونَ بِاللَّسْتِهِمْ مَا لَيْسَ فِي قُلُوبِهِمْ، وَيَحْسَبُونََّهُ هَيْئًا وَهُوَ عِنْدَ اللَّهِ عَظِيمٌ.

Ва мен Жаброил *(алайҳис салом)* дан Салом сифатига эга бўлмиш Аллоҳдан ушбу муҳим масалани сизларга эй инсонлар, етказишдан мени озод этишини сўрадим. Зеро, мен тақводорларнинг озлигини, мунофиқларнинг кўплигини, маломат қилувчиларнинг фитна қилишини ва исломни масхара қилувчиларнинг ҳийла-найранглари билганим учун [мени бу вазифадан озод этишини сўрадим]. Юқорида айтилганлар шундай кишиларки, Аллоҳ таоло ўз китобида уларни қуйидагича тавсиф этган: *«Улар қалбларида йўқ нарсани тиллари ила айтувлар ва улар буни енгил ва кичик иш деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, у Аллоҳ наздида буюк гуноҳдир»* (Фатҳ сураси, 11-оят ва Нур сураси, 15-оятларига ишорадир).

وَكَثْرَةَ آذَانِهِمْ لِي غَيْرَ مَرَّةٍ حَتَّى سَمَوْنِي آذْنَا وَرَعَمُوا آتِي كَذَلِكَ لِكَثْرَةِ مَلَازِمَتِهِ إِنِّي وَإِيَابِي وَعَلَيْهِ (وَهَوَاهُ وَقَبُولِهِ مِنِّي) حَتَّى أَنْزَلَ اللَّهُ عَزَّوَجَلَّ فِي ذَلِكَ ﴿وَمِنْهُمْ الَّذِينَ يُؤْذُونَ النَّبِيَّ وَيَقُولُونَ هُوَ أذُنٌ قُلُّ أذُنٌ - (عَلَى الَّذِينَ يَزْعُمُونَ أَنَّهُ أذُنٌ) - خَيْرٌ لَكُمْ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَيُؤْمِنُ لِلْمُؤْمِنِينَ﴾ الْآيَةُ.

Ва шунингдек, мунофиқлар менга кўп маротаба азият-озор беришгани учун [мени бу вазифадан озод этишини сўрадим] ҳаттоки улар мени қулоқ [яъни ҳар гапни эшитадиган, ишонувчан] деб номлашгача ва мени шундай инсон деб ўйлашгача боришди. [Бу азият-озорларнинг барчаси] Алининг мен билан ҳамроҳлигининг кўплиги ва менинг унга [Алига] кўп эътибор қаратишим ҳамда унинг мендан қабул қилиши ва интилиши сабабли амалга оширилди. Токи, Аллоҳ азза ва жалла бу борада оят нозил қилиб деди:

«Улар орасида Пайгамбарга озор берадиган ва: «У қулоқдир» [ҳар гапни эшитадиган, ишонувчандир] дейдиганлар бор. Сен: «[У фақат сўзни эшитадиган қулоқ деб ўйлайдиганларга қарши ўлароқ,] У сизлар учун яхшилик бўлган нарсага қулоқдир. У [Пайгамбар] Аллоҳга иймон келтиради ва мўминларга ишонади [уларнинг ростгўй ва тўғри сўз эканликларини тан олди]» (Тавба сураси, 61-оят).

وَلَوْ شِئْتَ أَنْ أُسَمِّيَ الْقَائِلِينَ بِذَلِكَ بِأَسْمَائِهِمْ لَسَمَيْتُ وَأَنْ أُؤَمِّيَ إِلَيْهِمْ بِأَعْيَانِهِمْ لَأَوْمَأْتُ وَأَنْ أُدَلَّ عَلَيْهِمْ لَدَلْتُ، وَلَكِنِّي وَاللَّهِ فِي أُمُورِهِمْ قَدْ تَكْرَمْتُ. وَكُلُّ ذَلِكَ لَا يَرْضَى اللَّهُ مِنِّي إِلَّا أَنْ أُبَلِّغَ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيَّ (فِي حَقِّ عَلِيٍّ)، ثُمَّ تَلَا: ﴿يَا أَيُّهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ - فِي حَقِّ عَلِيٍّ - وَإِنْ لَمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ وَاللَّهُ يَعْصِمُكَ مِنَ النَّاسِ﴾.

Ва агар мен бу сўзларни айтганларнинг исмларини бирма-бир айтмоқчи бўлсам, айта олардим ва уларга аниқ ишора қилмоқчи бўлсам, ишора қила олардим ҳамда [одамлар уларни таниб олишлари учун] улар томон йўналтирмоқчи бўлсам, бу ишни қила олардим. Лекин Аллоҳга қасамки, уларнинг ишларида улуғворлик-ла йўл тутдим, [яъни уларнинг кимлигини маълум қилиш учун оғиз очмадим.] Шунга қарамай, фақат Аллоҳ таоло менга Али ҳақида нозил қилган нарсани сизларга етказсамгина, мендан рози бўлгайдир. Сўнг ул ҳазрат ушбу оятни ўқидилар:

«Эй, Расул, Раббингдан Сенга [Али ибн Абу Толиб ва унинг ворислиги ҳақида] нозил қилинган нарсани одамларга етказгин! Агар [бу ишни] қилмасанг, Унинг рисолатини [пайгамбарлик вазифасини] охирига етказмаган бўласан. Ва Аллоҳ Сени одамларнинг ёмонлигидан сақлайди». (Моида сураси, 67-оят)



### Учинчи қисм: Ўн икки имомнинг вилояти ва имомати (рахбарлиги)нинг ошқора эълон қилиниши

فَاعْلَمُوا مَعَاشِرَ النَّاسِ ذَٰلِكَ فِيهِ وَأَفْهَمُوهُ وَاَعْلَمُوا أَنَّ اللَّهَ قَدْ نَصَبَهُ لَكُمْ وَلِيًّا وَإِمَامًا فَرَضَ طَاعَتَهُ عَلَى الْمُهَاجِرِينَ وَالْأَنْصَارِ وَعَلَى التَّابِعِينَ لَهُمْ بِإِحْسَانٍ، وَعَلَى الْبَادِي وَالْحَاضِرِ، وَعَلَى الْعَجَمِيِّ وَالْعَرَبِيِّ، وَالْحُرِّ وَالْمَمْلُوكِ وَالصَّغِيرِ وَالْكَبِيرِ، وَعَلَى الْأَبْيَضِ وَالْأَسْوَدِ، وَعَلَى كُلِّ مُوَحَّدٍ.

Эй халойик, билиб қўйинглар, ушбу оят унинг [Алининг] ҳақидадир. Буни чуқур тушуниб олинглар ва билингларки, Аллоҳ таоло уни [Алини] сизлар учун валий [йўлбошчи] ва имом [рахбар] этиб тайинлаган. Унга бўйсунини муҳожирларга, ансорларга ва уларга яхшилик билан эргашувчи кишиларга, яъни тобеинларга ҳамда саҳрода яшовчи кўчманчиларга ва шаҳарда яшовчиларга, араб ва ажамга, озод ва қулларга, кичик-у каттага, оқ-у қорага ва ҳар бир муваҳхидга [яккахудоликка ишонувчига] фарз қилди.

مَاضٍ حُكْمُهُ، جَازٍ قَوْلُهُ، نَافِذٍ أَمْرُهُ، مَلْعُونٍ مَن خَالَفَهُ، مَرْحُومٍ مَن تَبِعَهُ وَصَدَقَهُ، فَقَدْ غَفَرَ اللَّهُ لَهُ وَلَكِن سَمِعَ مِنْهُ وَأَطَاعَ لَهُ.

[Огоҳ бўлингизким,] унинг [Алининг] ҳукми жорий бўлувчи, айтган сўзи амалга ошувчи, унинг амр-фармони нуфузли, [яъни куч ва таъсирга эга] унга қарши чиққанлар лаънатланган ва унга [Алига] эргашиб ишонганлар эса Аллоҳнинг раҳм-шафқатига ноил бўлурлар. Дарҳақиқат, Аллоҳ уни ва унга кулоқ солиб, ҳукм-амрига бўйсунганларни мағфират қилган.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنَّهُ آخِرُ مَقَامٍ أَقْوَمُهُ فِي هَذَا الْمُسْهَدِ، فَاسْمَعُوا وَأَطِيعُوا وَانْقَادُوا لِأَمْرِ اللَّهِ رَبِّكُمْ، فَإِنَّ اللَّهَ عَزَّوَجَلَّ هُوَ مَوْلَاكُمْ وَاللَّهُكُمْ، ثُمَّ مِنْ دُونِهِ رَسُولُهُ وَنَبِيِّهُ الْمُخَاطَبُ لَكُمْ، ثُمَّ مِنْ بَعْدِي عَلِيٌّ وَلِيِّكُمْ وَإِمَامُكُمْ بِأَمْرِ اللَّهِ رَبِّكُمْ، ثُمَّ الْإِمَامَةُ فِي ذُرِّيَّتِي مِنْ وُلْدِهِ إِلَى يَوْمٍ تَلْقَوْنَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ.

Эй халойик, бу ер менинг ушбу макондаги охириги турадиган жойимдир. Демак, эшитинглар ва Парвардигорингиз бўлмиш Аллоҳнинг амрига итоат этинглар. Зероки, Аллоҳ аза ва жалла сизларнинг Малойингиз [Раҳнамо ва Йўлбошчингиз] ва Илоҳингиздир. Аллоҳдан кейин сизларнинг валий ва йўлбошчингиз Унинг Расули ва Пайғамбари бўлиб, ҳозирдаёқ сизларга мурожаат қилиб нутқ сўзламоқда. Мендан кейин эса Парвардигорингиз бўлмиш Аллоҳнинг амру-фармони билан Али сизларнинг валий ва имомингиздир. Сўнгра

имомат ва пешволик Алининг фарзандларидан бўлган менинг зурриётимда бўлур. Бу ҳолат Аллоҳ ва Унинг Расули билан учрашадиган кунингизгача – киёмат кунигача давом этади.

لَا حَلَالَ إِلَّا مَا أَحَلَّهُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَهُمْ، وَلَا حَرَامَ إِلَّا مَا حَرَّمَهُ اللَّهُ عَلَيْكُمْ وَرَسُولُهُ وَهُمْ، وَاللَّهُ عَزَّوَجَلَّ عَرَفَنِي الْحَلَالَ وَالْحَرَامَ وَأَنَا أَفْضَيْتُ بِمَا عَلَّمَنِي رَبِّي مِنْ كِتَابِهِ وَحَلَالِهِ وَحَرَامِهِ إِلَيْهِ.

Фақат Аллоҳ, Унинг Расули ва улар [яъни Аллоҳ таоло тайин этган раҳнамолар] ҳалол қилган нарсагина ҳалолдир ҳамда фақат Аллоҳ, Унинг Расули ва улар [имомлар] сизларга ҳаром қилган нарсагина ҳаромдир, холос. Аллоҳ аза ва жалла менга ҳалолни ҳам, ҳаромни ҳам таниттирди ва мен эса Парвардигорим Ўз китобидан ва ҳалол-у ҳаромидан менга ўргатган нарсаларни унга [Алига] тўла-тўқис топширдим.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، عَلِيٌّ فَضَّلُوهُ. مَا مِنْ عِلْمٍ إِلَّا وَقَدْ أَحْصَاهُ اللَّهُ فِي، وَكُلِّ عِلْمٍ عُلِمْتُ فَقَدْ أَحْصَيْتُهُ فِي إِمَامِ الْمُتَّقِينَ، وَمَا مِنْ عِلْمٍ إِلَّا وَقَدْ عَلَّمْتُهُ عَلِيًّا، وَهُوَ الْإِمَامُ الْمُسَيَّبُ الَّذِي ذَكَرَهُ اللَّهُ فِي سُورَةِ يَس: ﴿وَكُلُّ شَيْءٍ أَحْصَيْنَاهُ فِي إِمَامٍ مُبِينٍ﴾.

Эй халойиқ, уни устун ва афзал деб билингиз. Зеро, бирор илм йўқки, Аллоҳ таоло уни менинг қалбимга битиб қўймаган бўлсин ва мен эса ўргатилган барча илмларимни тақводорлар пешвоси Алининг қалбига битиб қўйдим. Бирор илм йўқки, мен уни Алига ўргатмаган бўлай. У [Али] очиқ-ойдин имом бўлиб, Аллоҳ таоло “Йосин” сурасида уни шундай зикр қилган:

«Ва биз ҳар бир нарсанинг ҳисобини очиқ-ойдин имомда битиб қўйганмиз». (Йосин сураси, 12-оят)

مَعَاشِرَ النَّاسِ، لَا تَضَلُّوا عَنْهُ وَلَا تَنْفَرُوا مِنْهُ، وَلَا تَسْتَنْكِفُوا عَنْ وَلَائِيهِ، فَهُوَ الَّذِي يَهْدِي إِلَى الْحَقِّ وَيَعْمَلُ بِهِ، وَيُزْهِقُ الْبَاطِلَ وَيَنْهَى عَنْهُ، وَلَا تَأْخُذْهُ فِي اللَّهِ لَوْمَةٌ لَآئِمٌ. أَوَّلُ مَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ لَمْ يَسْبِقْهُ إِلَى الْإِيمَانِ بِي أَحَدٌ، وَالَّذِي فَدَى رَسُولَ اللَّهِ بِنَفْسِهِ، وَالَّذِي كَانَ مَعَ رَسُولِ اللَّهِ وَلَا أَحَدٌ يَعْبُدُ اللَّهَ مَعَ رَسُولِهِ مِنَ الرِّجَالِ غَيْرُهُ.

Эй халойиқ, Алидан бошқа томонга адашманглар, ундан юз ўғирманглар ва унинг вилоятидан [пешволиги ва раҳнамолигидан] бош тортманглар. У сизни ҳақ ва тўғрилиққа бошлаб, ўзи ҳам унга амал қиладиган, у ботил ва ёвузликни йўқ қилиб, ундан қайтарадиган ва Аллоҳ йўлида маломатчининг маломати уни ушлаб қололмайдиган

кишидир. У Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирган биринчи киши бўлиб, ҳеч ким менга иймон келтиришда ундан ошиб ўтмаган. Ва у [Али] ўз жонини Расулulloҳга фидо қилган ва Расулulloҳ билан бирга бўлган кишидир. Ўшанда эрақлардан фақат Алигина Расулulloҳ билан бирга Аллоҳга ибодат қилар эди ва ундан бошқа ҳеч йўқ эди.

أَوَّلِ النَّاسِ صَلَاةً وَأَوَّلَ مَنْ عَبَدَ اللَّهَ مَعِيَ. أَمَرْتُهُ عَنِ اللَّهِ أَنْ يَتَأَمَّ فِي مَضْجِعِي، فَفَعَلَ فَادِيًا لِي بِنَفْسِهِ.

Али одамлар орасида биринчи бўлиб намоз ўқиган ва мен билан бирга Аллоҳ таолога ибодат қилган илк кишидир. Мен Аллоҳ томонидан унга [Мадинага хижрат қилиш кечаси] менинг жойимда ухлашни буюрдим ва у [ҳам менинг амримни қабул қилиб.] ўз жонини мен учун фидо қилган ҳолда бу ишни бажарди.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، فَصَلَّوهُ فَقَدْ فَضَّلَهُ اللَّهُ، وَأَقْبَلُوهُ فَقَدْ نَصَبَهُ اللَّهُ.

Эй халойиқ, уни [Алини] устун ва афзал деб билинг, зеро, Аллоҳ уни устун ва афзал қилиб қўйгандир. Ва унинг раҳбарлигини қабул қилинг, зероки, Аллоҳ уни тайин этгандир.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنَّهُ إِمَامٌ مِنَ اللَّهِ، وَلَنْ يَتُوبَ اللَّهُ عَلَى أَحَدٍ أَنْكَرَ وَلَا يَتَهُ وَلَنْ يَغْفِرَ لَهُ، حَتَّمَا عَلَى اللَّهِ أَنْ يَفْعَلَ ذَلِكَ بِمَنْ خَالَفَ أَمْرَهُ وَأَنْ يُعَذِّبَهُ عَذَابًا نُكْرًا أَبَدَ الْأَبَادِ وَدَهْرَ الدُّهُورِ. فَاحْذَرُوا أَنْ تُخَالِفُوهُ. فَتَصَلُّوا تَارًا وَقُودَهَا النَّاسُ وَالْحِجَارَةُ أُعِدَّتْ لِلْكَافِرِينَ.

Эй халойиқ, у [Али] Аллоҳ томонидан бўлган имом ва пешводир ва Аллоҳ таоло унинг [Алининг] вилоятини [пешволиги ва йўлбошчилигини] инкор этган кимсанинг тавбасини зинҳор қабул қилмас ва уни кечирмас. Алининг амр-фармонида қаршилиқ қилган кимсага нисбатан бу ишни амалга ошириш ва албатта, уни абадий ва доимий ҳолда қаттиқ азоб ила азоблаш Аллоҳ таолонинг зиммасидаги қатъий ва муқаррар бўлган ишдир. Унга [Алига] қарши чиқишдан ҳазар қилинг, оқибат ёқилғиси одамлар ва тошлар [бут ва санамлар] бўлган, кофирлар учун ҳозирлаб қўйилган оловга киргайсиз.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، بِي - وَاللَّهِ - بَشَرًا أَوْلَوْنَ مِنَ النَّبِيِّينَ وَالْمُرْسَلِينَ، وَأَنَا - (وَاللَّهِ) - حَاتَمُ الْأَنْبِيَاءِ وَالْمُرْسَلِينَ وَالْحُجَّةَ عَلَى جَمِيعِ الْمُخَلُوقِينَ مِنْ أَهْلِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِينَ. فَمَنْ شَكَ فِي ذَلِكَ فَقَدْ كَفَرَ كُفْرَ الْجَاهِلِيَّةِ الْأُولَى وَمَنْ شَكَ فِي شَيْءٍ مِنْ قَوْلِي هَذَا فَقَدْ شَكَ فِي كُلِّ مَا أَنْزَلَ إِلَيَّ، وَمَنْ شَكَ فِي وَاحِدٍ مِنَ الْأُمَّةِ فَقَدْ شَكَ فِي الْكُلِّ مِنْهُمْ، وَالسَّائِكُ فِي النَّارِ.

Эй халойиқ, Аллоҳга қасамки, илгариги пайғамбарлар ва илоҳий элчилар менинг келишим ҳақида мужда ва хушхабар берганлар ва мен Аллоҳга қасамки, пайғамбарлар ва илоҳий элчиларнинг сўнгисиман ва осмонлар-у ерларда яшайдиган барча махлуқотларга хужжатман. Кимки ушбу ҳақиқат хусусида шак-шубҳага борса, илк жоҳилият давридаги кофирлик ила кофир бўлган ва кимки мен айтган ушбу сўзларимнинг бирортасида шубҳаланса, [яъни сўзларимнинг тўғрилигида шак-шубҳа қилса] дарҳақиқат, менга нозил бўлган нарсаларнинг ҳаммасига шак-шубҳа қилган бўлур. Ва кимда-ким имомлардан бирортаси хусусида шак қилса, [бирор имомнинг имомати ва пешволигига шак-шубҳа билан қараса] дарҳақиқат, уларнинг [имомларнинг] ҳаммасига шак қилган бўлур. Ва биз ҳақимизда шак қилувчи кишининг жойи жаҳаннам ўтидир.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، حَبَابِي اللهُ عَزَّوَجَلَّ بِهَذِهِ الْفَضِيلَةِ مَتًّا مِنْهُ عَلَيَّ وَإِحْسَانًا مِنْهُ إِلَيَّ وَلَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ، أَلَا لَهُ الْحَمْدُ مِنِّي أَبَدَ الْأَبَدِينَ وَدَهْرَ الدَّاهِرِينَ وَعَلَى كُلِّ حَالٍ.

Эй халойиқ, Аллоҳ азза ва жалла Ўз томонидан менга бўлган инъом ва эҳсони [яъни яхшилиги ва фазлу-марҳамати] юзасидан ушбу фазилат ва устунликни менга ато этди ва албатта, Ундан ўзга илоҳ йўқ. Огоҳ бўлинглар, мен томондан барча ҳамду сано ва мактовлар абадий ва доимий ҳолда ҳамда ҳар ҳолатда Унга бўлсин.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، فَضِّلُوا عَلَيًّا فَإِنَّهُ أَفْضَلُ النَّاسِ بَعْدِي مِنْ ذِكْرِي وَأُنْتِي مَا أَنْزَلَ اللهُ الرِّزْقَ وَيَقِي الخُلُقِ.

Эй халойиқ, Алини устун ва афзал деб билинглар. Зероки, у мендан кейин эркак ва аёлдан иборат барча инсонларнинг энг афзалидир. Модомики, Аллоҳ таоло ризқ нозил қиларкан ва яралганлар боқий эканлар, вазият шундан иборатдир.

مَلْعُونٌ مَلْعُونٌ، مَغْضُوبٌ مَغْضُوبٌ مَنْ رَدَّ عَلَيَّ قَوْلِي هَذَا وَلَمْ يُوَافِقْهُ.

Аллоҳнинг раҳматидан узоқлашган ва лаънатлангандир, Аллоҳнинг қаҳру ғазабига дучор бўлган ва ғазабга учрагандир кимки менинг бу сўзимни рад этиб унга розилик билдирмаса!

أَلَا إِنَّ جَبْرِئِيلَ حَبَّرَنِي عَنِ اللهِ تَعَالَى بِذَلِكَ وَيَقُولُ: «مَنْ عَادَى عَلِيًّا وَلَمْ يَتَوَلَّهُ فَعَلَيْهِ لُعْنَتِي وَعَعْصِي»، ﴿وَلَتَنْظُرَ نَفْسٌ مَّا قَدَّمَتْ لِغَدٍ وَاتَّقُوا اللَّهَ - أَنْ تُخَالِفُوهُ فَتَنْزَلَ قَدَمٌ بَعْدَ ثُبُوتِهَا - إِنَّ اللَّهَ خَبِيرٌ بِمَا تَعْمَلُونَ﴾.

Огоҳ бўлинглар, Жаброил *(алайҳис салом)* Аллоҳ таолодан бу борада менга хабар келтирди ва У Зот шундай марҳамат қилган:

«Кимки Алига душманлик қилса ва унинг вилоятига [пешволиги ва раҳнамолигига] таслим бўлиб қабул этмаса, унга Менинг лаънатим ва заабим бўлсин!». «Ва ҳар бир киши эрта қиёмат кунини учун нима тақдим қилганига назар солсин. Аллоҳга тақво қилинганлар – Алига қарши чиқишдан сақланинганлар. Оқибат, оёғингиз [Ислом йўлида] собит ва мустаҳкам ўрнашганидан кейин тойиб кетмасин – Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» (Ҳашр сураси, 18-оят).

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنَّهُ جَنَّبَ اللَّهُ الَّذِي ذَكَرَ فِي كِتَابِهِ الْعَزِيزِ، فَقَالَ تَعَالَى مُخْبِرًا عَمَّنْ يُخَالِفُهُ: ﴿أَنْ تَقُولَ نَفْسٌ يَا حَسْرَتَا عَلَى مَا فَرَّطْتُ فِي جَنْبِ اللَّهِ﴾.

Эй халойиқ, дарҳақиқат, у [Али] Аллоҳнинг қўшниси бўлиб, Аллоҳ таоло Ўзининг азиз китобида уни зикр қилган ва унга [Алига] муҳолиф бўлганлар ҳақида хабар бериб шундай деган:

«Мабодо бирор ким: «Афсуски, Аллоҳнинг қўшниси ҳақида сусткашлик қилдим», деб айтишидан олдин» (Зумар сураси, 56-оят).

مَعَاشِرَ النَّاسِ، تَدَبَّرُوا الْقُرْآنَ وَافْهَمُوا آيَاتِهِ وَانظُرُوا إِلَى مُحْكَمَاتِهِ وَلَا تَتَّبِعُوا مُتَشَابِهَهُ، فَقَالَ اللَّهُ لَنْ يُبَيِّنَ لَكُمْ زَوَاجِرَهُ وَلَنْ يُوضِحَ لَكُمْ تَفْسِيرَهُ إِلَّا الَّذِي أَنَا آخِذٌ بِيَدِهِ وَمُضْعِدُهُ إِلَيَّ وَشَائِلٌ بِبَعْضِهِ وَرَافِعُهُ بِيَدَيَّ وَمُعَلِّمُكُمْ: أَنْ مَنْ كُنْتُ مَوْلَاهُ فَهَذَا عَلِيٌّ مَوْلَاهُ، وَهُوَ عَلِيٌّ بِنُ أَبِي طَالِبٍ أَخِي وَوَصِيِّي، وَمُؤَلِّمُهُ مِنَ اللَّهِ عَزَّوَجَلَّ أَنْزَلَهَا عَلَيَّ.

Эй халойиқ, Қуръонда тафаккур юритинглар, унинг оятларининг теран маъно-мазмунини тушуниб етинглар, унинг муҳкам оятларига назар солиб эътибор қаратинглар ва унинг муташобих оятларига<sup>1</sup> эргашманглар. Бас, Аллоҳга қасамки, зинҳор ҳеч ким сизларга

1. Қуръонда икки хил оят бор: Биринчиси муҳкам оятлар. Улар аниқ ва равшан маънога эга бўлган оятлар бўлиб, бундай оятлар тафсир қилишни талаб этади, уларга Уммул Китоб, яъни Қуръоннинг онаси дейилган. Уларни Қуръоннинг қалби деб ҳам аташ мумкин. Иккинчи қисм эса муташобих оятлардир. Бундай оятлар изоҳлаш ва ёритишни, яъни зоҳирий ва ташки маънодан ботиний ва ички маънога ўтишни талаб қилади ва бу ишга «таъвил» дейилади. Муҳкам оятлар тафсир қилишни талаб этса, муташобих оятлар эса таъвил қилишни талаб қилади.

Қуръоннинг ботинини баён қилмағай ва унинг таъвил-тафсирини изоҳлаб бермағай, магар мен унинг қўлини ва билагини ушлаб юқорига кўтариб турган кишигина бу ишни амалга оширғай ва мен уни сизларга маълум қилиб айтаманки:

*«Мен кимнинг мавлоси ва раҳбари бўлсам, демак, бу Али унинг мавлоси ва раҳбаридир. Ва у Али ибн Абу Толиб менинг биродарим ва ворисимдир. Унинг вилояти ва пешволиги Аллоҳ азза ва жалла томонидан бўлиб, уни менга нозил қилди».*

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنَّ عَلِيًّا وَالطَّيِّبِينَ مِنْ وُلْدِي مَنْ صُلِبَ لَهُمُ الثَّقَلُ الْأَصْغَرُ، وَالْقُرْآنُ الثَّقَلُ الْأَكْبَرُ، فَكُلُّ وَاحِدٍ مِنْهُمَا مُنْبِئٌ عَنِ صَاحِبِهِ وَمُؤَافِقٌ لَهُ، لَنْ يَفْتَرِقَا حَتَّى يَرِدَا عَلَيَّ الْحَوْصَ.

Эй халойик, ҳақиқатан ҳам, Али ва унинг наслидан бўлган покиза фарзандларим Сикли Асғар, яъни кичикроқ қимматбаҳо нарсадирлар ва Қуръон эса Сикли Акбар, яъни каттароқ қимматбаҳо нарсадир. Бу иккисининг ҳар бири ўз ҳамроҳи ҳақида хабар бериб, унга монанд ва мувофиқ бўлур. Бу иккиси Ҳавзи Кавсарда менинг хузуримга кириб келгунга қадар ҳаргиз бир-биридан ажралмас.

أَلَا إِنَّهُمْ أَمَنَاءُ اللَّهِ فِي خَلْقِهِ وَحُكَّامُهُ فِي أَرْضِهِ.

Огоҳ бўлинглар, улар Аллоҳнинг яратган махлуқотлари орасидаги ишончли ва омонаткор кишилари бўлиб, улар Унинг ер юзидаги хукмдорларидир.

أَلَا وَقَدْ أَدَيْتُ. أَلَا وَقَدْ بَلَّغْتُ، أَلَا وَقَدْ أَسْمَعْتُ، أَلَا وَقَدْ أَوْصَحْتُ، أَلَا وَإِنَّ اللَّهَ عَزَّوَجَلَّ قَالَ وَأَنَا قُلْتُ عَنِ اللَّهِ عَزَّوَجَلَّ، أَلَا إِنَّهُ لَا «أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ» غَيْرَ أَخِي هَذَا، أَلَا لَا تَحِلُّ إِمْرَةُ الْمُؤْمِنِينَ بَعْدِي لِأَحَدٍ غَيْرِهِ.

Огоҳ бўлингизким, мен зиммамдаги вазифани бажардим. Огоҳ бўлингизким, мен [сизларга Аллоҳ таолонинг амр-фармонини] етказдим. Огоҳ бўлингизким, мен [сизларга ушбу муҳим масалани] эшиттирдим ва огоҳ бўлинглар, мен ушбу ҳақиқатни сизларга ёритиб бердим. Билинглар, Аллоҳ азза ва жалла менга буюриб деди ва мен ҳам Аллоҳ азза ва жалла томонидан сизларга айтдим. Огоҳ бўлингизким, дарҳақиқат, менинг бу биродарим Алидан бошқа ҳеч ким «Амирул-мўъминин», яъни мўминларнинг амири эмасдир. Огоҳ бўлинглар, мендан кейин Алидан бошқа ҳеч кимни «Амирул-мўъминин» деб аташ жоиз бўлмағай.

ثُمَّ قَالَ: «أَيُّهَا النَّاسُ، مَنْ أَوْلَىٰ بِكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ؟ قَالُوا: اللَّهُ وَرَسُولُهُ. فَقَالَ: أَلَا مَنْ كُنْتُ مَوْلَاهُ فَهَذَا عَلِيٌّ مَوْلَاهُ، اللَّهُمَّ وَالِ مَنْ وَالَاهُ وَعَادِ مَنْ عَادَاهُ وَانصُرْ مَنْ نَصَرَهُ وَاخْذُلْ مَنْ خَذَلَهُ.

Сўнгра ул хазрат шундай марҳамат қилдилар: «Эй одамлар, ким сизларга ўзларингиздан ҳам ҳақлироқ ва сазоворроқдир?» Улар: «Аллоҳ ва Унинг Расули», деб жавоб бердилар. Шунда ул хазрат марҳамат қилиб дедилар:

«Мен кимнинг мавлоси ва раҳбари бўлсам, демак, бу Али унинг мавлоси ва раҳбаридир. Эй Аллоҳим, Алини дўст тутган кишини дўст тутгин ва унга душманлик қилган кимсани душман тутгин. Унга ёрдам берган кишига мададкор бўлгин ва ундан ёрдамини дариг тутганларни хор этгин».

**Тўртинчи қисм: Расулulloҳ** (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) **кўллари билан Алини кўтариб ворис этиб тайинлашлари ҳақида**

مَعَاشِرَ النَّاسِ، هَذَا عَلِيٌّ أَخِي وَوَصِيِّ وَوَاعِي عِلْمِي، وَخَلِيقِي فِي أُمَّتِي عَلِيٌّ مَنْ آمَنَ بِي وَعَلَىٰ تَفْسِيرِ كِتَابِ اللَّهِ عَزَّوَجَلَّ وَالِدَاعِي إِلَيْهِ وَالْعَامِلُ بِمَا يَرْضَاهُ وَالْمُحَارِبُ لِأَعْدَائِهِ وَالْمُؤَالِي عَلِيٌّ طَاعَتِهِ وَالنَّاهِي عَنْ مَعْصِيَتِهِ. إِنَّهُ خَلِيفَةُ رَسُولِ اللَّهِ وَأَمِيرُ الْمُؤْمِنِينَ وَالْإِمَامُ الْهَادِي مِنَ اللَّهِ، وَقَاتِلِ التَّاكِيثِينَ وَالْقَاسِطِينَ وَالْمَارِقِينَ بِأَمْرِ اللَّهِ. يَقُولُ اللَّهُ: ﴿مَا يُبَدِّلُ الْقَوْلَ لَدَيَّ﴾.

Эй халойиқ, бу Алидир Менинг биродарим, ворисим ва илмимнинг қўриқловчиси ҳамда умматим орасида менга иймон келтирган кишиларга ва Аллоҳ аза ва жалла Китобининг тафсирига асосан менинг халифам-ўринбосаримдир. У одамларни Аллоҳ таоло томонга чақирувчи, Аллоҳни рози қиладиган ишларни амалга оширувчи, Унинг душманларига қарши курашувчи, У Аллоҳнинг итоатида вафодор ва химоячи ҳамда Унга итоатсизлик қилишдан қайтарувчидир. Шубҳасиз, Али Расулulloҳнинг халифаси-ўринбосари, мўминларнинг амири ва Аллоҳ томонидан ҳидоят қилувчи имом ва пешводир. Ва Али Аллоҳнинг амри билан аҳд-паймонини бузганлар, зулму адолатсизлик йўлини тутганлар ва диндан чиқиб кетганлар билан жанг қилувчидир. Аллоҳ таоло: «Менинг ҳузуримда [ваъда қилинган] сўз ўзгартирилмас», деб марҳамат қилади (Қоф сураси, 29-оят).

بِأَمْرِكَ يَا رَبِّ أَقُولُ: اللَّهُمَّ وَالِ مَنْ وَالَاهُ وَعَادِ مَنْ عَادَاهُ وَانصُرْ مَنْ نَصَرَهُ وَاخْذُلْ مَنْ خَذَلَهُ وَالْعَنَ مَنْ أَنْكَرَهُ وَأَغْضِبْ عَلَيَّ مَنْ جَحَدَ حَقَّهُ.

Эй Раббим, Сенинг амру фармонинг билан айтаман: Эй Аллоҳим, Алини яхши кўрганларни Сен ҳам яхши кўр, унга адоват қилганларга нисбатан Сен ҳам адоватли бўлгин! Унга ёрдам берганларга Ўзинг мадаккор бўлгин! Алидан ўз ёрдамани дариг тутганларни Сен ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйгин! Алини [унинг вилояти ва раҳнамолигини] инкор этганларни Ўз раҳматингдан узоқ қилгин ва унинг ҳаққини рад этганларга ғазаб этгин!

اللَّهُمَّ إِنَّكَ أَنْزَلْتَ الْآيَةَ فِي عَلِيٍّ وَلِيِّكَ عِنْدَ تَبْيِينِ ذَلِكَ وَنَضَبِكَ إِيَّاهُ هَذَا الْيَوْمَ: ﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتْمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضَيْتُ لَكُمْ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾، ﴿وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ وَهُوَ فِي الْآخِرَةِ مِنَ الْخَاسِرِينَ﴾. اللَّهُمَّ إِنِّي أَشْهَدُكَ أَنِّي قَدْ بَلَغْتُ.

Эй Аллоҳим, Сен Ўзинг Валийинг Али ҳақида унинг вилояти ва пешволигини баён қилиб, уни [Алини] шу кунга тайин этаркансан ушбу оятни нозил қилдинг:

«Бугун мен сизлар учун динингизни комил қилдим ва сизларга неъматимни тўла-тўқис қилиб бердим ва сизлар учун ислом дин бўлишига рози бўлдим» (Моида сураси, 3-оят). «Кимда-ким Исломдан бошқа динни истаса, бас ундан [бу ўзга «дин» Аллоҳ ҳузурида] ҳаргиз қабул қилинмас ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўлур» (Оли Имрон сураси, 85-оят). Эй Аллоҳим, мен Сени гувоҳ қиламанки, Сенинг амру фармонингни одамларга етказдим.

### **Бешинчи қисм: Умматни имомат ва пешволик масаласига нисбатан эътиборли бўлишга чақириш ҳақида**

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنَّمَا أَكْمَلَ اللَّهُ عَزَّوَجَلَّ دِينَكُمْ بِإِمَامَتِهِ. فَمَنْ لَمْ يَأْتَمْ بِهِ وَبِمَنْ يَقُومُ مَقَامَهُ مِنْ وُلْدِي مِنْ صُلْبِهِ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَالْعَرْضِ عَلَى اللَّهِ عَزَّوَجَلَّ فَأُولَئِكَ الَّذِينَ حَبِطَتْ أَعْمَالُهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَفِي النَّارِ هُمْ خَالِدُونَ، ﴿لَا يُخَفَّفُ عَنْهُمْ الْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ﴾.

Эй халойик, Аллоҳ азза ва жалла динингизни Алининг имомати билан комил қилди. Демак, Алига ва унинг ўрнини эгаллайдиган Алининг наслидан бўлган менинг фарзандларимга қиёмат куни Аллоҳнинг ҳузурида юзма-юз бўлгунга қадар эргашмайдиганлар, ана ўшаларнинг қилган амаллари [дунё ва охиратда] нобуд ва пуч бўлур ва ўзлари эса дўзахда абадий қолгувчидирлар. «Улардан азоб енгиллатилмас. Ва уларга [озгина бўлса ҳам нафас ростлашга] муҳлат ҳам берилмас» (Бақара сураси, 162-оят ва Оли Имрон сураси, 88-оят).



مَعَاشِرَ النَّاسِ، هَذَا عَلَيَّ، أَنْصَرُّكُمْ لِي وَأَحَقُّكُمْ بِي وَأَقْرَبُكُمْ إِلَيَّ وَأَعَزُّكُمْ عَلَيَّ، وَاللَّهُ عَزَّوَجَلَّ  
وَأَنَا عَنْهُ رَاضِيَانِ. وَمَا نَزَلَتْ آيَةٌ رِضًا فِي الْقُرْآنِ إِلَّا فِيهِ، وَلَا خَاطَبَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا إِلَّا بَدَأَ بِهِ،  
وَلَا نَزَلَتْ آيَةٌ مَدْحٍ فِي الْقُرْآنِ إِلَّا فِيهِ، وَلَا شَهِدَ اللَّهُ بِالْحَبْتَةِ فِي ﴿هَلْ أَتَى عَلَى الْإِنْسَانِ﴾ إِلَّا لَهُ، وَلَا  
أَنْزَلَهَا فِي سِوَاهُ وَلَا مَدَحَ بِهَا غَيْرَهُ.

Эй халойиқ, Бу Али менга сизларнинг энг ёрдам берувчироғингиз, менга нисбатан энг ҳақлироғингиз, менга энг яқинроғингиз ва менинг наздимда энг азизроғингиздир. Аллоҳ азза ва жалла ҳам, мен ҳам ундан розимиз. Қуръонда бирор ризолик ояти йўқ, магар Али ҳақидадир. Қачонки Аллоҳ таоло Қуръонда мўминларга хитоб қилган бўлса, Али билан бошлагандир [яъни Али Аллоҳ таоло назарга олган биринчи кишидир]. Ва Қуръонда бирор мадҳ ва мактов ояти нозил бўлган бўлса, фақат Али ҳақидадир. Ва Аллоҳ таоло “Ҳал Ато Алал-Инсон” сурасида жаннатга киришга фақат Али учунгина гувоҳлик берган ва уни [ушбу сурани] Алидан бошқаси ҳақида нозил қилмаган ва ўша сура орқали Алидан бошқани мактамаган.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، هُوَ نَاصِرُ دِينِ اللَّهِ وَالْمُجَادِلُ عَنِ رَسُولِ اللَّهِ، وَهُوَ السَّيِّدُ السَّيِّدِ الْهَادِي  
الْمُهْدِي. نَبِيُّكُمْ خَيْرُ نَبِيِّ وَوَصِيِّكُمْ خَيْرُ وَصِيٍّ وَبَنُوهُ خَيْرُ الْأَوْصِيَاءِ.

Эй халойиқ, у [Али] Аллоҳ динининг ёрдамчиси ва Аллоҳ Расулининг ҳимоячисидир. У такволи, покиза, тўғри йўлга бошловчи ва [Аллоҳнинг Ўзи томонидан] ҳидоят қилинган кишидир. Пайғамбарингиз энг яхши пайғамбардир, унинг сизларга тайинлаган вориси энг яхши ворисдир ва унинг [Пайғамбарнинг] фарзандлари энг яхши ворислардир.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، ذُرِّيَّةُ كُلِّ نَبِيٍّ مِنْ صُلْبِهِ، وَذُرِّيَّتِي مِنْ صُلْبِ أَمِيرِ الْمُؤْمِنِينَ عَلِيِّ.

Эй халойиқ, ҳар бир пайғамбарнинг фарзандлари ўзининг наслидандир ва менинг фарзандларим эса мўминлар Амири Алининг наслидандир.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنَّ إِبْلِيسَ أَخْرَجَ آدَمَ مِنَ الْجَنَّةِ بِالْحَسَدِ، فَلَا تَحْسُدُوهُ فَتَحْطَ أَعْمَالُكُمْ وَتَرِلَّ  
أَقْدَامُكُمْ، فَإِنَّ آدَمَ أَهْبَطَ إِلَى الْأَرْضِ بِخَطِيئَةٍ وَاحِدَةٍ، وَهُوَ صَفْوَةُ اللَّهِ عَزَّوَجَلَّ، وَكَيْفَ بِكُمْ وَأَنْتُمْ  
أَنْتُمْ وَمِنْكُمْ أَعْدَاءُ اللَّهِ،

Эй халойиқ, дарҳақиқат, Иблис [маккор Шайтон] Одам (алайҳис салом)ни ҳасад ва кўра олмаслик билан жаннатдан қувди. Демак, зинҳор Алига

ҳасад қилманглар, оқибат, амалларингиз нобуд ва пуч бўлур ҳамда оёқларингиз тойиб кетур. Шубҳасиз, Одам (алайҳис салом) битта хатоси сабабли ерга туширилди. Ҳолбуки, у Аллоҳ азза ва жалланинг танлаган бандаси эди. Ва сизлар қандай ҳолда бўлурсиз ваҳоланки, сизлар сизларсиз ва Аллоҳнинг душманлари ҳам сизларнинг орангиздандир.

أَلَا وَإِنَّهُ لَا يُبْغِضُ عَلِيًّا إِلَّا شَقِيًّا، وَلَا يُؤَالِي عَلِيًّا إِلَّا تَقِيًّا، وَلَا يُؤْمِنُ بِهِ إِلَّا مُؤْمِنٌ مُخْلِصٌ.

Огоҳ бўлинглар, фақат бахти қаро кишигина Алини ёмон кўради ва фақат тақводор кишигина Алининг вилоятини қабул қилиб уни севади. Ва фақат ихлосманд мўмингина Алига ишонади.

وَفِي عَلِيٍّ - وَاللَّهِ - نَزَلَتْ سُورَةُ الْعَصْرِ: ﴿بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ، وَالْعَصْرِ، إِنَّ الْإِنْسَانَ لَفِي خُسْرٍ﴾ إِلَّا عَلِيًّا الَّذِي آمَنَ وَرَضِيَ بِالْحَقِّ وَالصَّبْرِ.

Аллоҳга қасамки, “Аср” сураси Али ҳақида нозил бўлди: «Бисмиллааҳир Роҳманир Роҳийм. Аср вақтига қасамки, инсон зоти зиён-бахтсизликдадир», магар иймон келтирган ҳамда ҳақ-тўғрилиқ ва сабрга рози бўлган Али бундан мустаснодир.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، قَدْ اسْتَشْهَدْتُ اللَّهَ وَبَلَّغْتُكُمْ رَسُولِي وَمَا عَلَى الرَّسُولِ إِلَّا الْبَلَاغُ الْمُبِينُ.

Эй халойиқ, албатта, Мен Аллоҳни гувоҳ қилиб, рисолатимни [элчилик вазифамни] адо этиш учун Унинг амр-фармонини сизларга етказдим. Ва Расулнинг зиммасида эса фақат очиқ-ойдин етказишдир, холос.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، ﴿اتَّقُوا اللَّهَ حَقَّ تَقَاتِهِ وَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ﴾.

Эй халойиқ, «Аллоҳга ҳақиқий тақво ила тақво қилинглар. Ва фақат мусулмон ҳолингиздагина бу дунёдан ўтинглар» (Оли Имрон сураси, 102-оят).

### Олтинчи қисм: Мунофиқларнинг фитна-бузғунчилигига ишора

مَعَاشِرَ النَّاسِ، ﴿آمِنُوا بِاللَّهِ وَرَسُولِهِ وَالنَّوْرِ الَّذِي أُنزِلَ مَعَهُ مِنْ قَبْلِ أَنْ تَنْطَمِسَ وُجُوهًا فَتَرُدَّهَا عَلَى أَدْبَارِهَا أَوْ نَلْعَنَهُمْ كَمَا لَعَنَّا أَصْحَابَ السَّبْتِ﴾. بِاللَّهِ مَا عَتَىٰ بِهَذِهِ الْآيَةِ إِلَّا قَوْمًا مِنْ أَصْحَابِي أَعْرَفُهُمْ بِأَسْمَائِهِمْ وَأَنْسَابِهِمْ، وَقَدْ أَمَرْتُ بِالصَّفْحِ عَنْهُمْ فَلْيَعْمَلْ كُلُّ امْرِئٍ عَلَىٰ مَا يَجِدُ لِعَلِّي فِي قَلْبِهِ مِنَ الْحُبِّ وَالْبُغْضِ.

Эй халойиқ, «юзларни бузиб орқаларига буриб юборишимиздан олдин ёки «Шанба эгаларини» [Аллоҳга нисбатан макру ҳийла ишлатган яҳудийларни] лаънатлаганимиздек, уларни лаънатлашимиздан олдин Аллоҳга, Унинг Расулига ва унинг билан бирга туширилган Нурга [Қуръонга] иймон келтиринглар» (Тағобун сураси, 8-оят ва Нисо сураси, 47-оят). Аллоҳга қасамки, У бу оят билан мен уларнинг исмлари ва насл-насабларини биладиган фақат бир гуруҳ саҳобаларимнигина назарда тутгандир, холос ва мен уларнинг қилмишларидан воз кечишга буюрилганман. Шундай экан, ҳар бир инсон Алига нисбатан ўз қалбида топадиган севги ёки нафрат асосида иш тутсин [ва билсинки, унинг амалининг қадри шунга боғлиқдир].

مَعَاشِرَ النَّاسِ، التُّورِ مِنَ اللَّهِ عَزَّوَجَلَّ مَسْئُوكُمْ فِي تُمْ فِي عَلِيٍّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ، تُمْ فِي النَّسْلِ مِنْهُ إِلَى الْفَاتِمِ الْمُهَدِيِّ الَّذِي يَأْخُذُ بِحَقِّ اللَّهِ وَبِكُلِّ حَقٍّ هُوَ لَنَا، لِأَنَّ اللَّهَ عَزَّوَجَلَّ قَدْ جَعَلَنَا حُجَّةً عَلَى الْمُتَقَصِّرِينَ وَالْمُعَانِدِينَ وَالْمُخَالَفِينَ وَالْحَائِثِينَ وَالْآتِمِينَ وَالظَّالِمِينَ وَالْعَاصِيِينَ مِنْ جَمِيعِ الْعَالَمِينَ.

Эй халойиқ, Аллоҳ азза ва жалла томонидан бўлган нур менда кейин Али ибн Абу Толибда, сўнгра унинг наслида то Аллоҳнинг ҳаққини ва биз учун бўлган барча ҳақ-ҳуқуқни ундириб оладиган Қоим [Ҳақни барпо этувчи] Имом Маҳдийгача ўрнашган. Зеро, Аллоҳ азза ва жалла бизни барча оламлардан бўлган суғлиқ қилувчилар, душманлик қилувчилар, мухолифлар, хоинлар, гуноҳкорлар, золимлар ва ғосиблар [ҳаққимизни тортиб олувчилар] устидан ҳужжат ва далил қилиб қўйган.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، أُنذِرْكُمْ أَنِّي رَسُولُ اللَّهِ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِي الرُّسُلُ، أَفَأَنْ مِتُّ أَوْ قُتِلْتُ ﴿أَنْقَلَبْتُمْ عَلَى أَعْقَابِكُمْ؟ وَمَنْ يَنْقَلِبْ عَلَى عَقْبَيْهِ فَلَنْ يَضُرَّ اللَّهَ شَيْئًا وَسَيَجْزِي اللَّهُ الشَّاكِرِينَ﴾ الصَّابِرِينَ. أَلَا وَإِنَّ عَلِيًّا هُوَ الْمُتَّصِفُ بِالصَّبْرِ وَالشُّكْرِ، تُمْ مِنْ بَعْدِهِ وَوَلَدِي مِنْ صُلْبِهِ.

Эй халойиқ, мен сизларни Аллоҳнинг Расули ва Элчиси эканлигим борасида огоҳлантираман.

«Шубҳасиз, мендан олдин ҳам элчилар-пайгамбарлар ўтган. Демак, агар мен вафот этсам ёки ўлдирилсам, орқангизга [жоҳиллик давридаги кофирлик ҳолатига] қайтасизларми?! Кимки орқасига қайтса, Аллоҳга ҳеч зарар етказа олмас, [балки фақат ўзига зарар қилади, холос]. Ва Аллоҳ эса [Унинг йўлидан қайтмай] шуқр қилувчиларни [ҳамда сабр қилувчиларни] муқофотлайди» (Оли Имрон сураси, 144-оят).

Огоҳ бўлингизким, Али ва ундан кейин унинг наслидан бўлган фарзандларим сабр ва шуқр қилиш сифатига эга бўлган кишилардир.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، لَأَتَمُّنُوا عَلَيَّ بِإِسْلَامِكُمْ، بَلْ لَأَتَمُّنُوا عَلَيَّ اللَّهُ فَيَحْبِطَ عَمَلِكُمْ وَيَسْحَطَ عَلَيْكُمْ وَيَبْتَلِيكُمْ بِشَوَاطِئِ مِنْ نَارٍ وَنَحَاسٍ، إِنَّ رَبَّكُمْ لِبَالِيزَادٍ.

Эй халойиқ, Исломингизни [муслмон бўлганингизни] менга миннат қилмангиз, балки Аллоҳ таолога ҳам миннат қилмангиз. Оқибат, Аллоҳ амалларингизни нобуд ва пуч қилиб, сизларга ғазаб қилади ва сизларни оловли аланга ва эритилган мисга мубтало қилади. Албатта, Раббинг кузатиб турувчидир.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنَّهُ سَيَكُونُ مِنْ بَعْدِي أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى النَّارِ وَيَوْمَ الْقِيَامَةِ لَا يُنصَرُونَ.  
مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنَّ اللَّهَ وَأَنَا بَرِيئَانِ مِنْهُمْ.

Эй халойиқ, мenden кейин сизларни дўзахга чорлайдиган пешволар ва раҳбарлар бўлур ва уларга қиёмат кунда ҳеч бир ёрдам берилмағайдир [ва улар ёлғиз қолурлар]. Эй халойиқ, Аллоҳ ва мен улардан безормиз.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنَّهُمْ وَأَنْصَارَهُمْ وَأَتْبَاعَهُمْ وَأَشْيَاعُهُمْ فِي الدَّرَكِ الْأَسْفَلِ مِنَ النَّارِ وَلَيْسَ مَثْوَى الْمُتَكَبِّرِينَ. أَلَا إِنَّهُمْ أَصْحَابُ الصَّحِيفَةِ، فَلْيَنْظُرْ أَحَدُكُمْ فِي صَحِيفَتِهِ!!

Эй халойиқ, улар [яъни дўзахга чорлайдиган раҳбарлар], уларнинг ёрдамчилари, тарафдорлари ва уларга эргашувчилар дўзахнинг энг ёмон ва паст жойида бўлурлар. Ва мутакаббирларнинг жойи нақадар ёмондир. Билингизки, улар саҳифа эгаларидир<sup>1</sup>. Демак, ҳар бирингиз ўз

1. «Саҳифа эгалари» деб ном олган ўша дўзахга чорловчи раҳбарлар кимлар экани ва уларнинг ўзаро тузган саҳифаси-битими нимадан иборат эканлиги ҳақида ҳадиси шарифларда айтилган. Биз бу ерда намуна сифатида фақатгина бир ҳадисни келтирамиз:

— عِدَّةٌ مِنْ أَصْحَابِنَا عَنْ سَهْلِ بْنِ زَيْدٍ عَنْ ابْنِ فَضَالٍ عَنْ سُفْيَانَ بْنِ إِبْرَاهِيمَ الْجَرِيرِيِّ عَنِ الْحَارِثِ بْنِ الْحَصِيْرَةِ الْأَسَدِيِّ عَنِ أَبِي جَعْفَرٍ عليه السلام قَالَ: كُنْتُ دَخَلْتُ مَعَ أَبِي الْكَعْبَةِ فَصَلَّى عَلَى الرَّحْمَةِ الْحَمْرَاءِ بَيْنَ الْعَمُودَيْنِ فَقَالَ فِي هَذَا الْمَوْضِعِ تَعَاقَدَ الْقَوْمُ إِذْ مَاتَ رَسُولُ اللَّهِ صلى الله عليه وآله أَوْ قُتِلَ أَلَّا يَزِدُّوا هَذَا الْأَمْرَ فِي أَحَدٍ مِنْ أَهْلِ بَيْتِهِ أَبَدًا قَالَ قُلْتُ وَمَنْ كَانَ قَالَ كَانَ الْأَوَّلُ وَالثَّانِي وَأَبُو عُبَيْدَةَ بْنُ الْجَرَّاحِ وَسَالِمُ بْنُ الْحَبِيبَةِ.

Ҳорис бин Ҳасийраҳ Ал-Асадий бешинчи пешвоимиз Имом Муҳаммад Бокир *(алайҳис салом)* дан ривоят қилади: Ул ҳазрат айтадилар:

«Мен отам Имом Зайнулобидин *(а.с)* билан биргалликда Каъбага кирдик. Шунда отам икки устун орасидаги қизил мармар тош устида намоз ўқидилар-да, сўнгра у зот: «Мана шу ерда баъзи одамлар ўзаро келишиб, агар Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олийҳи васаллам)* вафот этсалар ёки ўлдирилсалар, ушбу халифаликни

саҳифасига [қиладиган амалларининг саҳифасига] қарасин!

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنِّي أَدْعُهَا إِمَامَةً وَوَرَاثَةً فِي عَقْبِي إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ، وَقَدْ بَلَغْتُ مَا أُمِرْتُ  
بِتَبْلِيغِهِ حُجَّةً عَلَى كُلِّ حَاضِرٍ وَغَائِبٍ وَعَلَى كُلِّ أَحَدٍ مِمَّنْ شَهِدَ أَوْ لَمْ يَشْهَدْ، وَوُلِدَ أَوْ لَمْ يُولَدْ،  
فَلْيُبَلِّغِ الْحَاضِرُ الْغَائِبَ وَالْوَالِدُ الْوَلَدَ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ.

Эй халойик, Мен қиёмат кунига қадар Ислому умматига раҳбарлик қилишни имомат-пешволик ва мерос сифатида ўз наслимда қолдираман. Ва энди менга етказиш буюрилган нарсани етказдим, токи бу сўзларим ҳар бир ҳозир бўлган ва ғойиб бўлганларга ҳамда ушбу сўзларимнинг гувоҳи бўлган ёки гувоҳи бўлмаган, туғилган ёки туғилмаган ҳар бир кишига ҳужжат ва қабий далил бўлсин. Шундай экан, бу сўзларимни ҳозир бўлганлар ғойиб бўлганларга ва оталар фарзандларига қиёмат кунигача етказсинлар.

وَسَيَجْعَلُونَ الْإِمَامَةَ بَعْدِي مَلَكًا وَاعْتَصَابًا، أَلَا لَعَنَ اللَّهُ الْعَاصِينَ الْمُعْتَصِبِينَ، وَعِنْدَهَا  
﴿سَيُفْرَغُ لَكُمْ أَيْهَا الثَّقَلَانِ وَيُرْسِلُ عَلَيْكُمَا شَوْاظًا مِنْ نَارٍ وَنُحَاسًا فَلَا تَنْتَصِرَانِ﴾.

Мендан кейин имомат ва раҳбарликни подшоликка айлантириб, уни тортиб олулар. Огоҳ бўлингизким, тортиб олувчиларга ҳамда ғорат қилувчиларга [талончиларга] Аллоҳнинг лаънати бўлсин!

«Ва албатта, Аллоҳ ўша пайтда [Қиёмат қойим бўлган кунда сизлар билан ҳисоб-китоб қилиш] учун фориг бўлажақдир, эй инсу жинлар! [У Кунда] сизларнинг устингизга оловдан бир аланга ва эритилган мис юборилур. Шунда сизларга ҳаргиз ёрдам берилмайди» (Ар-Раҳмон сураси, 31 ва 35-оятлар).

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنَّ اللَّهَ عَزَّوَجَلَّ لَمْ يَكُنْ لِيَدْرِكُمْ عَلَى مَا أَنتُمْ عَلَيْهِ حَتَّى يَمِيزَ الْخَبِيثَ مِنَ  
الطَّيِّبِ، وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُظْلِعَكُمْ عَلَى الْغَيْبِ.

Эй халойик, Аллоҳ сизларни мана шу турган ҳолатингизда [яъни ким мўмин-у, ким мунофиқлиги маълум бўлмаган ҳолда] ташлаб қўймас. Ҳали У нопокни покдан ажратади. Ва Аллоҳ сизларни ғайб сирларидан хабардор қилиб қўймас. (Оли Имрон сурасининг 179-оятига ишорадир).

---

у зотнинг Аҳли-Байтларидан бўлган ҳеч бир кишига зинҳор қайтариб бермаймиз, деб битим тузишди», дедилар. Мен: Улар кимлар? деб сўрадим. Отам: «Улар биринчиси, [Абу Бакр] иккинчиси, [Умар ибн Хаттоб] Абу Убайда ибн Жарроҳ ва Солим ибн Ҳабиб эди», дедилар».

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنَّهُ مَا مِنْ قَرْيَةٍ إِلَّا وَاللَّهُ مُهْلِكُهَا بِتَكْدِيرِهَا قَبْلَ يَوْمِ الْقِيَامَةِ وَمُحْلِكُهَا الْإِمَامَ الْمَهْدِيَّ وَاللَّهُ مُصَدِّقُ وَعْدِهِ.

Эй халойик, ҳеч бир қишлоқ-шаҳар йўкки, Аллоҳ унинг аҳлини ҳақ-у ҳақиқатни ёлғонга чиқаргани сабабли қиёмат кунидан олдин ҳалок қилгувчи ва уни Имом Маҳдийга топширувчи бўлмаса. Албатта, Аллоҳ Ўз ваъдасини амалга оширувчидир.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، قَدْ ضَلَّ قَبْلَكُمْ أَكْثَرُ الْأَوَّلِينَ، وَاللَّهُ لَقَدْ أَهْلَكَ الْأَوَّلِينَ، وَهُوَ مُهْلِكُ الْآخِرِينَ.

Эй халойик, сиздан олдин ҳам илгаригиларнинг кўплари адашганлар ва шубҳасиз, Аллоҳ илгаригиларни ҳалок қилган. Ва У кейингиларни [келгусида келадиганларни] ҳам ҳалок қилгувчидир.

قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ﴿أَلَمْ نُهْلِكِ الْأَوَّلِينَ، ثُمَّ نُنَبِّئُهُمُ الْآخِرِينَ، كَذَلِكَ نَفْعَلُ بِالْمُجْرِمِينَ، وَيَلُ يَوْمَئِذٍ لِّلْمُكَذِّبِينَ﴾.

Аллоҳ таоло Ўзининг китобида шундай марҳамат қилади:

«Ахир Биз аввалгиларни [ўз пайгамбарларини ёлғонга чиқарган умматларни] ҳалок қилмадикми?! Сўнгра кейингиларни ҳам уларга эргаштирурмиз! Биз [кофирлар ва мунофиқлардан иборат] барча жиноятчиларни мана шундай ҳалок қилурмиз! Ўша кунда ёлғонга чиқарувчиларнинг ҳолига вой бўлсин!» (Мурсалот сураси/ 16, 17, 18, 19-оятлар).

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنَّ اللَّهَ قَدْ أَمَرَنِي وَتَهَانِي، وَقَدْ أَمَرْتُ عَلِيًّا وَتَهَيْتُهُ بِأَمْرِهِ. فَعَلِمَ الْأَمْرَ وَالْتَهَى لَدَيْهِ، فَاسْمَعُوا لِأَمْرِهِ تَسَلَّمُوا وَأَطِيعُوا تَهْتَدُوا وَاتَّبِعُوا لِتَهَيْهِ تَرْشُدُوا، وَصَبِرُوا إِلَىٰ مُرَادِهِ وَلَا تَتَفَرَّقُوا بِكُمْ السَّبِيلَ عَن سَبِيلِهِ.

Эй халойик, дарҳақиқат, Аллоҳ Ўз амр-фармони ва наҳйи-қайтаришини менга марҳамат қилди ва мен ҳам Унинг буйруғи билан ушбу амр-фармон ва наҳйи-қайтариш илмини Алига бердим. Демак, Аллоҳнинг амр-фармони ва наҳйи-қайтариш илми Али наздидадир. Шундай экан, Алининг амрига кулоқ солиб таслим бўлинглар. Унга итоат этинглар, натижада ҳидоят бўлгайсиз ва Али сизларни бирор ишдан қайтарганда, қайтинглар, оқибат тўғри йўлни топгайсиз. Унинг кўрсатган йўли ва мақсади сари интилинглар. Турли йўллар сизларни унинг йўлидан адаштирмасин!

## Еттинчи қисм: Аҳли Байт (а.с) издошлари ва уларнинг душманлари ҳақида

مَعَاشِرَ النَّاسِ، أَنَا صِرَاطُ اللَّهِ الْمُسْتَقِيمِ الَّذِي أَمَرَكُم بِاتِّبَاعِهِ، ثُمَّ عَلَيَّ مِنْ بَعْدِي. ثُمَّ وُلْدِي مِنْ صُلْبِهِ أُمَّتُهُ الْهُدَى، يَهْدُونَ إِلَى الْحَقِّ وَبِهِ يَعْدِلُونَ.

ثُمَّ قَرَأَ: «بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ...» إِلَى آخِرِهَا،

Эй халойик, Мен Аллоҳ таоло сизларни унга эргашишга буюрган Аллоҳнинг ўша Тўғри Йўлиман. Сўнгра Али мандан кейин Аллоҳнинг ўша Тўғри Йўлидир. Сўнгра Алининг наслидан бўлган менинг фарзандларим Тўғри Йўлнинг пешволаридир. Улар ҳақ ва тўғрилиқка бошлайдилар ва ҳақ ила ҳукм этадилар.

Сўнг Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Фотиҳа сурасини ўқидилар:

«Бисмиллааҳир Роҳманир Роҳийм. Алҳамдулиллааҳи Роббил ʼааламийн. Ар-Роҳмаанир Роҳийм» суранинг охиригача.

وَقَالَ: فِي نَزَلَتْ وَفِيهِمْ وَاللَّهِ نَزَلَتْ، وَلَهُمْ عَمَّتْ وَإِيَّاهُمْ خَصَّتْ، أَوْلَيْتَكَ أَوْلِيَاءَ اللَّهِ الَّذِينَ لَأَخَوْفَ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَخْزُونَ، أَلَا إِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْعَالِيُونَ. أَلَا إِنَّ أَعْدَاءَهُمْ هُمُ السُّفَهَاءُ الْعَاوُونَ إِخْوَانُ الشَّيَاطِينِ يُوجِي بَعْضُهُمْ إِلَى بَعْضٍ زُخْرَفِ الْقَوْلِ غُرُورًا. أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَهُمُ الَّذِينَ ذَكَرَهُمُ اللَّهُ فِي كِتَابِهِ، فَقَالَ عَزَّوَجَلَّ: ﴿لَا تَجِدُ قَوْمًا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ يُوَادُّونَ مَنْ حَادَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَلَوْ كَانُوا آبَاءَهُمْ أَوْ أَبْنَاءَهُمْ أَوْ إِخْوَانَهُمْ أَوْ عَشِيرَتَهُمْ أُولَئِكَ كَتَبَ فِي قُلُوبِهِمُ الْإِيمَانَ وَأَيَّدَهُمْ بِرُوحٍ مِّنْهُ وَيُدْخِلُهُمْ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ وَرَضُوا عَنْهُ أُولَئِكَ حِزْبُ اللَّهِ أَلَا إِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

Сарвари олам сўзларини давом эттириб дедилар: Аллоҳга қасамки, ушбу сура мен ҳақимда ва улар [ўн икки имомлар] ҳақида нозил бўлган. Шу боис, бу сура имомларни ўз ичига олиб, уларга аталган. Улар [ўн икки имомлар] Аллоҳнинг валийлари бўлиб, ўшаларгагина ҳеч қандай хавф-қўрқиб йўқ ва улар ғамгин ҳам бўлмагайлар. Огоҳ бўлингиз, чинакам Аллоҳнинг ҳизби [гуруҳигина] ғолибдирлар. Огоҳ бўлингиз, имомларнинг душманлари фаросатсиз гумроҳлар ва шайтонларнинг биродарларидир. Улар одамларни алдаш учун баъзилари баъзиларига латиф-гўзал сўзларни етказишади. Билингизки, Аллоҳ азза ва жалла Ўз китобда имомларнинг ёру-дўстларини зикр қилиб шундай деган:

«Аллоҳга ва охирага кунига иймон келтирган қавмнинг Аллоҳга ва Унинг Расулига душманлик қилувчиларга дўстлик қилганларини топмайсан. Агарчи ўша душманлар ўз оталари ёки ўғиллари ёки ака-укалари ёки қариндош-уруғлари бўлсалар ҳам. Ана ўшаларнинг қалбларига Аллоҳ иймонни битиб қўйган ва уларни Ўз томонидан бўлган бир Рух билан қўлагандир. Ва У зот уларни остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритур. Унда абадий қолурлар. Аллоҳ улардан рози бўлур. Улар ҳам Аллоҳдан рози бўлурлар. Ана ўшалар, Аллоҳнинг ҳизбидирлар. Огоҳ бўлингизким, албатта, Аллоҳнинг ҳизбигина нажот топгувчилардир». (Мужодада сураси, 22-оят).

أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَهُمُ الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ وَصَفَهُمُ اللَّهُ عَزَّوَجَلَّ فَقَالَ: ﴿الَّذِينَ آمَنُوا وَهُمْ يَلْبِسُوا إِيمَانَهُمْ بِظُلْمٍ أُولَئِكَ لَهُمُ الْأَمْنُ وَهُمْ مُهْتَدُونَ﴾. أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَهُمُ الَّذِينَ آمَنُوا وَهُمْ يَرْتَابُوا.

Огоҳ бўлинглар, имомларнинг ёру-дўстлари мўминлар бўлиб, Аллоҳ азза ва жалла уларни васф этиб шундай марҳамат қилган:

«Иймон келтирган ва иймонларини зулм [ширк] билан аралаштирмаган кишилар – ана ўшаларгагина хотиржамлик, омонлик бор ва улар ҳидоят топганлардир». (Анъом сураси, 82-оят).

Огоҳ бўлинглар, имомларнинг ёру-дўстлари Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирган ва шубҳа қилмаган кишилардир.

أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَهُمُ الَّذِينَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ بِسَلَامٍ آمِنِينَ، تَتَلَقَاهُمْ الْمَلَائِكَةُ بِالسَّلَامِ يَقُولُونَ: ﴿سَلَامٌ عَلَيْكُمْ طِبْتُمْ فَادْخُلُوهَا خَالِدِينَ﴾.

Огоҳ бўлинглар, имомларнинг ёру-дўстлари жаннатга тинчлик-омонлик ва салом ила кирадиган кишилардир. Фаришталар уларни салом билан кутиб олиб шундай дерлар:

«Сизларга саломлар бўлсин! Дунёда пок бўлгансиз! Демак, жаннатга абадий қолгувчи бўлган ҳолингизда кирингиз» (Зумар сураси, 73-оят).

أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَهُمْ، هُمْ الْجَنَّةُ يُرْزَقُونَ فِيهَا بِغَيْرِ حِسَابٍ.

Огоҳ бўлинглар, жаннат имомларнинг ёру-дўстлари учундир. Улар у ерда ҳисобсиз ризқланурлар.

أَلَا إِنَّ أَعْدَاءَهُمُ الَّذِينَ يَضَلُّونَ سَعِيرًا. أَلَا إِنَّ أَعْدَاءَهُمُ الَّذِينَ يَسْمَعُونَ لِحَتِّهِمْ شَهِيْقًا وَهِيَ تَفُورٌ وَيَرُونَ لَهَا زَفِيرًا.



Огоҳ бўлинглар, имомларнинг душманлари дўзахга кирадиганлардир. Огоҳ бўлинглар, шубҳасиз, имомларнинг душманлари [жаҳаннамга ташланганларида] унинг ўкирик фарёдини эшитадиганлардир, ваҳоланки, дўзах қайнаб турган бўлади ва улар жаҳаннамнинг хайқириғини ҳам кўрадилар.

أَلَا إِنَّ أَعْدَاءَهُمُ الَّذِينَ قَالَ اللَّهُ فِيهِمْ: ﴿كُلَّمَا دَخَلَتْ أُمَّةٌ لَعَنَتْ أُخْتَهَا﴾ الْآيَةَ.

Огоҳ бўлинглар, имомларнинг душманлари шундай кишиларки, Аллоҳ таоло улар ҳақида шундай марҳамат қилган:

«Қачонки бир жамоат дўзахга кирса, шеригини [уни йўлдан урганларни] лаънатлар» (Аъроф сураси, 38-оят).

أَلَا إِنَّ أَعْدَاءَهُمُ الَّذِينَ قَالَ اللَّهُ عَزَّوَجَلَّ: ﴿كُلَّمَا أُتِيَ فِيهَا قَوْجٌ سَأَلَهُمْ خَزَنَتُهَا أَلَمْ يَأْتِكُمْ نَذِيرٌ، قَالُوا بَلَىٰ قَدْ جَاءَنَا نَذِيرٌ فَكَذَّبْنَا وَقُلْنَا مَا نَزَّلَ اللَّهُ مِن شَيْءٍ إِنْ أَنْتُمْ إِلَّا فِي ضَلَالٍ كَبِيرٍ﴾ إِلَى قَوْلِهِ: ﴿فَسُخِّقُوا أَصْحَابِ السَّعِيرِ﴾.

Огоҳ бўлинглар, имомларнинг душманлари шундай кишиларки, Аллоҳ азза ва жалла улар ҳақида шундай марҳамат қилган:

«Қачонки жаҳаннамга бир гуруҳ ташланганида унинг қўриқчилари улардан: «Сизларга [дунёда бўлган чоғингизда] бирор огоҳлантирувчи келмаганмиди?», деб сўрайди. Улар дерлар: «Ҳа, дарҳақиқат бизларга огоҳлантирувчи келган эди. Лекин биз [уни] ёлгончига чиқардик ва: «Аллоҳ ҳеч нарса нозил қилган эмас, сизлар фақат катта залолат-гумроҳликдасиз, холос!», деган эдик».

У сўзининг давомида марҳамат қилиб айтади: «Энди у дўзахийларга ҳалокат бўлсин!» (Мулк сураси, 8, 9 ва 11-оятлар).

أَلَا إِنَّ أَوْلِيَاءَهُمُ الَّذِينَ يَخْشَوْنَ رَبَّهُم بِالْغَيْبِ، لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَأَجْرٌ كَبِيرٌ.

Огоҳ бўлинглар, имомларнинг ёру-дўстлари ўз Парвардигорларидан ғойибона-пинҳона кўрқадиганлар бўлиб, улар учун гуноҳларини кечиш ва улкан ажр-мукофот бордир.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، شَتَّانَ مَا بَيْنَ السَّعِيرِ وَالْأَجْرِ الْكَبِيرِ.

Эй халойиқ, дўзах олови билан буюк ажр-мукофот ўртасида нақадар узоқ йўл бор!

مَعَاشِرَ النَّاسِ، عَدُوَّتَا مَنْ ذَمَّهُ اللَّهُ وَلَعْنَهُ، وَوَلِيَّتِنَا كُلُّ مَنْ مَدَحَهُ اللَّهُ وَأَحَبَّهُ.

Эй халойиқ, бизнинг душманимиз Аллоҳ уни койиган ва лаънатлаган кишидир ва дўстимиз эса Аллоҳ уни мактаган ва севган ҳар бир кишидир.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، أَلَا وَإِنِّي أَنَا التَّنْذِيرُ وَعَلِيٌّ الْبَشِيرُ.

Эй халойиқ, огоҳ бўлинглар, албатта, мен гоҳлантиргувчиман ва Али эса башорат бергувчидир.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، أَلَا وَإِنِّي مُنْذِرٌ وَعَلِيٌّ هَادٍ.

Эй халойиқ, огоҳ бўлинглар, мен огоҳлантирувчиман ва Али эса ҳидоятчи-тўғри йўлга бошловчидир.

مَعَاشِرَ النَّاسِ أَلَا وَإِنِّي نَبِيٌّ وَعَلِيٌّ وَصِيٌّ.

Эй халойиқ, билингизки, мен Пайғамбарман ва Али эса менинг ворисимдир.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، أَلَا وَإِنِّي رَسُولٌ وَعَلِيٌّ الْإِمَامُ وَالْوَصِيُّ مِنْ بَعْدِي، وَالْأُمَّتَةُ مِنْ بَعْدِهِ وُلْدُهُ. أَلَا وَإِنِّي وَالِدُهُمْ وَهُمْ يَخْرُجُونَ مِنْ صُلْبِهِ.

Эй халойиқ, огоҳ бўлинглар, шубҳасиз, мен Аллоҳнинг юборган элчисиман ва Али эса мендан кейинги имом ва ворисдир. Алидан кейинги имомлар эса унинг фарзандларидир. Огоҳ бўлингизки, албатта, мен уларнинг отасиман ва лекин улар Алининг наслдан бўладилар.

**Саккизинчи қисм: Имом Маҳдий** *(алайҳис салом)* **нинг васфлари ҳақида**

أَلَا إِنَّ خَاتَمَ الْأَئِمَّةِ مِنَّا الْقَائِمَ الْمُهْدِيَّ.

Огоҳ бўлинглар, шак-шубҳасиз, имомларнинг охиргиси бўлмиш Қоим [Ҳақни барпо этувчи] Маҳдий биздандир.

أَلَا إِنَّهُ الظَّاهِرُ عَلَى الدِّينِ.

Огоҳ бўлинглар, у [Имом Маҳдий] барча динлар устидан ғолиб келур.

أَلَا إِنَّهُ الْمُنتَقِمُ مِنَ الظَّالِمِينَ.

Огоҳ бўлинглар, албатта, у золимлардан интиқом олувчидир.

أَلَا إِنَّهُ فَاتِحُ الْحُصُونِ وَهَادِمُهَا.

Огоҳ бўлинглар, албатта, у қалъаларни забт этувчи ва уларни бузувчидир.

أَلَا إِنَّهُ غَالِبُ كُلِّ قَبِيلَةٍ مِنْ أَهْلِ الشِّرْكِ وَهَادِيهَا.

Огоҳ бўлинглар, албатта, у барча ширк-куфр аҳли бўлган қабилалар устидан ғолиб бўлувчи ва уларни тўғри йўлга йўлбошчидир.

أَلَا إِنَّهُ الْمُدْرِكُ بِكُلِّ ثَأْرٍ لِأَوْلِيَاءِ اللَّهِ.

Огоҳ бўлинглар, шубҳасиз, у Аллоҳнинг барча валийлари конининг қасос олувчисидир.

أَلَا إِنَّهُ النَّاصِرُ لِلدِّينِ اللَّهِ.

Огоҳ бўлинглар, албатта, у зот Аллоҳ динининг ёрдамчисидир.

أَلَا إِنَّهُ الْعَرَّافُ مِنْ بَحْرِ عَمِيقٍ.

Огоҳ бўлинглар, албатта, у зот чуқур денгиздан кўп ҳақиқатларни олиб чикувчидир.

أَلَا إِنَّهُ يَسْمُ كُلَّ ذِي فَضْلٍ بِفَضْلِهِ وَكُلَّ ذِي جَهْلٍ بِجَهْلِهِ.

Огоҳ бўлинглар, шубҳасиз, у зот ҳар бир фазилат эгаси бўлган кишига унинг фазилатига қараб ва ҳар бир жоҳил кишининг жаҳолат ва нодонлигига яраша яхшилик қилур.

أَلَا إِنَّهُ خَيْرُهُ اللَّهُ وَمُخْتَارُهُ.

Огоҳ бўлинглар, дарҳақиқат, ул зот Аллоҳнинг яхши ва танланган бандасидир.

أَلَا إِنَّهُ وَارِثُ كُلِّ عِلْمٍ وَالْمَحِيطُ بِكُلِّ فَهْمٍ.

Огоҳ бўлинглар, дарҳақиқат, ул зот барча илмларнинг вориси ва барча тушунчаларни қамраб олувчидир.

أَلَا إِنَّهُ الْمُخْبِرُ عَنْ رَبِّهِ عَزَّوَجَلَّ وَالْمُسْتَشِيدُ لِأَمْرِ آيَاتِهِ.

Огоҳ бўлингизки, албатта у зот Парвардигори томонидан хабар берувчи ва Унинг оят-нишонларини мустаҳкамловчидир.

أَلَا إِنَّهُ الرَّشِيدُ السَّيِّدُ.

Огоҳ бўлингизки, албатта у зот рашид [тўғри йўлни кўрсатувчи] ва собитқадам-мустаҳкамдир.

أَلَا إِنَّهُ الْمَفْوُضُ إِلَيْهِ.

Огоҳ бўлингизки, дарҳақиқат, [оламларни идора этиш ишлари ва уларнинг дину-эътиқодлари] ул зотга топширилгандир.

أَلَا إِنَّهُ قَدْ بَشَّرَ بِهِ مَنْ سَلَفَ مِنَ الْقُرُونِ بَيْنَ يَدَيْهِ.

Огоҳ бўлингизки, шак-шубҳасиз, олдинги асрларда яшаб ўтганлар у зотнинг келишини башорат қилганлар.

أَلَا إِنَّهُ الْبَاقِي حُجَّةً وَلَا حُجَّةَ بَعْدَهُ وَلَا حَقَّ إِلَّا مَعَهُ وَلَا نُورَ إِلَّا عِنْدَهُ.

Огоҳ бўлингизки, дарҳақиқат, ул зот Аллоҳнинг боқий қолувчи ҳужжати бўлиб, ундан кейин бирор ҳужжат бўлмайди.<sup>1</sup> Ҳақиқат фақат унинг билан биргадир ва нур-ёруғлик фақат унинг ҳузуридадир, холос.

أَلَا إِنَّهُ لَا غَالِبَ لَهُ وَلَا مَنْصُورَ عَلَيْهِ.

Огоҳ бўлинглар, ҳеч ким ул зотнинг устидан ғолиб кела олмайди ва ул зотга қарши чиқувчига ёрдам берилмайди.

أَلَا وَإِنَّهُ وَلِيُّ اللَّهِ فِي أَرْضِهِ، وَحَكَمُهُ فِي خَلْقِهِ، وَأَمِينُهُ فِي سِرِّهِ وَعَلَانِيَتِهِ.

Огоҳ бўлингизки, шак-шубҳасиз, у зот Аллоҳнинг ер юзидаги валийси, халойиқ орасидаги Унинг ҳукм қилувчиси ва сиру ошкорада Унинг ишончли бандасидир.

### **Тўққизинчи қисм: Мусулмонларни ҳазрат Алига байъат қилишга чақириш ҳақида**

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنِّي قَدْ بَيَّنْتُ لَكُمْ وَأَفْهَمْتُكُمْ، وَهَذَا عَلَيَّ يُفْهَمُكُمْ بَعْدِي. أَلَا وَإِنِّي عِنْدَ انْقِضَاءِ حُطْبَتِي أَدْعُوكُمْ إِلَى مُصَافَقَتِي عَلَى بَيْعَتِهِ وَالْإِقْرَارِ بِهِ، ثُمَّ مُصَافَقَتِهِ بَعْدِي.

Эй халойиқ, дарҳақиқат, мен сизларга Аллоҳнинг амр-фармонини ошкора баён қилиб, уни сизларга тушунтирдим. Ва бу Али эса мендан

1. Ушбу таъбир фақат Имом Маҳдий Аллоҳнинг ҳужжати эканлигини баён қилиш учун келтирилган, холос ва бошқа имомларнинг раъжати, яъни қайтиш қилишлари ҳақида бирор назарга эга эмас. Зеро, улар Аллоҳ таолонинг олдинги ҳужжатлари бўлиб, албатта, бу дунёга қайтиш қиладилар.

кейин Аллоҳнинг амр-фармонини сизларга баён қилиб тушунтиради. Огоҳ бўлингизки, хутбам тугагач сизларни Алига байъат-қасамёд қилиш учун мен билан сўнгра Али билан қўл бериб кўришишга ва унинг пешволигига иқрор бўлишга чақираман.

أَلَا وَإِنِّي قَدْ بَايَعْتُ اللَّهَ وَعَلِيَّ قَدْ بَايَعَنِي. وَأَنَا آخِذُكُمْ بِالْبَيْعَةِ لَهُ عَنِ اللَّهِ عَزَّوَجَلَّ. ﴿إِنَّ الَّذِينَ يُبَايِعُونَكَ إِنَّمَا يُبَايِعُونَ اللَّهَ يَدُ اللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِمْ فَمَنْ نَكَتَ فَإِنَّمَا يَنْكُثُ عَلَىٰ نَفْسِهِ وَمَنْ أَوْفَىٰ بِمَا عَاهَدَ عَلَيْهِ اللَّهُ فَمَسِيئَتِيهِ أَجْرًا عَظِيمًا﴾.

Огоҳ бўлингизки, мен Аллоҳга байъат-қасамёд қилдим ва Али эса менга байъат-қасамёд қилди ва энди мен Аллоҳ азза ва жалла томонидан сизлардан Алининг раҳбарлигини тан олиб унга байъат-қасамёд қилишни талаб этаман.

«[Эй Пайгамбар,] дарҳақиқат, сенга байъат-қасамёд қиладиган кишилар ҳеч шак-шубҳасиз, Аллоҳнинг Ўзига байъат қилган бўлулар. Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир. Ким [байъат-қасамёдни] бузса, фақат ўз зиёнига бузади, холос. Ва ким Аллоҳга қилган аҳдига вафо қилса, у ҳолда [Аллоҳ] унга улкан ажр-мукофот ато этур». (Фатҳ сураси, 10-оят).

### Ўнинчи қисм: Ҳалол, ҳаром ва фарз қилинган амаллар ҳақида

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنَّ الْحَجَّ وَالْعُمْرَةَ مِنْ شَعَائِرِ اللَّهِ، ﴿فَمَنْ حَجَّ الْبَيْتِ أَوْ اعْتَمَرَ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِ أَنْ يَطَّوَّفَ بِهِمَا وَمَنْ تَطَوَّعَ خَيْرًا فَإِنَّ اللَّهَ شَاكِرٌ عَلِيمٌ﴾.

Эй халойик, ҳақиқатан, ҳаж ва умра Аллоҳ таолонинг белги-нишонларидандир. «Демак, ким Байтуллоҳни ҳаж қилса ёки умра [амалларини] бажарса, у иккисини тавоф қилиши [у иккисининг орасида бориб-келиши] гуноҳ эмас. Ва кимки ўз ихтиёри ва рағбати ила яхшилик қилса, шубҳасиз, Аллоҳ тақдирловчи ва билувчидир». (Бақара сураси, 158-оят).

مَعَاشِرَ النَّاسِ، حُجُّوا الْبَيْتِ، فَمَا وَرَدَهُ أَهْلُ بَيْتِ إِلَّا اسْتَعْتَبُوا وَأُبْشَرُوا، وَلَا تَحْلَفُوا عَنْهُ إِلَّا بَتْرُوا وَافْتَقَرُوا.

Эй халойик, Аллоҳнинг уйини [Байтуллоҳни] ҳаж қилинглр. Ҳеч бир хонадон аҳли у ерга кирмади, илло беҳожат бўлиб хушхабар олди ва ундан [Байтуллоҳдан] юз ўгирганлар эса фақат бенасиб ва эҳтиёжманд бўлиб қолдилар, холос.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، مَا وَقَفَ بِالْمَوْقِفِ مُؤْمِنٌ إِلَّا عَفَرَ اللَّهُ لَهُ مَا سَلَفَ مِنْ ذَنْبِهِ إِلَى وَقْتِهِ ذَلِكَ، فَإِذَا انْقَضَتْ حَجَّتُهُ اسْتَأْتَفَ عَمَلَهُ.

Эй халойик, мўмин киши туриш ўринларида [Арофат, Машъар, Мино заминларида] турмайди, магар Аллоҳ таоло унинг ўтмишдан то шу вақтга қадар қилган гуноҳларини кечиради. Демак, унинг ҳажи тугач [гуноҳлардан пок бўлган ҳолда] ўз ишини аввалдан бошлайди.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، الْحُبَّاجُ مُعَانُونَ وَنَفَقَاتُهُمْ مُخْلَفَةٌ عَلَيْهِمْ وَاللَّهُ لَا يُضِيعُ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ.

Эй халойик, ҳожилар [Аллоҳ томонидан] ёрдам берилиб, уларнинг сарф-ҳаражатлари қопланиб ўзларига қайтарилади. Ва Аллоҳ яхши амал қилувчиларнинг ажрини зое қилмас.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، حُجُّوا الْبَيْتَ بِكَمَالِ الدِّينِ وَالتَّقْوَى، وَلَا تَنْصَرِفُوا عَنِ الْمَشَاهِدِ إِلَّا بِتَوْبَةٍ وَإِفْلَاحٍ.

Эй халойик, Байтуллоҳни диний комиллик ва чуқур илм ила зиёрат этиб ҳаж қилинглар ва зиёратгоҳлардан фақат тавба қилиш ва [гуноҳлардан] тийилиш билангина қайтинглар.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، أَقِيمُوا الصَّلَاةَ وَأَتُوا الزَّكَاةَ كَمَا أَمَرَكُمُ اللَّهُ عَزَّوَجَلَّ، فَإِنْ طَالَ عَلَيْكُمُ الْأَمَدُ فَقَصِّرُوا أَوْ نَسِيتُمْ فَعَلِيٌّ وَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ عَلَيْهِمْ أَنْ يَضَعُوا يَدَيْهِمْ فِي صَلَاتِهِمْ إِذَا ذُكِرُوا بِهَا فِي الْوُجُوهِ وَالْأَرْبَابِ وَالْأَعْيُنِ وَالْأَفْئِدَةِ وَالْأَسْمَاعِ وَالْأَنْفُسِ وَالْأَرْوَاحِ وَالْأَجْسَادِ وَالْأَعْيُنِ وَالْأَفْئِدَةِ وَالْأَسْمَاعِ وَالْأَنْفُسِ وَالْأَرْوَاحِ وَالْأَجْسَادِ مِنْهُ، وَهُوَ وَمَنْ تَخَلَّفَ مِنْ ذُرِّيَّتِي يُحِبُّونَكُمْ بِمَا تَسْأَلُونَ عَنْهُ وَيُبَيِّنُونَ لَكُمْ مَا لَا تَعْلَمُونَ.

Эй халойик, Аллоҳ азда ва жалла сизларга буюрганидек намоз тўқис адо этинг ва закот беринг. Демак, агар сизга узоқ вақт ўтиб кетса-ю, сиз суслик қилсангиз ёки унутиб қўйсангиз, бас Али сизнинг йўлбошчингиз ва сизга ошқора баён этувчидир. Али шундай кишики, Аллоҳ азда ва жалла уни мендан кейин сизлар учун Ўзининг яратганлари орасида ишончли бандаси этиб тайинлади. Ҳақиқатан, Али мендан ва мен эса унданман. Али ва унинг ўринбосарлари бўлган фарзандларим сиз сўраган саволларингизга жавоб бериб, сизни огоҳ этурлар ва билмаганларингизни сизга баён қилиб ўргатурулар.

أَلَا إِنَّ الْحَلَالَ وَالْحَرَامَ أَكْثَرُ مِنْ أَنْ أُحْصِيَهُمَا وَأَعْرِفَهُمَا فَأَمُرُ بِالْحَلَالِ وَانْتَهَى عَنِ الْحَرَامِ فِي مَقَامٍ وَاحِدٍ، فَأَمَرْتُ أَنْ أُحْذِيَ النَّبِيَّةَ مِنْكُمْ وَالصَّفْقَةَ لَكُمْ بِقَبُولِ مَا جِئْتُ بِهِ عَنِ اللَّهِ عَزَّوَجَلَّ فِي عَلِيٍّ أَمِيرِ الْمُؤْمِنِينَ وَالْأَوْصِيَاءِ مِنْ بَعْدِهِ الَّذِينَ هُمْ مِنِّي وَمِنْهُ إِمَامَةٌ فِيهِمْ قَائِمَةٌ، خَاتَمُهَا الْمُهَدِيُّ إِلَى يَوْمٍ يَلْقَى اللَّهُ الَّذِي يُقَدِّرُ وَيُقْضَى.

Огоҳ бўлинглар, ҳалол ва ҳаромлар, мен уларни санаб чиқиб, сизларга таништиришимдан ҳам кўпроқдир ва мен бу ерда бир вақтнинг ўзида ҳалолга буюриб, ҳаромдан қайтараман. Шундай экан, мен мўминлар амири Али ва ундан кейинги ворислар ҳақида Аллоҳ азза ва жалла томонидан олиб келган нарсамни қабул қилиш билан сизлардан байъат-қасамёд ва аҳд-паймон олишга буюрилдим. Улар [имомлар] мен томонимдан ва Аллоҳ томонидан бўлган зотлардир. Имомат ва пешволик уларда барқарордир ва имомларнинг охиргиси Махдийдир ҳамда имоматнинг барқарорлиги Имом Махий барча нарсаларни белгилаб ҳукм қилувчи Аллоҳ таоло билан учрашадиган кунга қадар давом этур.

مَعَايِرِ النَّاسِ، وَكُلِّ حَلَالٍ دَلَلْتُمْ عَلَيْهِ وَكُلِّ حَرَامٍ نَهَيْتُمْ عَنْهُ فَإِنِّي لَمْ أَرْجِعْ عَنْ ذَلِكَ وَلَمْ أُبَدِّلْ. أَلَا فَادْكُرُوا ذَلِكَ وَاحْفَظُوهُ وَتَوَاصَوْا بِهِ، وَلَا تُبَدِّلُوهُ وَلَا تُعَيِّرُوهُ. أَلَا وَإِنِّي أُجَدِّدُ الْقَوْلَ: أَلَّا فَاقِيمُوا الصَّلَاةَ وَأَتُوا الزَّكَاةَ وَأُمُرُوا بِالْمَعْرُوفِ وَانْهَوْا عَنِ الْمُنْكَرِ.

Эй халойик, мен сизларни ҳар бир ҳалол бўлган нарса томон етакладим ва ҳар бир ҳаром қилинган нарсадан сизларни қайтардим ва албатта, мен бу айтганларимдан қайтмасман ёки уларни ўзгартирмагайман. Огоҳ бўлингки, уларни [шариат қонун-қоидаларини] ёдда тутинг ва сақлаб қолинг ҳамда бир-бирингизга уларга амал қилишни тавсия қилинг ва зинҳор уларни ўзгартирманг. Огоҳ бўлингки, мен яна қайта айтаман: уйғонинг! Намозни тўқис адо этинг, закот беринг ва яхшиликка буюриб ёмонликдан қайтаринг.

أَلَا وَإِنَّ رَأْسَ الْأَمْرِ بِالْمَعْرُوفِ أَنْ تَنْتَهُوا إِلَى قَوْلِي وَتُبَلِّغُوهُ مَنْ لَمْ يَحْضُرْ وَتَأْمُرُوهُ بِقَبُولِهِ عَنِّي وَتَنْهَوْهُ عَنِ مُخَالَفَتِهِ، فَإِنَّهُ أَمْرٌ مِنَ اللَّهِ عَزَّوَجَلَّ وَمِثِّي. وَلَا أَمْرٌ بِمَعْرُوفٍ وَلَا نَهْيٍ عَنِ مُنْكَرٍ إِلَّا مَعَ إِمَامٍ مَعْصُومٍ.

Ва билингизки, амри маъруфнинг [яхшиликка буюришнинг] асоси менинг [имомат ва пешволик ҳақида] бу айтганларимга етишингиз ва сўзларимни ҳозир бўлмаган ғойиб кишиларга етказишингиз, уларга менинг ушбу сўзларимни қабул қилишни буюришингиз ва уларни менинг бу сўзларимга қарши чиқишдан қайтаришингиздир. Зеро, менинг бу сўзим Аллоҳ азза ва жалла томонидан ва менинг томонимдандир. Ҳар бир амри маъруф [яхшиликка буюриш] ва ҳар бир наҳий мункар [ёмонликдан қайтариш] фақат маъсум имом билангина амалга ошади.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، الْقُرْآنَ يُعْرِفُكُمْ أَنَّ الْأُمَّةَ مِنْ بَعْدِهِ وُلْدُهُ، وَعَرَفْتُمْ أَنَّهُمْ مِنِّي وَمِنْهُ، حَيْثُ يَقُولُ اللَّهُ فِي كِتَابِهِ: ﴿وَجَعَلَهَا كَلِمَةً بَاقِيَةً فِي عَقْبِهِ﴾. وَقُلْتُ: «لَنْ تَضِلُّوا مَا إِن تَمَسَّكُمْ بِهِمَا»

Эй халойик, Қуръони карим сизларга Алидан кейинги имомлар унинг фарзандлари эканлигини маълум қилади ва мен сизларга ўша имомлар мендан ва Алидан эканлигини маълум қилдим. Зероки, Аллоҳ таоло Ўз китобида шундай марҳамат қилади: «*Ва [Иброҳим] уни [имомат ва пешволикни] у ўз ортидан зурриётига боқий қолғувчи қилди*» (Зухруф сураси, 28-оят) ва мен ҳам: «*Токи, Қуръон ва имомларни маҳкам ушларкансиз, зинҳор йўлдан озмагайсиз*», - деб айтганман.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، التَّقْوَى، التَّقْوَى، وَاحْذَرُوا السَّاعَةَ كَمَا قَالَ اللَّهُ عَزَّوَجَلَّ: ﴿إِنَّ زَلْزَلَةَ السَّاعَةِ شَيْءٌ عَظِيمٌ﴾. اذْكُرُوا الْمَمَاتَ وَالْمَعَادَ وَالْحِسَابَ وَالْمَوَازِينَ وَالْمِحَاسِبَةَ بَيْنَ يَدَيْ رَبِّ الْعَالَمِينَ وَالنَّوَابِ وَالْعِقَابِ. فَمَنْ جَاءَ بِالْحَسَنَةِ أَثِيبَ عَلَيْهَا وَمَنْ جَاءَ بِالسَّيِّئَةِ فَلَيْسَ لَهُ فِي الْحِنَانِ نَصِيبٌ.

Эй халойик, такво йўлини, такво йўлини тутингиз ва Аллоҳ азза ва жалла марҳамат қилганидек: «*Албатта, қиёмат кунининг зилзиласи улуг-даҳшатли нарсадир*» (Ҳаж сураси, 1-оят) ва қиёмат кунининг қийинчиликларидан ҳазар қилингиз-қўрқингиз. Ўлимни, қайта тирилишни, ҳисоб-китобни, амалларнинг тарозиларга кўйилишини, оламлар Парвардигорининг ҳузуридаги ҳисоб-китобни, ажр-мукофотни ва жазони эслангиз. Кимки яхши амаллар келтирса, ажр-савоб олади ва кимда-ким ёмонлик қилса, унинг учун жаннатдан бирор насиба бўлмайди.

### Ўн биринчи қисм: Ҳаммадан байъат-қасамёд олмоқлик ҳақида

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنَّكُمْ أَكْثَرُ مَنْ أَنْ تُصَافِقُونِي بِكَفِّ وَاحِدٍ فِي وَفْتٍ وَاحِدٍ، وَقَدْ أَمَرَنِي اللَّهُ عَزَّوَجَلَّ أَنْ أَخَذَ مِنْ أَلْسِنَتِكُمْ الْإِفْرَارَ بِمَا عَقَّدْتُمْ لِعَلِيٍّ أَمِيرِ الْمُؤْمِنِينَ، وَلَمَنْ جَاءَ بَعْدَهُ مِنَ الْأُمَّةِ مِنِّي وَمِنْهُ، عَلَى مَا أَعْلَمْتُمْ أَنَّ دُرِّيَّتِي مِنْ صُلْبِهِ.

Эй халойик, сиз бир вақтнинг ўзида менинг бир қўлимни ушлаб байъат-қасамёд қилиш учун жуда кўп сондасиз. Шундай экан, Аллоҳ азза ва жалла менга амирул мўминин Алининг, шунингдек, мен ва Али наслидан бўлган ундан кейинги имомларнинг вилояти ва пешволиги тўғрисидаги аҳд-паймонни мустаҳкамлашим учун сизларнинг тилларингиздан икром олишни буюрди. Сизларга эълон қилиб айтганимдек, менинг авлодларим унинг наслидандир.



فَقُولُوا بِأَجْمَعِكُمْ: «إِنَّا سَامِعُونَ مُطِيعُونَ رَاضُونَ مُتَقَادُونَ لِمَا بَلَّغَتْ عَنْ رَبِّنَا وَرَبِّكَ فِي أَمْرِ  
 إِمَامِنَا عَلِيِّ أَمِيرِ الْمُؤْمِنِينَ وَمَنْ وُلِدَ مِنْ صُلْبِهِ مِنَ الْأُمَّةِ. نُبَايِعُكَ عَلَى ذَالِكَ بِقُلُوبِنَا وَأَنْفُسِنَا  
 وَالسِّيْتِنَا وَأَيْدِينَا. عَلَى ذَالِكَ نَحْيِي وَعَلَيْهِ نَمُوتُ وَعَلَيْهِ نُبْعَثُ. وَلَا نُغَيِّرُ وَلَا نُبَدِّلُ، وَلَا نَشْكُ وَلَا  
 نَجْحَدُ وَلَا نَرْتَابُ، وَلَا نَرْجِعُ عَنِ الْعَهْدِ وَلَا نَنْقُضُ الْمِيثَاقَ.

Демак, ҳаммаларингиз айтингиз:

«Албатта, биз сўзларингизни эшитиб, унга итоат этувчимиз ва ундан рози бўлиб, Раббимиз ва Раббингиз томонидан Имомимиз Амирул мўминин Алининг ва ул зот наслидан туғиладиган имомларнинг имомат ва пешволиги ҳақида бизга етказган амр-фармонингизга таслим бўлувчимиз. Ушбу ҳақиқат асосида қалбимиз, жонимиз, тилимиз ва қўлларимиз билан сизга байъат-қасамёд этамиз. Биз ушбу аҳд-паймон асосида яшаймиз, унинг устида ўламиз ва шу эътиқод билан қайта тириламиз. Ва биз уни ҳеч қачон ўзгартирмаймиз, алмаштирмаймиз, унда шубҳаланмаймиз ва уни инкор ҳам этмаймиз ҳамда ушбу аҳду паймонимиздан қайтмай, уни бузмаймиз ҳам.

وَعَظَمْنَا بِوَعْظِ اللَّهِ فِي عَلِيِّ أَمِيرِ الْمُؤْمِنِينَ وَالْأُمَّةِ الَّذِينَ ذَكَرْتَ مِنْ ذُرِّيَّتِكَ مِنْ وُلْدِهِ بَعْدَهُ،  
 الْحَسَنِ وَالْحُسَيْنِ وَمَنْ نَصَبَهُ اللَّهُ بَعْدَهُمَا. فَالْعَهْدُ وَالْمِيثَاقُ لَهُمْ مَاخُودٌ مَثًّا، مِنْ قُلُوبِنَا وَأَنْفُسِنَا  
 وَالسِّيْتِنَا وَصَمَائِرِنَا وَأَيْدِينَا. مَنْ أَدْرَكَهَا بِيَدِهِ وَإِلَّا فَقَدْ أَقْرَبَ بِلِسَانِهِ، وَلَا نَبْتَعِي بِذَالِكَ بَدَلًا وَلَا يَرَى  
 اللَّهُ مِنْ أَنْفُسِنَا حَوْلًا. نَحْنُ نُؤَدِّي ذَالِكَ عَنْكَ الدَّانِي وَالْقَاصِي مِنْ أَوْلَادِنَا وَأَهَالِينَا، وَنُشْهِدُ اللَّهَ  
 بِذَالِكَ وَكَفَى بِاللَّهِ شَهِيدًا وَأَنْتَ عَلَيْنَا بِهِ شَهِيدٌ»

[Эй Расулуллоҳ,] сиз бизни Аллоҳнинг ваъзу насиҳати ила мўминлар амири Али ҳамда ул зот фарзанлари ва наслингиздан бўлган айтганингиз имомлар, Хасан ва Хусайн ва у иккаласидан кейинги Аллоҳ тайин этган зотлар ҳақида панд-насиҳат қилдингиз. Демак, улар [имомлар] учун аҳд-паймон биздан, бизнинг қалбимиздан, жонимиздан, тилимиздан, виждонимиздан ва қўлларимиздан олинди. Ким қила олса, қўли билан байъат қилади, акс ҳолда тили билан иқрор бўлади. Ва биз ҳеч қачон бу аҳд-паймонни ўзгартиришга интирмаймиз ва Аллоҳ таоло [бу борада] бизнинг қалбимизда ўзгариш кўрмас. Биз бу аҳд-паймонни сизнинг номингиздан фарзандларимиз ва қариндош-уруғларимиздан узоқ ва

яқинларга етказамиз ва Аллоҳни бунга гувоҳ қилурмиз. Гувоҳлик учун Аллоҳнинг Ўзи кифоядир ва сиз эса бизнинг бу иқроримизга гувоҳсиз».

مَعَاشِرَ النَّاسِ، مَا تَقُولُونَ؟ فَإِنَّ اللَّهَ يَعْلَمُ كُلَّ صَوْتٍ وَخَافِيَةٍ كُلِّ نَفْسٍ، ﴿فَمَنْ اهْتَدَىٰ فَلِنَفْسِهِ وَمَنْ ضَلَّ فَإِنَّمَا يَضِلُّ عَلَيْهَا﴾، وَمَنْ بَايَعَ فَإِنَّمَا يُبَايِعُ اللَّهَ، ﴿يَدُ اللَّهِ فَوْقَ أَيْدِيهِمْ﴾.

Эй халойик, нима дейсиз? Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ҳар бир товушни эшитади ва қалблардаги ҳар бир сирни билади. «Бас, ким ҳидоят йўлига юрса, ўз фойдасига юрган бўлур. Ким залолатга кетса, фақат ўзининг зиёнига адашган бўлур» (Зумар сураси, 42-оят). Ким байъат-қасамёд қилса, фақат Аллоҳгагина байъат-қасамёд қилган бўлади. «Аллоҳнинг қўли уларнинг қўллари устидадир» (Фатҳ сураси, 10-оят).

مَعَاشِرَ النَّاسِ، فَبَايَعُوا اللَّهَ وَبَايَعُونِي وَبَايَعُوا عَلِيًّا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ وَالْحَسَنَ وَالْحُسَيْنَ وَالْأَئِمَّةَ مِنْهُمْ فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ كَلِمَةً بَاقِيَةً.

Эй халойик, энди Аллоҳ таолога байъат-қасамёд қилингиз ва менга байъат-қасамёд қилингиз ҳамда амирул мўминин Алига, Ҳасан ва Ҳусайнга ва улардан бўлган имомларга бу дунё ва охиратда боқий қолувчи белги-нишона сифатида байъат-қасамёд қилингиз.

يُهْلِكُ اللَّهُ مَنْ عَدَرَ وَيَرْحَمُ مَنْ وَفَى، ﴿فَمَنْ نَكَتَ فَإِنَّمَا يَنْكُتُ عَلَىٰ نَفْسِهِ وَمَنْ أَوْفَىٰ بِمَا عَاهَدَ عَلَيْهِ اللَّهُ فَمَسِيئَتِهِ أَجْرًا عَظِيمًا﴾.

Аллоҳ таоло аҳд-паймони бозганларни ҳалок қилади ва вафодор қолганларни эса Ўз раҳматига олади. «Ким [байъат-қасамёдни] бузса, фақат ўз зиёнига бузади, холос. Ва ким Аллоҳга қилган аҳдига вафо қилса, у ҳолда Аллоҳ унга улкан ажр-мукофот ато этур» (Фатҳ сураси, 10-оят).

مَعَاشِرَ النَّاسِ، قُولُوا الَّذِي قُلْتُمْ وَسَلِّمُوا عَلَيَّ بِإِمْرَةِ الْمُؤْمِنِينَ، وَقُولُوا: ﴿سَمِعْنَا وَأَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَإِلَيْكَ الْمَصِيرُ﴾، وَقُولُوا: ﴿الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي هَدَانَا لِهَذَا وَمَا كُنَّا لِنَهْتَدِيَ لَوْلَا أَنْ هَدَانَا اللَّهُ﴾ الْآيَةَ.

Эй халойик, сизларга айтганимни айтинглар ва Алига мўминлар амири унвони билан салом беринглар ва айтинглар: «Эшитдик ва итоат қилдик, эй Раббимиз мағфаратингни сўраймиз ва қайтиб бориш Сенинг ҳузуринггадир» (Бақара сураси, 285-оят). Ва яна айтинглар: «Бизни шунга ҳидоят қилган Аллоҳга ҳамду-санолар бўлсин, агар Аллоҳ

бизни ҳидоят қилмаганида, ҳаргиз ўзимиз йўл топа олмас эдик» (Аъроф сураси, 43-оят).

مَعَاشِرَ النَّاسِ، إِنَّ فَضَائِلَ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ عِنْدَ اللَّهِ عَزَّوَجَلَّ - وَقَدْ أَنْزَلَهَا فِي الْقُرْآنِ -  
أَكْثَرُ مِنْ أَنْ أُحْصِيَهَا فِي مَقَامٍ وَاحِدٍ، فَمَنْ أَنْبَأَكُمْ بِهَا وَعَرَفَهَا فَصَدِّقُوهُ.

Эй халойик, дарҳақиқат, Али ибн Абу Толибнинг Аллоҳ азза ва жалла наздидаги фазилатлари – У уларни Қуръонда нозил қилган – мен уларни бир жойда санаб айтишимдан ҳам кўпроқдир. Бас, ким Алининг фазилатлари ҳақида сизга хабар берса ва уларни таниса, ундай кишини тасдиқланг.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، مَنْ يُطِيعِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَعَالِيًا وَالْأُمَّةَ الَّذِينَ ذَكَرْتُهُمْ فَقَدْ فَازَ فَوْزًا عَظِيمًا.

Эй халойик, ким Аллоҳга, Унинг Расулига ва Алига ҳамда мен зикр қилган имомларга бўйсунса, шак-шубҳасиз буюк нажотга эришибдир. (Аҳзоб сурасининг 71-оятига ишора)

مَعَاشِرَ النَّاسِ، السَّابِقُونَ إِلَىٰ مُبَايَعَتِهِ وَمُؤَالَاتِهِ وَالتَّسْلِيمِ عَلَيْهِ بِإِمْرَةِ الْمُؤْمِنِينَ أُولَٰئِكَ هُمُ  
الْفَائِزُونَ فِي جَنَاتِ التَّعِيمِ.

Эй халойик, Алига байъат-қасамёд қилиш, у зотнинг вилоят ва пешволигини қабул этиш ва у зотга “Амирул мўминлар” унвони билан салом беришга пешқадам бўлгувчилар, ана ўшалар нажот топиб, жаннатнинг ноз-неъмат боғларида бўлурлар.

مَعَاشِرَ النَّاسِ، قُولُوا مَا يَرْضَى اللَّهُ بِهِ عَنْكُمْ مِنَ الْقَوْلِ، فَإِنْ تَكْفُرُوا أَنْتُمْ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ  
جَمِيعًا فَلَنْ يُضَرَّ اللَّهُ شَيْئًا.

Эй халойик, Аллоҳ сизлардан рози бўладиган сўзнигина айтинглар. Демак, агар сиз ва бутун ер юзидагилар куфр келтирсангиз, Аллоҳга бирор зарар-зиён етмагай.

اللَّهُمَّ اغْفِرْ لِلْمُؤْمِنِينَ بِمَا أَدَّيْتُ وَأَمَرْتُ وَأَغْضَبَ عَلَيَّ الْجَاهِدِينَ الْكَافِرِينَ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ  
رَبِّ الْعَالَمِينَ.

Эй Аллоҳим, айтганларим ва буюрганларимга иймон келтирганларни кечиргин. Ва кофир бўлмиш инкор этувчиларга эса ғазаб қилгин! Оламларнинг Рабби бўлмиш Аллоҳга ҳамду-санолар бўлсин.

Шуни айтиш керакки, юқорида келтирилган Ғадир хутбасининг тўлиқ матни пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи

васаллам)дан қуйидаги уч йўл билан, яъни уч кишининг ривоят қилиши орқали бизгача етиб келган:

1. Бешинчи пешвоимиз имом Муҳаммад Боқир *(алайҳис салом)* ривояти,
2. Ҳузайфа ибн Ямон ривояти,
3. Зайд ибн Арқам ривояти.

Ғадир хутбасининг тўлиқ матни қуйидаги китобларда келтирилган:

1. Ибн Фаттол Нийшобурий, «*Равзатул-Вағъизийн*», 1-жилд, 89-бет.
2. Табарсий, «*Ал-Иҳтижааъж*», 1-жилд, 66-бет.
3. Ибн Товус, «*Ал-Яқийн*», 343-бет.
4. Аламул Ҳудо, «*Нузҳатул-киром*», 1-жилд, 186-бет.
5. Ибн Товус, «*Ал-Иқбол*», 454 ва 456-бетлар.
6. Али ибн Юсуф Ҳиллий, «*Ал-Будадул Қавийях*», 169-бет.
7. Ибн Товус, «*Ат-Таҳсийн*», 587-бет.
8. Али ибн Юсуф Баёзий, «*Ас-Сиротул мустақийм*», 1-жилд, 301-бет.
9. Ҳусайн ибн Жабур, «*Наҳжул иймон*», 26 ва 34-бетлар.

---

## ҒАДИЙР КУНИДА ДИННИНГ КОМИЛ БЎЛИШИ ҲАҚИДА

---

Сарвари олам ҳазрати Али *(алайҳис салом)*ни халифа ва ворис этиб тайинлагач, хутбаларининг ниҳоясида шундай деб марҳамат қилдилар: «Эй Аллоҳим, Ўзинг гувоҳ бўлгин!» Ривоят қилувчи шахс айтади: Иккалалари бир-бирларидан узилмай туриб, Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*га ушбу ояти карима нозил бўлди:

﴿...الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا...﴾

«Бугун мен сизлар учун динингизни комил қилдим ва сизларга неъматимни тўла-тўқис қилиб бердим ва сизлар учун ислом дин бўлишига рози бўлдим» (Моида сураси, 3-оят).

Ушбу ояти карима нозил бўлгач, Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* шундай деб марҳамат қилдилар:

«اللَّهُ أَكْبَرُ عَلَىٰ إِكْمَالِ الدِّينِ وَإِتْمَامِ التَّعْمَةِ وَرِضَا الرَّبِّ بِرِسَالَتِي وَالْوَلَايَةِ لِعَلِيٍّ مِنْ بَعْدِي.»

«Аллоҳ динни комил қилишда ва неъматни тўқис қилиб беришда ва Парвардигор менинг пайғамбарлигимга ва мендан сўнг Алининг валий ва пешволигига рози бўлишда Буюк Зотдир».

Бу муҳим бўлган Ғадийр воқеасини жуда кўп Аҳли суннат алломалари ўз китобларида бутун асрлар давомида ёзиб қолдирганлар. Ва бу эса пайғамбаримиз Муҳаммад *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг Аҳли-Байтлари ва хонадонларидан иборат бўлган ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ва у кишининг ўн бир фарзандлари ва покиза зурриётлари бўлмиш кейинги ўн бир имомга эргашиб, уларнинг

кўрсатган йўлларида борган мусулмонлар тўғри ва ҳақ йўлда эканликларига ёрқин далилдир.<sup>1</sup>

«Бугун» деб ояти каримада айтилган таъбир борасида турли назарлар мавжуд бўлиб, уларнинг айримларига мухтасар шаклда ишора этамиз.

Баъзи Аҳли суннат уламоларининг фикрича, «Бугун»дан мурод Бёсат [пайғамбарликка танланиш] ёки Маккани фатҳ ва забт этиш кунидир. Бошқа гуруҳ уламоларнинг айтишича, «Бугун»дан мурод Бароат сурасини мушрикларга ўқиш кунидир. Оятдаги «اليَوْمَ» «Бугун» таъбири ҳақида Аҳли суннат томонидан доим айтиб келинадиган энг қизиқ нарса Саҳиҳи Бухорийда иккинчи халифа Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинган сўздир:

(۴۵) حَدَّثَنَا الْحَسَنُ بْنُ الصَّبَّاحِ سَمِعَ جَعْفَرَ بْنَ عَوْنٍ حَدَّثَنَا أَبُو الْعَمَيْسِ أَخْبَرَنَا قَيْسُ بْنُ مَسْلَمٍ عَنْ طَارِقِ بْنِ شَهَابٍ عَنْ عَمْرِو بْنِ عَبْدِ اللَّهِ أَنَّ رَجُلًا مِنَ الْيَهُودِ قَالَ لَهُ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ آيَةٌ فِي كِتَابِكُمْ تَفَرُّوْنَ بِهَا، لَوْ عَلَيْنَا مَعَشَرَ الْيَهُودِ نَزَلَتْ لَأَتَّخِذْنَا ذَلِكَ الْيَوْمَ عِيدًا. قَالَ أَيُّ آيَةٍ قَالَ: ﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيْتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾ قَالَ عُمَرُ قَدْ عَرَفْنَا ذَلِكَ الْيَوْمَ وَالْمَكَانَ الَّذِي نَزَلَتْ فِيهِ عَلَى النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَهُوَ قَائِمٌ بِعَرَفَةَ يَوْمَ جُمُعَةٍ

1. Аҳли суннат олимлари ушбу воқеани ёзиб қолдирган китоблардан айримларини келтираемиз:

- Ҳофиз Ҳаскони, «Шавоҳиддун танзил», 1-жилд, 157-158 ва 190-дан 193-бетлар, ва 3-жилд, 110-бет.
- Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 9-жилд, 105 ва 162, 163-165-бетлар.
- Ибн Касир, «Ал-Бидоятун ван-Ниҳояҳ», 5-жилд, 209, 210 ва 213-бетлар ва 9-жилд, 209, 212-бетлар.
- Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳиҳайн», 3-жилд, 109-бет.
- Ибн Можаҳ Қазвиний, «Сунану Ибн Можаҳ», 1-жилд, 43-бет, 116-ҳадис.
- Аҳмад Ибн Ҳанбал, «Муснади Аҳмад Ибн Ҳанбал», 1-жилд, 118 ва 119-бетлар, 4-жилд, 281, 368, 370, 372, 373-бетлар, 5-жилд, 347 ва 370-бетлар, 6-жилд, 281-бет.
- Абул Фараж Али ибн Бурҳониддин Ал-Ҳалабий, «Ас-Сийратул ҳалабия», 3-жилд, 274-275-бетлар.
- Жувайний Хуросоний, «Фароидус симтайн», 1-жилд, 74, 75-бетлар.

«Бир яҳудий киши Умар ибн Хаттобнинг олдига келиб деди: Эй амирал-мўминин, сизлар китобингиз Қуръонда бир оятни ўқийсизлар, агар биз яҳудийларга ушбу оят нозил бўлганида эди, ўша нозил бўлган кунни қадрлаб ҳайит қилиб олган бўлардик. Умар: Қайси оятни айтаяпсан? деди. Яҳудий ушбу оятни ўқиди: «Бугун мен сизлар учун динингизни комил қилдим ва сизларга неъматимни тўла-тўқис қилиб бердим ва сизлар учун Ислом дин бўлишига рози бўлдим». Умар деди: Ўша кун қайси кун эканини ва ушбу оят Пайгамбарга қайси маконда нозил бўлганини биламиз. Ушбу оят жума куни ва Арафот саҳросида нозил бўлди».<sup>1</sup>

Умар ибн Хаттобдан келтирилган ушбу ривоят Ғадийр ҳодисасини инкор этиш учун айтиб келинадиган энг асосий шубҳадир.

Ушбу шубҳага жавобан шуни айтиш лозимки, агар Сарвари оламнинг охириги ҳажларидаги Арафа куни жума кунига тўғри келганида эди, унда ул ҳазрат жума намозини ўқиган бўлардилар. Аммо ҳеч бир ривоятда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Арафа куни жума намозини ўқиганлари айтилмаган. Демак, маълум бўладики, Саҳиҳи Бухорийда келтирилган мазкур ривоят заиф ва мурсалдир.

Бунга қўшимча, Аҳли суннатнинг кўпгина китобларида Арафа душанба кунига тўғри келгани айтилган.<sup>2</sup> Бу эса иккинчи халифа Умар ибн Хаттобнинг *اليَوْمَ* «Бугун» деб бошланган мазкур ояти карима жума куни нозил бўлган деб айтган сўзига зиддир. Саҳиҳи Муслимда Аҳли суннатнинг донғи таралган фуқаҳоларидан бўлмиш Суфёни Саврийдан бу борада қуйидагича ривоят қилинади:

وَأَشْكُ أَكَانَ يَوْمَ الْجُمُعَةِ أَمْ لَا

«Бу оят жума куни нозил бўлганми ёки бошқа кунми? Шакким бор».<sup>3</sup>

1. Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳиҳул Бухорий», Китобул иймон, бобу зиёдатил иймони ва нуқсонихи, 45-ҳадис.

2. Сарвари коинотнинг сўнги ҳажларидаги Арафа душанба кунига тўғри келганлиги Аҳли суннатнинг қуйидаги китобларида айтилган:

- Ибн Касир, «Тафсири Ибн Касир», 2-жилд, 14-бет.

- Жалолуддин Суютий, «Ад-дуррул мансур», 2-жилд, 258-бет.

- Табароний, «Ал-Мўъжамул Кабийр», 12-жилд, 183-бет.

3. Муслим ибн Ҳажжож Қўшайрий, «Саҳиҳул Муслим», 8-жилд, 238-бет.

Шунингдек, Умар ибн Хаттоб айтади: Ушбу *اليَوْمَ* «Бугун» деб бошланган ояти карима Арафа кунда нозил бўлиши билан ислом дини комил бўлди. Бу оятдан кейин эса бирор бир шаръий ҳукм нозил бўлмади. Ҳолбуки, Умар ибн Хаттобнинг ўзи рибо [судхўрлик] ҳақидаги оят Арафадан сўнг нозил бўлган ҳамда «*Калола*» ояти ушбу *اليَوْمَ* «Бугун» деб бошланган оятдан кейин нозил бўлган, деб ривоят қилади.<sup>1</sup>

---

1. Аҳмад ибн Ҳанбал, «*Ал-Муснад*», 1-жилд, 36-бет.



---

## ҒАДИЙР КУНИ БАЙЪАТИ ВА ТАБРИКЛАШ МАРОСИМИ ҲАҚИДА

---

Пайғамбаримиз Муҳаммад *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* Ғадийр куни хутбасини ниҳоясига етказганларидан сўнг бутун саҳобаларга ҳазрати Али *(алайҳис салом)*ни халифа, ворис, пешво ва раҳнамо сифатида тан олиб, ўз табрикларини изҳор этишга амр қилдилар. Шунда Умар бин Хаттоб биринчилардан бўлиб, ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ҳузурларига келиб, Аллоҳнинг бу буюк неъматини қуйидагича табриклади:

«هٰنِيَا لَكَ، يَا بَنَ أَبِي طَالِبٍ أَصْبَحْتَ وَأَمْسَيْتَ مَوْلَايَ وَمَوْلَى كُلِّ مُؤْمِنٍ وَمُؤْمِنَةٍ.»

«Эй Абу Толиб ўгли [хилофат ва пешволик мансаби] сизга муборак бўлсин! Сиз менинг мавлоим ва раҳбарим ҳамда ҳар бир мўъмин ва мўъминанинг мавлоси ва раҳбари бўлдингиз».<sup>1</sup>

Шундан сўнг қолган саҳобалар бирин-кетин ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ҳузурларига келиб ва ул ҳазратга байъат-қасамёд қилиб, бу юксак неъмат туфайли ўз табрикларини изҳор қила бошлашди ва ҳазрати Али *(алайҳис салом)*ни пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан кейин барча мусулмонларга пешво, валий ва раҳнамо эканликларига иқрор бўлишди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* Аллоҳнинг фармони билан ўзларидан кейинги барча мусулмонларга бўйсуниб вожиб бўлган халифа ва раҳнамони узун хутба ўқиб, у ерда ҳозир бўлган саҳобалардан иқрор олиш билан тайинлаганларидан сўнг, табриклаш ва байъат қилиш [ҳазрати Али *(алайҳис салом)* пешво, валий ва йўлбошчи эканликларига қасамёд қилиш] маросими уч кун давом этди. Шундан

---

1. Мазкур сўзнинг манбаи:

- Аҳмад ибн Ҳанбал, «*Муснади Аҳмад ибн Ҳанбал*», 2-жилд, 281-бет.

- Ҳофиз Ҳасканий, «*Шавоҳиддун танзил*», 1-жилд, 157 ва 158-бетлар.

сўнг, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бу муҳим воқеани эъзозлаб, бутун асрлар давомида мусулмонларнинг хотирасида қолсин деб, ўзларининг «Саҳоб» номли қора саллаларини «*Ғадийр қуни*»да пешволик тожи сифатида ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг бошларига қўйдилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) «Саҳоб» номли қора саллаларини Маккани фатҳ қилиш кунлари каби маҳеус кунларда муборак бошларига қўярдилар. Абдул Аъло бин Удай Албахронийдан ривоят қилинишича, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Ғадийр Хумда ҳазрати Али (алайҳис салом)ни ҳузурларига чақириб, саллани у зотнинг бошларига қўйдилар ва унинг қолган қисмини орқаларига ўтказдилар.

Ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг ўзларидан қилинган ривоятда ул ҳазрат бу ҳақда шундай деганлар: «*Ғадийр*» қуни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) қора саллани бошимга боғладилар ва унинг қолган қисмини елкамга ташладилар.

Муснади Таёлисий ва Сунани Байҳақийда ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг бу хусусидаги сўзлари қуйидагича келтирилган:

«*Ғадийр қунида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бошимга салла боғладилар ва унинг қолган қисмини орқамга узата туриб, шундай марҳамат қилдилар: Азиз ва Буюк Аллоҳ «Бадр ва Ҳунайн» жанглирида худди шундай салла бошига қўйган фаришталар билан менга мадад берди. Сўнра дедилар: Салла мусулмонларни мушириклардан ажратиб турадиган белгидир.*»<sup>1</sup>

---

1. Бу муҳим воқеани Аҳли суннат олимлари қуйидагича ўз китобларида келтирганлар:

- Муслим ибн Ҳажжож Қўшайрий, «*Саҳиҳул Муслим*» ҳаж китоби, 451 ва 452-ҳадислар.
- Сулаймон Аздий, «*Сунану Аби Довуд*», 4-жилд, 54-бет.
- Ибн Қаййим, Жавзийя, «*Зодул Маъод*», Пайғамбар либослари фаслида келтирган.
- Абу Жаъфар, Табарий, Шофейй, «*Ар-риёзун назира*», 2-жилд, 289-бет.
- Ибн Асир Ал-Жазарий «*Усудул гобаҳ фий маърифатис-саҳобаҳ*», 3-жилд, 114-бет.
- Ибн Ҳажар, Асқалоний, «*Ал-исоба фий тамйизис-саҳобаҳ*», 2-жилд, 274-бет.
- Ал-Муттақил Ҳиндий, «*Канзул уммол*», 20-жилд, 45-бет.
- Абу Сулаймон бин Довуд бин Жоруд Таёлисий, «*Муснаду Таёлисий*», 1-жилд, 23-бет.
- Ҳофиз Байҳақий Шофейй, «*Сунану Байҳақий*» ёки «*Ас-Сунанул Кубро*» номи билан танилган, 10-жилд, 14-бет.

---

## ҲАЗРАТИ АЛИ (А.С) ПЕШВОЛИГИНИ ИНКОР ҚИЛИШНИНГ ОҚИБАТИ

---

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Аллоҳнинг фармони асосида ҳазрати Али (алайҳис салом)ни ўзларидан кейин барча мусулмонларга раҳнамо ва йўлбошчи эканлигини саҳобаларга етказгач, Ҳорис бин Нуъмон исмли бир шахс Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳузурларига келиб хурматсизларча норозилик билдириб, эътироз оҳангида шундай деди:

Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам), сиз бизга: «Аллоҳ Ёлғиз ва Ягона Зотдир» дея буюрдингиз, биз эса қабул қилдик. Мен Унинг Расули ва Пайғамбариман, дедингиз. Биз қабул қилдик. Намоз ўқинглар, дедингиз. Биз бажардик. Рамазон ойида бизларга рўза тутишни буюрдингиз. Биз қабул қилдик. Закоат беринглар дедингиз, биз уни тўладик. Ҳажга боринглар, дедингиз. Биз эса бордик.

ثُمَّ لَمْ تَرْضَ بِهَذَا حَتَّى رَفَعْتَ بِضَبْعِي ابْنَ عَمِّكَ وَفَضَلْتَهُ عَلَيْنَا وَقُلْتَ: مَنْ كُنْتُ مَوْلَاهُ فَعَلِيٌّ مَوْلَاهُ أَهَذَا شَيْءٌ مِنْكَ أَمْ مِنَ اللَّهِ؟ فَقَالَ: وَالَّذِي لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ، إِنَّ هَذَا مِنَ اللَّهِ. فَوَلَّى الْحَارِثُ بْنُ نُعْمَانَ يَرِيدُ رَاحِلَتَهُ وَهُوَ يَقُولُ: اَللّٰهُمَّ اِنْ كَانَ مَا يَقُوْلُ مُحَمَّدٌ حَقًّا فَاْمَطِرْ عَلَيْنَا حِجَارَةً مِنَ السَّمَاءِ اَوْ ائْتِنَا بِعَذَابٍ اَلِيْمٍ. فَمَا وَصَلَ اِلَيْهَا حَتَّى رَمَاهُ اللهُ بِحَجَرٍ فَسَقَطَ عَلٰى هَامَتِهِ فَخَرَجَ مِنْ دُبُرِهِ فَفَقَتَلَهُ وَاَنْزَلَ اللهُ عَزَّوَجَلَّ: ﴿سَأَلَ سَائِلٌ بِعَذَابٍ وَاقِعٍ لِّلْكَافِرِيْنَ لَيْسَ لَهُ دَافِعٌ﴾

«Энди эса сиз буларга ҳам рози бўлмай, амаки ўглингизнинг қўлини тутиб, юқорига кўтардингиз-да, уни биздан устун қўйиб дедингиз: Мен кимнинг мавлоси ва раҳбари бўлсам, демак, Али унинг мавлоси ва раҳбаридир. Эй Пайғамбар, Алини биздан афзал ва устун қўйишингиз, ўз томонингиздан эдимми ёки Аллоҳ томониданми? Шунда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай деб марҳамат қилдилар:

«Ундан ўзга илоҳ бўлмаган Зотга қасамки, шак-шубҳасиз, бу фармон Аллоҳ томонидан эди».

Ҳорис бу сўзни эшитгач, ўзининг туяси томон юриб бораркан, шундай деди:

«Эй Тангрим, Агар Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг айтадиган сўзи [яъни Али <sup>(а.с)</sup>нинг устун ва афзаллиги ҳамда унинг Сен томонингдан халифа, раҳбар ва йўлбошичи этиб танлагани] ҳақ-рост бўлса, устимизга осмондан тош ёғдиргин ёки бизларга дардли азоб келтиргин».

Ҳорис туясига етмай туриб, Аллоҳ унинг устига тош ёғдирди, сўнгра тош бошининг қоқ ўртасига тушиб, орқасидан чиқиб кетди ва оқибат, уни ҳалок этди. Шу пайт, Енгилмас ва Юксак Аллоҳ ушбу ояти каримани Ўз Расулига нозил қилди:

«Бир истағувчи киши тушадиган азобни истадики, кофирларга келадиган у азобни қайтара олгувчи куч йўқдир» (Маъориж сураси, 1 ва 2-оятлар).<sup>1</sup>

---

1. Аҳли суннат алломалари ушбу воқеани ўзларининг куйидаги китобларида келтирганлар:

- Муҳаммад бин Аҳмад, Ал-Қуртубий, «Ал-Жомийъ лиаҳкомил Қуръон», 18-жилд, 279-бет.
- Абу Исҳоқ Аҳмад, Имомус-Саълабий, «Ал-Қашфу вал-баён» ёки «Тафсирир-Саълабий» номи билан танилган, 10-жилд, 35-бет.
- Абул Фараж Али ибн Бурхониддин Ал-Ҳалабий, «Ас-Сийратул ҳалабия», 3-жилд, 275-бет.

---

## ҒАДИЙР ҲАДИСИДАН ОЛИНАДИГАН ХУЛОСАЛАР

---

Олдинги сафиҳаларда келтирилган Ғадийр ҳадисини турли иборалар билан баъзан муфассал ва баъзан эса қисқартириб мухтасар шаклда буюк ислом уламоларининг кўпчилиги ўз китобларида келтириб, ривоят қилишган. Ушбу ҳадис мутавотир<sup>1</sup> ҳадислар қаторидан жой олган бўлиб, ҳеч ким бу ҳадиснинг Пайғамбаримиздан содир этилгани ҳақида шак-шубҳага бора олмаган. Аллома Амийнӣ ўзининг «*Ал-Ғадийр*» номли китобида бу ҳадисни бир юз ўн саҳоба ривоят қилганлигини ва шунингдек, ушбу ҳадис уч юз олтмиш нафар ислом уламолари, уларнинг аксарияти Аҳли суннатга мансуб бўлган уламолар тарафидан турли китобларда келтирилганлигини баён қилганлар. Ушбу ҳадис Аҳли суннат олимларининг тафсир, тарих ва ҳадис китобларининг кўпларида келтирилган. Ҳатто ислом уламоларининг буюк бир тоифаси мазкур «*Ғадийр ҳадиси*» ҳақида мустақил китоб битганлар. Жумладан қимматли, арзирли ва нодир китобнинг муаллифи бўлган аллома Амийнӣ ўзининг «*Ал-Ғадийр*» номли ушбу китобида «*Ғадийр ҳадиси*» ҳақида алоҳида китоб ёзган ислом уламоларидан йигирма олти нафарнинг номини келтирган.

Ҳадиснинг санадини инкор қилиб бўлмаслигини кўрган баъзилар мазкур «*Ғадийр ҳадиси*» ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг халифа, пешво ва раҳбар эканликларини англатишида шак-шубҳа туғдириб, ҳадисдаги «*мавро*» сўзининг маъносини ўзгартириб, «*раҳбар*» ва «*йўлбошчи*» эмас, балки «*дўст*» деган маънони англатишини айтиб, ўзларича саъй-

---

1. Агар бирор ҳадис бутун асрлар давомида ишончли ровийлар тарафидан шу даражада кўп ривоят қилинган бўлсаки, ўша ҳадис Пайғамбаримиз (*с.а.о*) томонларидан айтилганига ҳеч қандай шак-шубҳа қолмаса, ҳадисчи олимлар бундай ҳадисни «*мутавотир*» деб аташади.

ҳаракат қилганлар. Ҳолбуки, ҳадиснинг маъно-мазмунига, айтилган вақти ва маконига, содир этилган ҳолат ва шароитига ҳамда қолган белги ва нишонларга диққат билан назар ташласак, ушбу хутба ва ҳадисдан кўзланган мақсад; имомат ва вилоят [раҳбарлик] масаласи экани ва бутун мусулмонларга Сарвари оламдан сўнг ҳар томонлама раҳнамолик қилиш тўғрисида экани яққол ошкор ва намоён бўлади:

1. **Таблиғ оятининг Ғадийр воқеасидан олдин нозил бўлиши;** Ушбу оятдаги таҳдид оҳанги ва бошқа белги-нишонлар оддий бир дўстлик масаласи эмас, балки муҳимроқ масала ҳақида суҳбат кетаётганлигини билдиради. Негаки, дўстлик масаласида Пайғамбаримизнинг хавотирланишларига ўрин бўлмай, бу даражада аҳамият бериб, таъкидлашларига ҳожат йўқ эди. Шунингдек, бунинг устига диннинг комил бўлиши ҳақидаги ояти кариманинг Ғадийр воқеасидан сўнг нозил бўлиши пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олийҳи васаллам*)дан сўнг халифа ва раҳбарлик масаласи ўта муҳим хабар бўлганидан дарак беради.

2. **Ҳадиснинг одамларга етказилиш услуби;** Сарвари коинот томонларидан чўл ва биёбоннинг жазирама иссиқ ҳавосида турли чоратадбирлар билан узун ва муфассал хутба ўқилиши ҳамда халифалик ва раҳнамолик хабари юқори даражали аҳамият билан айтилгани ҳамда замон ва макон жиҳатидан ўта қалтис шароитда халойиқдан иқрор ва эътироф олинишининг ҳаммаси, Ғадийр ҳадисининг имомат ва вилоят масаласи бўйича содир этилганига очиқ-ойдин ва қатъий далилдир.

3. Турли шахслар ва гуруҳларнинг ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га «*мўмин ва мусулмонларнинг мавлоси ва раҳнамоси*» сифатида билдирган табриклари ва шунингдек, ўша куни Ғадийр воқеасидан сўнг ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг халифа ва пешво бўлишлари муносабати билан саҳобаларнинг мўъминлар амири ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га қилган байъат-қасамёдлари ҳамда шоирларнинг ушбу мавзуга атаб айтган шеърлари ва шунга ўхшаш ҳодисаларнинг барчаси ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг имомлик ва раҳбарлик мақомига тайин этилганлигидан ошкора далолат беради.

4. Баъзи Аҳли суннат уламоларининг айтишича, Ғадийр ҳадисидаги *مَنْعَل* вазнида келган *مَوْلَا* мавло сўзи, *أَوْلَى* яъни «*ҳақлироқ*» ва «*устунроқ*» деган маъноларни англамай, балки «*дўст*» ва «*мададкор*» деган маъноларни англатади. Шу боис, *مَوْلَا* мавло сўзи раҳнамо ва йўлбошчи маъносини билдирмайди. Ҳатто улардан бири бу борада шундай деган:

«Ҳеч бир лугат китобида бирор шахс *مَوْلَا* сўзи *أَوْلَى* ҳақлироқ ва устунроқ маъносида келган, деб ҳам даъво қилмаган.» Ҳолбуки, Каъбий, Зужжож, Абу Убайда, Ахфаш ва Мубарқаъ каби Араб тили ва адабиёти асосчиларининг айтишларича, *مَوْلَا* мавло сўзининг маъноларидан бири *أَوْلَى* ҳақлироқ ва устунроқ деганидир.<sup>1</sup>

Бундан ташқари, *مَوْلَا* мавло сўзи *أَوْلَى* ҳақлироқ ва устунроқ маъносида келганлигига далолат қилувчи аломат ва белгилардан бири Сарвари оламнинг халойикдан иқроф ва эътироф олиш учун марҳамат қилган ушбу жумлаларидир:

*أَلَسْتُ أَوْلَى بِكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ* «Мен сизларга нисбатан ўзларингиздан ҳам ҳақлироқ ва устунроқ эмасманми?» Ушбу жумладан маълум бўладиги, *مَوْلَا* сўзидан кўзланган маъно айнан *أَوْلَى* ҳақлироқ ва устунроқ маъноси бўлган.

5. *مَوْلَا* мавло сўзи раҳбар ва йўлбошчи маъносида келганига яна бир далил, Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Ғадийр хутбасини ўқиётганларида халойикдан Аллоҳнинг ягоналиги, ўзларининг пайғамбар эканликлари ва маод – қайта тирилиш ҳақ эканлиги борасида гувоҳлик олгач, бу гувоҳликнинг кетидан дарҳол мўъминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг барча мусулмонларга раҳнамо ва йўлбошчи эканлигини ошкора эълон қилганликларидир. Агар *مَوْلَا* мавло сўзи Ислом динининг устунларидан бўлган имом ва раҳбар маъносида бўлмаганида эди, Сарвари оламнинг имомат ва раҳбарлик масаласини тавҳид – Аллоҳнинг ягоналиги, нубувват – пайғамбарларга иймон ва маод – қайта тирилиш билан бирга баён қилишлари маъносиз ва номутаносиб бўларди.

Чуқурроқ қилиб айтганда, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) хутбаларининг аввалида «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. У Ягона ва Ёлғиз Зот. Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Унинг бандаси ва элчисидир, жаннат ва жаҳаннам ҳақ, ўлим ҳақ ва шакшубҳасиз, Қиёмат кунини келгайдир деб, гувоҳлик бермайсизми?», деб халойикдан иқроф ва гувоҳлик олишдан кўзлаган мақсадлари мусулмонларнинг онгини ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг раҳнамолик ва

1. Имом Фаҳри Розий, «Ат-Тафсирул Кабийр ав Мафаатийҳул ғайб», 29-жилд, 227-бет.

йўлбошчилик мақомларини қабул қилишга тайёрлаш эди. Токи, мусулмонлар ислом динининг асоси бўлган тавҳид, нубувват ва маодни қабул қилганларидек, ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг раҳбарлик ва йўлбошчилик мақомларини ҳам қабул қилсинлар.

Ушбу баёнимиздан яққол маълум бўлдики, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг Ғадийр хутбасида марҳамат қилган сўзлари ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг «дўст» ва «мададкор» эканлигини баён қилишга мутлақо алоқадор бўлмаган. Зероки, бу масала Ислом динининг асосларига умуман алоқаси йўқдир.

Уқорида келтирилганлардан ташқари, Аҳли суннат наздида ақоид ва калом илмининг буюк алломаси Саъиддин Тафтазоний ўзининг «*Шарҳул Мақосид*» номли китобида مَوْلَا мавло сўзининг асл маъноси ҳақида айтади:

قال الله تعالى: ﴿مَأْوَاكُمُ النَّارُ هِيَ مَوْلَاكُمْ﴾ أَي أَوْلَىٰ بِكُمْ. ذكره أبو عبيدة وقال النَّبِيُّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ آله وَسَلَّمَ: «أَيُّمَا امْرَأةً نَكَحْتَ نَفْسَهَا بِغَيْرِ إِذْنِ مَوْلَاهَا»، أَي الْأَوْلَىٰ بِهَا وَالْمَالِكِ لِتَدْبِيرِ أَمْرِهَا، وَمِثْلُهُ فِي الشَّعْرِ كَثِيرٌ. وَبِالْجُمْلَةِ اسْتِعْمَالُ الْمَوْلَىٰ بِمَعْنَى الْمَتَوَلَّى وَالْمَالِكِ لِلْأَمْرِ، وَالْأَوْلَىٰ بِالتَّصَرُّفِ شَائِعٌ فِي كَلَامِ الْعَرَبِ مَنْقُولٌ عَنْ كَثِيرٍ مِنْ أُمَّةِ اللُّغَةِ.

«Аллоҳ таоло Қуръонда шундай марҳамат қилади: «Жойларингиз дўзахдир! У сизларнинг мавлоингиздир» (Ҳадид сураси, 15-оят). Яъни сизларга ҳақлироқ ва муносиброқдир. Абу Убайда уни зикр қилган ва Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) дедилар: «Ҳар бир аёл мавлосининг изнисиз ўзини никоҳласа – турмушга чиқса», ушбу ҳадисда мавлоси деганда, «унга ҳақлироқ» ва «унинг ишларини бошқарадиган эгаси» тушинилади. Араб тили шеъриясида шунга ўхшаш сўзлар кўпдир. Умуман, мавло сўзининг «бошқарувчи», «иш эгаси-хўжайин» ва «тасарруф қилишда-амалга оширишда ҳақлироқ ва устунроқ» деган маънода қўлланиши араб тилида кенг тарқалган ва ушбу маъно кўплаб тилишунос пешволардан нақл қилинган».<sup>1</sup>

Шунингдек, тафсир илмининг йирик алломаси Имом Шавканий ҳам ўзининг «*Фатҳул қодийр*» номли китобида مَوْلَا мавло сўзининг асл маъноси ҳақида шундай ёзади:

1. Масуд бин Умар бин Абдуллоҳ, Саъиддин Тафтазоний номи билан танилган (вафот этган сана: 793-хижрий йил), «*Шарҳул Мақосид*», 4-жилд, 273-бет, тадқиқот: Доктор Абдурахмон Умайра.



﴿هِيَ مَوْلَاكُمْ﴾ أي: هي أولى بكم، والمولى في الأصل من يتوَلَّى مصالح الإنسان، ثم

استعمل فيمن يلازمه.

«Аллоҳнинг каломидаги «Дўзах сизларнинг мавлоингиздир» сўзининг маъноси, у сизларга ҳақлироқ ва муносиброқдир, дегани ва аслида مَوْلَا мавло сўзи инсон манфаатларини бошқарадиган, яъни раҳнамолик қиладиган киши маъносини англатади. Кейин эса шунга ҳамроҳ бўлган киши ҳақида ҳам қўлланган».<sup>1</sup>

6. Шиа ва суннийларнинг барча тафсирчи олимлари эътироф этишича, Аллоҳ таоло «Мубоҳала» оятида ҳазрати Али (алайҳис салом)ни Сарвари оламнинг жонлари деб атаган ва ҳеч ким бу масалага норозилик ва эътироз билдирмаган. Шак-шубҳасиз, Сарвари оламнинг жонлари бўлиш дўст ва мададкор бўлишдан анча юқори даражада туради. Агар ушбу ҳадиси шарифдаги «مَنْ كُنْتُ مَوْلَاً فَهَذَا عَلِيٌّ مَوْلَاً» мавло сўзининг маъноси дўст ва мададкор бўлганида эди, у даражада аҳамият ва эътибор касб этмаган бўларди ва натижада, Ҳорис бин Нуъмон каби бир шахс бу мавзуга норозилик ва эътироз билдирмаган бўларди. Чунончи «Мубоҳала» воқеасида ҳатто бир нафар ҳам эътироз билдирмагани каби. Демак, Ҳорис бин Нуъмоннинг Ғадийр ҳадисига нисбатан норозилик ва эътироз билдиришидан ошкора аён бўладики, Ғадийр ҳадисида баён этилган мавзудан кўзда тутилган мақсад, ҳазрати Али (алайҳис салом)ни раҳнамо ва йўлбошчи этиб тайинлаш масаласи бўлган, холос.

7. Ислом тарихида ёзиб қолдирилган маълумотларга кўра, ҳижратнинг биринчи йили Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) саҳобалар ўртасида биродарлик аҳд-паймонини тузиб, уларни бир-бирларига биродар қилгач, ўзлари билан ҳазрати Али (алайҳис салом) ўрталарида биродарлик аҳд-паймонини туздилар. Сарвари оламнинг бу ишлари етарли даражада ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг дўст ва биродарликдаги ўрин ва мартабаларини ҳаммага ошкор ва намоён этган эди. Шунинг учун, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Арабистон чўлининг жазирама иссиқ ҳавосидаги ўта

1. Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад, Аллома Қозий Шавканий номи билан танилган, «Фатҳул қодийр», 27-жилд, 1458-бет, Ҳадид сурасининг 15 ояти тафсирида.

оғир ва машаққатли бир шароитда юз мингдан ортиқ саҳобаларни бир ерга тўплаб ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг дўст ва биродар эканлигини уларга етказишга асло ҳожат йўқ эди. Бундан маълум бўладики, Сарвари олам анча юқори аҳамиятга эга бўлган бошқа бир мавзуни баён этмоқчи бўлганлар.

8. Қуръони Каримнинг баъзи оятларида мусулмонлар ўзаро дўст ва биродар эканликлари ошкора баён қилинган. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾

«Шак-шубҳасиз, мўминлар ўзаро биродардирлар» (Хужурот сураси, 10-оят)

﴿وَالْمُؤْمِنُونَ وَالْمُؤْمِنَاتُ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ﴾

«Мўмин эркаклар ва мўмина аёллар бир-бирларига дўстдирлар». (Тавба сураси, 71-оят)

Мазкур оятлар Сарвари оламнинг саҳобаларига маълум ва ошкор эди. Улар ушбу оятларни ўқиганликларида шак-шубҳа йўқдир. Демак, Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг Ғадийр хутбасини баён қилишдан кўзлаган мақсадлари ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг дўстлигини етказиш бўлмаган. Балки ул ҳазратнинг кўзлаган мақсадлари улкан аҳамиятга эга масала бўлиб, Сарвари коинот ўзларидан сўнг мусулмонларга раҳбар ва йўлбошчи тайинлаш бўлган.

9. Ғадийри Хум минтақаси мусулмонлар бир-бирларидан ажраладиган макон бўлгани учун ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг раҳнамо ва йўлбошчи эканликларини етказиш учун энг яхши макон эди. Зеро, ушбу ҳассос маконда имомат ва вилоят мавзусининг баён қилиниши саҳобаларнинг онгига сингиб, уларнинг ёдидан чиқмаслигига сабаб бўларди. Махсусан, ушбу тадбирнинг ўзқазилиши уч кун давом этгани сабаб ҳожилар ўз шаҳар ва диёрларига кечроқ етиб борардилар ва бу эса халойиқнинг нима сабабдан кечикиб келганликлари борасида сўрашларига сабаб бўларди ва бунинг натижасида, Ғадийри Хумда етказилган хабар мусулмонлар орасида кенг тарқалиб, уларнинг онгига сингиб қолишига олиб келарди. Мана шу томонларини ўйлаган ҳолда Расули Акрам *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* Ғадийри Хум маконини ушбу оғир масъулиятни адо этиш учун муносиб кўрган эдилар. Ва албатта, ҳазрат Жаброил ҳам ўша ерда нозил бўлиб, мазкур оятни Сарвари оламга туширдилар.

10. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Ғадийр воқеасида ҳозир бўлиб яқиндан ҳодисанинг шоҳиди бўлганларга ушбу муҳим ҳодисани ғойиб бўлганларга етказишни буюрдилар. Ул зотнинг бу сўзларидан Ғадийр воқеаси нақадар улкан аҳамиятга эга эканлиги ва ушбу ҳодиса мусулмонларнинг келажагига чуқур таъсир кўрсатиши маълум бўлади.

11. Ғадийр ҳодисасидан сўнг қуйидаги ояти карима ҳам нозил бўлди:

﴿الْيَوْمَ يَبْسُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ دِينِكُمْ﴾

«Бугун кофир бўлган кимсалар динингизга зарар етказишдан ноумид бўлдилар». (Моида сураси, 3-оят) Ушбу ояти каримадан ошкора тушуниладики, ҳазрати Али (алайҳис салом)ни Сарвари оламдан кейин ворис ва ўринбосар этиб тайинлаш билан ислом душманлари Исломга зарба бериш ва зарар етказишдан маъюс бўлган эдилар. Зеро, Ислом динини тўғри йўналишда давом эттирадиган ва инсонларни доим ҳидоят йўлига чорлайдиган илоҳий раҳнамо ва йўлбошчи тайин этилганди.

12. Сарвари олам Муҳаммад Расулуллоҳ (солаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Ғадийр хутбасида ўз «Аҳли-Байт»ларини Қуръони Карим билан бирга бўлиб ундан ажралмас эканлигини уқтириб, бу иккаласини биргаликда маҳкам тутиш ҳидоят йўли экани ва бу иккисидан узоқлашиш эса залолат ва гумроҳлик эканини таъкидлаб баён қилганларидан ошкора маълум бўладики:

1. Аҳли-Байтнинг сўзи худди Қуръоннинг ўзи каби ҳаммага ҳужжатдир ва диний масалаларда, хоҳ ақидавий бўлсин ёки фикҳий, Расулуллоҳ (солаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Аҳли-Байтларга итоат этиш лозим бўлади. Демак, Сарвари олам «Аҳли-Байт»ларининг сўзлари ва тутган йўллари барча мусулмонларга далил ва ҳужжат эканини назарга олган ҳолда бошқаларга юзланиб бўлмаслик аён бўлади. Агарчи мусулмонлар ҳар қандай масалада ихтилоф қилсалар-да, бироқ Аҳли-Байтнинг илм-маърифат нуқтаи назаридан пешво ва раҳнамо эканлиги ҳақида ихтилоф қилмасликлари керак. Зеро, ҳар иккала гуруҳ «Ғадийр» ва «Сақалайн» ҳадислари саҳиҳ ва тўғри эканини бирдамлик билан қабул қилишади ва ушбу ҳадислар бизга Қуръон ва Аҳли-Байтни ақидавий ва фикҳий масалаларда илм-маърифат пешвоси ва йўлбошчиси деб таништиради. Шу боис, агар Ислом уммати ушбу ҳадисларга амал қилишганида эди ва ҳар қандай тушунмовчилик юзага келганда, «Аҳли-Байт»га мурожаат қилганларида эди, келишмовчиликларнинг доираси торайиб, умматнинг ўртасида яқдиллик, бирдамлик ва иноқлик кенг тарқалган бўлар эди.

2. Қуръони Карим Аллоҳнинг каломи бўлиб, ҳар қандай саҳв-хатодан йироқдир. Ҳеч бир саҳв-хато ва нуқсонлик Қуръони Каримга йўл топа олмаслиги шак-шубҳасиздир. Негаки, Фуссилат сурасининг 42-оятида бу борада шундай айтилган:

﴿لَا يَأْتِيهِ الْبَاطِلُ مِنْ بَيْنِ يَدَيْهِ وَلَا مِنْ خَلْفِهِ تَنْزِيلٌ مِّنْ حَكِيمٍ حَمِيدٍ﴾

*«Ботил ва ноҳақлик бу китобнинг на олд тарафидан ва на орқасидан кира олади. Чунки, уни ҳикматли ва мақтовга сазовор бўлмиш Аллоҳ нозил қилгандир.»*

Шундай экан, саҳв-хатодан йироқ бўлмиш Қуръоннинг маъносини очиб берувчи ва ундан ажралмас бўлган «Аҳли-Байт» қандайига хатокор ва гуноҳкор бўла олади?!

---

## ҒАДИЙР ҲАДИСИ ҲАҚИДАГИ ШУБҲАГА ЖАВОБ

---

Баъзилар тарафидан Ғадийр воқеасини савол остига қўйиш мақсадида Ғадийр ҳадисига нисбатан куйидаги шубҳа илгари сурилган. Яман халқи ҳазрати Али (*алайҳис салом*)дан Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)га шикоят қилганлиги боис, ул зот ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг кўнглини кўтариш учун Ғадийри Хум деган жойда тўпланган барча халойиққа қарата: «*Али яхши одам, уни дўст тутинглар*», деб марҳамат қилганлар.

**Шубҳанинг изоҳи:** Аҳли суннатнинг Ғадийр ҳадисига бўлган энг асосий шубҳаларидан бири мана шу гапдир. Бу борада тарихда келган воқеани кўздан кечириб, бўлиб ўтган воқеа-ҳодисаларни ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

Мўминлар амири ва такводорлар сардори ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ҳажжатул видодан, яъни видолашув ҳажидан олдин закот йиғиш учун Яманга борган эдилар. Ямандан қайтаётиб, айрим саҳобалар байтулмолга тааллуқли бўлган кийимлар ва туялардан ўзларининг шахсий ишлари учун фойдаланадилар. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) бу ишдан хабар топгач, уларга ғазаб қилиб қаттиққўллик кўрсатадилар. Кийимларни уларнинг эгидан чиқартириб, уларни туядан пастга туширадилар ва сизлар байтулмолдан шахсий ишларингиз учун фойдаланишга ҳақли эмассиз, деб айтадилар. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг қаттиққўлликлари саҳобаларга оғир ботади. Шу боис, ўша саҳобалар Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг ҳузурларига келганда, ҳазрати Али (*алайҳис салом*)дан шикоят қиладилар.

Айрим Аҳли суннат уламоларининг айтишича, одамларнинг ҳазрати Али (*алайҳис салом*)дан ранжиб, у ҳазратга қарши юракларида гинакудурат пайдо бўлганини кўрган Расули Акрам (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) мусулмонларни Ғадийри Хум деган жойга тўпладилар-да,

уларга қарата: «Эй халойиқ, Алидан ранжимангиз. Али яхши одам ва агар Али қаттиққўллик қилган бўлса, дин аҳкомлари учундир», деб марҳамат қилдилар.

Ушбу шубҳанинг асл негизи Аҳли суннатнинг тарихчи олими Ибн Касирнинг қуйидаги сўзларидир:

«وَالْمَقْصُودُ أَنَّ عَلِيًّا لَمَّا كَثُرَ فِيهِ الْقَيْلُ وَالْقَالَ مِنْ ذَلِكَ الْجَيْشِ بِسَبَبِ مَنْعِهِ إِيَّاهُمْ اسْتِعْمَالَ إِبِلِ الصَّدَقَةِ وَاسْتِرْجَاعَهُ مِنْهُمْ الْخُلَلِ الَّتِي أَظْلَقَهَا لَهُمْ نَائِبُهُ، وَعَلَى مَعْدُورٍ فِيمَا فَعَلَ لَكِنِ اسْتَهْرَ الْكَلَامَ فِيهِ فِي الْحَجِيحِ، فَلِذَلِكَ - وَاللَّهُ أَعْلَمُ - لَمَّا رَجَعَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ حَجَّتِهِ وَتَفَرَّغَ مِنْ مَنَاسِكِهِ وَرَجَعَ إِلَى الْمَدِينَةِ فَتَرَبَّغَدِيرِ حُمٍ قَامَ فِي النَّاسِ حَطِيْبًا فَبِرًّا سَاحَةً عَلِيٍّ وَرَفَعَ مِنْ قَدْرِهِ وَتَبَّهَ عَلَى فَضْلِهِ، لِيُزِيلَ مَا وَقَرَ فِي نَفُوسِ كَثِيرٍ مِنَ النَّاسِ».

«Пайгамбарнинг Ғадийр ҳадисидан кўзлаган мақсадлари шуки, Али қаттиққўллик юзасидан қўшинни закотга тегишли бўлган туяларга миншидан ман этгани ва уларнинг эғнидаги тўнларини қайтариб олгани сабаб ҳазрати Алига қарши кўп сўзлар айтила бошлади ва ҳожилар ўртасида у киши тўғрисида шов-шувлар кўтарилди. Шунинг учун, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳаж амалларидан фориғ бўлиб Мадинага қайтаётганларида, Ғадийри Хум деган жойда халойиқни тўплаб, хутба ўқидилар. Хутбаларида ҳазрати Алига нисбатан айтилган гаплар нораво эканини уқтириб, у кишининг мартабасини улугладилар ҳамда ҳазрати Алининг фазилатини халойиққа уқтирдилар. Токи, шу орқали кўп одамларнинг юрагида ҳазрати Алига қарши пайдо бўлган гина-қудуратни йўқотсинлар».<sup>1</sup>

**Шубҳанинг жавоби:** Ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг Яманга борганлари тўғрисида тарихда кўп маълумотлар айтилган. Ҳазрати Али (алайҳис салом) Сарвари коинот Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг ҳаётлик чоғларида уч марта Яманга борганлар. Биринчи марта ҳазрати Али (алайҳис салом) Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг буйруқлари билан Ҳамдон қабиласининг ерларини фатҳ этиш учун Яманга бордилар. У ҳазратдан олдин Холид ибн Валид бир неча Ислом қўшинлари билан Яманга бориб олти ой халқни Исломга

1. Ибн Касир, «А-Сийратун набавийяҳ», 4-жилд, 206-бет.

даъват қилганди. Аммо Яман халқи Холид ибн Валиддан исломни қабул қилмади. Аммо ҳазрати Али *(алайҳис салом)* Яманга борганларида, дастлабки кунлардан бошлаб, Яман халқи Исломни қабул қилиб гуруҳ-гуруҳ мусулмон бўлишди.

Мўминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)* Ҳамдон қабиласининг Ислом келтирганини Пайғамбарга ёзиб юборганларида, Расули Акрам *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* уч марта Ҳамдон халқининг ҳақида дуо қилдилар. Ўша замондан бери ҳозиргача Яманнинг Ҳамдон қабиласи ҳазрати Али *(алайҳис салом)*ни дўст тутувчи шиалардир.

Ушбу сафарда саҳобалардан тўрт киши Бурайда исмли бир шахсни Пайғамбарнинг ҳузурларига бориб ҳазрати Алини ёмонлашга тарғиб қилишди. Токи, улар шу йўсинда ҳазрати Алини Пайғамбарнинг назарларидан туширмакчи бўлишди.

Бу борада Аҳли суннатнинг ҳадис манбаларида куйидагича ривоят қилинган:

عَنْ عُمَرَ بْنِ حُصَيْنٍ قَالَ: بَعَثَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ جَيْشًا، وَاسْتَعْمَلَ عَلَيْهِمْ عَلِيَّ بْنَ أَبِي طَالِبٍ، فَضَمَّ عَلِيٌّ فِي السَّرِيَّةِ، فَأَصَابَ جَارِيَةً، فَأَنْكَرُوا ذَلِكَ عَلَيْهِ. فَتَعَاقَدَ أَرْبَعَةٌ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ ﷺ فَقَالُوا: إِذَا لَقِينَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ أَخْبَرْنَاَهُ بِمَا صَنَعَ عَلِيٌّ. وَكَانَ الْمُسْلِمُونَ إِذَا رَجَعُوا مِنْ سَفَرٍ بَدَأُوا بِرَسُولِ اللَّهِ ﷺ فَسَلَّمُوا عَلَيْهِ، ثُمَّ انْصَرَفُوا إِلَى رِحَالِهِمْ. فَلَمَّا قَدِمَتِ السَّرِيَّةُ سَلَّمُوا عَلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَقَامَ أَحَدُ أَرْبَعَةٍ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَلَمْ تَرَ إِلَى عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ صَنَعَ كَذَا وَكَذَا؟ فَأَعْرَضَ عَنْهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ ثُمَّ قَامَ الثَّانِي فَقَالَ مِثْلَ مَقَالَتِهِ، فَأَعْرَضَ عَنْهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ، ثُمَّ قَامَ الثَّلَاثُ فَقَالَ مِثْلَ مَقَالَتِهِ، فَأَعْرَضَ عَنْهُ. ثُمَّ قَامَ الرَّابِعُ فَقَالَ مِثْلَ مَا قَالُوا. فَأَقْبَلَ إِلَيْهِمْ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَالْغَضَبُ يُعْرَفُ فِي وَجْهِهِ فَقَالَ ﷺ مَا تُرِيدُونَ مِنْ عَلِيٍّ؟ مَا تُرِيدُونَ مِنْ عَلِيٍّ؟ مَا تُرِيدُونَ مِنْ عَلِيٍّ؟ مَا تُرِيدُونَ مِنْ عَلِيٍّ؟ وَهُوَ وَلِيُّ كُلِّ مُؤْمِنٍ (مِنْ) بَعْدِي

Имрон ибн Хусайн ривоят қилиб айтади: «Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* бир қўшинни Яманга юбордилар ва Али ибн Абу Толибни ушбу қўшинга саркарда этиб тайинладилар. Али урушга отланди ва у ерда бир жорияни, яъни чўрини ўзиники қилиб олди. Шунда айрим саҳобалар Алининг бу ишини айбга буюриб нораво кўрдилар. Шу боис, Пайғамбар саҳобаларидан тўрт нафар Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* билан учрашганимизда, Алининг қилган ишидан ул зотни

хабардор қиламиз, деб ўзаро келишиб олдилар. Одатда мусулмонлар сафардан қайтганларида, биринчи бўлиб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни кўрар ва ул ҳазратга салом берар эдилар, сўнгра ўз уйларига кетардилар. Кўшин урушдан қайтиб келгач, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га салом беришди. Сўнгра ўша тўрт саҳобадан бири ўрnidан туриб, деди: Эй Расулуллоҳ, Али ибн Абу Толибга қарамайсизми, фалон-фалон ишни қилди?! Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) унинг сўзини тингламай, ундан юз ўғирдилар. Сўнгра улардан иккинчиси ўрnidан туриб, худди шу сўзни такрорлади, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ундан ҳам юз ўғирдилар. Сўнгра улардан учинчиси ўрnidан туриб, худди шу сўзни такрорлади, ул ҳазрат ундан ҳам юз ўғирдилар. Кейин эса уларнинг тўртинчиси ўрnidан туриб, олдингиларнинг сўзини такрорлагач, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) унга юзланиб, ваҳоланки, газаб у ҳазратнинг юзларида кўриниб турарди, ушбу ҳолда: «Алидан нима истайсиз? Алидан нима истайсиз? Алидан нима истайсиз? Шубҳасиз, Али Мендан ва Мен ҳам Алиданман. Ва у Мендан сўнг ҳар бир мўминнинг валийси ва раҳнамосидир», деб буюрдилар».<sup>1</sup>

1. Ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат уламоларидан айримларини келтирамыз:
  - Али ибн Булбулон ибн Ҳиббон Ал-Форсий, «Саҳиҳи Ибн Ҳиббон», 60-китоб: Ихбааруху ʻан манаақибис-саҳааба, 75-боб, ҳадис рақами: 1/6929.
  - Абу Исо Термизий, «Сунанут-Тирмизий», 42/50-Китаабул манаақибис ʻан Расулиллаах (с.а.о), 67/19-боб, ҳадис рақами: 3732
  - Ҳоким Нисобуррий, «Ал-Мустадраку алас-саҳийҳайн», 3-жилд, 110-бет. Ҳоким Нисобуррий ушбу ҳадис ҳақида айтади: Бу ҳадис саҳиҳ бўлиб Саҳиҳи Муслимнинг ривоят қилиш шароитига эгадир, аммо Муслим ва Бухорий ушбу ҳадисни ривоят қилмаганлар.
  - Ибн Асийр Жазарий, «Усудул зобоҳ фий маърифатис-саҳобаҳ», дору ихёит-туросил арабий нашрида: 4-жилд, 27-бет, ҳамда дорул фикр нашрида эса: 3-жилд, 603-бет.
  - Аҳмад ибн Ҳанбал, «Ал-Муснад», 4-жилд, 437-бет ва айрим нашрида эса 5-жилд, 356-бет.
  - Аҳмад ибн Ҳанбал, «Фазоилус саҳааба», Ахбаару амийрил мўъминин Али ибн Абу Толиб (алайҳимас салом) 2-жилд, 749-бет, 1035-рақамли ҳадис.
  - Абул Улоь Ал-Муборақфурий, «Тухфатул аҳвазий бишарҳи жаамийит-Тирмизий», 10-жилд, 160-бет, абваабул манаақиб, 20-боб, ҳадис рақами: 3721 ва 3796.
  - Ал-Муваффик ибн Аҳмад Ал-Хоразмий, «Ал-Маноқиб», 14-фасл, 180-рақам, 153-бет.
  - Ибн Мағозийий, «Маноқибу Амирил муъминийн», 224-бет.
  - Ал-Муттақил Ҳиндий, «Канзул уммол», 11-жилд, 599-бет, 32883-ҳадис.



Бу борада Бурайданинг ўзи шундай ривоят қилган:

أخبرنا أبو عبد الله الحافظ، أخبرنا أبو جعفر محمد بن علي الشَّيباني، حَدَّثَنَا أحمد بن حازم الغفاري، حَدَّثَنَا أبو نعيم، حَدَّثَنَا ابن أبي عُيَيْنَةَ، عن الحكم، عن سعيد بن جُبَيْر، عن ابن عباس، عن بُرَيْدَةَ الأَسْلَمِيِّ قَالَ: عَزَوْتُ مَعَ عَلِيٍّ عَلَيْهِ السَّلَامُ إِلَى اليمَنِ، فَرَأَيْتُ مِنْهُ سَيْنًا (جَفْوَةً)، فَلَمَّا قَدِمْتُ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَذَكَرْتُ عَلِيًّا فَتَنَقَّضَتْهُ، (فَلَمَّا ذَكَرْتُهُ عَلَى النَّبِيِّ تَقَضَّتْ عَلِيًّا)، فَرَأَيْتُ وَجْهَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَغَيَّرُ، فَقَالَ: يَا بُرَيْدَةُ! أَلَسْتُ أَوْلَى بِالْمُؤْمِنِينَ مِنْ أَنْفُسِهِمْ؟ قُلْتُ: بَلَى يَا رَسُولَ اللَّهِ! فَقَالَ: «مَنْ كُنْتُ مَوْلَاهُ فَعَلِيٌّ مَوْلَاهُ»

«Али билан бирга Яманга борган эдик, мен у кишидан бир нарса [қўполлик] кўрдим. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг ҳузурларига келганимда Алини эслаб, уни ёмонладим. Шу пайт, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг юзлари ўзгариб кетганини кўрдим. Шунда ул зот менга қараб: «Эй Бурайда, Мен мўминларга уларнинг ўзидан ҳам устунроқ ва ҳақлироқ эмасманми?» дедилар. Ҳа, худди шундай, эй Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам), деб жавоб қайтардим. Шунда, ул ҳазрат марҳамат қилиб дедилар: Мен кимнинг мавлоси ва раҳнамоси бўлсам, демак, Али ҳам унинг мавлоси ва раҳнамосидир».<sup>1</sup>

1. Ушбу хадисни ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат уламолари куйидагилардир:

- Муслим, «Саҳиҳи Муслим», китабу фазоилус саҳаба, мин фазоили Алий ибн Аби Толиб (фазиллоҳу анҳу) боби, 1873-рақамли хадис.
- Аҳмад ибн Ҳанбал, «Муснади Аҳмад», 5-жилд, 347-бет ва айрим нашрида эса 4-жилд, 267 ва 371-бетлар.
- Аҳмад ибн Ҳанбал, «Фазоилус саҳаба», Ахбаару амийрил мўъминин Али ибн Абу Толиб (алайҳимас салом) 2-жилд, 722 ва 723-бетлар, 989-рақамли хадис.
- Ибн Саъд, «Ат-табақотул кубро», 2-жилд, 194-бет, Миср чопи, Муҳаммад ибн Талха Аъмашдан қилган нақли асосида.
- Ҳофиз Абу Наим, «Ҳилятул авлиё», 6-жилд, 294-бет.
- Ал-Муваффиқ ибн Аҳмад Ал-Хоразмий, «Ал-Маноқиб», 14-фасл, 150-рақам, 134-бет.
- Ибн Мағозилий, «Маноқибу Амирил муъминийн», 24 ва 25-бетлар, 36-рақамли хадис.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 1-жилд, 4-боб 40-бет.
- Ҳофиз Байҳақий Шофеий, «Сунану Байҳақий» ёки «Ас-Сунанул Кубро» номи билан танилган, 10-жилд, 113-бет ҳамда 2-жилд, 148-бет.

Ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг Яманга қилган иккинчи сафарлари Мадҳаж қабиласи орасида юз берган шиддатли уруш ва тўқнашув сабабли эди. Ушбу тўқнашув бир неча одамларнинг ҳаётига зомин бўлган эди. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ўша ерга сафар қилганларидан кейин кўп одамлар Ислом динини қабул қилиб, кўп ғаниматлар, яъни урушда қўлга тушган бойликлар мусулмонларга насиб қилди. Мўминлар амири ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг ушбу сафарларидан ҳеч бир шикоят тарихда айтилмаган.

Ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг учинчи сафарлари бизнинг юритаётган баҳсимизга тегишли бўлиб, у ҳазрат ушбу учинчи сафарларида халқ орасида муҳокама ишларини амалга ошириш ва закот йиғиш учун Яман ва Нажрон минтақасига сафар қилган эдилар. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ҳануз Нажрон минтақасида бўлганларида, Сарвари коинот Муҳаммад Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) Ҳаж амалларини бажариш учун йўлга тушганлари борасида ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га мактуб йўллаб, у кишига Ямандан Ҳажга келишни буюрдилар. Мўминлар амири ҳазрати Али (*алайҳис салом*) бир неча саҳоблар билан Макка томон йўл оладилар ва йўлда келаётиб Маккага етиб бормай туриб Пайғамбар ҳам Мадинадан Макка томон келаётганларини эшитадилар. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ушбу хабарни эшитишлари билан Макка йўлидан қайтиб, бир кишини байтулмолни қўриқлаш учун масъул этиб тайинлайдилар ва ўзлари эса Пайғамбар Маккага етиб боришларидан олдин у зот билан учрашиш учун йўлга тушадилар. Пайғамбар билан учрашгач, ҳазрати Али орқага қайтадилар. Байтулмолнинг айримлар томонидан суистеъмол қилинганини кўрган ҳазрати Али (*алайҳис салом*) уларга қаттиққўллик кўрсатиб, уларни жавобгарликка тортадилар.

Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) Маккага етиб келгач, ул ҳазрат билан бирга келганлар Пайғамбарнинг хузурларига мушарраф бўлиб, ҳазрати Алидан шикоят қиладилар. Ушбу шикоятдан сўнг Расули Акрам (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) бу борада хутба ўқиб уларнинг шикояти ноўрин эканини ва ҳазрати Али дин йўлида қаттиққўл эканлигини уларга уқтирадилар. Ушбу хутба Аҳли суннатнинг тахминан йигирмага яқин мўътабар ва мўътамад манбаларида келтирилган. Биз бу ерда мухтасар шаклда келтираемиз:

Тарихнавис олим Ибн Асийр Ал-Жазарий бу борада айтади:

«فَسَكَاهُ الْجَيْشُ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ فَقَامَ النَّبِيُّ حَظِيْبًا أَيُّهَا النَّاسُ لَا تَشْكُوا عَلَيَّا فَوَاللَّهِ إِنَّهُ  
لَأَخْسَنُ فِي ذَاتِ اللَّهِ»

«Қўшин Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олийҳи васаллам)га Али (алайҳис салом)дан шикоят қилди. Шунда Пайғамбар ўринларидан туриб хутба ўқиган ҳолда шундай деб марҳамат қилдилар: Эй халойиқ, Алидан шикоят қилманг. Аллоҳга қасамёд этиб айтаманки, Али Аллоҳнинг йўлида қаттиққўлдир».<sup>1</sup>

Ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг Яманга қилган сафарларига нисбатан илгари сурилган шикоятлар бир марта Мадинада ва яна бир марта Пайғамбар Маккага кириб келишларидан олдин рўй берган, холос. Аммо Ибн Касир, Ҳалабий ва бошқалар ушбу ҳодисани бўрттириб, уни Ғадийр воқеасига алоқадор қилиб кўрсатганлар ва шу тариқа, Ғадийр ҳадисининг қадр-қийматини ўртадан кўтармоқчи бўлганлар. Ҳолбуки, бу шикоятларнинг ҳеч бири Ғадийр воқеасига ва Ғадийр ҳадисининг Сарвари оламдан содир бўлганига мутлақо алоқаси йўқдир.

1. Ушбу ҳадиснинг Аҳли суннат наздидаги айрим манбалари:

- Ибн Асийр Ал-Жазарий, «Ал-Комилу фит-тарих», 2-жилд, 301-бет.
- Аҳмад ибн Ҳанбал, «Муснади Аҳмад», 3-жилд, 86-бет.
- Ибн Ҳишом, «Сирату Ибн Ҳишом ёки Ас-Сийратун-набавийяҳ», 4-жилд, 1022-бет.
- Ибн Касир, «Ал-Бидоятун ван-Ниҳояҳ», 5-жилд, 228-бет.

---

## МУБОҲАЛА КУНИДАГИ ҲАЗРАТИ АЛИНИНГ МАРТАБАЛАРИ ҲАҚИДА

---

Зулҳижжа ойининг 24-кунида пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ва Нажрон насронийлари ўртасида бўлган мубоҳала санаси ҳисобланади. Ушбу азиз кунда ислом дини бор ҳақиқати билан куфр ва ширк қаршисида тура олди ҳамда Аллоҳнинг сўнгги Расули ва ул зотнинг Аҳли-Байтлари қалбларидаги бор иймонлари билан ушбу майдонда зафар қозондилар.

Ҳазрати Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) исломга даъват этишни кенг йўлга қўйиш учун дунёнинг кўплаб подшоҳлари, сиёсий раҳбарлари ва диний пешволарига мактублар ёзиб йўллардилар.

Ҳақиқий тавҳид, яъни якка худоликка даъват этувчи ушбу мактублардан бири Арабистон ярим оролининг жанубида яшовчи Нажрон насронийларига ҳам юборилди. Насроний уламолар муқаддас китобда Хотамуланбиё [пайғамбарларнинг сўнггиси] борасида ўқиган эдилар ва ҳазрати Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)га доир ҳақиқатларни аниқлаш учун ўзларининг энг доно ва билимдон бўлган раис ва улуғларини Аллоҳнинг сўнгги Пайғамбари билан музокара ўтказиш учун ул ҳазратнинг олдиларига юборишди.

Нажрон, Ҳижоз билан Яман орасидаги бир шаҳар эди. Улар ҳаммаси бўлиб, олтмиш нафар отлиқдан иборат бўлган ҳолда йўлга тушишди. Улардан йигирма беш киши буюклар ҳисобланарди. Улардан учтаси бошқаларидан кўра катталари эди. Улар ўз бошлиқларини «*Абдулмасиҳ*», яъни Исо Масиҳнинг кули деб атардилар. Улар орасида Абулҳорис бин Алқамма исмли бир шахс уларнинг энг кучли олими эди. У охир замон Пайғамбарининг белги ва аломатларини Инжилда ўқиган эди. Бироқ мавқеи ва шуҳратини севганлигидан мусулмон бўлолмай юрганди. Чунки, у ўз илми билан

машҳур бўлиб, қайсарлардан<sup>1</sup> икром ва эҳтиром кўрарди ҳамда бир неча бутхоналарда [черковларда] буйруқ берарди. Улар Мадинага келиб, аср намозидан сўнг Масжидга кирдилар. Уларнинг устиларида насроний руҳонийларига хос безакли кийимлар бор эди.

Шу вақтнинг ўзида уларнинг ҳам намоз вақти кириб қолиб, улар ҳам Масжиди шарифда намоз ўқишга турдилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳам мусулмонларга: «*Қўйинг, уларга тегманг, намоз ўқисинлар*», деб марҳамат қилдилар. Улар намозларини шарққа қараб ўқидилар. Уларнинг катталаридан уч нафари сўз очди. Улар ўз сўзларининг орасида ҳазрат Исо (алайҳис салом)нинг исми келганда, уни баъзида Аллоҳ, баъзан Аллоҳнинг ўғли ва гоҳида эса уч Тангиридан бири деб айтардилар. Исо пайғамбарни Худо дейишларига унинг беморларга шифо бериб, ўликларни тирилтиришини сабаб қилиб кўрсатардилар. Уни ғайбдан хабар беради, лойдан қуш ясаб унга пуфласа учиб кетарди, дердилар.

Исо пайғамбарни Худонинг ўғли дейишларига унинг отасининг муайян ва аниқ бўлмаганлигини далил қилиб келтирардилар. Уч Тангиридан бири бўлишига эса Аллоҳнинг кўпликда «*Биз қилдик, Биз яратдик*» сингари сўзларини сабаб қилиб кўрсатишга уринардилар. Агар Аллоҳ ягона бўлганида эди, У «*Мен қилдим, Мен яратдим*», - деган бўларди, дейишарди.

Сарвари коинот Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) уларни ҳақиқий тавҳид ва яккахудолик дини бўлмиш ислом динига даъват қилдилар. Бир неча ояти карималарни уларга ўқидилар. Аммо улар иймонга келмадилар. Улар: «*Биз сендан олдин иймон келтирганмиз*», дея жавоб қайтардилар. Уларнинг қайсарлигини ва ҳақиқатни инкор қилишганини кўрган Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) уларга жавобан: «*Ёлгон сўзляяписиз! Аллоҳнинг ўғли бор, деганнинг иймони бўлмайди*», деб марҳамат қилдилар. Шунда улар: Исо Аллоҳнинг ўғли бўлмаса, у ҳолда унинг отаси ким? дейишди.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ушбу саволга жавобан шундай марҳамат қилдилар:

– Биласизларми, Аллоҳ таоло ҳеч замон ўлмайди ва ҳар бир нарсани борликда тутиб турган Унинг Ўзидир. Исо (алайҳис салом) эса йўқ эди ва такрор йўқ бўлади.

– Улар: Ҳа шундай, буни биламиз, дейишди.

---

1. Насронийлар подшосига «*Қайсар*» деб ном берилган.

– Расулуллоҳ: Отасига ўхшамаган ҳеч бир бола йўқлигини билмайсизми? дедилар.

– Улар: Ҳар бир бола отасига ўхшайди. Қўй боласи қўйга ўхшайди, дейишди.

– Расулуллоҳ: Билмайсизми, Раббимиз ҳар нарсани яратади, ўстиради, озиклантиради. Ваҳоланки, Исо (*алайҳис салом*) буларнинг бирини ҳам қилмасди?! дедилар.

– Улар: Ҳа тўғри, у буларни қилмасди, дейишди.

– Расулуллоҳ: Раббимиз, Исо (*алайҳис салом*)ни Ўзи истаганидек яратмадимми? дедилар.

– Улар: Ҳа, У зот Исо (*алайҳис салом*)ни шундай яратди, дейишди.

– Расулуллоҳ: Исо (*алайҳис салом*)нинг онаси бор эди. У бошқа болалар каби дунёга келди. Улар каби озикланди. У еярди, ичарди, зарарли моддаларни ўзидан узоқлаштирарди. Буларни ҳам биласизлар, шундай эмасми? дедилар.

– Улар: Ҳа, биламиз, дейишди.

– Расулуллоҳ: У ҳолда Исо (*алайҳис салом*) қандайига сиз айтгандек бўла олади? дедилар.

Улар бирор нарса дейишга сўз топа олмай тўхтаб қолишди. Бирок бир оздан сўнг, улар: эй Муҳаммад (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*), Сен Исонинг «*Аллоҳнинг калимаси ва Ундан бир руҳ*» эканлигини айтмайсанми?», дейишди.

– Расулуллоҳ: Ҳа, тўғри деб марҳамат қилдилар.

– Улар: Эҳ, шу ҳам бизга етарли, деб ўжарликда давом этишди.

Шунинг учун, Аллоҳ таоло Сарвари оламга уларни мубоҳалага, яъни «уларнинг айтадиган сўзлари ва эътиқодлари тўғри бўлса, Аллоҳдан қарши томонга азоб юборишини ва агар уларнинг сўзлари ва эътиқодлари ёлғон бўлса, ўзларига Аллоҳдан азоб юборишини сўрашга ва бир сўз билан айтганда, Аллоҳдан ёлғон сўзловчига азоб юборишини сўрашга» чақиришни амр қилди.

Расулуллоҳ (*саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ҳам менга ишонмаётган бўлсангиз, келинглар, сизлар билан мубоҳала қилайлик, дедилар. Яъни «*Қайси биримиз ноҳақ бўлсак, ёлғончи бўлсак, Аллоҳ таоло уни лаънат қилиб унга азоб юборсин, деб сўрайлик!*», - дедилар. Аллоҳ таолонинг ушбу фармони Оли Имрон сурасининг олтмиш биринчи ояти каримасида куйидагича баён қилинган:

﴿فَمَنْ حَاجَّكَ فِيهِ مِنْ بَعْدِ مَا جَاءَكَ مِنَ الْعِلْمِ فَقُلْ تَعَالَوْا نَدْعُ أَبْنَاءَنَا وَأَبْنَاكُمْ وَنِسَاءَنَا وَنِسَاءَكُمْ وَأَنْفُسَنَا وَأَنْفُسَكُمْ ثُمَّ تَبَتُّهُلْ فَفَجَعَلْ لَعْنَةَ اللَّهِ عَلَى الْكَاذِبِينَ﴾

«Энди сизга келган илмдан кейин, [насронийлардан] кимда-ким сиз билан у ҳақида тортишса [ундай кимсаларга:] «Келинглар, ўғилларимизни ва ўғилларингизни, аёлларимизни ва аёлларингизни, биз ўзимизни, сиз ўзингизни чақирайлик-да, сўнгра Аллоҳга тазарруъ билан илтижо қилиб, ёлгончиларга Аллоҳнинг лаънати бўлишини сўрайлик», деб айтинг» (Оли Имрон сураси, 61-оят).

Нажрон насронийлари мубоҳала қилишдан олдин ўзаро шундай деб маслаҳатлашишди:

«Пайғамбар мубоҳала майдонига катта жамоа ва баланд садолар билан келса ҳам, орқага чекинмаймиз ва мубоҳала қиламиз».

Аммо улар кутилмаган бир ҳолат билан юзма-юз бўлишди.

Ҳазрати Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бир қўлларида неваралари Хусайнни кўтариб, бошқа қўллари билан Ҳасан невараларини кўлидан тутиб келардилар. Сарвари олам билан биргаликда ҳазрати Али (алайҳис салом) ва нури дийдалари ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳа) ҳам йўл олиб келардилар. Ушбу ҳолда Пайғамбаримиз ҳамроҳларига шундай буюрдилар:

«Мен нима деб дуо қилсам, сизлар фақат ОМИН дейсизлар».

Насронийлар вакиларининг ичида «Саййид» деб аталган Шарҳобил исмли бир киши ўз одамларини атрофига тўплаб: «Унинг пайғамбар эканлиги ҳар нарсасидан кўриниб турибди. У ўзининг энг азизларини мубоҳала қилиш учун олиб келган. У билан мубоҳала қилиб биз ҳам, биздан кейинги келадиган насронийлар ҳам Аллоҳнинг азобига дучор бўлиб, ундан зинҳор қутула олмагаймиз. Шак-шубҳасиз, бир балога учраймиз», - деди у.

Шунда улар мубоҳала қилишдан ортга чекиниб: «Эй Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам), биз Сендан розимиз. Нима хоҳласанг берамиз. Асҳобингдан бир амийн (ишончли) кишини бизга қўшиб юбор, берадиганларимизни унга берайлик», - дейишди.

Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) улар билан сулҳ тузиб, уларга жизя<sup>1</sup> тайин этдилар.

1. Ислом ҳокимияти паноҳида яшайдиган кофирларга тўлаш зарур бўлган маълум бир тўловга шарити исломия таъбири билан «ЖИЗЯ» дейилади.

Уларнинг жияси ҳар йили икки минг либос беришдан иборат эди. Кейимларнинг бир мингтаси Ражаб ойида, қолган бир мингги эса Сафар ойида берилиши керак эди. Ҳар либосга қирқ дирҳам (135 грамм кумуш) ҳам қўшиб берилиши керак эди. Уларнинг бошлиқлари Абдулмасиҳ ва Саййидлари Шарҳобил кейинчалик исломни қабул қилиб, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг хизматларида бўлиш билан шарафландилар.

Ушбу воқеадан яққол маълум бўладики, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан кейин ислом уммати орасида ҳаммадан афзал ва устун бўлганлар, ул зотнинг Аҳли-Байтлари бўлмиш ҳазрати Али, ҳазрати Фотима, имом Ҳасан ва имом Ҳусайн (алайҳим салавотуллоҳ)лардир. Зеро, Сарвари олам Нажрон насронийлари билан мубоҳала қилишга Аллоҳ таолонинг фармони билан Унинг даргоҳида энг азиз, юксак ва шарафли бўлган кишиларнигина олиб келдилар. Бундан маълум бўладики, фақат уларгина Пайғамбаримиздан сўнг ислом умматига раҳбарлик ва раҳнамолик қилиш ҳуқуқига эгадирлар ва қолган мусулмонлар эса уларга эргашмоқлари зарур.

Шуни таъкидламоқ лозимки, агар Сарвари оламнинг юқорида зикр қилинган Аҳли-Байтларидан ҳам афзалроқ ва юксакроқ бирор кимса бўлганида, шубҳасиз, уни мубоҳалага олиб келган бўлар эдилар. Ушбу маъно юқоридаги Қуръон оятидан очиқ-ошкор ҳолда маълумдир.

Ниҳоят, тарихий манбаларни ўрганиб чиқиб, шундай хулосага келамизки, Аҳли суннатнинг аксарият тарихчи олимларининг иттифоқи назарига кўра, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) мубоҳала чоғида хонадонларининг энг азиз ва энг суюкли кишиларини ўзлари билан бирга олиб келдилар ва бу воқеага оилаларидан ёки саҳобаларидан бошқа ҳеч кимни қўшмаганлар. Бу эса Аллоҳ таоло ва Унинг Расулунинг назарида Пайғамбар хонадонларининг аҳли кимлардан иборат эканлигини ҳамда Қуръонда Сарвари оламнинг яқинларига нисбатан эътиборли ва муҳаббатли бўлиш керак деганда кимларни ўз ичига олганини ошкора баён этади.

Бундан ташқари, Аллоҳ таоло юқоридаги «Мубоҳала» оятида ҳазрати Али (алайҳис салом)ни Сарвари оламнинг «ўзлари» ёки «жонлари»<sup>1</sup> деб атаган ва бу эса ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг энг юқори фазилатларидан бўлиб, мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом) барча

---

1. Араб тилидаги نَفْسُ نَفْسِ أُخْرَى сўзини ўзбек тилига ўгирганда, «ўзи» ёки «жони» деган маъноларни англатади. Ҳар иккаласи ҳам тўғри таржима ҳисобланади.



саҳобалардан кўра афзал ва устун эканликларига ҳамда пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан кейин фақат хазрати Алигина инсонларга йўлбошчилик ва раҳбарлик қилишга ҳақли эканликларига очиқ-ойдин далилдир<sup>1</sup>.

1. Мубоҳала воқеасини ўз китобларида келтирган Аҳли суннат олимлари куйидагилардан иборат:

- Ибн Ҳишом, «*Ас-сийратун набавийяҳ*», Байрут, Даарул-маърифат, 1-жилд, 583-бет.
- Балозирий, «*Футухул-Булдон*», 3-жилд, 71-бет.
- Абу Абдиллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Ас-соллиҳий Ашшомий, «*Субулул худо вар-рошаад фий сийрати хойрил ибод*», Байрут – Ливан, Даарул кутубил илмийях, 1414-ҳижрий қамарий, 1993-милодий йили, 6-жилд, 415, 418 ва 419-бетлар.
- Ибн Асийр Ал-Жазарий, «*Ал-Комилу фит-тарих*», 7-жилд, 359-бет.
- Ибн Холдун, «*Тариху Ибн Холдун*», Байрут – Даарул фикр, 1408-ҳижрий қамарий, 1-жилд, 478-бет.
- Тақиюддин Аҳмад ибн Али Ал-Микризий, «*Имтоъул Асмоъ*», Байрут – Даарул кутубил илмийях, 1420-ҳижрий қамарий, 2-жилд, 59 ва 95-бетлар.
- Ҳофиз Шамсиддин аз-Заҳабий, «*Тарихул ислом ва вафаътил машоҳийр вал-аълум*», 2-жилд, 695-бет.
- Абулҳасан Али ибн Ҳусайн ал-Масъудий, аш-Шофеий, «*Ат-Танбийҳ вал-Ишроф*», Байрут – Дорул маърифат, 1404-ҳижрий йили, 253-бет.
- Ёқут Ҳаммуий «*Муъжамул Булдон*», Байрут – Даару Содир, 1995-ҳижрий қамарий, 5-жилд, 268-бет.
- Ибн Жавзий, «*Ал-Мунтазим фий тарихил умами вал-мулк*», Байрут – Даарул кутубил илмийях, 1412-ҳижрий қамарий, 4-жилд, 3-бет.
- Ибн Касир, «*Ал-Бидоятун ван-Ниҳояҳ*», 5-жилд, 52-бет.
- Ибн Ҳишом, «*Сирату Ибн Ҳишом ёки Ас-Сийратун-набавийяҳ*», 1-жилд, 573-бет.
- Абул Фараж Али ибн Бурҳониддин Ал-Ҳалабий, «*Ас-Сийратул ҳалабия*», 3-жилд, 299-бет.
- Абу Бакр Байҳақий, «*Далолун-нубувваҳ ва маърифату аҳвали соҳибиш-шарийъаҳ*», 5-жилд, 385-бет.
- Яъқубий, «*Тарихул Яъқубий*», Муассасатул аълабий лил-матбуот нашрида; 2-жилд, 82-бет, Даару содир нашрида эса 1-жилд, 449-бет.
- Ибн Саъд, «*Ат-табақотул кубро*», 5-жилд, 61-бет, 1-жилд, 267-бет ва шунингдек, 7-жилд, 339-бет.
- Абу Саъд Абдул Малик бин Муҳаммад бин Иброҳим Харгуший Нишопурий, «*Шарафун-Набиййи*», Макка – Даарул башаарил-ислаамийях, 1424-ҳижрий қамарий, 144-бет.
- Ибн Кутайбах, Ад-Дийнаварий, «*Ал-имомату вас-сиёсаҳ*», 1-жилд, 208-бет.
- Ибн Асийр, Жазарий «*Усудул гобаҳ фий маърифатис-саҳобаҳ*», Даарул фикр нашрида 3-жилд, 602-бет.

---

## БАЪЗИ САҲОБАЛАРНИНГ АЛЛОҲ ФАРМОНИДАН БОШ ТОРТИШИ

---

Афсуслар бўлсинки, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* вафотларидан сўнг айрим саҳобалар Аллоҳнинг Қуръони Каримида нозил қилган фармонидан бош тортиб уни оёқ-ости қилишди ва Сарвари оламнинг ҳақиқий халифаларини ҳою ҳавасга берилиб, ноҳақлик юзасидан маккорликни ишга солиб четга чиқаришди ва ҳазрати Али *(алайҳис салом)*ни мажбурлаган ҳолда уйдан олиб чиқиб, хилофат ва раҳбарликка нолойиқ бўлган кимсага байъат-қасамёд қилишга ундашди.

Шу боис, улар Қуръоннинг қуйидаги ояти билан қораланурлар:

﴿وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ الَّذِينَ أُوتُوا الْكِتَابَ لَتُبَيِّنَنَّهُ لِلنَّاسِ وَلَا تَكْتُمُونَهُ فَنَبَذُوهُ وَرَاءَ ظُهُورِهِمْ

وَاشْتَرَوْا بِهِ ثَمَنًا قَلِيلًا فَبَيَّسَ مَا يَشْتَرُونَ﴾

«Эсланг [эй пайғамбар,] Аллоҳ китоб берган кимсалардан «Албатта, уни [китобни] одамларга очиқ баён қилурсизлар ва яширмайсизлар!» деб, аҳду паймон олган эди. Сўнг улар бу аҳду паймонни ортларига ташлашди ва уни озгина қийматга сотишди. Уларнинг бу олди-бердилари нақадар ёмондир». (Оли Имрон, 187-оят).

Аллоҳ таоло ҳазрати Али *(алайҳис салом)*ни Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг халифа ва вориси ҳамда барча мусулмонларга раҳнамо ва йўлбошчи этиб танлаганидан сўнг саҳобаларнинг ҳаммаси ушбу ҳақиқатни тан олиб унга иқрор бўлишди. Аммо нима учун Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг вафотларидан кейин ушбу ҳақ йўлдан юз ўгириб, Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг барҳақ халифа ва вориси бўлмиш ҳазрати Али *(алайҳис салом)*га эргашиш ўрнига у зотни четга чиқариб ёлғиз қўйишди ва халифаликка лойиқ бўлмаган кимсани

ўзлари учун халифа қилиб олишди? Бунинг сабаби нима?

Аҳли суннатнинг буюк олими Абу Ҳомид Ғаззолий ушбу саволга қуйидагича жавоб берган:

ذكر ابو حامد الغزالي في كتابه «سِرُّ الْعَالَمِينَ وَكَشْفُ مَا فِي الدَّارَيْنِ» أَلْفَظًا تُشْبِهُ هَذَا فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ لِعَلِيِّ بْنِ أَبِي تَالِبٍ يَوْمَ عَدِيرِ حُجْمٍ: «مَنْ كُنْتُ مَوْلَاهُ، فَعَلِيٌّ مَوْلَاهُ» فَقَالَ عُمَرُ بْنُ خَطَّابٍ لِعَلِيِّ بْنِ أَبِي تَالِبٍ: يَا أَبَا الْحَسَنِ، أَصْبَحْتَ مَوْلَايَ وَمَوْلَى كُلِّ مَوْلَى. قَالَ أَبُو حَامِدٍ: وَهَذَا تَسْلِيمٌ وَرِضًا وَتَخَكِيمٌ. ثُمَّ بَعْدَ هَذَا غَلَبَ عَلَيْهِ الْهُوَى لِحُبِّ الرِّيَاسَةِ، وَحَمَلِ عَمُودِ الْخِلَافَةِ وَعُقُودِ النُّبُوَّةِ، وَخَفَقَانَ الْهُوَى فِي قَعْفَعَةِ الرِّيَايَاتِ وَاشْتِبَاكِكَ اِزْدِحَامِ الْخِيُولِ وَفَتْحِ الْأَمْصَارِ وَسَقَاهُمْ كَأْسَ الْهُوَى فَعَادُوا إِلَى الْخِلَافِ الْأَوَّلِ، ﴿فَنَبَذُوهُ وَرَاءَ ظُهُورِهِمْ وَاشْتَرَوْا بِهِ ثَمَنًا قَلِيلًا، فَبَيْسَ مَا يَشْتَرُونَ﴾ وَلَمَّا مَاتَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ قَالَ قَبْلَ وَقَاتِهِ: «إِنِّي نَبِيٌّ بَدِئْتُ بِهِ دِينًا وَبَيَّضَاءَ لِأَزِيلَ لَكُمْ إِشْكَالَ الْأَمْرِ وَأَذْكَرَ لَكُمْ مِنَ الْمُسْتَحْقِقِ لَهَا بَعْدِي» فَقَالَ عُمَرُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ دَعَا الرَّجُلَ فَإِنَّهُ لَيَهْجُرُ.

Абу Ҳомид Ғаззолий «Сиррул оламийн ва Каишфу мо фид-дорайн» номли китобларида «Ғадийр» кунда бўлиб ўтган воқеа хусусида шундай деганлар: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) «Ғадийр Хум» кунини Али (алайҳис салом)га хитоб қилиб, шундай марҳамат қилдилар: «Мен кимнинг мавлоси ва раҳнамоси бўлсам, бас Али унинг мавлоси ва раҳнамосидир». Шунда Умар ибн Хаттоб ҳазрати Али (алайҳис салом)га қараб шундай деди: «Муборак бўлсин муборак бўлсин! Эй Абул Ҳасан, сиз менинг раҳбарим ва барча хожаларнинг раҳбари ва сарвари бўлдингиз». Умарнинг ушбу сўзи, [ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг раҳнамо ва йўлбошчи эканликларига] таслим бўлгани ҳамда ўз ризолигини изҳор қилганини англатади. Сўнгра ушбу сўздан кейин, бошиқлик ва раҳбарлик мансабини эгаллашни яхши кўргани, халифалик устунини ва пайгамбарлик аҳдини ўзига юклаб олгани, халифалик байрогини кўтариб шаҳарларни забт этиши учун от чопиб жанг қилишни истагани сабабли, нафсоний истаги унга галаба қилди ва улар ҳою-ҳавас қадаҳидаги сувга қондирилдилар ва оқибат, аввалги ихтилоф ва келишмовчиликка қайтишди. Шу боис, халифалик ва пешволик хусусида ҳазрати Али (алайҳис салом)га қарши чиқиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) фармонларини ортларига ташлашди ва уни озгина қийматга сотишди. Уларнинг бу олди-сотдилари нақадар ёмон иш бўлди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) вафотларидан бир оз олдин

шундай марҳамат қилдилар: «Менга сиёҳдон ва қогоз келтирингиз, токи [сизларга бир мактуб ёзиш билан] халифалик хусусидаги шак-шубҳаларингизни бартараф қилиб, мenden сўнг халифалик мансабига ким ҳақли ва сазовор эканини сизларга айтмай». Шунда Умар деди: Бу кишини ўз ҳолига қўйингиз. Зероки, у алаҳсирамоқда».<sup>1</sup>

Айрим саҳобалар нима сабадан ҳазрати Алидан юз ўгирганликларини тўлиқ билиб олиш учун ушбу масаланинг турли қирраларини таҳлил қилмоқ лозим. Шу боис, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) саҳобаларини чуқурроқ таниб, улар ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг халифа ва пешволигидан юз ўгирганларининг сабабини билиш мақсадида қисқача тушунча бериб ўтамиз:

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳаётларининг сўнгги йилларида Мадина мусулмонларининг аксарияти Ансор гуруҳидан ташкил топган бўлиб, улар бу шаҳрнинг маҳаллий аҳолиси ҳисобланардилар. Оз гуруҳдан ташкил топган, аммо нуфузли мусулмонлар эса муҳожирлардан иборат бўлиб, уларнинг айримлари Макка шаҳридан ва қолганлари эса бошқа ерлардан Мадинага кўчиб келган эдилар. Макка фатҳи-ғалабасидан бурун, яъни Макка мушриклари устидан қозонилган ғалабадан олдин мусулмонлар кофир ва мушрикларга қарши курашганлари сабабли, муҳожир ва Ансор гуруҳлари бир-бирлари билан бирлашган ҳолда эдилар. Аммо Макка фатҳи ва ғалабасидан сўнг ислом турли қабилалар ўртасида тарқалгач, мусулмонлар ўзларининг ички масалаларига эътибор бериб, ўзаро рақобатлашиб тортиша бошлашди.

Умуман олганда, Ансор ва муҳожирлар ўртасидаги тортишув ва рақобатда ютуқ муҳожирларники эди. Негаки улар Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) қавмидан бўлиб, исломдан илгари ҳам араблар ўртасида макбул ва аҳамиятга сазовор ўринга эга эдилар. Бироқ Мадина аҳлидан бўлган Ансор гуруҳи эса ушбу имтиёзларнинг ҳеч бирига эга эмасдилар. Шу боис, Ансор гуруҳи Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) дунёдан кўз юмганларидан сўнг ўзларининг келажакдаги вазиятларидан хавотирланардилар. Бу ҳақиқат, Расулulloҳ (соллаллоҳу

1. Ушбу сўзларнинг манбаи:

- Абу Ҳомид Ғаззолий, «Мажмуъату расаил, рисоалату Сиррул оламин ва кашфу маа фид-даарайн», 453-бет.
- Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий, «Сияру аълаамин-нубалааи», 19-жилд, 328-бет.
- Сибт ибн Жавзий, «Тазкиратул Хаваас», 64 ва 65-бетлар.

алайҳи ва олиҳи васаллам)га ҳам маълум эди. Шу сабабли, у зот муҳожирларга Ансор гуруҳи билан яхши муомалада бўлишни буюрардилар. Шунингдек, муҳожирлар билан Ансор гуруҳи ўртасидаги ихтилоф, низо ва келишмовчилик «Хунайн» жангининг ғаниматларини тақсимлаш вақти ғоятда ошкор бўлган эди.<sup>1</sup>

Бунга қўшимча, Ансор гуруҳининг ўзи Авс ва Хазраж қабилаларидан ташкил топган бўлиб, уларнинг орасида ҳам қадимдан тортишув ва низо бор эди ва бу масала эса Пайғамбардан сўнг кудрат устида тортишишни янада шиддатлантирарди. Бошқа томондан эса Қурайш қабиласининг ўзи ҳам уч тоифага бўлинганди:

**Биринчи тоифа, бани Ҳошим** [Пайғамбаримизнинг буюк боболари бўлмиш Ҳошим фарзандлари] бўлиб, улар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га ҳаммадан кўра яқинроқ эдилар ва шу боис, у ҳазратнинг йўлларини давом эттирувчи халифа ва раҳбар улар орасидан танланган эди. Бани Ҳошим қабиласининг одамлари Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) пайғамбар бўлиб танланишлари биланок, у зотни ҳимоя қилардилар. Аммо Макка фатҳидан сўнг бани Ҳошим барча Қурайш қабилаларининг ғазабига дучор бўлишди. Уларнинг исломдан олдинги қабилавий тортишув ва рақобатлашишларининг асорати Пайғамбар умрларининг сўнгги лаҳзаларига қадар давом этиб келган эди. Асосан Қурайш қабиласидан бўлган муҳожирларнинг бани Ҳошимга қарши чиқишларининг энг асосий омили, ҳазрати Али (алайҳис салом) ва шаҳидлар сарвари бўлмиш ҳазрати Ҳамза (алайҳис салом) орқали курайшлик мушрикларнинг кўпчилиги ҳалокатга учраши эди. Бу масала гина-кудурат кўчатини курайшликлар дилида ўтқазган эди. Ва шу боис, улар мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг халифалигини қабул қила олмасдилар. Бунга далил, Усмон ибн Аффоннинг ўз халифалик даврида ҳазрати Алига қарата айтган куйидаги сўзидир:

«Агар Қурайш қабиласи сени ёмон кўришса, менинг гуноҳим нима? Сен улардан юқори даражали машҳур бўлган шахсларни ўлдиргансан».

1. Мазкур ихтилоф ва келишмовчиликни ўз китобида келтирган Аҳли суннатнинг тарихчи ва муҳаддис олимлари куйидагилардан иборат:

- Ибн Ҳишом, «*Ас-Сийратун Набавийя*», 4-жилд, 139-бетдан 143-бетларгача ва айрим нашрида эса 4-жилд, 119-бетдан 122-бетларгача.
- Аҳмад ибн Ҳанбал, «*Муснади Аҳмад*», 3-жилд, 492-бет ва айрим нашрида эса 3-жилд, 76 ва 77-бетлар, 11322-ҳадис.
- Ҳайсамий, «*Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид*», бобу фазлил ансор, 10-жилд, 29 ва 30-бетлар ва айрим нашрида эса 10-жилд, 31 бетдан 33-бетларгача.

Бундан ташқари, Сарвари коинот қизлари ҳазрати Фотимаи Захро (*саломуллоҳи алайҳо*) ҳам арабларнинг ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га бўлган душманчиликлари сабабини у ҳазратнинг қиличи деб айтганлар. Шунингдек, Аббос ибн Абдул Муталлиб ҳам арабларнинг бани Ҳошимга бўлган душманчилигини тасдиқлаган.<sup>1</sup>

**Иккинчи тоифа;** Бу тоифанинг машҳур шахслари, жумладан Абу Суфён ва унинг одамлари Ислом динининг муҳолифларидан бўлиб, Абу Суфён умрининг охири лаҳзаларига қадар Ислом динига қарши душманчилик қилиб келган. Охир оқибат, ушбу тоифа Макка мушриклари устидан қозонилган ғалабада ўз жонини сақлаб қолиш учун Ислом динини юзаки қабул қилишга мажбур бўлишди. Бу тоифадагилар «*Тулақо*», яъни озод қилинганлар деб танилган бўлиб, мусулмонлар орасида ҳеч бир обрў-эътиборга эга эмасдилар.

Шу боис, Пайғамбарнинг ўринларини эгаллаб халифа бўлишга даъвогар бўла олмасдилар.

**Учунчи тоифа;** Қурайш қабиласининг ўртача шахслари бўлиб, улар икки қабила «*Бани Тайм ва Бани Удай*» қабиласидан ташкил топгандилар. Уларнинг таниқли кишилари Абу Бақр ва Умар эди. Бу иккисидан ташқари, Усмон ибн Афвон, Абдуррахмон ибн Авф ва Саъд ибн Абил Ваққос ҳам шу тоифадан эдилар. Бу тоифадаги шахслар, жумладан уларнинг бошлиқларидан бири бўлмиш Умар ибн Хаттоб, Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) буйруқларини бажаришни ўзларига вожиб деб билмасдилар. Шу боис, кўп жойларда Пайғамбар буйруқларига қарши чиқишар ёки ўз манфаатларини Сарвари олам кўрсатмаларига итоат қилишдан устун қўйишарди. Масалан; Умар ибн Хаттоб, Пайғамбарнинг ҳазрати Алини ўзларидан сўнг мусулмонларга халифа ва раҳнамо этиб тайинлашларига қарши чиққанининг сабабини мусулмонлар манфаатини назарда тутганлиги деб айтган.

Шуни унутмаслик лозимки, Умар ибн Хаттоб ўзини мусулмонлар манфаатини аниқлаб олишда Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан ҳам устун деб билар эди ва бу ҳолатни бир неча жойларда ўзидан кўрсатганди.<sup>2</sup>

Кўпчилик мусулмонлар Ғадийри Хум кунидан Сақифаи Бани Соида воқеасигача бўлган оралиқ вақтда ҳукуматга эришиш учун қабилавий тортишув ва низолар сабабли ғафлат ва бепарволикка дучор бўлишди.

1. Ибн Абдул Барр, Насруд-дурар, 2-жилд, 68-бет ва 4-жилд, 14-бет.

2. Ибн Абил Ҳадид, «*Шарҳу Наҳжил Балога*», 12-жилд, 21-бет ва шунингдек, Абул Ҳасан Ирбилий, «*Каифул гуммаҳ фий маърифатил аиммаҳ*», 2-жилд, 46-бет.

Бундай қалтис вазият, уларни Пайғамбарнинг кўрсатган йўлларида бориш ўрнига ҳукуматдан ўзлари учун ўрин эгаллашга олиб келди. Фақат Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг озгина холис саҳобаларигина ул ҳазратнинг буйруқларини бажаришни фарз деб билиб, ўзларининг шахсий ёки қабилавий манфаатларини Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) кўрсатмаларидан устун қўймасдилар. Ушбу холис саҳобалар Абу Зар Ғифорий, Аммор ибн Ёсир, Миқдод ибн Асвад, Салмоний Форсий, Ҳузайфа ибн Ямон ва Абдуллоҳ ибн Масъуд (разияллоҳу анҳум)лардан иборат эди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бу дунёдан кўз юмганларидан сўнг Ансор гуруҳи, муҳожирлар ҳукуматни эгаллаб олишларидан кўрққанликлари сабабли шошма-шошарлик билан Сақифай Бани Соида деган маконда тўпланиб, ўзаро кенгаш тузишди ва халифалик мансабини ўз тоифаларидан бўлган Авс ва Хазраж қабиласи ўртасида бўлиб олмоқчи бўлишди. Бироқ улар муҳожирларга нисбатан кучсиз ва заиф бўлганликлари сабабли халифалик мансабидан ўрин эгаллай олишмади. Юқорида зикр этилганидек, Қурайшнинг барча гуруҳи бани Ҳошим халифалигига мувофиқ эмасди. Бошқа томондан эса «Тулақо», яъни озод қилинганлар гуруҳи ҳам халифаликни эгаллашга лойиқ эмас эди. Шу боис, Қурайшнинг ўртача шахслар гуруҳи юзага келган ўзаро келишмовчиликлар, тортишув ва низолардан фойдаланиб, кечаю кундуз сазъ-ҳаракат қилиб халифалик мансабини қўлга киритишди. Бу орада ғафлат ва бепарволикка дучор бўлиш туфайли четга суриб қўйилган ягона нарса – бу Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг ҳазрати Али (алайҳис салом)ни халифа ва пешво этиб танлаш хусусидаги очик-ойдин кўрсатмалари эди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) муборак умрларининг сўнгги лаҳзаларида бемор бўлиб қолдилар. Муҳожир ва Ансордан бўлган буюк саҳобалар у зотни кўриш учун уйларига келишди. Саййид-ул анбиё Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) айрим саҳобаларнинг ҳазрати Али (алайҳис салом) халифалигига қарши чиқишлари ва келажакда нима ҳодисалар юз беришини билганлари сабабли уйларида тўпланган саҳобаларга қарата шундай марҳамат қилдилар:

حدثنا إبراهيم بن موسى حدثنا هشام عن معمر وحدثني عبد الله بن محمد حدثنا

عبد الرزاق أخبرنا معمر عن الزهري عن عبيد الله بن عبد الله عن ابن عباس رضي الله تعالى عنهما قال: «لَمَّا حَضَرَ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ الْوَفَاةَ، قَالَ: هَلُمَّ أَكْتُبْ لَكُمْ كِتَابًا لَا تَضِلُّوا بَعْدَهُ؛ وَفِي

الْبَيْتِ رِجَالٌ فِيهِمْ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ فَقَالَ عُمَرُ: إِنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَدْ غَلَبَ عَلَيْهِ الْوَجَعُ وَ عِنْدَكُمْ الْقُرْآنُ حَسْبُنَا كِتَابُ اللَّهِ، قَالَ: فَاخْتَلَفَ أَهْلُ الْبَيْتِ فَاخْتَصَمُوا فَمِنْهُمْ مَنْ يَقُولُ قَرَّبُوا يَكْتُبُ لَكُمْ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ كِتَابًا لَنْ تَضِلُّوا بَعْدَهُ وَمِنْهُمْ مَنْ يَقُولُ مَا قَالَ عُمَرُ. فَلَمَّا أَكْثَرُوا اللَّعْطَ وَالْإِخْتِلَافَ عِنْدَ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: قُومُوا عَنِّي، فَكَانَ ابْنُ عَبَّاسٍ يَقُولُ: إِنَّ الرِّزِيَةَ كُلَّ الرِّزِيَةِ مَا حَالَ بَيْنَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَبَيْنَ أَنْ يَكْتُبَ لَهُمْ ذَلِكَ الْكِتَابَ مِنْ اخْتِلَافِهِمْ وَلَعَطِهِمْ.

«Менга қогоз ва қалам келтирингиз, токи сизларга шундай бир мактуб ёзиб қолдирайки, оқибат ушбу мактуб сабабли зинҳор йўлдан озмагайсиз. Ўша ерда тўпланганлар орасидан Умар, Расулulloҳ (солаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг бу сўзларига қаршилиқ кўрсатиб: «Шубҳасиз, дард Пайгамбарга голиб келган ва у алаҳсирамоқда, сизларнинг ёнингизда Қуръон бор, Аллоҳнинг китоби биз учун етарлидир», деди.

Уйда тўпланганлар ўзаро ихтилоф қилиб тортиша бошлашди. Уларнинг айримлари Расулulloҳга қогоз ва қалам келтирингиз, токи сизларга шундай бир мактуб ёзиб қолдирсинларки, оқибат ул зотдан кейин ҳаргиз йўлдан озмагайсиз, дейишарди ва баъзилар эса Умар айтган сўзни такрорлашарди. Улар Пайгамбар ҳузурларида шовқин-сурон ва ихтилофни авжига чиқаргач, Расулulloҳ (солаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) менинг ҳузуримдан туриб кетингиз, деб буюрдилар».

«Ушбу ҳодисадан афсусланган Ибн Аббос (разияллоҳу анҳу) доимо шундай дерди:

Бутун мусибат, саҳобаларнинг ўзаро қилган ихтилофлари ва шовқин-суронлари оқибатида Расулulloҳ (солаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) уларнинг ҳидоятини учун мактуб ёзиб қолдиришларига тўсқинлик қилинганидан буён юзага келди».<sup>1</sup>

1. Ушбу дардли ҳодисани ўз китобида келтирган Аҳл суннатнинг буюк олимлари куйидагилардан иборат:

- Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳийҳул Бухорий», Китобул марзо, бобу қовлил марийз қувмуу анний, 5669-ҳадис ва шунингдек, Китобул иътисом бил-китоби вас-суннаҳ, 26-бобу кироҳийятил хилоф, 7366-ҳадис.
- Муслим ибн Ҳажжож, «Саҳийҳул Муслим», Китобул-васийях, бобу таркил-васийяти лиман лайса лаҳу шайъун ювсий фийҳи, 4123, 4124, ва 4125-ҳадислар.
- Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал, «Ал-Муснад», 1-жилд, 534-бет ва айрим нашрларда 325-бет, 2983-ҳадис.
- Ибн Касир, «Ал-бидаяту ван-ниҳаяҳу», 5-жилд, 214-бет ва айрим нашрларда 248-бет.
- Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл Ал-Балхий, «Китобул бадъи ват-тарих», 2-жилд, 136-бет.



Юз берган ушбу ҳодиса хусусида муҳим бир савол туғилади; Нима учун Умар ва унинг тарафкашлари пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳидоят йўлини кўрсатиш мақсадида уларга мактуб ёзиб қолдирмоқчи бўлганларида, бу ишга қаршилиқ кўрсатиб, у зотга нисбатан кўпол муомалада бўлишди ва ҳатто у муқаддас зотга беадаблик қилиб, «Пайғамбарга касаллик галаба қилган ва у алаҳсирамоқда», дейишди?!

Ушбу муҳим саволга Умарнинг ўзи қуйидагича жавоб берган:

وَلَقَدْ أَرَادَ فِي مَرَضِهِ أَنْ يُصْرِحَ بِاسْمِهِ فَسَنَعْتُ مِنْ ذَلِكَ إِشْفَاقًا وَحَيْظَةً عَلَى الْإِسْلَامِ، لَا وَرَبِّ هَذِهِ الْبِنْيَةِ لَا تَجْتَمِعُ عَلَيْهِ فَرِيشٌ أَبَدًا وَلَوْ وَلِيَهَا لِأَنْتَقَصْتُ عَلَيْهِ الْعَرَبَ مِنْ أَقْطَارِهَا، فَعَلِمَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ أَنِّي عَلِمْتُ مَا فِي نَفْسِهِ، فَأَمْسَكَ.

«Пайғамбар беморлик ҳолатида Алининг номини очиқ-ойдин тилга олиб, ўзларидан сўнг Али бутун мусулмонларга халифа ва пешво эканлигини очиқ-ойдин баён қилмоқчи эдилар, лекин мен ислом фойдаси учун бу иш амалга ошишига тўсқинлик қилдим. Негаки, Курайш Алининг атрофига тўпланмасдилар. Агар у халифалик мансабини эгаллаганида эди, бутун минтақа араблари унга қарши чиқишарди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) менинг нимани етказмоқчи эканликларини пайқаб қолганимни билиб, бу ишдан ортга чекиндилар».<sup>1</sup>

Шуни айтмоқ лозимки, ҳар бир иймонли инсон Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарининг ҳукми ва фармони баробарида бўйин эгиб, таслим бўлмоғи зарур. Зероки, Аллоҳ таоло бу хусусида Ўз китоби бўлмиш Қуръони Каримда шундай буюрган:

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اسْتَجِيبُوا لِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ إِذَا دَعَاكُمْ لِمَا يُحْيِيكُمْ﴾

«Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ ва Унинг Расули сизларга абадий ҳаёт бахш этадиган нарсага, яъни ҳақ динга даъват қилганларида, уларни ижобат қилингиз». (Анфол сураси, 24-оят)

﴿وَرَبُّكَ يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ وَيَخْتَارُ مَا كَانَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ سُبْحَانَ اللَّهِ وَتَعَالَى عَمَّا يُشْرِكُونَ﴾

«Парвардигорингиз Ўзи хоҳлаган нарсани яратади ва истаган ишни танлайди. Улар [бандалар] Аллоҳ ва Унинг Расули баробарида танлаш ҳуқуқига эга эмаслар». (Қасас сураси, 68-оят)

1. Ибн Абил Ҳадид, «Шарҳу Наҳжил Балога», 12-жилд, 21-бет.

﴿وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى اللَّهُ وَرَسُولُهُ أَمْرًا أَنْ يَكُونَ لَهُمُ الْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ وَمَنْ يَعْصِ اللَّهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا مُّبِينًا﴾

«Ҳеч бир иймонли эркак ва иймонли аёл учун Аллоҳ ва Унинг Расули бирор ишга ҳукм қилганида – буюрганида, [Аллоҳ ва Расулининг ҳукмини қўйиб] ўзлари хоҳлаган ишларни танлай олмаслар. Кимки, Аллоҳ ва Унинг Расулига итоатсизлик қилса, демак, очиқ залолат ва гумроҳлик-ла йўлдан озибди». (Аҳзоб сураси, 36-оят)

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг халифа, пешво, валий ва йўлбошчи этиб танланиши Аллоҳ томонидан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га юборилган ваҳий ва фармон бўлиб, барча иймонли инсонлар ушбу фармонга таслим бўлган ҳолда итоат йўлини тутишлари зарур, акс ҳолда, иймон келтирганлар гуруҳидан четга чиққан ҳисобланадилар.

Шу боис, Умар ва унинг тарафкашлари ҳавои нафсга берилиб халифалик мансабини эгаллаш мақсадида Аллоҳ ва Унинг Расули фармонидан бош тортиб итоатсизлик қилишгани, уларнинг Аллоҳ ва Унинг Расулига иймон келтирмагани ёхуд иймони заиф эканидан далолат беради. Зероки, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) мусулмонлар ҳидояти учун неники етказган бўлсалар, Аллоҳ томонидан юборилган ваҳий – фармон бўлиб, ўзларидан сўнг у зотнинг йўлларини давом эттирувчи халифа ва пешвони тайин этишлари ҳам ҳаргиз ўз томонларидан эмас эди.

Бу ҳақда Аллоҳ таоло Ўзининг ҳикматли каломи бўлмиш Қуръони Каримда шундай марҳамат қилади:

﴿وَمَا يَنْطِقُ عَنِ الْهَوَىٰ \* إِنْ هُوَ إِلَّا وَحْيٌ يُوحَىٰ﴾

«У [Расулуллоҳ] ҳавоий-хоҳиши билан сўзламас. У зот [сизларга айтган сўзлар ва Қуръон] юборилган ваҳийдан ўзга нарса эмас». (Нажм сураси, 3 ва 4-оятлар)

---

## ҚУРЪОН ОЯТИДА ҲАЗРАТИ АЛИ (А.С) ПЕШВОЛИГИНИНГ ТАСДИҚЛАНИШИ

---

فَمَا آمَنَ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ فِيكَ عَلَى نَبِيِّهِ إِلَّا قَلِيلٌ، وَلَا زَادَ أَكْثَرَهُمْ غَيْرَ تَحْسِيرٍ، وَلَقَدْ أَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى فِيكَ مِنْ قَبْلُ وَهُمْ كَارِهُونَ: ﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا مَنْ يَرْتَدَّ مِنْكُمْ عَنْ دِينِهِ فَسَوْفَ يَأْتِي اللَّهَ بِقَوْمٍ يُحِبُّهُمْ وَيُحِبُّونَهُ أَذِلَّةٍ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ أَعِزَّةٍ عَلَى الْكَافِرِينَ يُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَلَا يَخَافُونَ لَوْمَةَ لَائِمٍ ذَلِكَ فَضْلُ اللَّهِ يُؤْتِيهِ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ﴾ ﴿إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ رَاكِعُونَ وَمَنْ يَتَوَلَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا فَإِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْعَالِيُونَ﴾ ﴿رَبَّنَا آمَنَّا بِمَا أَنْزَلْتَ وَاتَّبَعْنَا الرَّسُولَ فَاكْتُبْنَا مَعَ الشَّاهِدِينَ﴾ ﴿رَبَّنَا لَا تُزِغْ قُلُوبَنَا بَعْدَ إِذْ هَدَيْتَنَا وَهَبْ لَنَا مِنْ لَدُنْكَ رَحْمَةً إِنَّكَ أَنْتَ الْوَهَّابُ﴾

«Сўнгера эса фақат оз кишиларгина Аллоҳ таоло сиз ҳақингизда Ўз Пайгамбарига нозил қилган нарсага иймон келтиришди ва иймон келтирмаган кўп гуруҳга эса зиёнкорлик ва хор-залилликдан бошқа нарса насиб этмади. Холбуки, Аллоҳ таоло бундан олдин ҳам сиз тўғрингизда оятлар нозил қилган эди, ваҳоланки, улар [кўпчиликни ўз ичига олган гуруҳ] бу оятларни қабул этишни ёқтирмас эдилар:

«Эй мўъминлар, Сизларнинг орангиздан кимда ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур ва улар ҳам Аллоҳни яхши кўрурлар. Улар мўъминларга хокисор, кофирларга эса қаттиққўл, бирор маломатгўйнинг маломатидан қўрқмай, Аллоҳ йўлида курашадиган кишилардир. Бу Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлиб, уни Ўзи истаган кишиларига берур. Аллоҳ фазлу карами кенг, билувчи Зотдир.

Сизларнинг раҳнамо ва валийингиз фақатгина Аллоҳ ва Унинг Расули ва иймон келтирганлар бўлиб, улар намозни тўла-тўқис адо этадиган ва рукуъ қилган ҳолларида закот берадиган кишилардир. Кимки Аллоҳни, Унинг Расулини ва иймон келтирганларни валий ва раҳнамо қилиб олса, [Аллоҳнинг гуруҳидандир]. Чиндан ҳам Аллоҳнинг гуруҳигина голибдирлар.» (Моида сураси, 54-оятдан 56-оятларгача)

«Эй Раббим, биз Сен нозил қилган нарсага иймон келтириб, Пайгамбарга эргашидик. Демак, бизни гувоҳлик бергувчилар қаторида ёзгин». (Оли Имрон сураси, 53-оят) «Эй Раббим, бизни ҳидоят қилганингдан сўнг, қалбларимизни ҳақ йўлдан огдирмагин ва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ато этгин! Албатта, Сенинг Ўзинггина кўп раҳмат ато этувчисан!» (Оли Имрон сураси, 8-оят).

**Изоҳ:** Абдуллоҳ бин Аббосдан шундай ривоят қилинган:

У Замзам қудуғининг ёнида ўтириб, у ерда тўпланган мусулмонларга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ҳадис айтаётган пайтда тўсатдан юзини беркитган ҳолда бошида салласи бўлган бир киши яқин келиб, Ибн Аббос ҳар гал Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ҳадис деса, у ҳам: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай деб марҳамат қилдилар, дея ул ҳазратдан ҳадис айта бошлади. Шунда Ибн Аббос Аллоҳга қасамёд қилиб, ундан ўзининг кимлигини таништиришини сўради. У эса юзини очиб: «Эй инсонлар, ҳар ким мени танимаса, мен Абу Зарман», деб ўзини таништирди ва сўнгра шундай деди:

Мана шу икки қулоғим билан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан эшитдим ва агар нотўғри ва ёлғон сўзласам, икки қулоғим қар бўлсин! Ва мана шу икки кўзим билан воқеани кўрдим. Агар ёлғон айтадиган бўлсам, икки кўзим кўр бўлсин! Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай деб буюрдилар:

عَلَيَّ قَائِدُ الْبَرَّةِ وَقَاتِلُ الْكُفْرِ مَنْصُورٌ مَنْ نَصَرَهُ وَمَخْذُولٌ مَنْ خَذَلَهُ.

«Али (алайҳис салом) яхши инсонларнинг раҳбари ва кофирларнинг эса қотилидир [уларни нобуд қилувчидир]. Кимки унга мададкор бўлса, Аллоҳ томонидан у кимсага ёрдам берилгай ва кимда-ким Алидан ўз ёрдамини дариг тутса, Аллоҳ таоло у кимсани ўз ҳолига қўйгай».

Шундан сўнг, ҳазрати Абу Зар (разияллоҳу анҳу) сўзини давом эттириб деди: Кунларнинг бирида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан

зухр намозини ўқиётганимда бир фақир-у мискин масжидга келиб, мусулмонлардан ёрдам қилишларини сўради. Лекин ҳеч ким унга бирор нарса бермади.

Шунда у муҳтож киши қўлини юқорига кўтариб, Аллоҳга илтижо қилиб деди: Эй Тангрим, Сен Ўзинг шоҳид бўлгинки, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) масжидларида туриб ёрдам сўрадим, лекин ҳеч ким менга бирор нарса бермади. Шу вақт ҳазрати Али (алайҳис салом) рукуъ ҳолатида эдилар ва ўнг қўлларидаги узукка ишора қилиб, ўша эҳтиёжманд кишига уни олишни билдирдилар. Шунда у яқинлашиб, ул ҳазратнинг бармоқларидан узукни чиқариб олди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) намоз ўқиётган ҳолда ушбу ҳодисадан огоҳ бўлдилар. Намозни тугатгач, муборак бошларини самога кўтариб, шундай марҳамат қилдилар:

اللَّهُمَّ إِنَّ أَخِي مُوسَى سَأَلَكَ فَقَالَ: ﴿رَبِّ اشْرَحْ لِي صَدْرِي وَيَسِّرْ لِي أَمْرِي وَاحْلُلْ عُقْدَةً مِنْ لِسَانِي يَفْقَهُوا قَوْلِي وَاجْعَلْ لِي وَزِيرًا مِنْ أَهْلِي هَارُونَ أَخِي أُشَدُّ بِهِ أَرْزِي وَأَشْرِكُهُ فِي أَمْرِي﴾ فَأَنْزَلْتَ عَلَيْهِ قُرْآنًا نَاطِقًا: ﴿سَنَشُدُّ عَضُدَكَ بِأَخِيكَ﴾ اللَّهُمَّ وَأَنَا مُحَمَّدٌ نَبِيُّكَ وَصَفِيُّكَ اللَّهُمَّ فَاشْرَحْ لِي صَدْرِي وَيَسِّرْ لِي أَمْرِي وَاجْعَلْ لِي وَزِيرًا مِنْ أَهْلِي عَلَيًّا أَخِي أُشَدُّ بِهِ أَرْزِي.

«Эй Аллоҳим, шубҳасиз, биродарим Мусо (алайҳис салом) Сендан сўраб, шундай деди: «Парвардигорим, Ўзинг қалбимни кенг қилгин ва ишимни осон қилгин. Ва тилимдан тугунни очгин, токи, сўзимни англасинлар. Менга ўз хонадоним аҳлидан бўлган Хорун огайнимни вазир қилгин. У билан мени қувватлантиргин. Ва уни ишимда [пайгамбарлик вазифасини адо этишимда] шерик қилгин». Оқибат, Сен ҳазрати Мусо (алайҳис салом)га: «Биз сени биродаринг билан қувватлантирурмиз», деб ваҳий нозил қилдинг.

Эй Аллоҳим, Мен Муҳаммад Сенинг Пайгамбаринг ва танлаган бандангман! Эй Тангрим, Ўзинг қалбимни кенг қилгин ва ишимни осон айлагин ва менга ўз аҳли-хонадонимдан бўлган Али биродаримни вазир қилгин. У билан мени қувватлантиргин».

Абу Зар (разияллоҳу анҳу) шундан сўнг бундай дейди:

Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг дуолари ниҳоясига етмай туриб, Аллоҳ таоло ҳузуридан ҳазрати Жаброил (алайҳис салом) Пайғамбарга нозил бўлиб, ул ҳазратга шундай

деди: Эй Расулulloҳ, Аллоҳ таоло биродарингиз Али борасида сизга ато этган нарса муборак бўлсин! Шунда Пайғамбар (с.а.о) у нима? деб сўрадилар. Ҳазрати Жаброил (алайҳис салом) деди: Аллоҳ Қиёмат кунигача Али (алайҳис салом)нинг валий, раҳнамо ва йўлбошчи эканлигини қабул қилиб, унга эргашишни умматингизга амр қилди ва сизга ушбу ояти каримани нозил қилди:

﴿إِنَّمَا وَلِيُّكُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا الَّذِينَ يُقِيمُونَ الصَّلَاةَ وَيُؤْتُونَ الزَّكَاةَ وَهُمْ رَاكِعُونَ﴾

«Сизларнинг раҳнамо ва валийингиз фақатгина Аллоҳ ва Унинг Расули ва иймон келтирганлар бўлиб, улар намозни тўла-тўқис адо этадиган ва рукуъ қилган ҳолларида закот берадиган кишилардир» (Моида сураси, 55-оят).

Юқоридаги ояти карима «إِنَّمَا» сўзи билан бошланган бўлиб, араб тилида таъкидлаш ва чеклаб қўйиш маъносини англатади ва шунинг учун мазкур ояти карима куйидаги маънодан ўзгача бўла олмайди:

«Сизларнинг валий ва раҳнамоингиз фақатгина Аллоҳ, Унинг Расули ва иймон келтирганлардирки, улар намозни тўқис адо этадиган ва рукуъ қилган ҳолда закот берадиган кишилардир».

Агарчи ояти карима кўплик шаклида келган бўлса-да, лекин юқорида зикр қилинган ҳадиси шариф асосида фақатгина ҳазрати Али (алайҳис салом) назарда тутилганлар, холос. Бунга қўшимча, Аҳли суннатнинг йирик тафсирчи олими Жоруллоҳ Замахшарий «қандайига ушбу ояти карима ҳазрати Али (разияллоҳу анҳу) ҳақида бўлиши мумкин, ҳолбуки, ушбу оят кўплик шаклида келган-ку?» деган саволга шундай жавоб беради:

كيف صحَّ أن يكون لعلِّي رضي الله عنه واللفظ لفظ جماعة؟ قلت: جيء به على لفظ الجمع وإن كان السبب فيه رجلاً واحداً، ليرغب الناس في مثل فعله فينبأوا مثل ثوابه، وليثبت على أنَّ سجية المؤمنين يجب أن تكون على هذه الغاية من الحرص على البر والإحسان وتفقد الفقراء

«Қандай қилиб ушбу валий сўзи Али (разияллоҳу анҳу) учун бўла олади, ҳолбуки, ушбу лафз кўплик ва жамоа лафзидир? деган саволга жавобан дедим: Ушбу сўз кўплик шаклида келтирилган бўлса-да, аммо нозил бўлишининг сабаби бир киши бўлган. Токи, одамлар худди шундай ишни бажаришга рағбатланиб, унинг савоби каби ажр-мукофотга эришишлари ва мўминларнинг хислати яхшилик ва хайру эҳсон қилишга ва камбагал-

муҳтожларни йўқлашга бўлган иштиёқ мана шу даражада бўлиши зарур деб огоҳлантирилиши учун кўплик шаклида келтирилди».<sup>1</sup>

Ва шунингдек, Қуръони Каримда қирқдан ошиқ оятлар мавжуд бўлиб, ушбу оятларда бир нафар учун кўплик шакли қўлланилган. Мисол тариқасида уларнинг баъзиларини келтирамыз:

﴿يَسْتَفْتُونَكَ قُلِ اللَّهُ يُفْتِيكُمْ فِي الْكَلَالَةِ﴾

«Сендан фатво сўрайдилар. Сен: «Аллоҳ сизга калола ҳақида фатво беради», деб айт» (Нисо сураси, 176-оят)

Барча муфассирларнинг айтишига биноан, ушбу оятдаги يَسْتَفْتُونَكَ кўплик шаклида келган олмошдан мурод фақат Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорийдир.<sup>2</sup>

Қуйидаги ояти каримада ҳам:

﴿يَسْأَلُونَكَ مَاذَا يُنْفِقُونَ﴾

«Сендан нимани инфоқ-эҳсон қилишни сўрайдилар». (Бақара сураси, 215-оят)

يَسْأَلُونَكَ феъли кўплик шаклида келган бўлса-да, бироқ бу кўплик шаклидан бир киши, яъни Амр ибн Жумуҳ назарда тutilган.<sup>3</sup>

Шунингдек, қуйидаги оятдаги:

﴿لَقَدْ سَمِعَ اللَّهُ قَوْلَ الَّذِينَ قَالُوا إِنَّ اللَّهَ فَقِيرٌ وَنَحْنُ أَغْنِيَاءُ﴾

«Ҳақиқатан, Аллоҳ: «Албатта, Аллоҳ камбағал ва биз боймиз», деганларнинг сўзини эшитди» (Оли Имрон сураси, 181-оят)

الَّذِينَ قَالُوا «деганлар» калимаси кўплик шаклида келган бўлса-да, аммо ундан мурод бир киши, яъни Ҳайй ибн Ахтабдир.<sup>4</sup>

1. Жоруллоҳ Замахшарий, «Тафсирул Кашиоф», 1-жилд, 649-бет, Моида сурасининг 55-ояти тафсирида.

2. Мазкур сўзнинг айрим манбаи қуйидагилардир: Муслим ибн Ҳажжож, «Саҳиҳул Муслим», 5-жилд, 238-бет. Термизий, «Сунани Тирмизий», 3-жилд, 282-бет, 2178-ҳадис ва бошқа алломалар.

3. Ушбу сўзнинг Аҳли суннат наздидаги баъзи манбалари:

- Жалолуддин Суютий, «Ад-дуррул мансур», 1-жилд, 243-бет.

- Абу Исҳоқ Аҳмад Ас-Саълабий, «Ал-Кашифу вал-баён», Тафсирус-Саълабий номи билан танилган, 2-жилд, 136-бет.

- Шаҳобуддин Олусий, «Рухул Маъоний», 2-жилд, 105-бет, мазкур оят тафсирида

4. Ибн Касир, «Тафсири Ибн Касир», 1-жилд, 443-бет, ушбу оятнинг тафсирида

Ушбу ояти каримадаги ўта ингичка масала шуки, шак-шубҳасиз, «*وَلِيٍّ*» сўзи ушбу оятда «*дўст*» ёки «*ёр-биродар*» маъносида бўлганида эди, намоз ўқийдиган ва рукуъ қилган ҳолда закот берадиган кишиларга фақат чекланибгина қолмай, умумий кўрсатма сифатида барча мусулмонларни ўз ичига оларди. Чунки, ҳамма мусулмонлар бир-бирларига нисбатан дўст ва ёр-оғайни бўлишлари лозим, ҳатто агар закот беришга қурблари етмаса ёки рукуъ қилган ҳолда закот бера олмасалар-да, бир-бирларига нисбатан дўст, ёр-биродар ва мададкордирлар.

Шунинг учун «*وَلِيٍّ*» сўзи ушбу ояти каримада дўст, ёр-оғайни ва мададкор маъносида бўла олмайди, балки «*وَلِيٍّ*» сўзи пешво, раҳнамо ва бошлиқ маъносида келган бўлиб, ушбу ояти карима бошқа оятлар каби ҳазрати Али (*алайҳис салом*) пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан сўнг барча мусулмонларга пешво, раҳнамо ва йўлбошчи эканлигига ёрқин далолат берадиган Қуръоний далилдир.

Афсуски, кўпгина мусулмонлар пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) Аллоҳнинг фармони асосида кўрсатган ҳидоят йўлидан бормадилар. Оқибат, мусулмонлар орасида турли оқим ва мазҳаблар вужудга келди.

Аҳли суннат олимлари ушбу муҳим воқеани ўз китобларида тасдиқлаб келтирганлар ва бу воқеа хусусида кўпгина ҳадисларни ривоят қилганлар. Ўша ҳадисларнинг баъзиларида мазкур ояти карима ҳазрати Али (*алайҳис салом*) рукуъ қилган ҳолларида узукларини муҳтож-мискинга берганларидан сўнг Пайғамбаримиз (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)га нозил бўлганлиги таъкидланган ва айримларида эса фақатгина бу ояти карима ҳазрати Али (*алайҳис салом*) тўғрилирида нозил бўлгани ривоят қилиниши билан чекланиб қолинган.

Ушбу муҳим бўлган воқеани пайғамбаримиз Муҳаммад (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)дан қуйидаги саҳобалар ривоят қилганлар:

1. Абдуллоҳ ибн Аббос.
2. Аммор ибн Ёсир.
3. Абдуллоҳ ибн Салом.
4. Салама ибн Кухайл.
5. Анас ибн Молик.
6. Утба ибн Ҳакам.
7. Абдуллоҳ ибн Убай.



8. Абдуллоҳ ибн Ғолиб.
9. Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорий.
10. Абу Зар Ғифорий.

Бу ўн нафар саҳобаларнинг ривоят қилишидан ташқари, ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг ўзлари ҳам ушбу воқеани ривоят қилганлар ва буларнинг барчаси Аҳли суннат алломаларининг китобларида келтирилган.

Қизиқарлиси шундаки, «*Ғоятул маром*» китобида 24 ҳадис аҳли суннат алломаларидан ва 19 ҳадис эса Аҳли-Байт мазҳабининг уламоларидан юқоридаги воқеа хусусида ривоят қилинган.<sup>1</sup>

اللَّهُمَّ إِنَّا نَعْلَمُ أَنَّ هَذَا هُوَ الْحَقُّ مِنْ عِنْدِكَ، فَالْعَنْ مَنْ عَارَضَهُ وَاسْتَكْبَرَ، وَكَذَّبَ بِهِ وَكَفَرَ،  
﴿وَسَيَعْلَمُ الَّذِينَ ظَلَمُوا أَيَّ مُنْقَلَبٍ يَنْقَلِبُونَ﴾

«Эй Аллоҳим, ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг халифа, валий ва раҳнамо этиб танлангани Сен томонингдан бўлган ҳақ фармон эканини билурмиз. Демак, бу ҳақ фармонга қаршилик кўрсатган ва Унинг қаршисида кибр-ҳаво қилиб, Уни ёлгонга чиқарган ва бу ҳақ фармонга кофир бўлган кишиларни Ўз раҳматингдан йироқлаштиргин!»

«Ва золим кимсалар эса, қай оқибат томон кетаётганликларини билиб олурлар». (Шуаро сураси, 227-оят)

- 
1. Аҳли суннат манбаларида 50 дан ортиқ китобда мазкур воқеа келтирилган, жумладан:
    - Ҳофиз Ҳасконий, «*Шавоҳиддун танзийл*», 1-жилд, 173-бетдан 184-бетларгача, 231-ҳадисдан 240-ҳадисгача.
    - Жалолуддин Суютий, «*Ад-дуррул мансур*» тафсири, 3-жилд, 104 ва 105-бетлар.
    - Байзовий, «*Тафсирул Байзовий*», 1-жилд, 272-бет.
    - Жоруллоҳ Замахшарий, «*Тафсирул Кашишоф*», 1-жилд, 682-бет.
    - Ганжий Шофей, «*Кифааятут-толиб*», 62-боб, 250-бет.
    - Ибн Касир, «*Тафсиру Ибн Касир*», 2 -жилд, 67-бет.
    - Ибн Касир, «*Ал-Бидоятун ван-Ниҳояҳ*», 6-жилд, 40 ва 41-бет, бобу фазоили Алийин.
    - Муҳиббуддин Табарий, «*Захоирул-уқбо*», 88-бет.
    - Аллома Қозий Шавконий, «*Фатҳул қодийр*», 2-жилд, 50-бет ва «*Жомийул-усул*», 9-жилд, 478-бет.
    - Воҳидий Нишобурий, «*Асбобун-нузул*», 148-бет ва бошқа китобларда ривоят қилинган.

---

## АҲЛИ-БАЙТ ЎЗГАЛАРНИ ЎЗЛАРИДАН УСТУН ҚЎЙИШЛАРИ

---

السَّلَامُ عَلَيْكَ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ، وَسَيِّدَ الْوَصِيِّينَ، وَأَوَّلَ الْعَابِدِينَ، وَأَزْهَدَ الرَّاهِدِينَ، وَرَحْمَةَ  
اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ وَصَلَوَاتُهُ وَتَحِيَّاتُهُ، أَنْتَ مُطْعِمُ الطَّعَامِ عَلَى حُبِّهِ مِسْكِينًا وَيَتِيمًا وَأَسِيرًا لَوْجِهَ اللَّهِ، لَا  
تُرِيدُ مِنْهُمْ جَزَاءً وَلَا شُكُورًا، وَفِيكَ أَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى: ﴿وَيُؤْتِرُونَ عَلَى أَنْفُسِهِمْ وَلَوْ كَانَ بِهِمْ خَصَاصَةٌ  
وَمَنْ يُوقِ شَحْنَنَفْسِهِ فَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«Салом бўлсин сизга эй мўъминлар амири ва васийлар сарвари ва ибодат қилувчиларнинг аввали ва дунёга рағбатсиз бўлган зоҳидларнинг бошлиги! Аллоҳнинг раҳмати ва Унинг баракоти ва салават-у саломлари сизга бўлсин.

Сиз эҳтиёжингиз бўла туриб, фақатгина Аллоҳнинг ризолиги учун ўз таомингизни мискин, етим ва асирга едирган, ҳамда улардан мукофот ва миннатдорчилик истамаган кишидирсиз. Ва Аллоҳ таоло сиз [ва хонадонингиз] ҳақида ушбу ояти каримани нозил қилди:

«Ва агарчи уларнинг ўзларида бирор нарсага эҳтиёж бўлса-да, бошқаларни ўзларидан устун қўюрлар. Кимки ўз нафсининг бахиллигидан сақланса, бас ана ўшалар нажот топгувчи кишилардир» (Ҳашр сураси, 9-оят).

**Изоҳ:** Ғадийр зиёратномасининг юқорида зикр қилинган ибораси Аҳли-Байтнинг буюк фазилатларидан бири бўлиб, бу ҳақда Аллоҳ таоло Ўзининг ҳикматли китоби бўлмиш Қуръони Каримда қуйидагича марҳамат қилган:

﴿وَيُطْعِمُونَ الطَّعَامَ عَلَى حُبِّهِ مِسْكِينًا وَيَتِيمًا وَأَسِيرًا. إِنَّمَا نُطْعِمُكُمْ لَوَجْهِ اللَّهِ لَا نُرِيدُ مِنْكُمْ جَزَاءً  
وَلَا شُكُورًا. إِنَّا نَخَافُ مِنْ رَبَّنَا يَوْمًا عَبُوسًا قَمْطَرِيرًا. فَوَقَاهُمُ اللَّهُ شَرَّ ذَلِكَ الْيَوْمِ وَلَقَّاهُمْ نَضْرَةً وَسُرُورًا﴾

«Ўзлари таомни суйиб – хоҳлаб турсалар-да, уни мискин, етим ва асирга берурлар. «Шубҳасиз, биз сизларни ёлғиз Аллоҳнинг розилиги учун таомлантирурмиз. Бу иш эвазига сизлардан бирор мукофот ва миннатдорчилик истамаймиз. Дарҳақиқат, биз қўрқинчли ва шиддатли бир кунда Парвардигоримиздан қўрқурмиз», дерлар. Демак, Аллоҳ уларни ўша куннинг [Киёмат кунининг] ёмонлигидан сақлади ва уларнинг юзларига тароват, дилларига эса сурур бахш этди». (Инсон сураси, 8-оятдан 11-оятларгача)

Юқорида зикр қилинган оятларнинг нозил бўлиши борасида Ибн Аббос шундай ривоят қилади:

Кунлардан бирида Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн *(алайҳимас салом)* бемор бўлиб қолдилар. Шу боис, Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* саҳобалари билан бирга ўз набираларини куришга келганларида ҳазрати Али *(алайҳис салом)*га шундай марҳамат қилдилар: Эй Абул Ҳасан, фарзандларингиз шифо топиши учун назр қилсангиз, яхши бўларди. Шунда ҳазрати Али *(алайҳис салом)*, Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)* ва уларнинг Физза номли ходималари, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн *(алайҳимас салом)* соғайиб кетсалар уч кун рўза тутамиз, деб назр қилдилар.

Айрим ривоятларга кўра, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн *(алайҳимас салом)* биз ҳам рўза тутамиз деб назр қиладилар.

Орадан ҳеч нима ўтмай, ҳар иккаласи ҳам шифо топишди. Аммо қилган назрларини адо қилмоқлик учун рўза тутишга уйларида таом топилмас эди. Шу боис, ҳазрати Али *(алайҳис салом)* уч соъ [ўша замоннинг ўлчов бирлиги] миқдорида арпа қарз олиб келдилар. Ҳазрати Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)* арпанинг учдан бир қисмини янчиб ун қилиб уйдагиларга яраша беш нон пиширдилар. Ифтор пайти ушбу нонларни тановул қилмоқчи бўлганларида бир муҳтож-мискин шахс уларнинг эшигини қоқиб шундай деди:

السَّلَامُ عَلَيْكُمْ أَهْلَ بَيْتِ مُحَمَّدٍ «Эй Муҳаммаднинг хонадони аҳли, сизларга салом бўлсин!» Мусулмон мискинларидан бўлган бир мискинман. Менга таом берингиз, Аллоҳ бунинг эвазига жаннат таомларидан сизларга ато этсин. Шунда уларнинг барчаси ўша мискин – бечорани ўзларидан устун қўйиб, ўз улушларини унга бердилар ва ўзлари эса фақатгина курук сув билан ифтор қилдилар.

Шунингдек, иккинчи кун ҳам мазкур назрни адо этиш мақсадида барча хонадон аҳли рўза тутишди. Ҳазрати Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)*

иккинчи марта ҳам арпанинг яна бир қисмини янчиб ун қилиб уйдагилар сони миқдорича нон пиширдилар. Ифтор вақти ушбу нонларни тановул қилиш учун дастурхонга қўйганларида, бир етим эшикни қоқиб улардан таом сўраб шундай деди:

السَّلَامُ عَلَيْكُمْ أَهْلَ بَيْتِ مُحَمَّدٍ «Эй Муҳаммаднинг Аҳли-Байти, сизларга салом бўлсин!» Мен муҳожирларнинг етим қолган болалариданман, менга таом берингиз. Аллоҳ сизларни Ўзининг жаннатдаги неъматларидан бахраманд этсин. Шу пайт улар ўша етимни ўзларидан устун кўриб, ўз таомларини унга бердилар ва ўзлари эса яна бир бора фақатгина куруқ сув билан ифтор қилдилар.

Учинчи кун ҳам ҳеч нарса емай рўза тутдилар. Ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо) ифтор қилиш учун қолган арпани янчиб ун қилиб нон пиширдилар. Ифтор вақти ўша нонларни тановул қилмоқчи бўлиб турганларида бир асир эшикни қоқиб, шундай деди:

السَّلَامُ عَلَيْكُمْ أَهْلَ بَيْتِ مُحَمَّدٍ «Эй Муҳаммаднинг хонадони аҳли, сизларга салом бўлсин». Мен мусулмонларга тушган бир асирман, мени таомлантингиз. Аллоҳ сизларни таомлантингиз. Шунда улар ўша асирни ўзларидан устун кўйиб ўз таомларини унга бердилар ва ўзлари эса фақатгина куруқ сув билан ифтор қилдилар.

Тўртинчи куни тонг отгач, ҳазрати Али (алайҳис салом) Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн (алайҳимас салом)нинг кўлидан тутиб, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳузурларига бордилар. Уларнинг қаттиқ очликдан титраётганларини кўрган Пайғамбар ўксинган ҳолда: «Сизларни бу ҳолда кўриш мен учун жуда огирдир», дедилар ва ул ҳазрат улар билан биргаликда ҳазрати Али (алайҳис салом) уйлари томон йўл олдилар. Уйга киргач, нури дийдалари бўлмиш ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳи алайҳо)ни меҳробда Аллоҳга ибодат қилаётган ҳолда кўрдилар. Ҳолбуки, аёллар сарварининг қаттиқ очликдан қорни орқасига ёпишган ва кўзлари эса ичига чўкиб кетган эди. Ўз жигарбандларини бу ҳолда кўрган Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) қаттиқ қайғурдилар.

Шу пайт ҳазрати Жаброил (алайҳис салом) Аллоҳ таоло томонидан ваҳий келтириб: «Эй Муҳаммад, Аллоҳ шундай хонадонингиз борлиги учун сизга табрик айтди», дея «Инсон» сурасини Расулulloҳга ўқиди:

﴿إِنَّ الْأَبْرَارَ يَشْرَبُونَ مِنْ كَأْسٍ كَانَ مِزَاجُهَا كَافُورًا﴾

﴿إِنَّ هَذَا كَانَ لَكُمْ جَزَاءً وَكَانَ سَعْيُكُمْ مَشْكُورًا﴾

оятигача бўлган ўн саккиз оят шу вақт нозил бўлди.

Ушбу ояти карима асосида маълум бўладики, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг хонадонлари аҳли бўлмиш ҳазрати Али (алайҳис салом), ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳи алайҳа), Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн (алайҳимас салом) фақат Аллоҳнинг ризолиги учунгина ўзлари таомни суюб-истаб, унга эҳтиёжлари бўлса-да, бироқ мискин, етим ва асирларни таомлантирганлар ва ўзлари эса очлик ҳолатида уч кун рўза тутганлар. Улар бажарган бу улкан ишлари эвазига ўша муҳтож-мискин, етим ва асирлардан ҳеч бир ажр-мукофот ва ҳатто миннатдорчилик ҳам истамаганлар. Чунки, улар кўркинчли ва шиддатли бир кунда, яъни Қиёмат кунида ўз Парвардигорларидан кўрқадилар. Ўз Парвардигорлари билан қилган ушбу муомалалари сабабли, Аллоҳ таоло уларни Қиёмат кунининг ёмонлигидан сақлаб, уларнинг юзларига тароват, дилларига эса сурур бахш этди.

Шуни айтмоқ лозимки, мазкур ҳадис Аҳли суннат уламоларининг ўртасида машҳур ва саҳиҳ деб тан олинган ҳадис бўлиб, ушбу ҳадис бутун асрлар давомида мутавотир<sup>1</sup> ҳисобланган.<sup>2</sup>

1. Агар бирор ҳадис бутун асрлар давомида ишончли ровийлар томонидан шу даражада кўп ривоят қилинган бўлсаки, ўша ҳадис Пайгамбаримиз томонларидан айтилганига ҳеч қандай шак-шубҳа қолмаса, ҳадисчи олимлар бундай ҳадисни «*мутавотир*» деб аташади.
2. Аҳли-Байтнинг юқорида зикр қилинган беназир фазилагини Аҳли суннатнинг кўпгина оимлари ўз китобларида келтирганлар, жумладан:
  - Аз-Замахшарий, «*Ал-Кашшоф*», 4-жилд, 505-бет, ушбу оятлар тафсида
  - Фаҳриддин ар-Розий, «*Ат-Тафсирул Кабир*», 30-жилд, 244 ва 245-бетлар, ушбу оятлар тафсида
  - Муҳаммад ибн Аҳмад Ал-Қуртубий, «*Ал-Жомийу лиаҳкомил Қуръон*», 19-жилд, 130-бетдан 134-бетларгача, ушбу оятлар тафсида
  - Шаҳобуддин Олусий, «*Рухул маъоний*», 29-жилд, 242-бетдан 244-бетларгача, ушбу оятлар тафсирида
  - Жалолуддин Суютий, «*Ал-дуррул мансур*», 8-жилд, 371-бет, ушбу оятлар тафсида
  - Ибн Ҳайён Андулусий, «*Тафсирул баҳрил муҳийт*», 8-жилд, 388-бет, ушбу оятлар тафсида
  - Аллома Қозий Шавконий, «*Фатҳул қодийр*», 5-жилд, 375 ва 376-бетлар, ушбу оятлар тафсида
  - Муҳиббуддин Табарий, «*Захоирул-уқбо*», 1-жилд, 431 ва 432-бетлар.
  - Аллома Алмир Муҳаммад Солиҳ ал-Кашфий ат-Термизий, «*Маноқибу Муртазавий*», 64 ва 65-бетлар.

---

## ҲАЗРАТИ АЛИ (А.С) – АЛЛОҲНИНГ ИЙМОНЛИ БАНДАСИ

---

وَأَنْتَ الْكَافِرُ لِلْغَيْظِ، وَالْعَافِي عَنِ النَّاسِ، ﴿وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ﴾ وَأَنْتَ الصَّابِرُ فِي  
الْبَأْسَاءِ وَالضَّرَّاءِ وَحِينَ الْبَأْسِ، وَأَنْتَ الْقَاسِمُ بِالسَّوِيَّةِ، وَالْعَادِلُ فِي الرِّعْيَةِ، وَالْعَالِمُ بِحُدُودِ اللَّهِ  
مِنْ جَمِيعِ الْبَرِّيَّةِ

«Ва сиз газабни ютувчи ва одамларнинг хато-камчиликларини афв этувчи «Ва Аллоҳ эзгу амаллар эгаларини дўст тутур». (Оли Имрон сураси, 134-оят). Сиз қийинчилик ва машаққатларда ва уруш пайтида сабр қилувчи, сиз байтулмолни мусулмонлар орасида тенг тақсимловчи ва халқ орасида адолат юзасидан иш тутувчи ҳамда халқнинг барчасидан кўра, Аллоҳнинг қонун-қоидаларини [ҳалол ва ҳаромларини] билгувчи ва огоҳ киши эдингиз».

وَاللَّهُ تَعَالَى أَخْبَرَ عَمَّا أَوْلَاكَ مِنْ فَضْلِهِ بِقَوْلِهِ: ﴿أَفَمَنْ كَانَ مُؤْمِنًا كَمَنْ كَانَ فَاسِقًا لَا يَسْتَوُونَ  
أَمَّا الَّذِينَ آمَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ فَلَهُمْ جَنَّاتُ الْمَأْوَى نُزُلًا بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ﴾

«Ва Аллоҳ таоло ҳам сизга бўлган фазлу карамидан ва сизни сазовор ва устун киши деб билишидан шундай хабар берди:

«Мўъмин бўлган киши фосиқ-итоатсиз кимса каби бўлурми? Зинҳор баробар бўлмаслар! Аммо иймон келтирган ва солиҳ амалларни қилган кишилар учун дунёда қилиб ўтган амаллари сабабли жаннати маъволари манзилгоҳ бўлур». (Сажда сураси, 18 ва 19-оятлар)

Бу ояти карима бошқа оятлар каби ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг буюк мартабаларини баён этиб, у ҳазрат Аллоҳнинг иймонли бандаларидан эканликларини уқтирган.

Аҳли суннатнинг буюк муфассир ва алломалари ва шунингдек, Аҳли-Байт мазҳабининг олимлари ушбу ояти кариманинг ким ҳақида нозил бўлгани хусусида куйидагича ривоят қилганлар:

Кунларнинг бирида Валид бин Уқба мағрурланган ҳолда ҳазрати Али (алайҳис салом)га шундай деди:

أَنَا أَبْسَطُ مِنْكَ لِسَانًا وَأَحَدٌ مِنْكَ سِنَانًا وَأَمْلَأُ لِكَتَيْبَةِ مِنْكَ.

«Мен сенга қараганда тил ва сўзлаш жиҳатидан кенг ва гуёроқ ҳамда менинг найзам сеникидан кўра ўткирроқ ва куч-қувватда эса сендан бақувватроқдирман».

Шунда ҳазрати Али (алайҳис салом) Валид бин Уқбага хитоб қилиб шундай марҳамат қилдилар:

أُسْكُتْ إِنَّمَا أَنْتَ فَاسِقٌ تَقُولُ الْكَذِبَ

«Жим тургин! Шубҳасиз, сен бузгунчи-фосиқсанки, фақат ёлгон сўзнигина айтурсан».

Шу пайт мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом)ни тасдиқлаб, Аллоҳ таоло томонидан пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га ушбу ояти карима нозил бўлди ва ҳазрати Али (алайҳис салом) Аллоҳнинг иймонли бандаси ва Валид бин Уқба эса итоатсиз-фосиқ киши эканлиги ошкор ва аён бўлди.<sup>1</sup>

وَأَنْتَ الْمُخْصُوصُ بِعِلْمِ التَّنْزِيلِ، وَحُكْمِ التَّوَالِي، وَنَصِّ الرَّسُولِ، وَلَكَ الْمَوَاقِفُ الْمَشْهُودَةُ، وَالْمَقَامَاتُ الْمَشْهُورَةُ، وَالْأَيَّامُ الْمَذْكُورَةُ، يَوْمَ بَدْرٍ وَيَوْمَ الْأَحْزَابِ ﴿إِذْ رَاغَتِ الْأَبْصَارُ، وَبَلَغَتِ الْقُلُوبُ الْحَنَاجِرَ، وَتَظُنُّونَ بِاللَّهِ الظُّنُونًا. هُنَالِكَ ابْتُلِيَ الْمُؤْمِنُونَ، وَزُلْزِلُوا زَلْزَالًا شَدِيدًا. وَإِذْ يَقُولُ الْمُنَافِقُونَ وَالَّذِينَ فِي قُلُوبِهِمْ مَرَضٌ: مَا وَعَدَنَا اللَّهُ وَرَسُولُهُ إِلَّا غُرُورًا. وَإِذْ قَالَت طَّائِفَةٌ مِّنْهُمْ: يَا أَهْلَ يَثْرِبَ لَا مَقَامَ لَكُمْ فَارْجِعُوا، وَيَسْتَأْذِنُ فَرِيقٌ مِّنْهُمُ النَّبِيَّ، يَقُولُونَ: إِنَّ بُيُوتَنَا عَوْرَةٌ، وَمَا هِيَ بِعَوْرَةٍ، إِنْ يُرِيدُونَ إِلَّا فِرَارًا﴾

1. Аҳли суннат олимлари ушбу муҳим воқеани тасдиқлаган ҳолда ўз китобларида келтирганлар, жумладан:

- Ҳофиз Ҳасканий, «Шавоҳиддуд-танзийл», 1-жилд, 445 ва 453-бетлар.
- Балозирий, «Ансобул ашроф», 1-жилд, 162-бет.
- Хатиб Бағдодий, «Тариху Бағдод», 13-жилд, 321-бет.
- Жалолуддин Суютий, «Ад-дуррул мансур», 5-жилд, 193-бет ва бошқа китобларда келтирилган бўлиб, қисқа баён қилиш мақсадида қўп манбалар зикр қилинмади.

«Ва эй мўъминлар амири, Қуръон нозил этилганининг ва оятлар таъвил-тафсирининг илми ҳамда сизни валий, раҳнамо ва бошлиқ этиб танлаш хусусидаги Пайгамбарнинг очиқ сўзлари сизга хосдир. Ҳаётингиз давомида ошкор ўринларга ва халқ орасида шуҳрат қозонган мартабаларга ҳамда Бадр ва Аҳзоб [Хандақ] урушлари каби ёдда қолгучи кунларга эга бўлган кишисиз».

Аллоҳ таоло Аҳзоб уруши ҳақида шундай деб марҳамат қилади:

«Ўшанда кўзлар хиралашиб, юраклар бўғизларга тиқилиб қолган ва сизлар Аллоҳ ҳақида турли гумонлар қила бошлаган эдингиз. Ана ўша жойда мўъминлар синалдилар ва бу қўрқувдан қаттиқ ларзага тушдилар.

Ўшанда мунофиқлар ва дилларида мараз бўлган кимсалар: «Аллоҳ ва Унинг Пайгамбари бизларга фақат ёлгон ваъда қилган эканлар», дея бошлашди. Ўшанда улардан бир тоифа одам деди: Эй Мадина аҳли, сизлар учун [бу ерда] қолиш имкони йўқдир, бас қайтиб кетинглар. Улардан яна бир гуруҳ эса: Уйларимиз очиқ-сочиқ қолган эди деб, Пайгамбардан урушга бормаслик учун изн сўрадилар. Ҳолбуки, уйлари очиқ-сочиқ эмас эди. Улар фақат уруш майдонидан қочишнигина истардилар». (Аҳзоб сураси, 10-оятдан 13-оятларгача)

وَقَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ﴿وَلَمَّا رَأَى الْمُؤْمِنُونَ الْأَحْزَابَ قَالُوا: هَذَا مَا وَعَدَنَا اللَّهُ وَرَسُولُهُ: وَصَدَقَ اللَّهُ

وَرَسُولُهُ، وَمَا زَادَهُمْ إِلَّا إِيمَانًا وَتَسْلِيمًا﴾

Ва Аллоҳ таоло ҳақиқий мўъминларни тавсиф этиб шундай деди:

«Мўъминлар ўша гуруҳларни кўрган вақтларида: «Бу Аллоҳ ва Пайгабари бизларга ваъда қилган нарсадир. Аллоҳ ва Унинг Расули рост сўзлайдилар», дейишди. Бу уруш уларга иймон ва таслимдан бошқа нарсани зиёда этмади». (Аҳзоб сураси, 22-оят)



---

## ХАНДАҚ УРУШИДАГИ ФИДОКОРЛИК ҲАҚИДА

---

فَقَتَلْتُمْ عَمْرَهُمْ، وَهَزَمْتُمْ جَمْعَهُمْ، ﴿وَرَدَّ اللَّهُ الَّذِينَ كَفَرُوا بِغَيْظِهِمْ لَمْ يَنَالُوا خَيْرًا وَكَفَى اللَّهُ  
الْمُؤْمِنِينَ الْقِتَالَ وَكَانَ اللَّهُ قَوِيًّا عَزِيزًا﴾

«Кейин сиз улардан Амр бин Абдувадни ўлдирдингиз, уларнинг жамиятини [Макка мушрикларининг қўшинларини] мағлуб этдингиз».

«Ва Аллоҳ кофирларни даргазаб ҳолларида ортларига қайтарди. Улар бирор яхшилик – фойдага эришмадилар. Аллоҳнинг Ўзи мўъминларга урушда етарли бўлди. Ва Аллоҳ Қудратли, Енгилмас Зотдир». (Аҳзоб сураси, 25-оят)

**Изоҳ:** Исломнинг дастлабки кунлари, яъни ҳижратнинг бешинчи йилида юз берган «Хандақ уруши» хусусида юқорида зикр этилган оятлар нозил қилинган бўлиб, ушбу урушда мусулмонлар мушриклар билан уришмай туриб, Аллоҳнинг инояти ва мўъжизаси билан ғолиб бўлишлари баён қилинади.

Ислом ва мусулмонларни ер юзидан буткул йўқотиш мақсадида бор куч-қувватини сарфлаб қўшин тортиб келган Макка мушриклари Мадинадаги мусулмонларни бир неча кун қуршовга олишди. Бирок улар ҳеч нарсага эриша олмай, маъюсланган ҳолда ортга чекиниб, ўз қабилалари томон йўлга тушишди.

Аллоҳнинг Хандақ урушидаги ғойбдан бўлган мадади борасида куйидагича ёзиб қолдирилган:

Бир томондан шиддатли тўфон ва совуқ шамол эсиши мушрик ва кофирларни оғир аҳволга туширди ва иккинчи томондан эса Аллоҳнинг кўринмас қўшинлари мушрик-кофирларнинг қалбига кўркув-вахшат солди. Ва учинчи томондан эса ҳазрати Али *(алайҳис салом)* уларнинг энг кучли ва қудратли қахрамони Амр бин Абдувадни қатл этишлари билан мушрик-кофирлар ноумид бўлган ҳолда Мадинаи мунавварани тарк этишди.

Ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг Хандақ жангидаги қилган фидокорликлари шу даражада эдики, пайғамбаримиз Муҳаммад

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Амр бин Абдувадни ҳалок қилиш учун урилган зарба барча инсон ва жинларнинг Қиёмат кунигача қиладиган ибодатларидан афзал ва устун эканини айтганлар.

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: صَرَبَةٌ عَلَيَّ يَوْمَ الْحُنْدَقِ أَفْضَلُ مِنْ عِبَادَةٍ ثَقَلَيْنِ

«Алининг Хандақ уруши кунндаги Амр бин Абдувадни қатл этиши учун урган зарбаси, инсон ва жинларнинг қиладиган ибодатидан афзал ва устундир».

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда ул ҳазрат шундай деганлар:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: لِمَبَارَزَةِ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ لِعَمْرٍو بْنِ عَبْدِوَدِّ يَوْمَ الْحُنْدَقِ أَفْضَلُ مِنْ أَعْمَالِ أُمَّتِي إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ.

«Али бин Абу Толиб Хандақ куннда Амр бин Абдувад билан урушиши, умматимнинг Қиёмат кунигача қиладиган амалларидан афзал ва устундир».

Юқорида зикр қилинган ояти кариманинг тафсири борасида пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг саҳобаларидан қуйидагича ривоят қилинган:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ قَالَ: لَمَّا قَتَلَ عَلِيُّ بْنُ عَبْدِوَدِّ يَوْمَ الْحُنْدَقِ، أَنْزَلَ اللَّهُ تَعَالَى:

﴿وَكَفَى اللَّهُ الْمُؤْمِنِينَ الْقِتَالَ﴾ بِعَلِيِّ.

«Абдуллоҳ бин Масъуд (разияллоҳу анҳу) дан шундай ривоят қилинган. У бу воқеа хусусида айтади: Ҳазрати Али (алайҳис салом) Амр бин Абдувадни Хандақ уруши кунни қатл этгач, Аллоҳ таоло ушбу ояти каримани нозил қилди: «Аллоҳ мўъминларга уруш борасида етарли Зотдир», яъни Аллоҳ мўъминларни Али (алайҳис салом) орқали урушсиз голиб қилди».<sup>1</sup>

1. Ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг ушбу фазилатларини ўз китобларида тасдиқлаган ҳолда келтирган Аҳли суннат алломалари қуйидагилардан иборат:

- Ҳофиз Ҳаскониий, «Шавоҳиддуд-танзийл», 2-жилд, 3-бетдан 9-бетгача.
- Ибн Асокир, «Тариху мадинати Дамашқ», 2-жилд, 420-бет.
- Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий, «Мийзонул-иътидол фий нақдир-рижол», 2-жилд, 380-бет, 41 ва 49-рақамлар.
- Ганжий Шофей, «Кифаятут-толиб», 62-боб, 234-бет.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 23-боб, 108 ва 109-бет ва 46-боб, 161-бет.
- Жалолуддин Суютий, «Ад-дуррул мансур», 5-жилд, 209-бет.
- Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳиҳайн», 3-жилд, 32-бет ва бошқа китоблар.

---

## УҲУД УРУШИДА ҲАЗРАТИ АЛИ (А.С)НИНГ БЕНАЗИР ФИДОКОРЛИКЛАРИ

---

وَيَوْمَ أُحُدٍ ﴿١﴾ إِذْ يُصْعِدُونَ وَلَا يَلْوُونَ عَلَى أَحَدٍ، وَالرَّسُولُ يَدْعُهُمْ فِي آخِرِهِمْ ﴿٢﴾، وَأَنْتَ تَدُودُ بِهِمُ  
الْمُشْرِكِينَ عَنِ النَّبِيِّ، ذَاتَ الْيَمِينِ وَذَاتَ الشِّمَالِ، حَتَّى رَدَّهُمُ اللَّهُ تَعَالَى عَنْكُمَا خَائِفِينَ، وَنَصَرَ  
بِكَ الْخَازِلِينَ.

*«Ва [сизнинг Аллоҳ наздидаги мартабангиз одамларга аён бўлган бошқа кун] Уҳуд уруши эди.*

*«Ўша пайтда мусулмонларнинг бир гуруҳи Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) атрофини бўшашиб, тоғ ва саҳрога қочишарди ва ҳеч кимга аҳамият бермасдилар. Ҳолбуки, Пайгамбар ортларидан уларни чақирардилар». Оли Имрон сураси, 153-оятига ишорадир.*

*Сиз мушрик-кофирларнинг довжорак паҳлавонларини Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ёнларидан қувиб, ўнг ва сўл томондан уларга ташланардингиз ва оқибат, Аллоҳ таоло кофирларни ваҳшат ва қўрқувга тушган ҳолларида сиз иккалангизнинг атрофингиздан узоқлаштирди ва мағлубиятга учраган Ислом лашкарига сиз орқали мадад берди».*

### **Изоҳ:**

Ҳижратнинг учинчи йили мусулмонлар учун оғир оқибатларга олиб келган катта воқеа юз берди. Бадр жангида мағлубиятга учраб, обрў-эътиборини йўқотган Қурайш қабиласи ўзини қайта тиклаб олиш мақсадида катта урушга тайёргарлик кўрди. Қурайш қабиласи ушбу урушдан қуйидаги мақсадларни кўзлаган эди:

1. Бадр жангида қўлдан берган обрў-эътиборини қайта тиклаш
2. Бадр жангида ҳалок бўлган Қурайшликларнинг қасосини олиш
3. Шимолни жанубга боғлайдиган муҳим савдо йўлини очиш

4. Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)ни ўлдириб Ислom динини бутунлай йўқ қилиш.

Қурайш қабиласи ушбу мақсадларга эришиш учун уч минг кишилик қўшин тўплаб, тўлиқ жиҳозлар ва қурол-яроқлар билан майдонга келди. Уларнинг қурол-яроқ ва имкониятлари: Етти юзта совут кийган аскарлар, икки юз отлик, юк ташиш ва овқатланиш учун уч минг туя ва Абу Суфённинг хотини Ҳинд бошчилигидаги Макканинг ўн тўрт нафар машҳур қўшиқчи аёлларидан иборат эди. Бу аёллар қўшиқ ва тароналар айтиш билан мушрик ва кофирлар лашкарининг руҳиятини мустаҳкамлар эдилар.

Пайғамбар (с.а.в) Қурайшнинг қўшин тортиб келаётганидан хабар топгач, мусулмонларни тўпланишга чақирдилар. Мусулмонларнинг мингга яқини урушга тайёрланди. Қурайш мушрикларига қарши уришиш услуби ҳақида мусулмонлар ўртасида турли фикр ва маслаҳатлар бўлиб ўтгач, ниҳоят, мусулмонлар қўшини Мадинанинг шимолида жойлашган Уҳуд тоғи этаги томон йўл олишди. Шаҳарга кириш йўли шимол томондан эканини билган душман Мадинанинг жанубига етиб борганидан сўнг шимол томонга келиб, Ислom қўшини рўпарасида қароргоҳ тузиб ўрнашди.

Мусулмонлар билан Макка мушриклари ўртасидаги қонли тўқнашув Уҳуд тоғи этагида юз берган сабаб, ушбу урушга «Уҳуд жанги» дейилган.

Уҳуд тоғи оралиғида «Айнайн» деган бир бўғоз бор эди. Ушбу жойнинг ўта қалтислиги сабабли, Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) Абдуллоҳ ибн Жубайр қўмондонлиги остида ўқ отар эллик кишини Уҳуд тоғининг ушбу «Айнайн» бўғозига тайинладилар ва уларга бу ерни ҳеч қандай шароитда, мусулмонлар ғолиб келадими ёки мағлуб бўладими, у зотнинг руҳсатисиз тарк этмасликни буюрдилар. Уҳуд жанги бошланди ва дастлаб Ислom қўшини яхши уршиб, турли мавқеларни эгаллади ва оқибат ғалабага эришди. Бироқ «Айнайн» бўғози ҳимоячиларининг қилган суғлиги ва хатоси натижани ўзгартирди. Мусулмонларнинг илк ғалабасини кўрган «Айнайн» бўғозининг ўқ отар ҳимоячилари ўз мажбуриятларини тарк этиб, жанг ўлжаларини қўлга кириш учун тоғдан пастга тушишди. Фақат Абдуллоҳ ибн Жубайр ва яна бир неча оз сонли кишиларгина жойларидан силжимай, ўша ерда қолишди. Бошқа мусулмонлар ҳам урушдан қўл тортиб, ўлжа йиға бошлашди.

Ҳали уруш майдонига кирмай, Қурайш қўшинларининг мағлубиятини кузатиб турган душман эҳтиёт кучлари қўмондони Холид бин Валид агар мусулмонлар «Айнайн» бўғозини химоя қилмасалар, уларга шу жойдан туриб зарба бериш мумкинлигини тушиниб етди. Холид бин Валид мусулмонларнинг Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) фармонларидан бўйин товлаб, «Айнайн» бўғозини тарк этишлари билан кўзлаган мақсадига етди. У қўл остидаги аскарлари билан ушбу жойга ҳамла қилди. Бироқ Абдуллоҳ ибн Жубайр ва унинг оз сонли одамлари ўша «Айнайн» бўғозиди қолиб, душман бу қалтис жойни мусулмонлардан олмаслиги учун душманга қарши ўқ узардилар, аммо уларнинг ўқлари тугаб қолди. Кейин эса улар найзалар билан душманга жанг қилишди. Уларнинг найзалари сингач, қилич кўтариб душман билан жонона уришдилар ва оқибат, бу йўлда шаҳид бўлдилар. Бу оз сонли кишиларнинг шаҳид бўлиши билан душманнинг ҳарбий кучлари орқадан ҳужум қилиб, мусулмонларга қаттиқ зарба берди. Қурайшнинг қочаётган қўшини Холиднинг ушбу ҳужумидан хабар топгач, руҳланиб уруш майдонига қайтиб келди. Бу юзага келган янги вазиятда мусулмонларнинг бир гуруҳи шаҳид бўлишди ва Ислом қўшинининг қолган аскарлари эса жанг майдонидан қочиб кетишди. Вазият шу даражада оғирлашдики, Сарвари олам Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан атиги тўрт-беш киши уруш майдонида қолди. Улар: мўминлар амири ҳазрати Али, Талҳа, Зубайр ва Абу Дожана Ансорий эдилар.

Жароҳатланганларга ёрдам кўрсатиш учун келган Насиба бинти Каъб ал-Ансория исмли муслима аёл Пайғамбар (с.а.в)нинг ёлғиз ҳолда ва хавф остида қолганларини кўриб, қўлига қурол олди ва ул ҳазратни химоя қилди. Пайғамбар (с.а.в) сўнгги лаҳзаларгача уруш майдонида қолдилар. Душманлар у зотни ўлдирмоқчи бўлишганида ҳазрати Али, тўрт-беш киши ва ўша муслима аёл Пайғамбарнинг ёнларида туриб, Макка кофирларига қарши уришдилар. Ушбу Уҳуд жангида Сарвари коинотнинг муборак пешоналари ёрилиб, бошлари ва юзларини қон қоплади ҳамда мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом) 70 га яқин тан жароҳати олиб, бутун баданлари қонга беланди. Аммо халифаликни даъво қилиб уни тортиб олган кишилар эса уруш майдонидан қочиб, Уҳуд тоғининг тепасига чиқиб ўрнашиб олишди.

Тарихда айтилишича, Пайғамбар (с.а.в) уларнинг исмини тилга олиб қақирадилар, лекин улар шу даражада кўрқиб қочишадикки, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг қақирувларига жавоб бермасдилар ҳам. Қуръони Каримда бу ҳақда шундай дейилган:

﴿إِذْ تَصْعَدُونَ وَلَا تَلُونَ عَلَيَّ أَحَدٍ وَالرَّسُولُ يَدْعُوكُمْ فِي آخِرِنَا﴾

«Ҳеч кимга боқмай жанг майдонидан қочиб, тогга чиқиб кетган пайтингизни эсланг! Ҳолбуки, Пайгамбар ортингиздан сизларни чақирарди». (Оли Имрон сураси, 153-оят)

Ҳатто улардан бири Мадина мунофиқларининг бошлиғи бўлмиш Абдуллоҳ ибн Убай ёнига одам юбориб, Абу Суфёндан уларга омонлик беришини сўрамоқчи бўлди. Чунки, Абдуллоҳ ибн Убай бу урушда қатнашмаган эди ва Абу Суфён наздида обрў-эътиборга эга эди. Уҳуд урушида жуда хавфли вазият юзага келди. Зеро, душманлар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни қўлга олиш ёки ўлдириш учун бор кучини сарфлашди. Бундай оғир шароитда ҳам Сарвари олам уруш майдонида душмандан асло қочмай, уларга қарши қаттиқ турдилар, бироқ у зотнинг ҳимоячилари жуда кам эди. Айрим тарихий маълумотларга кўра, вазият шу даражага етиб бордики, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ёнларида фақат мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом) қолдилар ва ҳамма жанг майдонидан қочиб кетди. Ҳазрати Али (алайҳис салом) ёлғиз ҳолда душман ҳужумига қарши туриб, Расулulloҳ (с.а.в)ни ҳимоя қилдилар ва душман у зотга етиб боришига тўсқинлик қилдилар. Бу йўлда ҳазрати Али (алайҳис салом)га кўп жароҳатлар етди.

Мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг ўзлари бу борада шундай деганлар:

«وَلَقَدْ عَلِمَ الْمُسْتَحْفِظُونَ مِنْ أَصْحَابِ مُحَمَّدٍ ﷺ أَيُّ لَمْ أَرَدَ عَلَى اللَّهِ وَلَا عَلَى رَسُولِهِ سَاعَةً فَطَّوْلًا وَلَقَدْ وَاسَيْتُهُ بِنَفْسِي فِي الْمَوَاطِنِ الَّتِي تَنْكُصُ فِيهَا الْأَبْطَالُ وَتَتَأَخَّرُ فِيهَا الْأَقْدَامُ نَجْدَةً أَكْرَمَنِي اللَّهُ بِهَا»

«Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг сир-асрорларини сақловчи барча саҳобалар билишадикки, мен Аллоҳ ва Унинг Расулунинг амридан ҳеч қачон бош тортмаганман. Дарҳақиқат, мен қаҳрамонларнинг оёғи қалтираб орқага чекинадиган жойларда жонимни фидо қилиб, Пайгамбарга ёрдам берардим. Аллоҳ таоло менга довюраклик ва мардоналикни ато этиши билан мени эъзозлади». (Наҳжул Балоға, 197-хутба)

Шуни айтиш лозимки, Аллоҳ таоло Уҳуд урушида мусулмонларга ғалаба қозонишни ваъда қилган эди ва У ўз ваъдасининг устидан чиқди. Зеро, мусулмонлар Уҳуд урушида дастлаб Макка мушриклари

устидан ғалаба қозонишди. Бироқ мусулмонлар ғалабадан сўнг заифлашиб, душман қўшинлари ташлаб кетган ўлжаларни йиғиб олишда бир-бирлари билан жанжаллашиб қолишди ва уларнинг дунё мол-матоси устидаги низо-ихтилофлари қозонилган ғалабани мағлубиятга айлантирди. Бу борада Аллоҳ таоло Куръони Каримда шундай марҳамат қилади:

﴿وَلَقَدْ صَدَقَكُمُ اللَّهُ وَعْدَهُ إِذْ تَحُسُّونَهُم بِإِذْنِهِ حَتَّى إِذَا فَشِلْتُمْ وَتَنَزَّعْتُمْ فِي الْأَمْرِ وَعَصَيْتُم مِّن بَعْدِ مَا أَرَاكُمْ مَا تُحِبُّونَ مِّنكُمْ مَّن يُرِيدُ الدُّنْيَا وَمِنْكُمْ مَّن يُرِيدُ الْآخِرَةَ﴾

«Шубҳасиз, [Уҳуд жангида] Аллоҳ сизларга берган ваъдасининг устидан чиқди. Ўшанда сизлар Унинг изни билан кофирларни қира бошладингиз. Токи сизлар заифлашиб, [уруш] иши борасида ўзаро жанжаллашиб қолдингиз ва ўзингиз яхши кўрган нарсаларингизни [жанг ўлжаларини] сизга кўрсатганидан сўнг итоатсизлик қилдингиз. Орангизда дунёни хоҳлайдиган кимсалар бор ва орангизда охиратни хоҳлайдиган кишилар бор». (Оли Имрон сураси, 152-оят)

Ислом дини таълимотларида халифа ва пешво учун белгиланган шартлардан бири шижоат ва кўркмаслик хусусиятидир. Шижоат ва кўркмаслик исломий ҳукмдорнинг асосий шартларидан бири бўлиб, шижоат ва довюрракликка эга бўлмаган киши халифаликка лойиқ эмаслиги айтилади.

Чунки, халифа ва пешвонинг вазифаларидан бири Ислом ва мусулмонлар ҳудудини ҳимоя қилиш ва душманлар ҳужумига қарши тура олишдир. Агар мусулмонлар халифаси ўзи кўрқок бўлса, ҳужумга буйруқ бермайди ва ўзи ҳам ҳужумда қатнашмайди. Бунинг оқибатида душманлар исломий ҳудудларга бостириб киришига, мусулмонларни ўлдириб уларни талон-тарож қилишига ва жиноятлар содир этишига сабаб бўлади. Ҳаттоки исломий ўлкалар кофирлар қўлига тушиб, улар динни йўқ қилишларигача олиб келиши ҳам мумкин. Ушбу масала илоҳиёт илмида диққатга сазовор бўлган зарур мавзулардан биридир.

Аҳли суннатнинг буюк тарихчи олими Ибн Асир Ал-Жазарий ўзининг «Ал-Комилу фит-тарих» номли китобида ҳазрати Али (алайҳис саломи)нинг Уҳуд жангидаги шижоат ва довюрракликлари ҳақида шундай ёзади:

أبصر النبي جماعة من المشركين فقال لعلي: احمِل عليهم، ففرّقهم وقتل فيهم، ثم أبصر جماعة أخرى فقال له: احمِل عليهم، فحمل عليهم وفرّقهم وقتل فيهم، فقال جبريل: يا رسول

الله هذه المواساة. فقال رسول الله: إِنَّهُ مِنِّي وَأَنَا مِنْهُ. فقال جبريل: وأنا منكما قال: فسمعوا صوتًا: لا سيف إلا ذو الفقار، ولا فتى إلا عليٌّ.

«Ухуд уруши кунда Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳужум қилмоқчи бўлган бир гуруҳ муширикларни кўриб, Алига: Улар томон ҳужум қилгин, дедилар. Шунда ҳазрати Али улардан бир неча кишини ўлдириб, уларни тарқатиб юборди. Кейин Пайгамбар уларнинг яна бир гуруҳини кўрдилар ва Алига қараб: Уларга ҳужум қилгин, дедилар. Шунда ҳазрати Али уларга ҳужум қилиб, уларни ўлдириб тарқатиб юборди. Шу пайт ваҳий фариштаси ҳазрати Жаброил: Ё Расулulloҳ, Алининг бу иши фидокорликнинг энг юқори даражасидир, деди. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам): «У [Али] мендан ва мен ҳам унданман», дедилар. Ва ҳазрати Жаброил (алайҳис салом): «Мен ҳам сизларданман», деди. Шу вақт улар осмондан: «Лаа сайфа иллаа Зулфиқор ва лаа фатаа иллаа Алий», [яъни Зулфиқордан бошқа қилич йўқ ва Алидан ўзга йигит йўқ] деган овозни эшитдилар».<sup>1</sup>

Аҳли суннатнинг буюк олими Ибн Абул ал-Ҳадид ҳам ўзининг «Шарҳу Наҳжил Балога» номли китобида ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг Ухуд жангидаги улкан фидокорликлари ҳақида шундай ёзади:

وروى أبو عمرو محمد بن عبد الواحد الزاهد اللغوي، غلام ثعلب، ورواه أيضا محمد ابن حبيب في أماليه، أن رسول الله ﷺ لما فرَّمُعْظَم أصحابه عنه يوم أحد، كثرت عليه كتائب المشركين، وقصدته كتيبة من بني كنانة، ثم من بني عبد مناة بن كنانة، فيها بنو سفيان بن عوف؛ وهم: خالد بن سفيان، وأبو الشعثاء بن سفيان وأبو الحمراء بن سفيان، وغراب بن سفيان، فقال رسول الله ﷺ: يا على اكفيني هذه الكتيبة، فحمل عليها وإنما لتقارب خمسين فارساً؛ وهو ﷺ راجل فما زال يضربها بالسيف حتى تتفرق عنه ثم تجتمع عليه هكذا مرارا حتى قتل بني سفيان بن عوف الأربعة، وتَمَّ العشرة منها، ممن لا يعرف بأسمائهم، فقال جبرئيل ﷺ لرسول الله ﷺ: يا محمد، إنَّ هذه المواساة، لقد عجبت الملائكة من مواساة هذا الفتى! فقال رسول الله ﷺ: وما يمنعه وهو منى وأنا منه! فقال جبرئيل ﷺ: وأنا منكما. قال: وسمع ذلك اليوم

1. Ибн Асир Ал-Жазарий, «Ал-Комилу фит-тарих», 2-жилд 44-бет.



صوت من قِبَلِ السَّمَاءِ، لَا يَرَى شَخْصَ الصَّارِخِ بِهِ يَنَادِي مَرَارًا: لَا سَيْفَ إِلَّا ذُو الْفَقَارِ وَلَا فَتَى إِلَّا عَلِيٌّ فَسُئِلَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَنْهُ، فَقَالَ: هَذَا جِبْرِئِيلُ.

«Уҳуд уруши кунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) саҳобаларининг кўпчилиги у зотнинг ёнларидан қочиб кетаганларида, муширларнинг турли гуруҳлари ҳужуми у зотга қарши кучайди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳазрати Алига: «Эй Али, бу гуруҳлар ҳужумини мендан даф қилгин», дедилар. Пиёда жанг қилаётган ҳазрати Али эллик кишилик отлиқ гуруҳга ҳужум қилиб ва уларни қилич билан уриб, Пайгамбар атрофларидан тарқатиб юборди. Сўнг улар яна бир неча марта Пайгамбарга қарши ҳужум қилиш учун тўпланишди. Токи, ҳазрати Али Суфён ибн Авифнинг тўрт нафар ўғлини ва улардан исмлари танилмаган ўн нафарнинг ҳаммасини ўлдирди. Шунда ҳазрати Жаброил (алайҳис салом) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га: Эй Муҳаммад, чиндан ҳам Алининг бу иши ўта юқори фидокорликдир, бу йигитнинг фидокорлигидан фаришталар ҳайратда қолишди, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам): «Нега шундай бўлмас экан? У [Али] мендан ва мен ҳам унданман», дедилар. Ва ҳазрати Жаброил (алайҳис салом): «Мен ҳам сизларданман», деди. Ўша кун осмондан: «Лаа сайфа иллаа Зулфиқор ва лаа фатаа иллаа Алий», [яъни Зулфиқордан бошқа қилич йўқ ва Алидан ўзга йигит йўқ] деган овознинг қайта-қайта айтилгани эшитилди. Лекин уни айтувчи кўзга кўринмасди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан бу овозни айтувчи ким? деб сўралганда, у зот: «Бу Жаброилдир», дедилар».<sup>1</sup>

Энди халифаликни эгаллаган шахсларга бир назар ташласак, улар Уҳуд жангида Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни ёлғиз қўйиб, уруш майдонидан қочиб кетишганини кўрамиз. Аҳли суннатнинг буюк ҳадисчи олими Ҳоким Нишобурий ўзининг «Ал-Мустадрок» номли китобида Абу Бакрнинг сўзини куйидагича ривоят қилади:

«يوم أحد كنت أول من فاء...»

«Мен Уҳуд жанги кунини [қочгандан кейин] Расулуллоҳ ҳузурларига биринчи бўлиб қайтган киши эдим...».<sup>2</sup>

1. Ибн Абил Ҳадид, «Шарҳу Наҳжис Балога», 14-жилд, 250-бет.

2. Ҳоким Нишобурий, «А-Мустадрок алас-саҳиҳайн», 3-жилд, 29-бет, ҳадис рақами: 4315.

Шунингдек, Уҳуд жангидан қочиш борасида Ал-Муттақил Ҳиндийнинг «Канзул-Уммол» китобида, «Тафсири Табарий», Жалолиддин Суютийнинг «Аддурул мансур» номли тафсир китобида ва Ибн Атийянинг «Ал-Муҳаррарул Ваҗиз» номли тафсир китобида Умар ибн ал-Хаттобнинг тилидан батафсил келтирилган. Умар жума куни хутба ўқиётиб, Оли Имрон сурасининг 155-оятига келганда:

حَطَبَ عُمَرُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ، فَقَرَأَ آلَ عِمْرَانَ، فَلَمَّا انْتَهَى إِلَى قَوْلِهِ:

﴿إِنَّ الَّذِينَ تَوَلَّوْا مِنْكُمْ يَوْمَ الْتَقَى الْجَمْعَانِ إِنَّمَا اسْتَزَلَّهُمُ الشَّيْطَانُ بِبَعْضِ مَا كَسَبُوا﴾

«[Уҳуд жангида] икки гуруҳ тўқнашган куни сизлардан юз ўгириб қочанларни баъзи қилган ишлари туфайли шайтон йўлдан урди, холос»

Шундай деди:

«لَمَّا كَانَ يَوْمٌ أُخِذَ هَزْمَتَاهُمْ، فَفَرَزْتُ حَتَّى صَعِدْتُ الْجَبَلَ، فَلَقَدْ رَأَيْتُنِي أَنْزُو كَأَنِّي أَرَوَى، وَالنَّاسُ يَقُولُونَ: قُتِلَ مُحَمَّدٌ، فَقُلْتُ: لَا أَحَدٌ أَحَدًا يَقُولُ قُتِلَ مُحَمَّدٌ إِلَّا قَتَلْتُهُ، حَتَّى اجْتَمَعْنَا عَلَى الْجَبَلِ، فَتَزَلْتُ: ﴿إِنَّ الَّذِينَ تَوَلَّوْا مِنْكُمْ يَوْمَ الْتَقَى الْجَمْعَانِ﴾»

«Уҳуд жанги куни биз улардан мағлуб бўлиб енгилганимизда, мен қочиб, тоққа чиқдим. Мен ўша қочиш вақти худди тоғ эчкиси каби тоғ тепасига чиқиб кетгандим ва мен ўшанда жуда чанқаган эдим. Одамлар: Муҳаммад ўлдирилди, дердилар. Шунда мен: Муҳаммад ўлдирилди, деб айтган кишини кўрсам уни ўлдираман, дедим. Токи, биз тоғдан паноҳ топиб, ҳаммамиз тоғ тепасига тўпландик. Мана шу вақтда ушбу оят нозил бўлди».<sup>1</sup>

Аҳли суннатнинг буюк муфассир ва илоҳиётчи олими бўлмиш аллома Фаҳриддин Ар-Розий ўзининг «Ат-тафсирул Кабийр» ёки «Мафотийҳул ғайб» номли тафсир китобининг 9-жилд, 50-бетига ушбу ояти кариманинг остида шундай деб келтиради:

1. Ушбу сўзнинг Аҳли суннат наздидаги манбаи:

- Муҳаммад ибн Жарийр ибн Язид ат-Табарий, «Жомиъул баён ған таъвили ойил-Қуръон» ёки «Тафсири Табарий» номи билан танилган, 4-жилд, 144-бет.
- Абу Муҳаммад Абдулҳақ ибн Ғолиб ибн Атийя Ал-Андулусий, «Ал-Муҳаррарул Ваҗиз фий тафсирил китобил азиз», 1-жилд, 529-бет.
- Ҳофиз Жалолуддин Суютий, «Жомиъул аҳодис; Ал-Жомиъус соғийр ва завоидуҳу ва вал-Жомиъул кабийр», 14-жилд, 529-бет.

«ومن المهزمين عمر إلا أنه لم يكن في أوائل المهزمين، بل ثبت على الجبل إلى أن صعد النبي صلى الله عليه وسلم، ومنهم أيضًا عثمان»

«Уҳуд жангидан қочганлар орасида Умар ҳам бор эди. Лекин у қочганларнинг биринчиларидан эмасди, балки у то Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) тоққа чиққунларича тоғнинг тепасида қолди ва қочганлар орасида Усмон ҳам бор эди».<sup>1</sup>

Бу зотларнинг уруш майдонидан қочиб кетганини оқлашнинг иложи йўқ. Юқорида келтирганимиздек, айримлар уларнинг бу ишини оқлаш мақсадида улар биринчилардан бўлиб жанг майдонидан қочиб кетишгани йўқ, балки улар кейинги қочганлардан бўлишди, деб айтишади! Ҳар ҳолда улар уруш майдонидан қочиб кетишди! Кейин улар тоғнинг тепасига чикиб олиб, Пайғамбар ҳам у ерга келгунларича ўша ерда ўрнашиб олишди деб яна оқлашга уринадилар. Ҳолбуки, Сарвари олам охирги лаҳзагача уруш майдонида душманларга қарши турдилар ва душманлар у зотни ўлдирмоқчи бўлганда, мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом) ва Насиба бинти Каъб ал-Ансорийя исмли аёл Пайғамбарнинг ёнларида туриб душманга қарши қаттиқ уришдилар. Аммо халифаликни даъво қилиб уни эгаллаб олган кишилар эса уруш майдонидан қочиб, Уҳуд тоғининг тепасига чикиб ўрнашиб олишганди.

Аҳли суннатнинг йирик алломаси Ибн Абдул Барр Ал-Қуртубий Усмон ибн Аффоннинг ҳам Уҳуд жангидан қочгани ҳақида айтади:

«وَفَرَّ عُثْمَانُ بْنُ عَفَّانَ، وَعَقَبَةُ بْنُ عَثْمَانَ، وَسَعْدُ بْنُ عُثْمَانَ - أَخْوَانٌ مِنَ الْأَنْصَارِ - حَتَّىٰ بَلَّغُوا الْجَبَلَ مِمَّا بَلَى الْأَعْوَصَ، فَأَقَامُوا بِهِ ثَلَاثًا، ثُمَّ رَجَعُوا إِلَىٰ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ»

«Усмон ибн Аффон ҳамда Уқба ибн Усмон ва Саъд ибн Усмон исмли ансорлик икки ака-ука жанг майдонидан қочиб кетишди [ҳатто улар Уҳуд тоғидан ҳам ошиб ўтиб] Аъвас ҳудуди яқинидаги тоққа [Мадинага яқин жойга] етиб боришди. Улар у ерда уч кун қолиб, сўнгра Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳузурларига қайтиб келишди».<sup>2</sup>

Аллома Фаҳриддин Ар-Розий ҳам ўзининг «Ат-тафсирул Кабийр» ёки «Мафотийҳул ғайб» номли тафсир китобининг 9-жилдида айтади:

1. Фаҳриддин ар-Розий, «Ат-Тафсирул Кабийр ав Мафаатийҳул ғайб», 9-жилд, 42-бет, Оли Имрон сурасининг 155-оятта тафсирида.

2. Ибн Абдул Барр Ал-Қуртубий, «Ал-истийъоб фий маърифатил асҳоб», 3-жилд, 1074-бет, дорул жайл нашрида.

«ومنههم أيضا عثمان انهزم مع رجلين من الأنصار يقال لهما سعد وعقبة، انهزموا حتى بلغوا موضعاً بعيداً ثم رجعوا بعد ثلاثة أيام»

«Уҳуд жангидан қочганлардан бири Усмон эди. У ансордан бўлган Саъд ва Уқба исмли икки киши билан Уҳуд жангидан қочиб кетди. Улар Уҳуд тоғидан узоқ жойга етиб боргунча қочиб кетишиди. Сўнгра орадан уч кун ўтгач, Мадинага қайтиб келишиди».<sup>1</sup>

Бинобарин, мўминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг шижоат ва қўркмасликлари инкор этиб бўлмас ва ойдин бир масаладир. Лекин Исломот динининг илк даври бўлмиш 23 йил давомида дастлабки уч халифа бирор бир урушда ўзидан шижоат ва жасорат кўрсатгани қайд этилмаган. Улар мусулмонлар билан кофир-мушриклар ўртасида рўй берган 84 та уруш ва тўқнашувларда душман томон ҳатто бир ўқ отгани ҳам Исломот тарихида ёзиб қолдирилмаган. Улар Исломот дини фойдасига ҳеч бир иш қилмай, бу йўлда бирор бир хизмат кўрсатмаганлар ҳам. Аммо бунинг акси ўлароқ, мўминлар амири ва такводдорлар сардори ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ўзларининг бетакрор ва мисли кўрилмаган шижоат ва фидокорликлари билан барча уруш ва тўқнашувларда мусулмонларнинг кофир-мушриклар устидан ғалаба қозонишларида энг катта хизмат ва таъсир кўрсатганлар. Бу борада тарихий манбаларда кўп маълумотлар ёзиб қолдирилган.

Аҳли суннатнинг буюк олими Ибн Абул ал-Ҳадид «*Шарҳу Наҳжис Балога*» китобида устози Абу Жаъфар Аскофийнинг Жоҳиз [Абу Усмон Амр ибн Баҳр, вафот этган сана: 255 ҳижрий йил, Муътазила фирқасининг бошлиғи] Абу Бакрни оқлаб айтган сўзларига нисбатан ўз жавобини қуйидагича келтиради:

«لم يرم قط بسهم ولا سل سيفاً ولا أراق دمًا»

«Абу Бакр ўз ҳаёти давомида ҳеч қачон бир ўқ ҳам отмаган, қилични қинидан ҳам чиқармаган ҳамда кофир ва мушрикларнинг қонини тўкмаган».<sup>2</sup>

Охир-оқибат, Макка мушриклари Сарвари олам ва ҳазрати Алининг уларга қарши қаттиқ туриб бор кучлари билан фидокорона

1. Фахриддин ар-Розий, «*Ат-Тафсирул Кабийр ав Мафаатийҳул ғайб*», 9-жилд, 42-бет, Оли Имрон сурасининг 155-оятта тафсирида.

2. Ибн Абил Ҳадид, «*Шарҳу Наҳжис Балога*», 13-жилд, 170-бет, Дорул кутубил-илмийях нашриёти.

курашишлари натижасида Уҳуд жангида кўзлаган мақсадларининг бирортасига эриша олмадилар ва Мадина шаҳрига кирмай туриб, Макка томон орқаларига қайтиб кетишди. Агарчи мусулмонлар Уҳуд урушида зоҳирда ғолиб келмаган бўлсалар-да, бироқ Макканинг мушрик ва кофирлари юқорида айтилган мақсадларнинг бирортасига эриша олишмади. Натижада Исломи дини ва мусулмонларнинг фаолияти ва кундан кунга ривож топиб кучайиши давом этаверди.

Ғадийр куни зиёратномасининг давомида ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг Ҳунайн урушидаги фидокорликлари ва ортга чекинмасликлари ҳақида сўз юритилиб, қуйидагича баён қилинган:

وَيَوْمَ حُنَيْنٍ عَلَىٰ مَا نَطَقَ بِهِ التَّنْزِيلُ: ﴿إِذْ أَعْجَبَتْكُمْ كَثْرَتُكُمْ فَلَمْ تُغْنِ عَنْكُمْ شَيْئًا وَضَاقَتْ عَلَيْكُمُ الْأَرْضُ بِمَا رَحَبَتْ ثُمَّ وَابَسَتْ مَدِيرِينَ ثُمَّ أَنْزَلَ اللَّهُ سَكِينَتَهُ عَلَىٰ رَسُولِهِ وَعَلَى الْمُؤْمِنِينَ ﴿وَالْمُؤْمِنُونَ أَنْتَ وَمَنْ يَلِيكَ

«Шунингдек, Ҳунайн уруши кунда ҳам, Қуръон бу борада сўз юритган:

«... Ўшанда сизларни кўп эканлигингиз ажаблантириб қўйган эди. Аммо саногингизнинг кўплиги сизларга ҳеч қандай фойда бера олмади. Ва ер кенг бўлиши билан сизларга торлик қилиб қолди, сўнг эса юз ўгирган ҳолингизда ортга чекиндингиз! Кейин Аллоҳ Пайгамбарига ва мўъминларга Ўз томонидан хотиржамлик ва оромлик туширди.» (Тавба сураси, 25 ва 26-оятлар)

Ва ояти каримада назарда тутилган мўъминлар, сиз ва сизнинг изингиздан борган кишилардир».

وَعَمَّكَ الْعَبَّاسُ يُنَادِي الْمُتَمَرِّمِينَ: «يَا أَصْحَابَ سُورَةِ الْبَقَرَةِ، يَا أَهْلَ بَيْعَةِ الشَّجَرَةِ»، حَتَّى اسْتَجَابَ لَهُ قَوْمٌ قَدْ كَفَيْتَهُمُ الْمُؤْمِنَةُ، وَتَكَفَّلَتْ دُونَهُمُ الْمُعُونَةُ فَعَادُوا آيِسِينَ مِنَ الْمُتُوبَةِ، رَاجِعِينَ وَعَدَّ اللَّهُ تَعَالَىٰ بِالتُّوبَةِ، وَذَلِكَ قَوْلُ اللَّهِ جَلَّ ذِكْرُهُ: ﴿ثُمَّ يَتُوبُ اللَّهُ مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ عَلَىٰ مَنْ يَشَاءُ﴾

«Ҳолбуки, амакингиз Аббос (разияллоҳу анҳу) Ҳунайн уруши кунини енгилган ҳолда ортга чекинаётганларни шундай деб чақирарди:

«Эй Бақара сурасининг ёрлари! Эй дарахт остидаги байъат аҳли!»

Аббос ибн Абдул Мутталибнинг ушбу чақиригига бир гуруҳ шундай жавоб қайтарди: «Дарҳақиқат, сиз урушнинг оғир юкини уларнинг елкасидан олдингиз. Ва уларнинг ёрдамисиз Пайгамбар (с.а.о)га кўмак беришни ўз зиммангизга олдингиз».

Уруш майдонини ташлаб қочган кимсалар ажр-савобдан ноумид бўлган ҳолларида тавбани қабул қилиш борасидаги Аллоҳ таолонинг ваъдасидан умидвор бўлиб, қайтиб келдилар ва бу Аллоҳнинг «Ўша урушдан сўнг Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларнинг тавбаларини қабул қилур»<sup>1</sup> деб, айтган сўзининг маъно-мазмунидир».

**Изоҳ:** Аббос ибн Абдул Мутталибнинг юқоридаги сўзлари Ризвон ёки Шажара байъат-қасамёдига ишора бўлиб, ушбу байъат ҳижратнинг 6-йилида амалга ошган. Ўша йили пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Байтуллоҳни зиёрат қилиш учун Мадинадан Макка томон йўл олдилар. Аммо Қурайш қабиласи Макка яқинида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан музокара ўтказишди. Натижада, музокара асосида эришилган келишувга биноан, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўша йили Маккага кирмай туриб, орқага қайтдилар.

Мусулмонларнинг бир гуруҳи Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг бу қароридан қаттиқ ранжишди ва бу ишни Пайғамбарнинг Макка кофирларидан қўрққанлиги ва Маккага кириш хусусидаги Аллоҳнинг ваъдаси амалга ошмагани маъносида тушунишди. Айрим саҳобаларнинг Сарвари оламга нисбатан шак-шубҳага боришлари Аллоҳ таоло томонидан ўша маконда саҳобалар Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га қайта байъат-қасамёд қилишлари зарурлиги тўғрисида фармон нозил бўлишига сабаб бўлди.

Ушбу байъат-қасамёд Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан мусулмонлар ўртасида Макка шаҳри атрофидаги Худайбия деган жойда ва дарахт остида амалга оширилди. Шунинг учун, ушбу байъат-қасамёдга «*Байъатуш-Шажара*» – дарахт остида қилинган байъат ёки «*Байъатур-Ризвон*» – «*розилик байъати*» деб ном берилди. Зеро, Аллоҳ таоло мўмин саҳобаларнинг ушбу байъат-қасамёдидан рози бўлди. Тарихнинг гувоҳлик беришича, бир минг тўрт юз соҳаба Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га байъат қилишди. Дарҳақиқат, мусулмонлар яна бир бор Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га бўйсунуш ва у ҳазратнинг фармонларига таслим бўлиш ҳақидаги аҳди-паймонларини янгилашди. Бу борада Фатҳ сурасининг 18-оятини нозил бўлди:

---

1. Тавба сураси, 27-оят.

﴿لَقَدْ رَضِيَ اللَّهُ عَنِ الْمُؤْمِنِينَ إِذْ يُبَايِعُونَكَ تَحْتَ الشَّجَرَةِ فَعَلِمَ مَا فِي قُلُوبِهِمْ فَأَنْزَلَ السَّكِينَةَ عَلَيْهِمْ وَأَثَابَهُمْ فَتْحًا قَرِيبًا﴾

«Дарҳақиқат, Аллоҳ мўминлардан улар дарахт остида сенга байъат қилаётганларида рози бўлди. Бас, У Зот уларнинг қалбларидаги нарсани билди ва уларга сокинлик-оромликни туширди ва уларни [Хайбар жангида эришиладиган] яқин ғалаба ила мукофатлади». (Фатҳ сураси, 18-оят)

Ушбу ояти каримадан яққол маълумки, Аллоҳ таоло фақат мўмин саҳобалардан ва уларнинг қилган байъат-қасамёдидан рози бўлди, ҳамма саҳобалардан эмас.

---

## ҲАЗРАТИ АЛИНИНГ ХАЙБАР ЖАНГИДА ҒАЛАБА ҚОЗОНИШЛАРИ ҲАҚИДА

---

فَائِزٍ بَعْظِيمِ الْأَجْرِ، وَيَوْمَ خَيْبَرَ، إِذْ أَظْهَرَ اللَّهُ حَوْرَ الْمُنَافِقِينَ، وَأَنْتَ حَائِزٌ دَرَجَةَ الصَّبْرِ، وَقَطَعَ  
دَابِرَ الْكَافِرِينَ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿وَلَقَدْ كَانُوا عَاهَدُوا اللَّهَ مِنْ قَبْلُ لَا يُؤَلُّونَ الْأَدْبَارَ وَكَانَ  
عَهْدُ اللَّهِ مَسْئُولًا﴾

«Ва сиз сабр даражасига эришдингиз ва улкан ажру мукофот қозондингиз. Шунингдек, Хайбар урушида ҳам Аллоҳ мунофиқларнинг заиф ва нотавон эканликларини ошкор қилиб, кофирларнинг белларини синдирди ва уларни ҳалок этиб, ислом лашкарига сиз орқали мадад берди. Ҳамд-Сано, мақтов ва олқишлар оламлар Рабби ва Эгаси бўлган ёлғиз Аллоҳ учундир».

«Ҳолбуки, улар илгари ортга чекинмасликлари ҳақида Аллоҳга аҳду паймон берган эдилар ва Аллоҳга берилган аҳду паймон эса Қиёмат кунинда сўралади». (Аҳзоб сураси, 15-оят)

### **Изоҳ:**

Дастлаб «Хайбар» сўзи ва унинг жойлашуви ҳақида қисқача изоҳ бериб, сўнгра Хайбар жанги тўғрисида керакли маълумотларни тақдим этамиз.

«Хайбар» сўзи ибронийча сўз бўлиб, «қалъа» деган маънони англатади. Ушбу Хайбар қалъаси Мадина шаҳрининг шимолида 165 км узоқликда жойлашган бўлиб, бани Назийр номли яҳудийлар ушбу қалъада яшардилар. Хайбар қалъаси яна 7 та қалъа, кенг экинзор ва хурмозорни ўз ичига олган ва унинг маркази «*аш-Шурайф*» шаҳри бўлган. Ислом динининг илк даврида Хайбарда яшовчилар яҳудийлар эди. Мусулмон тарихчиларининг ёзишича, Хайбар яҳудийлари Макка ҳукмдорларини мусулмонларга қарши хужум қилишга ундагани сабабли пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи



*васаллам*) улар билан урушдилар. Ва ниҳоят ислом қўшинлари ул ҳазратнинг кўрсатмалари асосида ва ҳазрати Али (*алайҳис салом*) нинг қўмондонлиги остида ҳижрий-қамарийнинг еттинчи йилида Хайбар қалъасини забт этишди.

Яҳудийлар Арабистон ярим оролига келганларида, уларнинг бир қисми Хайбарда яшашни ихтиёр қилишди ва Хайбар худудининг иқтисодий салоҳияти туфайли яҳудийлар ўта қудратли кучга айландилар. Улар мустаҳкам қалъалар қуриб, мўл-кўл озик-овқат ва курол-аслаҳа захираларини сақлаб қолиш билан ўзларини енгилмас ва мустаҳкам қудратга айлантирган эдилар. Бу худудда Рабиул-аввал ойининг биринчи кунларида ташкил этиладиган ва «*Хайбар бозори*» деб номланган йиллик бозор бўлган. Яҳудийларга яқин жойда ушбу бозорни кўриқлайдиган ва бозорга келганларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган «*Ғатафон*» номли араб қабиласи яшар эди.

Хайбардаги яҳудийларнинг саккизта қалъаси бор эди: Ноъим, Қумус, Катибах, Натох, Шақ, Ватийҳ, Салолим ва Саъб<sup>1</sup>.

Ҳазрати Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) пайғамбар этиб танланишидан олдин яҳудийлар Мадина шаҳри атрофида яшаш ва ўзларини ҳимоя қилиш учун еттита мустаҳкам қалъа қурган эдилар. Уларнинг сони йигирма мингдан ортиқ бўлиб, улар орасида довьорак ва кўркмас жанговарлар кўп эди. Уларнинг энг машҳури Марҳаб ва унинг оғайниси Ҳорис эди.<sup>2</sup>

Хайбар яҳудийларининг энг катта жинояти шу эдики, уларнинг Макка мушрикларига кўрсатган моддий ёрдами сабабли мусулмонларга қарши Хандақ ёки Аҳзоб жанги юзага келди. Шу боис, Хайбар яҳудийлари эндигина шаклланган ислом ҳукуматига қарши фитна ва уйдирма уюштириш марказига айланган эди ва бу қалъада яшовчи яҳудийлар бир неча маротаба Мадинага хужум қилишда ислом душманлари билан ҳамкорлик қилишганди, айниқса, Аҳзоб урушида Макка мушриклари қўшинини кучайтиришда муҳим рол ўйнагандилар.

Бундан ташқари, ўша пайтда Эрон ва Рим давлатлари икки буюк империя сифатида бир-бирлари билан узоқ муддат давомида урушиб келган бўлсалар-да, лекин ислом дини учинчи қудратли давлат сифатида юзага келиши бу икки империя учун чидаб бўлмас бир ҳолат эди. Шунинг учун Хайбар яҳудийлари Рим ёки Эрон давлатларининг

1. Жаъфар Муртазо Омилий, «*Ас-саҳийҳу мин сийротин-Набиййил Аъзам*», Эрон – Кум, Даарул ҳадиййс нашриёти, 17-жилд, 71-бет.

2. Яъқубий, «*Тарихул Яъқубий*», 2-жилд, 42-бет.

томонига ўтиб, ислом ва мусулмонларни йўқ қилиш учун улар томонидан мусулмонларга қарши ҳужум уюштириш хавфи бор эди. Ва шунингдек, Хайбар яҳудийлари Макка бутпарастларини эндигина шаклланаётган ислом ҳокимиятини ағдариб ташлашга рағбатлантиришганидек, бу икки империяни ҳам бу ишга ундашлари эҳтимолдан йироқ эмас эди. Айниқса, яҳудийлар ўша пайтда Эрон билан Рим ўртасидаги урушларда улардан бири томонга ўтиб ёрдам кўрсатишарди.

Шунинг учун Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ушбу фитна оловини ўчиришга қарор қилдилар. Ул ҳазрат Худайбиядан қайтгач, Зулҳижжа ойи ҳамда еттинчи ҳижрий йили, Муҳаррам ойининг бир неча куни мобайнида Мадинада қолдилар. Кейин эса ул зот Хайбар яҳудийларининг хиёнати сабабли ва шунингдек, улардан содир бўлиши мумкин бўлган бошқа хиёнатларни ўртадан олиб ташлаш мақсадида ислом аскарлари билан Хайбар томон йўл олдилар.

Бироқ ислом оламининг йирик тарихнавис олими Воқидий айтади: Пайғамбар (с.а.о) Зулҳижжа ойининг олтинчи йили Худайбийядан Мадинага қайтдилар. Сарвари олам ўша ойнинг ҳамда Муҳаррам ойининг ҳаммасини Мадинада ўтказдилар. Ва еттинчи йилнинг Сафар ойида ва шунингдек, ўша еттинчи йилнинг Рабул-аввал ойи бошида ҳам дейилган, Хайбар томон йўл олдилар<sup>1</sup>.

Ҳазрати Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) Хайбар кўрғонларига яқинлашганларида бошларини осмонга кўтариб:

*«Эй Аллоҳим, Сен осмонларнинг ва улар остидаги мавжудотларнинг Худосисан ҳамда ернинг ва унда ўрнашган барча нарсаларнинг Илоҳисан! Мен Сендан бу обод заминнинг яхшилигини, унинг аҳли ва ундагиларнинг яхшилигини сўрайман. Ва унинг ёмонликларидан ва ундаги мавжудотларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман»*, деб дуо қилдилар.<sup>2</sup>

Пайғамбар (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ва ул зот саҳобалари яҳудийларнинг фитналаридан хабардор эдилар. Шунинг учун улар тунда яширинча йўлга тушиб, Хайбар яҳудийларини ўраб олишди. Яҳудийлар қалъалар тепасига қўриқчилар ва ўқ отарларни тайинлаб қўйиб, Хайбар қалъасига кириш йўллариининг олдида хандаклар қазгандилар.

Тарихчи олимлар Хайбар яҳудийларининг Қамалга олиниш кунларини 10, 15 ва 21 кунлар орасида деб ёзганлар. Ислом аскарлари

1. Муҳаммад ибн Умар Воқидий, *«Ат-Тарих вал-Мағозий»*, Байрут – Муассасатул-Аълабий 482-бет.

2. Ибн Ҳишом, *«Сирату Ибн Ҳишом ёки Ас-Сийратун-Набавийяҳ»*, 3-жилд, 211-бет.

ўзларининг мардона курашлари ва қаҳрамонликлари билан Хайбар қалъаларини бирин-кетин, лекин аста-секин ва қийинчилик ила забт этишди. Токи улар “Марҳаб” исмли бир машҳур яҳудий қўмондон бошқарадиган ва яҳудийларнинг довурак жанговарлари маркази бўлган ва Қамус қалъаси деб номланган энг катта ва кучли қалъага етиб бордилар. Ушбу қалъа Хайбарнинг сўнгги қалъаси эди. Қамус қалъасидагилар таслим бўлмай қаршилиқ кўрсатишда давом этардилар. Ислом мужоҳидлари уни қўлга олиш ва забт этишга қодир эмасдилар.

Ҳазрати Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг қаттиқ бош оғриқлари ул ҳазратнинг ўзлари шахсан жанг майдонига чиқишларига ва қўмондонликни қўлга олишларига тўсқинлик қилиб турарди. Шунинг учун ул ҳазрат жанг байроғини ҳар куни мусулмонлардан бирига бериб, ўша қалъани забт этиш вазифасини унга топширардилар. Бироқ улар бирин-кетин бирор ғалабага эришмай қайтиб келишарди.

Бир куни Сарвари олам жанг байроғини Абу Бакрнинг қўлига топшириб, ислом қўшинини унинг қўмондонлигида Хайбарнинг сўнгги қалъасини забт этиш томон йўлладилар. Шунда Марҳаб ўз ҳарбий кучларини кувватлантириш ва ислом аскарларини заифлаштириш мақсадида «*Ражаз*»<sup>1</sup> ўқиган ҳолда қалъадан ташқарига чиқиб, урушиш учун жангчи талаб қилди. Аммо Абу Бакр бу яҳудий жанговар билан беллашишга ботина олмай, ниҳоят қочиб ортга чекинди. Тарихий манбаларда бу борада шундай дейилган:

«فَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ بَعَثَ أَبَا بَكْرٍ إِلَى خَيْبَرَ فَسَارَ بِالنَّاسِ وَانْتَهَزَمَ حَتَّى رَجَعَ»

«Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Абу Бакрни Хайбарни забт этиш учун юбордилар. Шунда у одамлар билан йўлга тушди, лекин кўп ўтмай, мағлуб бўлиб қайтиб келди».<sup>2</sup>

Эртаси куни Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) урушнинг қўмондонлик байроғини Умар ибн Хаттобга бериб, Хайбар қалъасини забт этиш мақсадида ислом қўшинини яҳудийлар билан жанг қилиш учун юбордилар.

1. Жанговар киши жанг майдонига чиққанида беллашишдан олдин ўзини таништириш ва ҳарбий жангчиларнинг руҳиятини кучайтириш мақсадида айтадиган шеърини сўзларга «*Ражаз*» дейилади.
2. Ҳоким Нишобурини, «*Ал-Мустадраку алас-саҳиҳайн*», 3-жилд, 39-бет, 4338-ҳадис. Бу буюк аллома мазкур ҳадиснинг санади ҳақида айтади:

«هذا حديث صحيح الإسناد ولم يخرجاه»

«Бу ҳадиснинг санади саҳиҳдир, лекин Бухорий ва Муслим уни ривоят қилишмаган».

Аҳли суннатнинг буюк ҳадисчи олими Ҳоким Нишобурий бу борада ёзади:

«إِنَّ النَّبِيَّ ﷺ دَفَعَ الرَّأْيَةَ يَوْمَ خَيْبَرَ إِلَى عُمَرَ فَأَنْطَلَقَ، فَرَجَعَ يُحِبُّنِ أَصْحَابَهُ وَيُحِبُّونَهُ»

«Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Хайбар куни байроқни Умарга топширдилар ва у ҳам Хайбар томон йўл олди. Сўнгра орадан кўп ўтмай, Умар ҳамроҳларини қўрқитган ва ҳамроҳлари ҳам уни қўрқитган ҳолда қайтиб келишди»<sup>1</sup>.

Мусулмонлар Хайбарнинг сўнгги қалъасини фатҳ ва забт қила олмаганликлари сабабли уларнинг қалбларини кўркув ва изтироб қамраб олишига оз қолган эди.

Ўшанда Сарвари олам бош оғриққа дучор бўлганлари сабаб чодирдан ташқарига чиқма олмай: «Бошимдаги оғриқ тузалса, ташқарига чиқгайман», дедилар. Кейин эса ул зот: «Хайбарни забт эта олишдимми?», деб сўрадилар. Умар Хайбар қалъасини забт эта олмагани ҳақида ул ҳазратга хабар берилгач, бу оғир вазиятни кўрган Сарвари олам шундай деб марҳамат қилдилар:

فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ: «لَأُعْطِيَنَّ الرَّأْيَةَ غَدًا رَجُلًا يُحِبُّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَيُحِبُّهُ اللَّهُ وَرَسُولَهُ كَرَّارًا غَيْرَ فَرَّارٍ لَا يَرْجِعُ حَتَّى يَفْتَحَ اللَّهُ عَلَى يَدَيْهِ»

«Эртага мен байроқни шундай кишига бераманки, у Аллоҳни ва Унинг Расулини севади, Аллоҳ ва Унинг Расули ҳам уни суюрлар. У кетма-кет ҳамла қилиб, ҳеч қачон қочмайдиган, то Аллоҳ унинг қўли билан Хайбарни забт этмагунча, жанг майдонидан ортга қайтмайдиган кишидир».

Ўша кечани саҳобалар эртага фатҳу зафар байроғини охир-оқибат Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) кимга берарканлар деган ўй-хаёллар билан тунашди. Тонг отиши биланок, ислом қўшинининг аскарлари Пайгамбар чодирларининг атрофини ўраб олиб, уларнинг ҳар бири Сарвари олам байроқни унга беришларини умид қиларди. Шу пайт Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳазрати Али (алайҳис салом) ни сўраб:

«أَيْنَ عَلِيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ؟»

«Али ибн Аби Толиб қаерда?», - дедилар.

Саҳобалар: «Али кўз оғригига мубтало бўлиб, оғриқдан дард

1. Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳиҳайн», 3-жилд, 41-бет.

чекмоқда», - деб жавоб қайтаришди. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам): «Алини ёнимга келтиринглар», - дедилар.

«فَلَمَّا جَاءَ بَصَقَ فِي عَيْنَيْهِ وَدَعَا لَهُ، فَبَرَا حَتَّى كَانَ لَمْ يَكُنْ بِهِ وَجَعٌ فَأَعْطَاهُ الرِّايَةَ»

«Али келгач, Сарвари олам огизларининг муборак сўлакларини Алининг кўзларига суртиб, Аллоҳдан шифо сўраб дуо қилдилар. Шунда ул ҳазратнинг дуолари туфайли ҳазрати Али (а.с)да гўё бирор оғриқ бўлмагандек тузалиб кетдилар. Сўнг байроқни Алига бердилар».

Сўнгра Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳазрати Али (алайҳис салом)га дедилар:

«خُذْ هَذِهِ الرِّايَةَ فَاَمْضِ بِهَا حَتَّى يَفْتَحَ اللَّهُ عَلَيْكَ»

«Бу байроқни олиб, унинг билан йўлга тушгин, токи Аллоҳ Хайбарни сенга очсин».

Шунда Сарвари коинот фатҳ байроғини ҳазрати Али (алайҳис салом)га бердилар. Ҳазрати Али (алайҳис салом) дедилар:

«يَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ أَقَاتِلْهُمْ حَتَّى يَكُونُوا مِثْلَنَا»

«Эй Расулulloҳ, мен улар билан биз каби мусулмон бўлгунларича урушаман».

Шунда ҳазрати Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай деб марҳамат қилдилар:

«قَالَ أَنْفَذْ عَلَى رِسْلِكَ حَتَّى تَنْزِلَ بِسَاحَتِهِمْ ثُمَّ ادْعُهُمْ إِلَى الْإِسْلَامِ وَأَخْبِرْهُمْ بِمَا يَجِبُ عَلَيْهِمْ مِنْ حَقِّ اللَّهِ فِيهِ فَوَ اللَّهُ لَأَنْ يَهْدِيَ اللَّهُ بِكَ رَجُلًا وَاحِدًا خَيْرٌ لَكَ مِنْ أَنْ تَكُونَ لَكَ حُمْرُ النَّعَمِ»

«Йўлга тушиб уларнинг қалъасига етиб боргунча давом этгин. Сўнгра уларни Исломга даъват этиб, улар зиммасида Аллоҳнинг қандай ҳақ-ҳуқуқи борлигини, [яъни Аллоҳнинг йўллаган сўнги ҳақ динига ва Унинг Расулига эргашишлари кераклигини] айтгин. Аллоҳга қасамки, агар Аллоҳ сен орқали бир кишини ҳидоят қилса, сен учун қизил туяларга<sup>1</sup> эга бўлишингдан кўра яхшироқдир».

Хайбар воқеасига тааллуқли бўлган ва ислом уламолари наздида «Роят ҳадиси» деб танилган ушбу ҳадиснинг матни турли иборалар

1. Қизил жунли туялар энг яхши навли ва энг қиммат туялар бўлган.

билан Аҳли суннатнинг кўпгина китобларида Сарвари оламдан ривоят қилиб келтирилган<sup>1</sup>.

Бироқ баъзи Аҳли суннат манбаларида ушбу ҳадис бир оз лафзий товут билан ривоят қилинган. Ибн Ҳажар Асқалонийнинг сўзига кўра, бу ҳадис «Саҳиҳи Бухорий» китобида тўлиқ шаклда келтирилмай, унинг фақат бир қисмигина ривоят қилинган<sup>2</sup>. Бухорийнинг ривоятига кўра, бу ҳадисдан олдин юз берган воқеалар маълум эмас. Аммо ушбу ҳадис Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан содир бўлишига олиб келган мазкур воқеалар «Саҳиҳи Муслим» ва «Муснади Аҳмад» каби бошқа манбаларда эса зикр этилган.

Айни пайтда баъзи манбалар бутун воқеани тўла-тўқис баён қилиб, мусулмонларнинг аввалги мағлубиятларини батафсил келтирганлар, жумладан «Тарихи Табарий»<sup>3</sup> ва «Ал-Мустадрак Нийшобурий»<sup>4</sup> манбаларини зикр этиш мумкин.

Қизиги шундаки, Муслим ўзининг “Саҳиҳ” китобида келтирган 2404-ҳадисда Умар ибн ал-Хаттобдан қуйидаги сўзларни ривоят қилган:

«قَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ مَا أَحْبَبْتُ الْإِمَارَةَ إِلَّا يَوْمَئِذٍ قَالَ فَتَسَاوَرْتُ لَهَا رَجَاءً أَنْ أَدْعَى لَهَا  
قَالَ فَدَعَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلِيَّ بْنَ أَبِي طَالِبٍ فَأَغْطَاهُ إِيَّاهَا»

1. Роят ҳадисини ўз китобида ривоят қилган Аҳли суннат олимларининг айримларини шу ерда келтирамиз:

- Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳиҳул Бухорий», 64-Китобул Мағозий, бобу ғозвати Хайбара, 3971 (4/1542) ва 3972 (4/1542)-ҳадислар.

- Муслим, «Саҳиҳул Муслим», 32-Китобул-жиход вас-сайр, 45-Бобу ғозвати зий кород ва ғойрихаа, 132-(1807)-ҳадис ва яна 44-Фазоилус-саҳобах, Бобун мин фазоили Али ибн Аби Толиб, 33 - (2405), 34 - (2406) ва 35 - (2407)- ҳадислар.

- Ибн Ҳишом, «Сирату Ибн Ҳишом ёки Ас-Сийратун-Набавийяҳ», 2-жилд, 334-бет.

- Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳиҳайн», 3-жилд, 37-бет.

- Ибн Абдул Барр Ал-Қуртубий, «Ал-истийъоб фий маърифатил асҳоб», 3-жилд, 36-бет.

- Аҳмад ибн Ҳанбал, «Муснаду Аҳмад ибн Ҳанбал», 1-жилд, 23-бет.

- Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 9-жилд, 108-бет.

- Ал-Муттақил Ҳиндий, «Канзул уммол», 5-жилд, 284-бет.

- Ҳофиз Абу Наим, «Ҳилятул авлиё», 4-жилд, 356-бет.

2. Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний, «Фатҳул-Борий шарҳи Саҳиҳил Бухорий», 9-жилд, 18-бет.

3. Муҳаммад ибн Ал-Жарийр Ат-Табарий, «Тарихут-Табарий», 7-йил, Ливан нашрида 3-жилд, 12 ва 13-бетлар, Қоҳира нашрида эса 2-жилд, 456 ва 457-бетлар.

4. Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳиҳайн», 4-жилд, 356-бет.

«Умар ибн Хаттоб деди: Мен амирлик ва раҳбарликни фақат ўша кунигина ёқтириб қолдим! У деди: [Пайгамбар мени кўриб, байроқни менга бериш учун] мени чақирадилар, деган умидда бўйнимни чўзиб турдим. Лекин Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Али ибн Аби Толибни чақириб, байроқ (алайҳис салом)ни унга бердилар».<sup>1</sup>

Албатта, Умар ибн Хаттоб амирлик ва раҳбарликка бўлган муҳаббатини Сарвари оламнинг вафотларидан кейин Сақифаи Бани Соида деган жойда бошқа саҳобалар билан тахт устида талашини ва ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг уйларига бостириб бориши билан ошкора кўрсатиб берди.

Шунингдек, бу ҳадисни ривоят қилишда баъзи манбалар «لَيْسَ بِفَرَّارٍ» ёки «كَرَّارًا غَيْرَ فَرَّارٍ» «кетма-кет ҳамла қилиб, ҳеч қачон қочмайдиган» деган ибораларни баъзи шахсларга ишора қилингани сабабли келтирмаганлар.

Шунда ҳазрати Али (алайҳис салом) совут кийиб, «Зулфиқор» қилични қўлларига олиб ислом аскарлари билан югургунча Хайбар қалъаси томон йўл олдилар ва Пайғамбар берган байроқни қаср яқинида ерга ўрнатдилар. Шу пайт қалъа очилиб, ундан яхудий жанговарлар ташқарига чиқишди.

Яхудийлардан биринчи бўлиб ўз ҳарбий кучлари билан мусулмонларга ҳужум қилган шахс Марҳабнинг укаси Ҳорис бўлди. Ҳориснинг наъраси ва қичқирғи шу қадар даҳшатли эдики, ислом аскарлари ихтиёрсиз равишда орқага чекинишди. Аммо ҳазрати Али (алайҳис салом) ёлғиз ҳолда майдонда қолиб, Ҳорис билан жангга киришдилар. Улар бир-бирларига бир неча зарбалар урдилар ва оқибат ҳазрати Али (алайҳис салом) Ҳорисни қилич зарбати билан ўлдирдилар.

Ҳориснинг ҳамроҳлари Хайбар томон қочиб унинг ичига кириб кетишди ва эшикни ёпиб олишди. Шу вақт яхудийларнинг энг кучли кумондони бўлган Марҳаб ўз оғайнисининг ўчини олиш учун мусулмонлар билан жанг қилиш мақсадида қалъадан ташқарига чиқди. Ваҳоланки, у қуролга ғарқ бўлиб, темир совутни эгнига кийиб олган ва маҳсус оғир тошдан ясалган бош кийимни бошига кийиб, унинг устидан урушга хос бўлган темир бош кийимни қўйиб олган эди. Шунда ушбу яхудий жанговар Араб қаҳрамонлари услубида куйидагича Ражаз ўқий бошлади:

1. Муслим ибн Ҳажжож Қўшайрий, «Саҳиҳул Муслим», 44-Ҳазоилус-саҳобах, Бобун мин фазоили Али ибн Аби Толиб, 2404-ҳадис.

قَدْ عَلِمْتُ حَيْبُ أَيْ مَرْحَبُ

«Хайбар қалъаси мен Марҳаб эканлигимни яхши билади.

شَاكٍ سِلَاحِي بَطْلٌ مُجْرَبٌ

Тўлиқ қурулланган ва тажрибали жангчи полвонман.

إِذِ الْخُرُوبُ أَقْبَلَتْ تَلَّهْبُ

Урушлар олови авж ола бошлаганда,

أُظْعِنُ أَحْيَانًا وَ حِينًا أُضْرِبُ

Гоҳида найза билан урсам, баъзан эса қилич билан зарба ураман».

Ҳазрати Али (алайҳис салом) олдинга чиқиб, унга жавобан ушбу Ражазни ўкидилар:

أَنَا الَّذِي سَمَّيْتَنِي أُمِّي حَيْدَرَةَ

«Онам мени Хайдар-Арслон деб номлаган кишиман.

ضِرْعَامُ أَجَالٍ وَ لَيْتُ قَسْوَرَةً

Кўрқмас киши ва ўрмон шериман.

كَلَيْتُ غَابَاتٍ كَرِيهِ الْمُنْظَرَةَ

Жанг майдонида худди ўрмонлар шери каби менда даҳшатли манзара бор.

عَلَى الْأَعَادِي مِثْلُ رِيحٍ صَرْصَرَةٍ

Мен душманларга қаттиқ шамол кабидирман.

أَكِيلُكُمْ بِالسَّيْفِ كَيْلِ السَّنْدَرَةِ

Мен сизларни қилич билан қумтепадек уриб ташлайман.

أُضْرِبُ بِالسَّيْفِ رِقَابَ الْكَفَرَةِ

Кофирларнинг бўйинини қилич билан чопгайман».

Бу икки жанговарнинг Ражаз ўқиши тугаб, улар жангга киришдилар. Уларнинг ўртасидаги тўқнашув ва қилич зарбаларининг садоси кузатувчилар қалбида ғалати кўрқув пайдо қилган эди. Шунда Ислом динининг беназир қаҳрамони ва тақволилар сардори ҳазрати



Али (*алайҳис салом*)нинг кескин қиличи Марҳабнинг фаркига урилиб, унинг қалқони, темир қалпоғи ва тошдан ясалган бош кийимини кесиб ўтиб бошини тишларигача иккига бўлиб ташлади.

Ҳоким Нишобурий бу борада ёзади:

«فَضْرَبَ مَرْحَبًا فَفَلَقَ رَأْسَهُ فَفَتَلَهُ وَكَانَ الْفَتْحُ عَلَى يَدِهِ»

«Шундай қилиб, ул ҳазрат Марҳабни қилич билан уриб, бошини ўртасидан ёрди-да, оқибат уни ўлдирди ва фатҳу-ғалаба у зотнинг қўли билан бўлди»<sup>1</sup>.

Марҳаб ерга йиқилиши билан ислом қўшинининг қувончга тўла фарёд ва ҳайқириғи ҳавода янгради.

Мўминлар амири ва тақволилар сардори ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг Марҳабга урган зарбалари шу даражада кўркинчли эдики, Марҳаб ортида турган яҳудий жанговарлар ушбу ҳолатни кўриб, кўркувдан қалъа томон қочиб кетишди ва дарҳол қалъа эшигини ёпиб олишди.

Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) қочган яҳудийларнинг кетидан қалъа эшигигача қувиб бордилар. Ул ҳазрат дарҳол Хайбар дарвозаси томон юзланиб, уни жойидан кўпордилар-да, Хайбар атрофида қовланган Хандақ устига улоқтирдилар, токи бошқа мусулмонлар унинг устидан ўтиб, қалъага кира олсинлар деб.

Бу жангда Хайбар дарвозаси жуда оғир бўлиб, дарвозани очиб ёпиш учун қирқ нафар жангчи эркак керак эди, бироқ ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ўша темир дарвозани бир ўзлари жойидан кўпориб олиб, ундан жанг қилишда қалқон сифатида фойдаландилар.

Айрим тарих манбаларда бу борада шундай дейилган:

وَ لَقَدْ تَكَلَّفَ حَمَلُهُ أَرْبَعُونَ رَجُلًا فَمَا أَطَافُوهُ

«Ушбу дарвозани қирқ киши кўтаришга уриниб кўрди, аммо уни силжита олмадилар»<sup>2</sup>.

Ҳазрати Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) нинг Абу Рофиъ исмли хизматкорлари Хайбарни забт этиш ҳақида айтади:

«Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) берган байроқни қўлида тутган ҳолда Али ибн Абу Толиб билан биргаликда Хайбар қалъаларидан бири томон бордик. Али (а.с) қалъага яқинлашган заҳоти унинг ичида яшовчилар

1. Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳиҳайн», 3-жилд, 41-бет.

2. Ибн Шаҳр Ошуб Ас-Сарвий Ал-Мозандароний «Маноқибу Оли Аби Толиб», 2-жилд, 125-бет.

ташқарига чиқиб, жанг қилишга киришдилар. Уруш авж олган пайт яҳуд жангчиларидан бири ул ҳазратга бир зарба урди ва натижада қалқон у зотнинг қўлидан тушиб кетди. Шунда Али (а.с) қаср дарвозасини жойидан қўпориб олиб, унинг ортида қалқондек урушни давом эттирди ва шу қадар ҳаракат қилдики, Аллоҳ таоло Хайбарни унга фатҳ этди».<sup>1</sup>

Ибн Исҳоқ, Абу Рофиъ (*разияллоҳу анҳу*)дан ривоят қилади:

«Мен Али (*алайҳис салом*) билан бирга эдим. У ҳазрат бир яҳудий жанговар билан урушиб, қўлидаги қалқони тушиб кетди. Шунда ул зот қалъанинг дарвозасини суғириб олиб, урушнинг охиригача ундан қалқон сифатида фойдаланди».

Абу Рофиъ сўзини давом эттириб айтади:

«Урушдан кейин биз саккиз киши бўлиб дарвозани ўз ўрнига қайтаришга ҳаракат қилдик, аммо бу ишни қила олмадик».<sup>2</sup>

Аллома Шайх Муфид ўзининг «*Ал-Иршод*» номли китоби шундай ёзади:

«Мўминлар амири Али (*алайҳис салом*) Марҳабни ўлдиргач, унинг ҳамроҳлари зудлик-ла қалъа ичига кириб кетиб, унинг дарвозасини ўзлари томон ёниб олдилар. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) дарвозага етиб келиб, бир оз ҳаракат билан дарвозани очдилар ва кўпчилик мусулмонлар Хандақдан ўта олмаганлари учун Али (*алайҳис салом*) дарвозани кўприкдек Хандақнинг устига қўйдилар. Шунда мусулмонлар ундан ўтиб, қалъага кирдилар. Улар кўп ганимат ва ўлжаларга эришдилар. Мусулмонлар қалъадан қайтгач, мўминлар амири Али (*алайҳис салом*) йигирмата эркак ёниб очадиган қалъа дарвозасини ўнг қўллари билан кўтариб олиб, Хайбардан бир неча зирוף (бир зирוף 70-80 сантиметрга тенг келадиган ўлчов бирлиги) нарига отиб юбордилар»<sup>3</sup>.

1. Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий, «*Мийзонул-иътидол фий нақдир-рижол*», 2-жилд, 218-бет ва шунингдек, Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний, «*Фатҳул-Борий шарҳи Саҳиҳил Бухорий*», 9-жилд, 18-бет.

2. Ибн Ҳишом, «*Сирату Ибн Ҳишом ёки Ас-Сийратун-Набавийях*», 3-жилд, 335-бет; яна Абу Абдиллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Ас-соллиҳий Ашшомий, «*Субулл ҳудо вар-рошаад фий сийрати хойрил ибод*», 5-жилд, 200-бет; ва шунингдек, Муҳаммад ибн Шокир ибн Аҳмад Ал-Кутубий, «*Уюнут-таваарийх*», Қоҳира – Миср, Мактабатун-Наҳзатил Мисрияҳ нашриёти, 1400-ҳижрий камарий, 1980-милодий йили, 1-жилд, 267-бет.

3. Муҳаммад ибн Муҳаммад Шайх Муфид номи билан танилган, «*Ал-Иршод фий маърифати ҳужажжиллаҳи ғалал ғибаад*», Кум – Эрон, Шайх Муфид Конгресси нашриёти, 1413-ҳижрий йили, 1-жилд, 127 ва 128-бетлар.

Шундай қилиб, бир неча соатдан сўнг ҳазрати Али (*алайҳис салом*) нинг довораклик ва қаҳрамонликлари билан мустаҳкам ва қудратли бўлмиш Хайбар қалъаси фатҳ этилди. Оқибат, Хайбар қалъаси 1400 Ислом аскарларининг фидоийларча жанг қилиши ва курашуви натижасида кўплаб қурол-яроғ ва 20,000 нафардан ошиқ кўшин билан забт этилди.

Хайбар урушида мусулмонлардан ўн беш ёки ўн саккиз киши шаҳид бўлди. Бирок яҳудийлардан эса 93 киши ўлдирилди.

Шундан сўнг Ислом кўшини Катибах, Ватийҳ ва Салолим қалъалари томон йўл олишди. Охириги икки қалъа Бани ал-Ҳақийқ тоифасидаги яҳудийларга тегишли бўлиб, Қамус қалъаси билан бирга Катибах қалъалари қаторидан жой олган эди. Ислом кўшини Салолим ва Ватийҳ қалъаларига хужум қилишга шайланиб турган вақт мазкур қалъаларда яшовчи яҳудийлар мағлубиятга учрашларига ишонч ҳосил қилгач, улар сулҳ тузишни сўрашди. Оқибат, улар бор нарсаларини мусулмонларга таслим этиб, омонлик ва хавфсизликка эга бўлишди<sup>1</sup>.

Пайгамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) фатҳу ғалабадан кейин Хайбар яҳудийлари билан яхши муносабатда бўлиб, ўша ҳудуддаги ер ва боғларни даромад ва ҳосилнинг ярими мусулмонларга берилиши шарти билан яҳудийларга топширдилар. Хайбар қалъасининг забт этилиши мусулмонлар учун улкан аҳамиятга эга бўлиб, ушбу фатҳу зафар Макка шаҳрини қон тўкмай забт этиш учун йўл очиб берди. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Хайбар жанги ҳақида шундай марҳамат қилади:

﴿وَعَدَ اللَّهُ مَعَكُمْ كَثِيرَةً تَأْخُذُوهَا فَعَجَلَ لَكُمْ هَذِهِ وَكَفَّ أَيْدِيَ النَّاسِ عَنْكُمْ وَلِتَكُونَ آيَةً لِّلْمُؤْمِنِينَ وَيَهْدِيَكُمْ صِرَاطًا مُّسْتَقِيمًا \* وَأَخْرَى لَمْ تَقْدِرُوا عَلَيْهَا قَدْ أَحَاطَ اللَّهُ بِهَا وَكَانَ اللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرًا﴾

«Аллоҳ сизларга кўпгина ўлжаларни ваъда қилдики, сизлар уларни олурсизлар. Энди мана бунди [Хайбар жангида қўлга киритган фатҳу ғалабани] сизларга тезлаштирди ва сизларга душман бўлган одамларнинг қўлларини сизларга зарар етказишдан тўсиб қўйди. Токи, [бу фатҳу зафар] мўминларга оят-ибрат бўлсин ва Аллоҳ таоло сизларни тўғри йўлга бошласин. Ва яна бошқа сизлар унга қодир бўлмаган ўлжалар ҳам борки, Аллоҳ уларни Ўзининг чексиз илми билан ихота қилиб олган ва

1. Ибн Саъд, «*Ат-табақотул кубро*», 2-жилд, 106-бет, Хусунул Катийбати, минҳаа: ал-Қамус вал-Ватийҳ вас-Салаалим.

Аллоҳ ҳар бир нарсага қодир зотдир». (Фатҳ сураси, 20 ва 21-оятлар)

Мўминлар амири Али (*алайҳис салом*) Саҳл ибн Ҳанифга ёзган мактубларида Хайбар қалъаси дарвозасини оддий ва инсоний куч билан эмас, балки уни ғайбий ва илоҳий куч билан кўпориб ташлаганлари борасида шундай марҳамат қилганлар:

عَنْ عَلِيِّ عَلَيْهِ السَّلَامُ فِي رِسَالَتِهِ إِلَى سَهْلِ بْنِ حَنِيفٍ، قَالَ: وَاللَّهِ مَا قَلَعْتُ بَابَ حَيْبَرَ وَرَمَيْتُ بِهِ خَلْفَ ظَهْرِي أَرْبَعِينَ ذِرَاعًا بِقُوَّةِ جَسَدِيَّةٍ وَلَا حَرَكَةٍ غَدَائِيَّةٍ، وَلَكِنِّي أُيِّدْتُ بِقُوَّةِ مَلَكُوتِيَّةٍ وَنَفْسٍ بِنُورِ رَبِّهَا مُضِيَّةٍ.

«Аллоҳга қасамки, мен Хайбар дарвозасини жисмоний куч-қувват ва озик-овқатдан ҳосил бўлган ҳаракатчанлик билан кўпориб, уни қирқ зирот [тирсак] орқамга улоқтириб юбормадим. Балки, Мен малакутий ва илоҳий куч-қудрат ҳамда Парвардигорининг нури ила ёришган руҳ билан қўллаб-қувватландим».<sup>1</sup>

Аҳли суннатнинг буюк тафсирчи олимларидан бўлган Фахриддин Розий ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг ушбу нуроний сўзларини изоҳлаб айтади:

وَهَذَا الْمَعْنَى تَرَى أَنَّ كُلَّ مَنْ كَانَ أَكْثَرَ عِلْمًا بِأَحْوَالِ عَالَمِ الْغَيْبِ كَانَ أَقْوَى قَلْبًا وَأَقْلَّ ضَعْفًا وَهَذَا قَالَ عَلِيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ كَرَّمَ اللَّهُ وَجْهَهُ: وَاللَّهِ مَا قَلَعْتُ بَابَ حَيْبَرَ بِقُوَّةِ جَسَدَانِيَّةٍ وَلَكِنِّي بِقُوَّةِ رَبَّانِيَّةٍ.

وَذَلِكَ لِأَنَّ عَلِيًّا كَرَّمَ اللَّهُ وَجْهَهُ فِي ذَلِكَ الْوَقْتِ انْقَطَعَ نَظَرُهُ عَنْ عَالَمِ الْأَجْسَادِ وَأَشْرَقَتِ الْمَلَائِكَةُ بِأَنْوَارِ عَالَمِ الْكِبْرِيَاءِ فَتَقَوَّى رُوحُهُ وَتَشَبَّهَ بِجَوَاهِرِ الْأَرْوَاحِ الْمَلَائِكِيَّةِ وَتَلَأَلَتْ فِيهِ أَضْوَاءُ عَالَمِ الْقُدْسِ وَالْعِظَمَةِ فَلَا جَرَمَ حَصَلَ لَهُ مِنَ الْقُدْرَةِ مَا قَدَّرَ بِهَا عَلَى مَا لَمْ يَقْدِرْ عَلَيْهِ غَيْرُهُ وَكَذَلِكَ الْعَبْدُ إِذَا وَاطَبَ عَلَى الطَّاعَاتِ بَلَغَ إِلَى الْمَقَامِ الَّذِي يَقُولُ اللَّهُ كُنْتُ لَهُ سَمْعًا وَبَصْرًا فَإِذَا صَارَ نُورُ جَلَالِ اللَّهِ سَمْعًا لَهُ سَمِعَ الْقَرِيبَ وَالْبَعِيدَ وَإِذَا صَارَ ذَلِكَ النُّورُ بَصْرًا لَهُ رَأَى الْقَرِيبَ وَالْبَعِيدَ وَإِذَا صَارَ ذَلِكَ النُّورَ يَدًا لَهُ قَدَرَ عَلَى التَّصَرُّفِ فِي الصَّعْبِ وَالسَّهْلِ وَالْبَعِيدِ وَالْقَرِيبِ.

«Ғайб оламининг аҳволидан хабардор бўлган ҳар бир кишининг қалби кучлироқ ва заифлиги эса камроқ бўл бўлади. Шунинг учун, Али ибн Абу

1. Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристоний, «Ал-Милалу ван-Ниҳал» 1-жилд, 152-бет.

Толиб – Аллоҳ унинг юзини улуг қилсин – дедилар: «Аллоҳга қасамки, Мен Хайбар эшигини жисмоний куч билан эмас, балки раббоний ва илоҳий куч-қувват билан жойидан қўпордим».

Бу эса ўша пайтда ҳазрати Али (Аллоҳ унинг юзини эъозласин)нинг назари жисмлар оламидан узилиб, фаришталар кибриё оламининг нурлари билан ёритдилар. Натижада, у зотнинг руҳи қувватланиб, малакутий руҳларнинг жавҳарларига ўхшайдиган бўлди, қуддус ва буюклик оламининг нурлари унда порлаб турди. Оқибат, ул зот учун шак-шубҳасиз, шундай куч-қудрат ҳосил бўлдики, у ҳазратдан бошқа ҳеч ким қила олмайдиган ишларни қилишга қодир бўлди.

Шунингдек, агар ҳар бир банда тоат-ибодатда устувор ва эҳтиётли бўлса, «Аллоҳ таоло: Мен унинг қулоғи ва кўзлариман», деб айтган даражага етади. Шунда агар Аллоҳнинг жалол [буюклик] нури унинг қулоғига айланса, у ҳолда банда яқин ва узоқни эшитади. Ва қачонки ўша нур унинг кўзига айланса, унда банда яқин ва узоқни кўради ва агар ўша нур унинг қўлига айланса, у ҳолда банда оғир ва енгил ҳамда узоқ ва яқиндаги ишларни бажаришга қодир бўлади».<sup>1</sup>

Хайбар жангига тааллуқли бўлган «Роят ҳадиси» шиа ва Аҳли суннатнинг аксарият ҳадисий ва тарихий китобларида келтирилган бўлиб, ушбу ҳадис мутавотир<sup>2</sup> даражасига етган. Ва шунингдек, кўпчилик Аҳли суннатнинг ва барча шиаларнинг эътиқодига кўра, ушбу ҳадис ҳазрати Али ибн Абу Толибнинг юксак фазилатини баён қилган. Ҳатто Аҳмад ибн Ҳанбал, Муслим ибн Ҳажжож, Абу Исо ат-Термизий каби Аҳли суннатнинг баъзи йирик алломалари ушбу ҳадисни Али ибн Абу Толибнинг фазилати борасида ягона ва бетакрор деб билганлар<sup>3</sup>.

Ибн Таймия ҳам ушбу ҳадисни Али ибн Абу Толиб фазилати ҳақида ривоят қилинган энг тўғри ҳадис деб билган, лекин бу фазилат Али ибн Абу Толибга хос бўлиб, бошқаларга тааллуқли эмаслигини ва банда билан Аллоҳнинг ўзаро муҳаббати ҳар бир тақводор мўминга нисбатан амалга ошишини илгари суриб, «Роят ҳадиси» ҳазрати

1. Фаҳри Розий, «Ат-тафсирул Кабийр ав Мафаатийҳул ғайб», 21-жилд, 436-бет.
2. Агар бирор ҳадис бутун асрлар давомида ишончли ровийлар томонидан шу даражада кўп ривоят қилинган бўлсаки, ўша ҳадис Пайғамбаримиз (с.а.о) томонларидан айтилганига ҳеч қандай шак-шубҳа қолмаса, ҳадисчи олимлар бундай ҳадисни «мутавотир» деб аташади.
3. Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний, «Таҳзибут-таҳзиб», 7-жилд, 339-бет.

Алининг афзаллиги ва имомати, яъни раҳбарлигини баён қилувчи фазилят эканини қабул қилмаган<sup>1</sup>.

Шунингдек, у бу борада айтади: Ушбу ҳадис ҳазрати Али (а.с)дан безор эканлигини билдирган носибийларга қарши ҳамда у зотни кофирга чиқарган хорижийларга қарши энг яхши далил ва ҳужжатдир. Зеро, Пайғамбар: Аллоҳ ва Унинг Расули Алини яхши кўради, деб гувоҳлик берганлар<sup>2</sup>.

Бир неча саҳобалар «*Роят ҳадиси*»ни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ривоят қилганлар:

Умар ибн Хаттоб<sup>3</sup>,  
Оиша бинти Аби Бакр<sup>4</sup>,  
Абдуллоҳ ибн Аббос,  
Анас ибн Молик,  
Зубайр ибн Авом<sup>5</sup>,  
Абу Лайло Ансорий  
Салама ибн Акваъ  
Саъд ибн Абил Ваққос  
Саҳл ибн Саъд  
Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорий<sup>6</sup>.

Мутаассибликни бир четга суриб масалани холислик билан ўрганиб чиқадиған бўлсак, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Хайбар жангида ҳазрати Али (алайҳис салом) ҳақларида марҳамат қилган «*Роят ҳадиси*» бошқа қатъий далиллар қатори мўминлар амири ва такводорлар сардори ҳазрати Али (алайҳис салом) барча саҳобалардан афзал ва устун эканликларига ҳамда у ҳазрат, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг мусулмонларнинг ҳақиқий йўлбошчиси ва раҳнамози эканликларига очиқ далилдир.

1. Аҳмад ибн Таймия Ал-Ҳарроний, «*Минҳожус-суннатин-набавийях*», Риёз – Саудия Арабистон, Муҳаммад Раход Солим нашриёти, 1406-ҳижрий қамарий, 1986-милодий йили, 7-жилд, 367 ва 368-бетлар.

2. Юқоридаги Манба, 5-жилд, 44-бет ҳамда 7-жилд, 366-бет.

3. Хайруддин ибн Мухмуд ибн Муҳаммад ибн Али ибн Форис Аз-Зиркилий Ад-Дамашқий, «*Ал-Аълаам*», Байрут – Ливан, Даарул илм лил-малаайин, 2002-милодий йили, 7-жилд, 257-бетлар.

4. Ибн Саъд, «*Ат-табақотул кубро*», 8-жилд, 39-бет.

5. Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний, «*Таҳзибут-таҳзиб*», Ҳиндистон – Матбаъату Дааиротил маъарифин-низомийях, 7-жилд, 339-бет.

6. Юқоридаги манба, 7-жилд, 337-бет.

---

## ҲАЗРАТИ АЛИ БАРЧА ЖАНГЛАРНИНГ ТАҚВОЛИ САРДОРИ

---

مَوْلَايَ أَنْتَ الْحُجَّةُ الْبَالِغَةُ، وَالْمَحَجَّةُ الْوَاضِحَةُ، وَالتَّعَمَّةُ السَّابِغَةُ، وَالْبُرْهَانُ الْمُنِيرُ، فَهَنِيئاً  
لَكَ بِمَا آتَاكَ اللَّهُ مِنْ فَضْلِ، وَتَبَّأً لِمَا نَبَيْتَكَ فِي الْجُهْلِ، شَهِدْتَ مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ  
جَمِيعَ حُرُوبِهِ وَمَغَازِيهِ، تَحْمِلُ الرِّيَاةَ أَمَامَهُ، وَتَضْرِبُ بِالسَّيْفِ قُدَّامَهُ.

*«Эй менинг мавлоим, Сиз Аллоҳнинг ошкор ва қатъий ҳужжати ва ёруғ йўлисиз ва Аллоҳнинг инсонларга бўлган тўқис неъматисиз ҳамда инсонларни ҳидоят йўлига бошлаш учун Аллоҳнинг ёрқин далилисиз.*

*Демак, Аллоҳ сизга ато этган фазилат муборак бўлсин! Ва сизнинг нодон ва жоҳил душманларингиз ҳалок бўлсин! Сиз барча жанг ва газавотларда Пайгамбар (солаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан бирга эдингиз. Олдинда туриб, Ислом байрогини елкангизда кўтариб борардингиз ва ул ҳазратнинг ёнларида душманларни қилич билан урардингиз».*

ثُمَّ لِحَزْمِكَ الْمَشْهُورِ، وَبَصِيرَتِكَ فِي الْأُمُورِ أَمْرَكَ فِي الْمَوَاطِنِ، وَلَمْ يَكُنْ عَلَيْكَ أَمِيرٌ، وَكَمْ مِنْ  
أَمْرٍ صَدَدَكَ عَنْ إِمْضَاءِ عَزْمِكَ فِيهِ التَّقَى، وَاتَّبَعَ غَيْرُكَ فِي مِثْلِهِ الْهَوَى، فَظَنَّ الْجَاهِلُونَ أَنَّكَ  
عَجَزْتَ عَمَّا إِلَيْهِ انْتَهَى، صَلَّى وَاللَّهُ الظَّانُّ لِدَلِكْ وَمَا اهْتَدَى.

*«Сўнгра эса сизнинг барчага аён бўлган сергаклигингиз, иш билармонлигингиз ва узоқни ўйлашингиз сабабли, ҳамда барча ишларда илму маърифатга эгалигингиз сабабли, Пайгамбар (солаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) сизни жанг майдонларида бошлиқ ва сардор этиб тайинлардилар ва ҳеч қачон бирор жангда ҳеч ким сизга амир ва бошлиқ бўлмаган эди.*

*Қанчадан қанча жангга оид бўлган ишларда тақводорлигингиз ўз истак-иродангизни амалга оширишига тўққинлик қилди [яъни; кўп жангларда*

Аллоҳдан қўрқиб, тақводорлик юзасидан иш тутганлигингиз, ўз истак-иродангизни амалга оширишига тўсқинлик қиларди.] Холбуки, сиздан ўзгалар бундай ишларда ҳавойи нафсга эргаширдилар. Оқибат, нодон кимсалар сизни бундай ишларда ожиз дея гумон қилишди! Аллоҳга қасамки, бундай гумонга борган кимса йўлдан озиб, ҳидоят йўлини топмаган».

وَلَقَدْ أَوْضَحْتَ مَا أَشْكَلَ مِنْ ذَلِكَ لِمَنْ تَوَهَّمْ وَآمَتَرِي، بِقَوْلِكَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْكَ: «قَدْ يَرَى  
الْحَوَّلَ الْقَلْبُ وَجَهَ الْحِيلَةَ وَدُونَهَا حَاجِزٌ مِنْ تَقْوَى اللَّهِ فَيَدَعُهَا رَأْيَ الْعَيْنِ، وَيَنْتَهِرُ فُرْصَتَهَا مَنْ لَا  
حَرِيحَةَ لَهُ فِي الدِّينِ».

«Аммо сиз, Аллоҳнинг салавоту дуруди сизга бўлсин, шак-шубҳага борган ва иккиланган одамларга ёруғ йўлни кўрсатиб, шундай дедингиз:

«Гоҳида шундай бир вазият юзага келадики, ишбилармон, доно, огоҳ ва тадбир-чора кўра оладиган киши ишнинг кўзини ва унинг чорасини билса-да, Аллоҳдан қўрқиши бу ишни бажаришига тўсқинлик қилади. Демак, у билиб туриб, ушбу ишдан воз кечади. Аммо ўз динида суст бўлган тақвосиз киши бундай фурсатни ганимат билиб, ҳар қандай ишни қилишдан қўрқмайди». (Наҳжул Балоға, 41-хутба)



---

## НОКИСИЙН ЁКИ ЖАМАЛ ЖАНГИ ФИТНАСИ ҲАҚИДА

---

صَدَقْتُ وَاللَّهِ، وَخَسِرَ الْمُتَبَطِّلُونَ، وَإِذْ مَا كَرَّكَ التَّاكِثَانِ فَقَالَا: نُرِيدُ الْعُمْرَةَ، فَقُلْتُ لَهُمَا:  
«لَعَمْرُكُمَا مَا تُرِيدَانِ الْعُمْرَةَ لَكِنَّ تُرِيدَانِ الْعُدْرَةَ».

«Аллоҳга қасамки, сўзингиз ростдир ва ноҳақ йўлда бўлган бузгунчи кимсалар зиёнкор бўлувлар, ўз аҳду паймонларини синдирганлар [яъни Талҳа ва Зубайр] сизга макр-ҳийла ишлатиб, биз «Умра» маросимини бажариш учун Маккага боришни истаймиз дейишди. Шунда сиз уларга дедингиз:

«Жонингизга қасамки, сиз иккалангизнинг Умрага бориш мақсадингиз йўқ, лекин хиёнат қилмоқчисиз».

فَأَخَذَتِ الْبَيْعَةَ عَلَيْهِمَا، وَجَدَّدَتِ الْمِيثَاقَ، فَجَدَّدَا فِي التَّفَاقِ، فَلَمَّا نَبَّهَهُمَا عَلَى فِعْلِهِمَا،  
أَغْفَلَا وَعَادَا، وَمَا انْتَفَعَا، وَكَانَ عَاقِبَةُ أَمْرِهِمَا خُسْرًا.

«Кейин сиз улардан яна бир марта байъат-қасамёд олдингиз ва улар билан қайтадан аҳду паймон туздингиз, бироқ улар ўз мунофиқликлари ва иккиюзламачиликларида оёқ тираб олишди. Қилаётган нодуруст кирдорлари туфайли уларни огоҳлантирган вақтингизда, ўзларини бепарво кўрсатиб, сизга қарши душманлик қилишди ва огоҳлантирганингиздан сабоқ олишмади. Ишларининг оқибати зиёнкорлик билан тугади».

**Изоҳ:** «Нокисийн» сўзи арабча бўлиб, «аҳд-паймонини бузганлар» маъносини англатади. Мўъминлар амири ва тақволилар сардори ҳазрати Али (алайҳис салом)га байъат қилган бир гуруҳ саҳобалар ўз байъат-қасамёдларини бузиб, ул ҳазратга қарши қўшин тортадилар. Ушбу жангда Талҳа ва Зубайр уларга бошчилик қилишарди. Нокисийн ёки Жамал жангининг келиб чиқиш сабаби шуки, Талҳа ва Зубайр ҳазрати Али (алайҳис салом)га байъат этишганидан кейин ул ҳазратдан уларни Басра ва Куфа

шаҳарларига волий ва ҳоким этиб тайинлашларини талаб қилишди. Шунда ҳазрати Али (*алайҳис салом*) уларнинг бу истагига рози бўлмадилар.

Ниҳоят ўз истагининг амалга ошмаётганини кўрган Галҳа ва Зубайр Умра маросимини баҳона қилиб, Макка сари йўл олишади. Улар Маккада бани Уммайя тарафидан ғорат қилинган байтулмолдан фойдаланиб қўшин тўплайдилар. Сўнгра Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг завжалари Оиша билан биргаликда учинчи халифа Усмон қонининг қасосини олиш мақсадида Басра шаҳри томон отланадилар ва у ерни босиб олиб ҳазрати Али (*алайҳис салом*) томонидан тайин этилган Усмон ибн Ҳунайф номли ҳокимни кийноқлаб уни қамаб қўйишади ва ҳатто, Усмон ибн Ҳунайфнинг соқолларини юлиб олиб, юзини қонга белашади.

Мўъминлар амири ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ушбу ҳодисадан хабар топгач, уларни ўз ўрнига ўтқизиб қўйиш мақсадида катта қўшин ила Басра томон йўл оладилар. Басрага яқин жойда икки қўшин ўртасида рўй берган қонли тўқнашув натижасида ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ғолиб келиб «*нокисийнлар*», яъни байъат-қасамёдини бузувчилар мағлубиятга учрайдилар.

Ушбу жанг ҳижратнинг ўттиз олтинчи йилида юз беради. Агарчи Сарвари коинотнинг завжалари Оиша мўъминлар амири ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га қарши чиқиб, мусулмонлар ўртасида Жамал жанги юзага келишига ва бу қонли тўқнашув натижасида ишончли тарихий манбаларга кўра, ҳар икки томондан ўттиз минг мусулмоннинг қони ноҳақ тўкилишига сабабчи бўлган бўлса-да, бироқ мусулмонлар орасида яна бошқа бир фитна келиб чиқишининг олди олиниши учун ҳазрати Али (*алайҳис салом*) Оишани бу қилмиши учун жазоламай, балки ҳарбий кийинган қирқ нафар отлиқ аёл уни ўраб олган ҳолда Мадинаи Мунавварага қайтардилар.

Мусулмонлар ўртасида рўй берган бу қонли тўқнашувда пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг завжалари Оиша ТУЯга миниб олиб жанг майдонини бошқариб тургани учун ушбу қонли тўқнашувга Жамал жанги, яъни «*Туя уруши*» деб ном берилди.

Ушбу дардли Жамал урушида Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) завжалари Оишанинг ҳамроҳлиги ва бошчилигида айрим саҳобалар мўъминлар амири ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ҳукуматида қарши чиқишгани ҳақида Аҳли-Байт издошлари ва Аҳли сунна вал жамоанинг

кўпгина тарихий китобларида муфассал маълумотлар келтирилган. Ушбу мавзуда қуйидаги китобларга мурожаат қилишингиз мумкин:

1. Аллома Шайх Муфиднинг «Ал-Жамал» номли китоби.

2. Устоз Абдул Фаттоҳ Абдулмақсуднинг «Ал-Имом Али» китоби таржимасининг 2-жилди.

Ғадийр воқеаси зиёратномасининг давомида Сарвари коинотдан кейин мусулмонлар ўртасида юзага келган яна бир оғишга ишора қилинади:

ثُمَّ تَلَاهُمَا أَهْلُ الشَّامِ، فَسِرَتْ إِلَيْهِمْ بَعْدَ الإِعْدَارِ، وَهُمْ لَا يُدِينُونَ دِينَ الْحَقِّ، وَلَا يَتَدَبَّرُونَ الْقُرْآنَ.

«Сўнгра эса Шом диёрининг аҳолиси у иккиласининг [Талха ва Зубайрнинг] изидан боришиди, [яъни улар ҳам аҳд-паймонларини бузишиди] ва сиз уларни қилмишларининг оқибатидан огоҳлантириб ҳамда уларнинг ҳар қандай узру баҳона келтириши йўлини тўсиб, улар томонга йўл олдингиз. Холбуки, улар [пайгамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) умрларининг охирги ҳажи; «Ҳажжатул видо»дан қайтаётганларида Макка ва Мадина ўртасидаги «Ғадийр Хум» деган кўлнинг ёнида барча саҳобаларга узун хутба ўқиб, уларга ўзларидан сўнг, ҳазрати Али (алайҳис салом)ни бутун ислом уммати учун пешво ва валий қилиб тайин этганликлари асосидаги комил ва] ҳақ динга эътиқод қилмас ва Қуръонда фикр юритмас эдилар».

هَمَجٌ رَعَاغٌ ضَالُّونَ، وَبِالَّذِي أُنْزِلَ عَلَيَّ مُحَمَّدٍ فِيكَ كَافِرُونَ، وَلِأَهْلِ الْخِلَافِ عَلَيْكَ نَاصِرُونَ.

«Улар тубан, нодон ва гумроҳ тоифа эдилар. Сиз тўғрингизда ҳазрати Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га нозил бўлган нарсага [яъни пайгамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га сиз барча инсонларга раҳбар ва валий ва йўлбошчи этиб танланганингиз хусусида нозил бўлган оятларга] кофир эдилар ва сизга қарши бўлган душманларга ёрдам берувчи эдилар».

---

## РОСТГҮЙ – МАЪСУМЛАРГА ЭРГАШИШ ҲАҚИДА

---

وَقَدْ أَمَرَ اللَّهُ تَعَالَى بِاتِّبَاعِكَ، وَنَدَبَ الْمُؤْمِنِينَ إِلَى نَصْرِكَ، وَقَالَ عَزَّوَجَلَّ: ﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَكُونُوا مَعَ الصَّادِقِينَ﴾

«Холбуки, Аллоҳ таоло сизга эргашишни [ва сизнинг кўрсатган йўлингиздан боришни] уларга буюрган ва мўъминларни сизга кўмак беришга чорлаган. Енгилмас ва Буюк бўлган Аллоҳ бу борада шундай буюрди»:

«Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ азобидан сақланингиз ва ростгўй инсонлар билан бирга бўлингиз!» (Тавба сураси, 119-оят)

Абдуллоҳ бин Аббос (*разияллоҳу анҳу*)дан ривоят қилинишича, ушбу ояти карима ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ҳақларида нозил бўлган.

Ибн Аббос (*разияллоҳу анҳу*)дан ушбу оят борасида қуйидагича ривоят қилинган:

عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فِي هَذِهِ الْآيَةِ: ﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا اتَّقُوا اللَّهَ وَكُونُوا مَعَ الصَّادِقِينَ﴾ قَالَ: مَعَ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ وَأَصْحَابِهِ.

«Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ азобидан сақланингиз ва ростгўй инсонлар билан бирга бўлингиз». Яъни, Али бин Абу Толиб (*алайҳимас салом*) ва унинг ёр-асҳоблари билан бирга бўлингиз!

Бошқа бир ривоятда олтинчи пешвоимиз Имом Жаъфар бин Муҳаммад (*алайҳимас салом*)дан шундай келтирилган: Аллоҳ азобидан сақланингиз ва ростгўй кишилар билан бирга бўлингиз! Яъни: Муҳаммад (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ва Али (*алайҳис салом*) билан бирга бўлингиз.

Абдуллоҳ бин Умардан ушбу ояти карима ҳақида қуйидагича ривоят қилинган:

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ فِي قَوْلِهِ تَعَالَى: ﴿اتَّقُوا اللَّهَ﴾ قَالَ: أَمَرَ اللَّهُ أَصْحَابَ مُحَمَّدٍ بِأَجْمَعِهِمْ أَنْ يَخَافُوا اللَّهَ ثُمَّ قَالَ لَهُمْ: ﴿كُونُوا مَعَ الصَّادِقِينَ﴾ يَغْنِي مُحَمَّدًا وَأَهْلَ بَيْتِهِ.

«Абдуллоҳ ибн Умар «Аллоҳ азобидан сақланингиз», деб айтилган оят борасида шундай деди: Аллоҳ Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг барча саҳобаларига Аллоҳдан қўрқишларини амр қилди, сўнгра эса уларга шундай деди: «Ростгўй кишилар билан бирга бўлингиз», яъни Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ва Унинг Аҳли-Байти билан бирга бўлингиз».<sup>1</sup>

Ҳазрати Али (алайҳис салом) Фотимаи Заҳро (саломуллоҳи алайҳа) ва Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн (алайҳимас салом) ва у ҳазратнинг зурриётларидан бўлган тўққиз имом ва пешво, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг Аҳли-Байтларидан эканликларига ҳеч қандай шак-шубҳа бўла олмас.

Юқорида келтирилган ривоятлар асосида Аллоҳ таоло Ўз китобида Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ва у ҳазратнинг Аҳли-Байтларидан бўлган ҳазрати Али (алайҳис салом) ва у ҳазратнинг зурриётлари, яъни ўн бир имом билан бирга бўлиб уларга эргашишни, ҳақ ва тўғри йўлда юришни истаган барча иймонли инсонларга амр қилган.

Аллоҳ ушбу ояти каримада ҳеч бир кайд-шартсиз, барча ҳолатлар ва вазиятларда Ростгўй кишилар билан бирга бўлиб, уларнинг изидан боришга буюргани улар ҳеч қандай хато-маъсият ва гуноҳга йўл қўймайдиган ва доим тўғри йўлда юрувчи пок-маъсум инсонлар эканликларига ва шу боис, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг пешво, валий ва йўлбошчи бўлишга сазовор ва ҳақли бўлган ёлғиз инсонлар эканликларига ёрқин Қуръоний далилдир.

- 
1. Ушбу муҳим ҳадисни ўз китобида тасдиқлаб келтирган Аҳли суннат олимлари куйидагилардан иборат:
- Ҳофиз Ҳасконий, «Шавоҳиддуд-танзийл», 1-жилд, 259-бет.
  - Жалолуддин Суютий, «Ад-дуррул мансур», ушбу оятнинг тафсирида юқоридаги ҳадисни келтирган.
  - Ибн Асокир, «Тариху мадинати Дамашқ», 2-жилд, 421-бет, 930-ҳадис, ва бошқа олимлар ўз китобларида ушбу ҳадисни ривоят қилганлар.

---

## ҲАЗРАТИ АЛИ (А.С) – ҲАҚНИ ОШКОР ЭТГУВЧИ ЗОТ

---

مَوْلَايَ بِكَ ظَهَرَ الْحَقُّ وَقَدْ نَبَذَهُ الْخَلْقُ وَأَوْصَحْتَ الشُّنَنَ بَعْدَ الدُّرُوسِ وَالظَّمْسِ فَلَكَ  
سَابِقَةُ الْجِهَادِ عَلَى تَصْدِيقِ التَّنْزِيلِ وَلَكَ فَضِيلَةُ الْجِهَادِ عَلَى مَحْقِقِ التَّأْوِيلِ.

«Эй менинг пешвоим, ҳақ сиз орқали ошкор бўлди. Ҳолбуки, одамлар ҳақни ортларига отишди. Сиз Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг суннатларини, яъни: ул ҳазратнинг қилган амаллари ва айтган сўзлари ҳамда кўрсатган йўлларини парчаланиб, йўқ бўлиб кетганидан сўнг ошкор қилдингиз.

Демак, Қуръон оятларининг нозил қилинганини тасдиқлаш ва қўллаб-қувватлаш йўлида жиҳод ўтмишига эга бўлган инсонсиз ва шунингдек, Қуръон оятларини таъвил-тафсир қилиш ва уларни баён этишни амалга ошириш йўлидаги жиҳод фазилати фақатгина сизникидир».

وَعَدُّوْكَ عَدُوَّ اللَّهِ جَاحِدٌ لِرَسُولِ اللَّهِ يَدْعُو بِإِطْلَاقٍ وَيَحْكُمُ جَائِراً وَيَتَأَمَّرُ غَاصِبًا وَيَدْعُو حِزْبَهُ

إِلَى النَّارِ.

«Сизнинг душманингиз Аллоҳнинг душмани ва Аллоҳнинг элчиси Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни инкор этувчидир! Сизнинг душманингиз халқни нотўғри-ботил йўлга даъват этар ва инсонлар орасида зулму зўравонлик қилган ҳолда ҳукм қилар ва босқинчиларча ҳукумронлик қилар ва ўз гуруҳини жаҳаннам томон чақирар».

---

## СИФФИЙН ЖАНГИДА АММОР ИБН ЁСИР<sup>(P.A)</sup> НИНГ ШАҲИД БЎЛИШИ

---

وَعَمَّارٌ يَجَاهِدُ وَيَنَادِي بَيْنَ الصَّفَيْنِ الرَّوَاحَ الرَّوَاحَ إِلَى الْجَنَّةِ وَلَمَّا اسْتَسْقَى فَسَقَى اللَّبْنَ كَبَّرَ وَقَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ: «أَخْرُسْرَابِكَ مِنَ الدُّنْيَا ضَيَّاحٌ مِنْ لَبَنِ وَتَقْتُلُكَ الْفِئَةُ الْبَاغِيَةُ» فَأَعْتَرَضَهُ أَبُو الْعَادِيَةِ الْفَزَارِيُّ فَقَتَلَهُ.

«Холбуки, [буюк саҳобалардан бўлмиш] Аммор (разияллоҳу анҳу) [Сиффийн жангида] жиҳод қилар ва икки қўшин орасида: Жаннат сари шошилинг, шошилинг! дея нидо қилар эди. У сув сўраган пайтда унга сут ичирганларида, баралла такбир айтиб, ушбу сўзни Пайгамбар (с.а.в)дан ривоят қилиб деди: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) менга шундай деб марҳамат қилдилар:

«Дунёда сен ичадиган энг охирги ичимлик, бир оз сут бўлмай ва сени тугён қилувчи ва тажовузкор гуруҳ қатл этгайдир».<sup>1</sup>

Сунгра эса Абул Одия Фазорий, ҳазрати Аммор (разияллоҳу анҳу)га ҳужум қилиб, уни шаҳид қилди».

### Изоҳ:

عَنْ أَبِي أَيُّوبِ الْأَنْصَارِيِّ يَقُولُ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ ﷺ يَقُولُ لِعَمَّارِ بْنِ يَاسِرٍ: تَقْتُلُكَ الْفِئَةُ الْبَاغِيَةُ وَأَنْتَ مَعَ الْحَقِّ وَالْحَقُّ مَعَكَ يَا عَمَّارُ إِذَا رَأَيْتَ عَلَيًّا سَلَكَ وَادِيًا وَسَلَكَ النَّاسُ وَادِيًا غَيْرَهُ فَاسْلُكْ مَعَ عَلِيٍّ وَدَعِ النَّاسَ، إِنَّهُ لَنْ يُدْلِكَ فِي رَدَى وَلَنْ يُخْرِجَكَ مِنَ الْهُدَى.

---

1. Алоуддин Ал-Муттақил Ҳиндий, Аҳли суннатнинг буюк муҳаддисларидан бири бўлиб, унинг «Канзул уммол» номли китобининг 11-жилди, 720 ва 726-бетларига қаранг. (Ар-Рисола муассасаси наири)

«Абу Айюби Ансорий ривоят қилиб деди: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Аммор бин Ёсир (разияллоҳу анҳумо)га хитоб қилиб шундай марҳамат қилдилар: Сени тугён қилувчи тажовузкор гуруҳ қатл этгай. Холбуки, сен ҳақ билан ва ҳақ сен билан бирга бўлур. Эй Аммор, агар Алини бир йўлдан бораётган ҳолда ва инсонлар эса бошқа йўлдан бораётганларини кўрсанг, шунда сен инсонларни қўйиб, Али билан бирга йўл олгин, [у борган йўлдан биргаликда боргин] зероки, у ҳаргиз сени ҳалокат йўлига киргазмайди ва зинҳор сени ҳидоят йўлидан чиқармайди».<sup>1</sup>

Ушбу ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Аммор ибн Ёсир (разияллоҳу анҳумо)га ҳазрати Али (алайҳис салом) билан бирга бўлишни буюрганликлари сабабли, у буюк саҳоба Муъовияга қарши бўлган Сифийн жангида мўминлар амири ҳазрати Али ёнларида туриб, Муъовияга қарши урушаётган пайтда Муъовиянинг аскарларидан бўлган Абул Одия Фазорий, ҳазрати Амморнинг орқасидан келиб бошларидан қилич билан уриб, у зотни шаҳид қилгунига қадар, ҳазрати Аммор доим ҳазрати Али (алайҳис салом) билан бирга эдилар.

فَعَلَى أَبِي الْعَادِيَةِ لَعْنَةُ اللَّهِ وَلَعْنَةُ مَلَائِكَتِهِ وَرُسُلِهِ أَجْمَعِينَ وَعَلَى مَنْ سَلَّ سَيْفَهُ عَلَيْكَ وَسَلَّتْ سَيْفَكَ عَلَيْهِ يَا أَمِيرَ الْمُؤْمِنِينَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ وَالْمُنَافِقِينَ إِلَى يَوْمِ الدِّينِ وَعَلَى مَنْ رَضِيَ بِمَا سَأَلَكَ وَلَمْ يَكْرَهُهُ وَأَغْمَضَ عَيْنَهُ وَلَمْ يُنْكِرْ أَوْ أَعَانَ عَلَيْكَ بِيَدٍ أَوْ لِسَانٍ أَوْ قَعَدَ عَنْ نَصْرِكَ أَوْ خَذَلَ عَنِ الْجِهَادِ مَعَكَ أَوْ غَمَطَ فَضْلَكَ وَجَحَدَ حَقَّكَ أَوْ عَدَلَ بِكَ مَنْ جَعَلَكَ اللَّهُ أَوْلَىٰ بِهِ مِنْ نَفْسِهِ .

«Абул Одияга ва эй мўминлар амири, сизга қарши қилич кўтарган ва сиз уларга қарши қилич кўтарган мушриклар ва мунофиқларга, ҳамда сизга раво кўрилган ёвузликка рози бўлган ва ўз нафратини ушбу ёвузликка нисбатан изҳор қилмаган ва сизга нисбатан бўлган ноҳақликларга кўз юмган ва ўша ҳақсизликка қаршилиқ билдирмаган кишига ёки қўли ва тили билан сизга қарши [душманларингиз манфаати учун] ёрдам берган, ёхуд сизга кўмаклашиш учун оёққа турмаган ва сиз билан биргаликда жиҳод қилишдан ўзини четга тортган ёки фазилатингизни била туриб, инкор этган ва [ислом умматига пайгамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг Аллоҳ

1. Ушбу ҳадисни қуйидаги Аҳли суннат олимлари ўз китобларида келтирганлар:  
- Хоразмий, «Маноқибу Амирил муъминийн», 105-бет.  
- Ибн Асокир, «Тариху Мадинати Дамашқ», 3-жилд, 170-бет, ва 8-жилд, 120-бет.



томонидан халифа, пешво, валий ва йўлбошчи этиб танланганингиз хусусидаги] ҳаққингизни билиб туриб, тан олмаган ёки Аллоҳ таоло сизни ундан устунроқ ва ҳаққироқ қилган кишини сизга тенглаштирган кимсага Қиёмат кунигача Аллоҳнинг лаънати ва Унинг малоикаларининг лаънати ҳамда барча пайгамбарларининг лаънати бўлсин!»

وَصَلَوَاتُ اللَّهِ عَلَيْكَ وَرَحْمَةُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ وَسَلَامُهُ وَحَيَاتُهُ وَعَلَى الْأُمَّةِ مِنْ آلِكَ الظَّاهِرِينَ إِنَّهُ

حَمِيدٌ مُجِيدٌ.

«Сизга ва сизнинг хонадонингиз ва зурриётингиздан бўлган пок имомларга [яъни: ҳар қандай саҳв-хато ва гуноҳлардан узоқ бўлган ўн нафар пок ва маъсум имомларга] Аллоҳнинг салавоти, раҳмати ва Ун баракоти ва саломи бўлсин! Дарҳақиқат, У ҳамду сано ва мақтов эг ва юксак Зотдир».

---

## ФАДАКНИНГ ДАРДЛИ ВОҚЕАСИ ҲАҚИДА

---

وَالْأَمْرُ الْأَعْجَبُ وَالْحَتُّبُ الْأَفْظَعُ بَعْدَ جَحْدِكَ حَقَّكَ، غَضِبَ الصِّدِيقَةُ الظَّاهِرَةُ الرَّهْرَاءُ سَيِّدَةَ  
النِّسَاءِ فَدَكًّا وَرَدُّ شَهَادَتِكَ وَشَهَادَةِ السَّيِّدِينَ سُلَّاتِكَ وَعِثْرَةَ الْمُضْطَقِي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْكُمْ

«Ажабланарлиси ва ачинарлиси шундаки, сизнинг [бутун уммат учун Аллоҳ томонидан пешво, валий ва йўлбошчи этиб танланганлигингиз хусусидаги] ҳуқуқингизни билиб туриб, инкор қилишларидан сўнг, Фадакни барча аёллар сарвари ҳазрати Сиддиқаи Тоҳира, Фотимаи Заҳро (саломуллоҳи алайҳо)дан тортиб олишди ва [Фадак боғи Пайғамбаримизнинг нури дийдалари Фотимаи Заҳро (саломуллоҳи алайҳо) мулки эканлиги ва оталари Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳаётлик чоғларида Фадак богини ўз қизларига бахшида этганликлари хусусидаги] сизнинг гувоҳлигингизни, наслингиздан ва Муҳаммади Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) хонадонидан бўлган икки буюк пешволар Ҳасан ва Ҳусайн (алайҳимас салом)нинг гувоҳликларини қабул қилишмади».

Изоҳ:

Фадак Хайбардан бир оз узокликда жойлашган яҳудийларнинг марказларидан бири эди. Хайбар жангида Пайғамбаримиз ғолиб келиб Хайбар худудини қўлга киритганларидан сўнг, Фадак аҳолиси Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг хузурларига бир вакил йўллаб, ул ҳазратга урушсиз таслим эканликларини ҳамда Фадакнинг ярмини ул ҳазратнинг ихтиёрларига топшириб, жангсиз сулҳ тузишни таклиф этишди.

Шунинг учун Фадак боғи пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг шахсий мулклари эди. Зероки, мусулмонлар у ерни қўлга киритиш учун от чопиб, жанг қилмаган эдилар, балки Фадак аҳолисининг қалбларига кўркув ва ваҳшат тўшиб, ўзлари таслим бўлишган эди. Ҳашр сурасининг олтинчи ва еттинчи

оятларида очик-ойдин баён қилинган ҳукмга кўра, мусулмонларнинг қўлига урушсиз тушган еру моллар, жанг ғаниматлари сифатида тақсим қилинмай, Пайғамбармиз (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг шахсий мол-мулклари ҳисобланади.<sup>1</sup> Шу туфайли, у ерда етиштирилган маҳсулотлардан Сарвари оламнинг ўзлари фойдаланар эдилар.

Аҳли суннатнинг буюк муфассири Жалолиддин Суятий ўзининг «*Ад-дуррул мансур*» номли тафсирида буюк саҳоба Абу Саъид Худрий (розияллоҳу анҳу)дан шундай ривоят қилган:

Ушбу «*وَأْتِذَا الْقُرْبَىٰ حَقَّهُ*» ояти нозил бўлгач, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўз қизлари Фотима (саломуллоҳи алайҳа)ни ҳузурларига чақириб, Фодакни у ҳазратга бахшида этдилар.

Ёкут ибн Абдуллоҳ Ҳаммуий «*Муъжамул Булдон*» номли китобининг Фодак қисмида шундай ёзади:

«*Фодак Ҳижоз заминидаги бир қишлоқ бўлиб, у ердан Мадинаи мунавварагача икки ёки уч кунлик йўлдир ва Фодак боғида қайнаб чиқадиган булоқлар ва кўп хилма-хил хурмолар бор эди*».<sup>2</sup>

Юқоридаги ояти карима нозил қилингани тўғрисида қуйидагича ривоят қилинган:

1. «*وَمَا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَىٰ رَسُولِهِ مِنْهُمْ فَمَا أُوتِيتُمْ عَلَيْهِ مِنْ حَيْلٍ وَلَا رِجَابٍ وَلَا كَيْفَ اللَّهُ يُسَلِّطُ رُسُلَهُ عَلَىٰ مَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ*».

*Аллоҳ Ўз Расулига у [яхудий кофир]лардан ўлжа қилиб берган нарсалар устига сизлар от ва туя чоптириб бормадингиз [яъни, сизлар у ўлжаларни қийналиб, машаққат чекиб, жанг-жиҳод билан қўлга киритмадингиз.] Лекин Аллоҳ Ўз элчиларини Ўзи истаган кимсалар устидан голиб қилади. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир. (Ҳашр сураси, 6-оят)*

«*وَمَا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَىٰ رَسُولِهِ مِنْ أَهْلِ الْقُرَىٰ فَلِلَّهِ وَلِلرَّسُولِ وَلِذِي الْقُرْبَىٰ وَالْيَتَامَىٰ وَالْمَسَاكِينِ وَابْنِ السَّبِيلِ كَيْ لَا يَحْضُرَ ذُلَّةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ وَمَا آتَاكُمُ الرَّسُولُ فَخُذُوهُ وَمَا نَهَاكُمْ عَنْهُ فَانْتَهُوا وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ شَدِيدُ الْعِقَابِ*»

*Аллоҳ Ўз Расулига шаҳар – қишлоқнинг [кофир] аҳолисидан ўлжа қилиб берган нарсалар, сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина қўлма-қўл айланадиган нарса бўлиб қолмаслиги учун Аллоҳга, Унинг Расулига ва [у зотнинг] яқин қариндошларига, етимларга, мискинларга ва йўлда қолган мусофирларга тегшли [мол-мулклар]дир. Пайғамбар сизларга берган нарсани олингиз ва у сизларни қайтарган нарсадан қайтингиз. Аллоҳдан қўрқинглар. Шубҳасиз, Аллоҳ жазоси шиддатли зотдир. (Ҳашр сураси, 7-оят)*

2. Абу Абдуллоҳ Ёкуд бин Абдуллоҳ Ҳаммуий Бағдодий, «*Муъжамул Булдон*», 4-жилд, Фодак моддаси.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўз ихтиёрларида бўлган ерлардан Абу Бакр, Умар, Усмон, Оиша, Ҳафса ва бошқа саҳобаларга ҳам ер-жой ҳадя қилган эдилар ва ул ҳазрат саҳобаларидан бири Ҳамза бин Нуъмон Узрийга: «Водил Қуро» деган ерда тургин ва камон ўқини отгин ва шу ўқ қайси маконга етиб борса, ўша ер-жойлар сеникидир», дея марҳамат қилдилар.

Аммо Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) қизлари ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳи алайҳо)га ҳеч бир ер-жой ҳадя қилмаган эдилар. Шу боис, бу борада Аллоҳ таоло томонидан ушбу: ﴿وَأْتِذَا الْقُرْبَىٰ حَقَّهٗ﴾ «Яқин қариндошингга ўз ҳақини ато этгин», деган ояти карима нозил бўлди. (Исро сураси, 26-оят).

Ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳи алайҳо)нинг оналари ҳазрати Хадича (саломуллоҳи алайҳо) ўз ихтиёрида бўлган барча мол-мулкни Ислom йўлида берган эдилар. Шу боис, Аллоҳ таоло ﴿وَأْتِذَا الْقُرْبَىٰ حَقَّهٗ﴾ оятини нозил қилиши билан ҳазрати Хадича (саломуллоҳи алайҳо)нинг қилган фидокорликлари туфайли ҳазрати Фотимаи Заҳронинг ҳақларини беришни Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га амр қилди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳам Аллоҳнинг ушбу фармони асосида Фадакни ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳи алайҳо)га бахшида этдилар.<sup>1</sup>

Шу ерда муҳим бир савол туғилади: Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг ул зотнинг нури дийдалари ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳи алайҳо) билан қандай муомала қилинди?!

Юкорида зикр қилинганидек, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўз ихтиёрларида бўлган мол-мулкларни мусулмонларга бахшида қилар эдилар ва ушбу мол-мулклар уларнинг эгалигида эди. Шариат қонуни бўйича, мол-мулк кимнинг қўлида бўлса, ўша шахс мол-мулкнинг эгаси ва соҳиби бўлади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Фадакни ўз қизлари ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо)га бахшида қилган эдилар ва у ерлар ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо)нинг эгалигида бўлиб, ундан унумли фойдаланардилар.

1. Ушбу воқеанинг манбаи:

- Ибн Саъд, «Табақоти Ибн Саъд», 2-жилд, 586-бет.  
- Балозирий, «Ал-Футухул-Булдон», 1-жилд, 40-бет.

Абу Бакр халифаликни қўлга киритгач, унинг томонидан Фадак ерини мусодара қилиш фармони содир этилган пайт, у ерда ишлаётган ҳазрати Фотимаи Захро (саломуллоҳи алайҳо)нинг ишчиларини қувиб чиқариб, Фадакни ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо)дан тортиб олишди. Шунда Пайғамбаримизнинг нури дийдалари ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо): «Фадакни менга қайтариб берингиз! Зероки, отам Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) уни менга бахшида этганлар», деб айганларида, Абу Бакр ҳазрати Захро (саломуллоҳи алайҳо)дан шоҳид келтиришни талаб қилди. Ҳолбуки, Пайғамбаримиз ҳаётлик чоғларида ўз ихтиёрларидаги еру молларни уларга ҳадя этган кишиларнинг бирортасидан эса шоҳид талаб қилмади. Лекин шунга қарамай, ҳазрати Захро (саломуллоҳи алайҳо) Умми Айманни ўзларига шоҳид қилиб келтирдилар.

Буюк тарихчи олим Масъудий бу борада шундай ривоят қилади:

Ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо) ҳазрати Али (алайҳис салом) ва Умми Аймандан ташқари Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн (алайҳимас салом)ларни ҳам шоҳид ва гувоҳ сифатида келтирдилар ва мазкур шоҳидларнинг барчаси Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Фадакни ҳаётлик чоғларида Фотима (саломуллоҳи алайҳо)га бахшида қилган эдилар, дея гувоҳлик беришади. Бироқ Абу Бакр эса гувоҳлик бериш учун икки эркак ёки бир эркак ва икки аёл бўлиши лозим деб уларнинг гувоҳлигини қабул қилмайди.

Балозирий Футухул Булдон китобининг 43-бетида шундай дейди:

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг Рабоҳ номли ғуломлари ҳам Фадак ери ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо)га бахшида этилгани ҳақида гувоҳлик берди. Бошқа бир ривоятда шундай дейилган: Халифа [Абу Бакр] гувоҳлик берилгандан сўнг, Фадакни ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо)га қайтариб бериш қарорига келди.

Шунда Абу Бакр ўша замоннинг қоғози ҳисобланган бир терига Фадакни ҳазрати Фотимаи Захро (саломуллоҳи алайҳо)нинг номларига ёзиб берди. Лекин Умар етиб келиб, ҳужжат ҳисобланган ушбу терини у ҳазратнинг қўлларидан тортиб олиб уни йиртиб бўлакларга бўлиб ташлади. Айрим ачинарли тарихий маълумотларга кўра, Умар ҳазрати Фотимаи Захро (саломуллоҳи алайҳо)нинг йўлда, Мадина кўчаларида кетаётганларини ва ул ҳазратнинг қўлларида Фадак боғини ўз эгасига қайтариб бериш тўғрисидаги ҳужжатни кўриб ғазабланди-да, ул ҳазратнинг юзларига қаттиқ бир тарсак уриб, ерга йиқитди ва

қўлларидаги ҳужжатни тортиб олиб, уни йиртиб бўлақларга бўлиб ташлади. Шу пайт кичик ёшли Имом Ҳасан (*алайҳис салом*) ҳам оналари ҳазрати Фотимаи Заҳро (*саломуллоҳи алайҳа*) билан бирга эдилар ва бу дардли ҳодисанинг гувоҳи бўлдилар.<sup>1</sup>

Ушбу золимона зарбадан сўнг Сарвари оламнинг нури дийдалари ҳазрати Фотимаи Заҳро (*саломуллоҳи алайҳа*) уйларига етиб боргунларича, Мадина кўчаларининг деворларидан ушлаб бордилар.

---

1. Ушбу воқеани ўз китобида келтирган Аҳли суннат алломалари куйидагилардан иборат:

- Масьудий, Шофей, «*Муружус-заҳаб*», 2-жилд, 200-бет.
- Нуруддин Али ибн Аҳмад Самҳудий, «*Вафоул-вафо*», 2-жилд, 160-бет.
- Абул Фараж Али ибн Бурҳониддин Ал-Ҳалабий, «*Ас-сийратул ҳалабия*», 3-жилд, 400-бет.
- Абу Абдуллоҳ Ёқуд бин Абдуллоҳ Ҳаммуий Бағдодий, «*Муъжамул Булдон*», 4-жилд, Фадак моддаси.

---

## ПАЙҒАМБАРИМИЗ МЕРОСЛАРИНИНГ ТОРТИБ ОЛИНИШИ

---

Пайғамбарнинг меросларини ул ҳазратнинг Аҳли-Байтлари ва хонадонларидан зулм-зўравонлик билан тортиб олишди. Умар бин Хаттоб бу борада шундай дейди:

Расулуллоҳ оламдан кўз юмганларидан сўнг, мен ва Абу Бакр биргаликда Алининг ёнига бориб шундай дедик: Расулуллоҳ мерослари борасида нима дейсиз? Ҳазрати Али дедилар: Биз Расулуллоҳнинг меросларини олишда барча кишилардан кўра ҳақлироқмиз. Мен: Хайбарга тегишли бўлган нарсани назарда тутаяпсизми? дедим. Ҳазрати Али *(алайҳис салом)*: Ҳа шундай, Хайбарга тегишли бўлган ерлар назаримдадир, дедилар.

Мен дедим: Фадакка оид бўлган молу-мулкчи? Шунда ул ҳазрат: Ҳа шундай, Фадакка оид бўлган молу-мулкни ҳам назарга олганман, дедилар. Буларнинг барчаси бизга, яъни: Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг Аҳли-Байтларига тааллуқли бўлган молу-мулклардир. Шунда мен дедим: Шуни билинг, Аллоҳга қасамки, агар қилишни бўйнимизга кўйсангиз ҳам, сиз истаган бундай нарса амалга оша олмас ва бу молу-мулкларни сизларга қайтариб бермагаймиз.

Ҳазрати Фотиماи Заҳро *(саломуллоҳи алайҳо)* Абу Бакрга дедилар:

Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан менга мерос қолган нарсаларни қайтариб беринглар. Абу Бакр деди: Уй жиҳозларини истайсизми ёки экиладиган ерларни ва Пайғамбарнинг боғлариними? Ҳазрати Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)* сўзларида давом этиб: Иккаласини ҳам истайман. Сендан сўнг қизларинг меросхўринг бўлганидек, мен ҳам Пайғамбарнинг меросхўриман, дедилар.

Абу Бакр деди: Аллоҳга қасамки, Пайғамбар мендан яхшироқ эдилар ва сиз ҳам менинг қизимдан яхшироқсиз, лекин нима қилайки, Пайғамбар бу борада шундай марҳамат қилганлар:

«نَحْنُ مَعَاشِرَ الْأَنْبِيَاءِ لَا نُورِثُ، مَا تَرَكْنَاهُ صَدَقَةً»

«Биз Пайгамбарлар тоифаси ўзимиздан сўнг мерос қолдирмаймиз, қолдириб кетган нарсамиз садақадир».

Аҳли суннат олими Ибн Абул Ҳадид «*Шарҳу Наҳжил Балога*» номли китобининг 4-жилд 82-бетида ушбу ҳадис ҳақида шундай дейди:

«Пайгамбарлар ўзларидан сўнг мерос қолдирмайдилар», деган ҳадисни Абу Бакрдан бошқа ҳеч ким ривоят қилмаган.

Аҳли суннатнинг буюк алломаларидан бири Жалолиддин Суятий ўзининг «*Ал-Хулафо*» номли китобининг 89-бетида Абу Бакрнинг мазкур ривояти борасида шундай дейди:

Кейинчалик «Биз Пайгамбарлар тоифаси ўзимиздан сўнг мерос қолдирмаймиз», деган мазмунда ҳадислар тўкиб чиқарилди ва Абу Бакрдан ўзгалар ҳам мазкур ҳадисни ривоят қилганлар, деб кўрсатиш учун ушбу ҳадис Абу Бакрдан бошқаларга ҳам нисбат берилди.<sup>1</sup>

Бухорий ўзининг «*Саҳийҳул Бухорий*» номли китобида ҳазрати Фотима (саломуллоҳу алайҳа) Абу Бакрга ғазаб қилган ҳолда дунёдан ўтганликлари борасида шундай ривоят қилган:

حَدَّثَنَا عَبْدُ الْعَزِيزِ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ قَالَ: حَدَّثَنَا إِبْرَاهِيمُ بْنُ سَعْدٍ عَنْ صَالِحِ بْنِ أَبِي شَهَابٍ قَالَ: أَخْبَرَنِي عُرْوَةُ بْنُ الزُّبَيْرِ أَنَّ عَائِشَةَ أُمَّ الْمُؤْمِنِينَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَخْبَرَتْهُ: أَنَّ فَاطِمَةَ عَلَيْهَا السَّلَامُ ابْنَةَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ سَأَلَتْ أَبَا بَكْرٍ الصِّدِّيقَ بَعْدَ وَفَاةِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ أَنْ يَفْسِمَ لَهَا مِيرَاثَهَا مَا تَرَكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ مِمَّا أَفَاءَ اللَّهُ عَلَيْهِ.

فَقَالَ لَهَا أَبُو بَكْرٍ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «لَا نُورِثُ، مَا تَرَكْنَاهُ صَدَقَةً» فَغَضِبَتْ فَاطِمَةُ بِنْتُ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ فَهَجَرَتْ أَبَا بَكْرٍ، فَلَمْ تَزَلْ مُهَاجِرَتُهُ حَتَّى تُؤَقِّبَتْ وَعَاشَتْ بَعْدَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ سِتَّةَ أَشْهُرٍ. قَالَتْ: وَكَانَتْ فَاطِمَةُ تُسْأَلُ أَبَا بَكْرٍ نَصِيبَهَا مِمَّا تَرَكَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ مِنْ خَيْبَرٍ وَفَدَكَ وَصَدَقَتَهُ بِالْمَدِينَةِ، فَأَبَى أَبُو بَكْرٍ عَلَيْهَا ذَلِكَ.

«Абдул Азиз ибн Абдуллоҳ ривоят қилиб, деди: Иброҳим ибн Саъд Солиҳдан ва у эса ибн Шаҳобдан ривоят қилиб, деди: Урват ибн Зубайр

1. Ушбу сўзнинг манбаи:

- Ибн Саъд, «*Ат-Табақотул Кубро*», 2-жилд, 316-бет.
- Ибн Абил Ҳадийд, «*Шарҳу Наҳжил Балога*», 4-жилд, 85-бет.
- Ҳайсамий, «*Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид*», 9-жилд, 39-бет.



менга шундай хабар берди: Уммул мўъминин Оиша унга шундай хабар берди: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг қизлари Фотима (саломуллоҳу алайҳо) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) вафотларидан сўнг, у зот ўзларидан кейин қолдирган меросларини Абу Бакрдан тақсимлаб беришини сўради.

Абу Бакр у ҳазратга шундай деди: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) марҳамат қилиб дедилар: «Биз мерос қолдирмаймиз, биз қолдирган нарса садақадир». Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг қизлари Фотима (саломуллоҳу алайҳо) Абу Бакрга газаб қилиб, вафот этгунига қадар Абу Бакрдан узоқлашди ва ҳаргиз унинг ёнига бормади. Ҳазрати Фотима (саломуллоҳу алайҳо) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг, фақатгина олти ой яшади, холос.

Оиша деди: Фотима, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) қолдирган Хайбар ва Фадак ҳамда Мадинадаги садақаларини Абу Бакрдан талаб қиларди. У эса ушбу меросларни Фотимага қайтариб беришдан бўйин товлар эди».<sup>1</sup>

Аҳли суннатнинг буюк ҳадисчи олими Ҳоким Нишобурий ҳазрати Фотима (саломуллоҳу алайҳо)ни газаблантириш борасида қуйидаги ҳадисни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ривоят қилган:

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ لِفَاطِمَةَ عَلَيْهَا السَّلَامُ: إِنَّ اللَّهَ يَغْضِبُ لِعِضْبِكَ وَيَرْضَى لِرِضَاكَ.

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Фотима (саломуллоҳу алайҳо)га хитоб қилиб, шундай марҳамат қилдилар: Албатта, Аллоҳ сенинг газаб қилишинг туфайли газаб қилур ва рози бўлганлигинг учун рози бўлур».<sup>2</sup>

1. Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳийҳул Бухорий» 57-Китобу фарзил хумус, бобу фарзил хумус, 3092 ва 3093-ҳадислар. Шуниндек, «Саҳийҳул Бухорий», Китобул фароиз, 6725 ва 6726-ҳадисларда шундай кўшимча қилинган:

فَهَجَرْتَهُ فَاطِمَةُ، فَلَمْ تُكَلِّمْنِي حَتَّى مَاتَتْ.

«Ҳазрати Фотима (саломуллоҳу алайҳо) оламдан ўтгунга қадар, Абу Бакрдан узоқлашиб, у билан сўзлашмади».

2 Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳийҳайн», 34-Китобу маърифатис-саҳобах, бобу «нидои явмил маҳшар, ғаззу абсоракум ған Фаатиматах ҳаттаа тамурро», 4783-ҳадис ва шунингдек, 4787 ва 4805-ҳадислар.

Ушбу ҳадисдан маълум бўладики, ҳазрати Фотимаи Заҳро *(саломуллоҳи алайҳо)* Абу Бакр ва Умарга ғазаб қилган ҳолда бу оламдан кўз юмдилар. Шубҳасиз, ҳазрати Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)* ҳар кимга ғазаб қилган бўлсалар, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари ҳам ўша кимсага дарғазаб бўлурлар.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, Абу Бакр ҳазрати Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)*нинг ҳақларидаги ҳадисни эшитганидан сўнг, ўзини йиғлаш ҳолатига келтириши ҳақиқий эмас эди. Чунки, ушбу ҳадисни эшитиб туриб ҳам Фадак боғини ўз эгасига қайтариб бермади.

Бошқа ривоятга кўра, у иккиласи ҳазрати Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)*нинг уйларида бўлган чоғи Абу Бакр йиғламсираганиб турганда, Умар уни бу иши учун маломат қилди ва шундан сўнг у иккаласи ўринларидан туриб, йўлга тушишди.

---

## НЕГА ФАДАК БОҒИ ФОТИМА(С.А) ГА ҚАЙТАРИЛМАДИ?

---

Ҳақиқат шундан иборатки, агар Абу Бакр Фадакни ҳазрати Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг мерослари сифатида унинг ўз эгаси бўлмиш ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳи алайҳо)га қайтариб берганида эди, ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо) Абу Бакрдан хилофат ва пешволикни талаб қилишлари учун имкон яратган бўлар эди.

Аҳли суннатнинг буюк алломаларидан бири Ибн Абил Ҳадид «Шарҳу Наҳжил Балоға» номли китобида ушбу муҳим масалани қуйидагича баён қилади:

Устозим Али бин Фориқийдан сўрадим: Фотимаи Заҳро (саломуллоҳи алайҳо) Фадак боғини ўз мулки сифатида даъво қилганлигида ростгўй эдимми? У шундай жавоб қайтарди: Ҳа, у ростгўй эди. Шунда дедим: Демак, нима учун Абу Бакр Фадакни унга қайтариб бермади, холбуки, Фотима (саломуллоҳи алайҳо)ни ростгўй деб билар эди-ку?!

Шунда у (устозим) табассум қилиб, ҳазил билан ушбу зебо ва маъноли сўзни деди ваҳоланки, унинг зинҳор ҳазл қиладиган одати йўқ эди:

لَوْ أَعْطَاهَا الْيَوْمَ فَدَكَ بِمُجَرَّدِ دَعْوَاهَا لَجِئْتُ إِلَيْهِ غَدًا وَادَّعَتْ لِرِزْوَجِهَا الْخِلَافَةَ وَرَحْرَحَتْهُ عَنْ مَقَامِهِ وَلَمْ يَكُنْ يَمْكِنُهُ الْإِعْتِدَارُ وَالْمُوَافَقَةُ بِشَيْءٍ؛ لِأَنَّهُ يَكُونُ قَدْ أَشْجَلَ عَلَى نَفْسِهِ بِأَتَمِّهَا صَادِقَةً فِيمَا تَدَّعِي كَأَنَّمَا كَانَ مِنْ غَيْرِ حَاجَةٍ إِلَى بَيْتَةٍ.

«Агар Абу Бакр, ўша куни Фадакни Фотимаи Заҳро (саломуллоҳи алайҳо) даъво қилганидаёқ, қайтариб берганида эди, эртага унинг олдига келиб, хилофат ва пешволикни ўзининг умр йўлдоши ҳазрати Али (алайҳис салом)га даъво қилиб, уни эгаллаб олган мансабидан четга сураб эди ва Абу Бакр эса ҳеч қандай узру баҳона келтира олмай, ўзини мудофаа қила олмасди.

Зероки, у Фадакни қайтариб бериши билан Фотима (саломуллоҳи алайҳо) қиладиган даъвосида нима бўлишидан қатъий назар, ростгўй ва тўғри сўз эканлигида бирор гувоҳ ва шоҳидга эҳтиёж бўлмаслигини ўз зиёнига қабул қилган бўлар эди».

Шундан сўнг Ибн Абил Ҳадид шундай деди:

«Агарчи, устозим ушбу сўзни ҳазл қилган ҳолда айтган бўлсалар-да, лекин устозимнинг бу сўзлари ҳақиқат эди».<sup>1</sup>

---

1. Ибн Абил Ҳадид, «Шарҳу Наҳжил Балога», 16-жилд, 284-бет.

---

## РАСУЛУЛЛОҲ (С.А.О) ВАФОТЛАРИНИНГ ИНКОР ҚИЛИНИШИ

---

Сарвари олам Муҳаммад Мустафо (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) душанба куни туш вақтида фоний оламдан кўз юмиб, боқий диёрга сафар қилдилар. Шу пайт Умар Мадинада ва Абу Бакр эса Мадина шахридан ташқарида бўлган Сунх минтақасида жойлашган ўз уйида эди.<sup>1</sup>

Оиша бу ҳақида шундай дейди: Умар ва Муғайра ибн Шўъбах Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) уйларига киришга рухсат сўрагач, ичкарига киришди ва у зотнинг аҳволлари қандай деб сўрашди-да, ул ҳазратнинг юзларига тортилган матони олишди. Умар Расулуллоҳни кўриши биланоқ фарёд этиб: «*Вой Расулуллоҳ жуда ҳам қаттиқ ҳушдан кетибдилар*», деди-ю яна юзларини ёпиб қўйди. Сўнгра улар ўринларидан туриб, уйдан ташқарига чиқиб кетишди.

Уйдан ташқарига чиқиб кетаётганларида Муғайра эшикнинг ёнида туриб, Умарга қараб: «*Эй Умар, Расулуллоҳ оламдан ўтганлар*», деди.

Умар унинг бу сўзига жавобан: «*Ёлгон сўзляясан, зинҳор Расулуллоҳ мунофиқларга қарши уруш қилиб, уларни нобуд қилмагунча вафот*

---

1. Ушбу воқеани ўз китобида келтирган Аҳли суннатнинг тарихчи олимлари қуйидагилардан иборат:

- Муҳаммад ибн Ал-Жарийр Ат-Табарий, «*Тарихут-Табарий*», 11-йил, Ҳадисус-сакифах, Ливан нашрида 2-жилд, 232-бет, Қоҳира нашрида эса 2-жилд, 442-бет.
- Ибн Асир Ал-Жазарий, «*Ал-Комилу фит-тарих*», 2-жилд 185 ва 186-бетлар, Асру хулафоир-рошидийн.
- Ибн Ҳишом, «*Сирату Ибн Ҳишом ёки Ас-Сийратун-набавийях*», 4-жилд, 304-бет.
- Аш-Шайх Ҳусайн ибн Муҳаммад Ад-Диёрбакрий, «*Тарихул хомийс фий аҳвали анфуси нафийс*», 2-жилд, 167-бет.
- Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл Ал-Балхий, «*Китобул бадъи ват-тарих*», 2-жилд, 137-бет.

этмагайлар. Бироқ, сен фитна ва қўзғолон қилишни истайсан, холос», деди.<sup>1</sup>

Умар ушбу сўзга кифояланмай, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) вафотлари тўғрисида сўз очган ҳар бир шахсни таҳдид қилиб шундай дерди:

«Мунофиқ шахслар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) оламдан ўтдилар, деб гумон қилмоқдалар. Холбуки, ул зот вафот этмаганлар. Балки Мусо ибн Имрон (алайҳис салом) қирқ кун ўз қавмининг кўзидан гоиб бўлиб Парвардигор ҳузурига борганда, унинг қавми Мусо пайгамбар оламдан ўтди, деб айтганидан сўнг қайтиб келганидек, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳам Парвардигор ҳузурига борганлар. Аллоҳга онт ичаманки, шубҳасиз, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бизнинг орамизга қайтиб келиб, Пайгамбар оламдан ўтганлар, деб гумон қилган шахсларнинг қўл ва оёқларини кесгайлар».<sup>2</sup>

1. Ушбу ҳодисанинг манбаи қуйидагилардан иборат:

- Абу Бакр Байҳақий, «Даломун-нубувваҳ ва маърифату аҳволи соҳибиш-шарийъаҳ», 5-жилд, 256-бетдан 264-бетгача.
- Ибн Саъд, «Ат-Табақотул Кубро», 1-жилд, 534-бет, зикру калаамин-нааси ҳийна шакку фий вафаати Расулиллоҳ (с.а.о).
- Аҳмад ибн Ҳанбал, «Муснаду Аҳмад ибн Ҳанбал», 7-жилд, 313 ва 314-бетлар, 25313-ҳадис, бошқа нашрида эса 6-жилд, 219 ва 220-бетлар.
- Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий, «Тарихул ислом ва вафаётил машоҳийр вал-аълом», 1-жилд, 563 ва 564-бетлар.

2. Ушбу воқеани келтирган манбалар қуйидагилардан иборат:

- Ибн Саъд, «Ат-табақотул кубро», 1-жилд, 533-бет, зикру калаамин-нааси ҳийна шакку фий вафаати Расулиллоҳ (с.а.о).
- Муҳаммад ибн Ал-Жарийр Ат-Табарий, «Тарихут-Табарий», 11-йил, Ҳадисус-сақифаҳ, Ливан нашрида 2-жилд, 232-бет, Қоҳира нашрида эса 2-жилд, 442-бет.
- Яъқубий, «Тарихул Яъқубий», Муассасатул аълабий лил-матбуот нашрида; 1-жилд, 445-бет, дору содир нашрида эса 2-жилд, 114-бет.
- Аш-Шайх Ҳусайн ибн Муҳаммад Ад-Диёрбакрий, «Тарихул хомийс фий аҳволи анфуси нафийс», 2-жилд, 167-бет.
- Ибн Ҳишом, «Сирату Ибн Ҳишом ёки Ас-Сийратун-набавийяҳ», Дору ихёит-туросил арабий нашрида 4-жилд, 305-бет, Ал-Мактабатул асрийяҳ нашрида эса 4-жилд, 270-бет.
- Ибн Асир Ал-Жазарий, «Ал-Комилу фит-тарих», 2-жилд 185 ва 186-бетлар, Асру хулафоир-рошидийн.
- Абул Фараж Али ибн Бурҳониддин Ал-Ҳалабий, «Ас-сийратул ҳалабия», 3-жилд, 354-бет.
- Ибн Абул Ҳадид, «Шарҳу Наҳжил Балога», 1-жилд, 178-бет ва шунингдек, 2-жилд, 40-бет.

Сўнгра Умар ўз ҳаддидан ошиб, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) вафот этдилар, деган шахсларни ўлдиришга таҳдид қилиб шундай дерди:

لَمَّا قُبِضَ النَّبِيُّ ﷺ، قَالَ عُمَرُ بْنُ حَطَّابٍ: مَنْ قَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ مَاتَ عَلَوْتُ رَأْسَهُ  
بِسَيْفِي هَذَا، وَإِنَّمَا اذْتَفَعَ إِلَى السَّمَاءِ

«Ким Расулulloҳ оламдан ўтдилар, деса, қўлимдаги қиличим билан унинг бошини танидан жудо этгайман. Расулulloҳ фақатгина осмонга кўтарилганлар, холос».<sup>1</sup>

Умар саҳобаларни таҳдид қилаётган вақтда Ибн Умми Мактум Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) масжидларининг охирида туриб куйидаги ояти каримани Умарга қарата кироат қилади:

﴿وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ أَفَإِنْ مَاتَ أَوْ قُتِلَ انْقَلَبْتُمْ عَلَىٰ أَعْقَابِكُمْ﴾

«Муҳаммад фақат бир пайғамбардир, холос. Шубҳасиз, ундан илгари ҳам пайғамбарлар ўтган. Демак, агар у вафот этса ёки қатл қилинса, орқангизга [жоҳиллик давридаги кофирлик ҳолатига] қайтасизларми?!» (Оли Имрон сураси, 144-оят).<sup>2</sup>

Расулulloҳнинг амакилари Аббос (разияллоҳу анҳу) ҳам Умарнинг сўзига қаршилиқ кўрсатиб шундай деди:

﴿إِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ قَدْ مَاتَ وَإِنِّي قَدْ رَأَيْتُ فِي وَجْهِهِ مَا لَمْ أَزَلْ أَعْرِفُهُ  
فِي وُجُوهِ بَنِي عَبْدِ الْمُطَّلِبِ عِنْدَ الْمَوْتِ﴾.

«Шубҳасиз, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) оламдан ўтганлар ва албатта, мен ул зотнинг сиймоларида ўлим пайти Абдул Мутталиб фарзандларининг юзида намоён бўладиган белги-

1. Ушбу воқеанинг манбаи куйидагилардан иборат:

- Имомуддин Абул Фидоъ Исмоил ибн Али, «Тариху Абил Фидоъ; Ал-мухтасар фий ахборил башар», деб ном олган, 1-жилд, 219-бет.

- Ибн Ал-Вардий, «Тариху Ибн Ал-Вардий», 1-жилд, 134-бет, Ахбору Аби Бакр ва хилофагиҳи.

2. Ушбу ҳодисанинг манбаи:

- Ибн Касир, «Ал-бидаяту ван-ниҳаяҳ», Дору ихёит-туросил арабий нашрида 5-жилд, 228 ёки 263-бет ва Дорул фикр нашрида эса 4-жилд, 212-бет.

- Абу Бакр Байҳақий, «Далоилун-нубувваҳ ва маърифату аҳволи соҳибиш-шарийъаҳ», 7-жилд, 217-бет.

нишонларни кўриб турибман».<sup>1</sup>

Умар ўз ишидан орқага чекинмади. Шунда Аббос ибн Абдул Мутталиб (*разияллоҳу анҳу*) Умарга қарши ўларок, у ерда тўпланган халойиққа қарата шундай деди:

«Сизлардан бирортангиз Расулуллоҳнинг вафотлари ҳақида ул ҳазратдан ҳадис эшитганмисиз ва агар бу борада ҳадис эшитган бўсангиз, бизга айтиб берингиз?» Уларнинг ҳаммаси: «Йўқ», деб жавоб беришди. Шунда Аббос (*разияллоҳу анҳу*) Умарга қараб: «Сен бу борада бирор нарсани биласанми?», деб ундан сўради. У ҳам «Йўқ», деб жавоб берди.

Шунда Аббос (*разияллоҳу анҳу*) у ерда тўпланганларга хитоб қилиб, деди: «Эй халойиқ, огоҳ бўлингизки, ҳеч ким Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) бирор бир шахсга ўз вафотлари ҳақида аҳд-паймон топширганликлари тўғрисида гувоҳлик бермади. Ундан ўзга илоҳ бўлмаган Аллоҳга онт ичаманки, шубҳасиз, Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ўлим шарбатини тотганлар».<sup>2</sup> Умар эса унинг сўзларини тингламай ўкириб, таҳдид қилар эди.

Бу ерда муҳим бир саволга тўхталиб, унга жавоб беришни ўринли деб биламиз. Савол шуки, саҳобалар бир жойга тўпланиб Пайғамбарнинг вафотлари ҳақида тотишаётган бир вақтда ҳазрати Али қасерда эдилар?

Ушбу саволнинг жавоби маълум. Зеро, ҳазрати Али ҳаммадан фарқли ўларок, ўша вақтда Пайғамбарнинг муборак баданларига ғул бериб, кафан қилиш ва дафн этиш билан банд эдилар ва қолганларнинг бемаъни тортишувларини ножўя иш деб билардилар.

---

1. Мазкур воқеанинг манбаи:

- Муҳаммад ибн Ал-Жарийр Ат-Табарий, «Тарихут-Табарий», 11-йил, Ҳадисус-сакифах, Ливан нашрида 2-жилд, 229-бет, Қоҳира нашрида эса 2-жилд, 436 ва 437-бетлар.
- Қози Абу Бакр Ал-Боқилоний, «Тамҳийдул авоил ва талхийсуд-далоил», 489 ва 490-бетлар.

2. Ушбу воқеанинг манбаи:

- Ибн Саъд, «Ат-Табакотул Кубро», 1-жилд, 537-бет, зикру каламин-нааси ҳийна шақку фий вафаати Расулиллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*).
- Абу Бакр Байҳақий, «Далоилун-нубувваҳ ва маърифату аҳволи соҳибиш-шарийъаҳ», 7-жилд, 217-бет.
- Ибн Касир, «Ал-бидаяту ван-ниҳаяҳ», Дору ихёит-туросил арабий нашрида 5-жилд, 228 ёки 263-бет ва Дорул фикр нашрида эса 4-жилд, 212-бет.



Шунда Аббос (*разияллоҳу анҳу*) Умарнинг таҳдид қилишига қарамай, ўз сўзини давом эттириб деди:

«Шубҳасиз, Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) бошқа инсонлар каби оламдан ўтганлар. Демак, у зотни тезроқ тупроққа топширингиз. Аллоҳ сизнинг жонингизни бир марта ва юборган элчисининг жонини икки марта оладими? Ул ҳазрат Аллоҳнинг ҳузурида икки марта ўлим шарбатини тотишдан азизроқдир. Сизнинг сўзингиз тўғри бўлиб чиққан тақдирда ҳам Аллоҳга у зотнинг устидаги тупроқни четга суриб, уни қабр ичидан чиқариш қийин эмас. Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) саодат ва нажот йўлини инсонларга кўрсатмай, оламдан кўз юммадилар».<sup>1</sup>

Бирок, Умар Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) вафот этмаганлар, деган сўзини шу қадар кўп такрорладики, унинг оғизининг икки томони кўпикланиб кетди.<sup>2</sup>

Ушбу ҳодисадан сўнг, Солим ибн Абид Сунҳ минтақасига жўнаб, Абу Бакрни Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) вафотларидан хабардор этди.

Абу Бакр Мадинага кириб келганида, Умарни Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) тирик, вафот этмаганлар. Пайғамбар қайтиб келиб, у зот дунёдан ўтганлар, деган шахсларнинг қўл ва оёқларини кесиб, уларни дорга осгайлар деб таҳдид қилаётган ҳолда кўрди.

Абу Бакр Умарга сукут сақлашини буюрди. Умар эса унга эътибор бермай, ўз сўзини давом эттираверди. Шунда Абу Бакр у ерда тўпланган халоиққа юзланиб, ўз сўзини айта бошлади. Халоиқ унинг сўзини эшитиши биланоқ, Умарни тарк этиб Абу Бакрга кулоқ тутишди.

1. Ушбу воқеанинг манбаи:

- Ибн Саъд, «*Ат-Табақотул Қубро*», 1-жилд, 533 ва 534-бетлар, зикру калааминнааси хийна шақку фий вафаати Расулиллоҳ (с.а.о).
- Аш-Шайх Ҳусайн ибн Муҳаммад Ад-Диёрбакрий, «*Тарихул хомийс фий аҳвали анфуси нафийс*», 2-жилд, 167-бет.

2. Мазкур ҳодисанинг манбаи:

- Ибн Саъд, «*Ат-Табақотул Қубро*», 1-жилд, 533 ва 534-бетлар, зикру калааминнааси хийна шақку фий вафаати Расулиллоҳ (с.а.о).
- Аш-Шайх Ҳусайн ибн Муҳаммад Ад-Диёрбакрий, «*Тарихул хомийс фий аҳвали анфуси нафийс*», 2-жилд, 167-бет.
- Абул Фараж Али ибн Бурҳониддин Ал-Ҳалабий, «*Ас-Сийратул Ҳалабия*», 3-жилд, 354-бет.

Абу Бакр Аллоҳга ҳамду сано айтиб, шундай деди:

قال الزهري وحدثني أبو سلمة عن عبد الله بن عباس أن أبا بكر خرج وعمر بن الخطاب يكلم الناس فقال اجلس يا عمر فأبى عمر أن يجلس فأقبل الناس إليه وتركوا عمر فقال أبو بكر: أما بعد فمن كان منكم يعبد محمدًا ﷺ فإنَّ مُحَمَّدًا قَدْ مَاتَ وَمَنْ كَانَ يَعْبُدُ اللَّهَ فَإِنَّ اللَّهَ حَيٌّ لَا يَمُوتُ.

«Кимки, Муҳаммадга ибодат қиладиган бўлса, шубҳасиз, Муҳаммад вафот этган. Кимда ким Аллоҳга ибодат қиладиган бўлса, У доим тирик ва ҳаргиз ўлмайди.» Кейин у куйидаги оятни тиловат қилди:

﴿وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ أَفَإِنْ مَاتَ أَوْ قُتِلَ انْقَلَبْتُمْ عَلَىٰ أَعْقَابِكُمْ﴾

«Муҳаммад фақат бир пайгамбардир, холос. Шубҳасиз, ундан илгари ҳам пайгамбарлар ўтган. Демак, агар у вафот этса ёки қатл қилинса, орқангизга [жоҳиллик давридаги кофирлик ҳолатига] қайтасизларми?!» (Оли Имрон сураси, 144-оят)<sup>1</sup>

Умар мазкур оятни Абу Бакрдан эшитиши биланоқ ором топиб тинчланди. Ҳолбуки, Ибн Умми Мактум ушбу оятни Абу Бакрдан олдин Умарга ўқиган эди, лекин Умар уни қабул қилмаганди. Умар Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) вафотлари хусусидаги ўз раъй-фикрини Муғайранинг Пайғамбар вафот этганлар, деган сўзини эшитиши ва Ибн Умми Мактум мазкур оятни тиловат қилиши ҳамда Расулуллоҳнинг амакилари Аббос ибн Абдул Мутталиб (разияллоҳу анҳу)нинг далил-исбот келтириши билан ҳам ўзгартирмади ва уларнинг ҳеч бирларининг сўзига парво қилмай, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) оламдан ўтмаганлар, деб қаттиқ туриб олди. Лекин Абу Бакр

1. Мазкур воқеанинг манбаи:

- Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳийҳул Бухорий», 64-Китобул мағозий, 83-бобу марозин-Набиййи ва вафаатиҳи, 4454 ёки 4187-ҳадис.
- Муҳаммад ибн Ал-Жарийр Ат-Табарий, «Тарихут-Табарий», 11-йил, Ҳадисус-сакифаҳ, Ливан нашрида 2-жилд, 229-бет, Қоҳира нашрида эса 2-жилд, 436 ва 437-бетлар.
- Ибн Касир, «Ал-Бидаяту ван-Ниҳаяҳ», Дору ихёит-туросил арабий нашрида 5-жилд, 228 ёки 263-бет ва Дорул фикр нашрида эса 4-жилд, 212-бет.
- Ибн Асир Ал-Жазарий, «Ал-Комилу фит-тарих», Дору китобил арабий нашрида 2-жилд, 186-бет, ва Дорул кутубил илмийях нашрида эса 2-жилд, 9 ва 10-бетлар, зикру марози Расулиллаҳи ва вафаатиҳи.

Мадинага кириб келиб нутқ сўзлаши биланок, Умар орқага чекиниб тезлик билан Абу Бакрнинг сўзини қабул қилди.

Умар нима сабабдан ортга чекиниб, Абу Бакрнинг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) вафот этганликлари тўғрисидаги сўзини қабул қилиб ором топгани ҳақида унинг ўзи айтади:

فَأَخْبَرَنِي سَعِيدُ بْنُ الْمُسَيَّبِ أَنَّ عُمَرَ قَالَ وَاللَّهِ مَا هُوَ إِلَّا أَنْ سَمِعْتُ أَبَا بَكْرٍ تَلَاهَا فَعَقِرْتُ حَتَّى مَا ثَقَلْنِي رَجُلَايَ وَحَتَّى أَهْوَيْتُ إِلَى الْأَرْضِ حِينَ سَمِعْتُهُ تَلَاهَا عَلِمْتُ أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَدْ مَاتَ.

«Аллоҳга онт бўлсинки, Абу Бакр ушбу оятни тиловат қилганини эшитишим биланок, оёқларим шу даражада сусайиб қолдики, жойимдан қимирла олмай ерга йиқилдим ва оёқларим мени кўтара олмай қолди, шу пайт Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) оламдан ўтганларига ишондим».<sup>1</sup>

Умар ибн Хаттобнинг айрим тарафдорлари унинг Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) вафотларини инкор этганини оқлаш мақсадида куйидаги сўзларни айтганлар:

Умарнинг Пайғамбарга бўлган муҳаббати жуда ҳам чуқур бўлгани ва шунингдек, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни кўлдан бериш

1. Мазкур воқеанинг манбаи:

- Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳийҳул Бухорий», 64-Китобул мағозий, 83-бобу марозин-Набийи ва вафаатиҳи, 4454 ёки 4187-ҳадис.
- Абу Бакр Байҳақий, «Далоилун-нубуввах ва маърифату аҳвали соҳибиш-шарийъах», 7-жилд, 215 ва 216-бетлар.
- Муҳаммад ибн Ал-Жарийр Ат-Табарий, «Тарихут-Табарий», 11-йил, Ҳадисус-сакифах, Ливан нашрида 2-жилд, 233-бет, Қоҳира нашрида эса 2-жилд, 442 ва 443-бетлар.
- Ибн Саъд, «Ат-Табакотул Кубро», 1-жилд, 536-бет, зикру калаамин-нааси ҳийна шакку фий вафаати Расулиллоҳ (с.а.о).
- Ибн Касир, «Ал-бидаяту ван-ниҳаях», Дору ихёит-туросил арабий нашрида 5-жилд, 227 ва 228-бетлар ва Дорул фикр нашрида эса 4-жилд, 212-бет, Ал-Мактабатул асрийях нашрида эса 4-жилд, 337 ва 338-бетлар.
- Ибн Асийр Ал-Жазарий, «Ал-Комилу фит-тарих», Дорул китобил арабий нашрида 2-жилд, 186-бет, ва Дорул кутубил илмийях нашрида эса 2-жилд, 9 ва 10-бетлар, зикру марази Расулиллааҳи ва вафаатиҳи.
- Ибн Ҳишом, «Сирату Ибн Ҳишом ёки Ас-Сийратун-Набавийях», Дору ихёит-туросил арабий нашрида 4-жилд, 306-бет, Ал-Мактабатул асрийях нашрида эса 4-жилд, 271-бет.
- Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл Ал-Балхий, «Китобул бадъи ват-тарих», 2-жилд, 138-бет.

натижасида унда пайдо бўлган ғам-қайғунинг шиддатли ҳолда бўлгани сабабли, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) вафот этдилар, деган ҳар бир мусулмонга қарши қилич тортиб уни ўлимга таҳдид қилар эди!!

Айрим тарихчи олимлар эса Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) вафот этган кунлари Умар ақлдан озиб мазкур бемаъни гапларни айтган эди!! деганлар.<sup>1</sup>

Аммо юқорида айтилган сўзларнинг барчаси ҳақиқатдан узокдир. Зероки, Умар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг халифалик мансабини эгаллаш борасида Абу Бакр билан келишиб олгани сабабли, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) вафот этган вақтда Абу Бакр Мадинада ҳозир бўлмагани туфайли, мабодо бани Ҳошим ва Ансор гуруҳи<sup>2</sup> ул ҳазратдан сўнг мусулмонларга халифа ва пешво тайинлаб қўямасинлар деб Абу Бакр Мадинага етиб келгунига қадар Умар одамларни йўлдан оздириш мақсадида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) тирик, оламдан ўтмаганлар, деган сўзлар билан уларни чалғитиб турди.

Аҳли суннатнинг йирик олими бўлмиш Ибн Абул Ҳадид бу борада шундай дейди:

إِنَّ عُمَرَ لَمَّا عَلِمَ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ قَدْ مَاتَ، خَافَ مِنْ وُقُوعِ فِتْنَةٍ فِي الْإِمَامَةِ، وَتَغَلَّبَ أَقْوَامٌ عَلَيْهَا، إِمَّا مِنَ الْأَنْصَارِ أَوْ مِنْ غَيْرِهِمْ، فَأَقْتَصَّتِ الْمُضْلِحَةُ عِنْدَهُ تَسْكِينِ النَّاسِ بِأَنْ أَظْهَرَ مَا أَظْهَرَ مَنْ كَوْنَ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ لَمْ يُمْثِثْ، وَأَوْقَعَ تِلْكَ الشُّبْهَةَ فِي قُلُوبِهِمْ، حِرَاسَةَ لِلدِّينِ وَالذُّوْلَةِ إِلَى أَنْ جَاءَ أَبُو بَكْرٍ.

«Умар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) вафот этганликларини пайқаб қолгач, имомат ва раҳбарлик масаласи хусусида фитна ва қўзғалон юз беришидан ва Ансор гуруҳи ва бошқа саҳобалар халифалик амалини қўлга киритишларидан қўрқди. Шу боис, халоиқни тинчитиб,

1. Абул Фараж Али ибн Бурҳониддин Ал-Ҳалабий, «Ас-Сийратул Ҳалабия», 3-жилд, 354-бет.

2. Ансор гуруҳи Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни Мадинаи мунавварага даъват қилиб, у ҳазратга мадад берган мусулмонлар. Ансор гуруҳи Авс ва Ҳазраж қабилаларидан ташкил топган инсонлар бўлиб, мусулмон бўлишларидан олдин ўзаро келиша олмай, доим уларнинг орасида қонли урушлар юз берар эди. Ислому нури Мадинаи мунавварага кириб келиши баракоти туфайли, бир-бирлари билан ўзаро биродар бўлиб, уларнинг орасидаги келишмовчиликлар ўртадан кўтарилди.

уларни ором ҳолда сақлаб туришни маслаҳат кўрди ва Абу Бакр келгунига қадар дин ва давлатни қўриқлаш мақсадида Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) оламдан ўтмаганлар, деган сўзларни изҳор қилиб, инсонлар онгида ушбу шубҳани юзага келтирди».<sup>1</sup>

Умар хилофат мансаби Ансор гуруҳининг қўлига ёки Ҳошим зурриётидан бўлган ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг қўлига тушиб қолишидан қаттиқ хавфсираб турар эди. Балки Умарни кўрқувга солган ягона масала бу – ҳазрати Али (алайҳис салом) халифалик мансабини қўлга киритиб уни эгаллашлари эди. Негаки, Ансор гуруҳининг номзоди бўлмиш Саъд ибн Убода хилофатни қўлга киритиш учун унчалик ҳам омадга эга эмас эди. Зероки, Ансор гуруҳидан бўлган Авс қабиласи Саъд ибн Убодага қарши эди ва муҳожирлар орасидан эса унга байъат қиладиган ҳатто бир киши ҳам топилмасди.

Шу боис, агар Абу Бакрнинг издошлари халифаликни эгаллаш учун ҳазрати Али (алайҳис салом)га қарши чиқишмаганида ва ҳатто Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг муборак баданлари дафн этилишидан олдин халифаликни қўлга киритиш учун саъй-ҳаракат қилишмаганида эди, шубҳасиз, хилофат ва раҳбарлик лавозими ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг қўлларига ўтиш билан якун топар эди.

Ушбу ҳақиқатни айтиб ўтмоқ лозимки, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га бўлган муҳаббат ва у зотни қўлдан бериш қайғуси Умарни шу даражада таъсирлантириб, Абу Бакр Мадинага етиб келгунига қадар инсонларга Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) вафот этмаганлар, деб айтишига ундаган бўлса, нима учун ул ҳазратнинг муборак жасадларини дафн этишда иштирок этмай, у зотни мусибат кўрган хонадони орасида қўйиб кетиб, Абу Бакр билан биргаликда шошган ҳолда Сақифаи бани Соида томон йўл олишди ва Ансор гуруҳи билан халифалик тахти устида талашишди?!

Ансор гуруҳи Сақифаи бани Соида номли маконда йиғилишиб, Саъд ибн Убодани Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг халифа этиб танламоқчилар, деган хабар Умар ва Абу Бакрга етиб келгач, Умар Абу Бакрга деди:

«Келгин биродарларимиз бўлмиш Ансор гуруҳи томон йўл олайлик ва улар қандай иш қилаётганларига бир назар солайлик. Улар шундай ҳолда Сақифага боришдики, ҳануз Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг

1. Ибн Абул Ҳадид, «Шарҳу Наҳжул Балога», 2-жилд, 43-бет.

муборак баданларига гусл берилмаган, кафан қилинмаган ва дафн этилмаган эди. Ва у зотни шундай ҳолда тарк этиб, уйларининг эшигини ул ҳазратнинг устидан ёпиб кетишди».<sup>1</sup>

Аҳли суннатнинг йирик тарихчи олими Табарийнинг айтишича: «Абу Бакр ва Умар Сақифаи бани Соида деган жойда Ансор гуруҳи билан халифалик тахти устида талашаётган вақтда ҳазрати Али (алайҳис салом) бутун жидду жаҳдлари билан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг муборак баданларига гусл бериш, кафан қилиш ва дафн этиш билан банд эдилар».<sup>2</sup>

---

1. Мазкур воқеанинг манбаи:

- Муҳаммад ибн Ал-Жарийр Ат-Табарий, «Тарихут-Табарий», 11-йил, Ҳадисус-сақифах, Ливан нашрида 2-жилд, 242-бет, Қохира нашрида эса 2-жилд, 456 ва 457-бетлар.
  - Ибн Ҳишом, «Сирату Ибн Ҳишом ёки Ас-Сийратун-Набавийяҳ», Дору ихёит-туросил арабий нашрида 4-жилд, 306 ва 307-бетлар, Ал-Мактабатул асрийяҳ нашрида эса 4-жилд, 272-бет.
  - Аш-Шайх Ҳусайн ибн Муҳаммад Ад-Диёрбакрий, «Тарихул хомийс фий аҳволи анфуси нафийс», 2-жилд, 167-бет.
  - Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл Ал-Балхий, «Китобул бадъи ват-тарих», 2-жилд, 139-бет.
2. Муҳаммад ибн Ал-Жарийр Ат-Табарий, «Тарихут-Табарий», 11-йил, Ҳадисус-сақифах, Ливан нашрида 2-жилд, 242-бет, Қохира нашрида эса 2-жилд, 456 ва 457-бетлар.

---

## САҚИФАИ БАНИ СОИДА ВОҚЕАСИ ҲАҚИДА

---

Аҳли суннатнинг буюк тарихчи олими Ибн Қутайбаҳ Ад-Дийнаварий ўзининг «*Ал-имомату вас-сиёсаҳ*» номли китобининг 1-жилди, 21 дан 31 гача бўлган бетларида Сақифада бўлиб ўтган воқеа хусусида шундай ривоят қилган:

Ибн Афир, Абу Авндан ва у эса Абдуллоҳ ибн Абдуррахмондан ривоят қилиб деди:

Пайгамбаримиз *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* дунёдан кўз юмган вақтларида Ансор гуруҳи Саъд ибн Убоданинг ёнига тўпланиб, унга дейишди: Дарҳақиқат, Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* дунёдан кўз юмдилар. Саъд ўз ўғли Қайсга: «*Мен касаллигим туфайли сўзимни халққа етказа олмайман. Сўзимга қулоқ тутиб, уни одамларга эшиттиргин*», деди.

Шунда Саъд суҳбат қилар ва ўғли эса унинг сўзини халққа эшиттириш учун балан товуш билан такрорлар эди. Унинг айрим сўзлари қуйиғича эди:

Аллоҳ таолога ҳамду сано айтиб шундай деди: Эй Ансор гуруҳи, сизлар Ислом динида ўтмиш ва устунликка эгасизки, ҳеч бир араб қабиласи учун бундай ўтмиш ва фазилат йўқ. Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ўз қавми орасида ўн йилдан ортиқ ҳаёт кечириб, уларни меҳрибон Аллоҳга ибодат қилишга ва бутлардан қўл тортишга даъват қиларди, лекин у зотнинг қавмидан оз кишилардан бошқа ҳеч ким ул ҳазратга иймон келтирмади.

Аллоҳ таоло сизлар учун фазилат ва устунликни истаб ва улуғворликни сизлар томон йўллаб, сизларни ушбу неъматга сазовор қилиб танлаган экан, Аллоҳга қасамки, ўша мушриклар Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*га тўсқинлик қилишга ва у зотнинг динини тан олинишига ҳамда у ҳазратни ўзларидан узоқлаштиришга қодир эмасдилар. Аллоҳ ва Унинг Расулига иймон келтиришни ҳамда

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ва у зотнинг саҳобалари ва дини учун юксакликни ва у ҳазратнинг душманларига қарши жиҳод қилишни сизларга ризқ қилиб берди.

Сизлар инсонлар орасида ўз ихтиёрлари билан ёки ночор қолганликлари сабабли Аллоҳнинг фармониغا бўйин эгиб, ислом динига киргунларига қадар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га қарши чиққан кимсаларнинг ашаддий душмани эдингиз ва ўзгалардан кўра ўз душманингизга қаттиққўл эдингиз.

Сизлар сабабли улар хор-залил бўлган ҳолда бўйин эгдилар. Аллоҳ таоло сизларнинг мададингиз билан Пайғамбарни ер юзида голиб қилди. Араблар сизларнинг қиличингиз туфайли Пайғамбар олдида хор ва паст бўлишди. Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) сизлардан рози-хушнуд бўлган ҳолда боқий оламга сафар қилдилар. Демак, хилофат мансабини қўлларингиз билан мустаҳкам тутингиз, зеро, сизлар халифалик мансабига сазовор ва лойиқ кишиларсиз.

Мажлисида ҳозир бўлган кишилар Саъд ибн Убоданинг ушбу сўзларига жавобан шундай дедилар:

*«Билдирган фикр-мулоҳазангизда омадлисиз, тўғри ва рост сўзни айтдингиз, биз сиз билан хилофат мансабини эгаллаш борасидаги фикр-мулоҳазангизга ҳаргиз қарши чиқмаймиз. Сиз мўъминларни қониқтирувчи ва уларга нисбатан хайрихоҳдирсиз».*

Сақифадаги ҳодиса Абу Бакрга етиб боргач, қаттиқ чўчиди ва Умар билан биргаликда тезлик билан Сақифаи бани Соида томон йўл олишди. Йўлда Абу Убайдаҳ ибн Жарроҳни учратишди ва уч киши бўлиб, ўша манзилга етиб боришди. У ерда таникли буюк кишилар бор эди, улардан бири Саъд ибн Убода эди. Шунда Умар сўзлашни ирода қилиб, шундай деди:

Абу Бакр айрим сўзларни айтмаслигидан кўрқаман. Шунга биноан, Абу Бакр нутқ сўзлашга муҳайё бўлиб, шундай деди:

Аллоҳ таоло Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни инсонларни ҳидоят қилиш учун ҳақ дин билан юборди. У ҳазрат инсонларни ислом динига даъват этди. Аллоҳ таоло бизнинг онгимиз ва дилларимизни у зот даъват қилган ислом дини томон етаклади. Биз муҳожирлар<sup>1</sup> тоифаси исломга бўйин эгишда инсонларнинг илк кишилари эдик. Ҳолбуки, инсонлар мусулмон бўлишда бизга эргашувчи эдилар. Биз Расулulloҳ

1. Маккадан Ясриб (Мадина)га хижрат қилган биринчи мусулмонларга муҳожир дейилади.



(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг қавм-қариндошимиз. Шунга қарамай, биз насл-насаб ва ирқ жиҳатидан арабларнинг ўртасимиз. Барча араб қабилаларида шубҳасиз, Курайш учун фарзанд бордир ва шунингдек, сизлар Ансор гуруҳи, Аллоҳга қасамки, Пайғамбарга паноҳ берган ва у зотга ўз ёрдамини тақдим этган кишилар эдингиз. Сизлар динда бизларга вазир ва мадақкор эдингиз ва сизлар Аллоҳ таолонинг китобида бизнинг биродаримиз ва Буюк Аллоҳнинг динида бизнинг шерикларимизсиз. Қийинчилик ва осойишталикда ёр-биродаримиз эдингиз. Аллоҳга қасамки, ҳар бир хайрли ишда биз билан бирга эдингиз.

Демак, сизлар биз учун энг сеvimли инсонлар ва бизга нисбатан энг улуғвор кишилар эдингиз. Аллоҳнинг қазо-қадарига рози бўлишда ҳамда Буюк Аллоҳнинг фармонига таслим бўлишда энг сазовор инсонларсиз. Аммо Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг ворислари хусусида биродарингиз муҳожирларга қарши кина-ҳасад қилмангиз ва сизлар ўзларингиз эҳтиёжманд бўла туриб, биродарларингиз муҳожирларни ўзларингиздан устун қўйиб, уларга фидокорлик қилардингиз. Сизлар халифалик мансаби борасида ихтилоф қилмасликда энг лойиқ инсонларсиз. Аллоҳ таоло биродарларингиз муҳожирларга бахшида этган хайрли иш, [яъни халифалик мансаби] хусусида ҳасад қилиш сизларга ярашмайди. Зероки, халифалик борасида сизлар ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуққа эга эмассиз. Мен сизларни Абу Убайда ёки Умарни халифа этиб танлашингизга қақираман ва мен бу иккаласи сизлар учун халифа бўлишига розиман. Бу иккаласи ҳам халифалик мансабига лойиқ кишилардир.

Умар ва Абу Убайда унинг ушбу сўзига жавобан шундай дейишди: Эй Абу Бакр, ҳеч бир кимса сиздан устун ва юқори бўла олмас. Сиз ғорда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан бирга бўлгансиз ва Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) сизни одамларга намоз ўқишга амр қилдилар. Демак, сиз хилофат мансабига энг лойиқ кишисиз.

Ансор гуруҳи дейишди: Аллоҳга қасамки, биз хилофат устида сизлар билан тортишмагаймиз ва эй Абу Бакр, бизлар сиз учундирмиз. Аллоҳнинг яратган халойиқдан ҳеч ким бизнинг наздимизда сизлардан кўра сеvimлироқ бўлмай, бизнинг ҳузуримизда ҳеч қандай ўринга эга эмас. Бироқ, биз эртага рўй берадиган воқеадан хавотирдамиз ва ушбу хилофат мансабини биз ва сизлардан бўлмаган кимса эгаллаб олишидан хавфсираб турибмиз. Демак, агар бир кишини биздан ва бир кишини ўзларингиздан халифалик мансабига тайин этсаларингиз, биз уларга байъат-қасамёд қилиб, бундай халифалик тузумига таслим бўлурмиз. Ҳар вақт у иккаласидан бири бу дунёдан кўз юмса,

иккинчисини халифаликка танлаймиз. Бу уммат ер юзида бор бўлгунига қадар, бир киши сиз муҳожирлардан ва бир киши биз Ансор тоифасидан хилофат мансабига тайин этилгай. Муҳаммад *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг умматида халифалик мансаби адолат юзасидан давом этиши лозимдир, шунда баъзиларимиз айримларимизга эргашгайдир. Демак, қурайшлик киши йўлдан адашмоқчи бўлса, Ансор гуруҳи уни тўғри йўлга чорлагай ва шунингдек, Ансор тоифасидан бўлган киши йўлдан адашадиган бўлса, қурайшлик киши унинг олдини олгай.

Абу Бакр ушбу сўзларни эшитгандан сўнг ўрнидан туриб, шундай деди: Аллоҳ Ёлғиз Зот эканлигига эътиқод қилиб, Унинг Ўзигагина ибодат қилсинлар деган мақсадда Муҳаммад *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*ни Ўз бандаларига пайғамбар ва элчи этиб танлади ва у зотни уммат устидан гувоҳ қилди. Ҳолбуки, ўша халқ турли хил илоҳларга ибодат қилардилар. Ўша илоҳларни ўзлари учун шафоат қилгувчи ва кўп манфаатлар келтирувчи деб гумон қилар эдилар. Шубҳасиз, ўша илоҳлар йўниб олинган тошлар ва рандаланган ёғочлар эди. Агар истасаларинг, ушбу оятларни ўқингиз:

﴿إِنَّكُمْ وَمَا تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ حَصَبُ جَهَنَّمَ﴾

«Шубҳасиз, сизлар ва Аллоҳдан ўзгага ибодат қилаётган нарсаларингиз [бутларингиз] жаҳаннам ўтинларидир». (Анбиё сураси, 98-оят)

﴿وَيَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَضُرُّهُمْ وَلَا يَنْفَعُهُمْ وَيَقُولُونَ هَؤُلَاءِ شَفَعَاؤُنَا عِنْدَ اللَّهِ﴾

«Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларига зиёни ҳам фойдаси ҳам тегмайдиган нарсаларга [бутларга] ибодат қиладилар ва: «Ана ўша бутлар бизнинг Аллоҳ ҳузуридаги шафоатчиларимиздир», дерлар» (Юнус сураси, 18-оят)

﴿وَالَّذِينَ اتَّخَذُوا مِنْ دُونِهِ أَوْلِيَاءَ مَا نَعْبُدُهُمْ إِلَّا لِيُقَرِّبُونَا إِلَى اللَّهِ زُلْفَى﴾

Ўша мушриклар Пайғамбарларга хитоб қилиб, шундай дердилар: «Биз ўша бутларга бизни фақат Аллоҳга яқинлаштиришлари учунгина ибодат қилурмиз...» (Зумар сураси, 3-оят).

Ўз оталарининг динини тарк этиш арабларга оғир ва қийин иш эди. Шу боис, Аллоҳ таоло илк муҳожирларни Унинг динини тасдиқлаб, унга иймон келтириб, унга мадад бериш учун хос этиб танлади ва Пайғамбар *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*ни ўз қавми ёлғончига чиқариб, у зотга қарши кўпол муомала қилганида муҳожирлар у ҳазратнинг ёнларида туриб, сабр қилдилар. Ҳолбуки, барча инсонлар уларга қарши

чикқан эдилар ва уларга азият-озор етказардилар. Муҳожирлар сонининг озлиги ва инсонлар уларни хўрлаб камситишлари ҳамда қавм-қариндошлари уларга қарши тўпланиб олганликларидан қўрқувга тушмасдилар. Демак, муҳожирлар ер юзида Аллоҳга ибодат қилган, Аллоҳ ва Унинг Элчисига иймон келтирган илк кишилардир ва улар Пайғамбар *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг дўстлари ва қавм-қариндошларидир. Муҳожирлар Пайғамбар *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан сўнг халифалик мансабини эгаллашга энг лойиқ инсонлардир. Хилофат мансаби хусусида золим кимсадан бошқа ҳеч ким муҳожирлар билан тортишмас.

Эй Ансор гуруҳи, сизлар муҳожирларнинг афзаллиги ва устунлигини ва уларнинг исломдаги улкан ўрнини инкор эта олмассиз. Аллоҳ таоло сизлар Унинг динининг ва элчисининг мададкори бўлишингизга рози бўлди. Ўз Пайғамбарининг ҳижратини сизлар томонга йўллади. Демак, илк муҳожирлардан кейин ҳеч ким бизнинг ҳузуримизда сизларнинг мартабангизга эга эмас экан, биз халифа ва сизлар вазирсиз. Сизлар билан маслаҳат қилмасдан ҳеч бир иш борасида ҳукм қилмагаймиз ва сизларсиз ҳеч бир иш амалга ошмагайдир.

Ҳабоб ибн Мунзир ибн Зайд ўрнидан туриб, шундай деди:

Эй Ансор гуруҳи, хилофат мансабини мустаҳкам тутиб олингиз. Дарҳақиқат, одамлар сизларнинг паноҳингиз ва соянгиз остидадилар. Ҳеч бир золим сизларга қарши иш тута олмас. Ҳаргиз одамлар сизларнинг раъй-фикрингиздан бош торта олмаслар. Сизлар юксаклик, бойлик ва куч-қудрат ҳамда шижоатга эга бўлган сон-санови кўп кишиларсиз. Албатта, одамлар сиз бажарадиган ишга қарайдилар. Демак, ўзаро ихтилоф қилмангизки, оқибат фикр-мулоҳазангиз фасод ва бузғунликка йўлиқмай ва ишларингиз поёнига етмай. Сизлар Пайғамбар *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*га ва муҳожирларга паноҳ ва мадад берган кишиларсиз. Муҳожирларнинг ҳижрати сизлар томонга бўлган эди ва аввал иймон келтирган кишилар, яъни муҳожирлардаги бўлган фазилатга сизлар ҳам эгадирсиз. Сизлар муҳожирлардан илгари, уй ва иймон эгаси эдингиз. Аллоҳга қасамки, муҳожирлар фақат сизларнинг юртингиздагина Аллоҳга ошкора ибодат қилдилар. Фақат сизларнинг масжидингиздагина жамоат билан намоз ташкил этилди. Араблар сизларнинг қиличингиз билангина исломга бўйин эгишди. Демак, халифалик мансабини эгаллаб олишда сизларнинг насибангиз барчадан ортиқроқдир, агарчи муҳожирлар бу ҳақиқатдан бош тортсалар-да, хилофат мансаби сизларникидир. Демак, бир амир ва халифа биздан ҳамда бир амир ва халифа сиздан бўлсин!

Умар ушбу сўзларни тинглаганидан сўнг ўрнидан туриб, шундай деди:

Ҳаргиз икки қилич бир қинга сиғмас, яъни икки халифа бир заминда ҳукмронлик қила олмас. Аллоҳга қасамки, сизлар Ансор гуруҳи, арабларга ҳукмронлик қилишингизга улар рози бўлмаслар. Ҳолбуки, Пайғамбар *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* сизлардан эмас. Араблар эса Пайғамбар *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* улардан бўлмаган кишилар халифалик мансабини эгаллаб олишларини хуш кўрмаслар. Шу боис, Пайғамбар *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* улардан бўлган араб қабиласи халифа ва бошлиқ бўлиши лозим. Шундай экан, бизга мухалиф бўлган араб қабиласига қарши ошкора ҳужжат ва далилга эгамиз. Ким Муҳаммад *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг подшоҳлиги ва мероси хусусида биз билан тортишади?! Ҳолбуки, биз у зотнинг дўстлари ва қавм-қариндошларимиз. Хилофат мансаби хусусида фақат ноҳақ далил келтирадиган ёки гуноҳ томонга оған ёхуд ҳалокатга йўлиқмоқчи бўлган кишигина биз билан жанг-низо қилади.

Ҳабоб ибн Мунзир яна ўрнидан туриб, шундай деди:

Эй Ансор гуруҳи, хилофат мансабини мустаҳкам тутиб олингиз. Умар ва унинг тарафдорларининг сўзларига қулоқ бермангиз. Акс ҳолда сизларнинг халифаликдан бўлган насибангизни олиб қўйгайлар. Агар улар сиз истаган нарсадан бўйин товлаб сизларга қарши чиқишса, уларни ўз юртингиз Мадинаи мунавварадан қувиб чиқарингиз. Халифаликни Маккадан келган муҳожирлардан тортиб олингиз. Аллоҳга қасамки, сизлар халифаликка муҳожирлардан кўра лойиқроқ ва сазоворроқсиз. Кимки, хилофат мансаби борасида ортга чекинмаса, қиличларимиз билан у кимсани нобуд этгаймиз. Огоҳ бўлингиз! Аллоҳга қасамки, агар истасаларингиз, халифаликни дастлабки даврдан ўз томонингизга қайтара оласиз. Аллоҳга қасамки, кимки менга қарши сўз очса, қилич билан бурнини синдираман.

Умар ибн Ҳаттоб ушбу сўзга жавобан шундай деди:

Агарчи Ҳабоб менинг сўзимга жавоб қайтарар экан, мен у билан сўзлашмагайман. Зероки, Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг ҳаётлик чоғларида мен ва унинг ўртасида жанг-низо бўлиб ўтган эди ва Пайғамбар *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* мени Ҳабоб билан юзма-юз бўлишдан қайтаргандилар. Шу боис, Ҳабобга ёқмаган сўзни айтмасликка онт ичган эдим.

Аҳли суннатнинг тарихчи олимлари бўлган Табарий ва Ибн Асирнинг айтишича, Умар Ҳабобнинг сўзларига қарама-қарши ўларок: «*Аллоҳ сенинг жонингни олсин*», деди. Ҳабоб ҳам Умарнинг мазкур сўзига қарши: «*Балки Аллоҳ сенинг жонингни олсин*», дея жавоб қайтарди.

Умар ва Ҳабобнинг ўртасида қўпол ва дағал муомала бўлиб ўтгач, Умар Ҳабобни тутиб, унинг қорнига тепди ва унинг оғзини тупроққа беледи.

Сўнгра Абу Убайда ўрнидан туриб, деди:

Эй Ансор гуруҳи, сизлар Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* ва муҳожирларга ёрдам ва паноҳ берган илк кишиларсиз. Демак, динда ўзгартириш киритадиган биринчи кишилар бўлмангиз.

Ансор гуруҳидан бўлган Ҳазраж қабиласининг бошлиқларидан бири бўлмиш Башир ибн Саъд, ўз қавми Саъд ибн Убодани амир ва халифа этиб танлашга овоз беришаётганини кўргач, Саъд ибн Убодага ҳасад қилгани учун ўрнидан туриб, шундай деди:

Эй Ансор гуруҳи, агарчи биз мушрикларга қарши жиҳод қилиш ва ўтмишда динга бўйсунуш фазилатига эга бўлсак-да, бироқ ушбу ишларда Парвардигоримизнинг ризолиги ва Пайғамбаримизга итоат қилиш ва қийинчиликларга бардош беришдан бошқа нарсани ирода қилмагандик. Қилган ишларимиз туфайли одамлар устидан ҳукмронлик қилишимиз яхши эмас. Бу қилган эзгу ишларимиз эвазига дунёдан ҳеч нарса талаб қилмағаймиз. Аллоҳ таоло бизга неъмат ато этган Зотдир. Сўнгра эса Муҳаммад *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* қурайшлик бўлиб, у зотнинг қавм-қабиласи у ҳазратнинг меросига ва унинг вориси бўлишга барчадан кўра ҳақлироқдир. Аллоҳга онт ичаманки, ҳаргиз Аллоҳ мени муҳожирлар билан халифалик хусусида тортишган ҳолда кўрмагай. Аллоҳдан кўркингиз ва муҳожирлар билан хилофат мансаби устида тортишмангиз ва улар билан ихтилоф қилмангиз.

Сўнгра Абу Бакр Ансор гуруҳининг рўпарасида туриб, уларни биродарликка чақирди ва тарқоқликдан қайтариб:

Мен сизларга хайрхоҳман. Сизларни бу икки киши; Абу Убайда ибн Жарроҳ ёки Умар ибн Хаттобдан бирини халифа этиб танлашингизни ва бу иккаласидан қайси бирини истасангиз, ўша шахсга байъат-қасамёд қилишингизни тавсия этаман, деди.

Умар деди: Сиз бизнинг орамизда бўла туриб, бошқа киши Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг вориси ва халифаси этиб танланишидан Аллоҳнинг Ўзидан паноҳ сўрайман. Сиз халифалик мансабига барчамиздан ҳақлироқ ва ҳаммамиздан олдинроқдасиз ҳамда Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* билан бирга бўлган кишисиз. Сиз мол-давлатга эга бўлишда бизлардан устунроқ ва муҳожирларнинг энг афзали ва Пайғамбар *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* билан ғорда бирга бўлган ҳамда намозни адо этишда Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг ўринбосари бўлган зотсиз. Ҳолбуки,

намоз ислом динининг энг юксак устунидир.<sup>1</sup>

Ким сиздан олдинга ўтиб, хилофат мансабини эгаллаб олишга лойик бўла олади? Қўлингизни узатинг, токи сизга байъат-қасамёд қилай!

Абу Убайда ва Умар, Абу Бакрга байъат-қасамёд қилишга талпинаётган пайтларида Ансор тоифасидан бўлган Башир ибн Саъд у иккаласидан ҳам олдинга ўтиб, тезроқ Абу Бакрга байъат-қасамёд қилди. Баширнинг бу иши туфайли Ҳабоб ибн Мунзир унга мурожаат қилиб, деди:

Эй Башир ибн Саъд, бу ишинг билан сен Ансор гуруҳидан бош тортдинг! Сени бу ишни қилишингга нима мажбур этди? Ўз амаки ўғлинг халифа бўлишига ҳасад қилдингми?!

Башир деди: Аллоҳга онт ичаманки, бундай эмас, лекин мен муҳожирларга тегишли бўлган ҳақ-ҳуқуқ хусусида улар билан низо-ихтилоф қилишни истамайман.

1. Умарнинг юқорида Абу Бакр ҳақида зикр қилиб ўтган хусусиятлари Абу Бакр Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг халифа ва ўринбосари бўлишига далил бўла олмайди. Зероки, Расулulloҳнинг халифа ва ворислари, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг ўзлари сингари Аллоҳ таоло томонидан тайин этилиши лозим ва инсонлар Расулulloҳни тайин эта олмаганларидек, у зотнинг йўлларини давом эттирадиган халифа ва ворисларини ҳам, тайин эта олмайдилар. Шу боис, Расулulloҳнинг ҳақ халифа ва ворислари бўлмиш ҳазрати Али (алайҳис салом)ни ва у зотнинг зурриётларидан бўлган ўн бир имомни Аллоҳ таоло кўпгина оятларда, жумладан Моида сурасининг учинчи оятида Ғадийр Хум куни барча Ансор ва муҳожирларга ошкор тайин этиб, уларни ушбу ҳақиқатдан огоҳ қилди. Бироқ, дунёнинг мол-мансабига кўнгили қўйган Ансор ва муҳожирлар, Аллоҳнинг ҳазрати Али (алайҳис салом) борасидаги фармонидан юз ўгириб, ўзларича Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг халифа ва ворисини тайин этиш учун «Сақифаи бани Соида» деган ерга тўпланишди. Шу боис, нолойиқ халифа танланишига ва мусулмонлар турли хил фирқа-оқимларга бўлиниб кетишларига сабаб бўлишди. Ҳолбуки, тўғри ва ҳақ йўл ҳазрат Али (алайҳис салом) ва у зотнинг зурриётларидан бўлган ўн бир покиза-маъсум имомларга эргашишдан иборат. Агарчи Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг, ушбу ўн икки имом (алайҳис салом)га эргашган ва уларнинг кўрсатган йўлидан юрган инсонларнинг сони оз бўлса-да, бироқ, фақат уларгина ҳақ ва тўғри йўлда эканликларига ҳеч қандай шак-шуҳа бўла олмас. Зероки, кўпчиликдан ташкил топганлик ҳақ ва ҳидоят йўлида эканликка далил бўла олмайди. Қуйидаги ояти карима бу даъвога очиқ далилдир:

{وَإِنْ تُطِغْ أَكْثَرُ مَنْ فِي الْأَرْضِ يُضِلُّوكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ إِنَّ يَتَّبِعُونَ إِلَّا الظَّنَّ وَإِنْ هُمْ إِلَّا يَخْرُصُونَ}

«Агар сен ер юзидаги кишиларнинг кўпчилигига итоат қиладиган бўлсанг, улар сени Аллоҳнинг йўлидан оздирурлар. Улар [кўпчиликдан ташкил топганлар] фақат гумонларигагина эргашурлар ва улар фақат алдайдилар, холос».

(Анъом сураси, 116-оят)

Ансор гуруҳидан бўлган Авс қабиласи Ҳазраж қабиласининг бошлиқларидан бўлмиш Башир ибн Саъднинг қилган ишини ва Абу Бакрнинг халифа бўлиши хусусидаги қурайшлик муҳожирларнинг киритган таклифларини ҳамда Ҳазраж қабиласи Саъд ибн Убодани амир ва халифа этиб танлаш учун қилаётган саъй-ҳаракатларини кўргач, уларнинг баъзилари бошқаларига, ҳолбуки, Асайд ибн Ҳузайр уларнинг ичида бор эди, шундай дедилар:

Агар фақатгина бир марта Саъдни ўзларингизга амир ва халифа қилиб олсангиз, улар доим сизларнинг устингиздан ҳукмронлик қилгайлар ва ҳеч вақт халифалик мансаби сизларга насиб этмагай. Шундай экан, ўрнингиздан турингиз ва Абу Бакрга байъат-қасамёд қилингиз. Шунда уларнинг барчаси ўринларидан туриб, Абу Бакрга байъат-қасамёд қилишди.

Бу вазиятни кўрган Ҳабоб ибн Мунзир, Асайд ибн Ҳузайрнинг қиличини олиш учун унга ташланди. У ерда ҳозир бўлган Асайд ибн Ҳузайрнинг одамлари ҳам Ҳабоб ибн Мунзирга ҳужум қилиб, Асайднинг қиличини Ҳабобдан олишди ва Ҳабоб эса кийими билан уларнинг юзига урар эди. Шундай ҳолда улар Абу Бакрга байъат-қасамёд қилишди.

Ҳабоб ибн Мунзир уларга қараб деди:

Эй Ансор гуруҳи, Абу Бакрга байъат-қасамёд қилиб, уни халифа қилиб олдингиз. Огоҳ бўлингиз! Аллоҳга қасамки, фарзандларингиз, муҳожирлар фарзандларининг эшиклари олдида туриб қўлларини узатиб, сув сўраганларини ва улар сизларнинг фарзандларингизга сув бераётган кунни кўрмоқдаман.

Абу Бакр деди: Эй Ҳабоб, биздан кўрқаяпсанми?!

Ҳабоб деди: Сиздан кўрқмайман, бироқ сиздан кейин хилофатга келадиган кишидан кўрмоқдаман.

Абу Бакр деди: Ўша замон етиб келганда, сиз ва дўстларингизнинг ихтиёри ўзларингизда бўлади. Бизга бўйсунинг зарур эмас.

Ҳабоб деди: Ҳаргиз бундай бўлмагай! Эй Абу Бакр, мен ва сен бу дунёдан ўтганимиздан сўнг бизга зулм ўтказиб, бизни хорлайдиган кимса келади.<sup>1</sup>

1. Аҳли суннат олими Жавҳарий «Сақифа» номли китобида Ҳабоб ибн Мунзирнинг келажакда рўй берадиган ҳодисалар ҳақида айтиб ўтган сўзи хусусида шундай деди:

Ҳабоб келажакда содир бўладиган воқеалар тўғрисида айтиб ўтган нарсаси рўёбга чиқди. Зероки, у кўрққан киши Язид ибн Муовия эди. У «Ҳарра» воқеасида Мадина аҳолисига нисбатан кўп жиноятларни раво кўрди. Язид Ансор гуруҳидан «Бадр» жанги кунни Макка мушрикларининг конини тўққанликлари учун ўч олди.

Саъд ибн Убода деди: Огоҳ бўлингиз! Аллоҳга онт ичаманки, агар мен оёққа туришга қудратим етганда эди, мендан шундай бир даҳшатли товуш эшитардингизки, сени эй Абу Бакр ва сенинг тарафкашларингни ушбу диёрдан чиқариб юборар ва сени ўз қавм-қариндошинг томон йўллар эди. Ҳолбуки, сен улар ичида итоат қилувчи бўлгансан ва бошқалар сенга бўйсунинмаган ҳамда танилмаган киши бўлиб, азиз бўлмагансан.

У ерда тўпланган мусулмонларнинг барчаси Абу Бакрга байъат-қасамёд қилишди. Байъат қилиш жараёни шу даражада эдики, Саъдни оёқ ости қилиб, эзиб ташлашларига жуда оз қолди.

Шунда Саъд фарёд этиб деди: Мени ўлдирдиларинг! Унинг бу сўзига Умар шундай жавоб қайтарди: Уни ўлдиринг! Худо уни ўлдирсин!

Саъд деди: Мени бу ердан олиб кетинг. Унинг қавм-қабиласи уйига олиб бориб, қўйишди ва бир неча кун уйида ёлғиз қолди. Бир мuddатдан сўнг, Абу Бакр Саъдга элчи йўллаб:

*«Келгин ва менга байъат қилгин! Барча инсонлар менга байъат қилишди ва ҳатто сенинг қавм-қариндошинг ҳам менга байъат қилишди»*, деди.

Саъд Абу Бакрга шундай жавоб қайтарди:

*«Огоҳ бўлингиз! Аллоҳга қасамки, ўқдонимда бор бўлган барча ўқларни сизлар томонга отгайман ва найзамни сизларнинг қонингизга бўягайман. Кучим етгунга қадар сизларни қиличим билан ургайман. Уруг-аймогим билан биргаликда сизларга қарши жанг қилгайман. Аллоҳга онт ичаманки, агар жинлар, инсонлар билан биргаликда сизларга мадад бериш учун тўплансалар-да, Парвардигорим билан учрашгунимга қадар сизларга байъат-қасамёд қилмагайман. Парвардигорим менинг ҳисоб-китобимга огоҳ бўлган Зотдир»*.<sup>1</sup>

---

Мана шунга ўхшаш дардли воқеаларнинг юз бериши, Аллоҳнинг ҳазрати Али *(алайҳис салом)*ни халифа, бошлиқ ва пешво этиб танлаган фармонидан бош тортиб, халифаликка нолайиқ бўлган кимсани халифа қилиб олишлари туфайли эди.

1. Ушбу воқеани Аҳли суннатнинг буюк тарихшунос олимлари ўз китобларида қуйидагича келтирганлар:

- Муҳаммад ибн Жарийр Ат-Табарий, *«Тарихут-Табарий»*, 11-йил, Ҳадисус-саҳифаҳ.
- Ибн Абул Ҳадийд, *«Шарҳи Наҳжул Балоғаҳ»*, 2-жилд, 45, 50 ва 56-бетлар, ва 6-жилд, 48 ва 49-бетлар.



Саъднинг сўзи Абу Бакрнинг қулоғига етиб боргач, Умар деди: Сенга байъат қилмагунича уни ўз ҳолига қўймайман. Шунда Башир ибн Саъд уларга шундай деди:

Саъд ибе Убода сизларга байъат қилишдан бош тортиб, бу ишни қилмасликка оёқ тираб олган. Саъд бу йўлда қатл этилса-да, сенга байъат қилмас экан. Саъднинг фарзанди, хонадони ва қавм-қариндошини ўлдирмаганингизча унинг ўзини ўлдира олмасиз ва уларнинг барчасини ўлдиришингиз учун Хазраж ва Авс қабилаларини қатл этишингиз лозим бўлади. Шу боис, сизлар учун амалга ошган хилофат мансабини нобуд қилмангиз. Демак, уни ўз ҳолига қўйингиз. Зероки, унга индамаслик сизларга зиён етказмайди. Саъд эндиликда ёлғиз қолган бир кишидир. Абу Бакр ва унинг тарафкашлари Баширнинг маслаҳатини қабул қилиб, Саъдни ўз ҳолига қўйишди ва Башир халифалик мансабини қўлга киритиш учун уларга қилган хизмати сабабли, уни ўзларига хайрхоҳ деб билишди.

Саъд ибн Убода уларнинг намозига келмай, уларнинг жамоат ва жума намозига қатнашмасди ва уларнинг ҳадя-инъомларидан баҳраманд бўлмасди. Агар у Абу Бакр ва унинг тарафкашларига қарши ёр-мададкор топганида эди, уларга ҳужум қилар ва агар бир киши унга байъат қилиб, уларга қарши урушишга муҳайё бўлса, улар билан жанг қиларди. Абу Бакр дунёдан кўз юмиб, Умар хилофат тахтига ўтиргунга қадар, вазият шундай давом этди. Сўнгра эса Саъд Шомга бориб, ўша ерда ҳеч кимга байъат қилмай, дунёдан ўтди.

Ансор тоифаси Абу Бакрга байъат қилаётган пайт бани Ҳошим, яъни Ҳошим фарзандлари ҳазрати Али ибн Абу Толиб (*алайҳис салом*)нинг атрофларига тўплангандилар. Зубайр ибн Авом ҳам улар билан бирга эди. Зероки, унинг онаси Сафия Абдул Муталлиб (*алайҳис салом*)нинг қизи эди. Шу боис, Зубайр ўзини бани Ҳошимдан деб биларди. Мўминлар амири ҳазрати Али (*алайҳис салом*) Зубайр борасида шундай дедилар: Зубайрнинг ўғли вояга етиб, отасини бизнинг йўлимиздан қайтаргунига қадар у доим биз билан эди.

Бани Уммайя, яъни Уммайя фарзандлари Усмоннинг атрофига тўпланишди ва бани Зухра эса Абдурахмон ибн Авфнинг атрофига жамланишди. Уларнинг барчаси буюк масжидга йиғилишганди. Абу Бакр ва Абу Убайда улар томонга келган пайт одамлар Абу Бакрга байъат қилишга улгурганди. Шунда Умар уларга юзланиб: Нима сабабдан гуруҳ-гуруҳ бўлиб олгансиз? Ўрнингиздан туриб, Абу Бакрга байъат қилингиз! Мен ва Ансор гуруҳи унга байъат қилдик, деди.

Умарнинг сўзидан сўнг, Усмон ибн Аффон ва у билан бирга бўлган бани Уммайя ўрниларидан туриб, Абу Бакрга байъат қилишди. Шунингдек, Абдуррахмон ибн Авф ва у билан бирга бўлган бани Зухра ўрниларидан туриб, Абу Бакрга байъат қилишди. Ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ва Аббос ибн Абул Муталлиб ва Зубайр ибн Авом ва улар билан бирга бўлган бани Ҳошим, Абу Бакрга байъат қилишдан бош тортиб қайтиб кетишди.

---

## **ҲАЗРАТИ ФОТИМА (С.А)НИНГ УЙЛАРИГА ҲУЖУМ ҚИЛИНИШИ**

---

Одамларни Абу Бакрга байъат қилишга чақириб, уларни Абу Бакрга байъат-қасамёд қилдирилгач, Умар бир гуруҳ кишилар билан Сарвари оламнинг нури дийдалари ҳазрати Фотима (*саломуллоҳи алайҳо*)нинг уйлари томон йўл олишди. Уларнинг орасида Асайд ибн Ҳузайр ва Саламат ибн Аслам ҳам бор эди. Улар ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ва у ҳазратнинг уйларида тўпланиб олган бани Ҳошимга хитоб қилиб:

«*Чиқинглар ва Абу Бакрга байъат -қасамёд қилингллар*», дейишди.

Лекин улар Абу Бакрга байъат қилишдан бўйин товлашди. Шунда Зубайр ибн Авом қилич билан чиқди. Умар бу кишини ушланглар, деди. Саламат ибн Аслам унга ҳужум қилиб, қилични унинг қўлидан олиб, уни деворга урди.

Аҳли суннат олими Масъудий ўзининг «*Муружус-Заҳаб*» номли китобида бани Ҳошимнинг Абу Бакрга байъат-қасамёд қилишлари борасида шундай дейди:

Ҳазрати Фотима (*саломуллоҳи алайҳо*) дунёдан кўз юмганларига қадар бани Ҳошимдан ҳеч ким Абу Бакрга байъат қилмади.

Аҳли суннатнинг буюк алломаларидан бири бўлмиш Ибн Абил Ҳадид ўзининг «*Шарҳу Наҳжил Балоға*» номли китобида ҳазрати Фотима (*саломуллоҳи алайҳо*)нинг уйига ҳужум қилиб келганликлари хусусида шундай ривоят қилган:

Умар, Ансор ва бир оз муҳожирлардан ташкил топган гуруҳ билан ҳазрати Фотима (*саломуллоҳи алайҳо*)нинг уйига келиб, шундай деди:

Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, Абу Бакрга байъат-қасамёд қилиш учун уйдан чиқгайсиз ёки мен уйни ёқиб юбораман. Зубайр қиличини қинидан чиқариб, уларнинг қаршисида

турди. Зиёд ибн Лабид Ансорий билан бир киши Зубайрнинг бўйинини маҳкам тутиб, қисийди. Шунда қилич Зубайрнинг қўлидан тушди ва Умар у қилични тошга уриб синдирди. Сўнгра уларни уйдан чиқариш мақсадида бўйинларидан ушлаб тортиб чиқаришди ва Абу Бакрга байъат қилишлари учун ҳурматсизликча, уларни қаттиқ итариб ҳайдаган ҳолда олиб боришди.

Абу Бакр деди: Эй Умар, Холид ибн Валид қаерда? У билан бирга бориб, Али ва Зубайрни менга олиб келинглр.

Умар ва Холид ибн Валид ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг уйларига боришди.

Умар уйга кирди ва Холид эса ташқарида эшикнинг ёнида тўхтаб турди. Умар Зубайрга деди: Бу қилич нима? Зубайр деди: Ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га байъат қилиш учун тайёрлаб қўйганман. Уйда кўп кишилар бор эди. Шу жумладан; Миқдод ибн Асвад (*разияллоҳу анҳу*) ва барча бани Ҳошим уйга тўпланишганди. Шунда Умар Зубайрнинг қиличини тортиб олди ва уни уйдаги тошга уриб синдирди. Кейин эса Зубайрнинг қўлини тутиб, уйдан итариб чиқарди ва Холидга бунни ушлаб тургин, деди. Холид уни ташқарида сақлаб турди. Ҳолбуки, уйнинг ташқарисида Холид билан бирга кўп кишилар бор эди, Абу Бакр уларни Умар ва Холидга кўмакчи бўлсинлар деб юборган эди. Сўнгра Умар уйга кириб, ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га шундай деди: Ўрнингиздан туриб, Абу Бакрга байъат қилинг. Умар бир оз қараб турди. Сўнгра ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг қўлларини тортиб, ўрнингиздан турунг, деди. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ўринларидан туришдан бош тортдилар. Умар эса у ҳазратга ташланиб, Зубайрни уйдан итариб чиқарганидек, у зотни ҳам итариб чиқарди.

Сўнгра Холид у иккалаларини ташқарида сақлаб турди ва Умар ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ва Зубайрни ҳамда у ҳазратнинг уйда бўлган барча кишиларни ҳурматсизларча орқадан итариб, қувиб олиб борарди. Халқ эса тўпланган ҳолда томоша қилардилар. Мадина кўчалари одамларга лик тўлиб тошган эди. Ҳазрати Фотима (*саломуллоҳи алайҳа*) Умарнинг ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га қилган ҳурматсизлигини кўриб, фарёд этиб йиғлардилар ва у ҳазрат билан бирга Ҳошимий ва бошқа аёллар тўпланишганди. Ҳазрати Фотима (*саломуллоҳи алайҳа*) уйларининг масжид томонига очилган эшигидан чиқиб:

«Эй Абу Бакр, қандай ҳам тез Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва алиҳи васаллам*)нинг хонадонларига қарши макру ҳийла қилдиларинг. Аллоҳ билан

учрашгунимча Умар билан сўзламайман», деб фарёд қилдилар.<sup>1</sup>

Аҳли суннатнинг тарихчи олими Ибн Қутайбаҳ ўзининг «Ал-имомату вас-сиёсаҳ» номли китобида ҳазрати Али (алайҳис салом)ни Абу Бакрга байъат қилишга мажбур этганликлари борасида шундай дейди:

Ҳазрати Али (алайҳис салом)ни Абу Бакрга байъат қилиш учун олиб келганларида, у ҳазрат шундай дердилар:

«أَنَا عَبْدُ اللَّهِ وَأَخُو رَسُولِهِ»

«Мен Аллоҳнинг бандаси ва Унинг Расулининг биродаридирман».

Ҳазрати Али (алайҳис салом)га қараб: «Абу Бакрга байъат қилинг», дейишди. Шунда ҳазрати Али (алайҳис салом) уларга дедилар:

أَنَا أَحَقُّ بِهَذَا الْأَمْرِ مِنْكُمْ، لَا أَبَايَعُكُمْ وَ أَنْتُمْ أَوْلَىٰ بِالْبَيْعَةِ لِي، أَخَذْتُمْ هَذَا الْأَمْرَ مِنَ الْأَنْصَارِ، وَاحْتَجَجْتُمْ عَلَيْهِمْ بِالْقَرَابَةِ مِنَ النَّبِيِّ ﷺ، وَتَأْخُذُونَهُ مِنَّا أَهْلَ الْبَيْتِ غَضَبًا؟ أَلَسْتُمْ زَعَمْتُمْ لِلْأَنْصَارِ أَنْتُمْ أَوْلَىٰ بِهَذَا الْأَمْرِ مِنْهُمْ لِمَا كَانَ مُحَمَّدٌ ﷺ مِنْكُمْ، فَأَعْظُوكُمُ الْمَقَادَةَ، وَسَلَّمُوا إِلَيْكُمْ الْإِمَارَةَ، وَأَنَا أَحْتَجُّ عَلَيْكُمْ بِمِثْلِ مَا احْتَجَجْتُمْ بِهِ عَلَى الْأَنْصَارِ نَحْنُ أَوْلَىٰ بِرَسُولِ اللَّهِ ﷺ حَيًّا وَمَيِّتًا، فَأَنْصِفُونَا إِنْ كُنْتُمْ تُؤْمِنُونَ، وَإِلَّا فَبُوءُوا بِالظُّلْمِ وَأَنْتُمْ تَعْلَمُونَ.

«Мен халифаликка сизлардан кўра ҳақлироқман, мен сизларга эмас, балки сизлар менга байъат-қасамёд қилишингиз лозим. Сизлар хилофат мансабини Ансор тоифасидан олиб, Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га яқин кишилар эканингизни уларга қарши ҳужжат ва далил қилиб келтирдингиз. Ҳолбуки, халифаликни биз Аҳли-Байтдан ноҳақ тортиб олдингиз. Сизлар Ансор гуруҳига: «Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) биздан бўлгани учун, биз халифаликка ҳақлироқмиз», демагандингизми? Шунда улар халифалик амалини сизларга бериб, раҳбарликни сизларга топширишди. Сизлар Ансор гуруҳига келтирган далилларингизни мен ҳам айнан ўша далилларни сизларга келтираман. Биз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га ҳаёт ва мамот чоғларида сизлардан кўра ҳақлироқмиз. Агар Аллоҳдан қўрқиб, Унга иймон келтирган бўлсаларингиз, бизга нисбатан инсофли бўлингиз, акс ҳолда билиб туриб, зулмга қўл урган бўлурсиз».<sup>2</sup>

1. Ибн Абул Ҳадид, «Шарҳу Наҳжил Балоға», 6-жилд, 48 ва 49-бетлар.

2. Ибн Қутайбаҳ, Ад-Дийнаварий, «Ал-имомату вас-сиёсаҳ», 1-жилд, 11-бет.

Умар ҳазрати Али (алайҳис салом)га: «Байъат қилмагунингизча сизни қўйиб юбормаймиз», деди.

Ҳазрати Али (алайҳис салом) унинг ушбу сўзига жавобан шундай дедилар:

إِخْلِبْ حَلْبًا لَكَ شَطْرُهُ، وَأَشْدُدْ لَهُ الْيَوْمَ أَمْرَهُ يَزِدُّهُ عَلَيْكَ غَدًا. ثُمَّ قَالَ: وَاللَّهِ يَا عُمَرُ لَا أَقْبَلُ قَوْلَكَ وَلَا أَبَايَعُهُ.

«Шундай бир сўтни соғинки, унинг бир қисми сеники бўлсин! Бугун Абу Бакрнинг халифалик мансабини мустаҳкам қилгинки, эртага уни сенга қайтариб бергай». Сўнгра ҳазрати Али (алайҳис салом) шундай дедилар: «Эй Умар, Аллоҳга қасамки, сенинг сўзингни қабул этмай, Абу Бакрга байъат қилмагайман».<sup>1</sup>

Абу Бакр ҳазрати Али (алайҳис салом)га деди: «Агар байъат қилмасангиз, сизни мажбур қилмаймиз».

Абу Убайда ҳазрати Али (алайҳис салом)га деди:

Эй амаким ўғли, Сиз ёшсиз ва улар [Абу Бакр ва Умар] эса қавмингизнинг кекса кишиларидир. Сиз улар каби тажрибали ва ишбилармон эмассиз. Абу Бакр сизга қараганда халифалик амалини бошқаришда кучлироқ бўлиб, бу ишни яхши бошқара олади. Шу боис, халифалик мансабини унга топширинг. Зероки, агар сиз тирик қолиб, узок умр кўрсангиз, халифалик мансаби учун яралгансиз ва халифалик мансабини кўлга киритишда ҳаммадан кўра ҳақлироқсиз. Ва шунингдек, сиз Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олийҳи васаллам)нинг куёвлари бўлиш каби мақом-манзилатга эга бўлганингиз сабабли ҳаммадан устун ва афзалсиз.

Ҳазрати Али (алайҳис салом) дедилар:

اللَّهُ اللَّهُ يَا مَعْشَرَ الْمُهَاجِرِينَ، لَا تَخْرُجُوا سُلْطَانَ مُحَمَّدٍ ﷺ فِي الْعَرَبِ عَنْ دَارِهِ وَ قَعْرِ بَيْتِهِ إِلَى دُورِكُمْ وَ قُعُورِ بَيْوتِكُمْ، وَلَا تَدْفَعُوا أَهْلَهُ عَنْ مَقَامِهِ فِي النَّاسِ وَحَقِّهِ، فَوَاللَّهِ يَا مَعْشَرَ الْمُهَاجِرِينَ، لَنَحْنُ أَحَقُّ النَّاسِ بِهِ، لِأَنَّ أَهْلَ الْبَيْتِ، وَنَحْنُ أَحَقُّ بِهَذَا الْأَمْرِ مِنْكُمْ مَا كَانَ فِينَا الْقَارِيءُ لِكِتَابِ اللَّهِ، الْفَقِيهُ فِي دِينِ اللَّهِ، أَعْلَمُ بِسُنَنِ رَسُولِ اللَّهِ، الْمُصْطَلِعُ بِأَمْرِ الرَّعِيَةِ، الْمُدَافِعُ عَنْهُمْ الْأُمُورَ السَّيِّئَةَ، الْقَاسِمُ بَيْنَهُمْ بِالسَّوِيَةِ، وَاللَّهِ إِنَّهُ لَفِينَا، فَلَا تَتَّبِعُوا الْهَوَى فَيَضِلُّوا عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ، فَتَزْدَادُوا مِنَ الْحَقِّ بُعْدًا.

1. Ибн Кутайбах, Ад-Дийнаварий, «Ал-имомату вас-сиёсаҳ», 1-жилд, 11-бет.

«Эй муҳожирлар гуруҳи, Аллоҳни ёдга олингиз! Аллоҳни ёдга олингиз! Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг халифалик ва ворислигини у ҳазратнинг уйидан олиб чиқиб, ўз уйларингизга ўрнатиб қўймангиз! У зотнинг хонадони аҳлини инсонлар орасидаги мақомидан ва ҳақ-ҳуқуқларидан четлаштирмангиз! Эй муҳожирлар гуруҳи, Аллоҳга қасамки, биз барча инсонлардан кўра халифаликка энг лойиқ ва ҳақли кишилармиз. Зероки, биз Расулуллоҳнинг хонадони аҳлимиз. Модомики, Аллоҳнинг Китобини англаб ўқийдиган, Аллоҳнинг динини тушуниб етган, Расулуллоҳнинг суннатларига огоҳ бўлган, халқнинг ишини бошқара олувчи билимдон киши, инсонларни ёмон ишлардан қайтара олувчи ва халқ ўртасида байтулмолни тенг тақсимловчи шахс бизнинг орамизда бор экан, биз сизларга қараганда халифаликка энг ҳақли ва лойиқ кишилармиз. Аллоҳга қасамки, халифалик ва раҳнамолик бизнинг орамиздадир, уни биздан олиб бўлмас. Шундай экан, нафсоний ҳою-ҳавасга эргашмангиз, оқибат Аллоҳнинг йўлидан озгайсиз ва ҳақ йўлдан ҳаддан ортиқ узоқлашурсиз».<sup>1</sup>

Башир ибн Саъд Ансорий ушбу сўзларни эшитгандан сўнг, шундай деди:

«Эй Али, агар Ансор гуруҳи ушбу сўзларингизни Абу Бакрга байъат қилишдан олдин эшитишганида эди, ҳатто икки киши ҳам сизга қарши чиқмаган бўлар эди».

---

1. Ибн Кутайбах, Ад-Дийнаварий, «Ал-имомату вас-сиёсаҳ», 1-жилд, 12-бет.

---

## МУХОЛИФЛАРНИ БАЙЪАТ ҚИЛИШГА МАЖБУРЛАМОҚ

---

Ҳазрати Али (*алайҳис салом*) оқшом чоғи Расулуллоҳнинг қизлари ҳазрати Фотима (*саломуллоҳи алайҳо*)ни отга миндириб, Ансор гуруҳининг мажлисига бориб улардан ёрдам сўрадилар. Улар эса эй Расулуллоҳнинг қизи, энди бизнинг Абу Бакрга қилган байъатимиз яқун топди. Агар умр йўлдошингиз Абу Бакрдан олдин бизнинг ёнимизга келганида эди, Абу Бакрга байъат қилишдан бош тортиб, Алига байъат-қасамёд қилган бўлардик, деб жавоб беришди.

Шунда ҳазрати Али (*алайҳис салом*) уларнинг ушбу сўзига жавобан шундай дедилар:

أَفَكُنْتُ أَدْعُ رَسُولَ اللَّهِ فِي بَيْتِهِ لَمْ أَدْفَنْهُ، وَأَخْرَجُ أَنَا عَنِ النَّاسِ سُلْطَانَهُ؟

«Ахир дунёдан кўз юмган Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг муборак баданларини ўз ҳолига қўйиб ва ул зотни дафн этмай туриб, инсонлар билан халифалик мансаби устида тортишармидим?!»

Ҳазрати Фотима (*саломуллоҳи алайҳо*) Ансор гуруҳига қарата шундай дедилар:

مَا صَنَعَ أَبُو الْحَسَنِ إِلَّا مَا كَانَ يَنْبَغِي لَهُ، وَلَقَدْ صَنَعُوا مَا اللَّهُ حَسِيبُهُمْ وَطَالِبُهُمْ.

«Абул Ҳасан [ҳазрати Алининг кунялари] муносиб бўлган ишнигина бажардилар ва Ансор гуруҳи шундай бир ишга қўл уришдики, Аллоҳ улар билан бу иши сабабли ҳисоб-китоб қилгай ва уларни жавобгарликка тортгайдир».<sup>1</sup>

Абу Бакр ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг атрофларига тўпланиб, унга байъат қилишдан бош тортган кишиларни бирма-бир кўздан кечирди,

---

1. Ибн Қутайбах, Ад-Дийнаварий, «Ал-имомату вас-сиёсаҳ», 1-жилд, 12-бет.



сўнгра эса Умарни улар томон юборди. Умар ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг уйларига келиб, Абу Бакрга байъат қилишни улардан талаб қилди. Бироқ, улар ушбу байъатдан бўйин товлаб, ўзларининг норизоликларини билдиришди. Шунда Умар ўтин истаб шундай деди:

*«Умарнинг жони Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, байъат қилиш учун уйдан чиқингиз, акс ҳолда уйни ва унда бўлган кишиларнинг ҳаммасини ёқиб юборгайман».*

Шунда Умарга: «Эй Ҳафснинг отаси, уйда Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)* бор», дейишди. «Ҳатто агар Фотима уйда бўлса-да», дея жавоб қайтарди Умар!

Шундан сўнг ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг уйида бўлган кишилар ташқарига чиқиб, бирма-бир Абу Бакрга байъат қилишди, фақат мўминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)*гина унга байъат қилмадилар. Бу борада Ислом тарихида шундай дейилган:

Ҳазрати Али *(алайҳис салом)* онт ичдиларки, Қуръонни жамламагунга қадар уйдан чиқмай, кийимларини елкаларига қўймагайлар.

Шу вақт ҳазрати Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)* эшикнинг ёнида туриб: «Сизлардек энг ёмон ўринни эгаллаган қавм билан менинг аҳду паймоним йўқ», дедилар.

Ҳазрати Али *(алайҳис салом)* Умарга қараб:

*«Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг муборак баданларини бизнинг ёнимизга қўйиб, халифалик мансабини ўз ўртангизда бўлиб олдингиз ва бу борада биз билан маслаҳатлашмадингиз ҳам ва Аллоҳ томонидан тайин этилган ҳақ, яъни халифалик ва ворисликни бизга қайтариб бермадингиз».*

Умар Абу Бакрнинг ёнига келиб, унга: «Сендан бўйин товлаган кишилардан байъат олишни истамайсанми?», деди.

Абу Бакр ўзининг Қунфуз номли хизматкорига: Бориб Алини чақириб келгин, деди.

Қунфуз ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг ёнларига келиб, у зотга: «Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг халифаси сизни чақирмоқда», деди. Ҳазрат унга жавобан:

*«Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га қандай ҳам тез ёлгон тўқиб чиқардиларинг»*, дедилар.

Қунфуз орқасига қайтиб, ушбу сўзни Абу Бакрга етказди. Абу Бакр ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг ушбу сўзларини эшитгач, ўзини йиғлаш

ҳолатига солди. Умар яна бир бор Абу Бакрга: «Сенга байъат қилишдан бош тортган кишига муҳлат бермагин», деди.

Абу Бакр яна бир карра Қунфузга шундай деди: Алининг ёнига қайтиб бор ва унга: «Мўъминлар амири байъат қилишингиз учун сизни чақирмоқда», дегин.

Қунфуз ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг ёнларига келиб, буюрилган сўзни у зотга етказди. Ҳазрати Али (алайҳис салом) ушбу сўзнинг жавобида баланд товуш билан шундай дедилар:

«Субҳоналлоҳ [Аллоҳ пок Зот] дарҳақиқат, Абу Бакр ўзиники бўлмаган нарсани даъво қилибди».

Шунда Қунфуз орқасига қайтиб, ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг сўзларини Абу Бакрга етказди. Абу Бакр эса яна узоқ йиғлади.

Сўнгра Умар ўрнидан туриб, бир гуруҳ билан ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо)нинг уйларига келиб эшикни қоқишди.

Ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо) уларнинг товушини эшитгач, баланд товуш билан:

«Эй отам, эй Расулуллоҳ, сиздан сўнг Хаттоб ўгли Умардан ва Абу Қўхофаҳ ўгли Абу Бакрдан нималарни ҳам кўрмадик», деб нидо килдилар.

Ўша кишилар ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо)нинг йиғлаган товушларини эшитиб, ўксинган ҳолда орқага қайтиб кетишди. Шу пайт уларнинг юраклари ёрилиб, жигарлари парчаланиб кетишига оз қолганди. Аммо Умар билан бир неча киши у ерда қолиб, улар мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом)ни уйдан чиқаришди ва сўнг у зотни Абу Бакрнинг ёнига олиб боришди.

Аҳли суннатнинг йирик олими Шаҳристоний ўзининг «Ал-Милалу ван-Ниҳал» номли китобида ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо)нинг уйларига қилинган ҳужум борасида Наззомдан қуйидагича ривоят қилади:

قال النَّظْمُ: إِنَّ عَمْرَ ضَرَبَ بَطْنَ فَاطِمَةَ يَوْمَ الْبَيْعَةِ حَتَّى أَلْقَتِ الْجَنِينَ مِنْ بَطْنِهَا، وَكَانَ يَصِيحُ: «أَحْرِقُوا دَارَهَا بِمَنْ فِيهَا»، وَمَا كَانَ فِي الدَّارِ غَيْرُ عَلِيٍّ وَفَاطِمَةَ وَالْحَسَنَ وَالْحُسَيْنَ.

Наззом деди: «Шубҳасиз, Умар байъат қуни Фотиманинг қорнига урди ва ул ҳазрат бунинг натижасида қорнидаги боласини туширди. Шунда Умар баланд товуш билан қичқирарди: Унинг [Фотиманинг] уйини ундаги

барча кишилар билан ёқиб юборинг. Ваҳоланки, уйда ҳазрати Али, Фотима, Ҳасан ва Ҳусайн (а.с.)лардан бошқа ҳеч ким йўқ эди».<sup>1</sup>

Ўша кунлари Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг дилбандлари ҳазрати Фотима (солмуллоҳи алайҳо) бешинчи фарзанларига ҳомиладор эдилар. Унинг исмини дунёга келишидан олдин «Муҳсин» деб қўйган эдилар. Бироқ Умар бу гўдакни дунёга келмай туриб уриб тушириши билан Сарвари олам Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг учдан бир қисм насллари дунёга кенг тарқалишининг олдини олди.

Умар ва унинг одамлари ҳазрати Али (алайҳис салом)ни байъат қилиш учун Масжидун-Набийга олиб келишди ва улар: «Абу Бакрга байъат қилинг», дея ҳазрати Али (алайҳис салом)ни мажбурлашди. Ҳазрати Али (алайҳис салом) уларга: «Агар байъат қилмасам, нима қила оласиз?», дедилар. Улар у зотга: «У ҳолда Ундан ўзга илоҳ бўлмаган Зотга қасамки, бўйинингизга қилич қўйгаймиз», деб жавоб қайтарди.

Ҳазрати Али (алайҳис салом) дедилар: «Бу ишни қилсангиз, Аллоҳнинг бандаси ва Унинг Пайгамбарининг биродарини ўлдирган бўлурсиз».

Шунда Умар деди: «Аммо Аллоҳнинг бандасини ўлдирган бўлуرمىз, тўғри. Лекин Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг биродарини эмас».<sup>2</sup> Абу Бакр эса индамай туриб гапирмасди.

1. Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим Шаҳристоний, «Ал-Милалу ван-Ниҳал» Дорул фикр нашрида 45-бет, Дорул маърифат нашрида 1-жилд, 71-бет, Мактабатул ҳилол нашрида эса 1-жилд, 70-бет.

2. Умар бу сўзи билан ҳазрати Али (алайҳис салом) Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг биродари эканликларини инкор қилди. Ҳолбуки, Аҳли суннатнинг буюк олими Ибн Ҳажар Ҳайтабий ўзининг «Ас-Савоиқул муҳриқаҳ» номли китобининг 122-бети ва 7-ҳадисиди бу борада шундай дейди:

Пайгамбар ўз саҳобалари ўртасида биродарлик аҳд-паймонини туздилар. Шунда ҳазрати Али (алайҳис салом) кўзлари ёшга тўлган ҳолда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг ҳузурларига келиб: Эй Аллоҳнинг Расули (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи), саҳобаларингиз ўртасида биродарлик аҳд-паймонини туздингиз, аммо мен билан ҳеч кимнинг ўртасида биродарлик аҳд-паймонини тузмадингиз, дедилар. Шунда Сарвари олам ҳазрати Алига қараб:

رَسُوْلُ اللهِ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «سَنْتُ أَخِي فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ» «Сен бу дунё ва охиратда менинг биродаримсан», дея Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи) ўзлари билан ҳазрати Али (алайҳис салом) ўртасида биродарлик аҳд-паймонини туздилар.

Умар Абу Бакрга: «Сизга байъат қилиши учун унга амр қилмайсизми?», деди.

Абу Бакр деди: «Модомики, Фотима Алининг ёнида экан, уни бу ишга мажбур этмасман».

Шундан сўнг мўминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)* Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олийҳи васаллам)*нинг қабрлари ёнига кетиб, фарёд этиб йиғлаган ҳолда шундай нидо қилардилар:

﴿يَا ابْنَ أُمَّ إِنَّ الْقَوْمَ اسْتَضَعُّونِي وَكَادُوا يَقْتُلُونِي﴾

«Эй онамнинг фарзанди – биродарим, бу қавм мени хўрлаб қўйишиди ва мени ўлдиришларига оз қолди» (Аъроф сураси, 150-оят). Ушбу ояти карима ҳазрати Ҳорун пайғамбарнинг ўз оғайниси ҳазрати Мусо *(алайҳис салом)*га Тури Сайно тоғидан қайтиб келганда айтган сўзларидир.

Умар Абу Бакрга: «Фотима ҳузурига борайлик. Зероки, биз Фотимани газаблантирдик», деди.

Иккаласи ҳазрати Фотиманинг уйларига келиб, уйга киришга рухсат сўрашди. Аммо ҳазрати Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)* уларга уйга кириш учун изн бермадилар. Шунда Абу Бакр ва Умар, ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг ҳузурларига келиб, уйларига кириш учун рухсат сўрадилар. Ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ҳазрати Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)*дан у иккаласининг уйга кириши ҳақида сўраганларида, Сарвари оламнинг нури дийдалари шундай жавоб қайтардилар:

«Эй Али, уй сизнинг уйингиз. Лекин мен у иккаласини кўришни хоҳламайман».

Шундан сўнг ҳазрати Али *(алайҳис салом)* у иккаласини ҳазрати Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)*нинг ҳузурларига киритдилар.

Абу Бакр ва Умар ҳазрати Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)*нинг ҳузурларига кирганда ҳазрати Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)* у иккаласидан юз ўгириб девор томонга қарадилар. У иккаласи ҳазрати Фотима *(саломуллоҳи алайҳо)*га салом беришди. Лекин ул ҳазрат уларнинг саломларига жавоб бермадилар.

Шунда Абу Бакр сўз очиб шундай деди:

Эй Расулulloҳнинг ҳабибаси [севиқли қизи], Аллоҳга қасамки, Расулulloҳнинг уруғ-аймоғлари менинг ҳузуримда ўзимнинг қавм-қариндошларимдан кўра азизроқ ва севиқлироқдирлар. Сиз менга ўз қизим Оишадан ҳам суюқлироқсиз. Отангиз дунёдан кўз юмган кун

мен ҳам ўлишни ва у зотдан сўнг тирик қолмасликни истардим. Сиз биз ҳақимизда фазилатингиз ва юксаклигингизни танимай туриб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан қолган ҳаққингиз ва меросингизни ман қилган кишилар деб ўйлайсизми? Аммо мен отангиз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан шундай деб марҳамат қилганларини эшитганман:

«Биз пайгамбарлар мерос қолдирмаймиз, биз қолдирган нарса садақадир».

Ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо) у иккисига: «Агар мен сизларга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ҳадис ривоят қилсам, уни тан олиб унга амал қиласизларми?», дедилар. Улар: Ҳа, дея жавоб беришди.

Шунда ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо) дедилар: Аллоҳни назарга олингиз! Ушбу ҳадисни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан эшитмаганмисиз? Ул ҳазрат шундай деб марҳамат қилганлар:

رَضًا فَاطِمَةَ مِنْ رِضَايَ وَسَخَطًا فَاطِمَةَ مِنْ سَخَطِي فَمَنْ أَحَبَّ فَاطِمَةَ ابْنَتِي فَقَدْ أَحَبَّنِي،  
وَمَنْ أَرْضَى فَاطِمَةَ فَقَدْ أَرْضَانِي، وَمَنْ أَسَخَطَ فَاطِمَةَ فَقَدْ أَسَخَطَنِي.

«Фотиманинг ризоси менинг ризолигим ва Фотиманинг газаби менинг газабимдир. Демак, кимки, қизим Фотимани дўст тутса, дарҳақиқат, мени дўст тутган бўлур ва кимки, Фотимани рози қилса, дарҳақиқат, мени рози қилган бўлур ва кимки, Фотимани ранжитса, дарҳақиқат, мени ранжитган бўлур».<sup>1</sup>

1. Ушбу ҳадисни Аҳли суннатнинг буюк муҳаддис олимлари ўз китобларида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан турли иборалар билан ривоят қилганлар, шу жумладан; Бухорий ўзининг «Саҳиҳул Бухорий» номли китобининг «Китобу фазоили асҳобин-Набийй, бобу маноқиби киробати Расулиллааҳ», 3714-ҳадис ва «Бобу маноқиби Фотима (саломуллоҳи алайҳо)», 3767-ҳадисда ушбу ҳадисни куйидагича ривоят қилган:

فَاطِمَةُ بَضْعَةٌ مِنِّي فَمَنْ أَغْضَبَهَا أَغْضَبَنِي

«Фотима танимнинг бир бўлагидир. Кимки, уни газаблантурса, мени даргазаб этган бўлур».

Муслим ўзининг «Саҳиҳи Муслим» номли китобининг «Китобу фазоилус-саҳобах, бобу фазоили Фотима бинтин-Набийй», 6201 ва 6202-ҳадисларда ушбу ҳадисни куйидагича ривоят қилган:

فَإِنَّمَا ابْنَتِي بِضْعَةٌ مِنِّي يَرْبِئُنِي مَا رَبَّيْتُهَا وَ يُؤْذِينِي مَا آذَاهَا

«Дарҳақиқат, қизим Фотима танимнинг бир бўлагидир. Уни қайгуга соладиган нарса мени қайгуга солур ва унга азият-озор берган нарса, менга азият-озор берган бўлур».

У иккаласи Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ушбу ҳадисни эшитганмиз, дея жавоб қайтаришди.

Шунда ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо) уларга: «Мен Аллоҳни ва Унинг малоикаларини шоҳид қиламанки, сиз иккалангиз менинг ризолигимни қўлга киритмай, мени ранжитиб газаблантирдингиз. Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан учрашганимда, сиз иккалангиздан у ҳазратга шикоят қилгайман», дедилар.

Абу Бакр эса: «Аллоҳнинг газоби ва сизнинг газабингиздан Унинг Ўзидан паноҳ сурайман», дея руҳи баданидан чиқаётган инсон каби баланд товуш билан йиғлай бошлади. Лекин ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо) сўзларини давом эттириб, унга қарата:

«Аллоҳга қасамки, ўқийдиган ҳар бир намозимда Аллоҳнинг даргоҳида сени қаргайман», деб марҳамат қилдилар.<sup>1</sup>

Абу Бакр йиғлаган ҳолда ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо)нинг уйларида чикиб, ўзининг атрофига тўпланган халоикқа шундай дерди:

Термизий ўзининг «Саҳиҳут-Тирмизий» номли кимобининг 60-боб, «Китобул манокиб, фазлу Фотима бинти Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)», 3876 ва 3878-ҳадисларида ушбу ҳадисни шундай ривоят қилган:

إِنَّمَا فَاطِمَةُ بَضْعَةٌ مِنِّي يُؤْذِينِي مَا آذَاهَا وَ يُنْصِبُنِي مَا أَنْصَبَهَا

«Дарҳақиқат, Фотима танимнинг бир бўлагидир. Унга азият-озор етказган нарса, менга азият-озор берган бўлур ва уни ражитган нарса, мени ранжитган бўлур».

1. Юкоридаги сўзларнинг арабча матнини ҳам шу ерда келтиришни ўринли деб билдик:

قَالَتْ فَاطِمَةُ الزَّهْرَاءُ ﷺ لِلأَوْلَئِينَ: أَرَأَيْتُمْ كَمَا إِنْ حَدَّثْتُمْ كَمَا عَنْ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ: تَعْرِفَانِي وَتُعْلَانِي بِهِ؟ قَالَ نَعَمْ. فَقَالَتْ: نَسَدْتُكُمْ مَا اللَّهُ أَلَمْ تَسْمَعَا رَسُولَ اللَّهِ يَقُولُ: «رِضَا فَاطِمَةَ مِنْ رِضَايَ، وَسَخَطُ فَاطِمَةَ مِنْ سَخَطِي، فَمَنْ أَحَبَّ فَاطِمَةَ ابْتِغَاءً فَقَدْ أَحَبَّنِي، وَمَنْ أَرْضَى فَاطِمَةَ فَقَدْ أَرْضَانِي، وَمَنْ أَسَخَطَ فَاطِمَةَ فَقَدْ أَسَخَطَنِي»؟ قَالَ نَعَمْ، سَمِعْنَاهُ مِنْ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ، فَقَالَتْ ﷺ: فَإِنِّي أَشْهَدُ اللَّهُ وَمَلَائِكَتُهُ أَنَّكُمْ أَسَخَطْتُمَانِي وَمَا أَرْضَيْتُمَانِي وَلَئِنْ لَقِيتُ النَّبِيَّ لِأَشْكُرَنَّكُمْ إِلَيْهِ. وَاللَّهِ لَا كَلَمَتِكَ أَبَدًا، وَاللَّهِ! لَأُذَعُونََ اللَّهُ عَلَيْكَ فِي كُلِّ صَلَاةٍ.

Ушбу ҳадиснинг манбалари:

- Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳиҳул Бухорий», «Китобу фазоили асҳобин-Набийй, бобу манокиви киробати Расулиллаах», 3714-ҳадис ва «Бобу манокиви Фотима (саломуллоҳи алайҳо)» 3767-ҳадис.
- Абул Хусайн Муслим ибн Ҳажжож, Ал-Кушайрий, Ал-Нисобурий, «Саҳиҳул Муслим», «Китобу фазоилис-саҳобах, бобу фазоили Фотима бинтин-Набийй», 6201 ва 6202-ҳадислар.
- Аллома Мажлисий, «Биҳорул Анвор», 28-жилд, 303-бет.

«Сизлардан ҳар бирингиз ўз оиласи билан тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда, аммо менинг бошимни балога қўйдингиз. Мен сизларнинг байъатингизга муҳтож эмасман. Мени ўз ҳолимга қўйиб, менга қилган байъат-қасамёдингиздан қўл тортингиз».

Мўминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)* Абу Бакрнинг халойиқдан уни халифалик мансабидан четлаштиришларини сўраганидан таажжубланиб шундай деб марҳамат қилганлар:

قال عليّ ﷺ: «فَيَا عَجَبًا» وَهُوَ يَسْتَقِيلُ الْمُسْلِمِينَ أَيَّامَ حَيَاتِهِ، فَيَقُولُ: أَقْبِلُونِي ثُمَّ يَعْقُدُهَا عِنْدَ وَفَاتِهِ لِأَخْرَجَ، وَهُوَ يُنَاقِضُ الزُّهْدَ فِيهَا وَالِاسْتِقَالََةَ مِنْهَا

«Ажабо, Абу Бакр тириклик чоғида: «Мени хилофат мансабидан четлаштирингиз», деб мусулмонлардан ўзини халифаликдан бўйлашларини истар эди. Сўнгра эса ўлимнинг олди билан халифаликни бошқасига топширди. Унинг бу иши хилофатга берағбат эканлигига ва ундан бўйлашни исташига зид бўлган ишдир».<sup>1</sup>

Мўминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)* умр йўлдошлари ҳазрати Фотиманинг ҳаётлик чоғларида Абу Бакрга байъат қилмадилар.

Бу борада Аҳли суннатнинг таниқли тарихнавис олими Масъудий айтади:

لَمَّا بُوِيعَ أَبُو بَكْرٍ فِي يَوْمِ السَّقِيفَةِ جُدِدَتْ الْبَيْعَةُ لَهُ يَوْمَ الثَّلَاثَاءِ عَلَى الْعَامَّةِ خَرَجَ عَلِيٌّ فَقَالَ: أَفْسَدَتْ عَلَيْنَا أُمُورَنَا وَلَمْ تَسْتَشِرْ، وَلَمْ تَرْعَ لَنَا حَقًّا، فَقَالَ أَبُو بَكْرٍ: بَلَى؛ وَلَكِنِّي خَشِيتُ الْفِتْنَةَ... وَلَمْ يَبَايِعَهُ أَحَدٌ مِنْ بَنِي هَاشِمٍ حَتَّى مَاتَتْ فَاطِمَةُ

«Сақифа кунда Абу Бакрга байъат қилинган, сешанба кун яна бир бор умум инсонлар томонидан унга байъат қилиш янгиланди. Шунда Али чиқиб: «Эй Абу Бакр, бизга қарши ишни буздинг, биз билан маслаҳатлашмадинг ва бизнинг ҳаққимизга риоя қилмадинг» дедилар. Абу Бакр деди: «Ҳа, шундай. Лекин мен фитнадан қўрқдим...» Шундай қилиб, ҳазрати Фотима вафот этмагунларича бани Ҳошимдан ҳеч ким Абу Бакрга байъат қилмади».<sup>2</sup>

1. Ибн Абил Ҳадид, «Шарҳу Наҳжил Балога», 1-жилд, 170-бет, Дору ихёит-туросил арабий нашриёти ва шунингдек, Сибт ибн Жавзий Ҳанафий, «Тазкиратул хавос», 6-боб, 118-бет.

2. Абулҳасан Али ибн Ҳусайн ал-Масъудий аш-Шофейи, «Муружус-Заҳаб», Байрут, Ливан, Дору ихёит-туросил арабий нашрида 2-жилд, 463-бет, аммо Миср, Ал-Мактабатут-тижаарийятул кубро нашрида 2-жилд, 307-бет.

Сарвари оламнинг дилбандлари ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо) оталаридан сўнг Абу Бакр ва Умарнинг қилган зулму жафоси ва унинг урган зарбаси таъсирида фақатгина 75 кун яшадилар ва айрим ривоятларга кўра, ул ҳазрат оталаридан сўнг олти ой ҳаёт кечирдилар, холос.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳазрати Али (алайҳис салом)га ўзларидан сўнг турли фитна ва адоватларга юзма-юз келишлари борасида олдиндан хабар берган эдилар. Бу ҳақда ҳазрати Али (алайҳис салом) Сарвари оламдан шундай ривоят қиладилар:

عن أبي عثمان التَّهَدِي، عَنْ عَلِيٍّ كَرَّمَ اللهُ وَجْهَهُ قَالَ: كُنْتُ أُمْسِي. مَعَ رَسُولِ اللهِ ﷺ فَأَتَيْنَا عَلِيَّ حَدِيثَهُ فَأَعْتَنَنِي، وَأَجْهَشَ بَاكِيًا فَقُلْتُ: مَا يُبْكِيكَ يَا رَسُولَ اللهِ ﷺ؟ فَقَالَ: أَبْكِي لِضَعَائِنَ فِي صُدُورِ قَوْمٍ، لَا يُبْذَرْنَ لَكَ إِلَّا بَعْدِي. فَقُلْتُ: أِنِّي سَلَامَةٌ مِنْ دِينِي؟ فَقَالَ: فِي سَلَامَةٍ مِنْ دِينِكَ.

«Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан бирга йўл юриб борардим. Шунда бир богга етиб келдик ва ул ҳазрат мени қучоқлаб ўксинган ҳолда йиглай бошладилар. Шунда мен ул ҳазратга: Сизнинг йиглашингизга нима сабаб бўлмоқда? деб сўрадим. Ул ҳазрат дедилар: Одамларнинг юрагидаги гина-куратлари сабабли йигламоқдаман. Улар мендан сўнг ўз гина-кудуратларини сенга қарши юзага чиқаргайлар. Шунда мен ул ҳазратдан сўрадим: Ўша ҳолда менинг диним омонда қолгайми? Ул ҳазрат дедилар: Дининг саломат ва омонда бўлур».<sup>1</sup>

Ҳазрати Али (алайҳис салом) бошқа бир ривоятда бу борада шундай деб марҳамат қилганлар:

قال عليٌّ كَرَّمَ اللهُ وَجْهَهُ: كُلُّ حَقْدٍ حَقَدْتُهُ فُرَيْشَ عَلَيَّ رَسُولِ اللهِ، أَظْهَرْتُهُ فِيَّ، وَسَتَّظَهَرُهُ فِي وُلْدِي مِنْ بَعْدِي، مَا لِي وَلِقُرَيْشٍ، إِنَّمَا وَتَرْتُهُمْ بِأَمْرِ اللهِ وَأَمْرِ رَسُولِهِ، أَفْهَذَا جَزَاءُ مَنْ أَطَاعَ اللهُ وَرَسُولَهُ إِنْ كَانُوا مُسْلِمِينَ؟!

«Қурайш Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га нисбатан юрагида бўлган гина-кудуратини менга қарши рўёбга чиқарди ва мендан сўнг ўз

1. Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул Маваддаҳ», 45-боб, 160-бет.



*гина-қудуратини фарзандларимга нисбатан ошкор этгайдир. Қурайиш мен билан нима иши бор?! Мен фақатгина уларни Аллоҳнинг амрига ва Унинг Расулининг амрига бўйсундирдим, холос. Агар улар мусулмон бўлсалар, Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилган кишининг ажр-мукофоти шуми?!»<sup>1</sup>*

---

1. Юқоридаги манба, 45-боб, 161-бет.

---

## АБУ БАКРНИНГ ЎЗ ҚИЛМИШИДАН ПУШАЙМОНЛИГИ ҲАҚИДА

---

Абу Бакр халифалик мансабини қўлга киритиш учун Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг дилбандлари ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо) ва ул зотнинг ҳақиқий ворислари бўлган ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг уйларига ҳужум уюштирганидан кейинчалик афсусланиб, бу кирдикоридан надоматда эканлигини бир неча маротаба маълум қилган. Шу боис, Аҳли суннатнинг таниқли тарихнавис олимлари Абу Бакрнинг ушбу эътирофини ўз китобларида ёзиб қолдирганлар. Биз бу ерда уларнинг айримларини келтирамыз.

1. Ибн Қутайбаҳ Ад-Дийнаварий ўзининг «Ал-имомату вас-сиёсаҳ» номли китобида Абу Бакрдан қуйидагича ривоят қилади:

«فَلَيْتَنِي تَرَكَتُ بَيْتَ عَلِيٍّ وَإِنْ كَانَ أَغْلَنَ عَلَيَّ الْحَرْبَ»

«Кошки, Алининг уйига бостириб боришни тарк этган бўлардим, агарчи у менга қарши уруш эълон қилган бўлса-да».<sup>1</sup>

2. Масъудий ўзининг «Муружус-Заҳаб» номли китобида шундай ривоят қилади:

«فَوَدِدْتُ أَنِّي لَمْ أَكُنْ فَتَشْتُ بَيْتَ فَاطِمَةَ»

«Кошкийди, Фотиманинг уйини тафтиш ва тинтов қилмаган бўлардим».<sup>2</sup>

3. Яъқубий ўзининг «Тарихул Яъқубий» номли китобида ушбу эътирофни бироз муфассалроқ ривоят қилган:

---

1. Ибн Қутайбаҳ, Ад-Дийнаварий, «Ал-имомату вас-сиёсаҳ», 1-жилд, 18-бет.

2. Абулҳасан Али ибн Хусайн ал-Масъудий, аш-Шофеий, «Муружус-Заҳаб», Байрут-Ливан, Дору ихёит-туросил арабий нашрида 2-жилд, 464-бет, аммо Миср, Ал-Мақтабатут-тижаарийятул кубро нашрида 2-жилд, 308-бет.

مَا آسَى إِلَّا عَلَى ثَلَاثِ خِصَالٍ صَنَعْتُهَا لَيْتَنِي لَمْ أَكُنْ صَنَعْتُهَا، فَأَمَّا الثَّلَاثُ الَّتِي صَنَعْتُهَا، فَلَيْتَ آتَى لَمْ أَكُنْ تَقَلَّدْتُ هَذَا الْأَمْرَ، وَقَدَّمْتُ عُمَرَ بَيْنَ يَدَيَّ، فَكُنْتُ وَزِيرًا خَيْرًا مِنِّي أَمِيرًا؛ وَلَيْتَنِي لَمْ أُفْتِشْ بَيْتَ فَاطِمَةَ بِنْتِ رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَأَدْخَلُهُ الرِّجَالَ وَلَوْ كَانَ أُغْلِقَ عَلَيَّ حَرْبٍ.

«Мен фақат қилган уч ишимдангина афсусдаман, кошки эди уларни содир этмаган бўлардим. Аммо қилган бу уч ишим; Кошкийди, мен халифаликни эгаллаб олмай, бу иш учун Умарни олдинга сурган бўлардим ва ўзим эса унга вазир бўлиб олишим амир бўлишдан кўра менга яхшироқ эди. Кошкийди, Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг қизи Фотиманинг уйини тафтиш ва тинтов қилмаган ва эркакларни унинг уйига киргизмаган бўлардим, агарчи ўша уй менга қарши урушиш учун ёпилган бўлса-да».<sup>1</sup>

4. Ибн Жарийр Ат-Табарий ўзининг «Тарихул умами вал-мулук» номли китобида ушбу эътирофни қуйидагича ривоят қилган:

فَأَمَّا الثَّلَاثُ اللَّاتِي وَدَدْتُ أَنِّي تَرَكْتُهُنَّ؛ وَدَدْتُ أَنِّي لَمْ أَكْشِفْ بَيْتَ فَاطِمَةَ عَنْ شَيْءٍ، وَإِنْ كَانُوا قَدْ غَلَقُوهُ عَلَيَّ الْحَرْبِ.

«Кошкийди, мен уч ишни қилмаган бўлардим. Улардан бири кошкийди, мен Фотиманинг уйини асло кашф этмаган [бостириб кирмаган] бўлардим, агарчи улар ўша уйни менга қарши урушиш учун ёнган бўлсалар-да».<sup>2</sup>

Бу ерда ингичка бир масалага ишора қилмоқлик керак. Ўша масала шундан иборатки, Абу Бакрнинг ўз кирдикоридан ўқиниши ҳақиқий эмас эди. Зероки, у ўлишидан олдин халифалик мансабини ўз эгаси бўлмиш ҳазрати Али (алайҳис салом)га топшириш ўрнига ушбу мансабни Умарга топшириб, уни ўзидан сўнг халифа этиб тайинлади. Мўминлар амири ва тақводорлар сардори ҳазрати Али (алайҳис салом) ҳам Абу Бакрнинг ушбу қилмишидан норози эканликларини билдирганлари юқорида айтиб ўтилди.

1. Яъқубий, «Тарихул Яъқубий», Муассасатул аълабий лил-матбуот нашрида; 2-жилд, 24 ва 25-бетлар.

2. Муҳаммад ибн Ал-Жарийр Ат-Табарий, «Тарихут-Табарий», Байрут, Ливан нашрида 2-жилд, 353-бет, Қохира, Миср нашрида эса 2-жилд, 619-бет.

---

## АББОС<sup>(P.A)</sup> АБУ БАКРНИНГ ХАЛИФАЛИГИНИ ИНКОР ЭТИШИ

---

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг буюк саҳобалари; Микдод ибн Асвад, Салмон Форсий, Абу Зар Гифорий, Убодах ибн Сомит, Абу Ҳайсам ибн Тайҳон, Ҳузайфа ибн Ямон ва Аммор ибн Ёсир (разияллоҳу анҳум)лар халифалик ва раҳнамолик масаласини муҳожирлар ўртасида ташкил этиладиган кенгашга қайтаришни истадилар.

Ушбу хабар Абу Бакр ва Умарга етиб боргач, улар Абу Убайда ва Муғайраҳ ибн Шуъбани чақириб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини улардан истади. Шунда Муғайра деди: Менинг райъ-фикрим шундан иборатки, Пайғамбаримизнинг амакилари Аббос билан учрашиб, у учун хилофат мансабидан улуш ва ўрин белгиланглар. Шунда сизлар, Али ва Бани Ҳошимга қарши хужжатга эга бўласиз. Бу ҳолда Аббос сизлар билан бирга бўлмай.

Абу Бакр, Умар, Абу Убайда ва Муғайра билан биргаликда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) вафотларининг иккинчи кечаси Аббос (разияллоҳу анҳу)нинг ҳузурига келиб, Абу Бакр Аллоҳга ҳамду сано айтиб шундай деди:

«Дарҳақиқат, Аллоҳ Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни пайғамбар ва мўъминларга раҳнамо қилиб юборди. Аллоҳ Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни мўъминларга уларнинг орасида бўлганликлари билан инъом қилди. Оқибатда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Аллоҳнинг ҳузурисидаги нарсани ўзлари учун ихтиёр қилиб, инсонларни раҳбарсиз тарк этдилар. Токи, улар ўз манфаатларини назарга олган ҳолда ихтилоф қилмасдан бирдамликда ўзлари учун нешво ва йўлбошчи танласинлар. Улар мени ўзларига бошлиқ ва ишларини кузатувчи этиб танладилар. Мен ҳам уларга бошлиқ ва йўлбошчи

бўлишни қабул этдим. Аллоҳнинг мадади ва Унинг ҳидояти билан сустлик қилишдан ва саргардон бўлиб қолишдан қўрқмайман.

Менинг ютугим фақат юксак ва буюк Аллоҳнинг ёрдами билангина амалга ошур ва Унгагина таваккул қилурман. Бутун мусулмонлар ўзлари таниб олган нарсага айрим кимсалар қаршилиқ кўрсатиб, танқид қилаётганлари ва норозиликларини билдираётганлари, узлуксиз менга етказилмоқда. Ўша айрим кимсалар сизни ўзларига паноҳгоҳ қилиб олганлар ва сиз эса уларнинг мустаҳкам қалъаси бўлибсиз. Демак, сиз барча мусулмонлар қабул этган нарсани қабул қилиб олинг, ёки ўша айрим кимсаларни бораётган йўлларидан қайтаринг. Биз сизнинг ҳузурингизга келишимиздан мақсад, халифалик мансабидан сиз учун ва сиздан сўнг келадиган зурриётларингиз учун улуш ажратмоқчимиз. Зероки, сиз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг амакисисиз. Агарчи мусулмонлар сизнинг ўрнингизни ва тарафдорларингизнинг ўрнини билсалар-да, лекин халифалик амалини сизлардан бошқаларга бурдилар. Эй Абдул Муталлиб фарзанлари, тинчланингиз. Чунки, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳам бизлардан ва ҳам сизлардандир».

Абу Бакрдан сўнг Умар кўполлик билан шундай сўз очди:

«Ҳа, Аллоҳга қасамки, биз сизларга муҳтож бўлганимиз учун олдингизга келганимиз йўқ, лекин мусулмонлар бирлашган ҳолда қабул этган нарсага қарши чиқишингизни ёқтирмаймиз. Акс ҳолда ҳам сизларга қарши ва ҳам уларга қарши оғир вазият рўй бергай. Шу боис, қиладиган ишингизда бутун мусулмонларга назар солингиз».

Аббос (разияллоҳу анҳу) Аллоҳга ҳамду сано айтиб, уларга шундай жавоб қилди:

«Айтганингиздек, Аллоҳ Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни пайгамбар қилиб юборди ва мўъминларга бошлиқ ва йўлбошичи этиб танлади. Аллоҳ ул зот туфайли ул ҳазратнинг умматига Ўз неъматини инъом қилди. Токи, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсани ихтиёр қилдилар, яъни бу дунёдан кўз юмиб, Аллоҳнинг ҳузурига қайтишни ихтиёр қилдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) инсонларни улар ҳақдан юз ўгириб, ҳавоий нафсга эргашмасинлар, деб халифа танлаб олиш учун уларни ўз ҳолига қўйдилар. Агар сиз халифаликни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг номлари билан қўлга киритган бўлсангиз, демак, бизнинг ҳақ-

ҳуқуқимизни тортиб олибсиз. Агар мўъминларнинг номи билан хилофатга эришган бўлсангиз, биз ҳам мўъминларданмиз, балки уларнинг илгоридирмиз. Сизларнинг ишларингизда олдинга ўтмай, аралашмадик ва бу ишдан узоқлашдик ва унга рози эмасмиз. Агар халифалик мансаби мўъминлар орқали сизнинг зиммангизга қўйилган бўлса, ушбу мансаб сиз учун вожиб бўлмайди, зероки, биз рози эмасмиз. Сизнинг сўзингиз қандай ҳам бир-бирига зид ва қарама-қаршидир. Бир томондан, «инсонлар бизга таъна қилдилар», дейсиз ва бошқа томондан эса «инсонлар бизни танлаб, бизга овоз бердилар», деб даъво қилмоқдасиз. Аммо халифалик мансабидан бизга бермоқчи бўлган улушингиз, ўз ҳақ-ҳуқуқингиз бўла туриб, бизга берадиган бўлсангиз, уни ўзингиз учун сақлаб қўйингиз! Биз унга муҳтож эмасмиз. Агар халифалик мансаби мўъминларнинг ҳақ-ҳуқуқи бўладиган бўлса, сиз уни эгаллаб олиш ҳуқуқига эга эмассиз. Ва агар хилофат бизнинг ҳақ-ҳуқуқимиз бўлса, биз ҳақимизнинг бир қисмини ўзимизга олиб, бошқа қисмини сизга беришга рози эмасмиз. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳам биздан ва ҳам сиздандирлар, деган сўзингизга жавобан шуни айтишим лозимки, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бир дарахт бўлсалар, биз унинг шохлари ва сизлар эса унинг қўшнисидирсиз».

Шунда у иккаласи ўрнидан туриб чиқиб кетишди.<sup>1</sup>

Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг амакилари Аббос ибн Абдул Муталлибнинг баён қилган ушбу далил-исботларидан маълум бўладики, хилофат ва пешволик мансаби Ҳошим зурриётларига тегишли бўлиб, Абу Бакр ва унинг тарафкашлари уни ўз эгаларидан тортиб олишганди.

---

1. Ушбу муҳим воқеани ўз китобида келтирган Аҳли суннат олимлари куйидагилардан иборат:  
 - Ибн Абул Ҳадийд, «Шарҳу Наҳжил Балога», 1-жилд, 220 ва 221-бетлар.  
 - Ибн Қутайба Ад-Дийнаварий, «Ал-имомату вас-сиёсаҳ», 1-жилд, 32 ва 33-бетлар.  
 - Яъқубий, «Тарихул Яъқубий», 2-жилд, Хабару Сақифати ва Байъату Аби Бакр, 9 ва 10-бетлар.

## АБУ БАКРНИНГ ХАЛИФАЛИК ХУТБАСИ ҲАҚИДА

Абу Бакр хилофат мансабини эгаллаб олганидан сўнг, Расулulloх (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг masjidларига келиб, у ерда ҳозир бўлган мусулмонларга ўзини халифа сифатида эълон қилиб, шундай хутба ўқиди:

أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ اللَّهَ الْجَلِيلَ الْكَرِيمَ الْعَلِيمَ الْحَكِيمَ الرَّحِيمَ الْحَلِيمَ، بَعَثَ مُحَمَّدًا بِالْحَقِّ، وَأَنْتُمْ مَعْشَرَ الْعَرَبِ كَمَا قَدْ عَلِمْتُمْ مِنَ الصَّلَاةِ وَالْفُرْقَةِ، أَلْفَ بَيْنَ قُلُوبِكُمْ وَنَصْرِكُمْ بِهِ وَأَيْدِكُمْ وَمَكَّنَ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَوْرَثَكُمْ سِيرَتَهُ الرَّاشِدَةَ الْمُهْدِيَةَ، فَعَلَيْكُمْ بِمُحْسِنِ الْهُدَىٰ وَلِزُومِ الطَّاعَةِ، وَقَدْ اسْتَخْلَفَ اللَّهُ عَلَيْكُمْ خَلِيفَةً لِيَجْمَعَ بِهِ الْأَفْتَكُمْ، وَيُقِيمَ بِهِ كَلِمَتَكُمْ، فَأَعِينُونِي عَلَىٰ ذَلِكَ بِخَيْرٍ، وَلَمْ أَكُنْ لِأَبْسُطَ يَدًا وَلَا لِسَانًا عَلَىٰ مَنْ لَمْ يَسْتَحِلَّ ذَلِكَ إِنْ شَاءَ اللَّهُ، وَأَيْمُ اللَّهِ مَا حَرَضْتُ عَلَيْهَا لَيْلًا وَلَا نَهَارًا، وَلَا سَأَلْتُهَا اللَّهَ قَطُّ فِي سِرٍّ وَلَا عَلَانِيَةٍ وَلَقَدْ قَلَّدْتُ أَمْرًا عَظِيمًا، مَالِي بِهِ طَاقَةٌ وَلَا يَدٌ، وَلَوَدِدْتُ أَنِّي وَجَدْتُ أَقْوَى النَّاسِ عَلَيْهِ مَكَانِي، فَأَطِيعُونِي مَا أَطَعْتُ اللَّهَ، فَإِذَا عَصَيْتُ فَلَا طَاعَةَ لِي عَلَيْكُمْ، ثُمَّ بَكَى وَقَالَ: إِعْلَمُوا أَيُّهَا النَّاسُ أَنِّي لَمْ أَجْعَلْ هَذَا الْمَكَانَ أَنْ أَكُونَ خَيْرِكُمْ، وَلَوَدِدْتُ أَنَّ بَعْضَكُمْ كَفَانِيهِ، وَلَئِنْ أَخَذْتُمُونِي بِمَا كَانَ اللَّهُ يُقِيمُ بِهِ رَسُولُهُ مِنَ الْوَحْيِ مَا كَانَ ذَلِكَ عِنْدِي وَمَا أَنَا إِلَّا كَأَحَدِكُمْ، فَإِذَا رَأَيْتُمُونِي قَدْ اسْتَقَمْتُ فَاتَّبِعُونِي، وَإِنْ زَعُتُ فَقَوْمُونِي، وَاعْلَمُوا أَنَّ لِي شَيْطَانًا يَعْتَرِينِي أَحْيَانًا، فَإِذَا رَأَيْتُمُونِي غَضِبْتُ فَاجْتَنِبُونِي، لَا أُؤْتِرُ أَشْعَارَكُمْ وَأَبْشَارَكُمْ.

«Эй инсонлар, буюк, карамли, доно, ҳикматли, раҳимли ва ҳалим зот бўлган Аллоҳ, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни ҳақ-ла юборди. Сизлар Араб қабилалари, ўзларингиз билганингиздек, гумроҳ ва тарқоқ эдингиз. Аллоҳ дилларингизни бирлаштирди ва Пайгамбар орқали сизларга мадад бериб, сизларни қувватлантирди ва сизлар учун

динингизни голиб-мустаҳкам қилди. Аллоҳ Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг тўғри ва ҳидоят йўлига бошқарадиган сийратларини сизларга мерос қилиб қўйди.

Шундай экан, ҳидоят ва итоат йўлини маҳкам тутингиз. Дарҳақиқат, Аллоҳ сизларнинг ўртангизда дўстлик алоқасини барқарорлаштириш ва сизларнинг сўзларингизни амалга ошириш учун, сизларга халифа тайин этди. Шунга биноан, менга ушбу ишларни бажаришда ёрдам беринглар.

Менинг хилофатимни тўғри деб билмаган кишига қарши қўл узатмайман ва тилимни ишга солмайман, иншо Аллоҳ! Аллоҳга қасамки, на кундузи ва на кечаси, хилофат мансабига ҳорис эмасдим. Ҳаргиз мен хилофатни на яширин ва на ошкор ҳолда Аллоҳдан сўрамадим. Буюк бир ишни зиммамга олдим. Уни бажаришга куч-қудратим йўқ. Энг кучли инсонни менинг ўрнимни эгаллаб олган ҳолда кўришни истардим. Демак, мен модомики, Аллоҳга бўйсунар эканман, сизлар ҳам менга бўйсунинглар. Аллоҳга итоатсизлик қилган пайтимда эса менга бўйсунманглар».

Сўнгра йиғлаган ҳолда шундай деди:

«Эй инсонлар, билингизки, мен сизларнинг энг яхшингиз бўлганим учун, ушбу ўринни эгаллаб олганим йўқ. Сизларнинг айримларингиз хилофат мансабини ўз зиммасига олишини истардим. Агар сизлар мендан Аллоҳ Ўз Пайгамбарига юборган ваҳий асосида йўл кўрсатишимни кутадиган бўлсангиз, бундай нарса менинг ҳузуримда бўлмас. Мен сизларнинг бирингиз кабирман, холос. Агар мени тўғри йўлда бораётган ҳолда кўрсангиз, менга эргашинглар. Агар мени тўғри йўлдан озган ҳолда кўрсангиз, мени тўғирлаб қўйинглар. Билингизки, гоҳида мени васваса қилиб, гумроҳликка йўлиқтирадиган Шайтоним бор. Демак, агар мени газаб қилган ҳолда кўрсангиз, мендан узоқлашингиз. Зероки, ўқийдиган шеърларингиздан ва берадиган башоратларингиздан таъсирланмайман».<sup>1</sup>

Ушбу хутбанинг маъно-мазмунини ўрганиб чиқадиغان бўлсак, шу хулосага келамизки, васваса қилиб гумроҳликка йўлиқтирадиган Шайтони бор бўлган киши қандайига Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи

1. Ибн Қутайбах, Ад-Дийнаварий, «Ал-имомату вас-сиёсах», 1-жилд, 33 ва 34-бетлар.



*васаллам*)нинг ўринларида ўтириб, у зотнинг йўлларида давом эттирувчи халифа ва ворисман, деб даъво қила олади?!!

Ва шунингдек, агар Абу Бакр ушбу хутбада ўзи даъво қилганидек, на кундузи ва на кечаси халифалик мансабига ҳорис бўлмай, уни Аллоҳдан на яширин ва на ошкор ҳолда сўрамаган бўлса ҳамда мусулмонлар орасидан бирор бир кучли ва ҳақлироқ инсон унинг ўрнини эгаллаган ҳолда кўришни истайдиган бўлса, нима учун Сақифаи бани Соида деган жойда халифалик мансаби устида Ансор тоифасидан бўлган саҳобалар билан тортишиб, макру хийла йўли билан ушбу мансабни улардан тортиб олди? Ва халифаликнинг ҳақиқий соҳиби бўлмиш ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ушбу мансабни ундан талаб қилганларида, нимага уни ўз эгасига қайтариб беришдан бош тортиб ул зотнинг бўйинларига қилич қўйиб, Абу Бакрга байъат қилишга мажбур қилишди?

Юқорида зикр қилинганидек, Аҳли сунна вал жамоанинг мўътабар ва мўътамад тарих китобларида келтирилган маълумотларга кўра, мўминлар амири ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг уйларига бостириб кириб, Абу Бакрга байъат қилиш учун ул зотни зўравонлик билан уйларидан олиб чиқишди!

Демак, Ислом тарихида содир бўлган мазкур аччиқ воқеа-ҳодисаларнинг барчаси Абу Бакрнинг халифалик ва раҳбарлик лавозимига ўта ҳорис бўлганидан ва у ўзининг илк халифалик хутбасини одамларга фириб бериб уларни алдаш учун айтганидан дарак беради.

---

## АЙРИМ САҲОБАЛАРНИНГ ҚИЁМАТ КУНИДАГИ ОҚИБАТИ

---

Юқорида зикр этилган айрим саҳобалар Аллоҳнинг ҳазрати Али (алайҳимус салом) Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг халифа ва ворис эканликлари хусусидаги фармонидан бўйин товлаганликлари учун, Қиёмат кунда қандай оқибатга дучор бўлишларини билмоқчи бўлсангиз, эътиборингизни «Саҳиҳул Бухорий»да ривоят қилинган Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг қуйидаги ҳадисларига жалб этамиз:

حَدَّثَنَا مُوسَى بْنُ إِسْمَاعِيلَ، حَدَّثَنَا أَبُو عَوَانَةَ، عَنْ مُغِيرَةَ، عَنْ أَبِي وَائِلٍ قَالَ قَالَ عَبْدُ اللَّهِ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: أَنَا فَرَطُكُمْ عَلَى الْحَوْضِ، لِيَرْفَعَنَّ إِلَيَّ رَجَالٌ مِنْكُمْ، حَتَّى إِذَا أَهْوَيْتُمْ لِأَنَّا وَهْمُكُمْ اخْتَلَجُوا دُونِي: فَأَقُولُ: أَيُّ رَبِّ أَصْحَابِي! فَيَقُولُ: لَا تَدْرِي مَا أَخَذْتُوا بَعْدَكَ.

Мусо ибн Исмоил, Абу Авонадан, у эса Муғайрадан, Муғайра эса Абу Воилдан ривоят қилиб дедики, Абдуллоҳ Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан шундай ривоят қилди:

«Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай деб марҳамат қилдилар: Мен сизлардан олдин Кавсар Ҳовузининг ёнида бўлурман. Сизлардан айрим кишилар менинг олдимдан жаҳаннам томон олиб борилгайлар. Токи, мен уларга етишиш учун интилган пайтимда, улар мenden узоқлаштириладилар. Шунда мен: Эй Парвардигорим, булар менинг саҳобаларим, дейман. Парвардигорим менга шундай жавоб қайтаргай: Сен билмассан, улар сендан сўнг, нималарни юзага келтирдилар».

Ҳадиснинг маъноси; Баъзи саҳобалар нафсоний хохиш-истакларига эргашганлари учун сен кўрсатган ҳидоят йўлидан оғиб, динда бўлмаган нарсаларни юзага келтирдилар.

حَدَّثَنَا يَحْيَى بْنُ بُكَيْرٍ، حَدَّثَنَا يَعْقُوبُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ أَبِي حَازِمٍ قَالَ: سَمِعْتُ سَهْلَ بْنَ سَعْدٍ يَقُولُ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ ﷺ يَقُولُ: أَنَا فَرَطُكُمْ عَلَى الْحَوْضِ، مَنْ وَرَدَهُ شَرِبَ مِنْهُ وَمَنْ شَرِبَ مِنْهُ لَمْ يَظْمَأْ بَعْدَهُ أَبَدًا، لَيَرِدُ عَلَيَّ أَقْوَامٌ أَعْرِفُهُمْ وَيَعْرِفُونِي، ثُمَّ يُحَالُ بَيْنِي وَبَيْنَهُمْ.

Яҳё ибн Букайр, Яъқуб ибн Абдурахмондан ва у эса Абу Ҳозимдан ривоят қилиб дедики, мен Саҳл ибн Саъддан шундай деб айтганини эшитдим: Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан шундай деб марҳамат қилганларини эшитдим:

«Мен сизлардан олдин Кавсар Ҳовузининг ёнида бўлгайман. Кимки, ўша Ҳовузга кирса, ундан сув ичгай ва кимки, ундан сув ичса, кейин зинҳор чанқамас. Шунда баъзи кишилар менга кириб келурларки, мен уларни танийман ва улар ҳам мени танийдилар. Сўнгра эса мен билан уларнинг ўртасида тўсиқ пайдо бўлгай».

Абу Ҳозим деди: Мен ушбу ҳадисни айтаётган пайтимда Нуъмон ибн Абу Айёш эшитиб қолди. Менга қараб: Саҳлдан шундай эшитдингми? деди у. Мен: Ҳа шундай дедим. Шунда деди: Мен гувоҳлик бераманки, Абу Саид Худрий Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг ушбу ҳадисларига бундай қўшимча қилаётганини эшитдим:

إِنَّهُمْ مِنِّي! فَيَقَالُ: إِنَّكَ لَا تَدْرِي مَا بَدَّلُوا بَعْدَكَ. فَأَقُولُ: سُحْقًا سُحْقًا لِمَنْ بَدَّلَ بَعْدِي.

«Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам): Улар мендандирлар, деб айтадилар. Шунда ул ҳазратга айтилу: Улар сиздан сўнг нималарни ҳам ўзгартирганликларини билмайсиз. Кейин мен шундай дегайман: Мендан сўнг кўрсатган йўлимни ўзгартирганлар Аллоҳнинг раҳматидан йироқ бўлсинлар!»<sup>1</sup>

Саҳиҳул Бухорий ва Саҳиҳи Муслим китобларида Пайғамбаримиздан ривоят қилинган ушбу ҳадислардан маълум бўладики, Пайғамбаримизнинг ҳузурларига шарафёб бўлиб, у зот билан бирга бўлган саҳобалар бир даражада бўлмаганлар, балки Аммор ибн Ёсир, Абу Зар Ғифорий, Ҳузайфа ибн Ямон, Салмони Форсий ва Микдод ибн Асвад (разияллоҳу анҳум) каби айрим саҳобалар иймонли ва

1. Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳиҳул Бухорий», Китобул фитан, бобу маа жааъа фий қавлиҳи таъало: ваттақу фитнатан..., 7048, 7049, 7050 ва 7051-ҳадислар.

Муслим ибн Ҳажжож Нисобурий, «Саҳиҳул Муслим», Китобул-фазоил, бобу исботи Ҳавзи Набиййино ва сифаатиҳи, 5860, 5861, 5862 ва 5863-ҳадислар.

покиза инсонлар бўлиб, Ислом дини юксалиши учун арзигулик буюк ишларни бажарганлар. Уларнинг бошқа айримлари эса дилларида ғарази бўлган тақвосиз кимсалар бўлиб, Ислом динига жуда кўп зарарлар етказганлар ва турли хил бидъатларни юзага келтириш билан мусулмонларни хилма-хил оқим ва мазҳабларга бўлиниб кетишларига сабаб бўлганлар. Ислом динида вужудга келган энг катта бидъатлардан бири хилофат ва раҳбарликни макру ҳийла йўли билан ўз соҳиби бўлмиш ҳазрати Али *(алайҳис салом)* дан тортиб олиш бўлган.

Айрим саҳобалар дилларида нифок бўлган мунофиқлар бўлиб, улар Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* нинг жонларига суиқасд қилишгача боришган. Аллоҳ таоло ушбу мунофиқларнинг ёвуз амалини фош этиб, бу хусусида Ўз Китобида шундай марҳамат қилган:

﴿يَخْلِفُونَ بِاللَّهِ مَا قَالُوا وَلَقَدْ قَالُوا كَلِمَةَ الْكُفْرِ وَكَفَرُوا بَعْدَ إِسْلَامِهِمْ وَهَمُّوا بِمَا لَمْ يَنَالُوا وَمَا نَقَمُوا إِلَّا أَنْ أَغْنَاهُمُ اللَّهُ وَرَسُولُهُ مِنْ فَضْلِهِ فَإِنْ يَتُوبُوا يَكْ خَيْرًا لَّهُمْ وَإِنْ يَتَوَلَّوْا يَعَذَّبْهُمُ اللَّهُ عَذَابًا أَلِيمًا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمَا لَهُمْ فِي الْأَرْضِ مِنْ وَايٍ وَلَا نَصِيرٍ﴾

«Улар [яъни, мунофиқлар ножўя сўзларни] айтмаганликлари тўғрисида Аллоҳга онт ичадилар. Холбуки, куфр сўзини аниқ айтгандилар ва исломга кирганларидан сўнг, кофир бўлдилар ҳамда улар ета олмаган нарсага [яъни, Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* жонига суиқасд қилишга] уриндилар. Улар фақат Аллоҳ ва Унинг Расули уларни ўз фазлидан беҳожат қилгани учунгина [Аллоҳ ва Унинг Расулидан] интиқом олдилар, холос. Демак, агар тавба қилсалар, ўзлари учун яхши бўлура. Ва агар юз ўғирсалар, Аллоҳ уларни дунё-ю охирада аламли азоб билан азоблагайдир. Ер юзида улар учун ҳеч бирор дўст ва ёрдамчи йўқдир». (Тавба сураси, 74-оят)

Аҳли суннат ва Аҳли-Байтнинг тафсирчи олимлари юқоридаги оятнинг нозил бўлганлик сабабини баён қилганда, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* нинг жонларига суиқасд қилганини келтирганлар ва ушбу мудҳиш ҳодиса тарихий хужжатларга кўра, юз бергани ҳақида эътироф этганлар.

Аҳли суннат муфассирларининг аксарияти мазкур ояти кариманинг бу қисми: ﴿وَهُمُّوا بِمَا لَمْ يَنَالُوا﴾ [улар етолмаган нарсага уриндилар] Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* жонларига суиқасд қилиб, Табук урушидан қайтаётганларида ул зотни қатл этмоқчи бўлган мунофиқ саҳобалар назарда тутилганини ошкора баён қилганлар.

Ушбу ҳодиса қандай ҳолда юз бергани ҳақида тарихчи олимлари куйидагича ёзиб қолдирганлар:

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Табук урушидан сўнг мусулмонлар билан биргаликда Табук минтақасидан Мадинаи Мунавварага қайтаётганларида, ул зотнинг бир гуруҳ саҳобалари йўлдаги тоғли довлонлардан бирида Пайғамбарни яширин ҳолда жарга йикитиб, у ҳазратни қатл этиш қарорига келишди. Шу боис, улар Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан биргаликда тоғнинг довлонли йўлидан боришга қарор қилишди.

Ушбу ёвуз ниятдан хабардор бўлган Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай буюрдилар:

Ҳар ким истаса саҳро-биёбон йўлидан борсин, зероки, ўша йўл кенг бўлиб, барча мусулмонлар осонлик билан у йўлдан ўтиб ўз сафарларида давом эта оладилар. Бироқ, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг ўзлари тоғлик ҳудуддаги довлон йўлдан сафарларини давом эттирдилар. Шунда Пайғамбарни ўлдирмоқчи бўлган бир неча саҳобалар бу нопок ишни бажариш учун юзларини ниқоб билан ёпиб олиб, ул зотнинг йўлларини тўсишди.

Шу вақт Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўз ҳамроҳларидан бири бўлмиш Аммор ибн Ёсирга: «*Туянинг жиловини маҳкам тутгин*», дедилар ва бошқа ҳамроҳлари Ҳузайфа ибн Ямон эса Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) туяларининг орқасидан ҳайдаб борарди. Тўсатдан орқа томондан ўша гуруҳнинг югуриб келаётган товуши эшитила бошлади ва улар Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)ни ўртага қамраб олиб, ўзларининг ёвуз режаларини амалга оширмоқчи бўлишди.

Бу ҳолатни кўрган Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ғазабланган ҳолда Ҳузайфага ўша кишиларни ўзларидан узоқлаштиришни буюрдилар. Шунда Ҳузайфа улар томонга ҳужум қилиб, қўлидаги ҳассаси билан уларнинг туяларининг юзига ура бошлади ва шунингдек, уларнинг ўзларини ҳам урди. Шундан сўнг, Аллоҳ таоло уларнинг юрагига қўрқув солди ва улар Ҳузайфа уларни таниб қолганини ва қилган макру хийлалари ошкор бўлганини пайқаб қолгач, тезлик билан шошилиш ҳолда мусулмонларга етиб олиб, уларга қўшилишди.

Ўша гуруҳ қочиб кетгандан сўнг, Ҳузайфа Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) томонларига югуриб келиб, ул ҳазратга етиб олди.

Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) у иккаласига: «Тезлик билан ҳаракат қилингиз», дедилар ва улар тезлик билан шошилинч ҳолда тоғнинг доволни йўлларида ўтиб кетишди. Шунда Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) дедилар:

«Эй Ҳузайфа, сиз бу шахсларни таний олдингизми?»

Ҳузайфа деди: Фалончи ва фалончи шахсларнинг туяларини танидим, лекин улар қоронғу кечада юзларини беркитиб олганликлари сабабли уларни таниб олишга қодир эмасдим.

Шунда Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) дедилар:

«Улар нима мақсадда эканликларини ва қандай ишни амалга оширмақчиликларини билиб олодингизми?»

Ҳузайфа ва Аммор: Биз уларнинг мақсадларини тушуниб ета олмадик, дейишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) дедилар:

«Улар кечанинг қоронгулигидан фойдаланиб, мени тоғнинг юқорисидан пастга итариб юборишни режалаштирган эдилар».

Бу икки саҳоба ул ҳазратга: Эй Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам), мусулмонларга ўша мунофиқ шахсларни қатл этишларини амр қилинг, дейишди. Ул зот уларга жавобан дедилар:

«Инсонлар: «Муҳаммад ўз саҳобаларини айбдор қилиб, уларни қатл этади», деб айтишларини хўш кўрмайман».

Сўнгра Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ушбу шахсларни бирма-бир у иккаласига танитиб шундай буюрдилар:

«Сиз бу ҳақиқатни бошқалардан яширингиз, уни ошкор этмангиз».<sup>1</sup>

Бироқ Пайғамбаримизнинг жонларига суиқасд қилган саҳобалар кимлардан ташкил топгани борасида Аҳли суннатнинг йирик олими Ибн Ҳазм ўзининг «Ал-Муҳалло Шарҳул Мужалло» номли фикҳий китобида шундай деган:

إِنَّ أَبَا بَكْرٍ وَعُمَرَ وَعُثْمَانَ وَطَلْحَةَ وَسَعْدَ بْنَ أَبِي وَقَاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ أَرَادُوا قَتْلَ النَّبِيِّ  
وَإِلْقَاءَهُ مِنَ الْعَقَبَةِ فِي تَبُوكَ

1. Ушбу ҳодисани ўз китобида батафсил баён қилган Аҳли суннат алломаларидан айримларини келтирамиз:

- Абу Бакр Байҳақий, «Даломун-нубувваҳ ва маърифату аҳволи соҳибиш-шарийъаҳ», 5-жилд, 256-бетдан 264-бетгача.
- Жалолиддин Суятий, «Ад-дурул мансур фит-тафсирил маъсур», 4-жилд, 240-бетдан 245-бетгача, Тавба сурасининг 74-ояти тафсирида.

«Шубҳасиз, Абу Бакр, Умар, Усмон, Талҳа ва Саъд ибн Абу Ваққос Пайгамбарни қатл этиб, ул зотни Табукдаги тоғли доводдан настга қулатмоқчи бўлишди».<sup>1</sup>

Ибн Ҳазм ушбу ходисани Валид ибн Абдуллоҳ ибн Жумайъдан ривоят қилган бўлиб, Муслим Нишорий ўзининг «Саҳиҳул Муслим» номли китобининг «Китобул жиҳод вас-сияр», бобул вафои бил-аҳд, 4531-ҳадисни ва шунингдек, «Китобу сифотил мунофиқийн ва аҳкомиҳим», 6931-ҳадисни ушбу шахс, яъни Валид ибн Абдуллоҳ ибн Жумайъдан ривоят қилган. Шу боис, Валид ибн Абдуллоҳ ибн Жумайъ, Муслим Нишобурийнинг ровийларидан ҳисобланиб, Муслим бу шахсдан ўз китобининг икки жойида ҳадис ривоят қилган. Аҳли суннат эътиқодига кўра, Муслим ривоят қилган барча ҳадислар саҳиҳ ва тўғри ҳадислар саналгани сабабли, ҳадисни кимдан ривоят қилиб келтирган бўлса, ўша ровийларнинг ҳаммаси ишончли-сиқа шахслар экани муқаррар.

Ушбу масалага шуни ҳам қўшимча қилмоқ лозимки, Аҳли суннатнинг буюк рижол-ровийшунос<sup>2</sup> олимлари ҳам ўз китобларида Валид ибн Абдуллоҳ ибн Жумайъ ишончли-сиқа ровий эканини тасдиқлаганлар, жумладан:

Имом Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Аз-Заҳабий ўзининг «Мийзонул иътидол фий нақдир-рижол» номли китобида Валид ибн Абдуллоҳ ибн Жумайъ ҳақида ўз назарини куйигича билдирган:

وَتَقَهُ ابْنُ مُعِينٍ، وَالْعَجَلِيُّ. وَقَالَ أَحْمَدُ وَأَبُو زُرْعَةَ: لَيْسَ بِهِ بَأْسٌ وَقَالَ أَبُو حَاتِمٍ: صَالِحُ الْحَدِيثِ

«Ибн Муъийн ва Ижлий ушбу шахсни ишончли-сиқа деб билишган. Аҳмад ва Абу Зуръаҳ «бу шахсда ҳеч бир айбу нуқсон йўқдир» дейишди. Абу Ҳотам эса «бу шахс саҳиҳ ва тўғри ҳадис соҳибидир» деган».<sup>3</sup>

1. Ибн Ҳазм, «Ал-Муҳалло шарҳул Мужалло», Миср нашрида 11-жилд, 224-бет, Ливанда чоп этилган янги нашрда эса 13-жилд, 86-бет.

2. Ҳадисларнинг санади билан шуғулланувчи, яъни ҳадис ривоят қилган одамларнинг кимлигини ва уларнинг қай даражада ишончли ёки ишончсиз ровий эканлигини ҳамда турли ровийларнинг ривоят қилган ҳадислари мўътабар ва асосли ёки заиф ва асоссиз эканини аниқлаш устида тадқиқот ишлари олиб борувчи илмга «Рижол илми» дейилади ва ушбу илм билан шуғулланувчи олимларга эса «Рижол олимлари» дейилади.

3. Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий «Мийзонул иътидол фий нақдир-рижол», 4-жилд, 337-бет, 9362-рақам.

Муҳаммад ибн Саъд ҳам ўзининг «*Ат-Табақотул Кубро*» номли китобида мазкур шахс тўғрисида шундай ёзади:

الْوَلِيدُ بْنُ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ جُمَيْعِ الْحَزَاعِيِّ مِنْ أَنْفُسِهِمْ، وَكَانَ ثِقَةً وَلَهُ أَحَادِيثُ

«Валид ибн Абдуллоҳ ибн Жумайъ ал-Хазоъий ҳадис ривоят қилувчи шахслардан бўлиб, ишончли-сиқа ровийдир ва бир неча ҳадис ривоят қилган».<sup>1</sup>

Мазкур рижол-ровийшунос олимларнинг Валид ибн Абдуллоҳ ибн Жумайъ ишончли ровий эканини тасдиқлаган сўзларидан маълум бўладики, ушбу шахс ишончли ровий бўлиб, Пайғамбаримизни қатл этишни режалаштирган айрим саҳобалар хусусида қилган ривояти чиндан ҳам рост экани аён бўлади.

Ушбу ҳақиқат янада ошкор бўлиши учун пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг юқорида зикр этилган айрим мунофиқ саҳобалари Қиёмат кунда қандай оқибатга дучор бўлишларини билиш учун диққат-этиборингизни «*Саҳиҳул Муслим*»да ушбу мавзу ҳақида келтирилган ҳадисга жалб этамиз:

حَدَّثَنَا أَبُو بَكْرِ بْنُ أَبِي شَيْبَةَ، حَدَّثَنَا أَشْوَدُ بْنُ عَامِرٍ، حَدَّثَنَا شُعْبَةُ بْنُ الْحَجَّاجِ، عَنْ قَتَادَةَ، عَنْ أَبِي نَضْرَةَ، عَنْ قَيْسِ قَالَ: قُلْتُ لِعَمَّانَ: أَرَأَيْتُمْ صَنِيعَكُمْ هَذَا الَّذِي صَنَعْتُمْ فِي أَمْرِ عَلِيِّ عَلَيْهِ السَّلَامُ، أَرَأَيْتُمْ رَأَيْتُمْهُ أَوْ شَيْئًا عَهْدَ إِلَيْكُمْ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ؟ فَقَالَ: مَا عَهْدَ إِلَيْنَا رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ شَيْئًا لَمْ يَغْهَدْهُ إِلَى النَّاسِ كَافَّةً، وَلَكِنْ حُدَيْفَةُ أَخْبَرَنِي عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ فِي أَصْحَابِي إِثْنَا عَشَرَ مُتَأَفِّقًا، فِيهِمْ ثَمَانِيَةٌ لَا يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ حَتَّى يَلِجَ الْجَمَلُ فِي سَمِّ الْحِيَاظِ، ثَمَانِيَةٌ مِنْهُمْ تَكْفِيهِمُ الدَّبَابَةَ وَأَرْبَعَةٌ لَمْ أَحْفَظْ مَا قَالَ شُعْبَةُ فِيهِمْ

Абу Бакр ибн Аби Шайбах, Асвад ибн Омирдан ва у эса Шўъбах ибн Ҳажжождан, Шўъбах эса Қатодадан ва у Аби Назраҳдан ва Аби Назрах эса Қайсдан ривоят қилиб дедики, Амморга шундай дедим: «Алининг халифа ва пешволиги хусусида тутган йўлингиз ва қилган ишингиз ўз раъй-фикрингиз асосида эдими ёхуд Расулуллоҳ сизларга буюрган аҳду паймон эдими?» Шунда Аммор деди: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бутун инсонларга буюрмаган аҳду паймонни бизга ҳам айтмаганлар, лекин Ҳузайфа Пайгамбардан менга хабар бериб деди:

1. Ибн Саъд, «*Ат-Табақотул Кубро*», 5-жилд, 73-бет, 2560-рақам.



Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай деб марҳамат қилдилар: «Саҳобаларим орасида ўн икки мунофиқ мавжуд бўлиб, улардан саккиз киши туя игна тешигидан ўтмагунча жаннатга кирмаслар, [яъни, ҳеч қачон жаннатга кира олмаслар]. Ўша саккиз кишига бу буюк мусибат кифоядир. Аммо қолган тўрт киши ҳақида Шўъбаҳ нима деганини сақлаб қололмадим».<sup>1</sup>

Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий ҳам ўзининг «Саҳиҳул Бухорий» номли китобида бу борада қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

٦٢١٥ حدثنا إبراهيم بن المنذر الحزامي حدثنا محمد بن فليح حدثنا أبي قال حدثني هلال بن علي عن عطاء بن يسار عن أبي هريرة عن النبي ﷺ قال: بيننا أنا قائمٌ إذ أقبلت زُمرةٌ حتى إذا عرفتهم خرج رجلٌ من بيني وبينهم، فقال: هَلَمْ، فقلْتُ أَيْنَ؟ فقال إلى النَّارِ وَاللَّهِ، قُلْتُ: مَا سَأَلْتُمْ؟ قال: إِيَّاهُمْ إِرْتَدُّوا بَعْدَكَ عَلَى أَدْبَارِهِمُ الْقَهْقَرَى. ثُمَّ إِذَا زُمْرَةٌ حَتَّى إِذَا عَرَفْتُهُمْ خَرَجَ رَجُلٌ مِنْ بَيْنِي وَبَيْنِهِمْ، فَقَالَ: هَلَمْ، فقلْتُ: أَيْنَ؟ قَالَ إِلَى النَّارِ وَاللَّهِ، قُلْتُ: مَا سَأَلْتُمْ؟ قال: إِيَّاهُمْ إِرْتَدُّوا بَعْدَكَ عَلَى أَدْبَارِهِمُ الْقَهْقَرَى. فَلَا أَرَاهُ يَخْلُصُ مِنْهُمْ إِلَّا مِثْلُ هَمَلِ النَّعَمِ.

Иброҳим ибн Мунзир Ҳазомий бизга ҳадис ривоят қилди, Муҳаммад ибн Фалих бизга ҳадис ривоят қилди, отам ривоят қилиб деди: Ҳилол ибн Али, Ато ибн Ясордан ривоят қилди ва Ато ибн Ясор Абу Ҳурайрадан ривоят қилди ва Абу Ҳурайра эса Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ҳадис ривоят қилди. Ул ҳазрат шундай деб марҳамат қилдилар:

«Мен қиёмат кунда Кавсар Ҳовузи ёнида турган бўламан. Шунда ногаҳон бир гуруҳ менга кириб келади. Токи, мен уларни таниганимда, мен билан уларнинг орасидан бир киши чиқиб [ва улар билан учрашишимга тўсқинлик қилиб] уларга: «Келинглар», дейди. Шунда мен: «Қаерга», деб айтаман. У эса: «Аллоҳга қасамки, дўзах олови томонга», дейди. Мен: «Улар нима иш қилдилар?», деб сўрайман. У сўзимга жавобан: «Сиздан кейин улар орқаларига, жоҳилият даврига қайтдилар», дейди. Сўнгра яна бир гуруҳ менга кириб келади. Токи, мен уларни таниганимда, мен билан уларнинг орасидан бир киши чиқиб [ва улар билан учрашишимга тўсқинлик қилиб] уларга: «Келинглар», дейди.

1. Муслим ибн Ҳажжож Нишобурий, «Саҳиҳул Муслим», Китобу сифотил мунофикийн ва аҳкомиҳим, 6929-ҳадис.

Шунда мен: «Қаерга», деб айтаман. У эса: «Аллоҳга қасамки, дўзах олови томонга», дейди. Мен: «Улар нима иш қилдилар?», деб сўрайман. У сўзимга жавобан: «Сиздан кейин улар орқаларига, жоҳилият даврига қайтдилар», дейди. Оқибат, улар орасидан ташлаб кетилган туялар каби жуда оз сонли кишиларгина дўзах оловидан нажот топгани менга кўрсатилади».<sup>1</sup>

Аҳли суннат биродарларимизнинг эътиқодига кўра, бизга Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг йўлларини, яъни нажот ва хидоят йўлини кўрсатадиган ва ул зотнинг Аҳли-Байтлари ўрнига шариат ва дин таълимотларининг манбаи ҳисобланган саҳобаларнинг кўпчилиги дўзах аҳлидан бўлсалар, унда ўзини дўзах оловидан кутқара олмаган саҳобалар қандайга бизга нажот йўлини кўрсатиб, бизни жаҳаннам оловидан кутқаради?! «Саҳиҳул Бухорий» ва «Саҳиҳул Муслим» китобларида дўзах аҳлидан бўлган саҳобалар ҳақида ўн еттита ҳадис ривоят қилиб келтирилган.

Энди сарвари коинот Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) саҳобаларини чуқурроқ таниш мақсадида уларни тўрт тоифага бўлиб ушбу масалани ҳар томонлама таҳлил этароқ, бу борада ўз назаримизни қуйидагича баён этамиз:

1. Аллоҳ таоло биринчи тоифадаги саҳобаларни барча хато-маъсият, гуноҳ ва нопокликлардан покиза этган бўлиб, улар Расулуллоҳнинг Аҳли-Байтлари, яъни хонадонлари аҳлидан бўлган кишилардир. Аллоҳ таоло Ўз Китобида уларга қарата шундай марҳамат қилган:

﴿إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ أَهْلَ الْبَيْتِ وَيُطَهِّرَكُمْ تَطْهِيرًا﴾

«Эй Пайгамбар хонадони аҳли, Аллоҳ фақатгина сизлардан нопокликни кетказишни ва сизларни буткул покиза қилишни истайди, холос». (Аҳзоб сураси, 33-оят)

Аҳли суннатнинг йирик алломалари, жумладан тафсирчи олим Жалолиддин Суютий ўзининг «Ад-дуррул мансур» номли тафсирида келтирган кўпгина ҳадислар асосида, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) хонадони аҳли «Али, Фотима, Ҳасан ва Ҳусайн» эканликлари маълум бўлади. Бу гуруҳ саҳобалар бутун саҳв-хато ва нопокликдан

1. Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, «Саҳиҳул Бухорий», 81-Китобур-Рикок, 53-бобун фил-Ҳавз, 6215-ҳадис, аммо Байрут-Ливан Дорул фикр литтобаъати ван-нашр чопида эса 6587-ҳадис.

йироқ ва маъсум бўлганликлари сабабли, уларнинг айтган сўзлари ва тутган йўллари бутун мусулмонлар учун ҳужжат ва далил экани муқаррар.

2. Иккинчи тоифадаги саҳобалар доимо Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг буйруқларига таслим бўлиб, у зотга бўйсунганлардир. Бу гуруҳ саҳобалар иймони холис саҳобалар бўлиб, Аллоҳ йўлида курашган зотлардир. Шунга қарамасдан, улар маъсум бўлмаганлари сабабли, улардан жуда ҳам оз хато ва камчиликлар юз берган. Шу боис, уларнинг озгина хатолари учун Аллоҳдан уларга мағфират сўраб: «رَضِيَ اللهُ عَنْهُمْ» Аллоҳ улардан рози бўлсин, деймиз.

3. Учунчи гуруҳ саҳобалар; Аллоҳнинг Қуръондаги ушбу сўзига кўра:

﴿وَأَخْرَوْنَ اعْتَرَفُوا بِذُنُوبِهِمْ خَلَطُوا عَمَلًا صَالِحًا وَآخَرَ سَيِّئًا عَسَى اللَّهُ أَنْ يَتُوبَ عَلَيْهِمْ إِنَّ اللَّهَ

غَفُورٌ رَحِيمٌ﴾

«Яна бошқа бир кишилар борки, улар ўз гуноҳларини эътироф қилурлар. Улар яхши амални бошқа ёмонига аралаштириб юборганлардир. Шоядки, Аллоҳ уларнинг тавбасини қабул қилса. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмлидир». (Тавба сураси, 102-оят)

яхши амални ёмон амалга аралаштириб, ислом йўлида хизмат қилган бўлсалар ҳам, хато ва гуноҳ ишларга йўл қўйганлар. Жамоат намозига қатнашиб юрган бўлсалар-да, май ҳам ичганлар, жангларда Пайғамбаримиз ёнларида туриб жиҳод қилган бўлсалар-да, зинога ҳам йўл қўйганлар, Аллоҳ йўлида инфоқ-эхсон қилсалар-да, ўғриликка ҳам кўл урганлар. Гарчи бу гуруҳ саҳобалар кофир бўлмасалар-да, аммо фосиқ ва гуноҳкор саналадилар. Зино қилган ёки май ичган ёки ноҳақ қон тўккан ёхуд ўғирлик қилган шахсни одил деб айтолмаймиз. Агар бу тоифа саҳобалар одил ҳисоблансалар, унда кимни фосиқ дея оламиз?

Қандайига бу гуруҳ саҳобаларни мукаддас деб билиб, Пайғамбаримиздан сўнги асирларда яшаб ўтган тақволи инсонлардан ҳам устун қўя оламиз?! Қандай қилиб Аллоҳнинг Қуръондаги ушбу очик ояти: ﴿إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتْقَاكُمْ﴾ «Шубҳасиз, Аллоҳнинг ҳузурда сизнинг энг улуғингиз, энг тақводорингиздир» (Хужурот сураси, 13-оят)га қарши чикиб, тақвосиз ёки тақвоси оз бўлган бир саҳобани тақволи бўлган ғайри саҳобадан улуғ ва афзал дейиш мумкин?!

4. Тўртинчи гуруҳ саҳобалар эса зоҳирда ва ташқи кўринишда Шаҳодатайн калимасини тилга олиб, яъни Аллоҳнинг ягоналигига ва

Унинг сўнги элчиси Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Унинг томонидан юборилган пайғамбар эканлигига гувоҳлик бериб ва ўзларини мусулмон деб билиб, Пайғамбаримиз орқаларида туриб жамоат намозини ўқиган бўлсалар-да, аммо дилларида Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) чиндан ҳам Аллоҳнинг элчиси эканига ва у ҳазратнинг сўзлари ҳақ эканига иймон келтиришмаган. Мунофиқун сураси ва Қуръони Каримнинг ўнлаб оятлари мунофиқларнинг турли хил ҳолатларини баён этиб, ушбу саҳобалар хусусида нозил бўлган.

Гарчи улар саҳоба бўлиб Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан ҳамнишин ва ҳамсуҳбат бўлган бўлсалар-да, биз бу тоифадаги мунофиқ саҳобаларни бошқа саҳобалардан ажратиб, Қуръони Каримга тобе бўлган ҳолда уларга нисбатан муҳаббатимиз йўқ. Бу борада эътиборингизни қуйидаги ояти каримага жалб этамиз:

﴿وَمِنَ حَوْلِكُمْ مِنَ الْأَعْرَابِ مُنَافِقُونَ وَمِنْ أَهْلِ الْمَدِينَةِ مَرَدُوا عَلَى النَّفَاقِ لَا تَعْلَمُهُمْ نَحْنُ نَعْلَمُهُمْ سَنُعَذِّبُهُمْ مَرَّتَيْنِ ثُمَّ يُرَدُّونَ إِلَىٰ عَذَابٍ عَظِيمٍ﴾

«Сизларнинг атрофингиздаги аъробий [кўчманчи араблар] орасида мунофиқлар бор, Мадина аҳли орасида ҳам мунофиқлар бор. Улар нифоқда бардавомдирлар. Сиз уларни билмайсиз, уларни биз билурмиз. Шубҳасиз, биз уларни икки карра азоблагаймиз. Сўнгра [Қиёмат куннда] улар улкан азобга қайтарилурлар». (Тавба сураси, 101-оят)

Юқорида келтирилган бир неча далилларга кўра, биз Аҳли-Байт издошлари ҳамма саҳобаларни бир даражада кўрмаймиз, балки уларни тўрт гуруҳга бўлиб, уларнинг ҳар бири билан ўз ўрни ва даражасига қараб муомала қиламиз. Агар лаънатлайдиган бўлсак, тўртинчи гуруҳни назарда тутамиз. Агар танқид қиладиган бўлсак, учунчи гуруҳ саҳобаларга қарата айтамыз. Ва агар улуғлаб ҳурмат қиладиган бўлсак, иккинчи гуруҳ саҳобаларга нисбатандир. Бироқ тобе бўлиб эргашадиган бўлсак, биринчи гуруҳ саҳобаларга қаратилгандир.

---

## ПАЙҒАМБАРИМИЗ ХОНАДОНЛАРИНИНГ ПОК ВА МАЪСУМЛИГИ ХУСУСИДАГИ ТАТҲИР ОЯТИ

---

وَقَدْ أَعْلَى اللَّهُ تَعَالَى عَلَى الْأُمَّةِ دَرَجَتَكُمْ وَرَفَعَ مَنْزِلَتَكُمْ وَأَبَانَ فَضْلَكُمْ وَشَرَّفَكُمْ عَلَى الْعَالَمِينَ  
فَأَذْهَبَ عَنْكُمْ الرَّجْسَ وَطَهَّرَكُمْ تَطْهِيرًا.

«Холбуки, Аллоҳ таоло сизларнинг даражаларингизни умматга устун қилиб, юксалтирди ва мартабангизни юқори этди ва сизларнинг фазилатингизни барчага ошкор қилди ва сизларга оламлар устидан шарофат бағишлади [яъни: бутун оламлар ичра шарофат, юксаклик ва улуғворликда ҳеч ким сизларга тенг ва баробар бўла олмас.] Демак, Аллоҳ таоло сизлар [яъни: Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ва хонадонлари бўлмиш имом Али, ҳазрати Фотима, имом Ҳасан ва имом Ҳусайн ҳамда у ҳазратнинг зурриётларидан бўлган тўққиз имом (алайҳимус салом)]дан гуноҳ ва нопокликларни кетказди ва сизларни бутунлай пок қилди».

**Изоҳ:** Мана шу олий мазмунли дуонинг юқори қисмидаги банди куйидаги ояти каримага қаратилиб баён қилинган:

﴿نَمَّا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ أَهْلَ الْبَيْتِ وَيُطَهِّرَكُمْ تَطْهِيرًا﴾

«Эй Пайғамбар хонадони аҳли, Аллоҳ фақатгина сизлардан нопокликни кетказишни ва сизларни буткул покиза қилишни истайди, холос». (Ахзоб сураси, 33-оят)

Ушбу татҳир ояти фавқулодда муҳим ва чуқур мазмунга эга бўлиб, ҳар қандай гуноҳ ва нопокликлардан покиза бўлган беш инсон, яъни: Пайғамбаримиз, Али, Фотима, Ҳасан ва Ҳусайн (алайҳимус салом)ларнинг юксак ва улуғвор эканликлари ушбу оятда очиқ-ойдин баён этилган.

Мазкур ояти карима имом Али (*алайҳис салом*) ва ул ҳазратнинг зурриётларидан бўлган покиза ўн бир имомнинг пешво, валий, бошлиқ ва йўлбошчи эканликларига далолат қиладиган оятлардан биридир.

У «*أَيُّهَا*» сўзи билан бошланган бўлиб, араб тилида «*чекланиш ва таъкид*» маъносини англатади. Шунинг учун, ушбу ояти карима Аллоҳ таоло томонидан пайғамбаримиз Муҳаммад (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг хонадонлари учун ато этилган хос неъматни исботлайдиган ёрқин далилдир.

Сўнгра эса «*يُرِيدُ*» (яъни: ирода қилади) Аллоҳнинг Таквийний иродасига эга бўлган мазмуннигина англатади. Зероки, Аллоҳнинг Ташрийий иродаси, бошқача айтганда; инсон ўзини гуноҳлардан сақлаб қолишининг зарурий эканлиги, Пайғамбаримизнинг хонадонлари билан чекланибгина қолмай, барча инсонларни ўз ичига олади, чунки, ҳамма инсонлар ҳар қандай гуноҳ ва нопокликлардан сақланиб, покиза бўлишлари лозим ва Аллоҳнинг ушбу «*Ташрийий иродаси*»дан ҳеч ким мустасно бўла олмас.

Демак, ушбу мазкур ояти каримада Аллоҳнинг ирода қилишидан назарда тутилган маъно – бу «*Таквийний ирода*» бўлиб, борлик оламнинг яратилишига оид бўлган Аллоҳнинг ирода-истаги маъносидадир. Зероки, юқорида зикр этилган ояти каримада Аллоҳнинг ирода-истаги Унинг ишига тааллуқли бўлиб, Аллоҳ ҳар қандай гуноҳ ва нопокликларни Пайғамбаримизнинг хонадонларидан кетказишни ва уларни бутунлай покиза қилишни ирода қилган.

Шунга биноан, Аллоҳнинг иродаси Ўз ишига мансуб бўлгани учун, «*Таквийний ирода*»дир. Аммо Аллоҳнинг намоз, рўза, закот, хумс ва ҳаж каби биздан истаган вожиб кўрсатмалари ва шунингдек, гуноҳ ва ҳаромдан сақланишга оид бўлган бўйруқлари Аллоҳнинг «*Ташрийий иродаси*» деб, айтилади.

Пайғамбаримизнинг хонадонлари ҳар қандай гуноҳ ва нопокликлардан узоқ бўлиб, бутунлай покиза бўлганликлари, Аллоҳнинг «*Таквийний иродаси*»нинг натижасидан келиб чиққан бўлиб, улар покиза-маъсум эканликларида мажбурдирлар, деган шубҳа шу борада туғилади. Зероки, Аллоҳнинг «*Таквийний иродаси*» ниманики қамраб олса, ўша нарса ташқи оламда вужудга келиши қатъий ва зарурийдир. Шу боис, Пайғамбаримизнинг хонадонлари, Аллоҳнинг «*Таквийний иродаси*» сабабли ҳар қандай гуноҳлардан йироқ, покиза ва маъсум бўлишлари зарурий бўлган нарсадир.

Шунинг учун улар ўзларининг маъсум бўлишларини танламаганлар, балки улар маъсум эканликларида мажбурдирлар, деган шубҳани бартараф этиш учун қуйидаги далилларни бирма-бир назардан кечиргаймиз.

Аллоҳнинг гуноҳ ва нопокликлардан йироқ бўлган маъсум бандалари, икки хусусиятга эгадирлар.

1. Биринчиси; маъсум инсонлар ўзларининг бажарадиган амаллари туфайли қўлга киритган сазовор ва лойиқ мартабага эгадирлар, яъни: Улар қиладиган амалларини барчадан кўра холис Аллоҳ учунгина қилганликлари, уларни Аллоҳ хузурида лойиқ ўринга эга қилган.

2. Иккинчиси; бутун инсонларга намуна ва ўрнак бўлишлари учун Аллоҳ таоло томонидан уларга ато қилинган фазлу марҳамат, уларни сазовор ва юксак ўринга кўтарди.

Бошқача айтганда; Аллоҳ таолонинг ўша маъсум инсонларни қўллаб қувватлаши ва маъсум инсонлар бажарган покиза амаллар сабабли, шундай бир даражага эришганларки, гуноҳ ва нопок амалларни қилишга қудрат ва ихтиёрлари бўла туриб, гуноҳ ва нопок амаллар томон бормайдилар. Мисол қилиб айтганда: ҳеч бир ақлли инсон ёниб турган оловнинг бир бўлагини қўлига олиб, уни оғзига қўйиб, ютиб юбормайди, агарчи, ушбу ишни бажармасликка мажбур эмас, яъни: агар истаса, оловнинг бир бўлагини ютиб юбора олади ва бу ишга ҳам қудрати етади ва ҳам ихтиёрга эгадир, лекин шунга қарамасдан бу ишга қўл урмайди.

Шу ишни бажармаслик шундай бир ҳолатдирки, инсон ушбу ишнинг оқибатидан огоҳ бўлгани туфайли, ҳеч қандай мажбурий ҳолатни ўзида сезмай туриб, ўз ирода ва истаги билан уни бажармайди.

Шунга биноан, пайғамбарлар ва ўн икки имомлардан иборат бўлган маъсум инсонлар тақводорликнинг шундай бир даражасига эришганларки, гуноҳ ва нопок амалларни қилишга қудратлари ҳамда ихтиёрлари бўла туриб, ўз ирода ва истаклари билан барча гуноҳ ва хатолардан йироқлашадилар. Бундай юксак ва улўғвор инсонлар барча кишилардан фарқланиб ҳар бир гуноҳнинг оқибатидан огоҳ бўлиб олий даражали маърифатга эга бўлганликлари ва барча амалларнинг моҳияти бўлган ботиний ҳолатдан хабардор бўлганликлари сабабли бутун гуноҳлардан юз ўгирадилар.

Ушбу оятдаги «الرّجس» сўзи, нопоклик маъносида бўлиб, инсоннинг табиати нафратланадиган нопок нарса, ёки ақлнинг ҳукм қилиши

асосидаги нопок нарса ва ё шариат ҳукми бўйича нопок бўлган нарсаларни ўз ичига олади.

Айрим муфассирлар «الرَّجْسِ» сўзи мазкур оятда гуноҳ ёки ширк келтириш, ё бахиллик ва ҳасад қилиш, ёки зино қилиш, ёхуд буюк гуноҳлар ва шунингдек, нотўғри, ботил этикод маъноларини англатади, деганлар.

Лекин ушбу сўзни юқоридаги маънолар билангина чеклаб қўйишга ҳеч қандай далил йўқ, балки айтиб ўтилган маънолар, фақатгина шу сўз қайси ўринларда ишлатилишини билдиради.

Шунингдек, «алиф ва лами жинс» билан ҳеч бир қайд-шартсиз (мутлақ) келтирилган ушбу сўз, яъни: «الرَّجْسِ» умумий ва кенг маънода келган бўлиб, ҳар қандай гуноҳ, нопоклик ва ифлосликларни ўз ичига олади.

Шунинг учун, ушбу сўз Куроъни Каримда ширк келтириш, маст қиладиган ичимликларни ичиш, кимор ўйнаш, мунофиқлик, ўзи ўлиб қолгани сабабли гўшти нопок бўлган ҳайвон ва шунингдек, тўнғиз каби гўшти ҳаром қилинган жониворларни ёхуд Аллоҳдан ўзганинг номига сўйилган гўшти ҳалол ҳайвонларни истеъмол қилишга ўхшаш ўринларда қўлланилган. Ҳаж сураси, 30-оят. Моида сураси, 90-оят. Тавба сураси, 125-оят. Анъом сураси, 145-оят.

Ушбу мазкур ояти каримада «تَطْهِيرٍ» сўзи, покиза қилиш ёки поклаш маъносида келган бўлиб, дарҳақиқат, «гуноҳ, нопоклик ва ифлослик»ни кетказиш хусусидаги мазмунни таъкид қилиб келган. Шу сўз «Мафъули мутлақ» шаклида зикр қилингани, ушбу ояти каримада яна бир бора таъкид қилиб келганини англатади.

Мазкур ояти каримада Аллоҳ таоло пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг Аҳли-Байтларидан ҳар қандай гуноҳ, нопоклик ва ифлосликни кетказишни ирода қилганлиги, махсусан таъкид ва чекланиш маъносини англатадиган «إِنَّمَا» сўзи билан Ўз иродаси вужудга келиши зарурий ва қатъий эканлигини маълум қилганлигидан Пайғамбаримиз хонадонлари барча гуноҳ ва нопокликлардан покиза ва йироқ бўлган маъсум инсонлар эканликлари очиқ-ойдин тушунилади.

Дарҳақиқат, мазкур оятнинг маъно-мазмуни имомларимизни зиёрат қилиш учун ўнинчи илоҳий пешвоимиз Имом Али ибн Муҳаммад Ан-Нақий Ал-Ҳодий (алайҳимас салом) томонларидан айтилган «*Зиёрати Жомиаи Кабира*» да қуйидагича баён қилинган:



عَصَمَكُمُ اللَّهُ مِنَ الزَّلَالِ وَأَمَنَكُم مِّنَ الْفِتَنِ وَطَهَّرَكُم مِّنَ الدَّنَسِ وَأَذْهَبَ عَنكُمُ الرَّجْسَ  
وَطَهَّرَكُم تَطْهِيرًا.

«Аллоҳ сизларни гуноҳ ва хатолардан сақлади ва сизларни фитна ва огишлардан омонда қилди ва сизларни ифлосликлардан покиза қилди ва нопокликни сизлардан кетказиб, сизларни буткул покиза қилди».

---

## ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ АҲЛИ-БАЙТЛАРИ КИМЛАРДАН ИБОРАТ?

---

Аммо юқорида зикр қилинган ояти каримадаги «أَهْلَ الْبَيْتِ» Аҳли-Байт сўзи борасида барча ислом олимларининг эътирофларига кўра, пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг хонадонлари назарда тутилган. Агарчи, ушбу оятдаги «بَيْتِ» сўзи қайд-шартсиз зикр қилинган бўлса-да, лекин олдинги ва кейинги оятлар ёрдамида бу сўз пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг хонадонлари ҳақида эканлиги маълум бўлади.

Бироқ, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг хонадонлари кимлардан иборат эканлиги хусусида муфассирлар ўртасида турли хил назариялар баён қилинган. Айрим муфассирлар пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг хонадонлари, ул ҳазратнинг аёлларидир ва бунга далил, ул ҳазратнинг аёллари тўғрисида келтирилган олдинги ва кейинги оятлардир, дея ўз назарларини билдирганлар.

Шуни айтиш лозимки, юқорида зикр қилинган ояти кариманинг олдинги ва кейинги оятларига диққат билан назар солсак, шуни англаб етамизки, ушбу оятларда «аёлларнинг кўплик» шаклига оид бўлган олмош келтирилган. Ҳолбуки, қуйидаги оятнинг бу қисмидаги олмошлар эса:

﴿إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ أَهْلَ الْبَيْتِ وَيُطَهِّرَكُمْ تَطْهِيرًا﴾

Эрақларнинг кўплик шаклига оид бўлиб, ушбу ояти карима пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг аёлларига умуман тегишли эмаслиги аён бўлади. Зеро, юқорида айтиб ўтганимиздек, ул ҳазратнинг аёллари хусусида келтирилган олдинги ва

кейинги оятлардаги олмош, аёлларнинг кўплик шаклида айтилган, лекин мазкур ояти кариманинг ўша қисмида эса, барча олмошлар эркакларнинг кўплик шаклида зикр қилингани ва олмошлар аёлларнинг кўплик шаклидаги ҳолатдан, эркакларнинг кўплик шаклига ўзгартирилгани, ояти кариманинг шу қисми ул ҳазратнинг аёлларига ҳеч қандай алоқаси йўқлиги маълум бўлади.

Айрим муфассирлар эса бунга кифояланмай, ушбу ояти каримани кенг доирада билиб, бу оят эркак ва аёллардан ташкил топган Пайғамбаримизнинг барча хонадонлари аҳлини ўз ичига олади деб, ўз фикрларини баён қилганлар.

Лекин Аҳли суннат ва Аҳли-Байт олимлари пайғамбаримиз Муҳаммад *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан ривоят қилган кўп ҳадислар асосида билдирилган иккинчи фикр-мулоҳаза ҳам нотўғри эканлиги ошкор бўлиб, ушбу ҳадисларда ўша ояти каримадаги назарда тutilган инсонлар фақатгина беш киши эканлиги уқтирилиб, улар пайғамбаримиз Муҳаммад *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*, ҳазрати Али, ҳазрати Фотима, имом Ҳасан ва имом Ҳусайн *(алайҳимус салом)*лардан иборат эканлиги ошқора тилга олинган.

Мазкур ҳадислар ушбу ояти кариманинг мазмунини тафсир қилиб, юқорида зикр қилинган икки тафсир ноўрин ва нодуруст эканлигини ошқор этади ва шунинг билан ояти каримада фақатгина «*Хамсаи Таййиба*», яъни покиза бўлган беш киши назарда тutilгани ва ана ўшалар билангина чекланиб қолингани муқаррар.

Аммо пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг Аҳли-Байтлари, яъни хонадонлари фақатгина беш киши эканлигини баён қилган ҳадислардан айримларини шу ерда келтирамиз:

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ قَالَتْ: نَزَلَتْ هَذِهِ الْآيَةُ فِي بَيْتِي ﴿إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ أَهْلَ الْبَيْتِ وَيُطَهِّرَكُمْ تَطْهِيرًا﴾ وَفِي الْبَيْتِ سَبْعَةٌ، جَبْرَائِيلُ وَمِيكَائِيلُ وَعَلِيٌّ وَقَاطِمَةُ وَالْحَسَنُ وَالْحُسَيْنُ وَأَنَا عَلِيُّ بَابِ الْبَيْتِ، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، أَلَسْتُ مِنْ أَهْلِ الْبَيْتِ؟ فَقَالَ: إِنَّكَ عَلِيٌّ خَيْرٌ، إِنَّكَ مِنْ أَزْوَاجِ النَّبِيِّ.

«Пайғамбаримизнинг аёллари онамиз Умми Салама *(разияллоҳу анҳо)*дан ривоят қилинган ҳадисда шундай дедилар: «Эй Пайғамбар *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* хонадони аҳли, Аллоҳ фақатгина сизлардан нопокликни

кетказишни ва сизларни буткул покиза қилишни истайди, холос» ояти менинг уйимда нозил бўлди, оят нозил бўлган пайт уйда етти киши бор эди; Жаброил, Микоил, Пайгамбар, Али, Фотима, Ҳасан ва Ҳусайн. Мен эса эшикнинг ёнида эдим, шунда дедим: Эй Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам), Мен Аҳли-Байтингиз, яъни Хонадонингиз Аҳлидан эмасманми? Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) марҳамат қилдилар: Сен яхши инсонсан, ҳамда сен Пайгамбарнинг аёлларидан бирисан, [аммо Аҳли-Байтдан эмассан]».<sup>1</sup>

Аҳли суннатнинг йирик тафсирчи олимларидан бири бўлмиш Саълабий ўз тафсир китобида онамиз Умму Салама (разияллоҳу анҳо)дан ушбу ривоятни куйидагича ривоят қилган:

1. Ушбу ҳадиси шарифни Аҳли суннатнинг кўп уламолари ўз китобларида келтирганлар, жумладан:

- Абу Исо Тирмизий, «Сунани Тирмизий», Китабу тафсийрил Куръон ан Расулиллаҳ (с.а.о), 34/7-боб, ҳадис рақами: 3216 ва шунингдек, «Сунани Тирмизий», Китабул манаакиб ан Расулиллаҳ (с.а.о), 105/31-манаакибу аҳлибайтин-Набий (с.а.о), ҳадис рақами: 3712 ва шунингдек, «Сунани Тирмизий», 135/60-боб фазли Фотима разияллоҳу анҳо, ҳадис рақами: 3797. Тирмизий мазкур ҳадис борасида шундай дейди:

هذا حديث حسن صحيح، وهو أحسن شيء روي في هذا الباب.

«Бу ҳадис ҳасан ва саҳиҳдир ва бу ҳадис ушбу бобда ривоят қилинган ҳадисларнинг энг яхшисидир».

- Ҳоким Нисобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳийҳайн», 4-жилд, ҳадис рақамлари: 4759, 4760, 4761, 4762 ва 4763. Янги нашри эса 3-жилд, 146 ва 147-бетлар. Ҳоким Нисобурий ушбу ҳадис ҳақида шундай дейди:

هذا حديث صحيح علي شرط الشيخين ولم يخرجاه

«Бу ҳадис Имом Бухорий ва Имом Муслим шарти бўйича саҳиҳ саналади, гарчи у иккаласи ушбу ҳадисни ривоят қилмаган бўлсалар-да».

- Абул Уло Ал-Муборақфурий, «Тухфатул аҳвазий бишарҳи жаамиъит-Тирмизий», 32-манаакибу аҳлибайтин-Набий (с.а.о), ҳадис рақами: 3796, 10-жилд, 218-бет.
- Ибн Абдул Барр Ал-Қуртубий, «Ал-истийъоб фий маърифатил асҳоб», 3-жилд, 1100-бет, Дорул жайл нашрида, Дорул кутубил илмийях, нашрида эса 3-жилд, 204-бет.
- Ибн Асийр Жазарий, «Усудул гобаҳ фий маърифатис-саҳобаҳ», 4-жилд, 29-бет, дору ихёит-туросил арабий нашрида, дорул фикр нашрида эса 3-жилд, 606-бет.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 2-жилд, 56-боб, 269 дан 271-бетларгача.
- Ал-Муттақил Ҳиндий, «Канзул уммол», 11-жилд, ҳадис рақами: 32884, 599-бет.

Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўз уйларида эдилар, шунда Фотима (саломуллоҳи алайҳо) ипакли матони ул ҳазратнинг ҳузурларига келтирганларида, Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) буюрдилар: Умр йўлдошинг ва икки фарзандинг Ҳасан ва Ҳусайнни чақириб келгин! Ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо) уларни хабардор қилганларидан сўнг, ҳаммалари жамланиб таом тановул қилдилар.

Сўнгра Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) бир ятакни уларнинг, яъни ҳазрати Али (алайҳис салом), ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо), Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн (алайҳимас салом)ларнинг устларига ташлаб, шундай марҳамат қилдилар:

«اللَّهُمَّ هُوَلاءِ أَهْلِ بَيْتِي وَعَثَرَتِي فَأَذْهَبْ عَنْهُمْ الرَّجْسَ وَطَهِّرْهُمْ تَطْهِيراً».

«Эй Аллоҳим, булар менинг Аҳли-Байтим ва Хонадоним Аҳлидирлар. Демак, улардан нопоклик ва гуноҳни кетказгин ва уларни буткул покиза қилгин».

Шу вақт ушбу ояти карима «إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ...» нозил бўлди. Мен дедим: Эй Расулulloҳ, Мен ҳам сизлар билан биргаманми? Ул ҳазрат менга шундай деб марҳамат қилдилар: «إِنَّكَ عَلَىٰ خَيْرٍ» «Сен эзгуликдасан, аммо хонадоним аҳлидан эмассан».

Бошқа кўпгина ҳадислар ушбу мавзу хусусида куйидагича ривоят қилинган:

Юқорида зикр қилинган ояти карима нозил қилинган, пайгамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) олти ой давомида эрталабки Бомдод намозини ўқиш учун масжид томон бораётганларида, ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳо)нинг уйлари ёнидан ўтиб, шундай деб марҳамат қилардилар:

«الصَّلَاةُ يَا أَهْلَ الْبَيْتِ ﴿إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ أَهْلَ الْبَيْتِ وَيُطَهِّرَكُمْ تَطْهِيراً﴾»

«Эй Аҳли-Байтим, хонадоним аҳли, намозга шошилинг, Аллоҳ фақатгина сизлардан, яъни: Пайгамбарнинг хонадони аҳлидан нопокликни кетказишни ва сизларни бутунлай покиза қилишни истайди, холос».

Ушбу ҳадисни Аҳли суннат олими Ҳоким Ҳасконий, Анас бин Моликдан ривоят қилган. Абу Саид Худрийдан эса ушбу мавзу хусусида куйидагича ривоят қилинган:

«Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ушбу ояти каримани саккиз ёки тўққиз ой давомида, ҳазрати Фотима (саломуллоҳи алайҳа) нинг уйлари ёнидан ўтаётганларида тиловат қилар эдилар».

Шуни назарга олиш керакки, пайгамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) олти ой ёки саккиз ой, ёхуд тўққиз ой давомида ҳар куни Бомдод намозини ўқиш учун масжидга бораётганларида ушбу ояти каримани тиловат қилишлари билан, бу ояти карима кимлар ҳақида нозил бўлганини барча мусулмонларга билдирмоқчи эдилар, токи ҳеч ким учун Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг Аҳли-Байтлари кимлардан иборат эканлиги хусусида шак-шубҳага ўрин қолмай, ул ҳазратнинг хонадонлари аҳли бўлган ҳазрати Али, ҳазрати Фотима, имом Ҳасан ва имом Ҳусайн (алайҳимус салом)ларни пешво, валий ва йўлбошчи деб тан олиб, уларга эргашиш лозим ва зарурий эканлиги Қуръони Карим ояти билан асосланган ҳолда маълум бўлсин.

Ажабланарли жойи шундаки, айрим муфассирлар ушбу ояти кариманинг маъно-мазмунини кенг доирада деб билиб, пайгамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг аёлларини ҳам, ул ҳазратнинг Аҳли-Байтлари қаторига киргазишда оёқ тираб олганлар. Ҳолбуки, Аҳли суннат ва Аҳли-Байт олимлари юқорида келтирилган ҳадислар асосида ул ҳазратнинг Аҳли-Байтларини фақатгина мана шу беш нафар деб билиб, ушбу ҳақиқатни тан олганлар.

Диққатга сазовор бўлган масала шундан иборатки, пайгамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг аёллари «Оиша»дан ҳазрати Али (алайҳис салом) борасида сўралганида, у шундай деб жавоб берарди:

تَسْأَلْنِي عَنْ أَحَبِّ النَّاسِ كَانَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ وَزَوْجِ أَحَبِّ النَّاسِ كَانَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ ﷺ  
لَقَدْ رَأَيْتُ عَلِيًّا وَقَاطِمَةَ وَحَسَنًا وَحُسَيْنًا وَجَمَعَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بِمُؤَبِّ عَلَيْهِمْ ثُمَّ قَالَ: «اللَّهِمَّ هَؤُلَاءِ  
أَهْلُ بَيْتِي وَحَامَتِي فَأَذْهَبْ عَنْهُمْ الرَّجْسَ وَطَهِّرْهُمْ تَطْهِيرًا» قَالَتْ: فَقُلْتُ يَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ! أَنَا  
مِنْ أَهْلِكَ؟ قَالَ: تَنْجِي فِائِكَ إِلَى خَيْرٍ.

«Мендан Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га энг сеvimли бўлган инсон ҳақида ҳамда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) га энг сеvimли бўлган инсоннинг умр юлдоши ҳақида сўраяпсиз! Дарҳақиқат, мен Али, Фотима, Ҳасан ва Ҳусайнларни шундай ҳолда кўрдимки, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) уларни бир либоснинг остига тўплаб, сўнгра

улар ҳақида шундай деб марҳамат қилдилар: «Эй Аллоҳим, булар менинг Аҳли-Байтим, хонадоним аҳли ва менинг ҳимоячимдирлар. Шундай экан, улардан нопокликни кетгазгин ва уларни буткул покиза қилгин!» Шунда мен дедим: Эй Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам), мен ҳам сизнинг Аҳли-Байтингизданманми?! Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) дедилар: Узоқроқ тургин! Яъни: Аҳли-Байтимдан эмассан, лекин яхшиликдасан».

Буюк муфассир Аминул ислом Табарсий ўзининг «Мажмаъул Баён» номли тафсир китобида юқорида зикр қилинган ояти кариманинг тафсирида мазкур ҳадисни ривоят қилган.<sup>1</sup>

Буюк ҳадисчи олим Муслим бин Ҳажжож ўзининг «Саҳиҳул Муслим» китобида «Сақалайн» ҳадисини ривоят қилганидан кейин айтади:

Язид ибн Ҳайён саҳобий бўлмиш Зайд бин Арқам (разияллоҳу анҳу)дан: «Пайгамбаримиз Аҳли-Байтлари кимлар? Улар ул зотнинг завжаларими?», - деб сўради. Шунда Зайд бин Арқам унга жавобан деди:

«لَا وَائِمَ اللَّهُ إِنَّ الْمَرْأَةَ تَكُونُ مَعَ الرَّجُلِ الْعَصْرَمِ الدَّهْرِ ثُمَّ يُطَلِّقُهَا فَتَرْجِعُ إِلَى أَبِيهَا وَقَوْمِهَا. أَهْلُ بَيْتِهِ أَضْلُهُ وَعُضْبَتُهُ الَّذِينَ حُرِّمُوا الصَّدَقَةَ بَعْدَهُ».

«Йўқ, ундай эмас. Аллоҳга онт бўлсинки, аёл киши маълум бир муддат эрининг ёнида бўлади. Кейин мабодо эри уни талоқ қиладиган бўлса, бу аёл ўзининг отаси ва қариндошлари ёнига қайтиб кетади. Аҳли-Байт деганда, Пайгамбаримизнинг асл ва негизлари, яъни ул зотнинг наслу насабларидан бўлган энг яқин қариндошлари назарда тугулади. Улар ул зотдан кейин садақа олишдан маҳрум бўлган кишилардир».<sup>2</sup>

Ҳатто сарвари олам Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг Аҳли-Байтларини севмаган Ибн Таймиядан ҳазрати Али (разияллоҳу анҳу) Аҳли-Байтдан бўлмагани сабабли унга салавот айтмоқлик жоиз бўлмай, бидъат ҳисобланмайдими? деб сўралганда, у куйидагича жавоб берган:

1. Аминул Ислом Табарсий, «Мажмаъул Баён фий тафсийри Кўръон», 8-жилд, 156 ва 157-бетлар.
2. Муслим бин Ҳажжож, «Саҳиҳул Муслим», 7-жилд, «Фазоилу Али ибн Абу Толиб» боби, Миср чопи, 123-бет.

Али ибн Аби Толиб Аҳли-Байтдан эканлиги мусулмонлар орасида ихтилофий бўлмаган ойдин бир масала бўлиб, бу борада далил келтиришга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Балки, у зот Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг Аҳли-Байтнинг энг афзали ва Ҳошим зурриётининг энг устунидир. Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ривоят қилинишича, ул ҳазрат ўз яқтакларини Али, Фотима, Ҳасан ва Ҳусайнларнинг устига ташлаб, яқтак билан уларни ураб олдилар-да, сўнгра шундай марҳамат қилдилар:

«Эй Аллоҳим, булар менинг Аҳли-Байтим ва хонадоним аҳлидирлар. Демак, улардан нопокликни кеткизгин ва уларни бутунлай покиза қилгин».<sup>1</sup>

Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг Аҳли-Байтлари ҳар қандай нопоклик ва гуноҳдан йироқ бўлган покиза ва маъсум инсонлар эканлиги хусусидаги мазкур ояти кариманинг тафсирида келган ушбу мазмундаги ҳадисларни кўпгина Аҳли суннат уламолари ўз китобларида ривоят қилганлар.<sup>2</sup>

1. Аҳмад ибн Таймия Ал-Ҳарроний, «Ал-Фатававал Кубро», 1-жилд, 55-бет. Ибн Таймиядан сўралган савол ва унинг жавоби муҳим бўлгани учун арабча матнини ҳам келтираимиз:

٥ - مَسْأَلَةٌ: فِي رَجُلٍ قَالَ فِي عَلِيٍّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ إِنَّهُ لَيْسَ مِنْ أَهْلِ الْبَيْتِ وَلَا تَجُوزُ الصَّلَاةُ عَلَيْهِ، وَالصَّلَاةُ عَلَيْهِ بِدَعْوَةٍ؟

الْجَوَابُ: أَمَّا كَوْنُ عَلِيٍّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ مِنْ أَهْلِ الْبَيْتِ، فَهَذَا بِمَا لَا خِلَافَ بَيْنَ الْمُسْلِمِينَ فِيهِ، وَهُوَ أَظْهَرُ عِنْدَ الْمُسْلِمِينَ مِنْ أَنْ يَخْتِاجَ إِلَى دَلِيلٍ، بَلْ هُوَ أَفْضَلُ أَهْلِ الْبَيْتِ، وَأَفْضَلُ بَنِي هَاشِمٍ بَعْدَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَقَدْ ثَبَتَ عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ {أَنَّهُ أَدَارَ كَسَاءِ عَلِيٍّ وَقَاطِمَةَ وَحَسَنَ وَحُسَيْنَ، فَقَالَ: اللَّهُمَّ هَؤُلَاءِ أَهْلُ بَيْتِي فَأَذْهَبِ الرَّجْسَ عَنْهُمْ وَطَهِّرْهُمْ تَطْهِيرًا

2. Ушбу маъно-мазмундаги ҳадисларни ўз китобида ривоят қилиб келтирган Аҳли суннат олимлари куйидагилардан иборат:

- Ҳофиз Ҳасконий, «Шавоҳиддуд танзийл», 2-жилд, 56-бет, ва 2-жилд, 31-бет.
- Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 9-жилд, 169 ва 119-бет.
- Ибн Мағозий, «Маноқибу Амирил муъманийн», 301-бет, 345-ҳадис.
- Ганжий Шофей, «Кифааятут-толиб», 62-боб, 242-бет ва 100-боб, 372-бет.
- Ҳоким Нишобурый, «А-Мустадраку алас-саҳиҳайн», 3-жилд, 133, 146, 172-бетлар ва 2-жилд, 416-бет.
- Жоруллоҳ, Замахшарий, «Тафсирул Кашишоф», 1-жилд, 369-бет.
- Ибн Касир, «Ал-Бидоятун ван-Ниҳояҳ», Бобу фазоилу Алийийн, 7-жилд, 339-бет.
- Ибн Касир, «Тафсиру Ибн Касир», 3-жилд, 483-бет, ушбу оят тафсирида.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 33-боб, 124 ва 271-бет.



Юқорида келтирилган ҳадислар ушбу ҳақиқатга ошкора гувоҳлик берадики, Қуръони Каримга итоат этмоқлик зарур бўлгани каби уларга бўйсунуш ва эргашиш зарур бўлган Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг Аҳли-Байтлари ул ҳазратнинг аёллари эмас, балки Сарвари оламнинг Аҳли-Байтлари ул зотга насл-насаб жиҳатидан мансуб ва боғлиқ бўлиши билан биргаликда, у ҳазратга маънавий боғлиқ бўлган юқори салоҳиятли кишилардир. Шу боис, Расулуллоҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг Аҳли-Байтлари Аллоҳнинг китоби билан ёнма-ён мусулмонларнинг йўлбошчиси ва раҳнамоси ҳисобланадилар.

- 
- Фаҳри Розий, «*Ат-тафсирул Кабийр ав Мафаатийҳул ғайб*», 25-жилд, 209-бет, ушбу оят тафсирида.
  - Жалолуддин Суютий, «*Ад-дуррул мансур*», 5-жилд, 215-бет, ушбу оят тафсирида.
  - Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий, «*Тарихул ислом ва вафаётил машоҳийр вал-аълом*», 61-йилдан 80-йилларгача бўлган ҳодисаларда келтирган.
  - Ибн Асоқир, «*Тариху мадинати Дамашқ*», 13-жилд, 67-бет, 98-ҳадис, ушбу оятнинг тафсирида.
  - Ибн Жарийр Табарий, «*Тафсири табарий*», 22-жилд, 6 ва 7-бетлар, ушбу оятнинг тафсирида.

---

## ТАТҲИР ОЯТИ АЛОҲИДА КЕЛМАГАНИНИНГ САБАБИ ҲАҚИДА

---

Зикр этилган Татҳир ояти борасида шундай савол туғилиши мумкин: Нима учун пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* аёлларининг вазифасини баён қилиш билан бирга Аллоҳ таоло шундай бир мавзуни ваҳий қилиб юборганки, Пайғамбаримиз *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг аёлларига ҳеч қандай алоқаси йўқ? Бошқача айтганда, Аҳзоб сурасининг 33-оятида Аллоҳ таоло Пайғамбаримиз *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* аёлларининг вазифасини баён қилиш билан биргаликда шундай бир хабарни ваҳий қилиб йўллаганки, ул ҳазратнинг аёлларини ўз ичига олмай, уларга ҳеч қандай тегишли жойи йўқ, балки, ул ҳазратнинг Аҳли-Байтлари бўлмиш ҳазрати Али, ҳазрати Фотима, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн *(алайҳимус салом)*ларга тааллуқли бўлган муҳим бир мавзуни баён қилган. Бунинг сабаби нима?

Ушбу муҳим саволга йирик тафсирчи олим Аминул Ислом Табарсий ўзининг «*Мажмаъул Баён*» номли тафсирида қуйидагича жавоб берган:

*«Қуръони Карим оятлари орасида шундай оятларга дуч келамизки, ушбу оятлар бир жойда ёнма-ён келган бўлса-да, аммо бу оятларда турли мавзулар борасида сўз юритилган. Қуръони Каримда бундай турли хил мавзулар хусусида ёнма-ён келган оятлар жуда кўп баён қилинган, жумладан Татҳийр ояти ушбу қоида асосида келтирилган.*

*Шунингдек, арабларнинг сўз устаси бўлган нотиқларнинг каломи ва уларнинг шеърӣ асарларида ҳам юқорида айтиб ўтилган мавзу ҳақида жуда кўп намуналар мавжуддир».*<sup>1</sup>

---

1. Аминул Ислом Табарсий, «*Мажмаъул Баён фий тафсийри Қуръон*», 8-жилд, 158-бет, ушбу оят тафсида.

Асримизнинг буюк муфассири аллома Саййид Муҳаммад Ҳусайн Таботабойй (Аллоҳ у кишини Ўз раҳматиға олган бўлсин) мазкур саволға бошқа жавобни қўшимча қилганлар:

«Аҳзоб сурасидаги 33-оятнинг қуйидаги жумласи:

﴿إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ أَهْلَ الْبَيْتِ وَيُطَهِّرَكُمْ تَطْهِيرًا﴾

Пайгамбаримизнинг аёллари хусусидаги оятлар билан бирга нозил бўлганига ҳеч қандай далил йўқ, балки ушбу мавзуда баён қилинган ҳадислардан маълум бўлишича, мазкур оятнинг бу қисми алоҳида нозил бўлган. Бироқ пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг ҳаётлик давларида ёки ундан сўнг Қуръон оятлари тўпланиш замонида ул ҳазратнинг аёллари хусусидаги оятлар ёнига қўйилган».<sup>1</sup>

Мазкур саволға учинчи жавобни қуйидагича бериш мумкин. Қуръони Карим пайгамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг аёлларига муҳим бўлган қуйидаги хабарни етказмоқчи:

«Эй Пайгамбарнинг аёллари, сизлар шундай бир хонадон аҳли билан ҳаёт кечирмоқдасизки, уларнинг айримлари гуноҳ ва нопокликдан буткул покиза ва маъсум бўлган инсонлардир».

Покиза ва маъсум бўлган инсонлар орасида ҳаёт кечириётган киши бошқалардан кўра, ўзига эҳтиётли бўлиши лозим. Шунини унутмангки, беш нафар покиза ва маъсум бўлган инсонлар билан бирга яшаб уларга тегишли бўлишингиз, сизлар учун оғир вазифа ва масъулиятни юзага келтиради. Шунинг учун Аллоҳ ва Унинг бандалари сизлардан яхши амалларни бажаришингизнинг интизоридадирлар.

Мазкур саволға тўртинчи жавобимиз шундан иборатки, агар Аҳзоб сурасидаги 33-оятнинг ушбу қисми:

﴿إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ أَهْلَ الْبَيْتِ وَيُطَهِّرَكُمْ تَطْهِيرًا﴾

Пайгамбаримиз аёллари ҳақидаги оятлар билан биргаликда нозил бўлганини фарз қилсақ, Қуръон оятлари ғойиб ҳолдан хитоб ҳолатига, яъни мурожаат қилиш ҳолатига ёки бир хитоб қилинувчидан, яъни бир мурожаат қилинувчидан бошқа бир мухотабга, яъни мурожаат қилинувчига ўзгариши, керакли ўринларда араб тилининг балоғат фанига тегишли бўлган қоидалардан бўлиб, ушбу балоғат фанига мансуб бўлган

1. Аллома Саййид Муҳаммад Ҳусайни Таботабойй, «Ал-Мийзон фий тафсириил Қуръон», 16-жилд, 317 ва 318-бетлар, ушбу оят тафсида.

қоида Қуръонда ҳам қўлланилган, жумладан қуйидаги оятда:

﴿إِنَّهُ مِنْ كَيْدِكِنَّ إِنَّ كَيْدَكِنَّ عَظِيمٌ يُوسُفُ أَعْرَضَ عَنْ هَذَا وَاسْتَغْفِرِي لِذَنْبِكِ﴾

«Албатта, бу [амал] сиз аёлларнинг ҳийлаларингиздандир. Дарҳақиқат, сизларнинг ҳийлангиз буюкдир. Юсуф сен бу [амал]дан юз ўгиргин ва сен эса [эй Зулайҳо] қилган гуноҳинг учун [Аллоҳдан] мағфират сўрагин» (Юсуф сурасининг 28 ва 29-оятлари).

Юқоридаги ояти каримада келган ушбу жумла:

﴿يُوسُفُ أَعْرَضَ عَنْ هَذَا﴾

Зулайҳога қарата айтилган икки жумланинг ўртасида келтирилган. Яъни: Зулайҳога қаратиб айтилган икки жумланинг ўртасида Юсуф пайғамбарга тааллуқли бўлган жумла баён қилинган. Қуръон оятлари орасида мана шундай балоғат фанидаги қоида муносиб бўлган ўринларда ишлатилган.

Биз сўз юритаётган Татҳир оятида ҳам балоғат фанидаги ушбу қоида қўлланган. Зероки, ушбу Аҳзоб сурасининг 33-оятда аввалам бор, Пайғамбаримиз аёлларининг вазифаси хусусида сўз юритилиб, ундан сўнг Пайғамбаримиз Аҳли-Байтлари барча нопоклик ва гуноҳдан покиза ва маъсум инсонлар эканликлари баён қилинган ва кейинги 34-оят карима яна ул ҳазратнинг аёллари вазифасини баён этиш хусусида давом эттирилган.

Шунга биноан, Пайғамбаримиз аёлларининг вазифаларини баён этаётган оятлар орасида ул ҳазратнинг Аҳли-Байтлари бўлмиш ҳазрати Али, ҳазрати Фотима, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн (алайҳимус салом)лар барча нопоклик ва гуноҳлардан бутунлай покиза ва маъсум эканликлари баён қилинган ва ушбу мавзу Пайғамбаримизнинг аёлларига ҳеч қандай алоқаси бўлмайд туриб, юқорида зикр қилинган араб тилининг балоғат фанига оид бўлган қоида асосида сўз юритилган.

Шундай экан, Аҳзоб сурасидаги 33-оятнинг

﴿إِنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيُذْهِبَ عَنْكُمُ الرِّجْسَ أَهْلَ الْبَيْتِ وَيُطَهِّرَكُمْ تَطْهِيرًا﴾

ушбу қисмидан ошқора маълум бўладики, пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг ул ҳазратнинг Аҳли-Байтлари бутун нопоклик ва гуноҳдан пок-маъсум бўлишгани сабабли, барча мусулмонларга, қолаверса бутун инсонларга Қиёмат кунигача раҳнамо, валий ва йўлбошчи бўлишга лойиқ ва сазовор эканликлари муқаррар. Зероки, пайғамбаримиз Муҳаммад

Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) дан кейин Ислом оламида бу улуғ зотлардан бошқа ҳеч ким мана шундай юксак даражага, яъни маъсумлик даражасига эриша олмаган.

Аллоҳ таоло Ўзининг ҳикматли каломи бўлмиш Куръони Каримда барчадан устун, юксак ва афзал бўлган мана шундай инсонларга эргашишни ушбу ояти карима ва шунга ўхшаш оятларда амр қилган.

Ўнинчи пешвоимиз Имом Али ибн Муҳаммад Ан-Нақий Ал-Ҳодий (алайҳимас салом) томонларидан содир бўлган Ғадийр зиёратномасининг давомида шундай дейилади:

قَالَ اللَّهُ عَزَّوَجَلَّ: ﴿إِنَّ الْإِنْسَانَ خُلِقَ هَلُوعًا، إِذَا مَسَّهُ الشَّرُّ جَزُوعًا، وَإِذَا مَسَّهُ الْخَيْرُ مَنُوعًا إِلَّا الْمُصَلِّينَ﴾ فَاسْتَنْقَى اللَّهُ تَعَالَى نَبِيَّهُ الْمُصْطَفَى، وَأَنْتَ يَا سَيِّدَ الْأَوْصِيَاءِ، مِنْ جَمِيعِ الْخَلْقِ، فَمَا أَعَمَّهُ مِنْ ظَلَمِكَ عَنِ الْحَقِّ ثُمَّ أَفْرُضُوكَ سَهَمَ ذَوِي الْقُرْبَىٰ مَكْرًا، وَأَحَادُوهُ عَنْ أَهْلِهِ جَوْرًا.

«Буюк ва Иззатли бўлган Аллоҳ таоло буюради: «Дарҳақиқат, инсон бетоқат қилиб яратилган. Қачон унга ёмонлик етиб қолса, у ўта бесабрлик қилгувчидир. Қачон унга яхшилик етса, у ўта ман қилувчи-бахилдир. Магар намоз ўқувчи кишилар, [улар бундай салбий сифатлардан йироқдирлар]». (Маориж сураси, 19-оятдан 22-оятларгача)

Демак, Аллоҳ таоло танлаган Пайгамбарини ва сизни – эй васийлар сарвари [ҳазрати Али,] барча одамлар орасидан мустасно қилди. Ҳақ-ҳуқуқингизни тортиб олиб, сизга зулм қилган кимсалар нақадар кўрлар! Сўнгра макру ҳийла юзасидан байтулмолдаги Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) нинг яқин қариндошларининг [хонадонлари аҳлининг] улушини сизга фарз қилдилар ва зулму-зўравонлик юзасидан Фадак богини ўз эгаларидан маҳрум этдилар».

## Изоҳ:

Охир - оқибат, пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўз қизлари, нури дийдалари ҳазрати Фотимаи Заҳро (саломуллоҳи алайҳа) га бахшида этган Фадак богини зулму-зўравонлик билан тортиб олишди ва халифалик мансабига лойиқ бўлмаган ҳолда уни даъво қилган кимсалар Фадак боғи ўз эгаларининг қўлига тушишига тўсқинлик қилишди.

فَلَمَّا آَلَ الْأَمْرَ إِلَيْكَ أَجْرَيْتَهُمْ عَلَىٰ مَا أَجْرِيَا، رَغْبَةً عَنْهُمَا بِمَا عِنْدَ اللَّهِ لَكَ، فَأَشْبَهْتَ مِحْنَتَكَ بِهِمَا مِحْنَ الْأَنْبِيَاءِ عَلَيْهِمُ السَّلَامُ عِنْدَ الْوَحْدَةِ وَعَدَمِ الْأَنْصَارِ

«Демак, хилофат ва пешволик мансаби сизга қайтиб келганида, сиздан олдинги икки халифа қилган ишни қилдингиз. Сиз Аллоҳнинг ҳузурида бўлган нарса яъни: ажру мукофот ва Унинг ризосига рағбат ва иштиёқингиз бўлгани учун у икки нарсдан [Фадак ва Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) хонадонларига оид бўлган улушдан] кўз юмдингиз.

Ва сизнинг синов ва машаққатингиз, пайгамбарларнинг ёлғиз ва ёру мадакдорсиз бўлган вақтларидаги оғир бало, қийинчилик ва синовларига ўхшайди».

وَأَشْبَهَتْ فِي النَّبَيَاتِ عَلَى الْفِرَاشِ، الدَّبِيحَ عَلَيْهِ السَّلَامُ، إِذْ أَجَبَتْ كَمَا أَجَابَ، وَأَطَعَتْ كَمَا أَطَاعَ إِسْمَاعِيلُ صَابِرًا مُحْتَسِبًا، إِذْ قَالَ لَهُ: ﴿يَا بُنَيَّ إِنِّي أَرَى فِي الْمَنَامِ أَنِّي أَذْبَحُكَ فَانظُرْ مَاذَا تَرَى قَالَ يَا أَبَتِ افْعَلْ مَا تُؤْمَرُ سَتَجِدُنِي إِن شَاءَ اللَّهُ مِنَ الصَّابِرِينَ﴾

«Лайлатул мабийт кечаси Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг жойларида тунаш борасидаги синовингиз Аллоҳ наздида Исмоил Забиҳ пайгамбар (алайҳис салом)нинг синов ва имтиҳонига ўхшаши эди. Исмоил (алайҳис салом) оталари Иброҳим (алайҳис салом)нинг Аллоҳ йўлида қурбонлик қилиш борасидаги бўйруқларини ижобат қилганидек, сиз ҳам [Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг жойларида тунаш лозим эканлиги хусусидаги фармонни] ижобат қилдингиз.

Ҳазрати Исмоил (алайҳис салом) сабр қилиб, ажру мукофотни Аллоҳга ҳавола қилган ҳолда оталари ҳазрати Иброҳим (алайҳис салом)га итоат қилганидек, сиз ҳам Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га итоат қилдингиз. Ҳазрати Иброҳим (алайҳис салом) ўғли Исмоил (алайҳис салом)га деган вақтда:

«Эй ўғилчам, мен тушимда сени [Аллоҳ йўлида қурбонлик қилиш учун] сўяётганимни кўрмоқдаман. Энди сен ўзинг нима фикру мулоҳаза қилишингни бир ўйлаб кўргин? Исмоил деди: Эй отаюм, сизга буюрилган ишни бажаринг. Иншо Аллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топгайсиз». (Соффот сураси, 102-оят)

---

## ЛАЙЛАТУЛ МАБИЙТ КЕЧАСИДАГИ ФИДОКОРЛИК ҲАҚИДА

---

وَكَذَلِكَ أَنْتَ لَمَّا أَبَاتَكَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ، وَأَمَرَكَ أَنْ تَضَجَّعَ فِي مَرْقَدِهِ، وَاقْبَا لَهُ  
بِنَفْسِكَ، أَسْرَعْتَ إِلَىٰ إِبَابَتِهِ مُطِيعًا، وَلِنَفْسِكَ عَلَى الْقَتْلِ مُوْطِنًا، فَشَكَرَ اللَّهُ تَعَالَى طَاعَتَكَ،  
وَأَبَانَ عَنْ جَمِيلِ فِعْلِكَ بِقَوْلِهِ جَلَّ ذِكْرُهُ: ﴿وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَشْرِي نَفْسَهُ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ﴾

*«Ва шунингдек, Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) жонларини сақлаб қолиш ва муҳофазат этиш учун ўз жойларида ётишни сизга буюрганларида, у зотга бўйсуниб ўз жонингизни фидо қилиб, шаҳид бўлишга муҳайё бўлган ҳолда зудлик билан ул ҳазратнинг амрини ижобат этдингиз. Шу боис, Аллоҳ таоло сизнинг итоатингизни мақтади ва қилган эзгу амалингизни ушбу ояти карима билан ошкор этди:*

*«Одамлар орасида Аллоҳ ризолигини талаб қилиб, ўз жонини сотадиган [Аллоҳ йўлида жонини фидо қиладиган] кишилар бор». (Бақара сураси, 207-оят)*

### **Изоҳ:**

Аҳли суннатнинг машҳур муфассири бўлган Саълабий ўзининг тафсирида ушбу ояти карима борасида шундай дейди:

Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) Маккадан Мадинаи мунавварага ҳижрат қилмоқчи бўлганларида, қарзларини адо этиш ва зиммаларида бўлган омонатни ўз эгаларига етказиш учун ҳазрати Али (алайҳис салом)ни ўзларининг ўринларига тайинлаб, коронги кечада Аллоҳнинг ёрдами билан ул ҳазратни ўлдириш мақсадида ҳужум қилиш учун уйларининг атрофини қуршаб олган мушрик-кофирларнинг ёнларидан ўтиб, «Савр» ғори томон йўл олдилар.

Шунда Сарвари олам Али *(алайҳис салом)*га ўз ўринларида ётиб, ул зотнинг яшил рангли матоларини устига олишни буюрдилар. Шу лаҳзада Аллоҳ таоло ҳазрати Жаброил ва ҳазрати Микоил *(алайҳимас салом)*га ваҳий йўллаб, шундай буюрди:

Қайси бирингиз ўз жонингизни фидо қилиб, иккинчингизнинг ҳаётини ўзининг ҳаётдан устун қўя олади деб мен сиз иккалангизнинг ўртангизда биродарлик аҳд-паймонини туздим ва бирингизнинг умрингизни иккинчингиздан узоқроқ қилдим.

Уларнинг ҳеч бири бу ишга қўл урмади. Шунда уларга ваҳий қилиб, энди эса Али *(алайҳис салом)* Менинг Пайғамбарим жойида ётиб, ўз жонини унга фидо қилишга тайёр турган ерга бориб унинг ҳимоячиси ва муҳофаза этгувчиси бўлингиз, деб буюрди.

Ҳазрати Жаброил *(алайҳис салом)* Али *(алайҳис салом)*нинг бошлари устида ва ҳазрати Микоил *(алайҳис салом)* эса оёқлари учида турганларида, ҳазрати Жаброил *(алайҳис салом)* шундай нидо қиларди:

بَخِّ بِخٍ مَنْ مِثْلِكَ يَا بَنِي أَبِي طَالِبٍ؟ يُبَاهِي اللَّهُ بِكَ الْمَلَائِكَةَ.

«Муборак бўлсин! Муборак бўлсин! Эй Абу Толиб ўгли, ким сиздек [иймонли ва фидокор банда] бўла оларкан. Аллоҳ сиз туфайли малоикаларга фахрланур».

Шу вақт куйидаги ояти карима нозил бўлди:

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَنْ يَشْرِي نَفْسَهُ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ رَءُوفٌ بِالْعِبَادِ﴾

«Одамлар орасида Аллоҳ ризолигини талаб қилиб, ўз жонини сотадиган [Аллоҳ йўлида жонини фидо қиладиган] кишилар бор. Ва Аллоҳ бандаларига Меҳрибондир». (Бақара сураси, 207-оят)

Шу боис, ўша кеча «Лайлатул мабийт», яъни Пайғамбаримиз жойларида тунаш кечаси деб номланди.

Мазкур ояти карима ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг энг юксак фазилатларидан бири бўлиб, ушбу фазилат кўпгина исломий китобларда келтирилган. Ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг бу фазилатлари шу даражада танилган эдики, Пайғамбаримиз Аҳли-Байтларининг ашаддий душмани бўлган Муовия ушбу фазилатга ҳасад қилгани боис, Самарат ибн Жундабни 400 минг дирҳам билан сотиб олиб, ушбу фазилат Абдураҳмон ибн Мулжамга, яъни ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг қотилларига тааллуқли экани борасида Пайғамбаримиз номларидан ҳадис тўкиб чиқаришни ундан истади.



У мунофиқ эса ўзининг дунёвий манфаати учун ҳадис тўқиб чиқарди ҳам, лекин бу тўқима ҳадисни ҳатто бир киши ҳам қабул этмади.

Диккатга сазовор бўлган нарса шундаки, ушбу ояти каримада сотувчи «инсон», харидор «Аллоҳ» ва сотиладиган нарса «жон» бўлиб, ушбу савдонинг баҳоси эса фақатгина Аллоҳнинг ризолигидир холос. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, биз сўз юритаётган ояти карима Аллоҳ билан иймонли инсонлар орасидаги тижорат-савдо хусусида сўз юритган бошқа оятларга нисбатан кўп фарқларга эгадир. Масалан; қуйидаги ояти каримага назар солсак:

﴿إِنَّ اللَّهَ اشْتَرَى مِنَ الْمُؤْمِنِينَ أَنْفُسَهُمْ وَأَمْوَالَهُمْ بِأَنَّ لَهُمُ الْجَنَّةَ يُقَاتِلُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَيَقْتُلُونَ وَيُقْتَلُونَ...﴾

«Дарҳақиқат, Аллоҳ мўъминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарида сотиб олди. Улар Аллоҳ йўлида жанг қилишиб, [кофирларни] ўлдирадилар ва [ўзлари ҳам Аллоҳ йўлида шахид бўлиб] ўлдириладилар...» (Тавба сураси, 111-оят)

Юқоридаги ояти каримада Аллоҳ билан иймонли инсонлар орасидаги савдонинг натижаси жаннатга эришиш ва жаҳаннам азобидан нажот топишдир. Бироқ, қуйидаги ояти каримада эса:

﴿وَمِنَ النَّاسِ مَن يَشْرِي نَفْسَهُ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ وَاللَّهُ رَؤُوفٌ بِالْعِبَادِ﴾

«Одамлар орасида Аллоҳ ризолигини талаб қилиб, ўз жонини сотадиган [Аллоҳ йўлида жонини фидо қиладиган] кишилар ҳам бор. Аллоҳ бандаларига Меҳрибондир». (Бақара сураси, 207-оят)

Мўминлар амири ва тақводорлар сардори ҳазрати Али (алайҳис салом) ўз жонини Аллоҳга фидо қилиши баробарида жаннатни назарга олмай ва жаҳаннам азобидан қутилишни кўзламай, балки бутун илтифоти Аллоҳнинг ризолигини талаб қилиш бўлган, холос.

Агарчи Аллоҳнинг жаннатига дохил бўлиб ундаги неъматлардан баҳраманд бўлиш ва жаҳаннам азобидан нажот топиш юқори аҳамиятга эга бўлса-да, лекин ушбу ояти каримада зикр қилинган олий даражали иймонли инсонлар бу икки нарсани назарга олмаганлар. Ва бу Аллоҳ таоло билан иймонли инсон қила олиши мумкин бўлган энг олий ва юксак савдо – муомаладир. Зероки, бу тоифадаги иймонли инсонлар бор-йўқларини, ҳатто ўз жонларини ҳам фақатгина Аллоҳнинг ризолигини истаб фидо қилурлар.

Шунинг учун бўлса керакки, ушбу ояти карима «مِنْ تَبَعِيَّةٍ» калимаси билан бошланган бўлиб, айрим иймонли инсонларгина бундай улкан ва фавқулодда ишга қодирдирлар. Ҳолбуки, юқорида зикр қилинган ояти каримада эса инсон жони беҳиштга эришиш ва дўзах азобидан нажот топиш баробарида фидо қилинган бўлиб, бу ҳолат умумий хусусиятга эгадир ва шунинг учун ﴿إِشْتَرَىٰ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ﴾ мўъминларга қарата келтирилган.<sup>1</sup>

- 
1. Ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг ушбу фазилатларини ривоят қилган Аҳли суннат уламолари қуйидагилардан иборат:
- Фахриддин Ар-Розий, «*Ат-тафсирул Кабийр ав Мафаатийҳул ғайб*», 5-жилд, 204-бет, мазкур оятнинг тафсирида.
  - Ганжий Шофейй, «*Кифааятут-толиб*», 62-боб, 239-бет.
  - Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «*Янобийъул Маваддаҳ*», 21-боб, 105-бет.
  - Шабланжий, «*Нурул абсор*», 86-бет.
  - Абу Ҳомид Ғаззолий, «*Иҳёул улум*», 3-жилд, 238-бет.
  - Ибн Саббоғ Моликий, «*Ал-фусулул муҳиммаҳ*», 47-бет.
  - Сибт ибн Жавзий Ҳанафий, «*Тазкиратул хавос*», 21-бет.
  - Аҳмад ибн Ҳанбал, «*Муснаду Аҳмад ибн Ҳанбал*», 1-жилд, 348-бет.
  - Ибн Жарийр Ат-Табарий, «*Тарихут-табарий*», 2-жилд, 99-бетдан 101-бетларгача.
  - Ибн Ҳишом, «*Сирату Ибн Ҳишом ёки Ас-Сийратун-Набавийяҳ*», 2-жилд, 291-бет.

---

## СИФФИН ЖАНГИ ФИТНАСИ ҲАҚИДА

---

ثُمَّ مُحِئْتِكَ يَوْمَ صِفِّينَ، وَقَدْ رُفِعَتِ الْمِصْحَابُ حَيْلَةً وَمَكْرًا، فَأَعْرَضَ الشَّكُّ، وَعُرِفَ الْحَقُّ،  
وَأَتَّبَعَ الظَّنُّ.

«Сўнгра [сиз учун яна бир бора юзага келган] машаққат ва қийинчилик «Сиффин» жанги куни эди. Ҳолбуки, Қуръонлар макру ҳийла юзасидан [найзалар учига санчилик] юкорига кўтарилди.

Шунда [ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг айрим қўшинларининг дилида ул зотнинг Муовияга қарши бўлган урушда ҳақ эканликлари ва Муовия бу жангда ноҳақлик юзасидан барҳақ имом ва халифага қарши туғён қилганлиги хусусида] шак-шубҳа ва иккиланиш пайдо бўлди. Ҳақ бир четга суриб кўйилди ва [ҳаққа эргашиш ўрнига, ундан юз ўгириб] ботил [ноҳақ] гумонларга эргашилди».

أَشْبَهَتْ مُحِنَّةَ هَرُونَ، إِذْ أَمَرَهُ مُوسَى عَلَى قَوْمِهِ فَتَفَرَّقُوا عَنْهُ، وَهَرُونَ يُنَادِي بِهِمْ وَيَقُولُ: ﴿يَا قَوْمِ إِنَّمَا فُتِنْتُمْ بِهِ، وَإِنَّ رَبَّكُمُ الرَّحْمَنُ فَاتَّبِعُونِي وَأَطِيعُوا أَمْرِي. قَالُوا: لَنْ نَبْرَحَ عَلَيْهِ عَاكِفِينَ حَتَّى يَرْجِعَ إِلَيْنَا مُوسَى﴾

«У ерда сизнинг машаққат ва қийинчилигингиз Ҳорун пайгамбарнинг машаққатига ўхшар эди. Ўшанда ҳазрати Мусо (алайҳис салом) уни ўз қавмига бошлиқ қилиб қўйганида, бани Исроил қавми унинг атрофидан тарқалишди ва Ҳорун пайгамбар уларга хитоб қилиб:

«Эй қавмим, сизлар бу [бузоқ] билан фақат имтиҳон қилиндинглар, холос, [демак, бузоққа сизинманглар!] ва шубҳасиз, сизларнинг Парвардигорингиз Раҳмон – Борлиқ ато этувчи Аллоҳдир. Демак, менга эргашишлар ва менинг амримга итоат қилинглари, деган эди. Улар эса: то бизларга Мусо қайтгунича, унга [шу бузоққа] сизинишда бардавом бўламиз, дедилар.» (Тоҳо сураси, 90 ва 91-оятлар.)

وَكَذَلِكَ أَنْتَ لَمَّا رُفِعَتِ الْمَصَاحِفُ قُلْتَ: «يَا قَوْمِ إِنَّمَا فُتِنْتُمْ بِهَا وَخُدِعْتُمْ» فَعَصَوْكَ وَخَالَفُوا عَلَيْكَ، وَاسْتَدْعَوْا نَصَبَ الْحَكَمَيْنِ، فَأَبَيْتَ عَلَيْهِمَ، وَتَبَرَّيْتُ إِلَى اللَّهِ مِنْ فِعْلِهِمْ، وَفَوَّضْتُهُ إِلَيْهِمْ.

«Ва шунингдек, сиз ҳам [эй мўъминлар амири,] Қуръонлар [найзалар учига санчилиб] юқорига қўтарилганда:

«Эй қавмим, сизлар бу макру ҳийла билан фақат синалдингиз ва сизлар алдандингиз, холос», дедингиз.<sup>1</sup>

Лекин улар сизга бўйсунушмади ва сизнинг фармонингизга қарши чиқишди ва [ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг қўшинлари орасида Муовиянинг бу макру ҳийласига алданиб қолган айрим нодон кимсалар, жанг можаросини ҳал қилиш учун ҳазрати Али (алайҳис салом) ва Муовия томонидан] икки муҳокама қилувчи киши тайин этилишини талаб қилишди. Лекин сиз уларнинг талаб ва истакларидан бош торттингиз ва уларнинг қилмишидан норози ва безор эканингизни Аллоҳнинг даргоҳига билдириб, тондингиз ва бу ишни уларнинг ўзига топширдингиз».

### Изоҳ:

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) вафотларидан 25 йил ўтгач, бани Уммая зулмидан эзилган мусулмонлар Исломи дини Сарвари олам кўрсатган йўлдан оғганини кўриб, ким халифа ва пешволикка лойиқ ва ҳақли эканини ва ким бунга лойиқ эмаслигини ҳамда Пайғамбаримизнинг васиятлари бажарилмай, ул ҳазрат кўрсатган тўғри йўлдан бормаганликларини тушуниб етгач, ўша замондаги барча исломий ўлкалардан мусулмонларнинг вакиллари Мадинаи мунавварага келиб, учинчи халифа Усмон ибн Аффондан Пайғамбаримизнинг суннатларига қайтиб мусулмон ўлкаларида адолат ўрнатишини ҳамда ундан зулм ва истибдоднинг негизи бўлмиш ўзининг қабиладоши бани Уммая тоифасини, хусусан куёви Марвон ибн Ҳакамни ҳокимиятдан буткул четлаштиришини талаб қилишди. Аммо Усмон ибн Аффон мусулмонларнинг талабини амалга оширмади ва бунинг устига куёви Марвон ибн Ҳакамга бирор чора-тадбир кўриш учун ихтиёр бериб қўйди ва у эса фирибгарлик билан норозилик билдириб келган

1. Ибн Абил Ҳадид Мўътазилий Аҳли суннатнинг буюк муҳаддислари ва ровийларидан бири томонидан ёзилган; «Наҳжул Балог» шарҳининг 35-хутбасига қаранг.

мусулмонларни ўз диёрларига қайтариб юборишга ҳаракат қилди. Буни пайқаб қолган мусулмонлар орқаларига қайтиб Усмонни қирқ кун Дорул-имора, яъни давлатни бошқариш биносида қамал қилишди ва ниҳоят, Усмоннинг дам олиш жойига кириб, уни Қуръон ўқиб турган ҳолида чопиб ўлдиришди.

Шундан сўнг, ҳамма саҳобалар ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг уйларига бостириб бориб ул ҳазратдан уларга халифа, пешво ва раҳнамо бўлишларини талаб қилишди. Мўминлар амири ва тақводорлар сардори бўлган ҳазрати Али *(алайҳис салом)* аввалига уларнинг талабини қабул қилмадилар, лекин улар ўз истакларини амалга ошириш учун қаттиқ оёқ тираб олишгач, ҳазрати Али *(алайҳис салом)* адолатни инсонлар ўртасида жорий қилиш ва 25 йил мобайнида юзага келган нодуруст ва ноҳўя одобу амаллар ва бидъатларга қарши кўрашиш ва уларга барҳам бериш ҳамда Пайғамбаримизнинг суннатлари, кўрсатган йўллари қайтадан тиклаш ва шунингдек ҳақсизлик, зулму зўравонлик юзасидан мусулмонларнинг байтулмолидан фойдаланиб, ўзига канизақлар-у чўрилар сотиб олган ва ҳашаматли қасрлар қурган кимсаларнинг молу мулкларини улардан олиб ўз ўрнига, яъни мусулмонлар байтулмолига қайтариш шарти билан халифаликни қабул қилдилар.

Бу борада Ислом манбаларида Саид ибн Мусаййибдан қуйидагича ривоят қилинган:

حَدَّثَنَا إِسْمَاعِيلُ الْحَطَّابِيُّ، حَدَّثَنَا إِسْحَاقُ بْنُ إِبْرَاهِيمَ بْنِ أَبِي حَسَّانِ الْأَنْطَاطِيِّ، حَدَّثَنَا هِشَامُ بْنُ عَمَّارٍ حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَيْسَى بْنِ قَاسِمِ بْنِ سَمِيعِ الْقُرَشِيِّ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبِي ذَنْبٍ، عَنِ الزَّهْرِيِّ، عَنِ ابْنِ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ قَالَ: لَمَّا قُتِلَ عُثْمَانُ جَاءَ النَّاسُ كُلَّهُمْ إِلَى عَلِيٍّ يُهْرَعُونَ، أَصْحَابُ مُحَمَّدٍ ﷺ وَعَبِيدُهُمْ، كُلُّهُمْ يَقُولُ: «أَمِيرُ الْمُؤْمِنِينَ عَلِيٌّ»، حَتَّى دَخَلُوا عَلَيْهِ دَارَهُ، فَقَالُوا: نُبَايِعُكَ فَمَدَّ يَدَكَ، فَأَنْتَ أَحَقُّ بِهَا. فَقَالَ عَلِيٌّ: «لَيْسَ ذَلِكَ إِلَيْنَا، وَإِنَّمَا ذَلِكَ إِلَى أَهْلِ بَدْرٍ، فَمَنْ رَضِيَ بِهِ أَهْلُ بَدْرٍ فَهُوَ خَلِيفَةٌ». فَلَمْ يَبْقَ أَحَدٌ إِلَّا أَتَى عَلِيًّا، فَقَالُوا: مَا تَرَى أَحَدًا أَحَقُّ بِهَا مِنْكَ، فَمَدَّ يَدَكَ نُبَايِعُكَ. فَقَالَ: أَيْنَ طَلْحَةَ وَالزُّبَيْرُ؟ فَكَانَ أَوَّلَ مَنْ بَايَعَهُ طَلْحَةُ بِلِسَانِهِ، وَسَعَدُ بِيَدِهِ، فَلَمَّا رَأَى عَلِيٌّ ذَلِكَ خَرَجَ إِلَى الْمَسْجِدِ، فَصَعِدَ الْمِنْبَرَ، فَكَانَ أَوَّلَ مَنْ صَعِدَ إِلَيْهِ، فَبَايَعَهُ طَلْحَةَ، وَتَابَعَهُ الزُّبَيْرُ، وَأَصْحَابُ النَّبِيِّ ﷺ أَجْمَعِينَ.

«Усмон ўлдирилгач, бутун халойиқ ҳамда Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг саҳобалари ва бошқалар ҳазрати Али томонига шошиб-пишиб келишди. Уларнинг ҳаммаси: «Мўминлар амири Алидир», деб айтишарди. Токи, улар ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг уйига кириб бориб, ул ҳазратга: «Кўлингизни узатинг, то сизга байъат қилайлик. Зероки, сиз халифаликка ҳаммадан кўра ҳақлироқсиз», дейишди. Ҳазрати Али (алайҳис салом) уларга дедилар: «Халифа тайин этиш сизларнинг ишингиз эмас, бу иш фақат Бадр аҳлига [Бадр жангида иштирок этган саҳобаларга] хос бўлган ишдир, холос. Бадр аҳли кимга розилик берса, ўша шахс халифадир.» Ҳеч ким қолмади, илло ҳазрати Алининг ёнига келиб: «Ҳеч кимни сиздан кўра халифаликка лойиқроқ ва ҳақлироқ кўрмаймиз! Демак, кўлингизни узатинг, то сизга байъат қилайлик», дейишди. Шунда ул ҳазрат: «Талҳа ва Зубайр қаерда?», дедилар. Ул ҳазратга тили билан байъат-қасамёд қилган илк шахс Талҳа ва қўли билан байъат қилган илк шахс эса Саъд ибн Абил Ваққос эди. Ҳазрати Али (алайҳис салом) бу ҳолатни кўргач, Масжид томон йўл олиб минбарга чиқдилар. Ҳазрати Али [Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг] минбарга чиққан илк шахс эдилар. Талҳа ҳазрати Алига байъат қилди ва Зубайр ҳам унга эргшиб байъат қилди ва Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) нинг ҳамма саҳобалари ҳазрати Али (алайҳис салом) га байъат қилишди»<sup>1</sup>

Ушбу ўринда мўминлар амири Али (алайҳис салом)га қилинган байъат борасида бир савол тўғилади. Нима учун ул ҳазрат бутун саҳобалар ва тобеинлар тарафидан таклиф этилган байъат-қасамёдни зудлик билан қабул қилмай, балки бир оз оёқ сақлаб муайян талаб-шартлар билан халифаликни қабул қилдилар? Ахир, умматга халифалик ва раҳнамолик қилиш ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг инкор этиб бўлмас қатъий ҳақ-ҳуқуқлари эмасмиди?

Бу борада Зобеҳий ҳазрати Али (алайҳис салом)дан қуйидаги ҳадисни ривоят қилади:

1. Ушбу воқеанинг манбаи Аҳли суннат наздида:

- Ибн Ҳажар Ҳайтамий, «Ас-Савоиқул муҳриқаҳ», 9-боб, 118-бет.
- Ибн Асийр, Жазарий, «Усудул гобаҳ фий маърифатис-саҳобаҳ», дору ихёит-туросил арабий нашрида: 4-жилд, 31 ва 32-бетлар, ҳамда дорул фикр нашрида эса: 3-жилд, 609-бет.

أَبَانَا عَبْدَ اللَّهِ بْنِ أَحْمَدَ بْنِ عَبْدِ الْقَاهِرِ، أَبَانَا أَبُو غَالِبٍ مُحَمَّدَ بْنَ الْحَسَنِ الْبَاقِلَانِيَّ، إِجَازَةً  
 أَبَانَا أَبُو عَلِيٍّ بْنِ شَادَانَ، أَبَانَا عَبْدَ الْبَاقِيِّ بْنِ قَانِعٍ، حَدَّثَنَا مُحَمَّدُ بْنُ زَكَرِيَّا الْغَلَابِيُّ، حَدَّثَنَا  
 الْعَبَّاسُ بْنُ بَكَّارٍ، عَنْ شَرِيكَ، عَنْ سَلْمَةَ، عَنِ الضَّاحِيِّ، عَنِ عَلِيِّ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ:  
 «أَنْتَ بِمَنْزِلَةِ الْكَعْبَةِ، تُؤْتَى وَلَا تَأْتِي، فَإِنْ أَتَاكَ هَؤُلَاءِ الْقَوْمُ فَسَلِّمُوا إِلَيْكَ - يَغْنِي الْخِلَافَةَ -  
 فَاقْبَلْ مِنْهُمْ، وَإِنْ لَمْ يَأْتُوكَ فَلَا تَأْتِهِمْ حَتَّى يَأْتُوكَ»

«Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳазрати Алига қараб шундай дедилар: Сен бамисоли Катбадирсан, одамлар сенинг ёнингга келишиди ва сен уларнинг олдига бормайсан. Агар бу халойиқ сенинг ҳузурингга келиб, хилофат ва пешволикни сенга топширишса, улардан қабул қилгин ва агар улар сенинг ёнингга келмасалар, шунда улар сенинг ёнингга келмагунларича, сен уларнинг олдига бормагин».<sup>1</sup>

Худди савари олам Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) айтганларидек, мусулмонларнинг ўзлари хилофат ва пешволикни мўминлар амири Али (алайҳис салом)га топширишди ва ул ҳазрат ҳам улардан Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг суннатларини қайта тиклаш ва мусулмонлар орасида юзага келган зулм ва адолатсизликка ҳамда турли бидъатларга барҳам бериб, адолатни қайта барпо этиш шарти билан хилофат ва раҳнамоликни қабул қилдилар.

Ҳазрати Али (алайҳис салом) хилофат ва пешволикни ўз зиммаларига олгандан сўнг бир неча йиллар давомида Шом заминиди зулму зўравонлик ва ноҳақлик билан ҳукмронлик қилиб келаётган ва мусулмонлар байтуллоҳидан фойдаланиб, ўзининг манфаати учун қасрлар қуриб олган ҳамда ўзига бир дунё молу давлат тўплаган Муовияни илоҳий шариат қонунлари асосида Шом ҳукуматидан бўшатиш ҳақида ҳукм чиқардилар.

Ҳукмронлик қилиш лаззатини тотган Муовия мусулмонларнинг ҳақ халифаси ва раҳнамосининг фармонидан бош тортиб, ҳазрати Али (алайҳис салом)га қарши уруш эълон қилди. Шунда мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом) зулму зўравонлик илдизини йўқотиш учун кўшин тўплаб, Шом диёри томон йўл олдилар. Муовия ҳам ул ҳазрат билан уришиш учун Шомда кўшин тўплаб йўлга чиқди.

1. Ибн Асийр, Жазарий, «Усудул гобох фий маърифатис-саҳобаҳ», дору ихёит-туросил арабий нашрида: 4-жилд, 31-бет ҳамда дорул фикр нашрида эса: 3-жилд, 608-бет.

Икки қўшин Сиффин деган маконда бир-бири билан тўқнашди ва шунинг учун бу уруш «*Сиффин*» жанги ёки «*Қоситийн*», яъни золимларга қарши бўлган уруш деб ном олди.

Бу жангда ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг қўшинлари Муовиянинг қўшинини мағлуб қилишга оз қолганда, Муовия ушбу урушда мағлуб бўлмаслик учун ўзининг ўнг қўли бўлмиш Амр ибн Осдан бир чора кўришини сўради.

Маккорликда тенги бўлмаган Амр ибн Ос ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг қўшинлари орасида ўз имом ва раҳнамосига иймон ва маърифати суст бўлган нодон кимсалар борлигини билиб, уларга фириб бериш учун Қуръонларни найзалар учига санчиб юқорига кўтарган ҳолда ҳазрати Али (*алайҳис салом*) қўшинлари томон йўл олишни таклиф қилди. Шунда ҳазрати Али (*алайҳис салом*) қўшинлари орасидаги ўша нодон кимсалар урушишдан қўл тортиб, ўз имомларини ёлғиз қўйишди ва бунга чекланиб қолмай, мўминлар амири ҳазрати Али (*алайҳис салом*)ни Муовияга қарши уришишни давом эттирмасликка мажбур қилишди.

Бу ҳодисани кўрган ҳазрати Али (*алайҳис салом*) уларга шундай марҳамат қилдилар:

*«Эй қавмим, сизлар бу макру ҳийла билан синалдингиз, холос ва улар сизларни алдашди, уларнинг макрига ишонмангиз!».*

Лекин у нодон кишилар бу макру ҳийлага таслим бўлишди. Зероки, найзаларнинг учига Қуръонларни санчиб олган Муовиянинг қўшинига қарши урушишни Қуръонга қарши чиқиш ва Қуръон билан урушиш деб тушунишди. Ҳолбуки, ҳазрати Али (*алайҳис салом*) бу иш уларга фириб бериш учун режалаштирилган макру ҳийла эканини уқтирдилар, лекин ўша юзаки қаровчи ва калтабин кимсалар бу иш уларни алдаш учун режалаштирилган макру ҳийла эканини англаб етмадилар ва шу боис, улар ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг жанг қилиш борасидаги фармонидан бош тортишди. Бунинг устига, ушбу макру ҳийлага алданиб қолган калтабин кимсалар жанг можаросини бир ёқлик қилиш учун ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ва Муовия томонидан ҳакамлар муҳокамаси тайин этилишини талаб қилишди.

Шунда мўминлар амири ҳазрати Али (*алайҳис салом*) уларнинг истагини амалга оширишдан бош тортиб, уларнинг бу қилмишидан Аллоҳнинг даргоҳига шикоят қилдилар ва норозилик билдириб, бу ишни уларнинг ўзига топширдилар.



فَلَمَّا أَسْفَرَ الْحَقُّ، وَسَفِهَ الْمُتَنَكَّرُ، وَاعْتَرَفُوا بِالزَّلَلِ وَالْجَوْرِ عَنِ الْقَصْدِ، اخْتَلَفُوا مِنْ بَعْدِهِ،  
وَالزُّمُوكَ عَلَى سَفَهِ التَّحْكِيمِ الَّذِي أَبِيئْتَهُ وَأَحْبَبُوهُ، وَحَظَرْتَهُ وَأَبَاحُوا ذَنْبَهُمُ الَّذِي اقْتَرَفُوهُ، وَأَنْتَ  
عَلَى نَهْجِ بَصِيرَةٍ وَهَدًى، وَهُمْ عَلَى سُنَنِ ضَلَالَةٍ وَعَمَى، فَمَا زَالُوا عَلَى التَّفَاقِ مُصِرِّينَ، وَفِي الْعَمَى  
مُتَرَدِّدِينَ، حَتَّى أَذَاقَهُمُ اللَّهُ وَبَالَ أَمْرِهِمْ، فَأَمَاتَ بِسَيْفِكَ مَنْ عَانَدَكَ فَسَقِيَ وَهَوَى، وَأَخْبَى  
بِحُجَّتِكَ مَنْ سَعَدَ فَهَدَى.

«Бас, ҳақ ошкор бўлганда ва уларнинг нодуруст қилмишлари нодонлик юзасидан эканлиги аён бўлгач ва улар ўз қилган хато ва гуноҳларини ҳамда ҳақ йўлдан тойганларини эътироф этгач, [бундан сўнра] бир-бирлари билан ихтилоф қила бошлашди.

Нодонлик ва гумроҳлик асосида [уруш можаросини тўхтатиш учун] ҳакамлар муҳокамасини тайин қилишга сизни мажбур этишдики, сиз бу нодуруст ишдан бош тортдингиз, аммо улар бу ишнинг амалга ошишини истардилар. Ва сиз эса бу ишни ман этиб, унинг амалга ошишига тўсқинлик қилдингиз. Бироқ, улар ўзлари йўл қўйган гуноҳни тўғри деб билишди. Сиз маърифат, огоҳлик ва ҳидоят йўлида эдингиз, аммо улар эса гумроҳлик ва кўрлик йўлини тўтиб олишганди.

Демак, улар доим мунофиқлик йўлида оёқ тираб олардилар. Токи, Аллоҳ уларнинг қилмишларининг ёмон жазосини уларга тоттиргунга қадар, улар доим гумроҳликда ҳайрону саргардон эдилар. Аллоҳ сизнинг қиличингиз билан сизга душманлик қилганларни нобуд этди. Шунда улар бахти қаро бўлиб, ҳалокатга учрадилар ва Аллоҳ сизнинг ҳужжатингиз билан саодатли бўлишга лойиқ бўлган кишиларни ҳидоят нури билан тирилтирди ва оқибатда улар ҳидоят қилиндилар».

صَلَوَاتُ اللَّهِ عَلَيْكَ غَادِيَةً وَرَائِحَةً، وَعَاكِفَةً وَذَاهِبَةً، فَمَا يُحِيطُ الْمَادِحُ وَصَفَكَ، وَلَا يُحْبِطُ  
الظَّاعِنُ فَضْلَكَ، أَنْتَ أَحْسَنُ الْخَلْقِ عِبَادَةً، وَأَخْلَصُهُمْ زَهَادَةً، وَأَذْبَهُمْ عَنِ الدِّينِ، أَقْنَتَ حُدُودَ  
اللَّهِ بِجُهْدِكَ، وَفَلَّكَ عَسَاكِرَ الْمَارِقِينَ بِسَيْفِكَ.

«Аллоҳнинг салавот-у саломлари кечаю кундуз ўз ватанингизда яшаган кунларингизда ва йўлга тушганингизда Сизга бўлсин! Ҳеч бир мадҳ этувчи сизнинг фазилатли сифатингизни тўлиқ баён қилишга қодир эмас ва ҳеч бир айб қидирувчи сизнинг фазилатингизни йўққа чиқариб, инкор қила олмас.

*Сиз Аллоҳга бандалик ва ибодат қилишда барча халойиқдан яхшироқ ва дунёнинг молу мансабига рағбатсиз бўлишда ҳаммадан холисроқ ва динни муҳофаза қилишда ҳаммадан мустаҳкамроқ эдингиз. Сиз ўз саъй-ҳаракат ва тиришқоқлигингиз билан илоҳий ҳудудни [Аллоҳнинг қонунларини] юзага чиқариб уларни жамиятда жорий этдингиз ва диндан чиқиб кетган Хавориж лашкарларини қиличингиз билан мағлуб қилдингиз».*

---

**АЛИ (А.С) – АЛЛОҲ ЙЎЛИДА  
ЧЕКИНМАЙДИГАН ДОВЮРАК ЗОТ**

---

تُحْمَدُ لَهَبِ الْحُرُوبِ بَيِّنَاتِكَ، وَتَهْتِكُ سُتُورَ الشُّبُهَةِ بِبَيِّنَاتِكَ، وَتَكْشِفُ لَبَسَ الْبَاطِلِ عَنْ صَرِيحِ الْحَقِّ، لَا تَأْخُذُكَ فِي اللَّهِ لَوْمَةٌ لَائِمٌ، وَفِي مَدْحِ اللَّهِ تَعَالَى لَكَ غِنَى عَنْ مَدْحِ الْمَادِحِينَ، وَتَقْرِيطِ الْوَاصِفِينَ، قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: ﴿مِنَ الْمُؤْمِنِينَ رِجَالٌ صَدَقُوا مَا عَاهَدُوا اللَّهَ عَلَيْهِ فَمِنْهُمْ مَنْ قَضَى نَحْبَهُ، وَمِنْهُمْ مَنْ يَنْتَظِرُ، وَمَا بَدَّلُوا تَبْدِيلًا﴾

«Сиз [эй мўминлар амири,] жанглар оловини қудратли панжангиз билан сўндирардингиз ва ўз каломингиз билан шак-шубҳалар пардаларини парчалардингиз ва ботилнинг ниқобини ҳақнинг ойдин чеҳрасидан олиб ташлардингиз, [бу ишларни бажараётганингизда] маломатгўйнинг таъна-маломати Аллоҳ йўлидаги [ўз вазифангизни бажаришда] сизга тўсиқ бўла олмасди. Ва Аллоҳ таолонинг сиз ҳақингиздаги мадҳ ва мақтовни натижасида мадҳ қилувчиларнинг мадҳ-мақтовидан ҳамда васф этувчиларнинг васфу саносидан беҳожат бўлдингиз. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай марҳамат қилган:

«Мўъминлар орасидан Аллоҳга берган аҳду паймонларига содиқ қолган кишилар ҳам бор. Демак, улардан айримлари ўз аҳдини ниҳоясига етказди [шаҳид бўлди] ва улардан баъзилари эса, [шаҳид бўлишни] кутмоқдалар. Улар ўз аҳду паймонларини ўзгартиришмади». (Аҳзоб сураси, 23-оят)

---

## НАҲРАВОН ЖАНГИ ФИТНАСИ ВА ҲАЗРАТИ АЛИ (А.С)НИНГ МЕҲРОБДА ШАҲИД БЎЛИШЛАРИ

---

وَلَمَّا رَأَيْتَ أَنَّ قَتَلْتَ التَّاكِيْنَ، وَالْقَاسِطِيْنَ، وَالْمَارِقِيْنَ، وَصَدَقَكَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ  
وَأَلِهِ وَعَدَهُ، فَأَوْفَيْتَ بَعْدِهِ، قُلْتَ: أَمَا أَنْ أَنْ تُخْضَبَ هَذِهِ مِنْ هَذِهِ، أَمْ مَتَى يَبْعَثُ أَشْقَاهَا،  
وَإِثْقَاءَ بِأَنَّكَ عَلَى بَيْتَةٍ مِنْ رَبِّكَ، وَبَصِيرَةٍ مِنْ أَمْرِكَ، قَادِمٌ عَلَى اللَّهِ، مُسْتَبَشِرٌ بِبَيْعِكَ الَّذِي بَايَعْتَهُ  
بِهِ، وَذَلِكَ هُوَ الْفَوْزُ الْعَظِيمُ.

«Ва [Талҳа ва Зубайр каби] байъат-қасамёдини бузган кимсалар, [Муовия ва унинг тарафдорлари бўлмиш] адолатсиз золимлар ва диндан чиқиб кетган Хаворижларга қарши курашганингизни ҳамда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг сиз ҳақингизда берган ваъдаси тўғри бўлиб чиққанини кўрган вақтингизда, Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) билан тузган аҳду наймонингизга вафо қилиб, Парвардигорингиз томонидан бўлган аниқ ҳужжат билан бирга эканингизга, ўз ишингизда [ва тутган йўлингизда] маърифатга эга эканингизга ва Аллоҳнинг ҳузурига шарафёб бўлгувчи ҳамда Аллоҳ билан қилган савдонгиздан шоду хурсанд бўлгувчи эканингизга ишонган ҳолда дедингиз:

«Бу [соқолим] бошимнинг қони билан алвон бўлиш вақти етиб келмадими? Ва қачон бу умматнинг энг бахти қароси мени шаҳид қилишига юборилгай?»<sup>1</sup> «Ва мана шу буюк саодат-ютуқдир».<sup>2</sup>

### Изоҳ:

Мўминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом) кўшинлари орасида

- 
1. Аллома Мажлисий, «Биҳорул анвор», 97-жилд, 5-боб, 367-бет.
  2. Тавба сурасининг 110-оятига ишора бўлиб, ушбу ояти карима Аллоҳ йўлидаги мужоҳидлар фазилати хусусидадир.

Муовиянинг макру ҳийласига алданиб қолган кимсалар уруш можароси икки томондан тайин этилган ҳакамлар муҳокамаси билан тўхтатилишини талаб қилганларидан сўнг ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг қўшинлари тарқалиб, уруш тўхтатилди.

Ҳолбуки, ушбу урушда Муовиянинг қўшинлари мағлуб бўлаётган ҳолда эди. Лекин нодон ва калтабин кимсалар зулму зўравонликнинг илдизи бўлмиш Муовиянинг бутунлай енгилиб йўқ бўлишига тўсқинлик қилиб, уруш тақдирини ҳакамлар муҳокамасига топширишди.

Уруш можаросини ҳал қилиш учун Муовия томонидан тайин этилган маккор киши бўлмиш Амр ибн Ос, ҳазрати Али (*алайҳис салом*) қўшинлари орасида калтабин ва нодон кимсалар томонидан тайин этилган Абу Мусо Ашъарийга фириб бериб уни алдайди. Зероки, ушбу икки ҳакамнинг эришган асосиз келишуви ва қарорига биноан, улар ҳазрати Али (*алайҳис салом*)ни ҳам, Муовияни ҳам мусулмонларга раҳнамолик қилишдан четлатиб, бошқа кишини ушбу лавозимга таклиф этишлари керак эди. Бироқ Абу Мусо Ашъарий биринчи бўлиб минбарга чиқади-да, ҳазрати Али (*алайҳис салом*) билан Муовияни раҳбарлик лавозимидан бўшатади, аммо навбат Амр ибн Оса келганда эса у минбарга чиқиб, эришилган келишув ва тўхтамга зид равишда ҳазрати Али (*алайҳис салом*)ни раҳбарлик лавозимидан бўшатади-да, лекин Муовияни ушбу лавозимда қолдиради. Амр ибн Оснинг макру ҳийласи натижасида Абу Мусо Ашъарийнинг алданиб қолгани ҳаммага маълум бўлгач, шунда ўша нодон кимсалар ушбу жангда Муовиянинг макру ҳийласига алданиб қолганликларини ва жанг можаросини икки ҳакамнинг муҳокамасига топширганликлари нотўғри иш эканлигини тушуниб етишди.

Сўнгра ўша нодон ва калтабин кимсалар ҳазрати Али (*алайҳис салом*)га: «*Нима учун сиз ҳакамлар муҳокамасини қабул қилдингиз, бу иш буюк гуноҳдир, бу буюк гуноҳга йўл қўйганимиз учун сиз ҳам, биз ҳам диндан чиқиб кофир бўлдик ва шунинг учун тавба қилишимиз керак*», дея ул зотни койиб айблашди.

Шунда мўминлар амири ва тақводорлар сардори ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ушбу нодон кимсаларнинг бу эътиқоди нотўғри эканлиги борасида уларни огоҳлантириб, шундай дедилар:

«*Мен сизларни Муовиянинг бу иши [яъни Қуръонларни найзалар учига илиб юқорига кўтарган ҳолда урушга чиқишлари] макру ҳийладир ва сизлар*

*бу ҳийла билан синалдингиз, холос. Урушни давом эттиринглар, мабодо ушбу макру ҳийлага алданиб қолмангиз деб, огоҳлантирган эдим. Лекин сизлар сўзимга қулоқ бермай, менинг фармонимдан бош тортингиз».*

Шундан сўнг, ўша жаҳолат ботқоғига ботган калтабин кимсалар ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг қўшинлари орасидан ажралиб чиқишди ва улар «Хавориж», яъни диндан чиққан кишилар деб ном олиб, жинойтчи гуруҳга айланишди ва улар ҳазрати Али *(алайҳис салом)*ни дўст тутиб, ул ҳазратга эргашган инсонларни ноҳақларча қатл эта бошлашди. Уларнинг жинойтчилиги ҳатто шу даражага бориб етдики, ҳазрати Али *(алайҳис салом)*ни дўст тутган бир инсонни гуноҳсиз ўлдириб, унинг ҳомиладор аёлининг қорини ёриб ва ичидан боласини чиқариб, найза учига илиб юқорига кўтариб қўйишди. Мўминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)*ни севиб ҳамда у ҳазратга эргашган кўпгина бегуноҳ инсонларни мана шундай фожеали тарзда ноҳақларча қатл этишарди.

Ҳазрати Али *(алайҳис салом)* эса уларга ҳақ йўлдан тойганликларини ва тўғри йўлда эмасликларини билдириш мақсадида улар томон ўз вакилларини йўллаганларида, ушбу жоҳил кимсалар уларнинг қонини ноҳақларча тўкишарди. Шунда ҳазрати Али *(алайҳис салом)* бу жинойтчи ва нодон кимсалар учун ҳеч қандай узру баҳона қолдирмай, ҳужжатни ниҳоясига етказганларидан сўнг қолган қўшинлари билан бу Хавориж гуруҳини тор-мор қилиш учун улар томон йўл олдилар.

Ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг қўшинлари ўша нодон кимсалардан ташкил топган Хавориж тоифаси билан Наҳравон номли маконда тўқнашадилар ва шунинг учун бу уруш «*Наҳравон жанги*» деб номланган. Тарихий манбаларда келган маълумотларга кўра, Хавориж қўшинининг сони тўрт минг нафардан ташкил топган эди.

Ушбу жангда мўминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ўша ҳақ йўлдан тойган жинойтчи Хавориж аскарларининг ҳаммасини тор-мор қиладилар ҳамда ул ҳазрат ушбу уруш борасида шундай марҳамат қиладилар:

*«Мен бу жангда фитна-бузгинчилик кўзини косасидан сугуриб чиқардим».*

Оқибат, Наҳравон жангида қатнашиб, ўша жангдан қочиб қутулган ва айни пайтда Хавориж гуруҳидан бўлган Абдуррахмон ибн Мулжам муборак Рамазон ойининг ўн тўққизинчи куни ҳазрати Али *(алайҳис салом)* эрталабки бомдод намозини Кўфа масжидида жамоат билан ўқиётганларида, биринчи саждадан бош кўтариб иккинчи саждага

бормоқчи бўлганларида орқаларидан келиб муборак бошларининг ўртасига заҳарланган қилич билан бир зарба уради. Шунда у ҳазрат иккинчи саждага бора олмайдилар ва шунинг билан масжиднинг меҳробида бўлганларида муборак бошларидан тўкилган қизил қон билан соқоллари алвон бўлади ва уч кундан сўнг ўша заҳарли қилич билан урилган зарбанинг таъсирида шаҳид бўладилар.

Пайгамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг мана шундай йўсинда шаҳид бўлишлари борасида у зотни олдиндан қуйидагича хабардор қилган эдилар:

عَنْ عَثْمَانَ بْنِ صُهَيْبٍ، عَنْ أَبِيهِ، قَالَ: قَالَ عَلِيٌّ ﷺ قَالَ لِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ مَنْ أَشَقَى الْأَوَّلِينَ؟ قُلْتُ: عَاقِرُ النَّاقَةِ قَالَ صَدَقْتَ، فَمَنْ أَشَقَى الْآخِرِينَ؟ قُلْتُ: لَا عِلْمَ لِي يَا رَسُولَ اللَّهِ ﷺ، قَالَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ (وَأَلِيهِ) وَسَلَّمَ: الَّذِي يَضْرِبُكَ عَلَى هَذِهِ - وَأَشَارَ بِيَدِهِ إِلَى يَافُوخِهِ - وَكَانَ عَلِيٌّ ﷺ يَقُولُ: وَدَدْتُ أَنَّهُ قَدْ إِنْبَعَثَ أَشْقَاكُمْ فَخَضِبَ هَذِهِ مِنْ هَذِهِ يَغْنِي لِحْيَتَهُ مِنْ دَمِ رَأْسِهِ.

«Усмон ибн Суҳайб ўз отасидан шундай ривоят қилган: Ҳазрати Али (алайҳис салом) дедилар: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) менга: «Илгаригиларнинг энг бахти қароси ким? дедилар. Мен дедим: [Солиҳ Пайгамбар (алайҳис салом)нинг] туясини сўйган кимса. Пайгамбар (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам): Рост айтдинг, дедилар. Сўнгра сўнгиларнинг энг бахти қароси ким? деб сўрадилар. Мен дедим: Эй Расулulloҳ, бу менга маълум эмас. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) шундай дедилар: Сенинг бошингнинг ўртасига [фарқига] урадиган кимса сўнгиларнинг энг бахти қаросидир деб, ўзларининг муборак бошларининг фарқига ишора қилдилар».

Ва [шундан сўнг] ҳазрати Али (алайҳис салом) доим шундай дердилар: «Сизларнинг энг бахти қаройингиз юборилишини ва оқибат, соқолимни бошимнинг қони билан алвон қилишини истар эдим».<sup>1</sup>

1. Аҳли суннат олимлари мазкур ҳадисни ўзларининг қуйидаги китобларида келтирганлар:

- Ибн Асоқир, «Тариху мадинати Дамашқ», 3-жилд, 282-бет, 1371-ҳадис.
- Ибн Касир, «Ал-Бидоятун ван-Ниҳояҳ», фазоилу Алийийн, 7-жилд, 324-бет.
- Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 9-жилд, 136-бет.
- Шайх Сулаймон Кундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 59-боб, 339-216-бетлар.
- Ал-Муттақил Ҳиндий, «Канзул уммол», 13-жилд, 190-бет.
- Ганжий Шофей, «Кифааятут-толиб», 9-боб, 463-бет.

Яъни; ул ҳазрат доим шаҳид бўлиш замонининг интизориди эдилар ва айрим иймонли кишилар мана шундай юксак даражага эга эканликлари ва Аллоҳга берган аҳду паймонларига содиқ бўлиб, Аллоҳ йўлида шаҳид бўлишни кутиб турганликлари хусусидаги ояти карима олдинги бетларда зикр қилинди.

Ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг ўзлари ушбу уч тоифа, яъни: Нокийин [байъат-қасамёдини бузган кимсалар – Басра ва Кўфа шаҳрига ҳоким бўлиш ниятида бўлган Талха ва Зубайр ва уларнинг издошлари], Қоситийн [адолатсиз, золимлар: Муовия ва унинг тарафдорлари] ва Морикийн [диндан чиқиб кетган Хавориж гуруҳи] билан уришиш борасида шундай марҳамат қилганлар:

عَنْ عَلِيٍّ عَلَيْهِ السَّلَامُ قَالَ: أَمَرَنِي رَسُولُ اللَّهِ ﷺ بِقِتَالِ النَّكِيثِينَ وَالْمَارِقِينَ وَالْقَاسِطِينَ.

«Ҳазрати Али (алайҳис салом) дедилар: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) байъат-қасамёдни бузган ва диндан чиқиб кетган [Хавориж гуруҳи] ҳамда адолатсиз, золим кимсаларга қарши уришишни менга амр қилдилар».

Сарвари коинот ҳазрати Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўз Аҳли-Байтлари бўлмиш ҳазрати Али, ҳазрати Фотима, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн (алайҳимус салом)ларга қарши уришиш ёки улар билан сулҳ-тинчликда бўлиш борасида шундай буюрадилар:

عَنْ زَيْدِ بْنِ أَرْقَمٍ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: لِعَلِيٍّ وَفَاطِمَةَ وَالْحَسَنَ وَالْحُسَيْنَ: أَنَا حَرْبٌ لِمَنْ حَارَبَكُمْ وَسَلْمٌ لِمَنْ سَالَكُمْ.

«Зайд ибн Арқам ривоят қилиб деди: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ҳазрати Али, ҳазрати Фотима, Имом Ҳасан ва Имом Ҳусайн (алайҳимус салом)ларга хитоб қилиб шундай дедилар: Мен сизлар билан уришган кимсага қарши уруш ҳолда бўлурман ва сизлар билан сулҳу сафо ва тинчликда бўлган кишига нисбатан сулҳу сафода бўлгайман».<sup>1</sup>

- Жалолуддин Суютий, «Тарихул Ҳулафо», 173-бет.

- Хатиб Бағдодий, «Тарихи Бағдод», 1-жилд, 137-бет.

1. Ушбу ҳадисни ўз китобларида ривоят қилган Аҳли суннат уламолари куйидагилардан иборат:

- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 2-жилд, 444-бет.

- Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадраку алас-саҳиҳайн», 3-жилд, 149-бет.

- Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 9-жилд, 169-бет.



Ўнинчи илоҳий пешвоимиз Имом Али ибн Муҳаммад Ан-Нақий Ал-Ҳодий (алайҳис салом) Ғадийр зиёратномасининг сўнгги сатрларида шундай марҳамат қиладилар:

اللَّهُمَّ الْعَن قَتْلَةَ أَنْبِيَائِكَ وَأَوْصِيَاءِ أَنْبِيَائِكَ، بِجَمِيعِ لَعْنَاتِكَ، وَأَضْلِهِمْ حَرَّ نَارِكَ، وَالْعَن مَنْ  
عَصَبَ وَلِيِّكَ حَقَّهُ، وَأَنْكَرَ عَهْدَهُ، وَجَحَدَهُ بَعْدَ الْيَقِينِ، وَالْإِفْرَارَ بِالْوَلَايَةِ لَهُ، يَوْمَ أَكْمَلْتَ لَهُ الدِّينَ.

«Эй Аллоҳим, барча лаънатларингни пайгамбарларингни ва пайгамбарларингнинг ворисларини ўлдирган кимсаларга юборгин! Уларни жаҳаннам оловининг шиддатли ҳароратига киргизгин ва [Ўзинг танлаган] халифа, пешво ва валийинг Али (алайҳис салом)нинг ҳуқуқини зўравонлик билан тортиб олганларни ва Али (алайҳис салом) ни [халифа ва раҳнамо этиб танлашинг билан] динни комил қилган кунингда [Ғадийр куннда] Али (алайҳис салом)нинг халифа ва раҳнамо эканлигига ишонч ҳосил қилиб, унга иқрор бўлгандан сўнг, ул ҳазратга қилган аҳду-паймонини бузиб, байғат-қасамёдини инкор қилган ва ушбу ҳақиқатни билиб туриб, ёлгонга чиқарган кишиларни Ўз раҳматингдан узоқ қилгин».

اللَّهُمَّ الْعَن قَتْلَةَ أَمِيرِ الْمُؤْمِنِينَ، وَمَنْ ظَلَمَهُ، وَأَشْيَاعَهُمْ وَأَنْصَارَهُمْ.

«Эй Тангрим, мўъминлар амирининг қотилларини, ул ҳазратга зулм қилган кимсаларни ва ўша золимларга эргашувчиларни ва у золимларнинг мадакорларини Ўз раҳматингдан йироқ қилгин».

اللَّهُمَّ الْعَن ظَالِمِي الْحُسَيْنِ وَقَاتِلِيهِ، وَالْمُتَابِعِينَ عَدُوَّهُ وَنَاصِرِيهِ، وَالرَّاضِينَ بِقَتْلِهِ، وَخَاذِلِيهِ،  
لَعْنًا وَبِيْلًا.

«Эй Аллоҳим, Ҳусайн (алайҳис салом)га зулм қилувчиларга ва у ҳазратнинг қотилларига ва у ҳазратнинг душманига эргашувчи кимсаларга, у ҳазратнинг душманига ёрдам берувчи ва у зотнинг қатл этилишига рози бўлган кимсаларга ҳамда у зотни ёлғиз қўйиб, ўз мададини дариг тутган кишиларга ўта қаттиқ лаънатингни йўллагин».

- Ганжий Шофей, «Кифаятут-толиб», 93-боб, 330-бет.

- Ҳофиз Шамсиддин Аз-Заҳабий, «Мийзонул-иътидол фий нақдир-рижол», 1-жилд, 175 ва 176-бетлар.

- Ал-Мутгакил Ҳиндий, «Канзул-уммол», 12-жилд, 97-бет, ва бошқалар.

- Ибн Можаҳ Қазвиний, «Сунани Ибн Можаҳ», 1-жилд, 52-бет, 145-ҳадис.

اللَّهُمَّ الْعَنْ أَوَّلَ ظَالِمٍ ظَلَمَ آلَ مُحَمَّدٍ، وَمَانِعِيهِمْ حُقُوقَهُمْ اللَّهُمَّ خُصَّ أَوَّلَ ظَالِمٍ وَعَاصِبٍ لِأَلِ مُحَمَّدٍ بِاللَّعْنِ، وَكُلِّ مُسْتَتِنٍ بِمَا سَنَّ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ. اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ خَاتِمِ النَّبِيِّينَ، وَعَلَى عَلِيِّ سَيِّدِ الْوَصِيِّينَ، وَآلِهِ الظَّاهِرِينَ، وَاجْعَلْنَا بِهِمْ مُتَمَسِّكِينَ، وَبِوَلَايَتِهِمْ مِنَ الْفَائِزِينَ، الْأَمِينِينَ الَّذِينَ لَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ.

«Эй Тангрим, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) хонадони аҳлига зулм қилган илк кишини ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари [ўзларига етиб боришига] тўсқинлик қилганларни лаънат этгин.

Эй Аллоҳим, хусусан Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) хонадони аҳлига зулму ситам раво кўрган ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқини тортиб олган илк кишини ҳамда зolimлар тузган йўлдан борган ҳар бир кимсани Қиёмат кунигача Ўз раҳматингдан йироқ қилгин!

Эй Тангрим, пайгамбарларнинг энг сўнггиси бўлмиш Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)га, ворислар сарвари Али (алайҳис салом)га ва у зотнинг пок хонадонига салавоту дурудлар йўлагин! Ва бизни уларнинг яъни: Пайгамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг зурриётларидан ва хонадонларидан бўлган ўн икки имомнинг кўрсатган йўлларини мустаҳкам тутганлардан ва уларнинг пешволикларини қабул қилиш билан нажот топгувчилардан, хавфу андуҳи бўлмаган ҳамда маҳзун бўлмай, [доимо] омонда бўлгувчилардан қилгин!».

---

## ПАЙҒАМБАРИМИЗ МУҲАММАД (С.А.В)НИНГ ҲАҚИҚИЙ ХАЛИФА ВА ВОРИСЛАРИ КИМЛАР?

---

Ҳазрати Али *(алайҳис салом)* сарвари олам Муҳаммад Мустафо *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг танлаган барҳақ вориси ва ўринбосари эканини қатъий далиллар билан исботлаганимиздан сўнг ул ҳазратдан кейинги имомларнинг ворислиги ва ислом умматининг йўлбошчиси ва раҳнамоси эканликлари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Аҳли суннат ва Аҳли-Байт мазҳаби тарафдорларининг китобларида келтирилишича, ҳазрати Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг ҳадисларида ўн икки амир ёки ўн икки халифа хусусида сўз юритилган бўлиб, бундай маънодаги ҳадислар Саҳиҳул Бухорий, Саҳиҳул Муслим, Сунани Аби Довуд, Муснади Аҳмад ва бошқа машҳур китобларда ривоят қилинган. «*Мунтахабул асар*» китобида эса икки юз етмиш битта шу мазмундаги ҳадислар келтирилган бўлиб, уларнинг аксарияти Аҳли суннат уламолари томонидан ривоят қилинган.

Аҳли суннатнинг энг мўътабар ва мўътамад китоби бўлмиш «*Саҳиҳи Бухорий*»да бу борада қуйидаги ҳадис ривоят қилинган:

حدثني محمد بن المثني حدثنا غندر حدثنا شعبة عن عبد الملك سمعت جابر بن سمرة قال  
سَمِعْتُ النَّبِيَّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ (وَأَلِهِ) وَسَلَّمَ - يَقُولُ: «يَكُونُ إِثْنَا عَشَرَ أَمِيرًا - فَقَالَ كَلِمَةً لَمْ  
أَسْمَعْهَا - فَقَالَ أَبِي إِنَّهُ قَالَ كُلُّهُمْ مِنْ قُرَيْشٍ»

Жобир ибн Самура айтади: Пайғамбаримиз *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*: «Мендан кейин ўн икки амир бўлажак», дедилар. Сўнг эса яна бир қандайдир сўз дедилар, мен уни эшитолмадим. Шунда отам деди: Ул зот: «Уларнинг ҳаммаси Қурайшдандир<sup>1</sup>», деб марҳамат қилдилар.

---

1. Бухорий, «*Саҳиҳул Бухорий*», Китобул аҳком, бобул истихлоф, 6796-рақамли ҳадис.

«Саҳиҳул Муслим»да ушбу ҳадис куйидагича ривоят қилинган:

Жобир айтади: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан шундай деб марҳамат қилганларини эшитдим:

سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ ﷺ يَقُولُ: «لَا يَزَالُ الْإِسْلَامُ عَزِيْرًا إِلَىٰ إِثْنَا عَشَرَ خَلِيْفَةً ثُمَّ قَالَ كَلِمَةً لَمْ أَفْهَمْهَا، فَقُلْتُ لِأَبِي: مَا قَالَ؟ فَقَالَ كُلُّهُمْ مِنْ قُرَيْشٍ»

«Модомики, ўн икки халифа ва ворис бор экан, ислом азиз ва юксак қолажак». Сўнгра яна бир сўз дедилар, мен уни англай олмадим. Бу ҳақда отамдан сўраганимда, отам: Ул ҳазрат: «Уларнинг ҳаммаси Қурайшдандир<sup>1</sup>», деб марҳамат қилдилар, деди.

Шунингдек, Муслим ибн Ҳажжож Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан мазкур ҳадисни куйидагича ҳам ривоят қилади:

«لَا يَزَالُ أَمْرُ النَّاسِ مَا ضِيًّا مَا وَلِيَهُمْ إِثْنَا عَشَرَ رَجُلًا».

«Модомики, ўн икки киши [халифа] инсонларга раҳнамолик қилар экан, уларнинг иши ўнгидан келади».<sup>2</sup>

Муснади Аҳмад ибн Ҳанбал китобида машҳур саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуддан ушбу ҳадис куйидагича ривоят қилинган:

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан ул зотнинг халифалари ва ворислари ҳақида сўралганда, ул ҳазрат:

«إِثْنَا عَشَرَ كَعِدَّةِ نُقْبَاءِ بَنِي إِسْرَائِيلَ»

«Уларнинг сони бани Исроил нақибларининг [бошлиқларининг] сони сингари ўн иккитадир<sup>3</sup>», деб марҳамат қилдилар.

1. Муслим, «Саҳиҳул Муслим», китобул умаро, Ан-носу табаун лиКурайш боби, вал-хилофату фий Курайш унвони, ҳадис рақами: 1821/4598.

2. Олдинги манба.

3. Аҳмад ибн Ҳанбал, «Муснади Аҳмад», 1-жилд, 398-бет.

---

## УШБУ ҲАДИСЛАРНИНГ МАЪНО-МАЗМУНИ ҲАҚИДА

---

Мазкур ҳадисларда исломнинг иззатини таъминловчи ва диннинг ҳаётини сақлаб қолувчи ўн икки халифанинг ҳаммаси Қурайшдан ва айрим ҳадиларда эса уларнинг барчаси бани Ҳошимдан эканлиги уқтирилган бўлиб, ушбу ҳадисларни Аҳли-Байт мазҳаби тарафдорлари эътиқод қиладиган ўн икки пешво ва раҳнаомолардан бошқа ҳеч кимга татбиқ эта олмаймиз.

Аҳли суннат уламолари мазкур ҳадислар кимга тегишли эканлиги ҳақида тўғри фикр-мулоҳаза билдира олишмаган. Зероки, агар дастлабки тўрт халифага бани Уммайя ва бани Аббос халифаларини қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, уларнинг сони 12 нафардан ошиб кетади, ёхуд агар ёлғиз бани Аббос халифаларини назарга оладиган бўлсак-да, яна ўн икки сонга уйғун келмайди.

Бундан ташқари, бани Уммайя халифалари орасида Язидга ўхшаш ва бани Аббос халифалари орасида Мансур Давоникий ва Ҳорун Ар-Рашид каби зулму жиноятга муккасидан тушган шахсларни тагин қандайига сарвари олам Муҳаммад Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг халифалари ва исломни юксалтирадиганлар деб ҳисоблай оламиз?! Қанчалик халифа ва ворислик шарт-шароитларини осон ва енгил тутмайлик, бундай шахслар қатъиян халифаликка лойиқ бўлмай, четга чиқишлари муқаррар.

Шу боис, ўн икки сонни фақат Аҳли-Байт мазҳабининг издошлари ёндашадиган ўн икки имомга татбиқ этишдан бошқа тўғри ечимни топа олмаймиз.

Сўзимизнинг тасдиғи ўлароқ, Аҳли суннатнинг икки нафар буюк алломалари назарини кўздан кечирамиз:

Саҳиҳи Муслимга шарҳ ёзган имом Нававий мазкур ҳадисларнинг маъно-мазмуни ҳақида айтади:

ويحتمل أوجهًا آخر والله أعلم بمراد نبيّه صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ (وآله) وَسَلَّمَ

«Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ушбу ҳадисдан бошқа маъноларни назарда тутгандирлар. Аллоҳ таоло Ўз Пайгамбарининг кўзлаган мақсадидан огоҳдир».<sup>1</sup>

Саҳиҳи Бухорийга шарҳ ёзган Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний бу борада ёзади:

والعلم عند الله تعالى بعد ذكر أقوالٍ مختلفةٍ حول عدد الخلفاء والأئمة الذين لا بُدَّ أن يكونوا من قریش ولم ينته إلى التَّيَجَة .

«Қурайш қабиласидан бўлиши шарт бўлган халифалар ва имомлар сони хусусида турли қавлларни [назарларни] зикр қилиб [муайян] натижага эриша олмагач, унинг илми Аллоҳ таоло наздидадир, деймиз».<sup>2</sup>

Шайх Сулаймон ибн Иброҳим Қундузий Ҳанафий (ҳанафий мазхаби уламоларидан) «Янобиъул маваддаҳ» номли китобида ўн икки нафар халифа ва имом ҳақида шундай ёзади:

«Тадқиқотчи олимларнинг айтишича, Пайгамбардан кейинги халифаларнинг сони ўн икки нафар эканлиги хусусида келтирилган ҳадислар машҳур бўлиб, ушбу ҳадислар кўпгина ровийлар томонидан ривоят қилинган. Лекин вақт ўтиши, замон ва макон шароитидан келиб чиқадиган тушунчага кўра, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг мазкур ҳадисда кўзлаган ўн икки халифа ва ворислари ул зотнинг Аҳли-Байтлари ва хонадонлари аҳлидан эканлиги ошкор бўлмоқда. Негаки, ушбу ҳадисдан дастлабки халифалар назарда тутилганлар, деб айта олмаймиз. Чунки, уларнинг сони тўрт кишидан ортиқ бўлмай, ўн икки нафарга етмайди. Шунингдек, мазкур ҳадис бани Уммайя тоифасидаги ҳукмдорларга нисбатан баён қилинган, деб ҳам айтолмаймиз. Зероки, уларнинг сони ўн икки нафардан ортиқ бўлиб, Умар ибн Абдулазиздан ташқари уларнинг ҳаммаси золим ва жинояткор кишилар бўлишган. Устига устак, улар Ҳошим фарзандларидан эмасдилар. Холбуки, Абдулмалик бин Умарнинг Жобир

1. Имом Нававий, «Саҳиҳул Муслим бишарҳин-Нававий», Байрут, Ливан чопи, дорул китобил-арабий нашриёти, 12-жилд, 201-бетдан 203-бетларгача ва шунингдек, имом Нававий, «Шарҳу Саҳиҳи Муслим» Байрут, Ливан чопи, дорул калам нашриёти, 33-китобул имаараҳ, 12-жилд, 443-бетдан 445-бетларгача.
2. Ҳофиз Ибн Ҳажар Асқалоний, «Фатҳул-Борий шарҳи Саҳиҳил Бухорий», Байрут, Ливан чопи, дорул кутубил илмийя нашриёти, Китобул аҳком, 2-бобул умароҳ мин Қурайш, 13-жилд, 147-бетдан 150-бетларгача.

бин Саҳра орқали Пайгамбаримиздан ривоят қилган ҳадисга кўра, ўн икки халифа ва вориснинг ҳаммаси Ҳошим зурриётидан эканлиги қатъийдир. Пайгамбаримизнинг бу ўн икки нафар қайси тоифадан эканлигини секин товуида айтганликлари юқоридаги сўзимизнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Негаки, Қурайшнинг аксарияти бани Ҳошим халифаликни эгаллашини яхши кўрмасдилар. Ва шунингдек, мазкур ҳадисдаги ўн икки халифани бани Аббос тоифасидаги ҳукмдорларга ҳам татбиқ эта олмаймиз. Зеро, уларнинг сони ўн икки нафардан ортиқ эди ва бундан ташқари, улар қуйидаги

﴿قُلْ لَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا إِلَّا الْمَوَدَّةَ فِي الْقُرْبَى﴾

[Эй, Муҳаммад (с.а.о), мусулмонларга] айтгин: «Мен сизлардан Аллоҳ йўлида чеккан заҳматим эвазига ажр-мукофот эмас, фақат қариндошим [Аҳли-Байтим] меҳринигина сўрайман, холос» (Шўро сураси, 23-оят) Маваддат ояти ва Касо ҳадисига нибатан бепарво бўлиб, унга амал қилмаганлар.

Шу боис, ушбу ҳадисни фақат пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг Аҳли-Байтларидан бўлган ўн икки имомгагина татбиқ этишимиз мумкин. Зероки, улар илму маърифатда ўз замоналаридаги шахсларнинг ҳаммасидан кўра билимлироқ, зуҳду-тақводда барчадан устунроқ ва аслу-насабда эса ҳаммадан юқорироқда бўлганлар. Уларнинг билимлари Аллоҳ тамонидан ато этилган илми ладунний<sup>1</sup> бўлиб, уни ўз боболари Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан мерос қилиб олганлар.

Ушбу фикр-мулоҳазамизни Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан Аҳли-Байт борасида ривоят қилинган Сақалайн ва шу каби кўплаб ҳадислар тасдиқлайди».<sup>2</sup>

Қизиги шундаки, биз яшаётган ҳозирги замонда Аҳли суннат уламолари юқоридаги ўн икки имом ва халифа ҳақидаги ҳадисни бошқача тафсир ва таҳлил қилиш чораларини кўриб, «ажойиб» бир ечим топибдилар. Уларнинг қилган тафсиру таҳлилларидан маълум бўладики, улар бу ҳадисларнинг ҳақиқий ва тўғри ечимини топа олмаганлар.

1. «Илми ладунний» деганда, устоз кўрмай туриб Аллоҳ таоло хузуридан ато этилган кенг қамровли илм-маърифат тушунилади.
2. Шайх Сулаймон ибн Иброҳим Қундузий Ҳанафий, «Янобиъул маваддаҳ», 3-жилд, 77-боб, 504-бет.

Уларнинг айтишларича, ўн икки халифа ва ворисдан назарда тутилган шахслар исломнинг илк давридаги дастлабки тўрт халифалар бўлиб, қолган саккиз халифа эса ҳалигача дунёга келмаган эмиш!

Улар ҳадисдаги ўн икки халифа бир-биридан ажралмай туриб, кетма-кет келишларини ҳисобга олмаган ҳолда юзаки ва сатҳий бир ечимни топиб олган кўринадилар. Ушбу ҳадисдан фақат шиаларнинг ўн икки имомигина назарда тутилгани тўғрисида айтилган аниқ далил ва исботлар бўла туриб, нима учун бошқа ечимлар кетидан изланиб, боши берк кўчага кириб қолган киши каби ўзимизни қийнаб қўйишимиз керак экан?!



---

## ИМОМЛАРНИНГ ИСМЛАРИ БИЛАН ТАЙИН ЭТИЛГАНЛИКЛАРИ ҲАҚИДА

---

Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўнг ул ҳазратнинг ворислари ва ўринбосарлари ҳамда бутун мусулмонларнинг раҳнамолари ҳақида қуйидаги ҳадисни «Янобийъул маваддаҳ» номли китобининг 76-боб, 529-бетида келтирган:

Наъсал исмли бир яҳудий киши пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг хузурларига келиб, ушбу саволларни сўрай бошлади: Ҳар бир пайғамбарнинг вориси ва давомчиси бўлиб, бизнинг пайғамбаримиз Мусо ибн Имроннинг васий ва вориси Юшаъ ибн Нундир. Шу боис, ўзингиздан сўнг сизнинг ворис ва ўринбосарингиз ким эканлигидан мени хабардор қилинг, деди у.

Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ушбу саволга жавобан шундай марҳамат қилдилар:

إِنَّ وَصِيَّ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ، وَبَعْدَهُ سِبْطَايَ الْحَسَنِ وَالْحُسَيْنِ، تَتْلُوهُ تِسْعَةَ أُمَّتَةٍ مِنْ صُلْبِ الْحُسَيْنِ. قَالَ: يَا مُحَمَّدٌ فَسَمِّهُمْ لِي. إِذَا مَضَى الْحُسَيْنُ فَابْنُهُ عَلِيٌّ، فَإِذَا مَضَى عَلِيٌّ فَابْنُهُ مُحَمَّدٌ، فَإِذَا مَضَى مُحَمَّدٌ فَابْنُهُ جَعْفَرٌ، فَإِذَا مَضَى جَعْفَرٌ فَابْنُهُ مُوسَى، فَإِذَا مَضَى مُوسَى فَابْنُهُ عَلِيٌّ، فَإِذَا مَضَى عَلِيٌّ فَابْنُهُ مُحَمَّدٌ، فَإِذَا مَضَى مُحَمَّدٌ فَابْنُهُ عَلِيٌّ، فَإِذَا مَضَى عَلِيٌّ فَابْنُهُ الْحَسَنُ، فَإِذَا مَضَى الْحَسَنُ فَابْنُهُ الْحُجَّةُ م ح مَّ د الْمَهْدِي فَهَؤُلَاءِ اثْنَتَى عَشَرَ...

«Менинг васий ва давомчим Али ибн Аби Толиб бўлиб, ундан сўнг икки набирам Ҳасан ва Ҳусайндир. Ва Ҳусайдан сўнг Ҳусайннинг зурриётидан бўлган тўққиз имом келурлар.

Яҳудий киши яна: Ана ўша тўққиз имомнинг номларини менга айтиб беринг, деди. Шунда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) дедилар:

Хусайннинг пешволик ва раҳнамолик замони тугагач, унинг ўгли Али [Имом Зайнул Обидийн]дир. Али ибн Хусайн, Зайнул Обидийннинг пешволик замони тугагач, унинг ўгли Муҳаммад ибн Али [Имом Боқир]дир. Муҳаммад ибн Алининг пешволик замони тугагач, унинг ўгли Жаъфар ибн Муҳаммад [Имом Содиқ]дир. Жаъфар ибн Муҳаммаднинг пешволик замони тугагач, унинг ўгли Мусо ибн Жаъфар [Имом Козим]дир. Мусо ибн Жаъфарнинг пешволик замони тугагач, унинг ўгли Али ибн Мусо [Имом Ризо]дир. Али ибн Мусонинг пешволик замони поёнига етгач, унинг ўгли Муҳаммад ибн Али [Имом Жавод]дир. Муҳаммад ибн Алининг пешволик замони ниҳоясига етгач, унинг ўгли Али ибн Муҳаммад [Имом Ҳодий ёки Имом Нақий]дир. Али ибн Муҳаммаднинг пешволик замони якун топгач, унинг ўгли Ҳасан ибн Али [Имом Ҳасан Аскарӣ]дир. Ҳасан ибн Алининг пешволик замони тугагач, унинг ўгли Хужжат ал-Маҳдий пешво ва имом бўлур. Бу ўн икки халифалар мендан сўнг менинг ворисларимдир».

Шунда ўша яҳудий киши шаҳодат келтириб шундай деди:

Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига ва сиз Аллоҳнинг Расули эканингизга ва булар эса сиздан сўнг сизнинг ворисингиз ва давомчингиз эканликларига гувоҳлик бераман. Олдинги пайгамбарларнинг китобида ва Мусо ибн Имрон бизга аҳд қилиб қолдирган Таврот китобида охирги келадиган пайгамбарнинг номи Аҳмад ва Муҳаммад бўлиб, у пайгамбарларнинг энг сўнгисидир ва ундан кейин пайгамбар келмас ҳамда охирги пайгамбардан кейин унинг ворислари ўн икки нафар эканини ўқиганман. Мазкур ворисларнинг биринчиси пайгамбарнинг амаки ўгли ва куёвидир. Унинг иккинчи ва учинчи ворислари эса пайгамбарнинг зурриётидан бўлган икки оғанидирлар. Пайгамбарнинг уммати ул зотнинг биринчи ворисини қилич зарбати билан, иккинчи ворисини заҳарлаш билан ва учинчи ворисини эса унинг хонадони билан бирга гарибликда ва сувсиз ҳолда қўй каби сўйиш билан ўлдиришади. Пайгамбарнинг қолган тўққиз ворислари эса ул ҳазратнинг учинчи ворисининг наслидан бўлиб, у зотнинг ворисларининг сони яҳудийлар бошлиқларининг сони каби ўн икки нафардир. Буларнинг ҳаммасини олдинги пайгамбарларнинг китобларида ўқиганман».<sup>1</sup>

1. Шайх Сулаймон ибн Иброҳим Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 3-жилд, 76-боб, 499 ва 500-бетлар.

Аҳли суннат олимининг ўз китобида ривоят қилган мазкур ҳадисдан маълум бўладики, Пайғамбаримиздан сўнг ул ҳазратнинг ҳақиқий халифа ва ворислари ўн икки пешво, валий ва йўлбошчидан иборат эканлиги ҳамда тўғри йўлда юришни истаган мусулмонлар пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* Аллоҳнинг фармони билан тайин этган ушбу ўн икки имом ва раҳнамога этиқод қилиб, уларга эргашишлари ва уларнинг кўрсатган йўлидан боришлари лозим ва зарурийдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан сўнг ул ҳазратнинг чинакам халифа ва ворислари ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ва у зотнинг зурриётидан бўлган ўн бир имом эканлиги янада кўпроқ ойдинлашиши учун назарингизни қуйидаги юз берган воқеа-ҳодисларга жалб этамиз:

Анас ибн Молик деди: Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг вафотларидан сўнг бир яхудий киши савол сўраб келди ва халқ эса уни Абу Бакр томонга йўллашди. Яхудий киши Абу Бакр ёнига келиб, шундай деди: Сиздан шундай бир нарсалар ҳақида сўрамоқчиманки, у нарсаларни Пайғамбар ва Пайғамбарнинг давомчисидан бошқа ҳеч ким билмайди. Абу Бакр деди: Ниманики назарингда тутган бўлсанг, ўшани сўрагин.

Яхудий деди: Аллоҳ учун йўқ бўлган нарса ва Аллоҳнинг ҳузурда бўлмаган нарса ва Аллоҳ билмайдиган нарса ҳақида мени хабардор қилинг. Шунда Абу Бакр деди: Эй яхудий, булар зиндиқларнинг [кофирларнинг] масалаларидир. Шунда Абу Бакр ва у ердаги мусулмонлар ўша яхудий кишига ташланишди. Бу ҳолатни кўрган Ибн Аббос *(разияллоҳу анҳу)* уларга: «*Бу кишига нисбатан инсофли бўлмадингиз*», деди.

Шунда Абу Бакр деди: Нима тўғрисида сўз юритганини ва нималар деганини эшитмадингми? Ибн Аббос деди: Агар ушбу саволларнинг жавобини билсаларинг айтингиз, йўқса, бу яхудийни Али *(алайҳис салом)* томонига йўллангиз. Фақат у ушбу саволларга жавоб бера олади. Зероки, мен Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*дан Али ибн Абу Толиб хусусида шундай марҳамат қилганларини эшитдим:

«*اللَّهُمَّ اهْدِ قَلْبَهُ وَتَبِّثْ لِسَانَهُ*»

«Эй Аллоҳим, Алининг қалбини ҳидоят қилгин ва тилини мустаҳкам этгин».

Шунда Абу Бакр ва у билан бирга бўлган мусулмонлар ўринларидан туриб, Али ибн Аби Толиб томонга йўл олишди ва ул ҳазратнинг ҳузурларига етиб боргач, у зотдан изн сўрашди. Шунда Абу

Бакр деди: Эй Абул Ҳасан, дарҳақиқат, бу яҳудий киши мендан зиндиқларнинг масалаларини сўради.

Ҳазрати Али *(алайҳис салом)* дедилар: Эй яҳудий, сенда муаммо туғдирган саволларинг нималардан иборат? Яҳудий деди: Шундай бир нарсалар ҳақида сиздан сўрайманки, у нарсаларни Пайғамбар ва Пайғамбарнинг ворисидан бошқа ҳеч ким билмайди. Шунда ҳазрати Али *(алайҳис салом)* унга: «*Саволларингни сўрагин*», дедилар. Ўша масалаларни яҳудий қайтадан сўради.

Шунда Али *(алайҳис салом)* дедилар: Аммо Аллоҳ билмайдиган нарса – бу сиз яҳудийларнинг: «*Узайр Аллоҳнинг ўғли*», деган сўзингиздир. Ҳолбуки, **Аллоҳ Ўзи учун ҳеч қандай фарзандни билмайди.** Ва аммо «*Аллоҳнинг ҳузурда бўлмаган нарсадан мени хабардор этинг*», деган сўзингга жавобан шуни айтаманки, **бандаларига зулм қилиш Аллоҳнинг ҳузурда бўлмаган нарсадир.** Кейин «*Аллоҳ учун йўқ бўлган нарса*» ҳақидаги саволингга жавоб шундан иборатки, **Аллоҳ учун шерик йўқдир.**

Шунда яҳудий деди: Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* Аллоҳнинг Расули [элчиси] ва сиз Расулulloҳнинг вориси ва халифасидирсиз. Шу пайт Абу Бакр ва мусулмонлар Али *(алайҳис салом)*га шундай дейишди: Эй ғам-қайғуларни юқотгувчи! Яъни оғир кунларимизда мушкулларимизни осон қилувчи<sup>1</sup>.

Мўминлар амири ҳазрати Али ибн Абу Толиб *(алайҳис салом)* ва у ҳазратнинг зурриётларидан бўлган ўн бир имом *(алайҳимус салом)* пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг чинакам халифалари ва давомчилари эканликлари янада ойдинлашиши учун қуйидаги содир берган муҳим воқеани келтирамиз:

1. Умар бин Хаттоб халифалигининг дастлабки кунларида «*Нажрон*» минтақасидан бўлган бир насроний олим унинг ҳузурига келиб, шундай деди:

Эй Амирал мўъминийн, дарҳақиқат, бизнинг еримиз совуқ ва унинг харажати эса оғир бўлиб, қўшин у ерга бардош бера олмайди ва ҳар йили еримнинг божини тўлиқ ҳолда сизга олиб келиш менинг зиммамдадир.

Шунда Умар насроний донишманднинг кафолатини қабул қилди ва у эса ҳар йили халифага ўзининг мол-мулкидан бож тўларди ва Умар ҳам унинг бож тўлагани борасида мактуб ёзиб берарди. Кунларнинг

---

1. Ушбу муҳим воқеани Аҳли суннат олими Ибн Дурайд ўзининг «*Ал-Мужтано*» номли китобининг 22-бетида келтирган.

бирида ўша насроний олим ўз жамоати билан бирга халифанинг хузурига келди.

Ушбу насроний олим гўзал сиймоли ва ҳайбатли кекса чол эди. Умар уни Аллоҳга ва Унинг Расулига ҳамда Унинг сўнги китоби Қуръонга даъват этиб, Ислом динининг фазилати ва мусулмонга нисбатан берилган неъматлар ва каромат-юксаклик хусусида айрим нарсаларни сўзлай кетди.

Шунда насроний олим унга шундай деди: Эй Умар, ўз китобингиз Қуръонда бундай ўқийсиз:

﴿وَجَنَّةٍ عَرْضُهَا كَعَرْضِ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ﴾

«Ва жаннатнинг кенглиги осмон ва ернинг кенглигидекдир». (Оли Имрон сураси, 133-оят)

Шундай экан, жаҳаннам қаерда бўлур?

Умар билмаганлиги туфайли жим бўлиб қолиб, ҳазрати Али *(алайҳис салом)*га қараб: Сиз жавоб беринг, деди.

Ҳазрати Али *(алайҳис салом)* унга дедилар: Мен сенинг саволингга жавоб бергайман. Аммо сен эй насроний олим, ушбу ҳақиқат борасида ҳеч фикр қилганмисан? Кечқурун келган вақтда кундузи қаерда бўлур? Ва кундузи келган вақтда қоронғу кеча қаерда бўлур?

Шунда насроний олим деди: Ушбу масалага бирор кимса жавоб бера олади деб ўйламаган эдим. Шунда Умарга қараб: Эй Умар, Бу йигит ким? деб сўради у.

Умар деди: Али ибн Аби Толиб, Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг куёвлари ва амаки ўғиллари ҳамда Ҳасан ва Ҳусайннинг отасидир.

Насроний олим деди: Эй Умар, ернинг бир бўлагидан мени хабардор қилгинки, фақат бир марта куёшнинг нури ўша ерга тушган, сўнгра эса ундан олдин ва ундан кейин ўша ерга куёш нури тушмаган бўлсин. Умар: Бу йигитдан сўрагин, дея Али *(алайҳис салом)* томон ишора қилди. Донишманд эса саволини Али *(алайҳис салом)*дан сўради.

Ҳазрати Али *(алайҳис салом)* дедилар: Мен ушбу саволингга жавоб бераман: Ўша ер бани Исроил ўтиши учун ўртадан иккига бўлинган денгиз бўлиб, фақат ўша вақт куёш нури у ерга бир марта тушган, ундан олдин ва ундан кейин ҳеч вақт у ерга куёш нури тушмаган.

Насроний олим яна саволини давом эттириб деди: Инсонларнинг қўлидаги жаннат меваларига ўхшайдиган нарсадан мени хабардор

этинг! Умар яна бир бор Али *(алайҳис салом)*га ишора қилиб: Бу йигитдан сўрагин, деди. У эса ушбу саволини ул зотдан сўради.

Ҳазрати Али *(алайҳис салом)* дедилар: Мен ушбу саволингга жавоб бергайман. Сен сўраган ўша нарса Қуръони Каримдирки, дунё аҳли унга тўпланиб, ундан ўз истак-ҳожатларини олсалар-да, бироқ Қуръондан ҳеч нарса озаймайди ва жаннат мевалари ҳам худди шундай! Инсонлар жаннат меваларидан тановул қилишлари билан ҳеч вақт озаймайди.

Насроний олим: Рост айтдингиз, деди ва сўзида давом этиб: *«Осмонларнинг қулфи борлиги ҳақида менга хабар беринг»*, деди у.

Али *(алайҳис салом)* дедилар: *«Осмонларнинг қулфи Аллоҳга ширк келтиришидир»*.

Насроний олим: Ушбу қулфнинг калити нима? деб сўради.

Али *(алайҳис салом)* дедилар: Ушбу қулфнинг калити Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ эканлиги борасида гувоҳлик бериш бўлиб, Аршдан бошқа ҳеч бир нарса уни тўса олмайди.

Насроний олим: Тўғри айтдингиз, деди ва сўзида давом этиб: Ер юзига биринчи тўкилган қон хусусида менга хабар беринг, деди у.

Али *(алайҳис салом)* дедилар: Аммо биз баъзилардек, ерга биринчи тўкилган қон кўршапалак қони эди, деб айтмаймиз. Бироқ, ер юзига биринчи тўкилган қон – бу Одам фарзанди Ҳобил туғилганда Ҳаввонинг бачадони қони эди, деб айтамыз.

Насроний олим: Рост айтдингиз, деди ва сўралмаган яна бир масала қолди, деб ўзининг сўнги саволини қуйидагича сўради: *«Аллоҳ қаерда эканлиги тўғрисида мени огоҳ этинг!»*. Умар бу сўзни эшитиб, ғазабланди.

Али *(алайҳис салом)*: Мен сенинг саволларингга жавоб берурман ва нимани истасанг сўрагин, деб ул ҳазрат сўзларини шундай давом эттирдилар: Бир куни Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг хузурларида эдик, ногаҳон бир Фаришта келиб, у зотга салом берди. Шунда Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* унга: Қаердан юборилдингиз? дедилар. Фаришта: Парвардигорим хузуридан бўлган еттинчи осмондан юборилдим, деди.

Сўнгра бошқа Фаришта Расулulloҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* хузурларига келганда, у ҳазрат ундан қаердан юборилганлиги ҳақида сўрадилар. Иккинчи Фаришта шундай деб жавоб берди: Парвардигорим назидан бўлган еттинчи ердан юборилдим. Кейин

учинчи Фаришта машриқдан ва тўртинчиси эса мағрибдан келганида, ул зот у иккисидан қаердан юборилганлиги хусусида сўрадилар. Улар: Биз Аллоҳнинг хузуридан юборилдик, деб жавоб беришди.

Шундай экан, юксак мартабали ва буюк Аллоҳ бу ерда ҳам, у ерда ҳам бор бўлиб, У ҳамма маконларни қамраб олган Зотдир:

«فِي السَّمَاءِ إِلَهٌ وَفِي الْأَرْضِ إِلَهٌ»

«У осмонда ҳам Худодир ва ерда ҳам Худодир».

Ушбу муҳим воқеани Аҳли суннат олими Ҳофиз Осимий ўзининг «Зайнул фато» номли китобида «Ҳал атаа» сурасининг тафсирида келтирган.<sup>1</sup>

Диққатга сазовор бўлган масала шуки, аҳли китоб, яъни яҳудийлар ва насронийлар ўз китоблари бўлмиш Таврот ва Инжилда пайғамбарлар ва уларнинг ворислари хусусиятларидан огоҳ бўлган ҳолда улардан ҳар бир нарса ҳақида сўралганда, улар жавоб беришга қодир эканликларига ишончлари комил бўлгач, Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) томонларидан хилофат ва ворисликни даъво қилган кимсаларни синаш учун уларнинг хузурларига келиб, хилма-хил мураккаб саволларни беришар эди.

Агар-ки, халифалик ва ворисликни даъво қилган кимсалар ушбу саволларга жавоб бера олишса, шунда улар Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг халифа ва вориси эканлигига ишониб, иймон келтирар ва ислом динини қабул қилар эдилар. Бироқ юқорида зикр қилинганидек, ислом тарихида ёзиб қолдирилган маълумотларга кўра, халифаликка даъвогар бўлган кимсалар мана шундай мураккаб саволларга дуч келганда, уларга жавоб беришга қодир эмасдилар ва ночор бўлиб қолганликлари туфайли пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг чинакам вориси ва давомчиси бўлмиш ҳазрати Али (алайҳис салом)га муурожаат қилиб, аҳли китобнинг ушбу мураккаб саволларига жавоб топар эдилар. Ҳазрати Али (алайҳис салом) эса мана шундай мураккаб саволларга жавоб бериш билан ислом ва мусулмонларнинг обрў-эътиборини сақлаб қолиб, кўпгина яҳудий ва насроний кишиларнинг ислом динига киришларига сабаб бўлардилар. Зероки, яҳудий ва насроний кимсаларнинг мана шундай мураккаб саволларига фақатгина Расулulloҳ (соллalloҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг

1. Ал-Ғадийр, 6-жилд, 341-бет.

ўзлари ҳамда ул зотнинг ҳақиқий ворис ва халифалари жавоб бера олардилар, холос. Бошқалар эса жавоб беришга ожиз эдилар.

Мўъминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)* пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)*нинг ҳақиқий ворис ва ўринбосарлари эканлигини янада чуқурроқ англаб етиш учун Умар ибн Хаттобнинг халифалик даврида рўй берган яна бир муаммоли воқеага эътиборингизни қаратамиз:

عن أبي حرب، عن أبي الأسود قال: أُوتِيَ عند عمر بن الخطاب امرأةً وضعت ولدًا لِسِتَّةِ أَشْهُرٍ فَهَمَّ بِرَجْمِهَا، فبلغ ذلك عليًّا فقال: ليس عليها رجمٌ، فبلغ ذلك عُمرَ فأرسل إليه يسأله، فقال عليٌّ: ﴿وَالْوَالِدَاتُ يُرْضَعْنَ أَوْلَادَهُنَّ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ لِمَنْ أَرَادَ أَنْ يُتِمَّ الرَّضَاعَةَ﴾ (بقرة/ 233) قال تعالى: ﴿وَحَمْلُهُ وَفِصَالُهُ ثَلَاثُونَ شَهْرًا﴾ (احقاف/ 15) فالحوْلان تمام الرضاعة، وهو أربعة وعشرون شهرًا، فبقيت ستة أشهر وهي مدّة الحمل، فخلّى عمر سبيلها ثمّ ولدت بعد لِسِتَّةِ أَشْهُرٍ.

«Умар ибн Хаттобнинг ҳузурига олти ойда бола туққан бир аёл келтирилди. Умар уни [зино қилганликда айблаб] тошбўрон қилишга қарор қилди. Ушбу хабар ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг қулоқларига етиб борди. Шунда ул ҳазрат: «Ундай аёл тошбўрон қилинмайди», дедилар. Ҳазрати Али *(алайҳис салом)*нинг бу гаплари Умарга етиб боргач, Умар ул ҳазратдан бу масалани сўраш учун одам юборди. Ҳазрати Али унга жавобан дедилар: Аллоҳ таоло бир оятда шундай марҳамат қилган: «Оналар болаларини тўлиқ икки йил эмизадилар. Бу муддат эмизишни тўла-тўқис қилмоқчи бўлганлар учундир». (Бақара сураси, 233-оят) Бошқа бир оятда эса шундай деб марҳамат қилади: «Ва унга [инсонга] ҳомиладор бўлиш ва уни сутдан ажратиш муддати ўттиз ойдир.» (Аҳқоф сураси, 15-оят) Демак, икки йил сут эмизишни тўлиқ қилмоқлик муддатидир ва бу муддат йигирма тўрт ойдан иборат. [Шу билан, ўттиздан йигирма тўртни айирсак] олти ой қолади. Демак, олти ой ҳомиладорлик муддатидир. [Ҳазрати Али бу икки оятдан ҳомиладорлик муддатининг энг ози олти ой бўлишини исботлаганларини кўрган] Умар ушбу аёлни қўйиб юборди. Бу аёл кейинчалик ҳам яна олти ойда бола туғди».<sup>1</sup>

1. Ушбу воқеани ўз китобида келтирган Аҳли суннат уламоларининг айримларини келтирамиз:  
- Ал-Муваффиқ ибн Аҳмад Ал-Хоразмий, «Ал-Маноқиб», 7-фасл, 94-рақам, 94 ва 95-бетлар.



Чиндан ҳам, мўминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)* қандай қилиб бундай теран илм соҳиби бўлганликларини чуқурроқ англаб етиш учун куйидаги ҳадис ва ривоятларни кўздан кечирамиз.

Ҳадисчи олим Ҳоким Нишобурий ўз санади билан Жобир ибн Абдуллоҳ Ансорий *(разияллоҳу анҳу)* дан қилган ривоятига кўра, Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* шундай марҳамат қилганлар:

«أَنَا مَدِينَةُ الْعِلْمِ وَعَلِيٌّ بَابُهَا فَ مَنْ أَرَادَ الْعِلْمَ فَلْيَأْتِهَا مِنْ بَابِهَا»

«Мен илм шаҳри бўлсам, Али эса унинг эшигидир. Демак, кимки илм шаҳрини хоҳласа, унинг эшигидан кирсин».<sup>1</sup>

Ва шунингдек, Расулуллоҳ *(соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)* буюрганлар:

«أَنَا دَارُ الْحِكْمَةِ وَعَلِيٌّ بَابُهَا»

«Мен ҳикмат ва донолик уйиман ва Али эса унинг эшигидир».

Мазкур маънодаги ҳадисларни саҳобалардан ўн нафар ва тобеинлардан эса ўн беш киши ривоят қилишган ва шунингдек, ўнлаб нафар Аҳли сунна вал жамоа уламолари уларни ўз китобларида келтирганлар. Биз бу ўринда айрим Аҳли суннат уламоларини зикр этамиз.<sup>2</sup>

- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 14-боб, 87-бет.
- Абу Бакр Байҳақий Шофейй, «Сунану Байҳақий» ёки «Ас-Сунанул Кубро» номи билан танилган, 7-жилд, 442-бет.
- Муҳиббуддин Табарий, «Захоирул-уқбо», 1-жилд, 81-бет.
- Абу Жаъфар, Табарий, Шофейй, «Ар-риёзун назира», 2-жилд, 164-бет.
- 1. Ҳоким Нишобурий, «Ал-Мустадрак алас-саҳиҳайн», 3-жилд, 126 ва 127-бетлар ҳамда 4-жилд, 96 ва 97-бетлар, ҳадис рақами: 4693.
- 2. Мўминлар амири ҳазрати Али *(алайҳис салом)* ҳақидаги ушбу ҳадисни ўз китобида ривоят қилиб келтирган баъзи Аҳли суннат уламолари куйидагилардан иборат:
  - Абу Исо Термизий, «Сунанут-Тирмизий», Китаабул манаақиб ан Расулиллаах *(с.а.о)*, 73/20-боб, ҳадис рақами: 3744.
  - Ҳоким Нишобурий, «А-Мустадрак алас-саҳиҳайн», 3-жилд, 126 ва 127-бетлар ҳамда 4-жилд, 96 ва 97-бетлар, ҳадис рақами: 4693.
  - Табароний, «Ал-Мўъжамул Кабийр», 11-жилд, 55-бет, ҳадис рақами: 11061.
  - Ибн Абдул Барр Ал-Қуртубий, «Ал-Истийъоб фий маърифатил асҳоб», 3-жилд, 1102-бетлар, дорул жайл нашрида, аммо дорул кутубил илмийях нашрида эса 3-жилд, 205-бет.
  - Ибн Асийр, Жазарий, «Усудул гобаҳ фий маърифатис-саҳобаҳ», 4-жилд, 22-бет, дору ихёнт-гуросил арабий нашрида, дорул фикр нашрида эса 3-жилд, 596-бет.
  - Муттакий Ал-Ҳиндий, «Канзул уммол», 11-жилд, 600-бет ҳамда 13-жилд, 147 ва 148-бетлар, ҳадис рақами: 32889 ва 32890.
  - Муҳаммад Тоҳир бин Али Ал-Ҳиндий Ал-Фатаний, «Тазкиратул мавзӯаат», 95-бет.

Ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг ўзлари Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) илмларининг вориси эканликлари сабабини қуйидагича баён этганлар:

عن عبد الله بن عمرو بن هند الجُمَلِيّ قال: قيل لِعَلِيِّ عليه السلام مَا لَكَ أَكْثَرُ أَصْحَابِ رَسُولِ اللَّهِ صلى الله عليه وآله حَدِيثًا؟ قَالَ عَلِيٌّ عليه السلام «كُنْتُ إِذَا سَأَلْتُ رَسُولَ اللَّهِ صلى الله عليه وآله أُعْطَانِي، وَإِذَا سَكَتَ ابْتَدَأَنِي»

Абдуллоҳ ибн Амр Ал-Жамалийнинг ривоятига кўра, ҳазрати Али (алайҳис салом)дан қандайига сиз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) саҳобаларининг ҳаммасидан кўра кўпроқ ҳадис биласиз деб сўралганда, мўъминлар амири ҳазрати Али (алайҳис салом) ушбу саволга жавобан шундай дедилар:

«Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)дан сўраганимда, ул зот менга ўз илмларини берардилар ва жим турганимда эса ул ҳазратнинг ўзлари менга таълим беришни бошлардилар».<sup>1</sup>

Ҳазрати Али (алайҳис салом) Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) илмларининг вориси бўлганликлари учун ул ҳазратнинг ўзлари мендан сўранглр, мендан нимани сўрасангиз у ҳақида сизларга хабар бергайман деб бир неча маротаба марҳамат қилганлар.

Бу борада қуйидаги ривоятга диққатингизни жалб этамиз:

روي معمر، عن وهب بن عبد الله، عن أبي الطفيل، قال: شهدت عليًا يخطب، وهو يقول: «سَلُونِي، فَوَاللَّهِ لَا تَسْأَلُونَنِي عَنْ شَيْءٍ إِلَّا أَحْبَبْتُكُمْ بِهِ، وَسَلُونِي عَنْ كِتَابِ اللَّهِ؛ فَوَاللَّهِ مَا مِنْ آيَةٍ إِلَّا وَأَنَا أَعْلَمُ أَلَيْلٍ نَزَلَتْ أُمَّ بَهَارٍ، أُمَّ فِي سَهْلٍ أُمَّ فِي جَبَلٍ»

Муаммар номли шахс Ваҳаб бин Абдуллоҳдан ва у эса Абу Туфайлдан шундай ривоят қилади: Али (алайҳис салом)ни ушбу сўзларни айтиб хутба қилаётган ҳолда кўрдим: «Эй халойиқ, сизларнинг орангиздан кетишимдан олдин мендан сўрангиз. Аллоҳга қасамки, нимани мендан сўраманг, сизларни ундан хабардор этгайман. Аллоҳнинг

1. Ушбу ривоятни ўз китобида келтирган баъзи Аҳли суннат уламолари қуйидагилардан иборат:

- Абу Исо Термизий, «Сунанут-Тирмизий», Китаабул манаақиб ан Расулиллаах (с.а.о), 72/20-боб, ҳадис рақами: 3743 ва 77/20-боб, ҳадис рақами: 3750.
- Ибн Асийр Жазарий, «Усудул гобах фий маърифатис-саҳобах», 4-жилд, 29-бет, дору ихёит-туросил арабий нашрида, дорул фикр нашрида эса 3-жилд, 606-бет.
- Абул Улоъ Ал-Муборақфурий, «Тухфатул аҳвазий бишарҳи жаамиъит-Тирмизий», 10-жилд, 225-бет, абваабул манаақиб, 20-боб, ҳадис рақами: 3806.

китоби ҳақида мендан сўранглар. Аллоҳга қасамд этиб айтаманки, Мен ҳар бир оятнинг қачон ва қай ҳолда, кечаси нозил бўлганми ёки кундузими, текисликда нозил бўлганми ёхуд тоғдами билурман».<sup>1</sup>

Тобеинлардан бўлмиш Саид ибн Масаййиб ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг юқоридаги сўзлари борасида айтади:

عن سعيد بن المسيب، قال: لم يكن أحد من الصحابة يقول: سلوني، غير علي بن أبي طالب رضي الله عنه»

Али ибн Абу Толиб (разияллоҳу анҳу)дан бошқа ҳеч бир саҳоба «мендан сўранглар» деб айтмаган.

Абдул Малик бин Абу Сулаймон бу ҳақда айтади:

عن عبد الملك بن أبي سليمان، قال قلت لعطاء: أكان في أصحاب محمد ﷺ أحدٌ أعلم من عليّ، قال: «لَا وَاللَّهِ، مَا أَعْلَمُهُ»

Абдул Малик бин Абу Сулаймон айтади: Мен Атодан Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг саҳобалари орасида Алидан ҳам билимлироқ ва донороқ бирор ким бўлганми? деб сўрадим. Ато саволимга жавобан: «Йўқ, Аллоҳга қасамки, Алидан билимлироқни танимайман», деди.<sup>2</sup>

1. Ушбу ривоятни ўз китобида келтирган Аҳли сунна вал жамоа уламолари куйидагилардан иборат:

- Ибн Абдул Барр Ал-Қуртубий, «Ал-истийъоб фий маърифатил асҳоб», 3-жилд, 1107-бет, дорул жайл нашрида, аммо дорул кутубил илмийях нашрида эса 3-жилд, 208-бет.
- Абу Зайд Ас-Саъолибий Ал-Моликий, «Тафсиру Саъалибий, ал-Мусаммаа бил жавааҳирил ҳисаан фий тафсийрил Қуръон», 1-жилд, 52-бет.
- Ал-Муваффиқ ибн Аҳмад Ал-Хоразмий, «Ал-Маноқиб», 7-фасл, 92-рақамли ҳадис, 94-бет.
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 2-жилд, 250-бет, 56-боб.

2. Ушбу икки ривоятни ўз китобида келтирган Аҳли сунна вал жамоа уламолари куйидагилардан иборат:

- Ибн Абдул Барр Ал-Қуртубий, «Ал-истийъоб фий маърифатил асҳоб», 3-жилд, 1103 ва 1104-бетлар, дорул жайл нашрида, аммо дорул кутубил илмийях нашрида эса 3-жилд, 206-бет.
- Абу Зайд Ас-Саъолибий Ал-Моликий, «Тафсиру Саъалибий, ал-мусаммаа бил жавааҳирил ҳисаан фий тафсийрил Қуръон», 1-жилд, 52 ва 53-бетлар.
- Ибн Ҳажар Ҳайтамий, «Ас-Савоикул муҳриқаҳ», 9-боб, 3-фасл, 127-бет.

Буюк саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуд (*разияллоҳу анҳу*) мўъминлар амири ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг теран илм соҳиби эканликлари борасида шундай айтади:

قال عبد الله بن مسعود: إِنَّ الْقُرْآنَ أَنْزَلَ عَلَى سَبْعَةِ أَحْرَفٍ، مَا مِنْهَا حَرْفٌ إِلَّا وَلَهُ ظَهْرٌ وَبَطْنٌ، وَإِنَّ عَلِيَّ بْنَ أَبِي طَالِبٍ عِنْدَهُ عِلْمُ الْقُرْآنِ ظَاهِرُهُ وَبَاطِنُهُ»

«Шубҳасиз, Қуръон етти ҳарф асосида нозил қилинган. Ушбу ҳарфларнинг ҳар бири зоҳирий ва ботиний маънога эга. Шак-шубҳасиз, Али ибн Абу Толибнинг наздида Қуръоннинг зоҳирий ва ботиний илми тўла-тўқис мавжуддир».<sup>1</sup>

Ҳибрул уммах, яъни умматнинг доноси бўлмиш Ибн Аббос (*разияллоҳу анҳу*) ҳам мўъминлар амири ҳазрати Али (*алайҳис салом*)нинг теран илм соҳиби эканликлари борасида айтади:

قال ابن عباس: «وَاللَّهِ لَقَدْ أُعْطِيَ عَلِيُّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ تِسْعَةَ أَعْشَارِ الْعِلْمِ! وَأَيُّمُ اللَّهُ لَقَدْ شَارَكْتَهُمْ فِي الْعُشْرِ الْعَاشِرِ»

«Аллоҳга қасамки, шак-шубҳасиз, Али ибн Абу Толибга илмнинг ўндан тўққиз қисми берилган. Аллоҳга қасамд этиб айтаманки, Али қолган саҳобалар билан илмнинг ўндан бир қисмида ҳам шерикдир».<sup>2</sup>

Ибн Аббос (*разияллоҳу анҳу*)дан нақл қилинган бошқа бир ривоятда у киши шундай деганлар:

- 
1. Ушбу ривоятни келтирган Аҳли сунна вал жамоа уламолари куйидагилардир:
    - Абу Зайд Ас-Саъолибий Ал-Моликий, «*Тафсиру Саъалибий, ал-мусаммаа бил жавааҳирил ҳисаан фий тафсийрил Қуръон*», 1-жилд, 53-бет.
    - Жалолуддин Суютий, «*Ал-Итқон фий улумил Қуръаан*», 2-жилд, 319-бет.
    - Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «*Янобийъул маваддаҳ*», 1-жилд, 14-боб, 82-бет.
  2. Ушбу ривоятни ўз китобларида келтирган Аҳли сунна вал жамоа уламолари куйидагилардан иборат:
    - Ибн Асийр, Ал-Жазарий, «*Усудул зобаҳ фий маърифатис-саҳобаҳ*», 4-жилд, 22-бет, дорул ихёит-туросил арабий нашрида, дорул фикр нашрида эса 3-жилд, 596-бет.
    - Ибн Абдул Барр Ал-Қуртубий, «*Ал-истийъоб фий маърифатил асҳоб*», 3-жилд, 1104-бет, дорул жайл нашрида, аммо дорул кутубил илмийях нашрида эса 3-жилд, 207-бет.
    - Ибн Шаҳр Ошуб Ас-Сарвий Ал-Мозандароний «*Маноқибу Оли Аби Толиб*», 2-жилд, 38-бет.
    - Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «*Янобийъул маваддаҳ*», 1-жилд, 14-боб, 82-бет.

قال ابن عباس: «عَلِيٌّ عَلِمَ عِلْمًا عَلَّمَهُ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ، وَرَسُولُ اللَّهِ ﷺ عَلَّمَهُ اللَّهُ، فَعَلِمَ النَّبِيُّ ﷺ مِنْ عِلْمِ اللَّهِ، وَعَلِمَ عَلِيٌّ مِنْ عِلْمِ النَّبِيِّ ﷺ، وَعِلْمِي مِنْ عِلْمِ عَلِيٍّ، وَمَا عَلِمِي وَعِلْمُ أَصْحَابِ مُحَمَّدٍ ﷺ فِي عِلْمِ عَلِيٍّ إِلَّا كَقَطْرَةٍ فِي سَبْعَةِ أَمْجُرٍ»

«Али Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ўргатган илмга эга ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) эса Аллоҳ ўргатган илмга эгадирлар. Демак, Пайгамбаримизнинг илмлари Аллоҳнинг илмидан, Алининг илми Пайгамбаримизнинг илмларидан ва менинг илмим эса Алининг илмидандир. Менинг илмим ва Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) саҳобаларининг илми Али илмининг олдида фақатгина етти денгиз ёнидаги бир қатрага ўхшайдир, холос».<sup>1</sup>

Яна бошқа бир ривоятда Ибн Аббос (разияллоҳу анҳу) қолган саҳобалардан фарқли ўларок, амирал мўминин Али (алайҳис салом)нинг нақадар улкан ва чексиз илм соҳиби эканликлари борасида шундай деди:

قال ابن عباس إمام المفسرين: العِلْمُ عَشْرَةُ أَجْزَاءٍ، لِعَلِيٍّ تِسْعَةٌ أَجْزَاءٍ وَلِلنَّاسِ عَشْرُ الْبَاقِي، وَهُوَ أَعْلَمُهُمْ بِهِ. وَقَالَ أَيضًا: يَشْرَحُ لَنَا عَلِيٌّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ نُقْطَةَ الْبَاءِ مِنْ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ لَيْلَةً، فَانْفَلَقَ عَمُودُ الصُّبْحِ وَهُوَ بَعْدُ لَمْ يَفْرَغْ، فَرَأَيْتُ نَفْسِي فِي جَنْبِهِ كَالْفَوَاةِ فِي جَنْبِ الْبَحْرِ الْمُتَلَاطِمِ. وَقَالَ عَلِيٌّ كَرَّمَ اللَّهُ وَجْهَهُ: لَوْ تُنْبِتُ لِي الْوَسَادَةَ وَجَلَسْتُ عَلَيْهَا، لَحَكَمْتُ لِأَهْلِ التَّوْرَةِ بِتَوَارِيهِمْ وَلِأَهْلِ الْإِنْجِيلِ بِأَنْجِيلِهِمْ وَلِأَهْلِ الْقُرْآنِ بِقُرْآنِهِمْ. وَهَذَا كَانَتْ الصَّحَابَةُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ يَرْجِعُونَ إِلَيْهِ فِي أَحْكَامِ الْكِتَابِ، وَيَأْخُذُونَ عَنْهُ الْفِتَاوَى، كَمَا قَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ فِي عِدَّةِ مَوَاطِنَ: لَوْلَا عَلِيٌّ هَلَكَ عَمْرٌ، وَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ: أَعْلَمُ أُمَّتِي عَلِيٌّ بْنُ أَبِي طَالِبٍ»

«Илм ўн қисмдан иборат бўлиб, унинг тўққиз қисми Алиникидир ва қолган ўндан бир қисми одамларникидир ва Али ўша бир қисмини ҳам уларнинг ҳаммасидан билувчи роқдир. Ибн Аббос сўзида давом этиб деди: Али Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳимдаги бо ҳарфининг нуқтасини бир кеча давомида шарҳлаб бераётганида, тонг отиб қолди. Холбуки, ул зот

1. Ушбу ривоятни ўз китобларида келтирган Аҳли сунна вал жамоа уламолари куйидагилардан иборат:

- Ибн Шаҳр Ошуб Ас-Сарвий Ал-Мозандароний «Маноқибу Оли Аби Толиб», 2-жилд, 38-бет.  
- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 1-жилд, 14-боб, 82-бет.

ҳали ҳам ўша бо ҳарфи нуқтасини шарҳлашни тугатмаганди. Мен ўзимни у зотнинг ёнида худди тошқин денгиз ёнида оқайтган фаввора каби кўрдим. Али (*қаррамаллоҳу ваҗҳаҳу*) дерди: Агар менга муҳокама курсиси ўрнатилса ва мен унинг устига ўтирсам, шубҳасиз, Таврот аҳли учун Таврот билан, Инжил аҳли учун Инжил билан ва Қуръон аҳли учун Қуръон билан ҳукм чиқаргайман. Шунинг учун, саҳобалар ул ҳазратга Қуръоннинг аҳкомларида мурожаат қилар ва фатволарни ул ҳазратдан олардилар. Умар ибн Хаттоб бир неча ўринларда шундай деганди: Агар Али бўлмаганида эди, шубҳасиз, Умар ҳалок бўларди. Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) ҳам Али ҳақида шундай деб марҳамат қилганлар: Умматимнинг энг доноси Али ибн Абу Толибдир».<sup>1</sup>

Ушбу ҳадис ва ривоятлардан ошкора маълум бўладики, мўъминлар амири ҳазрати Али (*алайҳис салом*) ҳам сарвари олам Муҳаммад Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*) каби илоҳий ва ладунний илмлар соҳиби бўлиб, бошқа саҳобалардан мутлақо фарқланиб турганлар ва ҳазрати Али (*алайҳис салом*) болалик чоғлариданоқ Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг махсус тарбиялари остида бўлганликлари мана шундай теран илм соҳиби бўлишларига сабаб бўлган. Бу эса ҳазрати Али (*алайҳис салом*) Расулulloҳ (*соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам*)нинг ҳақиқий ворис ва давомчилари эканлигига ёрқин далилдир.

---

1. Ушбу ривоятнинг Аҳли суннат наздидаги манбалари:

- Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «Янобийъул маваддаҳ», 1-жилд, 14-боб, 83-бет.  
- Ал-Муваффиқ ибн Аҳмад Ал-Хоразмий, «Ал-Маноқиб», 7-фасл, 90-ҳадис, 93 ва 94-бетлар.

---

## ХОТИМА

---

Ушбу китобда келтирилган юзга яқин қатъий далил ва исботлардан ошкора маълум бўлдики, Аҳли-Байт мазҳаби кўркам дарахтга ўхшаш бўлиб, бу дарахтнинг асл ва негизи мустаҳкамдир. Негаки, унинг томирлари ерга чуқур илдиз отгани учун доимо мустаҳкам туради. Шу боис, турли шамоллар, довул ва бўронлар ҳамда бошқа омиллар уни жойидан силжита олмайди. Айна пайтда, бу дарахтнинг шохлари осмон сари қад кўтаргандир. У доимо Парвардигори каримнинг изни билан мева бериб туради. Аҳли-Байт мазҳаби ҳам худди шу кўркам дарахтга ўхшайди. Унинг илдизи мустаҳкам бўлиб, ҳеч нарсадан таъсирланмайди. Зероки, унинг ақидавий ва фикҳий кўрсатмалари олий ва юксак даражада бўлиб, доимо ўз самарасини ҳақиқат изловчиларига бериб туради.

Ҳақиқатан ҳам, Аҳли-Байт мактаби қуйидаги ояти карималарнинг айний намунаси:

﴿أَلَمْ تَرَ كَيْفَ صَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا كِمَةً طَيِّبَةً كَشَجَرَةٍ طَيِّبَةٍ أَصْلُهَا ثَابِتٌ وَفَرْعُهَا فِي السَّمَاءِ \* تُؤْتِي أُكْلَهَا كُلَّ حِينٍ بِإِذْنِ رَبِّهَا وَيَضْرِبُ اللَّهُ الْأَمْثَالَ لِلنَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَتَذَكَّرُونَ﴾

«Аллоҳ қандай мисол келтирганини кўрмадингизми? Покиза сўз [тўғри ва ҳақиқий эътиқод] худди бир покиза дарахтга ўхшаш бўлиб, унинг илдизи мустаҳкам ва шохлари эса осмондадир. Парвардигорининг изни билан ҳар доим меваларини бериб туради. Аллоҳ, шояд эсласалар, деб одамларга мисоллар келтиради». (Иброҳим сураси, 24 ва 25-оятлар)

Сўзимиз пировардида қўлни дуога кўтариб Аллоҳ таолодан бизларни пайғамбаримиз Муҳаммад Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) ва ул зотнинг чинакам ворислари бўлмиш ўн икки халифа, валий, раҳнамо ва йўлбошчиларга эргашиб, ўша зотларнинг кўрсатган йўлларида борадиган мусулмонлардан қилсин, деб сўраймиз. Зероки,

пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг Аҳли-Байтларидан бўлган ўн икки имом ва раҳнамога эргашиб, уларнинг изидан бориш тўғри ва ҳидоят йўли бўлиб, ушбу зотлардан ўзгаларга эргашиш эса ҳидоят йўлидан орқада қолиб, нажот йўлидан узоқлашиш, деб биламиз. Бу сўзнинг далили эса ушбу китобда келтирилган ўнлаб Қуръон оятлари ва ҳадислар билан биргаликда пайғамбаримиз Муҳаммад Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам)нинг куйидаги ҳадиси шарифларидир:

عَنْ عَلِيِّ عَلَيْهِ السَّلَامُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: يَا عَلِيُّ إِذَا كَانَ يَوْمُ الْقِيَامَةِ مَخْرُجٌ قَوْمٌ مِنْ قَبُورِهِمْ لِيَأْسُسَهُمُ الثُّورَ عَلَى نَجَائِبٍ مِنْ نُورٍ أَرَزَمَهَا يَوَاقِيتُ حُمْرٍ، تَرْزُقُهُمُ الْمَلَائِكَةُ إِلَى الْمُحْشَرِ، فَقَالَ عَلِيُّ: تَبَارَكَ اللَّهُ مَا أَكْرَمَ قَوْمًا عَلَى اللَّهِ. قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَآلِهِ وَسَلَّمَ: يَا عَلِيُّ هُمْ أَهْلُ وِلَايَتِكَ وَشِيعَتِكَ وَمُحِبُّوكَ، يُحِبُّونَكَ بِحُبِّي، وَيُحِبُّونَنِي بِحُبِّ اللَّهِ، هُمْ الْفَائِزُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ.

Ҳазрати Али (алайҳис салом) дедилар: Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) менга шундай марҳамат килдилар:

«Эй Али, қиёмат кунни бўлганда, либослари нур бўлган бир гуруҳ ўз қабрларидан чиқурлар ва улар нурдан бўлган туялар устида бўлурлар, у туяларнинг жиловлари қизил рангли ёқутлардир. Ушбу гуруҳни малоикалар маҳшар сари олиб борурлар. Шунда ҳазрати Али (алайҳис салом) дедилар: Аллоҳ баракотли Зотдир. Бу тоифа Аллоҳ ҳузурида қандай ҳам улугдирлар! Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллам) дедилар: Эй Али, улар сени валий ва раҳнамо сифатида қабул қилиб, сенга эргашувчи шиаларинг ва сени дўст тутувчилардирки, мени дўст тутганликлари сабабли сени яхши кўрурлар ва Аллоҳни севганликлари учун мени дўст тутурлар. Улар қиёмат кунинда нажот топувчи – саодатли кишилардир».<sup>1</sup>

1. Ушбу ҳадисни ўз китобларида ривоят қилган Аҳли суннат олимлари куйидагилардан иборат:

- Ибн Асокир, «Тариху мадинати Дамашқ», 2-жилд, 346 ва 846-бетлар, ҳазрати Али (алайҳис салом)нинг таржимаи ҳолларида.
- Ганжий Шофей, «Кифаятут-толиб», 86-боб. 313-бет.
- Хатиб Бағдодий, «Тариху Бағдод», 12-жилд, 358-бет, 6790-ҳадис.
- Ҳайсамий, «Мажмаъуз-завоид ва манбаъул-фавоид», 10-жилд, 21-бет ва 9-жилд, 173-бет.



Али мавлом<sup>1</sup> Али мавлом Алижон!

Ўтар кунлар, ўтар йиллар, ҳам аср  
Емирилар шоҳлар, тахтлар ҳам қаср  
Такрорлайди аммо дилда чин инсон  
Такрорлайди аммо дилда мусулмон  
Али мавлом, Али мавлом, Алижон!

Кўпайганда ер юзида бут параст  
Яқинлашди қаъбага бинти Асад  
Деди: Фарзандимга бергин бир паноҳ  
Мушрикларнинг бад нигоҳидан Аллоҳ

Бу сўзлардан Қаъба девори ларзон  
Бу каломдан ёрилди девор осон  
Мева келди, меваи жаннат макон  
Қаъба айлар Алини уч кун меҳмон

Пайғамбарга жонишин мартабали  
Шаънинггадир Ло Фато илло Али  
Қаҳрлисан душманга, дўстга Валий  
Исминг бирла ҳамма иш баракали

Ишинг бирла ҳамоҳангдир ҳар равиш  
Сенинг изнинг бирла юрди ҳар дарвеш  
Номинг айтар инсонлар бошларкан иш  
Кумайилинг, Ноди Алинг кушойиш

Фотима бинти Муҳаммад сенга гул  
Азоблари чексиз унинг дарди мўл  
Душман урар ҳамсарингни пойлаб йўл  
Хониш қиларсан қанотсиз бир булбул

Сенсиз қоронғи менга икки дунё  
Чироғимсан роҳнамомсан ё мавло  
Итратинг бизнинг соҳиб, соҳиби Қуръон  
Соҳиби дунё, соҳиби инслар ҳамда жон

Мен бандаи бир осийман гуноҳкор  
Қабрим ичра қанча азоб менга бор  
Ҳеч ким келмас, на мол на фарзанд ёки ёр

- 
- Балозирий, «*Ансобул ашроф*», 2-жилд, 182-бет, 215-ҳадис.
  - Шайх Сулаймон Қундузий Ҳанафий, «*Янобийъул маваддаҳ*», 281-бет, 45-ҳадис, ва шунингдек, 13-боб, 72 ва 306-бет.
  - Ҳофиз Шамсиддин аз-Заҳабий, «*Мийзонул-иътидол фий нақдир-рижол*», 1-жилд, 421-бет, 1551-ҳадис.
  - Ҳофиз Ҳасканий, «*Шавоҳиддуд танзийл*», 107-ҳадис.
1. «*Мавло*» сўзининг маъноси «*пешво, йўлбоиши ва раҳнамо*» демакдир.

Нажотимдир у шаб менга хайри кор  
Ҳамда мавлом, жон мавлоим мадаккор

Орзуларни қалбдан тарк қилгин мудом  
Ҳою ҳавас бермас дунёда ором  
Мартаба учун ҳеч қилма орзу  
Билгин хою ҳавас бу ёлғон обрў.

**Шоир:** Марҳум Устоз Баҳодир Забиҳзода

*Аллоҳ таолонинг тавфиқ ва мадади ҳамда замонамиз соҳиби ва раҳнамози Имом Маҳдий (а.ж)нинг махсус дуо ва иноятлари билан ушбу китобнинг таълифи ҳижрий 1439-йил, жумодил-уло ойининг йигирма олтинчиси, якшанба куни (милодий 2018-йил, 16-мартда) интиҳо топди. Ал-ҳамдулиллааҳи Роббил ʼааламийн.*

---

## УШБУ АСАРДА ҚЎЛЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

---

Қуръони Карим.

### Қуръон тафсирилари:

1. Ал-кашшоф ан ҳақоиқи ғавомизит-танзийл ва уюнил ақовийл фий вужухит-таъвийл (тафсири Кашшоф), Муҳаммад ибн Умар, Жоруллоҳ Замахшарий, нашр этилан жойи: Байрут-Ливан, Дорул китобил арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1429-ҳижрий сана, 2008-милодий сана, биринчи нашри.
2. Аддурул мансур фит-тафсири бил-маъсур, Жалолиддин Абдур-Раҳмон ибн Абу Бакр ибн Носириддин Муҳаммад Шофий Суяутий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул фикр лит-табоати ван-нашри ват-тавзийъ нашриёти, нашр этилган йили: 1414-ҳижрий сана, 1993-милодий сана, биринчи нашри.
3. Тафсирул Фаҳрир-Розий ёки Ат-тафсирул Кабийр ва Мафотийҳул ғайб номи билан танилган, Абу Абдуллоҳ, Муҳаммад ибн Умар ибн Ҳусайн, Имом Фаҳри Розий номи билан танилган, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул фикр лит-табоати ван-нашри ват-тавзийъ нашриёти, нашр этилган йили: 1423-ҳижрий сана, 2002-милодий сана, учинчи нашри.
4. Рухул маъоний фий тафсийрил Қуръонил азийм вас-сабъил масоний, Шаҳобуддин Саййид Маҳмуд ал-Олусий ал-Бағдодий, тадқиқотчилар: Муҳаммад Аҳмад ал-Амад ва Умар Абдуссалом ас-Саломий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул ихёит-туросил арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1421-ҳижрий сана, 2000-милодий сана, биринчи нашри.
5. Тафсийрул баҳрил муҳийт, Муҳаммад ибн Юсуф, Ибн Ҳайён Андулусий номи билан танилган, нашр этилан жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил илмийях нашриёти, нашр этилган йили: 1422-ҳижрий сана, 2001-милодий сана, биринчи нашри.
6. Жомийул баён ван таъвили ойил-Қуръон ёки Тафсири Табарий, Абу Жаъфар, Муҳаммад ибн Жарийр ибн Язид Табарий, нашр этилган жойи: Миср, нашр этилган йили: 1378-ҳижрий сана йили, учинчи нашри.
7. Тафсири Куртубий (Ал-жомийу лиаҳкомил-Қуръон), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад Ал-Ансорий, Ал-Куртубий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул ихёит-туросил арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1405-ҳижрий сана, 1985-милодий сана.
8. Ал-Кашфу вал-баён (Тафсирус-Саълабий), Абу Исҳоқ Аҳмад, Имомус Саълабий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул ихёит-туросил арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1422-ҳижрий сана, 2002-милодий сана.

9. Тафсирул Байзовий ёки Анворут-танзил ва асрорут-таъвийл деб номланган, Қози Носириддин Абу Саид Абдуллоҳ ибн Умар ибн Муҳаммад Аш-Широзий Ал-Байзовий, нашр этилан жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил илмиях нашриёти, нашр этилган йили: 1408-ҳижрий сана, 1988-милодий сана, биринчи нашри.
10. Тафсиру Ибн Касир ёки Тафсири ал-Қуръонил азийм, Исмоил ибн Умар ибн Касир, Ал-Қурайший, Ад-Дамашкий, Ал-Басрий, Аш-шофийй, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул маърифат нашриёти, нашр этилган йили: 1412-ҳижрий сана, 1992-милодий сана.
11. Фатҳул қодийр ал-жомиъу байна фаннайир-ривояти вад-диroyати мин илмит-тафсийр, Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад, Аш-Шавконий, Аллома Қозий Шавконий номи билан танилган, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дору ихёит-туросил арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1422-ҳижрий сана, 2001-милодий сана, иккинчи нашри.
12. Ал-Муҳаррарул Важиъ фий тафсирил китобил азиз, Абу Муҳаммад Абдулҳак ибн Голиб ибн Атийя Ал-Андулусий, тадқиқотчи: Абдусалом Адбушофий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил илмийях нашриёти, нашр этилган йили: 1413-ҳижрий сана, 1993-милодий сана.
13. Тафсиру Саъалибий, ал-мусаммаа бил жаваҳирил ҳисаан фий тафсийрил Қуръон, Имом Абдурахмон бин Муҳаммад бин Махлуф Абу Зайд Ас-Саъолибий Ал-Моликий, нашр этилан жойи: Байрут-Ливан, Дору ихёит-туросил арабий ва Муассасатут-тарихил арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1418-ҳижрий сана, 1997-милодий сана, биринчи нашри.
14. Аминул Ислому Абу Али Ал-Фазл ибн Ҳасан Ат-Табарсий, Мажмаъул баён фий тафсийрил Қуръон, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Муассасатул аъламий лил-матбуот нашриёти, нашр этилган йили: 1415-ҳижрий сана, 1995-милодий сана, биринчи нашри.
15. Шавоҳидут-танзийл ликаводит-тафзийл фил оётин-нозилати фий аҳлил байти салавотуллоҳи ва саламуху алайҳим, Ҳасконий Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад, Ҳоким Ҳасконий Ҳанафий Нишобурий номи билан танилган, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, нашр этилган йили: 1393-ҳижрий сана, биринчи нашри.
16. Асбобун нузул, Воҳидий Нишобурий, Абул Ҳасан Али ибн Аҳмад, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил илмийях нашриёти.
17. Ал-мийзон фий тафсийрил Қуръон, Аллома Саййид Муҳаммад Хусайни Таботабоий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Муассасатул аъламий лил-матбуот нашриёти, нашр этилган йили: 1422-ҳижрий сана, 2002-милодий сана, иккинчи нашри.

#### **Ҳадис китоблари:**

18. Ал-Кофий, Сикатул Ислому Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Яъқуб ибн Исҳоқ Ал-Кулайний, нашр этилган жойи: Техрон-Эрон, Дорул кутубил ислаамийях нашриёти, нашр этилган йили: 1407-ҳижрий сана, 1987-милодий сана, тўртинчи нашри.
19. Саҳийхул Бухорий (Ал-жомиъус-саҳийх), Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дору ихёит-туросил арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1400-ҳижрий сана йили, биринчи нашри.
20. Саҳийҳи Муслим, Абул Хусайн Муслим ибн Ҳажжож, Ал-Қушайрий, Ал-Нисобурий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул фикр лит-табоати ван-нашри ват-тавзийъ нашриёти, нашр этилган йили: 1421-ҳижрий сана, 2000-милодий сана, биринчи нашри.
21. Саҳихи Ибн Ҳиббон, Али ибн Булбулон ибн Ҳиббон Ал-Форсий,

22. Шарафун-Набийи ёки Шарафул-Мутафо, Абу Саъд Абдул Малик бин Муҳаммад бин Иброҳим Харгуший Нишопурий, нашр этилган жойи: Саудия Арабистон-Макка, Даарул башаарил-ислаамийях нашриёти, нашр этилган йили: 1424-ҳижрий сана ва 2004-милодий сана, биринчи чопи.
23. . Фатҳул-Борий шарҳи Саҳиҳи Бухорий, Ҳофиз Аҳмад бин Али ибн Ҳажар Асқалоний, Байрут-Ливан чопи, Дорул кутубил илмийя нашриёти, нашр этилган йили: 1418-ҳижрий сана, 1997-милодий сана, иккинчи чопи.
24. Саҳиҳи Муслим бишарҳин-Нававий ёки Шарҳи Саҳиҳи Муслим, Имом Нававий, Муҳиддин Абу Закариё Яҳё бин Шараф Ан-Нававий Аш-Шофеий, Байрут-Ливан чопи, Дорул китобил-арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1407-ҳижрий сана, 1987-милодий сана, биринчи чопи ва шунингдек, Байрут-Ливан чопи, Дорул қалам нашриёти, нашр этилган йили: 1407-ҳижрий сана, 1987-милодий сана, биринчи чопи.
25. Ал-мустадрак алас-саҳиҳайн, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, Ҳоким Нишобурий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул маърифат нашриёти.
26. Ал-Жомийбул Кабийр ёки Сунани Термизий, Муҳаммад ибн Исо ибн Сура ибн Мусо ибн Заҳҳак Сулабий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул фикр нашриёти.
27. Тухфатул аҳвазий бишарҳи жаамийит-Тирмизий, Абул Улоъ Муҳаммад Абдурахмон ибн Абдурахим Ал-Муборақфурий, вафот этган йили: 1353-ҳижрий сана, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул фикр нашриёти, нашр этилган йили: 1415-ҳижрий сана, 1995-милодий сана, биринчи нашри.
28. Сунани ибн Можаҳ, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Абдуллоҳ ибн Можаҳ Қазвиний, нашр этилган жойи: Қоҳира-Миср, нашр этилган йили: 1373-ҳижрий сана йили.
29. Сунани Абу Довуд Сажистоний, Сулаймон ибн Ашъас ибн Исҳоқ ибн Башир ибн Шадод ибн Амр ибн Имрон Аздий, Ҳанбалий, нашр этилган жойи: Лакнаҳу, нашр этилган йили: 1321-ҳижрий сана йили.
30. Сунани Байҳақий (Сунанул Кубро), Абу Бакр Аҳмад ибн Ҳусайн, Байҳақий Шофеий, нашр этилган жойи: Ҳайдар-обод, 1344-1355-ҳижрий сана йиллар.
31. Сунанун-Нисоий, Аҳмад ибн Шуайб Ан-Нисоий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул фикр нашриёти, нашр этилган йили: 1348-ҳижрий сана, биринчи нашри.
32. Муснаду Абу Довуди Таёлисий, Сулаймон ибн Довуд ибн Жоруд Ал-форсий, Ал-Басрий, нашри этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул маърифат нашриёти.
33. Муснаду Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Абдиллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал, 164-ҳижрий санада туғилиб 241-йилда вафот этган, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул ихёит-туросил арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1415-ҳижрий сана, 1994-милодий сана, учинчи нашри.
34. Фазоилус-саҳобах, Абу Абдиллоҳ Аҳмад Ибн Ҳанбал, 164-ҳижрий санада туғилиб 241-йилда вафот этган, татқиқотчи: Васийюллоҳ бин Муҳаммад Аббос, нашр этилган жойи: Саудия Арабистон-Риёз, Дорул Ибн Ал-Жавзий нашриёти, нашр этилган йили: 1430-ҳижрий сана, 2009-милодий сана, тўртинчи нашри.
35. Канзул-уммол фий сунанил-аҳволи вал-афъол; Алоуддин Али ибн Хисомиддин Абдул-Малик Ал-Муттақил Ҳиндий, ушбу китобни ёзиб тугатган йили: 957 ҳижрий қамарий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Муссасатур-Рисаалах нашриёти.
36. Мажмаъуз-завоид ва манбаул фаваид; Ҳофиз Нуриддин Али ибн Абу Бакр Ал-Ҳайсамий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил илмийях нашриёти ва шунингдек, Байрут-Ливан, Муассасатул маъаариф лит-табаъати ван-нашр нашриёти, нашр этилган йили: 1406-ҳижрий сана ва 1986-милодий сана.

37. Янобийбул маваддах лизавил курбо; Шайх Сулаймон ибн Шайх Иброҳим Ал-Кундузий Ал-Ҳанафий, 1220-ҳижрий қамарий йилида туғилиб 1294-йилда вафот этган, татқиқотчи: Алоуддин Ал-Аълабий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Муассасатул аълабий лил-матбуот нашриёти, нашр этилган йили: 1418-ҳижрий сана ва 1997-милодий сана, биринчи нашри.
38. Маноқибул имом Амирил мўъминин; Абу Хасан Али ибн Муҳаммад аш-шофий, ибн Мағозилий номи билан танилган, вафот этган йили: 483-ҳижрий сана йили, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул-азвоъ нашриёти, нашр этилган йили: 1424-ҳижрий сана ва 2004-милодий сана.
39. Маноқибу Оли Аби Толиб; Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али ибн Шаҳр Ошуб Ас-Сарвий Ал-Мозандароний, татқиқотчи: Юсуф Ал-бақоъий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул-азвоъ нашриёти, нашр этилган йили: 1412-ҳижрий сана ва 1991-милодий сана, иккинчи нашри.
40. Фароидус-симтайн, Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Муаййад ибн Абдуллоҳ ибн Али ибн Муҳаммад Ал-Жувайний Ал-хуросоний, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Муассасатул Маҳмудий лит-табоати ван-нашр нашриёти.
41. Ҳиятул авлиё, Ҳофиз Абу Наим, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Исфаҳоний, нашр этилган жойи: Қоҳира-Миср, Матбаус-саодах нашриёти, нашр этилган йили: 1351-1357 ھижрий қамарий йили.
42. Ансабул ашроф, Абу Жаъфар Аҳмад ибн Яҳё ибн Жобир Ал-Балозирий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Муассасатул аълабий лил-матбуот нашриёти, нашр этилган йили: 1394-ҳижрий сана, 1974-милодий сана.
43. Шарҳу Наҳжил Балоға, Ибн Абил Ҳадид, Иззуддин Аби Ҳомид Абдил Ҳамид ибн Ҳибатуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Хусайн Мадоиний Муътазилий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дору ихёит-туросил арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1378-ҳижрий сана, 1967-милодий сана, иккинчи нашри.
44. Лисонул Мийзон, Шаҳобуддин Аҳмад ибн Али ибн Ҳажар Аскалоний, нашр қилинган жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил илми илмиях нашриёти, нашр этилган йили: 1416-ҳижрий сана, 1996-милодий сана, биринчи нашри.
45. Ан-Нурул муштағал мин китоби ма назала минал Куръони фий Алиййин, Ҳофиз Абу Наим, Аҳмад ибн Абдуллоҳ Исфаҳоний, нашр этилган жойи: Эрон, Маншуроту матбаати визоратил иршодил-исломий, нашр этилган йили: 1406-ҳижрий сана йили, биринчи нашри.
46. Ас-сийратул Ҳалабийях, Абул Фараж Али ибн Бурҳониддин, Ал-Ҳалабий Аш-шофий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул маърифах нашриёти, нашр этилган йили: 1400-ҳижрий сана йили.
47. Ас-сийратун-Набавийях, Исмоил ибн Умар ибн Касир Ал-Басравий Ад-Дамашкий, татқиқотчи: Мустафо Абдулвоҳид, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул маърифа нашриёти, нашр этилган йили: 1396-ҳижрий сана.
48. Субулул худо вар-рошаад фий сийрати хойрил ибод, Абу Абдиллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф Ас-соллиҳий Ашшомий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Даарул кутубил илмийях нашриёти, нашр этилган йили: 1414-ҳижрий қамарий, 1993-милодий йили.
49. Ас-саҳийху мин сийротин-Набиййил Аъзам, Жаъфар Муртазо Омиллий, нашр этилган жойи: Эрон-Кум, Даарул ҳадиийс нашриёти, нашр этилган йили: 1426-ҳижрий қамарий.
50. Имтоғул Асмоъ бимаа линнабиййи минал-аҳваали вал-амваал вал-ҳафадати валматағ, Тақиюддин Аҳмад ибн Али Ал-Микризий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Даарул кутубил илмийях, 1420-ҳижрий сана, 1999-милодий сана, биринчи нашри.

51. Зодул Маъод фий худо ҳайрул ибод, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Бакр Аз-Заръий Ад-Дамашқий, Ибн Қаййим Жавзия номи билан танилган, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дору ихёит-туросил арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1421-ҳижрий сана, 2001-милодий сана, биринчи нашри.
52. Ар-Риёзун назираҳ, Абу Жаъфар Аҳмад ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ Муҳиббуддин Табарий Шофийй, нашр этилган жойи: Қоҳира-Миср, Матбауддор нашриёти, нашр этилган йили: 1372-ҳижрий сана йили, иккинчи нашри.
53. Захоирул-укбаа фий манаакиби завил қурбаа, Аллома Ҳофиз Муҳиббуддин Аҳмад ибн Абдуллоҳ Ат-Табарий, нашр этилган жойи: Қум-Эрон, муассасату дорил китобил исломий нашриёти, биринчи нашри.
54. Нурул абсор фий маноқиби олин-Набиййил мухтор, Аш-Шайх Мўъмин ибн Ҳасан Мўъмин Аш-Шабланжий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул фикр лит-табоати ван-нашри ват-тавзийъ нашриёти.
55. Ихёу улумиддин, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ал-Ғаззолий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил илмийях нашриёти, нашр этилган йили: 1423-ҳижрий сана, 2002-милодий сана, биринчи нашри.
56. Мажмуъату расаил, рисаалату Сиррул оламийн ва кашфу маа фид-даарайн, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад Ал-Ғаззолий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул фикр лит-табоати ван-нашри ват-тавзийъ нашриёти, нашр этилган йили: 1421-ҳижрий сана, 2000-милодий сана, биринчи нашри.
57. Тазкиратул хавос, Аллома Сибт ибн Жавзий, Абул Музаффар, Юсуф ибн Қаровғулий ибн Абдуллоҳ Бағдодий, Ҳанафий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Муассасату аҳлил-байт нашриёти, нашр этилган йили: 1401-ҳижрий сана, 1981-милодий сана.
58. Сийрату ибн Ҳишом ёки Ас-сийратун-набавийях, Абу Муҳаммад Абдул Малик ибн Ҳишом, Ҳимярий, тадқиқотчилар: Шайх Муҳаммад Али Ал-Қутб ва Шайх Муҳаммад Ал-Волий Балтаҳ, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дору ихёит-туросил арабий нашриёти ва шунингдек, Байрут-Сайдо, Ал-Мазҳабатул асрийях лит-табаъати ван-нашр нашриёти, нашр этилган йили: 1419-ҳижрий сана, 1999-милодий сана, иккинчи нашри.
59. Ал-Ғадийр фил китоби вас-суннати вал-адаб, Аллома Амийн, Абдул Ҳусайн ибн Аҳмад, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул китобил-арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1397-ҳижрий сана йили, тўртинчи нашри.
60. Наҳжул Балоға, ҳазрати Али *(алайҳис салом)* хутбалари, мактублари ва қисқа ҳикматли сўзларнинг тўплами, жамловчи, Сайид Шариф Разий, нашр қилинган жойи: Қум-Эрон, Муссасатун-нашрил исломий нашриёти, нашр этилган йили: 1417-ҳижрий сана йили, бешинчи нашри.
61. Сияру аьломин-нубалои, Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Муассасатур-рисаалаҳ нашриёти, нашр этилган йили: 1417-ҳижрий қамарий ва 1996-милодий сана, ўн биринчи нашри.
62. Кифааятут-толиб фий манаакиби Али ибн Аби Толиб, Ҳофиз Абу Абдиллоҳ Муҳаммад ибн Юсуф ибн Муҳаммад Ал-Қураший Ал-Ганжий Аш-Шофийй, қатл этилган йили: 658-ҳижрий сана, тадқиқотчи: Муҳаммад Ҳодий Ал-Аминий, нашр қилинган жойи: Техрон-Эрон, Дору ихёи туроси Аҳлил-байт нашриёти, нашр этилган йили: 1404-ҳижрий қамарий, учинчи нашри.
63. Ас-савоикул-мухриқаҳ фир-радди алаа аҳлил-бидаъи ваз-зандақаҳ, Аҳмад ибн Ҳажар Алҳайтамий, Ал-Маккий, нашр этувчи: Ширкатут-табаъатил-фанниййа ал-муттаҳидах.
64. Кашфул ғуммаҳ фий маърифатил аймаҳ, Аллома Муҳаққиқ Абул Ҳасан Али ибн Исо ибн Абил Фатҳ Ал-Ирбилиий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул китобил-исломий нашриёти, нашр этилган йили: 1401-ҳижрий сана ва 1981-милодий сана.

65. Манокибу муртазавий, Аллома Алмир Муҳаммад Солиҳ Ал-Кашфий Ат-Тирмизий Ал-Ҳанафий, нашр қилинган жойи: Техрон-Эрон, Равзана нашриёти, нашр этилган йили: 1380-ҳижрий шамсий йили, биринчи нашри.
66. Ал-Манокиб, Ал-Муваффиқ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Ал-Маккий Ал-Хоразмий, вафот этган йили: 568-ҳижрий сана йили, татқиқотчи: Шайх Молик Ал-Маҳмудий, нашр қилинган жойи: Қум-Эрон, Муассасатун-нашрил исломий нашриёти, нашр этилган йили: 1411-ҳижрий сана йили, иккинчи нашри.

**Тарихий китоблар:**

67. Тарихи Табарий (Тарихул-умами вал-мулук), Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарийр Ат-Табарий, 224-ҳижрий сана йилида туғилиб 310-йилда вафот этган, нашр этилган жойи: Қоҳира-Миср, Ал-Мазҳабатут тижорийятул кубро ва Матбаъатул-истикомати бил-Қоҳира нашриёти, нашр этилган йили: 1357-ҳижрий сана, 1939-милодий сана, шунингдек, Байрут-Ливан, Дорул кутубил илмияҳ нашриёти, нашр этилган йили: 1408-ҳижрий сана, 1988-милодий сана, иккинчи нашри.
68. Тариху Ибн Холдун, Абу Зайд Абдурахмон ибн Муҳаммад Ибн Холдун Ҳазрабий, Ибн Холдун номи билан танилган, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Даарул фикр, нашр этилган йили: 1408-ҳижрий сана, 1988-милодий сана, биринчи нашри.
69. Тарихи Яъқубий, Аҳмад ибн Аби Яъқуб ибн Жаъфар ибн Ваҳб бин Возих Ал-Котиб Ал-Аббосий; Яъқубий номи билан танилган, татқиқотчи: Абдул Амир Маҳно, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Муассасатул аълабий лил-матбуот нашриёти, нашр этилган йили: 1413-ҳижрий сана, 1993-милодий сана, биринчи нашри.
70. Ал-имаамату вас-сиёсах ёки Тарихул хулафаа, Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Қутайбах Ад-Динаварий, 213-ҳижрий сана йилида туғилиб 276-йилда вафот этган, нашр этилган жойи: Қоҳира-Миср, Ширкату мазҳабатин ва матбаату Мустафо Ал-Бобий Ал-Ҳалабий нашриёти, нашр этилган йили: 1388-ҳижрий сана, 1969-милодий сана, охирги нашри.
71. Ат-Тарих вал-Мағозий, Муҳаммад ибн Умар ибн Вокидий, 207-ҳижрий йилда вафот этган, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Муассасатул-Аълабий лил-матбуаат нашриёти, нашр этилган йили: 1409-ҳижрий сана, 1989-милодий сана, учинчи нашри.
72. Ал-Мунтазим фий тарихил умами вал-мулук, Абул Фараж Абдуррахмон бин Али бин Муҳаммад Ибн Жавзий, нашр этилган жойи: Байрут-Даарул кутубил илмийях, нашр этилган йили: 1412-ҳижрий сана, 1992-милодий сана, биринчи нашри.
73. Ат-Тарихул кабийр, Абу Абдиллоҳ Исмоил ибн Иброҳим Ал-Жуъфий Ал-Бухорий, вафот этган йили: 256-ҳижрий камарий йили; 869-милодий санага баробардир, татқиқотчи: Доктор Муҳаммад Абдул Муъийнхон, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул фикр лит-табаъати ван-нашри ват-тавзийъ нашриёти.
74. Тарихи мадинати Дамашқ (Тарихи ибн Асокир), Али ибн Ҳасан ибн Ҳибатуллоҳ ибн Асокир Дамашқий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул фикр нашриёти.
75. Тарихи Бағдод ёки Тарихи мадинатис-салом, Аҳмад ибн Али Ал-Хатиб, Ал-Бағдодий, туғилган йили: 463-ҳижрий сана, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил илмияҳ нашриёти.
76. Тарихи Хулафо, Жалолиддин Абдур-Раҳмон ибн Абу Бақр ас-Суютий, аш-Шофийй, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дору Содир нашриёти, нашр этилган йили: 1417-ҳижрий сана ва 1997-милодий сана, биринчи нашри.



77. Тарихул ислом ва вафаётил-машаахири вал-аълаам, Заҳабий, Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон Қоймоз Туркамоний, Ал-Мисрий, Аш-Шофийй, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул китаабил арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1409-ҳижрий сана йили, биринчи нашр.
78. Ал-Каамилу фит-тарих, Иззуддин Абул Ҳасан Али ибн Абил Карам Муҳаммад ибн Муҳаммад Абу Абдул Карим ибн Абдул Воҳид Аш-Шайбоний, Ибн Асийр Ал-Ҳазарий номи билан танилган, 555-ҳижрий сана йили туғилиб, 630-ҳижрий сана йили вафот этган, тадқиқотчи: Доктор Умар Абдус-Салом Тадмурий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Даарул китаабил арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1424-ҳижрий сана, 2004-милодий сана, тўртинчи нашри.
79. Уюнут-таваарийх, Муҳаммад ибн Шокир ибн Аҳмад Ал-Кутубий, 764-ҳижрий санада вафот этган, тадқиқотчи: Ҳисомиддин Қудсий ва Абу Мансур Ҳофиз, нашр этилган жойи: Қоҳира-Миср, Мактабатун-Наҳзатил Мисрияҳ нашриёти, нашр этилган йили: 1400-ҳижрий йили, 1980-милодий йили, биринчи нашри.
80. Ал-Иршод фий маърифати ҳужажиллаахи ʼалал ʼабаад, Муҳаммад ибн Муҳаммад Шайх Муфид номи билан танилган, 413-ҳижрий санада вафот этган, нашр этилган жойи: Қум-Эрон, Шайх Муфир Конгресси нашриёти, нашр этилган йили: 1413-ҳижрий йили, 1993-милодий йили, биринчи нашри.
81. Футухул-булдон, имом Аҳмад ибн Яҳё ибн Жобир, Ал-Бағдодий, Балозирий, нашр этилган жойи: Миср-Қоҳира, Ширкату таъбил-кутубил-арабийях нашриёти, биринчи нашри.
82. Муъжамул булдон, Абу Абдуллох Ёкуд ибн Абдуллох Бағдодий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан Ҳамовий, Даарул кутубил арабийях нашриёти, нашр этилган йили: 1400-ҳижрий сана йили.
83. Ал-Бидоятун ван-Нихояҳ, Исмоил ибн Касир Қураший Дамашкий Шофийй, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дору иҳёит-туросил арабий нашриёти, биринчи нашри.
84. Далааилун-нубуввах ва маърифату аҳваали соҳибиш-шарийъах, Абу Бакр Аҳмад ибн Хусайн, Ал-Байҳақий, тадқиқотчи: Доктор Абдул Муътий Қалъажий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил илмийях нашриёти, нашр этилган йили: 1423-ҳижрий сана йили, 2002-милодий сана, биринчи нашри.
85. Тарихул хомийс фий аҳваали анфуси нафийс, Аш-Шайх Хусайн ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Ад-Диёрбакрий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Муассасату Шаъбаан лин-нашри ват-тавзийъ нашриёти.
86. Китобул бадъи ват-таарих, Абу Зайд Аҳмад ибн Саҳл Ал-Балхий, вафот этган йили: 322-ҳижрий сана, тадқиқотчи: Халил Имрон Ал-Мансур, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил илмияҳ нашриёти, нашр этилган йили: 1417-ҳижрий сана, 1997-милодий сана, биринчи нашри.
87. Тариху Абул Фидоъ; Ал-мухтасар фий аҳбаарил башар, деб ном олган, Имодуддин Абул Фидоъ Исмоил ибн Али ибн Маҳмуд ибн Умар ибн Шоҳаншоҳ ибн Айюб, вафот этган йили: 732-ҳижрий сана, тадқиқотчи: Маҳмуд Дайюб, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Даарул кутубил илмияҳ нашриёти, нашр этилган йили: 1417-ҳижрий сана, 1997-милодий сана, биринчи нашри.
88. Тарихи Ибн Ал-Вардий, Зайнуддин Умар ибн Музаффар; Ибн Ал-Вардий номи билан шухрат қозонган, вафот этган йили: 749-ҳижрий сана, Даарул кутубил илмийях нашриёти, нашр этилган йили: 1417-ҳижрий сана йили, 1996-милодий сана, биринчи нашри.
89. Ат-Танбийҳ вал-Ишроф, Абулҳасан Али ибн Хусайн ал-Масъудий, аш-Шофеий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул маърифаҳ, нашр этилган йили: 1404-ҳижрий йили.

90. Ал-фусулун муҳиммах фий маърифати аҳволил аиммах, Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Ал-Моликий Ал-Маккий, ибн Саббоғ Моликий номи билан танилган, вафот этган йили: 855-ҳижрий сана, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Муассасатул аъламиий лил-матбуот, нашр этилган йили: 1408-ҳижрий сана, 1988-милодий сана, биринчи нашри.
91. Фажрул ислом, Аҳмад Амин Мисрий, нашр этилган жойи: Сайдо-Байрут; Ливан, Ал-Мазҳабатул асрийях нашриёти, нашр этилган йили: 1429-ҳижрий сана, 2008-милодий сана ва шунингдек, бошқа нашри эса; Байрут-Ливан, Дорул китобил арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1975-милодий сана, ўн биринчи нашри.
92. Мужжамул Булдон, Ёқут Ҳаммуий, нашр этилган жойи: Байрут-Даару Содир, нашр этилган йили: 1415-ҳижрий сана, 1995-милодий сана, биринчи нашри.
- Рижол китоблари:**
93. Китобул мувзӯот минал аходийсил марфуъот, Абул Фараж Абдур-Раҳмон ибн али ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Жавзий, вафот этган йили: 597-ҳижрий сана, тадқиқотчи: Тавфиқ Ҳамдон, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил илмийях нашриёти, нашр этилган йили: 1415-ҳижрий сана, 1995-милодий сана, биринчи нашри ва шунингдек, бошқа нашрида эса; тадқиқотчи: Доктор Нуриддин ибн Шукрий ибн Али Буё Жийлор, нашр этилган жойи: Риёз-Ас-саъудийях, Мазҳабату азвоис-салаф нашриёти, нашр этилган йили: 1418-ҳижрий сана, 1997-милодий сана, биринчи нашри.
94. Мийзонул-иътидол фий нақдир-рижол; Имом Шамсиддин Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон аз-Заҳабий, тадқиқотчи: Али Муҳаммад Ал-Жабовий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул фикр лит-табаъати ван-нашри ват-тавзийъ нашриёти, нашр этилган йили: 1382-ҳижрий сана, 1963-милодий йили, биринчи нашри.
95. Усдул ғобах фий маърифатис-саҳобах, Ибн Асийр Жазарий, Иззуддин Али ибн Муҳаммад ибн Абдул Карим Шайбоний, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил арабийях нашриёти, нашр этилган йили: 1415-ҳижрий сана йили.
96. Ал-истийъоб фий маърифатил-асҳоб, Ибн Абдул Барр Ал-Куртубий, Ал-Ашъарий, Абу Амр Юсуф ибн Абдуллох Ал-Моликий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул жайл нашриёти, нашр этилган йили: 1412-ҳижрий сана йили.
97. Ал-исоба фий тамйизис-саҳобах, Абул Фазл Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний, 852-ҳижрий санада вафот этган, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил илмийях нашриёти, нашр этилган йили: 1415-ҳижрий сана, 1995-милодий сана, биринчи нашри.
98. Таҳзибут-таҳзиб, Абул Фазл Аҳмад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳажар Асқалоний, 852-ҳижрий санада вафот этган, нашр этилган жойи: Ҳиндистон – Матбаъату Дааиротил маъарифин-низомийях нашриёти, нашр этилган йили: 1326-ҳижрий сана, биринчи нашри.
99. Табақоти ибн Саъд ёки Табақотус-саҳобати ват-тобиъийн вал-уламоъ, ёки Ат-Табақотул-кубро, Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Саъд ибн Манийъ аз-Зухрий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул фикр лит-табаъати ван-нашри ват-тавзийъ нашриёти, нашр этилган йили: 1414-ҳижрий сана, 1994-милодий сана, биринчи нашри.
100. Ал-лиъолил маснуъа фил аҳаадийсил мавзуъах, Жалолиддин Абдур-Раҳмон ибн Абу-Бакр ибн Носириддин Муҳаммад Шофийй Суютий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил илмиях нашриёти, нашр этилган йили: 1417-ҳижрий сана йили, 1997-милодий сана.

101. Муружуз-заҳаб ва маъадинул жавҳар, Абул Ҳасан Али ибн Ҳусайн ибн Али, ал-Масъудий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дору ихёит-туросил арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1422-ҳижрий сана ва 2002-милодий сана, биринчи нашри.
102. Тазкиратул мавзуъаат, Муҳаммад Тохир бин Али Ал-Ҳиндий Ал-Фатаний, вафот этган йили: 986-ҳижрий сана, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дору ихёит-туросил арабий нашриёти, нашр этилган йили: 1415-ҳижрий сана ва 1995-милодий сана, учинчи чопи.
103. Ал-Аълаам, Хайруддин ибн Муҳмуд ибн Муҳаммад ибн Али ибн Форис аз-Зиркилий Ад-Дамашкий, вафот этган йили: 1396-ҳижрий сана, нашр этилган жойи: Байрут – Ливан, Даарул илм лил-малаайин, нашр этилган йили: 2002-милодий сана, бешинчи чопи.
104. Ал-мужтано, ибн Дунрайд.

#### **Ақидавий китоблар:**

105. Шарҳул мавокиф, Қози Азудуддин Абдур-Раҳмон Ал-Ижзий, вафот этган йил: 756-ҳижрий йил, татқиқотчи: Маҳмуд Умар Ад-Димётгий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил илмийях нашриёти, нашр этилган йили: 1419-ҳижрий сана, 1998-милодий сана, биринчи нашри.
106. Шарҳул Мақосид, Масуд бин Умар бин Абдуллоҳ, Саъиддин Тафтазоний номи билан танилган, вафот этган йил: 793-ҳижрий йил, татқиқотчи: Доктор Абдураҳмон Умайра.
107. Тамҳийдул аваил ва талхийсуд-далааил, Қози Абу Бакр Муҳаммад ибн Ат-Таййиб Ал-Боқилоний, вафот этган йили: 403-ҳижрий қамарий, татқиқотчи: Аш-Шайх Имодуддин Аҳмад Ҳайдар, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Муссасатул кутубис-сақофийях нашриёти, нашр этилган йили: 1414-ҳижрий йил, 1993-милодий йил, учинчи нашри.
108. Ал-Милалу ван-Ниҳал, Абул Фатҳ Муҳаммад ибн Абдулкарим ибн Абу Бакр Аҳмад Шаҳристоний, татқиқотчи: Сидқий Жамил Ал-Аттор, Амир Али Маҳно-Али Ҳасан Фоъур ҳамда Доктор Салоҳиддин Ал-Ҳаворий, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул фикр ва Дорул маърифат ва Мактабатул ҳилол нашриётлари, нашр этилган йили: 1422, 1421 ва 1418-ҳижрий сана, 2002, 2001 ва 1998-милодий йили, иккинчи ва саккизинчи ва биринчи чоплари.

#### **Фикҳий китоблар:**

109. Ал-Муҳалло шарҳул мужалло, Абу Муҳаммад Али ибн Аҳмад ибн Саид ибн Ҳазм, Ибн Ҳазм исми билан шуҳрат қозонган, татқиқотчи: Устоз Аҳмад Муҳаммад Шоқир, нашр этилган жойи: Миср-Қоҳира, Мазҳабату дорит-турос нашриёти ва шунингдек, Байрут-Ливан, Дору ихёит-туросил арабий ва муассасатут-тарихил арабий, нашр этилган йили: 1422-ҳижрий йил ва 2001-милодий йил, иккинчи нашри.
110. Ал-Маҳсул фий илми усулил фикҳ, Фаруддин Муҳаммад ибн Умар Ар-Розий, Фаҳри Розий номи билан танилган, татқиқотчилар: Одил Аҳмад Абдул Мавжуд ва Али Муҳаммад Муавваз, нашр этилган жойи: Сайдо-Байрут; Ливан, Ал-Мазҳабатул асрийях нашриёти, нашр этилган йили: 1420-ҳижрий йил, 1999-милодий йил, иккинчи нашри.
111. Ал-Фатавал Кубро, Тақийюддин Абул Аббос Аҳмад ибн Абдул Ҳалим ибн Таймия Ал-Ҳарроний, Ибн Таймия номи билан танилган, татқиқотчилар: Муҳаммад Абдул Қодир Ато ва Мустафо Абдул Қодир Ато, нашр этилган жойи: Байрут-Ливан, Дорул кутубил илмийях нашриёти, нашр этилган йили: 1408-ҳижрий сана, 1987-милодий сана, биринчи нашри, 6 жилдлик китоб.

